

**SCIENCE**  
**PROBLEMS.UZ**

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences  
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar  
fanlarning dolzarb  
muammolari**

1-son (5-jild)

**2025**

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **IJTIMOIIY-GUMANITAR FANLARNING DOLZARB MUAMMOLARI**

*№ 1 (5) - 2025*

## **АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**TOSHKENT-2025**

## **BOSH MUHARRIR:**

Isanova Feruza Tulqinovna

## **TAHRIR HAY'ATI:**

### *07.00.00- TARIX FANLARI:*

Yuldashev Anvar Ergashevich – tarix fanlari doktori, siyosiy fanlar nomzodi, professor, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Davlat boshqaruvi akademiyasi;

Mavlanov Uktam Maxmasabirovich – tarix fanlari doktori, professor, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Davlat boshqaruvi akademiyasi;

Xazratkulov Abror – tarix fanlari doktori, dotsent, O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti.

Tursunov Ravshan Normuratovich – tarix fanlari doktori, O'zbekiston Milliy Universiteti;

Xolikulov Axmadjon Boymahammadovich – tarix fanlari doktori, O'zbekiston Milliy Universiteti;

Gabrielyan Sofya Ivanovna – tarix fanlari doktori, dotsent, O'zbekiston Milliy Universiteti.

Saidov Sarvar Atabullo o'g'li – katta ilmiy xodim, Imom Termiziy xalqaro ilmiy-tadqiqot markazi, ilmiy tadqiqotlar bo'limi.

### *08.00.00- IQTISODIYOT FANLARI:*

Karlibayeva Raya Xojabayevna – iqtisodiyot fanlari doktori, professor, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti;

Nasirxodjayeva Dilafuz Sabitxanovna – iqtisodiyot fanlari doktori, professor, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti;

Ostonokulov Azamat Abdukarimovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor, Toshkent moliya instituti;

Arabov Nurali Uralovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor, Samarqand davlat universiteti;

Xudoyqulov Sadirdin Karimovich – iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti;

Azizov Sherzod O'ktamovich – iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent, O'zbekiston Respublikasi Bojxona instituti;

Xojayev Azizxon Saidaloxonovich – iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent, Farg'ona politexnika instituti

Xolov Aktam Xatamovich – iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Davlat boshqaruvi akademiyasi;

Shadiyeva Dildora Xamidovna – iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent v.b, Toshkent moliya instituti;

Shakarov Qulmat Ashirovich – iqtisodiyot fanlari

nomzodi, dotsent, Toshkent axborot texnologiyalari universiteti

### *09.00.00- FALSAFA FANLARI:*

Hakimov Nazar Hakimovich – falsafa fanlari doktori, professor, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti;

Yaxshilikov Jo'raboy – falsafa fanlari doktori, professor, Samarqand davlat universiteti;

G'aybullayev Otabek Muhammadiyevich – falsafa fanlari doktori, professor, Samarqand davlat chet tillar instituti;

Saidova Kamola Uskanbayevna – falsafa fanlari doktori, "Tashkent International University of Education" xalqaro universiteti;

Hoshimxonov Mo'min – falsafa fanlari doktori, dotsent, Jizzax pedagogika instituti;

O'roqova Oysuluv Jamoliddinovna – falsafa fanlari doktori, dotsent, Andijon davlat tibbiyot instituti, Ijtimoiy-gumanitar fanlar kafedrasini mudiri;

Nosirxodjayeva Gulnora Abdukaxxarovna – falsafa fanlari nomzodi, dotsent, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Turdiyev Bexruz Sobirovich – falsafa fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent, Buxoro davlat universiteti.

### *10.00.00- FILOLOGIYA FANLARI:*

Axmedov Oybek Saporbayevich – filologiya fanlari doktori, professor, O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti;

Ko'chimov Shuxrat Norqizilovich – filologiya fanlari doktori, dotsent, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Hasanov Shavkat Ahadovich – filologiya fanlari doktori, professor, Samarqand davlat universiteti;

Baxronova Dilrabo Keldiyorovna – filologiya fanlari doktori, professor, O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti;

Mirsanov G'aybullo Qulmurodovich – filologiya fanlari doktori, professor, Samarqand davlat chet tillar instituti;

Salaxutdinova Musharraf Isamutdinovna – filologiya fanlari nomzodi, dotsent, Samarqand davlat universiteti;

Kuchkarov Raxman Urmanovich – filologiya fanlari nomzodi, dotsent v/b, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Yunusov Mansur Abdullayevich – filologiya fanlari nomzodi, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Davlat boshqaruvi akademiyasi;

Saidov Ulugbek Aripovich – filologiya fanlari nomzodi, dotsent, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Davlat boshqaruvi akademiyasi.

#### *12.00.00- YURIDIK FANLAR:*

Axmedshayeva Mavlyuda Axatovna – yuridik fanlar doktori, professor, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna – yuridik fanlar doktori, professor, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Esanova Zamira Normurotovna – yuridik fanlar doktori, professor, O'zbekiston Respublikasida xizmat ko'rsatgan yurist, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Hamroqulov Bahodir Mamasharifovich – yuridik fanlar doktori, professor v.b., Jahon iqtisodiyoti va diplomatiya universiteti;

Zulfiqorov Sherzod Xurramovich – yuridik fanlar doktori, professor, O'zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti;

Xayitov Xushvaqt Saparbayevich – yuridik fanlar doktori, professor, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Davlat boshqaruvi akademiyasi;

Asadov Shavkat G'aybullayevich – yuridik fanlar doktori, dotsent, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Davlat boshqaruvi akademiyasi;

Ergashev Ikrom Abdurasulovich – yuridik fanlari doktori, professor, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Utemuratov Maxmut Ajimuratovich – yuridik fanlar nomzodi, professor, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Saydullayev Shaxzod Alixanovich – yuridik fanlar nomzodi, professor, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Hakimov Komil Baxtiyarovich – yuridik fanlar doktori, dotsent, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Yusupov Sardorbek Baxodirovich – yuridik fanlar doktori, dotsent, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Amirov Zafar Aktamovich – yuridik fanlar doktori (PhD), O'zbekiston Respublikasi Sudyalar oliy kengashi huzuridagi Sudyalar oliy maktabi;

Jo'rayev Sherzod Yuldashevich – yuridik fanlar nomzodi, dotsent, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Babadjanov Atabek Davronbekovich – yuridik fanlar nomzodi, dotsent, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Normatov Bekzod Akrom o'g'li — yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Rahmatov Elyor Jumaboyevich — yuridik fanlar nomzodi, Toshkent davlat yuridik universiteti;

#### *13.00.00- PEDAGOGIKA FANLARI:*

Xashimova Dildarxon Urinboyevna – pedagogika fanlari doktori, professor, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Ibragimova Gulnora Xavazmatovna – pedagogika fanlari doktori, professor, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti;

Zakirova Feruza Maxmudovna – pedagogika fanlari doktori, Toshkent axborot texnologiyalari universiteti huzuridagi pedagogik kadrlarni qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish tarmoq markazi;

Kayumova Nasiba Ashurovna – pedagogika fanlari doktori, professor, Qarshi davlat universiteti;

Taylanova Shoxida Zayniyevna – pedagogika fanlari doktori, dotsent;

Jumaniyozova Muhayyo Tojiyevna – pedagogika fanlari doktori, dotsent, O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti;

Ibraximov Sanjar Urunbayevich – pedagogika fanlari doktori, Iqtisodiyot va pedagogika universiteti;

Javliyeva Shaxnoza Baxodirovna – pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), Samarqand davlat universiteti;

Bobomurotova Latofat Elmurodovna — pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), Samarqand davlat universiteti.

#### *19.00.00- PSIXOLOGIYA FANLARI:*

Karimova Vasila Mamanosirovna – psixologiya fanlari doktori, professor, Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti;

Hayitov Oybek Eshboyevich – Jismoniy tarbiya va sport bo'yicha mutaxassislarni qayta tayyorlash va malakasini oshirish instituti, psixologiya fanlari doktori, professor

Umarova Navbahor Shokirovna– psixologiya fanlari doktori, dotsent, Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti, Amaliy psixologiyasi kafedrasi mudiri;

Atabayeva Nargis Batirovna – psixologiya fanlari doktori, dotsent, Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti;

Shamshetova Anjim Karamaddinovna – psixologiya fanlari doktori, dotsent, O‘zbekiston davlat jahon tillari universiteti;

Qodirov Obid Safarovich – psixologiya fanlari doktori (PhD), Samarkand viloyat IIB Tibbiyot bo‘limi psixologik xizmat boshlig‘i.

*22.00.00- SOTSILOGIYA FANLARI:*

Latipova Nodira Muxtarjanovna – sotsiologiya fanlari doktori, professor, O‘zbekiston milliy universiteti kafedra mudiri;

Seitov Azamat Po‘latovich – sotsiologiya fanlari doktori, professor, O‘zbekiston milliy universiteti;

Sodiqova Shohida Marxaboyevna – sotsiologiya fanlari doktori, professor, O‘zbekiston xalqaro islom akademiyasi.

*23.00.00- SIYOSIY FANLAR*

Nazarov Nasriddin Ataqulovich –siyosiy fanlar doktori, falsafa fanlari doktori, professor, Toshkent arxitektura qurilish instituti;

Bo‘tayeov Usmonjon Xayrullayevich –siyosiy fanlar doktori, dotsent, O‘zbekiston milliy universiteti kafedra mudiri.

---

## **OAK Ro‘yxati**

Mazkur jurnal Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasi Rayosatining 2022-yil 30-noyabrdagi 327/5-son qarori bilan tarix, iqtisodiyot, falsafa, filologiya, yuridik va pedagogika fanlari bo‘yicha ilmiy darajalar yuzasidan dissertatsiyalar asosiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro‘yxatiga kiritilgan.

---

**“Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari”** elektron jurnali 2020-yil 6-avgust kuni 1368-sonli guvohnoma bilan davlat ro‘yxatiga olingan.

**Muassis:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” mas’uliyati cheklangan jamiyati

### **Tahririyat manzili:**

100070. Toshkent shahri, Yakkasaroy tumani, Kichik Beshyog‘och ko‘chasi, 70/10-uy. Elektron manzil:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

### **Bog‘lanish uchun telefon:**

(99) 602-09-84 (telegram).

## MUNDARIJA

### 07.00.00 – TARIX FANLARI

<i>Xadjamuratova Matlyuba Xashimovna</i> YOSHLARNI IJTIMOIIY HIMOYA QILISHNING TARIXIY ILDIZLARI .....	11-15
<i>Abdimo‘minov Oybek Bektemirovich</i> MARKAZIY OSIYODA KO‘PTOMONLAMA MUNOSABATLAR: TARIXIY YONDASHUVLAR, SIYOSIY VA IQTISODIY INTEGRATSIYA .....	16-22
<i>Шадманов Турдибай Рузибаевич</i> ПРОБЛЕМЫ ПЛАНИРОВАНИЯ ПРИ СТРОИТЕЛЬСТВЕ ЖИЛЬЯ В УЗБЕКИСТАНЕ В ПЕРИОД 1940-1960 ГГ .....	23-27
<i>Мирзаева Наргиза Беркиновна, Рузиева Мухлиса Баходир кизи</i> ИНВАЛИДНОСТЬ И ЕЕ ИСТОРИЯ. СОЦИАЛЬНАЯ ЗАЩИТА ИНВАЛИДОВ В УЗБЕКИСТАНЕ .....	28-33
<i>Abdug‘aniyev Bekzod Abduvali o‘gli</i> SUG‘DIYLARDA DIN MASALASI: ZARDUSHTIYLIK VA MAZDAKIYLIK .....	34-40
<i>Umrzoqov Maqsud Shokirovich</i> V.L.VYATKINNING SAMARQANDNING TARIXIY YODGORLIKLARINI O‘RGANISHGA DOIR ISHLARI .....	41-46
<i>Ochildiyev Lochinbek</i> QASHQADARYO VOHASI TARIXIY-MADANIY YODGORLIKLARI, ZIYORATGOHLARI ULARNING TARIXIY-ETNOGRAFIK XUSUSIYATLARI .....	47-56
<i>Mamatqulov Bekzod, Bozorov Alisher</i> O‘ZBEKISTONDA SANOAT TARMOQLARINING RIVOJLANISHIDA JANUBIY VILOYATLARNING O‘RNI (1924-1991-YILLAR) .....	57-64

### 08.00.00 – IQTISODIYOT FANLARI

<i>Мамажонов Акрамжон</i> МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР (УМУМЛАШГАН ДАРОМАДЛАР) ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ ВА УНИ ШАКЛЛАНИШИ .....	65-71
<i>Xolmuratov Xolilla</i> O‘ZBEKISTONDA QAYTA TIKLANUVCHI ENERGIYA MANBALARINI RIVOJLANTIRISH VA ENERGO-SAMARADORLIKNI OSHIRISH ISTIQBOLLARI: IQTISODIY VA IJTIMOIIY TAHLIL .....	72-83
<i>Karimov Khojakbar</i> INNOVATION POTENTIAL AND TECHNOLOGICAL DEVELOPMENT IN UZBEKISTAN’S MANUFACTURING SECTOR: ENHANCING EFFICIENCY THROUGH AI-DRIVEN MANAGEMENT OF INNOVATIVE INFRASTRUCTURES .....	84-90
<i>Тўлаков Улуғбек Тошмаматович</i> СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР .....	91-105

<i>Xolmurotov Fozil</i> RAQOBATBARDOSHLIKNI OSHIRISH VA EKSPORTNI RIVOJLANTIRISH ORQALI MINTAQAVIY IQTISODIY BARQARORLIKNI TA'MINLASH: NAZARIYA VA AMALIY YONDASHUVLAR .....	106-118
<i>Komilov Bakhtiyorjon</i> OPPORTUNITIES AND CHALLENGES IN E-COMMERCE LOGISTICS IN CENTRAL ASIA .....	119-129
<i>Abdusattorov Sodiqjon</i> TA'LIM XIZMATLARI BOZORIDA TADBIRKORLIK FAOLIYATI TURLARI .....	130-134
<i>G'anibayev Ilxomjon</i> AUDITORLIK DALILLARI ISHONCHLILIGINI TA'MINLASHDA INTERVYU USULINING AHAMIYATI .....	135-145
<i>Akhmedov Khasan</i> ISSUES OF IMPROVING THE SYSTEM OF COMPENSATION PAYMENTS UNDER COMPULSORY CIVIL LIABILITY INSURANCE .....	146-153
<i>Саттаров Абдусамат Умирқулович</i> МИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЁТДА БАҲОЛАШ МЕТОДИКАСИ ВА УНДА ЭКОНОМЕТРИК УСУЛЛАР .....	154-159
<i>Musamukhamedov Azimjon Jamoliddinovich</i> O'ZBEKISTONDA ISLOMIY MIKROMOLIYA: BARQARORLIK VA FAROVONLIK SARI ADOLATLI YO'L .....	160-168
<b>09.00.00 – FALSAFA FANLARI</b>	
<i>Xaitov Elmurod Bekmurodovich</i> DUNYO AHOLISINING O'SISH DINAMIKASIGA TA'SIR ETUVCHI IJTIMOIIY KO'RSATKICHLAR VA AHOLI HAYOT SIFATI .....	169-174
<i>Abdullayeva Xulkar Raxmatullayevna</i> BIOEPISTEMOLOGIYA YOKI EPISTEMOLOGIYADA FANLARARO YONDASHUVLAR .....	175-179
<i>Sulaymonov Maxmudjon Shuxratbekovich</i> O'ZBEKISTONDA FUQAROLIK POZITSIYASI SHAKLLANISHIGA TA'SIR KO'RSATUVCHI IJTIMOIIY OMILLARNING FALSAFIY TAHLILI .....	180-185
<i>Berdaliyeva Sevara</i> YUSUF XOS HOJIBNING AXLOQIY QARASHLARINI SHAKLLANISHINING TARIXIY-IJTIMOIIY OMILLARI .....	186-198
<i>Ergashev Urolbek Berkinovich</i> AHMAD TOSHKO'PRIZODA ILMLAR TASNIFINING AHAMIYATI .....	199-205
<i>Qaxorov Pulotjon Xursanmurodovich</i> INSON GO'ZALLIGI VA UNING AXLOQIY VAHOSI .....	206-211
<i>Абдуллаходжаев Гайрат</i> ГЛОБАЛИЗАЦИЯ И ЕЁ ВЛИЯНИЕ НА ЭСТЕТИЧЕСКОЕ ВОСПИТАНИЕ МОЛОДЕЖИ .....	212-215
<i>Ro'ziyev Maqsud O'rinovich</i> ABULHASAN BAHMANYOR SHAXSIYATI VA MA'NAVIY MEROSI .....	216-220

## 10.00.00 – FILOLOGIYA FANLARI

<i>O'zbekov Umidjon Narzullo o'g'li, Boboqulova Nilufar Xayrullo qizi</i> BOSHLANG'ICH TA'LIM INGLIZ TILI DARSLARIDA OG'ZAKI NUTQNI SHAKLLANTIRISH .....	221-225
<i>Kamalova Madina</i> CHINGIZ AYTMATOV ASARLARIDA BOLA RUHIYATI .....	226-230
<i>Karimov Rivojiddin Gulamjonovich</i> DISCOURSE AND ITS LINGUOCULTURAL INTERPRETATION .....	231-240
<i>Baxtiyorova Maftuna Baxtiyorovna</i> INGLIZ TILIDA ANTROPONIMIK BIRLIKLARNING LEKSIK-SEMANTIK TAHLILI .....	241-246
<i>Nurmuxammedov Yusuf Shakarboyevich</i> FRAZEOLOGIK BIRLIKLARNING MA'NO QATLAMLARI, METAFORA VA METONIMIYA KABI LINGVISTIK HODISALAR BILAN ALOQASI .....	247-251
<i>Xujakulov Ravshan Isroilovich</i> INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA XALQ TABOBATIGA OID LEKSIK BIRLIKLARNING DERIVATSION TADQIQI .....	252-258
<i>Olimova Khurshida Vaydillayevna</i> PROPER NOUNS IN ENGLISH AND UZBEK: STRUCTURE AND THEIR UNIQUE FEATURES .....	259-263
<i>Ermatov Ixtiyor, Risqulova Muslima</i> "DEVONU LUG'OTIT TURK" ASARIDA TOPONIMLARNING BERILISHI .....	264-269
<i>Abduraimova Dinara Bahodir qizi, Abdullayeva Nilufar Ramazonovna</i> INGLIZ TILIDAGI LEKSIK MATERIALLARNI BOYITISHDA ZAMONAVIY TEKNOLOGIYALARNING O'RNI .....	270-273
<i>Mardonov Maxmud</i> LATIFALARNI TASNIF QILISH MEZONLARI VA TASNIFOTI .....	274-280
<i>Nazarov Sardor Shamurodovich</i> A COMPARATIVE STUDY OF STRUCTURAL-SEMANTIC CHARACTERISTICS OF ENGLISH AND UZBEK LANGUAGE WORD COMBINATIONS .....	281-284

## 12.00.00 – YURIDIK FANLAR

<i>Абдурасулова Кумриниса Раимкуловна, Каракетова Дилноза Юлдашевна</i> КРИМИНОЛОГИЯДА САБАБИЯТ .....	285-302
<i>Yumatov Bogdan Olegovich</i> APPROACHES TO UNDERSTANDING THE PRINCIPLES OF ANTI-CORRUPTION MONITORING .....	303-309
<i>Абдурахманова Нодирахон</i> ПРОБЛЕМЫ ИМПЛЕМЕНТАЦИИ СМАРТ-КОНТРАКТОВ В ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВО УЗБЕКИСТАНА .....	310-317
<i>Бекбутаева Лобар</i> СОЦИАЛЬНАЯ ЗАЩИТА ПРАВ ДЕТЕЙ-СИРОТ И ДЕТЕЙ, ОСТАВШИХСЯ БЕЗ ПОПЕЧЕНИЯ РОДИТЕЛЕЙ: МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫЕ СТАНДАРТЫ И НАЦИОНАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ .....	318-323



<i>Nishonov Abdulloh Ubaydulloh o'g'li</i> CHIQUINDILARNI TRANSCHEGARAVIY TASHISH VA OLIB O'TISHNING XALQARO HUQUQIY TARTIBI .....	324-329
<i>Саидов Шохруххон Музаффарович</i> ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ИЖОДКОРЛИГИ ФАОЛИЯТИДАГИ ИШТИРОКИНИ БАҲОЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ .....	330-338
<i>Maxmudov Sunnat Azim o'g'li</i> AYBLILIK TO'G'RISIDAGI MASALANI HAL QILMAY TURIB JINOYAT ISHINI TUGATISH TARTIBI: QONUNCHILIKDAGI MUAMMOLAR TAHLILI .....	339-348
<i>Inomxo'jaeva Sanobar Muxammadixonovna</i> JAMIYATDA HUQUQIY ONGNI RIVOJLANTIRISHDA HUQUQIY TARBIYA USULLARINING AHAMIYATI .....	349-355
<i>Mirzakarimova Dilafruz Doniyorovna</i> SUN'IY INTELLEKT, ROBOTOTEXNIKA VA HUQUQ: SUN'IY INTELLEKTNING XAVFSIZ KIBERXAVFSIZLIK TIZIMLARIGA TA'SIRI .....	356-362
<i>Raximjonova Nargizaxon Raximjonovna</i> YAGONA JINOYATNING JINOYAT-HUQUQIY TAVSIFI .....	363-368
<i>Dehqanov Raxmatilla Mirzaraxmat o'g'li</i> ISTE'MOLCHILAR ISHTIROKIDAGI TRANSCHEGARAVIY MUNOSABATLAR UCHUN QO'LLANADIGAN HUQUQ .....	369-374
<b>13.00.00 - PEDAGOGIKA FANLARI</b>	
<i>Iminaxunova Iroda Xuseynovna</i> DIAGNOSTIK YONDASHUV ASOSIDA XORIJIY TILNI O'QITISH IMKONIYATLARI .....	375-379
<i>Xusanova Mohira</i> XORIJIY TILLARNI O'QITISH VA NAZORAT QILISHNING MAZMUNI .....	380-386
<i>Haqberdiyev Baxtiyor Rustamovich</i> TEXNIK VA SAN'AT FANLARINI INTEGRATIV O'QITISHDA SINERGETIK KOMPETENTLIKNI TAKOMILLASHTIRISH .....	387-391
<i>Erkulova Feruza Melikuziyevna</i> THE ROLE OF METHODOLOGICAL TRAINING IN ENHANCING PROFESSIONAL COMPETENCE OF FOREIGN LANGUAGE TEACHERS .....	392-402
<i>Malikova Madina Abduraxmon qizi</i> INGLIZ TILI DARSLARINI O'QITISH JARAYONIDA HAMKORLIK VA KOOPERATIV O'QITISH TEKNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISHNING USTUVOR USULLARI .....	403-407
<i>Умаров Азиз Авазович</i> РОЛЬ ДИАЛОГИЧЕСКОЙ РЕЧИ В ОБУЧЕНИИ РУССКОМУ ЯЗЫКУ: МЕТОДИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ .....	408-412
<i>Рахмонова Шалола Фахриддин кизи</i> ЖАМИЯТ РИВОЖЛАНИШИДА МЕДИА КОМПЕТЕНЦИЯНИНГ ЎРНИ .....	413-417
<i>Boymirzaeva Raximaxon Xoshimjonovna</i> XALQ TA'LIMI PEDAGOGLARNI MALAKASINI OSHIRISH JARAYONIDA HUQUQIY ONG VA HUQUQIY MADANIYATINI YUKSALTIRISHGA OID XORIJ TAJRIBASI .....	418-427

<i>Jamolova Mohigul Baxtiyorovna</i> BO'LAJAK CHET TILI FANI O'QITUVCHILARINING TANQIDIY FIKRLASH QOBILİYATLARINI RIVOJLANTIRISHNING NAZARIY VA METODIK ASOSLARI .....	428-432
<i>Raxmatov Mirzo Mukimovich</i> BO'LAJAK INFORMATIKA O'QITUVCHILARIGA DASTURLASH TILLARINI O'QITISHNI TAKOMILLASHTIRISHDA SEMIOTIK YONDASHUV .....	433-438
<i>Umirova Mamlakat Imomovna</i> NUTQIY MADANIYATNI O'STIRISHNING NAZARIY VA AMALIY ASOSLARI .....	439-442
<i>Nafasov Arslon Komilovich</i> TARIX FANINI O'QITISH PEDAGOGIK TADQIQOTLAR OBYEKTI SIFATIDA .....	443-448
<i>Valiyeva Nasiba Xadiytullayevna</i> OLİY TA'LIMDA O'QITISHNI RAQAMLASHTIRISHDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK METOD VA MODELLAR .....	449-455
<i>Мухаммадиева Угилрой Холмуродовна</i> ФОРМИРОВАНИЕ НАВЫКОВ И КОМПЕТЕНЦИЙ В ОБЛАСТИ СИНХРОННОГО ПЕРЕВОДА У СТУДЕНТОВ .....	456-463
<i>Qosimova Ozoda Xudoynazarovna</i> PEDAGOG XOTIN-QIZLARNING IJTIMOY FAOLLIGINI RIVOJLANTIRISHNING IJTIMOY- PEDAGOGIK TAHLILI .....	464-472

**07.00.00-TARIX FANLARI – HISTORICAL SCIENCES**

**Received:** 20 December 2024

**Accepted:** 5 January 2025

**Published:** 15 January 2025

*Article / Original Paper*

**HISTORICAL ROOTS OF SOCIAL PROTECTION OF YOUTH**

**Khadzhamuratova Matlyuba Khashimovna,**

Doctor of historical Sciences (DSc),

Alfraganus University

**Abstract.** This article describes the historical roots of social protection of youth.

**Keywords:** youth, social protection, courage, work culture, savings, behavior, cleanliness.

**YOSHLARNI IJTIMOY HIMOYA QILISHNING TARIXIY ILDIZLARI**

**Xadjamuratova Matlyuba Xashimovna,**

tarix fanlari doktori (DSc),

Alfraganus universiteti

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada yoshlarni ijtimoiy himoya qilish masalasining tarixiy ildizlari bayon etilgan.

**Kalit soʻzlar:** yoshlar, ijtimoiy himoya, jasorat, pahlavon, mehnat madaniyati, omonat, xulq-atvor, tozalik, muqaddas.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V5I1Y2025N01>

**Kirish.** Aholini, ayniqsa yoshlarni ijtimoiy himoya qilish doimo davlatimiz siyosatining ustuvor yoʻnalishlaridan biri boʻlib kelgan. Taraqqiyotning yangi bosqichida esa ijtimoiy himoya masalasiga yangicha, innovatsion yondoshuv asosida “Yangi Oʻzbekistonni oʻz hayotidan rozi, baxtli insonlar mamlakatiga, har tomonlama rivojlangan ijtimoiy makonga aylantirish”[1] day konseptual gʻoya, islohotlarimizning asosiy maqsadiga aylandi.

Turli davrlarda yoshlik va yetuklik andozalari turlicha belgilangan. Qadimgi mutafakkirlar, masalan, hayotiy siklni yil fasllariga oʻxshash tarzda boʻlib chiqishadi. Pifagor bolalik va yoshlikni qamrab oluvchi “bahor” 20 yoshgacha, “yoz” 20 yoshdan 40 yoshgacha, sermahsul yetuklik hisoblangan “kuz” esa 40 yoshdan 60 yoshgacha davom etadi deb hisoblagan. Solon inson hayotini oʻnta “sedmis”ga boʻlib chiqadi, boz ustiga yoshlik 14 yoshdan boshlanadi, jismoniy kuchga toʻlgan davr 21-28 yoshga toʻgʻri keladi, aql 28-42 yoshlarda charxlanadi[2].

“YUNESKO 17-25 yoshdagilarni yoshlar jumlasiga kiritadi. V.V.Pavlovskiy mazkur guruhning yosh doiralarini oʻsmirlik va balogʻatga yetganlik umumiyliigi oʻrtasida oʻtish holatini egallovchi 15 yoshdan 30 yoshgacha boʻlgan davrgacha deb belgilaydi”3[].

I.T.Gusu, I.S.Ikonnikova, E.M.Kas, V.T.Lisovskiy, A.A.Paskar, S.I.Plaskiy va boshqalar “yoshlar” toifasiga 16 yoshdan 30 yoshgacha boʻlgan odamlarni kiritadi. A.S.Zapesoskiy,

B.V.Knyazev, I.M.Slepenkov yoshlikning pastki chegarasini – 14 yosh, yuqorisini – 30 yosh deb belgilaydi[4]. T.N.Boyak tadqiqotlarida ham ushbu fikrlar o‘z tasdig‘ini topgan.

O‘zbekistonning qonun hujjatlarida – “yoshlar (yosh fuqarolar) – o‘n to‘rt yoshga to‘lgan va o‘ttiz yoshdan oshmagan shaxslar”[5], – deb belgilangan.

Bir qator olimlar izlanishlarida “yoshlar” deganda kimlarni nazarda tutish kerakligiga to‘xtalib o‘tib, “yoshlar” tushunchasiga alohida ta‘rif berishgan. Yoshlarni ijtimoiy mas‘uliyatga chorlagan olimlardan biri M.E.Dolgopolovanning fikricha “yoshlar yosh chegarasi va jamiyatdagi mavqeyi bilan ajralib turadigan maxsus ijtimoiy va yosh guruhidir: bolalik va yoshlikdan ijtimoiy mas‘uliyatga o‘tish”[5]dir.

**Mavzuni dolzarbli va hozirgi holati.** Yoshlar mavjud jamiyatda yaratilgan “makon” mahsuli bo‘lib, bu makonda erishilgan yutuq va kamchiliklar ularning dunyoqarashi, amaliy faoliyatida o‘z aksini topadi. Shu bois kelajak yaratuvchilarini tarbiyalash uchun jamiyatni barqarorligini ta‘minlashni tezlashtirish darkor.

Yoshlar – jamiyatning ijtimoiy-demografik mavqeyi bilan ajralib turuvchi guruhi bo‘lib, ya‘ni mavjud moddiy va ma‘naviy ne‘matlarning iste‘molchisi, davlatning innovatsion siyosati natijasida yuksak intellektual salohiyatga ega bo‘lishday kuch-quvvatini ro‘yobga chiqaruvchi, kashfiyot, ixtirolar yaratuvchisi hamda erishgan yutuqlari evaziga jamiyatni kelajagini ta‘minlovchi asosiy kuch.

**Tajriba qismi (tadqiqotni amalga oshirish).** Ijtimoiy himoya xalqimizning ko‘p asrlik tarixi mahsulidir. Yoshlarni vatanparvarlik, insonparvarlik ruhida tarbiyalash, ularda jasorat, matonat tuyg‘ularini shakllantirishga xizmat qilib kelgan tunganmas ma‘naviyatimiz durdonalari mustahkam poydevor vazifasini o‘tab kelgan va hozirgi kunda ham o‘z ahamiyatini yo‘qotmagan. Chunki, globallashuv sharoitida yoshlarni ijtimoiy himoya qilishda jahon sivilizasiyasi yutuqlaridan bahramand bo‘lgan holda milliy o‘zlikni saqlab qolish muhim masala.

Shu bois ushbu bobda yoshlarni ijtimoiy himoya qilish masalasining tarixiy ildizlari va BMT, xalqaro tashkilotlar hamda xorijiy davlatlar tajribasi kontekstida ijtimoiy himoya masalasini tarixiy nuqtai nazardan tadqiq etishga alohida e‘tibor berilgan.

Yoshlarni vatanparvarlik, insonparvarlik ruhida tarbiyalash, ularda jasorat, matonat tuyg‘ularini shakllantirishga mustahkam poydevor vazifasini o‘tab kelgan ma‘naviyatimiz durdonalari hozirgi kunda ham o‘z ahamiyatini yo‘qotmagan. Bunday tarixiy asosga vatan, xalq taqdirini o‘z manfaatidan ustun qo‘yish, fidoyilik, jasorat, qat‘iyatlilik timsoli bo‘lgan To‘maris va Shiroq afsonalari, avloddan avlodga o‘tib, yuksak tarbiya vazifasini bajarib kelayotgan Alpomish va Go‘ro‘g‘li kabi xalq qahramonlarini mardlik va sadoqat bilan yo‘g‘rilgan jasoratlarini misol keltirish mumkin.

Birinchi Prezident I.Karimov ta‘kidlaganidek, – “bu dunyoda har qaysi millatning o‘z afsonaviy qahramonlari, o‘zi sevib ardoqlaydigan pahlavonlari bo‘ladi. Xalqimiz azaldan o‘z vujudi, o‘z tomirida mavjud ilohiy qudratga munosib bo‘lmoqqa intilib, o‘z o‘g‘lonlarini mardlik va halollik, jasurlik ruhida, el-yurt uchun jonini ham ayamaydigan asl pahlavonlar etib tarbiyalab kelgan”[6].

“Go‘ro‘g‘li” turkumi dostonlari qahramonlik va sevimli yor sadoqati, ota-ona va farzand burchi, birodarlik va do‘stlik masalalaridan bahs yuritadi”[7].

Jamiyat taraqqiyoti, yoshlar kamoloti borasida – “Ezgu fikr, ezgu so‘z va ezgu amalni olqishlayman. Fikr, so‘z va amal olamidanda ezgu fikr, ezgu so‘z va ezgu amalni tanlayman. Men

barcha yomon fikr, yomon soʻz va yomon amaldan yuz buraman”[8], – degan purmaʼno gʻoya ilgari surilib, asrlar davomida insonlarni ezgu maqsad sari chorlab kelgan “Avesto” hozirgi zamon uchun ham gʻoyat ahamiyatlidir.

Zardushtiylik taʼlimotida yoshlarni jamiyatga tayyorlash, ularni hayotning ilgʻorroq bosqichlariga koʻtarish kabi tashabbuskor yondoshuv gʻoyalari ilgari surilgan. Ushbu gʻoyalarni hayotga tatbiq etish yoʻnalishlari qonun-qoidalar asosida qatʼiy belgilangan. Avvalo, murgʻak qalb egasi tugʻilgan makonda oʻrnatilgan turmush madaniyatiga kuzatish, anglab yetish orqali koʻnikib borgan.

Bolalikdan sogʻlom turmush tarziga yoʻnaltirish orqali yoshlar ongida madaniyatning turli qirralari shakllantirilgan. Natijada ularda tarixiy javobgarlik masʼuliyati ham namoyon boʻla boshlagan. Zardushtiylik taʼlimotida yoshlarni siyosiy madaniyatni shakllantirish nazariyasi ham ilgari surilgan.

“Olam obodligi uchun gʻayrat koʻrsatmoq lozim, uni yaxshilik bilan asramoq va yorugʻlik sari eltmoq kerak”[8] – deyiladi “Avesto”da. Yovuzlik, bosqinchilik, talonchilik, adolatsizlikka qarshi birdamlik, ahillik bilan kurashib, tinchlik va totuvlikni saqlash orqali jamiyat taraqqiyoti, farovonligiga erishish mumkinligi bayon etilgan. Odamlarda bunyodkor gʻoyalarga nisbatan xayrixohlik, vayronkor gʻoyalarga nisbatan nafrat hissi kuchayib borgan.

“Avesto”da – yaxshilik olami hukmdorining amr-irodasi bilan qishloq va xonumonlarda ayollar va erlar shaʼniga qoʻshiqlar yangragaydir”[8], – deb, jamiyat aʼzolarining har tomonlama farovonligini taʼminlash choralari bayon etilgan.

“Zardushtiylik taʼlimotiga koʻra, sernufuz va homilador ayollar jamoa tomonidan ijtimoiy himoya qilingan. Koʻp bolali oilalarga davlat hisobidan nafaqa tayinlash lozimligi qayd etilgan, bir yoʻla 2-3 ta tuqqan ayollar mukofot olishga sazovor, deb uqtiriladi”[9]. Goʻdakni onasi qornida oʻlib ketmasligi uchun asrab-avaylashga daʼvat qilingan. Yoshlar jamiyatda oʻrnatilgan mavjud qonun-qoidalarni oʻrganishi, unga rioya qilishi zardushtiylik taʼlimotida ham belgilangan. Huquqiy madaniyatni shakllantirilishi zoʻravonlikka, oʻzboshimchalikka maʼlum darajada chek qoʻyib, jamiyat farovonligiga yoʻl ochib berishi uqtirilgan.

**Olingan natijalar tahlili.** Mehnat madaniyatini ulugʻlash “Avesto”da inson tarbiyasida asosiy qoidalaridan biri boʻlgan. Mehnat ulugʻlangani bois yoshlarda mehnat qilish orqali amaliy koʻnikmalar ortib borishi bu sohada bilim, tajribalar toʻplanishiga, turli sohalarni takomillashishiga turtki bergan.

Mehnat madaniyati – yoshlikdan shakllanadi. Mehnat har bir qoʻlga kiritilgan muvaffaqiyatning garovi, irodani mustahkamlanishi, aqlni charxlanishi, maʼlum kasb-korlikni egallash, intellektual salohiyatga erishish mehnat orqali qoʻlga kiritiladi. Shuningdek, har bir sohani oʻrganish, talablarga vijdonan rioya qilish, maʼlum yutuqqa erishish mehnat madaniyati orqali amalga oshadi.

Zardushtiylik taʼlimotida yoshlar orasida bir-biriga soʻz berish, shartlashish ortida katta masʼuliyat yuklanishi bayon qilingan. Masʼuliyatni his qilmaslik, vaʼdani bajarmaslik orqali ikkinchi tomonning zarar koʻrishini oldini olish choralari mustahkamlangan.

“Ey Mazda! Men seni ardoqlayman va sendan oʻtinaman: ishonchsizlik oʻrtadan koʻtarilsin. Qarindosh-urugʻlar kaltafahmlikdan; hamkorlar yaqinlar aldovidan; doʻst-yorlar fitna ahlidan omonlikda boʻlib, olam yomon rahbarlardan xalos boʻlsin”[8], – deya xitob bilan, yoshlarni ishonchsizlik, sustniyatlilik, aldov, fitna, oʻzganing haqqiga xiyonat qilish kabi

buzg'unchi g'oyalardan yiroq bo'lishga, ularga qarshi ogoh bo'lishga, har qanday ishga doimo hushyorlik bilan kirishishga chorlaydi.

Shuningdek, "ta'limotning to'rtinchi Fargard, birinchi bo'limida, – kimda-kim qarzni o'z egasiga qaytarmasa, uning bu amali o'sha omonatni o'g'irlagan bilan barobar bo'ladi. Qarz olgan kishi omonatni uyida saqlasa, har kun va har tun unga qo'l ursa va o'ziniki, deb gumon qilsa, uning bu amali omonatni ikkinchi marta o'g'irlagan bilan barobardir"[8], – deyilgan. Bunga ko'ra, yoshlar bir-birini ishonchini suiiste'mol qilmaslikka, subutsizlikka, va'daga vafo qilmaslikka, aldanchilik, so'zida turmaslik kabi jamiyatdagi qusurlarga yo'l qo'ymaslikka da'vat qilingan.

Zardushtiylik ta'limotida yoshlarni xulq-atvori shakllanishida axloq muhim o'rin tutishini inobatga olinib, ularning tarbiyasida axloqiy fazilatlarni shakllantirishga alohida e'tibor qaratilgan. Ezgulik va yovuzlik, halol va harom, savob va gunoh kabi axloqiy tushunchalarni yoshlar ongiga murg'aklik chog'idanoq singdirish bilan, ularda salbiy holatlarga nisbatan nafrat hissi uyg'onadi.

Ozodalikka intilish, diniy marosimlarni o'tkazishda ishlatilgan idishlarni yuvib, saranjom-sarishta qilish ham zarur edi. Chunki ozodalik, tozalik turli-tuman ifloslik va yomonliklardan kishini asraydi, deb tushunilgan.

"Zardushtiylik ta'limotida yer, suv, havo va olov muqaddas sanalgan. Jumladan, – tabiat muhofazasi va muhit tozaligini saqlash, turli kasalliklarning tarqalishining oldini olish maqsadida sanitariya-gigiyena qoidalari amalga oshirilgan: axlatlarni bekitish, ifloslangan joylarni tuproq, tosh, kul bilan ko'mib tashlash; olov, issiqlik va sovuqlik yo'li bilan kiyim-kechaklar va oziq-ovqatlarni zararsizlantirish, kul, sirka, sharob, turli giyohlar tutatish"[10] tavsiya etilgan.

"Zardushtiylik ta'limotida jamiyatda pedagogik madaniyatni shakllantirishga alohida e'tibor qaratilgan. "Tarbiya, – deyilgan "Avesto"da, – hayotning eng muhim (tayanchi) tirgagi bo'lib hisoblanishi lozim. Har bir yoshni shunday tarbiyalash zarurki, u avvalo yaxshi o'qishni va so'ngra esa yozishni o'rganish bilan eng yuksak pog'onaga ko'tarilsin"[11].

**Xulosa.** Yosh avlod tarbiyasida yoshlarni vatanparvarlik, insonparvarlik ruhida tarbiyalash, ularda jasorat, matonat tuyg'ularini shakllantirishga xizmat qilib kelgan tuganmas ma'naviyatimiz durdonalari mustahkam poydevor vazifasini o'tab kelgan va hozirgi kunda ham o'z ahamiyatini yo'qotmagan.

Alpomish va Go'ro'g'li kabi xalq qahramonlari To'maris va Shiroq afsonalari vatan, xalq taqdirini o'z manfaatidan ustun qo'yish, fidoyilik, jasorat, qat'iyatlilik timsoli bo'lgani bois yosh avlod tarbiyasida muhim o'rin egallaydi.

Zardushtiylikning muqaddas kitobi "Avesto" insonlarning kundalik turmushida, yoshlarni kamol topishida "hayot kitobi ensiklopediyasi" vazifasini o'tab, to'g'ri yo'lga yo'naltirgan. Hozirgi kundagi ensiklopediyalar uchun fundamental asos hisoblanadi.

#### Adabiyotlar/Literatura/References:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Тошкент. 2021. – Б. 195.
2. Молодёжь как социальная группа. /Ўзбекистон ёшлари: ижтимоий қиёфа. – Тошкент, 2008. – Б. 9.
3. Павловский В.В. Ювентология: проект – интегративной науки о молодёжи. – М., 2001. 74-б / Ўзбекистон ёшлари: ижтимоий қиёфа. –Тошкент, 2008. – Б. 11.

4. Иконникова С.Н. Социология о молодежи. Л., 1985; Лисовский В.Т. Методика и методология изучения идеалов и жизненных планов молодежи: автореф. дис. ... канд. социол. наук. Л., 1968; Паскарь А.А. Молодежь села: реальность и перспектива. Кишинев, 1990; Кац Э.М. Сельская молодежь: проблемы выбора профессии. Кишинев. 1981. – С. 22; Гуцу И.Т., Плацкий С.И. Образ жизни молодежи современного села. Кишинев. 1984. – С. 190; Слепенков И.М., Князов Б.В. Молодёжь села сегодня. М., 1972; Запесоцкий А.С. Эта непонятная молодежь. – М, 1990. – С. 20; Бояк Т.Н. Социология молодежи. Учебное пособие. – Улан-Удэ: Изд. – полигр. комплекс. ВСГАКИ, 2009. – С. 13-14.
5. Долгополова М.Е., Яценко Е.В. Жизненные ценности современной молодёжи. Южный учёный – № 4 (67) апрель 2023. – С 177-180;  
<https://moluch.ru/young/archive/67/3664/>.
6. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 32.
7. Гўрўғли дostonлари. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. – Б. 1.
8. “Авесто” тарихий-адабий ёдгорлик. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б.15, 32, 34, 55, 116.
9. Ҳомидов Ҳ. “Шохнома”нинг шухрати. – Тошкент: Ўзбекистон, 1991. – Б. 92.
10. Ҳасанов С. “Авесто” – ҳуқуқ манбаи. “Мулоқот”, 1999, 1-сон, – Б. 50 // “Авесто” тарихий-адабий ёдгорлик. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 364.
11. Сапаров Б.Б., Сапаров А.Б. Авестода одоб-ахлоқ масаласи. – Б. 896-897. // <https://cyberleninka.ru/article/n/avestoda-odob-ahlo-masalasi>

**Received:** 20 December 2024

**Accepted:** 5 January 2025

**Published:** 15 January 2025

*Article / Original Paper*

## **MULTILATERAL RELATIONS IN CENTRAL ASIA: HISTORICAL APPROACHES, POLITICAL AND ECONOMIC INTEGRATION**

**Abdimuminov Oybek Bektemirovich,**

Doctor of Philosophy (PhD) of historical sciences, Senior Researcher

**Abstract.** This article analyzes the dynamics of multilateral relations in the Central Asian region. In particular, the relations of the Central Asian countries within the framework of international and regional organizations such as the UN, CIS, SCO, OSCE, OCCA, OTS, IDB, ADB, World Bank, International Monetary Fund and other economic structures, as well as within the framework of the “Central Asia +” formats.

**Keywords:** Central Asia, multilateral relations, UN, CIS, SCO, OSCE, OCCA, OTS, IDB, ADB, World Bank, international and regional organizations, economic structures.

## **MARKAZIY OSIYODA KO'PTOMONLAMA MUNOSABATLAR: TARIXIY YONDASHUVLAR, SIYOSIY VA IQTISODIY INTEGRATSIYA**

**Abdimominov Oybek Bektemirovich,**

tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), katta ilmiy xodim

**Annotatsiya.** Mazkur maqolada Markaziy Osiyo mintaqasidagi ko'ptomonlama munosabatlar dinamikasi tahlil qilingan. Jumladan Markaziy Osiyo mamlakatlarining BMT, MDH, ShHT, YeXHT, MOHT, TDT kabi xalqaro va mintaqaviy tashkilotlar, ITB, OTB, Jahon Banki, Xalqaro valyuta jamg'armasi va boshqa iqtisodiy tuzilmalar, shuningdek, Markaziy Osiyo+ formatlari doirasidagi o'zaro hamkorlik aloqalari yoritib berilgan.

**Kalit so'zlar:** Markaziy Osiyo, ko'ptomonlama munosabatlar, BMT, MDH, ShHT, YeXHT, MOHT, TDT, xalqaro va mintaqaviy tashkilotlar, iqtisodiy tuzilmalar.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V5I1Y2025N02>

Markaziy Osiyo mamlakatlari o'zaro hamkorligi ikki va ko'ptomonlama hamkorlikka asoslangan. Mintaqa jahon siyosiy maydoniga va zamonaviy xalqaro munosabatlarda o'z o'rnini va salohiyatiga ega. O'zbekiston Prezidenti Sh. Mirziyoyev ta'kidlaganidek, “Yevrosiyo kengliklarining naq “yuragi”da joylashgan mintaqamiz Yevropa va Yaqin Sharq, Janubiy va Sharqiy Osiyoni o'zaro bog'lovchi ko'proq bo'lib, Rossiya va Xitoy singari qudratli davlatlar bilan chegaradosh” [1;460]. Shu jihatdan Markaziy Osiyodagi ikki va ko'ptomonlama xalqaro munosabatlar muhim ahamiyatga ega. Tarix fanlari doktori, professor M. Raximovning ta'kidlashicha, “Sovet Ittifoqi parchalanganidan keyin O'rta Osiyo respublikalari yangi ikki tomonlama va ko'p tomonlama munosabatlarni shakllantirishga harakat qildilar. Qisqa vaqt ichida Markaziy Osiyo davlatlari ko'plab davlatlar tomonidan rasman tan olindi va ularning aksariyati bilan diplomatik aloqalar o'rnatildi, diplomatik vakolatxonalar almashildi. Mintaqa davlatlari asosiy xalqaro tashkilotlarga qo'shildi, jumladan, BMT, EXHT va Markaziy Osiyo davlatlari mintaqaviy tashkilotlarga, jumladan, Iqtisodiy hamkorlik tashkiloti (EKO) va Islom konferensiyalari tashkilotlariga a'zo bo'ldi. Shuningdek, Markaziy Osiyo respublikalari



Markaziy Osiyo hamkorlik tashkilotlari (MOHT), Yevroosiyo iqtisodiy Hamjamiyati (EvrAzES), Mustaqil Davlatlar Hamdo'stligi (MDH) va Shanxay Hamkorlik Tashkiloti (ShHT) kabi mintaqaviy tashkilotlarning hammuassislari bo'lgan. Mintaqaviy hamkorlik barqaror iqtisodiy o'sish va taraqqiyot uchun zarur bo'lgan mintaqada tinchlik va xavfsizlikni saqlashning muhim omiliga aylanishi mumkin"[2;97].

Markaziy Osiyoda ko'ptomonlama hamkorlikning asosiy yo'nalishlari – iqtisodiy sohada savdoni rivojlantirish, mintaqaviy savdo to'siqlarini bartaraf etish, erkin savdo zonalarini yaratish, transport, energetika, suv resurslari va kommunikatsiya tizimlarini birlashtirish, mintaqaviy investitsiyalarni jamlash, xususan, energetika, kon sanoati va turizm yo'nalishlarini, xavfsizlik va barqarorlik sohasida – mintaqaviy xavfsizlik va barqarorlik, transmilliy jinoyatchilikka qarshi kurash: narkotik savdosi, terrorizm va ekstremizmga qarshi birgalikda kurashish, chegaralarni aniqlash va chegara nazoratini mustahkamlash, suv resurslarini boshqarish, adolatli taqsimlash va foydalanishga qaratilgan.

Madaniy-gumanitar hamkorlik sohasida esa madaniy va ilmiy almashinuvlar, madaniy tadbirlar, san'at festivallari, ta'lim va rivojlantirish, axborot texnologiyalarini rivojlantirish: mintaqaviy axborot tarmoqlarini rivojlantirish va texnologik hamkorlikni kuchaytirish kabilarni qamrab oladi.

Mintaqa davlatlarining ko'ptomonlama hamkorligi xalqaro va mintaqaviy tashkilotlar, siyosiy va iqtisodiy tuzilmalar, o'zaro hamkorlikni rivojlantirishga oid turli platforma va formatlar orqali amalga oshiriladi (1-jadvalga qarang).

**Jadval: №1.**

**Markaziy Osiyoda ko'ptomonlama hamkorlik**

<b>Markaziy Osiyo davlatlari</b>			
<b>Xalqaro tashkilotlar</b>	<b>Mintaqaviy tashkilotlar</b>	<b>Iqtisodiy tuzilmalar</b>	<b>Muloqot platformalari</b>
BMT	MDH	OTB	Yaponiya + Markaziy Osiyo
ShHT	TDT	IHT	Rossiya + Markaziy Osiyo
NATO	Yel	JB guruhi	Koreya + Markaziy Osiyo
EXHT	KXShT	EOIH	S5+1
AYSESKO	Maslahat uchrashuvlari	XVJ	Makon va yo'l

Rossiyaning Valday klubi ekspertlarning ta'kidlashicha, Markaziy Osiyoda ko'ptomonlama hamkorlikning 7 ta asosiy vektorlari mavjud. Ular: 1) Postsovet vektori (MDH, KXShT, EOII), 2) Xitoy vektori (ShHT), 3) Turk vektori (TDT, TURKSOY), 4) Yevropa vektori (EI), 5) Amerika vektori (C5+1), 6) Kaspiy vektori (Kaspiy bo'yi davlatlari sammiti, Kaspiy dengizi muhitini muhofaza qilish bo'yicha hadli dasturi), 7) Sharqiy Osiyo vektori (Markaziy Osiyo+Yaponiya, Markaziy Osiyo+Koreya)ni [3] tashkil etadi. Ushbu vektorlar doirasidagi ko'ptomonlama hamkorlik va muloqot formatlarida Markaziy Osiyo respublikalari hamda mintaqadan tashqaridagi ishtirokchilarning ishtirok etadilar.

Ta'kidlash kerakki, birinchi o'rinda Markaziy Osiyo davlatlarining ko'ptomonlama hamkorligida eng avvalo xalqaro-global vektorni hisobga olish zarur. Chunki, Markaziy Osiyo davlatlari BMT va uning turli ixtisoslashgan muassasalari doirasida olib boriladi. Mintaqaning barcha mamlakatlari o'z mustaqilliklarining ilk yillaridayoq BMTga a'zo bo'lgan. Tashkilot faoliyatida ishtirok etib mintaqa va o'z davlatlari muammolariga oid xalqaro tashabbuslarni ilgari suradilar. BMT Bosh Assambleyasida ilgari surilgan tashabbuslarni amalga oshirishda bir-birlarini qo'llab-quvvatlab ovoz beradilar, xalqaro va mintaqaviy masalalar bo'yicha o'zaro yordamga tayanadilar. Shuningdek, mintaqa davlatlarining ikki tomonlama hamkorligi BMT Nizomi, turli xalqaro huquqiy normalardan kelib chiqqan holda amalga oshiriladi. BMTning madaniyat sohasidagi tashkilotlariga, jumladan YUNESKOning turli ro'yxatlariga tarix va qadriyatlar umumiyliги asosida qo'shma nomzodlarni ilgari suradilar.

Markaziy Osiyoda ko'ptomonlama hamkorlikning mintaqaviy vektori o'zaro hamkorlikning eng asosiy jihatidir. Chunki, mintaqa davlatlari regional muammolarni o'zaro hal etish, hamkorlikni yanada mustahkamlash, siyosiy qarashlarni muvofiqlashtirish, savdo-iqtisodiy va madaniy aloqalarni yanada rivojlantirishga qaratilgan mintaqaviy tashkilot va formatlarda ham aloqalar olib boradilar.

Tarix fanlari doktori, professor M. Raximovning ta'kidlashicha, Markaziy Osiyoda mintaqa doirasida davlatlararo va ko'p tomonlama munosabatlarni shakllantirish jarayoni murakkab jarayonlardan biridir. 1992-yilda Qozog'iston, Qirg'iziston, O'zbekiston, Tojikiston va Turkmaniston Markaziy Osiyo mintaqaviy hamkorligining davlatlararo tuzilmasini tuzdilar, uning asosiy maqsadi umumiy iqtisodiy makon va yagona mintaqaviy bozorni shakllantirish orqali iqtisodiyotni birlashtirishga qaratilgan edi [4;337].

Ta'kidlash kerakki, Markaziy Osiyodagi ko'ptomonlama hamkorlikning asosiy xususiyatlari "Janub-Janub" va "Shimol-Janub" formatlariga mos keladi. Xususan, "Janub-Janub" formatida Markaziy Osiyo mamlakatlarining o'zaro va mintaqalararo hamkorligi, "Shimol-Janub" formatida esa ushbu davlatlarining global hamda mintaqaviy tuzilmalar bilan munosabatlari aks etadi.

Mintaqada umumiy iqtisodiy makonni shakllantirish yo'li bilan iqtisodiy birlashuvga erishish va yagona mintaqaviy bozorni tashkil etish Tashkilotning asosiy maqsadi etib belgilandi. Hududdagi ikki va ko'p tomonlama integratsiya yo'nalishida 1994-yilda qabul qilingan Qozog'iston, O'zbekiston va Qirg'iziston o'rtasida yagona iqtisodiy maydon yaratish va 1995-yilda qabul qilingan Qozog'iston, Qirg'iziston va O'zbekistonning 2000-yilgacha bo'lgan muddatga mo'ljallangan iqtisodiy integratsiya bo'yicha dasturlarni muhim qadam sifatida keltirish mumkin. 1998-yilda bu struktura «Markaziy Osiyo iqtisodiy hamjamiyati» deb nomlandi. 2002-yil fevralda O'zbekiston, Qozog'iston, Qirg'iziston va Tojikiston prezidentlari uchrashuvida esa rasmiy ravishda Markaziy Osiyo Hamkorligi Tashkiloti (MOHT) tuzildi [5;316-317].

MOHT Markaziy Osiyo hamkorligi tashkiloti mintaqa davlatlari rahbarlari tomonidan integratsiya doiralarida 200 dan ortiq hujjatlar imzolangan, biroq ularni amalga oshirish mexanizmlarida amaliy qadamlar ko'zga tashlanmadi. Bunga asosiy sabab Markaziy Osiyo mintaqasi davlatlari yondashuvlarining turlicha bo'lishi edi. Jumladan, Markaziy Osiyo suv resurslaridan foydalanish borasida yagona yondashuv ishlab chiqilmadi. Sirdaryo hamda Amudaryo singari transchegaraviy daryolarining suv-energetik resurslaridan barcha davlatlarning ehtiyojlari hisobga olinmasligi qo'shni mamlakatlarda ma'lum darajada

qiyinchiliklar keltirib chiqaradi. 2004-yil kuzatuvchi maqomidagi Rossiya Federatsiyasi MOHTning to'laqonli a'ziligiga qabul qilindi. 2006-yil MOHTning Sankt-Peterburg sammitida MOHTning EIH (*YevraAzES*)ga\* integratsiya qilindi [6;312]. Tashkilotning nomi, maqomi va statusining o'zgarishi bilan Markaziy Osiyodagi ko'ptomonlama hamkorlikning dastlabki mintaqaviy formati postsovet vektoriga aylandi.

Markaziy Osiyo hamkorligi tashkiloti va Yevrosiyo iqtisodiy hamjamiyatining birlashishi a'zo-mamlakatlarning to'laqonli iqtisodiy rivojlanishiga yordam berishi mumkin edi, biroq bu jarayonda o'zaro kelishuvga erishishning imkoni bo'lmadi. 2015-yil Rossiya, Belarus, Qozog'iston, Qirg'iziston va Tojikiston davlatlari Yevrosiyo iqtisodiy hamjamiyati (*YevraAzES*) negizida Yevrosiyo iqtisodiy ittifoqi (EOII)ni tuzildi. EOII a'zo davlatlari – Rossiya Federatsiyasi, Belarus Respublikasi, Qozog'iston, Qirg'iziston va Armaniston davlatlarining umumiy maydoni 20,2 million kvadrat kilometrni, aholisi esa 200 milliondan ortiq kishini, YaIM hajmi yiliga 1,9 trln AQSh dollarni tashkil etadi. 2021-yilda O'zbekiston Yevrosiyo iqtisodiy ittifoqida “kuzatuvchi davlat” maqomida ishtirok etadigan bo'ldi.

Markaziy Osiyoda ko'ptomonlama mintaqaviy hamkorlikning yana bir formatlaridan biri bu – Orolni qutqarish xalqaro jamg'armasi bo'lib, u 1993-yil Orolning ekologik holatini yaxshilashga qaratilgan ekologik va ilmiy-amaliy loyihalar va dasturlarni ishlab chiqish va moliyalashtirish maqsadida tashkil etilgan. Markaziy Osiyoning barcha davlatlari Jamg'armaning ta'sischilari hisoblanadi. Jamg'arma faoliyati muhim ahamiyatga ega: u mintaqada aholisi hayotini yaxshilash, ekologik tiklanish jarayonini tezlashtirish va xalqaro hamkorlikni rivojlantirish uchun qimmatli hissa qo'shadi. Ushbu jamg'armani Markaziy Osiyo davlatlari ko'ptomonlama hamkorligining uzoq davom etib kelayotgan va ma'lum bir maqsadni amalga oshirish uchun yakdil fikrlarni bir joyga jamlagan format sifatida baholash mumkin. Siyosiy fanlar doktori, professor Q.Jo'rayevning fikricha. “Markaziy Osiyoda mintaqaviy hamkorlikni yo'lga qo'yish va uning institutsional mexanizmlarini yaratish yo'lida oldin ham bir-necha bor urinishlar bo'lgan edi. Bunga misol sifatida o'tgan asrning 90-yillarida mintaqada paydo bo'lgan turli integratsion loyihalar, xususan, Markaziy Osiyo iqtisodiy hamjamiyati, Markaziy Osiyo hamkorlik tashkiloti va Markaziy Osiyo ittifoqi kabi tashkilotlarni keltirish mumkin. Biroq bunday integratsion loyihalar pirovardida hech qanday natijasiz yakunlangan. Buning qator obyektiv va subyektiv sabablari bor, albatta. Ushbu integratsion loyihalarni ro'yobga chiqarish yo'lida g'ov bo'lgan to'siqlardan biri endigina mustaqillikka erishgan Markaziy Osiyo mamlakatlarida milliy davlatchilikni shakllantirish bilan bog'liq jarayonlardir. O'shanda barcha davlatlar “o'z yog'iga o'zi qovrilib”, ichki muammolar girdobida qolib ketgan va mintaqaviy hamkorlik masalalariga unchalik e'tibor qaratilmagan edi”[7].

Markaziy Osiyo hamkorligi tashkilotining funksional vazifalari va maqsadlari bilan birga EOIIga o'zgartirilganidan so'ng uzoq vaqt davomida ko'ptomonlama hamkorlikning faqatgina mintaqaga doir boshqa formati qolmadi. Bu esa uzoq vaqt mintaqada siyosiy, iqtisodiy hamda xalqaro hamkorlikka oid mavjud muammolar o'z yechimini topmasligiga olib keldi. Chunki, Markaziy Osiyoda ayrim muammolarni bir yoki ikki davlatlar ishtirokida hal etish imkoniyatlari mavjud emas. Shunday sharoitda faqatgina Markaziy Osiyo mintaqasiga tegishli, tashqi aktorlarning aralashuvidan holi muloqot platformasini yaratish zaruriyati vujudga kelgan edi.

---

\*2000-yil oktyabrda Bojxona ittifoqi negizida Yevrosiyo iqtisodiy hamjamiyati (YevrOsIH) tuzildi. Uning tarkibiga Belarus, Qozog'iston, Qirg'iziston, Rossiya Federatsiyasi va Tojikiston kirgan. 2005-yil O'zbekiston ham YevrOsIHga kirgan va 2008-yilda ba'zi bir masalalar bo'yicha o'z a'ziligini to'xtatdi.

Mazkur platformani yaratish tashabbusi 2017-yil O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev tashabbusi bilan BMT Bosh Assambleyasining 72-sessiyasida ilgari surildi. Shundan so'ng 2018-yilda mazkur mintaqaviy platforma ya'ni Markaziy Osiyo davlatlarining Maslahat uchrashuvi Ostona shahrida o'tkazildi. Uning ahamiyati shundaki, Maslahat uchrashuvlari faqatgina mintaqada davlatlariga xos bo'lib, u tashqi o'yinchilardan holi, ichki muloqot formatidir. Siyosatshunos F.Tolipovning ta'kidlashicha, Maslahat uchrashuvlari "Markaziy Osiyo mamlakatlari va xalqlari o'zining mintaqadagi identiteti – o'zligini e'tirof etishini anglatadi, ayni hol ularning mintaqadagi alohida modus vivendisini\* belgilab berishi kerak" [8]. Demak, Maslahat uchrashuvlari mintaqaviylik sari tashlangan dastlab amaliy qadamdir. Mintaqa davlatlarining ikkinchi Maslahat uchrashuvi Toshkent shahrida bo'lib o'tdi. Shundan so'ng ushbu format doimiy ravishda o'tkaziladigan an'anaviy muloqot platformasiga aylandi. Har bir uchrashuvda yangi tashabbus va loyihalar ilgari surilmoqda.

Markaziy Osiyo mamlakatlari integratsiyasi tomon tashlangan muhim qadam bo'lib, uning institutsional tarzda rivojlanishi mintaqada mamlakatlarning ko'p tomonlama hamkorlikni do'stlik, yaxshi qo'shnichilik va o'zaro manfaatlilikka asoslangan diplomatiya hamda BMT va boshqa xalqaro tashkilotlar doirasida yangi qo'shma tashabbuslar va loyihalarni amalga oshirish imkoniyatini yaratadi.

Markaziy Osiyo mamlakatlarning barchasi MDH, ShHT, TDTning a'zolaridir. Turkmaniston esa BMTdagi neytrallik statusi doirasida har ikkala tashkilotda kuzatuvchi, taklif etilgan mehmon, assotsiatsiya a'zosi sifatida ishtirok etadi. Markaziy Osiyo davlatlari ushbu tashkilot doirasida o'zaro hamda Tashkilotga a'zo boshqa davlatlar bilan moliya, gumanitar, ijtimoiy-siyosiy, ilmiy-texnik, xavfsizlik, huquqiy, parlamentar, chegaralar va dinlararo hamkorlik kabi sohalarda faoliyat olib boradi.

Bugungi kunda Markaziy Osiyoda 10 dan ziyod "Markaziy Osiyo+" formatlari doirasida 40 ga yaqin davlat bilan faol hamkorlik qilmoqda. Xalqaro munosabatlarda "Markaziy Osiyo +" yoki "5+1" formatlari yuzaga keldi. Bunda Markaziy Osiyo va biror mintaqada masalan, Markaziy Osiyo+Yevropa ittifoqi, Markaziy Osiyo+Janubiy Osiyo shuningdek, "5+1" deb ataluvchi muloqot formatida "5" – Markaziy Osiyoning beshta davlati "1" xalqaro hamkor davlatni xususan, "S5+1" (Markaziy Osiyo +AQSh)ni ko'zda tutadi.

2-rasm. Ossuariy. Mulla Qo'rg'on. Samarqand. O'zbekiston.VII asr.



3-rasm. Ossuariyning pastki qism. Mazdakizm ruhoniylarining Afrinagan marosimini amalga oshirishi. Samarqand, Mulla Qo'rg'on.

Boshqa bezatilgan ossuariylar Sug'dlarning keyingi hayot haqidagi tasavvurlari haqida qo'shimcha ma'lumot beradi. Samarqandning janubidagi Shahrisabz vohasidan adolat xudosi Rashnning ruhni tortishini tasvirlaydigan ossuariy topilgan; Mihr va Srosh xudolari bilan u ruhning Chinvat ko'prigidan jannatga o'tishga loyqligini hukm qiladi; 4 – Rasm. Ma'lumot o'rnida, Chinvat ko'prigi (yoki Chinvat poli) zardushtiylik diniy tushunchalaridan biri bo'lib, insonlarning o'limidan keyingi taqdirini belgilaydigan ramziy ko'prikdir. Bu ko'prik orqali har bir insonning qilgan amallari asosida ruhining osmon (jannat) yoki do'zaxga yo'llanishi

aniqlanadi. Solih (yaxshi) amallari ustun bo'lganlar ko'prikdan o'tib, jannatga boradilar. Yomon amallari ko'p bo'lganlar esa ko'prikdan yiqilib, do'zaxga tushadilar. Bu tushuncha insoniyatning axloqiy va ruhiy mas'uliyatini eslatib turuvchi falsafiy ramz hisoblanadi. Zardushtiylikda Chinvat ko'prigi nafaqat jismoniy, balki ma'naviy yo'l hisoblangan.



4-rasm. Ossuariy.Shahrisabz.VI-VII asr.



5-rasm. Wirkak va ayoli Wiyusining Chinvat ko'prigidan o'tishi. Shanxay. Xitoy.

Xitoyning Shanxay shahridan topilgan sarkofagda (ossuariy vazifasini bajargan) asli Sug'd bo'lgan Wirkak ismli kishini Zardushtiylik marosimida qatnashishi ko'rsatilgan.[3] 5-rasm. O'ngdan chapga o'qiganda, sarkofagning pastki qismda ikkita it va ikkita ruhoniy tomonidan qo'riqlanadigan ko'prikning kirish joyi ko'rsatilgan. Wirkak rafiqasi Viyusi va ularning bolalari bilan karvon hamrohligida ko'prikdan o'tadi (bu yerda ehtimol Wirkakning savdo hayotiga ishora qilingan). Boshqa tomonda esa sasoniy zardushtiylik matnida jannat bo'lgan samoviy bog'ga yetib borish uchun "ruh ko'tariladigan tog'" sifatida tasvirlangan toshloq manzara joylashgan. Wirkakning ruhi allaqachon tortilgan, shuning uchun ko'prik u va

uning partiyasi o'tishi uchun yetarlicha keng qilib tasvirlangan. Agar uning hayoti va ishlari yomon bo'lganida edi, ko'prik toraygan bo'lardi va Wirkak do'zaxga tushib ketgan bo'lar edi, va eng quyida dahshatli mavjudotlar yashaydigan chayqalayotgan suvlar sifatida tasvirlangan. Sosoniylardan keyingi 9-asrdagi zardushtiylik matniga ko'ra, Chinvat ko'prigiga yetib borgach, marhumning ruhi uning fikrlari, so'zlari va harakatlarining timsoli – denga duch keladi. Agar bular yaxshi bo'lganida, den nurli go'zal yosh ayol bo'lardi va marhumni ko'prikdan o'tib, tog' cho'qqisiga va jannatga kuzatib qo'yar edi. (Agar ruh o'z vazniga ega bo'lmasa, den xunuk xag bo'lib ko'rinardi.) Wirkak sarkofagingning birinchi panelining yuqori o'ng tomonida qanotli ayol den allaqachon samoviy shohlikda va er-xotinni kutib oladi. Qolgan ikkita panelning yuqori qismida xudo Mitraning aravasi (qanotli otlar bilan chizilgan) ularni samoviy musiqasi ostida osmonga ko'taradi.

**Xulosa.** Sug'diyona diniy hayoti Zardushtiylik va Mazdakiylik ta'siri ostida shakllanib, ushbu dinlar jamiyatning turli jabhalariga chuqur singib ketgan. Zardushtiylik falsafiy asos sifatida yaxshilik va yovuzlik o'rtasidagi abadiy kurashni ko'rsatib, tabiatni muqaddas deb hisoblagan va uning tozaligini saqlashni talab qilgan. Mazdakiylik esa Zardushtiylikdan kelib chiqib, tenglik va ijtimoiy adolat g'oyalarini ilgari surib, jamiyatdagi tengsizlikni bartaraf etishga qaratilgan harakat sifatida namoyon bo'lgan. Sug'diyona madaniy yodgorliklari, jumladan, ossuariylar va devor rasmlari, ushbu dinlarning amaliy va ramziy ahamiyatini yoritib bergan. Chinvat ko'prigi kabi diniy tushunchalar axloqiy mas'uliyat va ruhiy poklikni ta'kidlab, sug'diylarning o'lim va undan keyingi hayot haqidagi tasavvurlarini ochib bergan. Zardushtiylikning tabiatga e'tibor qaratishi uni ekologik din sifatida o'rganish imkonini beradi, Mazdakiylik esa o'zining ijtimoiy islohotchi xarakteri bilan e'tiborni jamiyatning iqtisodiy muammolariga qaratgan. Maqola Sug'diyona jamiyatining diniy murakkabliklarini o'rganish orqali, diniy e'tiqodlar va falsafiy tushunchalarning qanday qilib jamiyatning ijtimoiy, iqtisodiy va madaniy sohalariga ta'sir qilganini ochib beradi. Ushbu tahlillar Sug'diyona madaniy merosini nafaqat tarixiy qiymat, balki zamonaviy o'rganishlar uchun ham qimmatli manba sifatida ko'rsatadi.

#### Adabiyotlar/Литература/References:

1. Michael Shenkar, *Intangible Spirits and Carvings: The Iconography of Deities in the Pre-Islamic World*. Series "Magical and Religious Literature of Late Antiquity", Vol. 4. (Leiden and Boston: Brill, 2014), 63–64.
2. *Manichaeism in the Later Roman Empire and Medieval China: A Historical Survey*, 2nd ed., expanded and revised (Manchester: Manchester University Press, 1985), 183.
3. Éric Trombert; Étienne de La Vaissière (2005). *Les sogdiens en Chine* École française d'Extrême-Orient. pp. 300–301.
4. Szemerényi 1980, pp. 45–46
5. Gersheyitch 1967, pp. 79–80
6. Kirill Nourzhanov, Christian Bleuer (2013), *Tajikistan: a Political and Social History*, Canberra: Australian National University Press, p. 12
7. Irisqulov, O. J. (2019). From activity of the test cotton plantation in samarkand late xix beginning of xx century. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 9(1), 73-79.
8. Xo'jayev A. *Buyuk Ipak Yo'li, munosabatlar va taqdirlar*.
9. Otaxo'jaev A. *Ilk o'rta asrlar Markaziy Osiyo sivilizasiyasida turk-so'g'd munosabatlari. Monografiya*. –T.: ART-FLEX, 2010



**Received:** 20 December 2024

**Accepted:** 5 January 2025

**Published:** 15 January 2025

*Article / Original Paper*

## **THE RESEARCH ON THE STUDY OF HISTORICAL MONUMENTS IN SAMARKAND BY V.L.VYATKIN**

**Umrzoqov Maqsud Shokirovich,**

History teacher in Samarkand Presidential School

**Abstract.** A great deal of work has been done in studying the history of ancient and old Samarkand. In particular, the scientific justification of Samarkand's 2750-year history has been provided. However, the study of Samarkand's history and the activities of scholars who have worked in this area have not been sufficiently reflected. This article briefly discusses the history of Samarkand city historiography, which is one of the most important and relevant issues in historical science, as well as the contributions of Vyatkin in this field.

**Keywords:** Amateur archaeologist, Ibrahim Tabgachkhan, epigraphic monuments, trench, sextant, kairak, Healing water, Tole rasad.

## **V.L.VYATKINNING SAMARQANDNING TARIXIY YODGORLIKLARINI O'RGANISHGA DOIR ISHLARI**

**Umrzoqov Maqsud,**

Samarqand shahar Prezident maktabi tarix fani o'qituvchisi

**Annotatsiya.** Qadimgi va ko'hna Samarqand shahri tarixini o'rganish borasida juda ham ko'plab ishlar amalga oshirildi. Jumladan Samarqandning 2750 yillik yoshi ilmiy jihatdan asoslab berildi. Lekin Samarqand shaharini tarixini o'rganilishi, bu borada ish olib borgan olimlar faoliyati yetarlicha aks ettirilgani yo'q. Tarixshunoslikda muhim dolzarb masalalardan hisoblangan Samarqand shahar tarixi tarixshunosligi, uni o'rgangan Vyatkin faoliyati haqida maqolada qisman to'xtalib o'tilgan.

**Kalit so'zlar:** havaskor arxeolog, Ibrohim Tabg'achxon, epigrafik yodgorliklar, transheya, sekstant, qayroqi, Shifobaxsh suv, Tole rasad.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V5I1Y2025N06>

**Kirish.** 1904-yil yozida Rus Komitetining topshirig'iga binoan O'rta va Sharqiy Osiyoni tarixiy, arxeologik lingvistik va etnologik jihatdan o'rganish maqsadida V. V. Bartol'd ilgari bu yerda ishlagan professor N. I. Veselovskiyning tashabbusi bilan qadimiy Samarqand shaharchasi Afrosiyobda temuriylar zamonasidan ilgari shahar topografiyasini aniqlash va Samarqand jome masjidining qoldiqlarini topish maqsadida qazish ishlarini boshlab yubordi.

Qazish ishlari V. L. Vyatkinning bevosita ishtirokida olib borildi va noma'lum bir yirik g'ishtin imorat qoldiqlari topildi. Vyatkin Namozgoh degan joyda Shayxzoda darvozasi orqasida o'rta asrga mansub diniy inshoot qoldiqlarini topdi. Bu qazishlardan keyin (arxeologik maqsadda 1893—1894-yillarda O'rta Osiyoga qilingan safardan keyin) Bartol'd o'zining «arxeolog bo'la olmasligiga» va dalada «tarixning ashyoviy yodgorliklari ustida bunday ishlar olib borishdek fazilatlaridan mahrum» ekanligiga uzil kesil ishonch hosil qildi. Shuning uchun ham Bartol'd arxeologiyaga qiziqishini yo'qotmagan va O'rta Osiyoda arxeologik

qidirishlarning amalga oshirilishiga bajonidil ko'maklashsa ham qidiruv ishlarida boshida qatnashmadi [1]. Samarqandda olib borilgan keyingi qazish ishlarining hammasiga V.L.Vyatkin rahbarlik qildi. Ko'p o'tmay, A. V. Arsixovskiy qayd qilganiday, XX asr boshida O'rta Osiyo arxeologiyasining markaziy figurasi bo'lishdek yuksak sharaf Vyatkinga nasib bo'ldi. Samarqand va uning yaqinidagi yirik shaharcha— Afrosiyob esa uning ilmiy monopoliyasi ekanligiga hech kim e'tiroz bildira olmasdi.[2]

1905-yilda Vyatkin Rus Komitetining mablag'i hisobiga (hay'ati 1903-yilning 27-sentyabridayoq Vyatkin V.V.Bartol'd, P.M.Melioranskiy, S.F.Oldenburglarning tavsiyasi bilan Komitetning muxbir a'zosi qilib saylangan edi) yana qazish ishlarini boshlab yubordi. Bu gal u Samarqandning jome masjidini qidira boshladi. Ko'p o'tmay, atrofi o'ralgan peshayvonli va shag'al to'shalgan hovli joy bilan jome masjidining qoldiqlarini topishga muvaffaq bo'ldi. Ko'rinishidan u Samarqandga bostirib kirganda Chingizxon qo'shinlari yondirib yuborganiga shubha qolmagan edi.

1909-yilda Vyatkin havaskor arxeolog, harbiy injener B. N. Kastalskiy bilan birgalikda mashhur biya nayman ossuariylari qoldiqlari topilgan (musulmon dini qabul qilinganga qadar bo'lgan davrdagi loy qabrlar — suyakxonalar) joyni tekshirishdan o'tkazdi. Bu joydagi inson (erkak va ayollar qiyofasi) tasvirining yopishtirib ishlangan fundamentlar bilan uyg'unlashuvi kishini hayratga solardi.

1912-yilda esa Vyatkin Afrosiyobda olib borgan qazish ishlari shaharchaning g'arbiy qismida, Navbahor darvozasi yaqinida X asrga mansub ornamental ganch plitapanellar bilan bezatilgan katta bino (Somoniyalar saroyi)ning qoldiqlarini topishga yordam berdi. Kelgusi yili xuddi shu yerning o'zida birinchi marta qadimiy devor tasviriy san'atining izlari topildi. Uni asl holicha saqlab qolishning iloji bo'lmadi. Lekin u rassom. B. F. Rombergning mo'yqalami bilan bizgacha etib keldi.[3]

Bu O'rta Osiyoda islomgacha bo'lgan qadimiy devor tasviriy san'ati qoldiqlarining, garchand deyarli noma'lum bo'lib kelgan bo'lsada, birinchi marta kashf etilishi edi.

Binoning vazifasi to'g'risida xuddi shu davrlarda ikki hafta Samarqandda bo'lgan V.V. Bartol'd ushbu yirik bino buddizm yoki zardushtiylarning ibodatxonasi bo'lgan bo'lsa kerak degan fikrni bildiradi. Ammo bunga qarama- qarshi ravishda V.A. Vyatkin bino qoldiqlari Ibrohim Tabg'achxon tomonidan qurilgan saroy qoldiqlari degan fikrni bildiradi.[4]

Vyatkin tomonidan arxeologik tadqiqotlar Afrosiyob hududida yana 1925-yilda ham olib boradi. Afrosiyob olib borilgan tadqiqotlar natijalari Vyatkinning yuqorida qayd qilinganidek "Afrosiyob-qadimiy Samarqand shaharcha" asarida o'z aksini topadi. Asarda Vyatkin hunarmand kulolar mahallasi borasida, sug'orish inshootlari va o'rta asr shahri topografiyasiga oid qimmatli ma'lumotlarni to'plashga muvaffaq bo'ladi. Bundan tashqari u Afrosiyobdagi mavjud kulolchilik mahsulotlarining turlari va shakllari o'zgarishiga qarab uning madaniy qatlamlari izchil shkalasini aniqlashga o'rindi. Afrosiyob asarida asosiy xulosa bu shaharning qachon paydo bo'lganligi to'g'risidagi fikr hisoblanadi. Bunga qadar V.V. Bartol'd mavjud bo'lgan shaharlar va qishloqlar faqat arab bosqinchilari VII asrda kirgan paytda yuzaga kelgan degan fikrni bildiradi. [5] Bunga qarama-qarshi ravishda Vyatkin shaharda milodiy birinchi asrdanoq o'troq turmush mavjud bo'lgan degan xulosaga keladi.

Keyinchalik Vyatkinning Afrosiyobda olib borgan faoliyati Shishkin, Yakubovskiy va boshqa arxeologlar tomonidan yuksak baholansa-da, uning bu boradagi yo'l quygan kamchiliklari ham qayd qilinadi. Jumladan, ular tomonidan Vyatkinni hajmi jihatidan kichik

uchastkalarda va umumiy tarixiy planda oldida bir maqsadni ko'zlamasdan qazish ishlari olib borish uslubi tanqid qilinadi. Bundan tashqari ular tomonidan Vyatkinning asosiy aybi bu qazishma ishlarida ochilgan materiallarni chop qilmasligi deb ko'rsatiladi.

Vyatkin o'rta asrning epigrafik yodgorliklari, masalan, qayroqi deb ataluvchi (bir tomoniga arabcha matn va raqamlar bitilgan hamda qabr toshi sifatida, foydalaniladigan yirik silliq toshlar) yodgorliklarning ajab xilma-xilligiga yetarli e'tibor berganlarning birinchisidir. Bir necha yil mobaynida u ko'hna Samarqand tumanida topilgan hijriy V—VIII asrlarga) milodiy XI—XIV asrlar) doir 250 dan ko'proq qayroqni ro'yxatga oldi va o'qidi.

Shahar chegarasidagi va uning atrofidagi barcha yodgorliklarni qat'iy hisob kitob qilib borarkan, Vyatkin mustamlaka ma'muriyatining berahmligi va beparvoligini yengdi va ularning saqlab qolinishi uchun juda qattiq harakat qildi, yodgorliklarni joriy remont qilib turish uchun mablag' topishga astoydil harakat qildi, o'rta asr me'morchiligining bu yodgorliklari qanchalik ilmiy madaniy ahamiyatga ega ekanligini matbuot orqali tashviqot qildi («Samarqanddagi o'tmish yodgorliklarini saqlash masalasiga doir», «Samarqanddagi arxeologiya topilmalari to'g'risida» va boshqalar). U yoki bu yodgorlikni har xil bahonalar bilan yo'qotish, ularning ashyolarini qurilishlarga ishlatib yuborish kabi ko'pdan –ko'p qilingan johilona urinishlar albatta Vyatkinning qat'iy va shiddatli qarshiligiga duch kelardi. Vyatkin rahbarligida harbiy topograflar kuchi bilan Samarqand atrofidagi shaharchalar va qurg'onlar devorining qoldiqlari, Samarqand chekkasidagi Al-Fakix va Al-Istaxriy tilga olgan qishloqlarni ham o'z ichiga olgan juda katta devori qiyomat devorlari qoldiqlari suratga olindi va ularning balandligi taqqoslab chiqildi.

1917-yildan keyingi yillarda Vyatkin Samarqanddan boshqa joylarda olib borilgan arxeologik ishlarda ham ishtirok etdi. 1920-yilda u Buxorodagi yodgorliklarni va qadimiy predmetlarni hisobga oldi, 1925-yilda shu yerda Ismoil Somoniy maqbarasini tekshirdi, 1927-yilda qadimgi Termizda o'tkazilgan qazish ishlarida qatnashdi, 1929-yilda Arbinjon qal'asida arxeologik qidiruv ishlarini amalga oshirdi va Xorazmdagi qadimgi yodgorliklarni ro'yxatga oldi va hokazo. Vyatkin tomonidan Ulug'bek rasadxonasi o'rnini aniqlanishi ham bevosita bog'liqdir.

Yozma manbalarda keltirilgan (o'rta asr oxirlarida yashagan turli mualliflarning asarlaridagi) ma'lumotlar rasadxonaning paydo bo'lishi, faoliyati va barbod bo'lishiga doir tarixni umumiy tarzda gavdalantirish imkonini berdi.

Ma'lumki, Ulug'bek mashhur lashkarboshi va davlat arbobi Temurning nevarasi bo'lib, temuriylarning O'rta Osiyodagi ulusini qirq yil —1409-yildan 1449-yilgacha mustaqil boshqargan hukmdordir. Bu davlatning markazi Samarqand edi. U insoniyat tarixiga abadiy kirgan bo'lib, bu ham bo'lsa, eng avvalo, uning o'rta asr davlatlari tarixida kamdan kam uchraydigan tojli olimligidan, o'z davrining ancha bilimli kishilaridan biri bo'lganligidandir. Matematika va astronomiya bilan chuqur, dadil va qat'iy shug'ullanish olim Ulug'bekning hayotiy ishi edi. Bu esa unga olamshumul shuhrat, hurmat va ehtirom keltirdi. Alisher Navoiyning ta'biri bilan aytganda, «Ulug'bekning barcha ajdodlari dom-daraksiz ketishdi. Ularni bizning zamonamizda kim ham eslardi. Ammo u fanga qo'l o'rdi va ko'p narsalarga erishdi».

1424-yili Ulug'bekning amri bilan Samarqand yaqinida rasadxonaga poydevor qurila boshladi, taxminan besh yildan keyin u ishga tushdi. U yirik ayni paytda fan va texnikaning eng yangi yutuqlariga binoan qurilgan observatoriya edi. Na g'arbda, na sharqda unga teng

keladiganini topish qiyin edi. Unda Ulug‘bekdan tashqari uning zamondoshlari, taniqli olimlar Ali Qushchi, G‘iyosiddin Jamshid, Qozizoda Rumiyy va boshqalar ishlashardi. Ulug‘bek rahbarligida hatto hozir, nafis optik asboblardan ham bo‘shlig‘ini tadqiq qilishning eng mukammal metodlari asrida ham o‘z ahamiyatini yo‘qotmagan yulduzlar jadvali — «Ziji jadidi ko‘ragoniy» kitobi yaratildi. Ulug‘bek astronomiya maktabi bo‘yicha katta ilmiy ish muallifi, akademik Qori Niyoziyning so‘zlari bilan aytganda, bu maktab jahon astronomiya fanining osmon jismlari va fazoning tuzilishi hamda taraqqiyoti haqidagi fan sifatida keyingi taraqqiyotiga juda katta ta‘sir kursatdi [6]. Ulug‘bekning fazo sirlarini fan nurlari bilan ravshanlashtirishdan iborat dadil va shijoatli urinishlari musulmon ruhoniylari, mutaassib kayfiyatdagilar va feodallarning ancha reaktiv qismining qahr g‘azabini qo‘zg‘atmasdan qolmadi. Qasddan uyushtirilgan fitna natijasida Ulug‘bek o‘z o‘gli Abdulatif tomonidan o‘ldirildi. Qora guruhlarining xuruji Samarqandda ilmiy taraqqiyotni to‘xtatib quydi.

Rasadxona Ulug‘bekning o‘limidan keyin ham bir oz vaqt ishlab turdi. XVI asrning boshlarida rasadxonaning basavlat binosi yer bilan yakson qilib tashlandi diqqatga sazovor bo‘lmagan ahamiyatsiz qoldiqlari asta sekin tuproq qa‘riga ko‘mila boshladi. Xarobazorga aylandi, usti o‘t ulan bilan qoplanib, tez kundayoq bu yerda rasadxonadan nom-nishon qolmadi.

Yuz yillar o‘tdi, bir avlod o‘rniga ikkinchisi keldi. Rasadxonaning joylashgan o‘rni esa unut bo‘lib ketdi. Olimlar va mahalliy joyning o‘tmishi bilan qiziquvchilar (L.S.Barshevskiy, N.I.Veselovskiy, M.N.Rostislavov, V.V.Stratonov) vaqti vaqti bilan o‘z sayohatlari paytida rasadxona qoldiqlarini topishga urinib ko‘rdilar. Lekin har gal bu urinishlar muvaffaqiyatsiz bo‘lib kelaverdi. Vyatkin arxeologik kuzatishlar natijasini o‘rta asrga mansub yozma manbalardagi ma‘lumotlar bilan jiddiy ravishda taqqoslay boshladi.

Samarqandning yerli aholisi Vyatkinning oldiga maslahat so‘rab yoki bilimdon va hurmatli kishi bilan dildan suhbat qurish, uchun tez-tez kelib turishardi. Ular bilan uchrashish va suhbat qurishni Vyatkinning o‘zi ham sevardi. U qadimiy narsalarni tushunuvchilarni, qadimiy sharq» qo‘lyozmalarini yaxshi biladigan va ularni yig‘ib boruvchilarni, o‘tmishni o‘rganishga havaskor kishilarni yaxshi tanir, ularning fanga bunday muhabbatini rag‘batlantirib turar, ularning shahar tarixiga doir materiallarni yaxshi bilishidan ozmi ko‘pmi foydalanardi.

Ulug‘bek rasadxonasi xarobalarini qidirishda Vyatkinga uning doimiy va faol yordamchisi, ajoyib xattot va mahalliy yerning o‘tmishini yaxshi biladigan samarqandlik Abu Said Mahzum juda katta yordam berdi.

Abu Said Mahzum rasadxona haqidagi xalq afsonalari va diniy e‘tiqodlarni to‘pladi, turli sharq qo‘lyozmalaridan u haqidagi ma‘lumotlarni ko‘chirib oldi. Akademik V. V. Bartol’dning aytishicha, «Ulug‘bek rasadxonasi o‘rnini aniqlash va shuningdek qazish ishlarini olib borishda Abu Said Mahzumning yordami juda ham qimmatlidir». O‘rta va Sharqiy Osiyoni tarixiy arxeologik lingvistik va etnografik jihatdan o‘rganish uchun tuzilgan rus komitetida mo‘tabar ilmiy organ (Xalqaro sharqshunoslar ittifoqining doimiy markazi) keyinchalik V.V.Bartol’dning taklifi bilan Vyatkinning Samarqandda olib borgan arxeologik ishlariga aktiv ko‘makchi sifatida Abu Said Mahzumni ham mukofotlagan edi. [7]

Kunlardan birida Vyatkin XVII asr vaqf hujjatlaridan birida «Shifobaxsh suv»— Obirahmat arig‘i yonidagi Naqshijahon degan joyda «Tole rasad», «Rasadxona tepaligi» degan o‘rin haqida eslatmalarni uchratib qoldi. Biroq endilikda, bizning zamonamizda ham xuddi o‘sha tepalikka o‘xshash «Tole rasad»— xalqda «Poi rasad», ya‘ni «Rasadxona etagi» degan nom

bilan mashhur tepalik yonidan ariq oqardi.Xo'jjatlarda tilga olingan joyni borib ko'rgandan keyin Vyatkinning ishonchi yana ortdi. U «Samarqanddagi Mirzo Ulug'bek observatoriyasining qoldiqlarini topish maqsadida» qazish ishlarini olib borish uchun mablag' ajratilishini so'rab murojaat qildi. Rus Komiteti tomonidan «usta va sinchkov tadqiqotchiga» ajratilgan mablag' hisobiga 1908—1909-yillarda Vyatkin qazish ishlarini boshlab yubordi. Bu hozirgi yuz yilligimizning boshidagi eng ajoyib arxeologik kashfiyot — Ulug'bek observatoriyasi qoldiqlarining topilishi bilan yakunlandi.

Keyinchalik Vyatkin o'z hisobotida yozganidek «Ulug'bek tomonidan Samarqandda qurilgan rasadxonani keyingi vaqtlargacha ko'pchilik yozuvchilar tilga olishgan bo'lsada, bu tarixiy yodgorlikka qiziqish zo'rligiga qaramay, ta'riflarga binoan bahaybat inshoot aynan qayerda joylashganini aniq bilishmasdi. Rasadxona joylashgan yerni aniqlashda mening qo'limga tushgan vaqf hujjatidan minnatdor bo'lishimiz kerak. U bundan qariyb 250 yil ilgari yozilgan bo'lib, ro'yxatga olingan yer uchastkasining chegaralari orasida hozirgi vaqtda ham Obirahmat arig'i va Naqshijaqon degan nom bilan ataladigan joyda rasadxona (Tole rasad) tepaligi tilga olingan edi. Rasadxona tepaligining tashqi ko'rinishi, tepalik ustining aftidan sun'iy ravishda tekis maydoncha tusini berish uchun salgina haydab va tozalab quyilganligi, g'isht parchinlarining sochilib yotishi va ayrim joylarda tuproq ohakli sement aralashganidan kulrang tusga kirganligi qachonlardir bu erda qandaydir imorat bo'lganligini tasdiqlab turardi. Qazish natijasida esa bu taxmin to'la tasdiqlandi.

Sun'iy yo'l bilan o'yilgan tor yo'lakcha (transheya) bahaybat sekstant («sude») bilan yerning qoyali qobig'iga kirib borardi. Rasadxonaning asosiy asbobi bo'lgan sekstant nafis yo'nilgan marmar tosh bilan qoplangan, bir biriga parallel joylashtirilgan yoysimon inshoot bo'lib, unda arabcha harflar bilan graduslar belgilab quyilgan edi. Uning yordamida samoviy jismlarni oddiy kuz bilan ko'rib turish va asosiy doimiy astronomik jismlarni aniqlash mumkin edi. Yoysimon inshoot bilan transheya devori o'rtasida torgina zinapoya bor edi. U pishirilgan g'ishtdan yasalgan edi. Ulug'bek observatoriyasining sekstanti fanga ma'lum bo'lgan va o'rta asr astronomlari tomonidan ishlatilgan ana shunday asboblardan orasida hozir ham eng nodiri va eng qadimgisi hisoblanadi.

Vyatkin olib borgan qazish ishlari natijasida rasadxonaning boshqa ba'zi asboblarning ham izi topildi. Biroq o'sha vaqtda mavjud qazish metodikasi bilan (alohida transheya qazish) Vyatkin observatoriyaning mukammal umumiy planini aniqlay olmadi. Buni faqat bizning davrimizdagina amalga oshirish mumkin bo'ldi.

Rus Arxeologiya Jamiyati 1910-yil 25-noyabrda «Turkistonning arxeologiya boyliklarining taniqli tadqiqotchisi» sifatida va Ulug'bek observatoriyasi qoldiqlarini topganligi uchun Vyatkini mashhur sharqshunos, akademik V. R. Rozen nomidagi oltin medal bilan mukofotladi. Viktor Romanovich Rozen nomidagi medal to'g'risidagi Nizomga binoan, u bilan «sharqshunoslikka doir rus tilida yozilgan yoki Rossiyada yaratilgan munosib asarlar, yoki ish natijasi fan uchun qimmatli bo'lgan kolleksiyalar tuzishdan, arxeologiya sohasidagi qimmatli kashfiyotlardan va shunga o'xshash narsalardan iborat bo'lgan taqdirda Rossiyaning Osiyodagi o'lkalarida olib borilgan uzoq yillik va muntazam ish faoliyati uchun» taqdirlanadi, deyiladi.[8]

**Xulosa.** O'rta Osiyo xususan O'zbekiston Chor Rossiyasi tomonidan bosib olinganddan so'ng ham bu hududdagi o'zaro ilmiy jarayonlar endilikda rus olimlari bilan birgalikda, mahalliy xalq vakillari tomonidan ham olib borilgan. Maqolada qisman bo'lsada Vyatkinning Samarqandda olib borgan ishlari haqida ma'lumot berib o'tishga harakat qilindi.

Yuqoridagilardan xulosa qiladigan bo'lsak Samarqand asrlar davomida insoniyat sivilizatsiyasining fan va madaniyatning qadimiy markazlaridan biri bo'lib, jahon madaniyati va fani taraqqiyotiga beqiyos hissa qo'shgan shaharlardan biridir. Shunday ekan uning tarixi doimo tadqiqotchilar diqqat markazida bo'lib, kelgani ham bejiz emas. Shaharning ko'hna tarixini o'rganish XIX asrning ikkinchi yarmidan boshlangan bo'lib, uning ilmiy jihatdan asosli yoritilishi XX asr birinchi yarmiga to'g'ri keladi.

Vyatkin olib borgan qazish ishlari natijasida rasadxona va boshqa ba'zi Samarqand yodgorliklarini misol qilib keltirishga harakat qilindi. Bundan tashqari o'sha vaqtda mavjud qazish metodikasi bilan (alohida transheya qazish) Vyatkin observatoriyaning mukammal umumiy planini aniqlay olmaganligini ham ko'rib o'tdik. Buni esa faqatgina bizning davrimizdagina amalga oshirish mumkin bo'ldi. U qadimiy narsalarni tuzuvchilarni, qadimiy sharq qo'lyozmalarini yaxshi biladigan va ularni yig'ib boruvchilarni, o'tmishni o'rganishga havaskor kishilarni yaxshi tanir, ularning fanga bunday muhabbatini rag'batlantirib turar, ularning shahar tarixiga doir materiallarni yaxshi bilishidan ozmi ko'pmi foydalanardi. Xulosa qilib aytganda Samarqand tarixining XIX asrning ikkinchi yarmidan to XX asrning 30-yillardagi tarixini o'rganishni bu tarixshunos, va manbashunos hamda arxeolog olimlardan biri Vyatkining ilmiy faoliyatisiz tasavvur etib bo'lmaydi.

#### **Adabiyotlar/Литература/References:**

1. Шишкин В.А. истории археологического изучения Самарканда и его окрестностей в кн. Афрасиаб вып I. Т-1969г. с51-52
2. Арциховский А. Основы Археологии . М-1955г. с-12.
3. Лунин Б. В. Историография общественных наук в Узбекистане. Т-1974 г с 45.
4. Вяткин В.Л. Афрасиаб. Городище былого Самарканда 1927г с18.
5. Шишкин В.А.К истории археологического изучения Самарканда и его окрестностей в кн. Афрасиаб вып I Т-1969г. с-318.
6. Лунин Б. В. Историография общественных наук в Узбекистане. Т-1974 г с -27-30.
7. Лунин Б.В Средняя Азия в дореволюционном и советском востоковедении. Т-1965г. с- 104
8. Лунин Б. В. Историография общественных наук в Узбекистане. Т-1974 г. с -287.

**Received:** 20 December 2024

**Accepted:** 5 January 2025

**Published:** 15 January 2025

*Article / Original Paper*

## **HISTORICAL-CULTURAL MONUMENTS, SHRINES OF THE KASHKADARYA OASIS THEIR HISTORICAL-ETHNOGRAPHIC FEATURES**

**Ochildiev Lochinbek**

Chirchik State Pedagogical University

2nd year student of the Faculty of Humanities, History

E-mail: [locinbekocildiev858@gmail.com](mailto:locinbekocildiev858@gmail.com)

**Abstract.** This article highlights the history of the historical and cultural monuments, sacred sites, and pilgrimage destinations of the Kashkadarya region, as well as the unique characteristics of pilgrimage ceremonies, customs, and traditions. Additionally, it provides information about the potential of the Kashkadarya oasis in developing the tourism industry in our country.

**Keywords:** Kashkadarya region, Oqsaroy historical monument, Langar ota shrine, Hazrati Bashir shrine, Khoja Shaykh Shamsiddin shrine, Khojaimkana Khoja Imganaki shrine, Abul-Mu'in an-Nasafi monument, Amir Temur cave.

## **QASHQADARYO VOHASI TARIXIY-MADANIY YODGORLIKLARI, ZIYORATGOHLARI ULARNING TARIXIY-ETNOGRAFIK XUSUSIYATLARI**

**Ochildiyev Lochinbek Normurod o'g'li,**

Chirchiq Davlat pedagogika universiteti,

gumanitar fanlar fakulteti

tarix yo'nalishi 2-bosqich talabasi

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada Qashqadaryo viloyati tarixiy-madaniy yodgorliklari, muqaddas qadamjolari va ziyoratgohlari tarixi, ziyorat marosimlari, urf-odat va an'analari o'ziga xos xususiyatlari muallif tomonidan yoritib berilgan. Shuningdek, Qashqadaryo vohasining mamlakatimizda turizm sohasini rivojlantirish borasidagi salohiyati to'g'risida ma'lumot berilgan.

**Kalit so'zlar:** Qashqadaryo viloyati, Oqsaroy tarixiy yodgorligi, Langar ota ziyoratgohi, Hazrati Bashir ziyoratgohi, Xoja shayx Shamsiddin ziyoratgohi, Xo'jaimkana Xoja Imganakiy ziyoratgohi, Abul-Mu'in an-Nasafiy yodgorligi, Amir Temur g'ori.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V5I1Y2025N07>

**Kirish.** Qashqadaryo viloyati 1964-yil 7-fevralda tashkil etilgan. Viloyat O'zbekiston respublikasining janubiy g'arbida, Qashqadaryo havzasida, Pomir-Oloy tog' tizimining g'arbiy chekkasida, Amudaryo va Zarafshon daryolari, Hisor va Zarafshon tog' tizmalari orasida joylashgan. Shimoliy g'arbdan Buxoro, janubiy-sharqdan Surxondaryo, janubiy g'arbdan va g'arbdan Turkmaniston, sharqdan Tojikiston va Samarqand viloyatlari bilan chegaradosh. Maydoni 28,6 ming km<sup>2</sup>. Tarkibida 13 qishloq tumani mavjud. Markazi — Qarshi shahri. Aholining o'rtacha zichligi 1 km<sup>2</sup> ga 83,7 kishiga to'g'ri kelgan. Shahar aholisi esa 587,5 ming kishidan iborat [1; 23-b.].

Qashqadaryo viloyati aziz avliyolar va ulamolar tugʻilib, kamolga yetgan, ilm-maʼrifat va ahli donishlari bilan mashhur boʻlgan zamin desak mubolagʻa boʻlmaydi.

**Adabiyotlar tahlili va metodologiya.** XIX asr ikkinchi choragi va XX asr oʻrtalariga kelib, milliy meʼmoriy yodgorliklarni tadqiq etgan mutaxassis olimlardan V.L.Vyatkin, M.Y.Masson, V.V.Bartold, A.Y.Yakubovskiy kabi olimlarning [4; 63-b.] Turkiston tarixiy yodgorliklarida olib borgan tadqiqotlari oʻrganilayotgan masala xususida xolis maʼlumotlar toʻplashimizga asos boʻldi. Yana qator tadqiqotchilar, jumladan L.N.Voronin va Sh.E.Ratiya, V.A.Nilsen, L.I.Rempel, K.S.Kryukov, I.I.Notkinlar Oʻrta Osiyo xalqlari tomonidan yaratilgan ziyoratgohlarni umumxalq mulki sifatida eʼtirof etishgan.

Shuningdek, tadqiqot ishida Qashqadaryo viloyatida olib borilgan dala tadqiqotlari maʼlumotlaridan keng foydalanildi.

**Natijalar.** Qashqadaryo viloyatida koʻplab tarixiy-madaniy yodgorliklar va ziyoratgohlar, qadamjolar mavjud. Masalan, Shahrisabz shahridagi Oqsaroy, Dorussaodat, Dorutilovat, Mavlono Xojagiy Imganakiy, Kitob tumanidagi Hazrati Bashir, Qamashi tumanidagi Katta Langar, Qarshi shahridagi Koʻkgumbaz, Odina, Abu Ubayda ibn Jarroh, Qarshi tumanidagi Hazrati Imom Muʼin, Kasbi tumanidagi Sulton Mirhaydar, Koson tumanidagi Xusam Shayx, Muborak tumanidagi Abdulloh ibn al-Muborak Marvaziy ziyoratgohlari shular jumlasiga kiradi. Viloyatda 927 ta madaniy meros obyekti mavjud boʻlib, ularning 163 tasini arxitektura inshootlari, 683 tasini arxeologik yodgorliklar, 61 tasini qadimiy sanʼat asarlari, 20 tasini esa ziyoratgohlar tashkil etadi [2; 168-b.].

Qashqadaryo vohasida joylashgan tarixiy-madaniy yodgorliklari, muqaddas qadamjo va ziyoratgohlar oʻziga xos tarixga ega boʻlib, nomlanishi jihatdan quyidagi guruhlariga tasniflash mumkin.

1) *Mahalliy avliyolar nomlari bilan atalgan aziz joylar:* Mishon ota aziz joyi (Vardon qishlogʻi), Xoʻjanazim aziz joyi (Shoʻrxasan qishlogʻi), Xoʻjapiryogʻ ziyoratgohi (Polmon qishlogʻi), Sayidvaqqos ziyoratgohi (Namaton qishlogʻi) va boshqalar;

2) *Tabiat kulti bogʻliq ziyoratgohlar:* Koʻktosh ota aziz joyi (Qoʻrgʻondiktor qishlogʻi), Koʻktosh azizlari (Achchigʻi qishlogʻi), Qoraqush ota aziz joyi (Qoraqush joyi) kabilar.

3) *Avliyolarga nisbatan berilgan xalqona nom bilan nomlangan ziyoratgohlar:* Boshqobota ziyoratgohi (Boshqob qishlogʻi), Kengqoʻlota ziyoratgohi (Almati, Suvtushar qishlogʻi) va hokazolar;

4) *Gidronimlar bilan nomlangan ziyoratgohlar:* Qoʻsh chashma ziyoratgohi (Uymovut qishlogʻi), Beshbuloq ziyoratgohi (Shoʻrji qishlogʻi) va boshqalar;

5) *Shayidlar nomlari bilan atalgan:* Moʻminota shayidi (Shiramon qishlogʻi), Olimxonishayidi (Jarboshi qishlogʻi), Jovlibovani shayidi (Eskidahya qishlogʻi) va boshqalar, Jirjirota shayidi (Eskichorshanbe qishlogʻi), Zikota shayidi (Pastdiktor qishlogʻi), Xoʻjaguzarshayidi (Xitoy qishlogʻi) va hokazolar;

Mazkur hudud joy nomlari tizimida shayid alohida ahamiyatga ega boʻlib, shayid joylar, kishi nomlari, laqablari, fitonimlari asosida shakllangan. Bunday joy nomlari tarkibida “shayid” soʻzi (toponimik aniqlagich) vazifasi qoʻllanilgan [3; 63-64-b.].

6) *Qiz nomi yordamida shakllangan shayidlar:* Qirqqizlar shayidi (Shayton jarboshi qishlogʻi), Qizmozorota shayidi (Doʻng qishloq qishlogʻi) va boshqalar.



**Muhokama.** Qashqadaryo vohasi tarixi, o'ziga xos tarixiy obidalari, muqaddas qadamjo va ziyoratgohlari bilan boshqa hududlardan ajralib turadi. Har bir tarixiy obidaning o'z tarixi va ahamiyati, ular bilan bog'liq xalqona qarashlar, afsona va rivoyatlar mavjud.

**Oqsaroy tarixiy yodgorligi** – Qashqadaryo vohasining eng yirik tarixiy maskanlaridan biri. Temuriylar davri yodgorligi. Amir Temur yurtimizdagi ko'pgina shaharlar qatori Shahrisabz obodonchiligiga ham katta e'tibor bergan. Oqsaroy ham Sohibqiron sa'y harakati bilan bunyodga kelgan obidadir. Tarixchilarning shohidlik berishlaricha, Kesh, Movarounnahrning shaharlaridan biri bo'lib, u "yashilligi va ko'zni quvontiradigan chechlari tufayli Shahrisabz nomi bilan mashhur". Uni jahonning go'zal joylaridan biri hisoblaydilar. "Bahorda uning yonbag'irlari shu qadar go'zal va yam — yashil bo'ladiki, go'yo bu yerga samoviy gilam yozilgandek. Uylarning tomlari va devorlarda qipqizil va boshqa anvoyi gullar ochiladi", – deb yozgandi Mahmud ibn Vali. Temur 1378-1379-yillardayoq Shahrisabzda katta obodonchilik ishlarini boshlagan edi. Shahar yangitdan to'rt darvozali paxsadevor bilan o'raldi, tashqi tomonda gir aylana xandaq qazilib, osma ko'priklardan o'tiladigan bo'ldi. Oqsaroyning qurilishi Temurning Xorazmga qilgan yurishi bilan bog'langan [5; 89-90-b.].

Temur tug'ilgan shahriga alohida mehr qo'ygan va uni mamlakatning diniy va siyosiy markaziga aylantirishga uringan. Temur o'z odati bo'yicha har bir yurishini nishonlash uchun qandaydir inshoot barpo qilar edi. 1379-yilning kuzida Urganch shahrini bosib olgach, Temur Xorazmlik yirik olimlar, hunarmandlar va turli ixtisosga oid mutaxassislarni Shahrisabzga ko'chirish haqida farmon berdi. Oqsaroyni asosan xorazmlik me'morlar qurgan. 1380-yilning bahorida Oqsaroyni qurishga kirishildi. Mashhur ispan sayyohi Ryui Gonzales de Klavixo 1404-yil 29-avgustda shu saroyni ko'zdan kechirgan vaqtida ham saroy hali bitkazilmagan edi. U yigirma yildan ortiq qurilgan. Uning qurilishi xususida ko'pgina rivoyatlar yuradi [6; 41-b.]. Ammo uning qurilish tarixi 1380-1404-yillar deya keltiriladi.

Sohibqiron saroy qurilishi uchun barcha ashyolarni, jumladan, g'ishtni ham Samarqanddan tuyada tashib keltirishni va o'zining ishonchli navkarlaridan bo'lgan Asliddinbekka besh yuz tuya hozirlashni buyuradi. Asliddin boshchiligidagi karvon har gal Shahrisabzga yaqinlashganda tuyalar hurkib, ustidagi g'ishtlar yerga tushib sinavergan. Bu voqea bir necha bor takrorlanadi. Navbatdagi voqea ustiga Amir Temur kelib qoladi va nihoyatda g'azablanib, Asliddinni o'ldirishga buyuradi. Asliddin avval bu holat sirini bilib, keyin hukmni ijro etishlarini o'tinib so'raydi. Sohibqiron izni bilan o'sha yer nechog'lik sinchiklab tekshirilmasin, baribir hech bir aniqlik topilmaydi. Begunoh Asliddin qalbdan yig'lab, qodir Allohdan o'zini toshga aylanib qolishini iltijo qiladi va bir zumda toshga aylanib qoladi. Amir Temur ko'z o'ngida sodir bo'lgan voqeadan qattiq ta'sirlanib, bu yerni chuqurroq qazishni buyuradi. Bir vaqt qazuvchilar katta to'rtburchak toshga duch kelishadi. Toshni yuqoriga olib chiqadilar. Unda arabcha "XIV asr yarmida shunday Sohibqiron tug'iladiki, u butun dunyoga hukmronlik qiladi", degan so'zlar yozilgan ekan. Oqsaroyni barpo qilish Amir Temur zimmasida ekanligini ham ajdodlarimiz toshga yozib qoldirgan ekanlar. Balandligi 50 metrdan ziyod bo'lgan Oqsaroy 24 yilda qurib bitkazildi, o'sha tosh esa saroyning baland qismiga o'rnatiladi [7; 147-b.].

**Langar ota ziyoratgohi** – Qamashi tumanidagi Qiziltepa qishlog'idan 25-30 kilometr olislikda, Hisor tog' tizmalari oralig'idagi Langar qishlog'ida joylashgan Langar ota ziyoratgohidir. Ayni kunlarda ushbu maskan, unda saqlanayotgan ko'fiy xatida bitilgan Qur'oni karimning Yer yuzidagi eng mo'tabar nusxalaridan biri — Katta Langar Qur'oni haqida juda

ko'p maqolalar e'lon qilinib, teleko'rsatuvlar namoyish etilmoqda. Vaholanki, Katta Langar qur'oni haqida bundan naq 10 yil ilgari ham taniqli adiba, „Oltin meros“ xalqaro xayriya jamg'armasi viloyat muassasasi direktori Sharofat Ashurova tadqiqotlar olib borgan, maxsus chiqishlar qilgan.

Tarixdan bilamizki, Sohibqiron Amir Temur Shahrisabzni buyuk davlatning yuragiga aylantirish maqsadida minglab xonalari bo'lgan „Saodat uyi“ni qurishni boshlaydi. Unda ilm-fan taraqqiyoti bilan bir qatorda islom g'oyalarini inson ruhiyatiga singdirishning turli usullarini targ'ib etish ko'zda tutilgan edi. Jumladan, Ollohga muhabbatni kuy-qo'shiqlar orqali yetkazish uchun dunyoning turli mamlakatlaridan sozandalar, ijrochilar taklif etilgandi. Amir Temur vafotidan so'ng parchalanib ketgan mamlakatning „Saodat uyi“da voyaga yetayotgan „Ishqiya“ tariqati targ'ibotchilari tog'lar orasidagi Langar qishlog'ida jon saqlagan bo'lsa ajab emas. Chunki Langarda hoki qo'yilgan Shayx Abul Hasan „Ishqiya“ tariqati targ'ibotchisi edi.

Chindan ham bu yer tabarruk qadamjo ekaniga ko'plab tarixiy, arxeologik asoslar bor. Jumladan, „Turkestanskiye vedomosti“ gazetasining 1920-yil 24-avgust sonida nashr etilgan maqolada shunday yozilgan: „Langar qishlog'i o'tgan zamonda shahar ham bo'lgan. Bu qishloq o'zining madaniy holatini saqlab qolgan. U Yakkabog'dan uncha uzoqda emas. Albatta vaqti kelib bu yerlarga ham ot yo'llari o'rniga asfalt yo'llari solinar. Langar oddiy qishloq emasligi to'g'risida mozorda turgan qabrtoshlar guvohlik berib turibdi. Ular juda ajoyib bezatilgan. Katta Qur'on saqlanib kelinmoqda. U ham juda ajoyib bezatilgan. Albatta, bu Qur'on mana shunday binoning ko'rkiga ko'rk qo'shib turibdi“ [7; 113-b.].

Professor T.Nafasov manbalariga ko'ra, „langar“ so'zi „qo'nimgoh“, „to'xtab o'tiladigan maskan“ ma'nolarini beradi. Mahalliy aholining gaplariga qaraganda, Langar dahasidan yuqorida qadimgi kemalarning qoldiqlari topilgan. Shuningdek, bu maskan atrofida bir zamonlar daryo oqqanini suv izlari ham tasdiqlaydi. Langar ota ziyoratgohi qadimiy maskan ekani haqiqat, buni bu yerdagi obidalar, asrlar davomida saqlanib, bizgacha yetib kelgan Qur'oni Karim, osori atiqalar ham tasdiqlaydi. Qolaversa, maqbaraning ichkarisida saqlanib kelayotgan bitiktoshlar hech bir ziyoratgohda uchramaydi. Ajablanarlisi shundaki, nihoyatda nozik ishlangan 1x2 o'lchamdagi qabrtoshlar qabrlarning bosh uchiga tikka holda o'rnatilgan bo'lib, g'oyat nozik ishlov berilgan [8; 6-b.].

Qishloqdagi mahobatli masjid qurilishi ham bizni hayratga soladi. Masjid 2 ta xonaqoh, 1 ayvon, 4 mehrob, 19 ta ustun va 7 eshikdan iborat. 2 ta xonaqohi katta masjid va kichkina masjid deb nomlanadi. Avval kichkina masjid qurilgan, namozxonlar ko'payganligi sababli keyinchalik katta masjid va ayvoni qurilgan. Katta masjid ichki devori tepa qismiga „Fath“ surasi 1-11 oyatlari yozilgan hamda turli-tuman naqsh-bezaklar bilan bezatilgan. Masjid katta xonaqohining ustuni tepasida hijriy 1362-yil (milodiy 1905-yil)da usta Muhammadiyor tomonidan ta'mirlangani yozilgan. Masjid balandligi 11 metr, bo'yi va eni 32 metrdan. Masjid shiftiga vassajuft taxlangan. Uning mehrob qismi nozik did va yuksak mahorat bilan bezatilgan. Mehrob atrofi suls yozuvidagi bitiklar bilan to'la. Shuningdek, moviy fonga oq rangli yozuvlar bitilgan rang-barang koshinlardan yaratilgan ajoyib mozaika kishi diqqatini o'ziga jalb qiladi.

**Hazrati Bashir ziyoratgohi** – ushbu ziyoratgoh Kitob shahridan 30,5 kilometr shimoliy sharqda Xabash va Ko'l tog'lari oralig'idan oqib o'tuvchi Qashqadaryoning sohilida joylashgan. Qishloqda 136 xonadon bo'lib, 797 kishi istiqomat qiladi. Aholisi asosan anor, tamaki yetishtirib, chorvachilik bilan shug'ullanadi. Shuningdek, dorivor o'simliklar tayyorlaydi. Tumanning markazi bo'lgan Kitob shahri bilan tosh yo'li orqali bog'langan. Xonadonlar, asosan

daryo yoqalab, torgina tosh ko'chani ikki tomonida joylashgan. Bashir qishlog'i atrofida bir qancha buloqlar bo'lib, ularning suvi Qashqadaryoga quyiladi. Uchta buloqdan oqib chiqadigan suv katta hajmga ega bo'lib, quvurlar orqali xonadonlarga uzatilgan [9; 49-50 b.].

Tarixiy ma'lumotlarga ko'ra, 1449-yilda Ulug'bek o'z o'g'li Abdulatif tomonidan o'ldirilgach, uning shogirdi Ali Qushchi rasadxonadagi kitoblar va sekstantini Bashir qishlog'idagi Niyoz tepaga joylashtirgan. Shu yerda rasadxonaning quyi qismi – “poyi rasad”ni qurib, 7 - 8 yil Shayx Hazrati Sulton Said Ahmad Bashir himoyasida ish olib borgan. O'limidan sal oldin Hazrati Ali Qushchini huzuriga chorlab, vafoti yaqinlashayotgani, u kishidan keyin uni hech kim himoya qila olmasligi sababli bu yerdan ketishni maslahat bergan. Hazrat salohiyat egasi bo'lib, musulmon mamlakatlariga tanilgan pallada turli o'lkalardan kelgan kishilar Bashir ota xizmatida bo'lib, shu yerda muqim yashab qoladilar va qishloqni obod qiladilar. Keyinchalik qishloqda Makkai Mukarrama shaklida masjid va madrasa bunyod etilgan. Masjid va madrasa 1940-yillarga qadar mavjud bo'lgan, lekin sovet davrida dinga bo'lgan tazyiq va ta'qib tufayli buzib yuborilgan. Hozirda Bashir ota qabristoni quyisidagi chashma bo'yida yangi masjid qurilgan. Shu yerdagi Junaydullo Islomshayx o'g'li Xoziq tomonidan 1842-1843-yillarda qurilgan chillaxona (g'or) Bashir qishlog'ini yanada ulug'vor qilib ko'rsatib turadi.

**Xoja shayx Shamsiddin ziyoratgohi** – Kitob tumani markazidan kunchiqar tomonda Xo'jaisparoz qishlog'i qabristonida buyuk alloma Xoja Mahmud (Mavlono Darvesh Muhammad) va yetti pirlarning biri Amir Kulolning eng yetuk xalifalaridan hisoblangan Xoja shayx Shamsiddin Kulol abadiy qo'nim topganlar. Xoja shayx Shamsiddin Kulol so'fiylik tariqatining o'ziga xos targ'ibotchisi, iqomatlari g'oyat oliy, karomatlari bisyor, haqiqiy alloma bo'lganlar. Ul zotni shayx Shamsiddin Parranda deb ham atashgan. Mavlono Muhammad Darvesh musulmonlar olamida silsilayi sharifning 21-o'rnidalar. Bu zoti sharif o'z zamonasining yetishgan valiyalaridan, avliyo, qutblar qutbi, silsilai sharifning yigirma ikkinchisi hisoblangan Abdulboqi Xojagi Imkanagiyning otalaridir. Bu ikki alloma haqida xalq orasida turli rivoyatlar ham yuradi. Hazrati Shayx Shamsiddin haqidagi rivoyatlar ham o'ziga xos, qiziqarli. Shayx Sari degan qishloqqa ko'chib borgandan keyin dehqonchilik va ko'hando'zlik bilan shug'ullanganlar. Oradan 10 - 12 yil o'tgandan keyin bir kuni onasi: “O'g'lim, otangizga ovqat olib boring”, deb taom solingan idishni beradilar. Yosh Shamsiddin otalariga ovqat olib borsalar, otalari endi ho'kizlarni qo'shdan chiqarib, o'tlatishga qo'yib yuborgan edilar. “O'g'lim, ovqat olib keldingizmi?”, deb so'rabdilar. “Ha, padari buzrukvor, sizga ovqat olib keldim”, debdilar yosh Shamsiddin. Otalari ho'kizlarni o'tloqqa qo'yib, o'g'illariga:”Siz shu yerda o'tirib, ho'kizlarga qarab turing, men peshin namoziga tahorat olib kelay, deb dala yonidagi pastqamlikka qarab ketibdilar. Yosh Shamsiddin biroz zerikib, ho'kizlarni haydab kelib, qo'shga qo'shadilar va yer hayday boshlabdilar. Shu payt daradan ikkita ajdarho chiqib kelibdi. Bularni ko'rgan shayx Shamsiddin o'zlarini yo'qotmabdilar. Darhol Allohga iltijo qilib, duo o'qibdilar. Duolarning xosiyati bilan ajdarholar ularga bo'ysunib, hamla qila olmagan ekan.

Toponimlar ma'nosi tahlilidan kelib chiqilsa, “Xo'ja-is” (iste'dod – forsha) “Xoja va to'xtmoq” ma'nolarini anglatadi. “Paroz – Parvoz qiladilar”, degan ma'noni bildiradi. Xoja Shayx Shamsiddin atrofidagi barcha qishloqlarning ilm istovchi ahliga, katta — kichikka ustozlik qiladilar. Hazrati Shayx Shamsiddin o'z bilimlarini yanada oshirish maqsadida Buxoroyi sharifga boradilar. Bu yerda yetti pirlarning biri Said Amir Kulolga shogird bo'ladilar va tahsil oladilar. Xo'jaisparoz qishlog'idan Oqsuv daryosi oqib o'tadi. Shayx Shamsiddin hazrat bomdod namozini ado etib, Allohga zikr qilib turganlarida, g'or oldiga qo'llarida suv solingan idishlar

bilan odamlar duo olish uchun keladilar. Har kuni shu ahvol takrorlanar edi. Hazrati buzrukvor nihoyatda toliqib, charchab qolaverganlaridan keyin hazrati Xizr alayhissalom hozir bo'ladilar. Suhbatlari juda qiziqarli bo'lib oldilaridagi daryoga "g'ar- g'ara" qilish va dam urishni maslahatlashadilar va shu "g'ar-g'ara" ko'pigi o'chguncha (200 — 250 m) masofa oralig'idagi suv har qanday dardga shifo bo'lishini Allohdan iltijo qiladilar [10; 4-b.].

Dala tadqiqotlari jarayonida Oqsuv ziyoratini amalga oshirganimizda, qishloq ahlining Oqsuv daryosi hamda uning qanday shifobaxsh xususiyatlarga ega ekanligi haqidagi aytgan so'zlari, qanchalik darajada rost ekanligiga amin bo'ldik. Chunki ushbu daryo suvida yuvingan kishi har qanday darddan forig' bo'lar ekan [11;].

Shu bilan birgalikda Shahrisabz, Yakkabog', Chiroqchi, G'uzor tumanlarida ko'plab avliyolarning maqbaralari mavjud. Bu avliyolar nomi bilan bog'liq rivoyatlarda o'sha azizlar yashagan joylarga ularning sharofati bilan suv — obi hayot kelgani haqida hikoya qilinadi. Yakkabog'ning Darxon qishlog'iga Makka Sayyid ota suv keltirgan bo'lsa, tumanning hozirgi Navoiy fermer xo'jaligi joylashgan Qorabog' dashtiga Sayyid Valixo'ja hassalari bilan chizib Qizildaryodan suv olib kelgani rivoyat qilinadi. Qorabog' dashti bir vaqtlar suv chiqmagan bo'z yerlar bo'lgan. Qorabog' dashtida Qo'shilish, Kalta, Uzun qishloqlari barpo bo'lgach, bu yerlarda dehqonchilik qilish uchun qishloq ahli pirlari Sayyid Vali xo'jadan suv keltirishni iltimos qilishadi. Ul zot Qizildaryodan suv olib keladi. Bu zot Ko'ltepa ota qabristonida abadiy qo'nim topgan. Bu joylar mahalliy aholining ziyoratgohiga aylangan [12; 12-16-b.].

**Xo'jaimkana Xoja Imganakiy (Xoja ilm konige – ilmlar koni) ziyoratgohi** – Kitob tumanidagi Xo'jaimkana (Xoja ilm konige – ilmlar koni) qishlog'ida joylashgan. Aytishlaricha qishloqqa suv kelishi ham shu zot nomlari bilan bog'liq ekan. Rivoyat qilinishicha, bu zotning karomatlari bilan qir ustidan koriz orqali suv keltirilgan. Hazrat koriz o'rnini hassalari bilan belgilab berganlar.

Davrlar o'tgan sari haqiqatlar rivoyatlarga aylanib borgan. Darxon qishlog'idagi katta tepalik ustida Makka Sayyid ota xonaqosi uzoq – uzoqlardan ko'rinib turadi. Hazratning qabrlaridagi tuynukka qo'l suqilsa, kimga soch, kimgadir don ilashib chiqadi deyishadi. Rivoyatda aytilishicha, Makka Sayyid ota vafot etmaganlar, balki Tirikliklarida g'oyib bo'lganlar. Bu holat Isoyi Masiq, Qusam ibn Abbos – Shohizinda, Xo'ja Ahmad Yassaviy tarixlariga o'xshaydi. Shu bois Makka Sayyid otaning hamon tirik ekanligi, ya'ni u kishining tahorat olib xonaqohga kirib ketayotganlari holda har zamon qishloq odamlariga ko'rinib turishlarini hikoya qilishadi. Qadimda karomatgo'y Makka Sayyid ota va shu qabristonda yotgan ota – bobolarning arvohlari hurmatlari uchun xonaqoh yonidan o'tayotgan yo'lovchi yoki ziyoratchi otdan tushib, to bu yerdan o'tib ketguncha piyoda yurgan.

Bu rivoyatlarning haqiqati shuki, Sohibqironga nisbatan berilgan Darxonariqning qazilishi ilgari zamonlarga taalluqli bo'lsa kerak. Chunki Darxonariqning eski nomi Makka Sayyid ota nomi bilan "Azlarariq" deb yuritilgan. Ammo Sohibqiron eski Azlarariqni kengaytirib tuzatirgan, bu qishloqlarni obod qilgan. Chunki Darxon qishlog'i bilan Qizildaryo (Yakkabog'daryo) o'rtasida baland — baland qirlar bo'lib, suv bu adirlar qoq o'rtasidan oqib o'tgan. Jarlik hosil qilgan ba'zi joylarning chuqurligi 80 — 100 metr.

Xo'ja Ilim Konidagi ushbu xonaqoh to'g'ri burchakli planda (24x20,2 m) tushgan, burchaklarida silindrik kichik minorachalar – guldastalari bo'lgan ravoq gumbazli binodir. Uning old tomonida uchli baland qubbador peshtoq yon tomonga tushgan qanoslari bor. Bino ichi katta xonadan iborat (11,8 x 11,8 m), hamma devorlari tokchali, bir — biri bilan kesishgan

to'rt ravoq va qalqonsimon bag'allar gumbaz bilan yopilgan. Gumbazning diametri xonaning yon tomonlariga qaraganda ikki baravar kichik (6,4 m). Tashqi tomondan u zinasimon shaklda ko'rinadi [13; 69-71-b.].

**Amir Temur g'ori** – Markaziy Osiyoda chuqurligi va uzunligi jihatidan yagona bo'lgan g'or. Rivoyatlarga ko'ra, Sohibqiron Amir Temur o'zining otliq lashkari bilan ushbu g'orda bir muddat dushman xavfidan saqlangan. Uzunligi 870 metr, kengligi 7-10 ba'zi joylarda 100 metrgacha yetadi. G'orning shiftlarida uzunligi 1,5-2 metr keladigan tabiat mo'jizasi — stallaktit (sumalak)lar mash'ala yorug'ida kamalak ranglarida jilolanadi.

**Abul-Mu'in an-Nasafiy yodgorligi** – kalom ilmining buyuk namoyandalaridan biri bo'lib, u Abu Mansur Moturidiy asos solgan moturidiya ta'limotining dunyoda keng miqyosda tarqalishida muhim rol o'ynagan alloma hisoblanadi. Abu-l-Mu'in an-Nasafiy ziyoratgohida Xitoy ipak qog'oziga bitilgan Qur'oni karim qo'lyozmasi mavjud. Bu muqaddas kitobning bo'yi 60, eni 41 santimetrni tashkil qiladi. Mazkur Qur'on uchun usta Zarif degan kishi tomonidan balandligi 1 metr 60 santimetrlik lavh yasalgan. Lavhda hijriy yil hisobi bilan 1266 (milodiy yil bo'yicha 1851) sanasi yozib qoldirilgan. Ziyoratgoh atrofida katta qabriston bor. Ziyoratgoh bilan qabristonni qo'shib hisoblaganda, hudud 50 gektardan ko'proq maydonni egallaydi. Qabristonda 100 dan ortiq har xil marmar toshlarga bitilgan yodgorliklar bor. Yodgorliklarga qaraganda, qadimiy Ibsan qishlog'idan chiqqan olimlar ham shu yerda dafn qilingan [14; 21-b.].

VIII-XII asrda yashagan olimlar haqida ma'lumot bergan as-Sam'oniyy (1113-1167) o'zining "Al-Ansob" (Nasabnoma) asarida: "Ibsan — Nasafdanda bir farsax uzoqlikdagi qishloq. Abu Ya'qub Yusuf ibn Abu Bakr al-Ibsaniy shu qishloqdan. Bu kishi shayx, qori, chiroyli siyratli va ko'p ibodat qiluvchilardan edilar. Abu Bakr Muhammad al-Baladiydan ta'lim olganlar. Nasafda bo'lganimda Al-Azraqiyyning "Axboru Makka" kitobini shu kishidan o'qiganman. Hijriy 478-yilning (milodiy 1086) safar oyida tug'ilib, hijriy 552-yilning (milodiy 1158) safar oyida vafot etganlar", deb yozadi.

**Odina madrasasi va masjidi** – shaharda ilk bor ayollar uchun madrasa va masjid qurilgan. Majmua XVI asrda vayron bo'lgan Kebekxon saroyi o'rnida qurilgan. Madrasada ayollarga ilm-fan va diniy ta'limotlar o'rgatilgan. Odamlar namoz o'qib, farzandlari, yaqinlari uchun Allohga shukronalik keltirish uchun masjidga kelishgan. Bunday diniy majmua O'rta Osiyoda yagona bo'lib, hech qayerda o'xshashi yo'q edi. Ayni paytda masjidda shayboniylar sulolasining boy tarixidan hikoya qiluvchi muzey faoliyat ko'rsatmoqda, ularning hukmdorlari va xonlari islom tarixiga salmoqli hissa qo'shgan [15; 227-b.].

**Ko'k-Gumbaz masjidi** – Qarshi jome masjidi XVI asr oxirida qurilgan. Bino o'zining ulug'vorligi va go'zalligi bilan hayratda qoldiradi, o'sha davr odamlari bunday go'zallikni qanday qilib qurishga muvaffaq bo'lganligining o'zi juda ham hayratlanarli.

**Qilichboy madrasasi** – 1914-yilda qurilgan bo'lib, tashqi ko'rinishi Xo'ja Abdulaziz madrasasiga juda o'xshaydi. Madrasadagi 12 ta o'quv xonalari birinchi va ikkinchi qavatlarda joylashgan. Hovli ichida tashnov – kanalizatsiya ham mavjud bo'lgan. Pishirilgan g'ishtdan qurilgan mustahkam devorlar ta'sirchan, uzoqdan e'tiborni tortadi. Hozirda madrasada muzey faoliyati yo'lga qo'yilgan.

**Xo'ja Abdulaziz madrasasi** – Arxitektura yodgorligi 1909-yilda, Buxoro amiri Sayid Abdulahadxon davrida qurilgan. XX asr boshlarida madrasa mashhur ta'lim muassasasi bo'lib,

u yerga Buxoro amirligining barcha hududlaridan talabalar kelgan. 1975-2007-yillar mobaynida Madrasada Qashqadaryo o'lkashunoslik muzeyi faoliyat yuritgan.

**Miri Janda ziratgohi yoxud Umar Suhravardiy** – G'uzor tumanida "Mir Janda ota" (Shayx Shahobuddin Umar Suhravardiy) nomi bilan mashhur ziyoratgoh doim uzoq va yaqindan tashrif buyuruvchi ziyoratchilar bilan gavjum. Allomaning to'liq ismi Abu Hafs Umar ibn Muhammad ibn Abdulloh ibn Shahobuddin Suhravardiy bo'lib (1144-1234), bu nom allomaning shimoli-sharqiy Eronning Jabal o'lkasidagi Suhravard shahrida tug'ilganiga ishora qiladi. Bu shahar o'z davrida ilm-fan va malaniyat rivoj topgan yirik shaharlardan biri bo'lganligi bilan ajralib turadi.

Shahobudin Suhravardiy – o'rta asrlarda faoliyat yuritgan buyuk sufiy, qator islomiy ilmlar sohibi, til va hol ilmni yuksak darajada egallagan mohir imom, usulchi olim, yurtimizni, xalqimizni yuragidan yaxshi ko'rgan chin vatanparvar. Shahobuddin Suhravardiy ko'plab izdoshlariga, suhravardiya oqimi esa turli tarmoqlarga ega edi. Ular orasida uning o'g'li Imomiddin Muhammad (vaf. 1257), Sheroz shayxi Najibuddin Buzgush (vaf. 1279) va boshqalar birodarligini ko'rsatish mumkin. Buyuk fors shoiri Sa'diy Sheroziy (1208-1292) "Bo'ston" asarida Suhravardiyni ustoz deb atagan.

Keyinchalik, o'zlarini suhravardiya tariqati a'zosi sifatida e'tirof etgan shayxlar orasida Nuriddin Abdu-s-Samad Natanziy, Abdurazzoq Koshoniy (vaf. 1329) va Said ibn Abdulloh Farg'oniy (vaf. 1300) kabi mashhur nomlar ham bor. Suhravardiya tariqati Hindistonda falsafiy oqim sifatida samarali faoliyat yuritdi. Bu yerda hozirda mavjud tariqat maktabining asoschilaridan biri, shubhasiz, Suhravardiyning buyuk shogirdi Nuriddin Muborak G'aznaviy (vaf. 1234) hisoblanadi. Uning qabri Dehli shahrida joylashgan. Kezi kelganda shuni alohida ta'kidlash joizki, suhravardiya nomi ostida faoliyat yuritish har doim ham bexavotir bo'lmagan. Muayyan davrda bu tariqat vakillari keskin tanqid ostiga olinib, quvg'in qilingani bois, bir muddat yashirin faoliyat olib borishga ham majbur bo'lishgan.

**Azizi G'uzoriy Xalifa Qamariddin ziyoratgohi** – G'uzor daryoning chap sohilida Eskibog' qishlog'iga borishda chap tomonda Miri Janda ziyoratgohining yonida Azizi G'uzoriy nomi bilan mashhur bo'lgan – Xalifa Qamariddin ziyoratgohi joylashgan. Xalifa Qamariddin XVIII asrning o'rtalarida tug'ilgan bu zot o'z kasbi-holi natijasida ustoz Muxammad Islom shayx Karruxiydan irshod olishga muyassar bo'lgan. Tasavvuf ta'limoti sir-asrorlarini Islom shayx Karruxiydan Karrux shahrida (Hirod shahrida)gi xonaqohda oladi va yetuk tariqat murshidi sifatida tarbiya topadi. Xalifa Qamariddin ustozidan irshod (ruxsat) olgach G'uzor shahrida mustaqil Naqshbandiya sulukini davom ettirgan. Xalifa Qamariddin umrining so'nggi yillarini G'uzorda o'tkazib XIX asrning boshida vafot etadi. Mo'jazgina pishiq g'ishtdan, taxminan balandligi 6 metr, turtala tomoni ham kvadrat tarzida, eni 4 metr chamasi maqbara qad rostlagan. Maqbaraning yuqori qismi, ya'ni gumbazi tunuka bilan yopilgan. Maqbara atrofida qabrlar mavjud.

Maqbara ichida umumiy tarxi 2x2.25 metr, balandligi 1.5 metrli marmar tosh bilan ulangan sufa tarzidagi qabr, ya'ni Xalifa Qamariddin daxmasi joylashgan. Qabr ustidagi qabrtoshlar beshta bo'lakka bo'lingan, toshning deyarli yarmi yo'qolgan, shunday bo'lsada yozuvlarni tiklashga harakat qilinib, ushbu qabrtosh Xalifa Qamariddin Fuzoriyga tegishli ekanligi aniqlangan.

**Musofir ota yoxud Amir Husayn Qavchin ziyoratgohi** – G'uzor tumanidagi yana bir mashhur qadamjoldardan biri "Musofir ota" maqbarasidir. Qashqadaryo vohasi qadimdan

Buyuk Ipak yo'llari tutashgan joyda bo'lganligi tufayli bu zaminni madaniyati rivojlangan, ma'rifatli zotlarni tarbiyalagan, islom g'oyalarini takomillashtirgan, ta'limotlarni bog'lagan ma'naviy ko'prikdir desak xato bo'lmaydi.

Mana shunday tarixiy maskanlarimizdan biri, bugungi kunda Musofir ota nomi bilan atalib kelayotgan ziyoratgohimiz haqidadir. Musofir ota deb atalib kelayotgan ziyoratgoh juda uzoq tarixga ega ekanligi ko'rinib turibdi. Buning isboti shuki, maqbara atrofida qadimiy qabriston yastanib yotibdi. Qabristonda juda ko'plab marmar qabr toshlari (27 ta) mavjud.

Olib borilgan ilmiy tadqiqot ishlarida ushbu marmar qabr toshlaridagi arabiy va forsiy matnlarni o'qishga harakat qilindi. Qabr toshlarini o'qishga beminnat yordam bergan inson Mirzo Me'rojiddindan (tarixchi-manbashunos) tumanimiz aholisi juda minnatdor bo'ladilar. Dastavval, maqbara ichidagi marmar qabr toshlarining o'lchamini oldik. Maqbaraga kiraverishda o'ng tomon burchak qismida mahobatli marmar qabr toshi ajoyib saqlangan. Ustaning mahorati toshga o'yib yozgan xattotning mashaqqatli mehnatida namoyon bo'lgan. Ushbu qabr toshning bo'yi 170 sm, eni 40 sm, balandligi 45 sm ni tashkil etadi. Qabr toshning ikki yon tomonida Qur'on oyatlari bitilgan.

**Xulosa.** Umuman, yurtimizda mavjud ziyoratgoh, maqbara, qadamjolar xalqimizning diniy va milliy qadriyatlardan biri sanaladi. Bugungi kunda vatanimiz tuprog'ida xoki yotgan shaxslar hayoti, faoliyati, ziyoratgohlar tarixi, u yerdagi urf-odatlarini o'rganish, ma'naviy merosimiz sifatida yosh avlodga yetkazish, respublika, viloyat, tuman miqyosidagi ziyoratgohlarning musulmon olamidagi mavqeyini oshirish, u yerga mahalliy va xorijiy ziyoratchilarni jalb etish, ziyorat turizmini rivojlantirish oldimizda turgan dolzarb vazifalardan biri hisoblanadi. Shuni ta'kidlab o'tish lozimki, mazkur ziyoratgohlar va muqaddas qadamjolarga tashrif buyuruvchi ziyoratchilar etnoturizm, gastronomik turizm, madaniy turizm kabi turistik sohalar rivojiga o'z hissalarini qo'shishmoqda. Hozirgi kunda ziyoratchilar gavjum maqbaralar, muqaddas qadamjolar atrofida milliy hunarmandchilik ashyolari bilan savdo qiluvchi markazlarning faoliyat olib borishi mazkur hudud aholisining ish bilan ta'minlanishiga, yangi ish o'rinlarining yaratilishiga xizmat qilmoqda. Ayniqsa, xorijiy sayyohlar va ziyoratchilarning tashrifi mamlakatimizda valyuta aylanmasiga ijobiy ta'sir ko'rsatmoqda, bu esa o'z navbatida aholi turmush darajasining o'sishiga, hududlarda infratuzilmalar rivojiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi.

Ta'kidlash lozimki, O'zbekistonning Qashqadaryo hududidagi ziyoratgohlar masalasining tarixshunosligini tadqiq etishda, uni nafaqat mustaqillik davri, balki mustamlaka va sovet yillarida unga bo'lgan munosabatni ko'rsatuvchi adabiyotlarni ham alohida tahlil etish bugungi kunda dolzarb mavzulardan biri hisoblanadi.

#### Adabiyotlar/Литература/References:

1. Qashqadaryo viloyati hokimligi iqtisodiyot va statistika bosh boshqarmasi. 2011.
2. Bo'riyev, A.Ochilov. Qashqadaryo vohasi etnomadaniy qadriyatlari, -Toshkent: "Yangi Nashr",2014.
3. Karimova T. O'zbek tilida toponimlarning o'rganilishi. -T.: "Fan", 1982.
4. Вяткин В.Л. Материалы к исторической географии Самаркандского вилаята // Справочная книжка Самаркандской области. – Самарканд, 1902.
5. Amir Temur jahon tarixida. Shaxrisabz-Amir Temur vatani. -T. 2001.
6. Tursunov A. Oqsaroy haqida rivoyatlar // Shahrissabzning jahon tarixida tutgan o'rni xalqaro ilmiy konferensiya materiallari. -T.: "Fan". 2002.
7. Choriyev A. Ochilov M. Qashqadaryo viloyati. -T. "O'zbekiston", 1974.

8. Nafasov. T. Qishlog'imiz nega shunday atalgan? . –T .: Fan, 1992.
9. Parmonov O. Berdiyev A. Kitob tumani. –T.: “Fan”, 1996.
10. Hamdamov Y. Xo'jaisparozga keling. “Hurriyat”, 2007.
11. Dala yozuvlari. Kitob tumani. Xo'jaisparoz qishlog'i. 2022, iyun.
12. Mankovskaya L.Yu. Qashqadryo vohasining arxitektura yodgorliklari. –T.: O'zbekiston”,1979.
13. G'ofurov G'., Shoymardonov I., To'xliyev J. Yakkabog' tumani.T.: 2005.
14. Uvatov U. O'zbekiston – Buyuk allomalar yurti / Imom Buxoriy xalqaro markazi. – T.: Movarounnahr. 2010.
15. Jo'rayeva S. O'zbekistonning janubiy hududlaridagi ziyoratgohlar tarixi va ularning mahalliy aholi hayotida tutgan o'rni. Toshkent. “O'zkitob savdo nashriyot matbaa ijodiy uyi” 2021.



**Received:** 20 December 2024

**Accepted:** 5 January 2025

**Published:** 15 January 2025

*Article / Original Paper*

## **THE ROLE OF THE SOUTHERN REGIONS IN THE DEVELOPMENT OF INDUSTRY NETWORKS IN UZBEKISTAN (1924-1991 YEARS)**

**Mamatkulov Bekzod Sherozovich,**

University of Economics and Pedagogy  
Department of "History and Social Sciences"

associate professor, Ph.D

E-mail: [mamatqulovbek@gmail.com](mailto:mamatqulovbek@gmail.com)

**Bozorov Alisher Tolmasovich,**

University of Economics and Pedagogy  
graduate student

E-mail: [bozorovqarshi@gmail.com](mailto:bozorovqarshi@gmail.com)

**Abstract.** In this article, the development of industries in the Kashkadarya and Surkhandarya regions of the southern regions of Uzbekistan in 1924-1991, the role and importance of these regions in the field of heavy and light industry are analyzed based on scientific sources.

**Keywords:** industry, factory, plant, women, gas, chemistry, heavy industry, light industry, building materials, power stations, flour factories, food, textile, personnel policy, mining industry.

---

## **O'ZBEKISTONDA SANOAT TARMOQLARINING RIVOJLANISHIDA JANUBIY VILOYATLARNING O'RNI (1924-1991-YILLAR)**

**Mamatqulov Bekzod Sherozovich,**

Iqtisodiyot va pedagogika universiteti  
"Tarix va ijtimoiy fanlar" kafedrası  
dotsenti, t.f.f.d

**Bozorov Alisher Tolmasovich,**

Iqtisodiyot va pedagogika universiteti  
magistranti.

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada 1924-1991-yillarda O'zbekiston janubiy hududlari Qashqadaryo va Surxondaryo viloyatlarida sanoat tarmoqlarining rivojlanishi, og'ir va yengil sanoat sohasidagi mazkur viloyatlarning o'rni hamda ahamiyati ilmiy manbalar asosida tahlil etiladi.

**Kalit so'zlar:** sanoat, fabrika, zavod, xotin-qizlar, gaz, kimyo, og'ir sanoat, yengil sanoat, qurilish materiallari, elektr stansiyalar, un zavodlari, oziq-ovqat, to'qimachilik, kadrlar siyosati, kon sanoati.

---

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V5I1Y2025N08>

Barcha jabhalarda bo'lgani kabi so'nggi yillarda iqtisodiy sohada ham islohotlar natijasida sanoat ishlab chiqarish tizimida sezilarli o'zgarishlar yuz berdi, bu esa mamlakatning zamonaviy sanoat taraqqiyotini ta'minlash uchun keng imkoniyatlar yaratdi. Iqtisodiy

jarayonlarni demokratlashtirish, siyosiy tizimda jiddiy o'zgarishlar kiritish, boshqaruvda yangi yondashuvlarni joriy etish va sanoat korxonalariga turli shakllarda egalik qilishning yangi tizimlarini yaratish, shuningdek, soha xodimlarini malakasini oshirishda katta yutuqlar erishildi. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning ta'kidlashicha: "Sanoat sohasidagi siyosatni samarali amalga oshirish, sanoatni innovatsion asosda tashkil etish, tashqi bozorlarda yuqori talabga ega mahsulotlar ishlab chiqarishni rag'batlantirishga alohida e'tibor qaratish lozim" [1, 14-b].

Markaziy Osiyo davlatlarida milliy hududiy chegaralar tashkil etilganidan so'ng siyosiy, ijtimoiy va iqtisodiy jarayonlarning yangi bosqichi boshlangan. Ushbu o'zgarishlarga bir nechta omillar ta'sir qilgan. Xususan, O'zbekiston faqat SSSR tarkibidagi suveren respublika sifatida mavjud bo'lib, ittifoq davlatining mohiyati unitar davlat sifatida shakllangan edi.

SSSRda sanoatlashtirish siyosati tarixini tadqiq qilgan olim V. Lelchuk "SSSRni sanoatlashtirish: tarixi, tajribasi, muammolari" nomli risolasida sanoatlashtirish siyosatining maqsadini quyidagicha izohlaydi: "SSSRda sanoatlashtirish asosiy maqsadi birinchidan, texnik va iqtisodiy qoloqlikni bartaraf etish; ikkinchidan, iqtisodiy mustaqillikka erishish; uchinchidan, qoloq qishloq xo'jaligi uchun texnik bazani ta'minlash; to'rtinchidan, yangi sanoat tarmoqlarini rivojlantirish; beshinchidan, kuchli harbiy-sanoat majmuasini yaratishdan iboratdir".

Sanoatlashtirish jarayonini amalga oshirish uchun zarur bo'lgan mablag'lar asosan qishloq xo'jaligidan olinishi va mahalliy aholining mehnat salohiyatidan foydalangan holda ta'minlanishi kerak edi. Bu o'zgarishlar o'zbek ziyolilarining noroziligiga sabab bo'ldi. Ularning bu boradagi fikr-mulohazalari keskin tanqid qilindi. Shunday qilib, o'zbek ziyolilari milliy sanoatni rivojlantirish va yo'lga qo'yishdagi harakatlari "burjua mafkurasini targ'ib qilish" sifatida qoralandi. Mustafu Cho'qayev o'z asarlarida sovet hukumatining O'rta Osiyodagi siyosatining asl mohiyatini ochib berishga uringan va paxta yetishtirish uchun asosiy yerlar ajratilganligi sababli, mamlakatning g'allaga bo'lgan qaramligini ta'kidlagan.

O'zbekistonda mavjud korxonalarining ko'pchiligi mayda sanoat korxonalarini hissasiga to'g'ri keldi. Masalan, barcha sanoat korxonalarining 65 foizini mayda sanoat korxonalarini tashkil etdi. Bundan tashqari sanoat ishlab chiqarishining 90 foizi qishloq xo'jaligi xom ashyosini qayta ishlashga asoslangan edi. Shu tariqa respublika sanoati faqat bir tomonlama ixtisoslashtirilib, uning 2/3 qismiga yaqini paxta tozalash sanoati hissasiga to'g'ri keldi. O'sha davr adabiyotlarda Sovet davlatini iqtisodiy rivojlantirishda O'rta Osiyo Respublikalari zimmasiga xomashyo yetkazib berish vazifasi yuklatilganligi ochiq ifoda qilib berilgan [2, 54-b].

Markazning o'z manfaatlaridan kelib chiqib, sanoatni yo'lga qo'yishga harakat qilish tendensiyasi birinchi besh yillik rejalarida ham yaqqol o'z ifodasini topdi:

1. Qishloq xo'jaligini rekonstruksiya qilish ehtiyojlariga xizmat qiluvchi sanoat: birinchi navbatda paxta – qishloq xo'jaligi texnikasi, irrigatsiya qurilishi uchun metall konstruksiyalar, azotli o'g'itlar ishlab chiqarish.

2. Sanoatning chorvachilik, paxta, ipak, charm, yangi texnik ekinlar, bog'dorchilik va uzumchilik mahsulotlarini qayta ishlash, shuningdek, qazib olish sanoati hamda respublikaning neft, oltingugurt, tuz, grafit va boshqa tabiiy resurslarini o'zlashtirish.

3. Mamlakatning o'sib borayotgan ehtiyojlarini qondiradigan sanoat – oziq-ovqat, kiyim-kechak, to'qimachilik, trikotaj, poligrafiya yo'nalishlarini rivojlantirish.

4. Qurilish materiallari sanoati – sement, g'isht, ohak, plitka, shifer, qamish va boshqalar.

Sanoat korxonalarini viloyatlar bo'yicha joylashtirishda doimiy ravishda nomuvofiqliklar mavjud bo'ldi. Masalan, 1927–1928-yillarda O'zbekiston hududida jami 191 ta yirik sanoat korxonasi bo'lib, ularni viloyatlar bo'yicha taqsimlaganda quyidagi holat bilan izohlanadi. Toshkent, Farg'ona viloyatlarida sanoat korxonalarini ko'pchilikni tashkil etgan bo'lsa, Samarqandda 29 ta, Andijonda 19 ta sanoat korxonalarini faoliyat yuritgan. Yirik sanoat korxonalarini eng kam bo'lgan hududlar Surxondaryo va Qashqadaryo viloyatlariga to'g'ri keldi [3, 102-b].

#### 1927 – 1928-yillardagi O'zbekistondagi sanoat korxonalarini soni\*

№	Viloyatlar	Yirik sanoat korxonalarini soni (1927 – 1928-yillar)
1	Toshkent	65
2	Farg'ona	37
3	Namangan	8
4	Andijon	19
5	Samarqand	29
6	Buxoro	13
7	Surxondaryo	1
8	Qashqadaryo	2
9	Qoraqalpog'iston ASSR	5
10	<b>Respublika bo'yicha jami</b>	<b>191</b>

Jadvaldagi ma'lumotlarga asoslanib, respublika sanoat korxonalarini asosan Toshkent, Farg'ona, Samarqand va Andijon viloyatlarida joylashgani ko'rinadi. Shu bilan birga, Surxondaryo, Qashqadaryo viloyatlari va Qoraqalpog'iston ASSR bu borada orqada qolgan. Masalan, Surxondaryo viloyatida o'sha davrda faqat 1 ta, Qashqadaryoda esa 2 ta sanoat korxonasi faoliyat yuritgan.

1927-1928-yillarda O'zbekistondagi sanoat korxonalarini soha bo'yicha taqsimlanishida ham o'ziga xoslikni ko'rish mumkin. Yirik sanoat korxonalarini tarkibida paxta tozalash zavodlari 43 ta, qurilish materiallari sanoati 17 ta, elektrostansiyalar va un zavodlari 16 tadan, yog' zavodlari 7 ta, metalni qayta ishlovchi korxonalar 5 tani tashkil etgan [4, 7-b].

#### 1927 – 1928-yillardagi O'zbekistondagi sanoat korxonalarini sohalari bo'yicha taqsimlanishi\*

№	Sohalar	1927-1928-yillar
1	Yirik sanoat korxonalarini	191
2	jumladan elektrostansiyalar	16
3	Neftni qayta ishlash korxonalarini	2
4	Kimyoviy	2
5	Metallni qayta ishlovchi	5
6	Qurilish materiallari sanoati	17
7	Paxta tozalash	43

<b>8</b>	Xlopchata bumajnaya	1
<b>9</b>	Ipakchilik	3
<b>10</b>	Tikuvchilik	2
<b>11</b>	Pozyabzal	3
<b>12</b>	Pusht	2
<b>13</b>	Yog' zavodlari	7
<b>14</b>	Un zavodlari	16
<b>15</b>	Konserva zavodi	3

O'zbekistondagi sanoat korxonalarini orasida paxta tozalash, qurilish materiallari, elektrostansiyalar, un zavodlari hissi yuqori edi. Respublikada mavjud 191 ta yirik sanoat korxonasi 43 tasi paxta sanoatiga tegishli bo'ldi. Uning 20 tasi Farg'ona viloyatida joylashtirildi. O'zbekiston sharoitida ba'zi oziq-ovqat sanoati korxonalarini ko'paytirishga imkon bo'lsa-da, ammo turli bahonalarni ro'kach qilinib sohada yangi korxonalar barpo etilmadi. Respublika miqyosida faqat 3 ta konserva zavodi mavjud edi.

1925 – 1928-yillarda sanoat mahsulotlari mulk egaligi shakllari nuqtai nazaridan tahlil etiladigan bo'lsa, 1925 – 1926-yillarda davlat sanoati 97,2 foiz, kooperativ sanoati 1,5 foiz, xususiy sanoat esa 1,3 foizni tashkil etgan. 1927 – 1928-yillarda sanoat mahsulotlari mulk egaligi shakllaridan davlat sanoati 96,3 foiz, xususiy sanoat 0,4 foizni tashkil etib kamayish tendensiyasi kuzatilgan bo'lsa, bu davrda kooperativ sanoati 3,3 foizni tashkil etdi[5, 23-b].

Yuqoridagi raqamlar tahlili shuni ko'rsatadiki, ishlab chiqarilgan sanoat mahsulotlari davlat korxonalarini hisobiga to'g'ri keldi. Kooperativ va xususiy sanoat korxonalarining mahsulot ishlab chiqarishdagi hissi 1-2 foizdan nariga o'tmadi. Respublikadagi asosiy sanoat korxonalarini Ittifoq tasarrufida bo'lib, respublika va mahalliy hokimiyat tasarrufidagi korxonalar kam bo'ldi. Masalan, 1926-1927-yilda O'zbekiston sanoat korxonalarining 76,4 foizi Ittifoq tasarrufida bo'lsa, 1927-1928-yilda ularning salmog'i 78,4 foiz bo'ldi. Respublika ko'rsatkichi esa bu yillarda pasayib borib, 16,8 foizdan 14,1 foizga tushdi. Shuningdek, sanoat korxonalarini ham kamayib bordi. 1926-1927-yili faoliyat olib boruvchi sanoat korxonalarini soni 175 tadan 1927-1928-yilda 165 taga tushadi. Bu korxonalariga ishchilar soni o'rtacha 77-80 kishidan to'g'ri keldi. Ammo toshko'mir sanoatida turli sabablar tufayli bir korxonaga to'g'ri keladigan ishchilar soni kamayib bordi. Masalan, 1926-1927-yilda bu 83 kishi bo'lsa, 1927-1928-yilda 80 kishiga tushdi. O'zbekistonda 1926-yili 500 va undan ziyod ishchi va xizmatchilar ishlaydigan korxonalar soni 3 ta bo'lsa, 1928-yili ular soni 6 taga ko'paydi. 1932-yil O'zbekistonda sanoat korxonalarini va ishchilar soni arxiv manbalariga asoslanib o'rganilganda, ular Ittifoqqa qarashli sanoat korxonalarini, Respublikaga qarashli sanoat korxonalarini va mahalliy sanoat korxonalariga ajratilib, asosan Respublikaga qarashli sanoat korxonalarini ulushi yuqori bo'lib, jami ishlab chiqariladigan mahsulotning yarmidan ko'pini ishlab chiqargan [6, 57-b].

Shu tariqa, O'zbekiston iqtisodiyoti XX asrning 20-yillari oxirlarida paxta yetishtirishga yo'naltirildi. Qishloq xo'jaligida donli ekinlar maydoni kamaytirildi. Paxta hosildorligini oshirish uchun tarmoqni mexanizatsiyalash, mineral o'g'itlardan keng foydalanish va yangi g'o'za navlarini yaratish kabi ishlar jadallashtirildi. Mamlakat to'qimachilik sanoatini paxta xom ashyosi bilan ta'minlash va chet elga qaramlikni bartaraf etish maqsadida VKP (b) MK siyosiy byurosi 1929-yil iyulda Glavxlopkomning faoliyati bilan bog'liq maxsus qaror qabul qilib, unda

shunday belgilandi: “Ittifoq to‘qimachilik sanoatini chet eldan keltiriladigan paxtadan mustaqil qilish, shuningdek, sanoatni yanada rivojlantirish uchun zarur bo‘lgan resurslarga ega bo‘lish” maqsadida ekin maydonlarini kengaytirish zarurligi ta‘kidlandi.

O‘zbekiston hukumati rahbarlari oshkora ravishda O‘zbekistonni Ittifoqning xom ashyo bazasiga aylantirish uchun kurash olib bordi. Bu haqda partiya va davlatning turli anjuman va yig‘inlarida baralla nutqlar so‘zlandi. 1930-yil 4-iyunda O‘zbekiston KP (b) V syezdida A. Ikromov shunday dedi: “O‘zbekiston Ittifoq to‘qimachilik sanoati uchun xom ashyo bazasidir. Oldimizda sanoatni chet el paxtasidan xalos qilish va bu bilan Ittifoqni industrlash katta rol o‘ynash vazifasi turibdi”.

Ko‘rilgan “sa‘y-harakatlar”, olib borilgan tadbirlar natijasida 1932-yil O‘zbekistonda yalpi paxta hosili 807,3 ming tonnaga yetdi. Bu 1928-yilga nisbatan 48 foiz ko‘p edi. 1930-1931-yillarda Sobiq Ittifoq yig‘ishtirilgan paxtaning 75 foizi O‘zbekiston hissasiga to‘g‘ri keldi. 1928-1929-yillarda o‘zida 44 ta paxta tozalash zavodi bo‘lib, shuning yarmiga yaqini, ya‘ni 50 foizi Farg‘ona, Andijon hududiga joylashtirildi. Shuningdek, 1927-1928-yillarda paxta tozalash zavodlari 8515 tonna, 1931-1932-yilda 13 390 tonna paxta qayta ishlandi [7, 101-b].

Paxta tozalash zavodlari yil davomida 5-7 oy davomida faoliyat ko‘rsatdi. Zavodlarni ta‘mirlashga alohida e‘tibor qaratildi. Masalan, 1931-yilda mavjud 41 ta paxta tozalash zavodining 29 tasi to‘liq qayta ta‘mirlanib, faqat 12 tasida ba‘zi kamchiliklar qolgan edi. “Uzbekxlopka” korxonasi daromadi 1924-yilda 3 286 475 rubl 42 kop., 1925-yilda esa 9 057 195 rubl 35 kop. bo‘lgan. 1928-yilda Qoraqalpog‘istonda faqat 2 ta paxta tozalash zavodi faoliyat yuritgan bo‘lsa, 1932-yilda ularning soni 3 taga yetgan. Bu zavodlar To‘rtko‘l, Xo‘jayli va Chimboyda joylashgan bo‘lib, 1928-1929-yillarda ularni qayta qurish uchun 54 ming rubl, 1930-1931-yillarda esa 235 ming rubl ajratilgan.

O‘zbekistonda to‘qimachilik fabrikalari bilan birga tikuv fabrikalari qurilishiga ham muayyan darajada e‘tibor berila boshlandi. 1929-yil sentyabrda Buxoroda 150-200 ishchiga mo‘ljallangan tikuv fabrikasi qurilishi haqida qaror qilindi. Fabrikaga dastlab mahalliy millatga mansub ayollardan 100 kishi jalb etildi. Ular orasida Orifa Saidova, Saida Ochilova, Nigina Subhonova, Ozoda Fatxullayeva, Gulnora Nuriddinova bor edi.

Ipakchilik sanoati O‘zbekistonda paxta sanoatidan keyin ikkinchi o‘rinda turdi. 1929-1930-yil ma‘lumoti bo‘yicha O‘zbekistonda ipakni qayta ishlash hunarmandchiligi bo‘yicha 17 625 kishi shug‘ullandi. Ular soni O‘rta Osiyo bo‘yicha 25 052 kishi edi. Ipakni qayta ishlash bo‘yicha hunarmandlarning asosiy qismi Farg‘onada joylashgan edi. O‘zbekiston hunarmandlar ittifoqi tayyorlagan mahsulotning 12,9 foizi yoki 8 205 ming so‘mlik mahsulot mazkur kasb egalari hissasiga to‘g‘ri keldi [9, 35-b].

1928-1932-yillarda O‘zbekistondagi hunarmandlarni sohalar bo‘yicha taqsimlaganda, ipak to‘quvchi hunarmandlar sonini yildan yilga o‘sganligi, aksincha, pillakashlar soni kamayganligi bilan izohlandi. Amma shu davrda boshqa hunarmandlarga nisbatan faoliyatlari murakkabroq bo‘lgan ipak yigiruvchi va ipak bo‘yovchilar kamchilikni tashkil qildi.

Qashqadaryo okrugining Shahrisabz va Kitob tumanlarida yetishtirilgan ipak Farg‘ona okrugidagi ipaklardan yuqori sifatga ega edi. Bu hududda ipak qurti yetishtirish darajasining yuqoriligi, o‘z navbatida, shu sohada zavod qurish zaruratini yuzaga keltirdi. Biroq, bu mintaqada pillakashlik fabrikasi qurilmadi. Shahrisabz va Kitob tumanlarida ishlab chiqarilgan ipak o‘ziga xos xususiyatlari va sifati bilan ajralib turib, bu to‘g‘ridan-to‘g‘ri hududning tabiati bilan bog‘liq edi.

O'zbekistonda terini qayta ishlash sohasi ham rivojlantirilib borildi. 1928-1929-yillari O'zbekistonda 3 ta terini qayta ishlash zavodi faoliyat olib bordi. Tarmoqdagi eng yirik korxonalar Toshkent ko'n zavodi 1928-yilda ishga tushirildi.

1926-1927-yillarda O'rta Osiyoga umumiy qiymati 4 mln rubllik 7 500 tonna qog'oz chetdan keltirildi. Shuni hisobga olib, 1928-1929-yil Toshkentda qog'oz fabrikasi qurishga qaror qilindi. Shu maqsadda budjetdan 100 000 so'm ajratildi. Mazkur zavod qurilishi yuzasidan VSNX soyuzining qog'oz sanoati bo'yicha ilmiy-texnika Sovetining maxsus komissiyasi mutaxassisi Gorbunov rahbarligida ish olib boradi. Komissiya O'rta Osiyo qamishi qog'oz uchun har tomonlama qulay xom ashyo ekanligini, Toshkent shahrida qog'oz fabrikasi qurish zavodi uchun qog'oz narxining 18 foizga arzonlashishini aniqladi.

Sanoat ishlab chiqarishda mayda kустar hunarmandchiligi muhim mavqeni egalladi. 1927-yil SSSR bo'yicha kichik sanoatning barcha sohalarda band bo'lganlarning umumiy soni 4 mln. kishini tashkil etdi. Shu yili ular 4,6 mlrd so'mlik mahsulot ishlab chiqarib, jami sanoat mahsulotining 29 foizini tashkil etdi. Ishlab chiqarilgan mahsulotning 51 foizi kiyim-kechak, 44 foizi metall, 51,3 foizi yog'ochni qayta ishlash bilan bog'liq bo'ldi. O'zbekistonda 1928-yili kустar hunarmandchiligi sanoati mahsulotining davlat sanoati mahsulotiga nisbatan salmog'i 45,7 foizni tashkil qildi. Ular ishlab chiqargan mahsulotning umumiy qiymati 10,2 mln. rubl bo'lib, umumiy sanoat mahsulotining 3,2 foizini tashkil etdi. Demak, yuqoridagi raqamlardan ko'rinib turibdiki, O'zbekistonda kустar – hunarmandchilik sanoatining salmog'i davlat sanoatiga nisbatan Ittifoqda yuqori edi [10, 43-b].

1927-yil 3-may Qashqadaryo okrugi kустar sanoat korxonalarining birinchi qurultoyi bo'lib o'tadi. 1929-yil Qashqadaryo va Surxondaryo okruglari hunarmandlar ittifoqi tashkil etildi. Qashqadaryo okrugi hunarmandlari ittifoqi 41 ta artelga 1 800 ta a'zo birlashtirildi. 1928-yil O'zbekistonda 2 675 nafar hunarmand, 200 ta artelga birlashtirildi. O'zbekistonda hunarmandchilik asosan qadimiy shaharlarda rivojlandi. Masalan, 1930-yil ma'lumotiga ko'ra, O'zbekiston hunarmandlarning 63,4 foizi shaharlarda, 31,6 foizi qishloqda faoliyat olib bordi. Turkmanistonda esa bu ko'rsatgich 9,0 foiz va 91,0 foizga to'g'ri keldi.

O'zbekiston oziq-ovqat mahsulotlarini ishlab chiqarish bo'yicha o'z an'anasiga ega. Bu sanoat asosan mahalliy xom ashyoni qayta ishlashga ixtisoslashgan. Oziq-ovqat sanoatida go'sht sanoati asosiy tarmoqlardan sanaladi. 30 yillariga qadar O'zbekiston aholisini go'sht bilan mayda va tarqoq qassobxonalar va qo'shxonalar ta'minlab keldi. 1929-yili qo'shxona negizida Toshkent go'sht kombinati ishga tushirildi. 1932-yili go'sht sanoati respublika xalq xo'jaligi rejasiga alohida sanoat tarmog'i sifatida kiritilib, Toshkent, Samarqand, Andijon, Buxoro, Kattaqo'rg'on, Termiz, Qarshi, Qo'qon shaharlaridagi 8 ta shahar qassobxonasi, Samarqand va Buxorodagi muzxonalar birlashtirilib "O'zgo'shtsovitishsanoat" tresti tashkil etildi. Oziq-ovqat sanoatining yetakchi tarmoqlaridan biri yog'-moy O'zbekistonda, qadimdan rivojlandi. Kunjut, zig'ir, indov, masxar urug'idan juvozlarda yog' olgan. 1925-1926-yillarda O'zbekistonda jami 6 ta yog' zavodi ishlab turgan bo'lsa, 1927-1928-yillarda 7 ta bo'ldi. Shuningdek, ularda ishchilar soni 1 724 tadan 2 293 taga ko'paydi [11, 97-b].

O'zbekistonda sanoatlashtirish siyosatini amalga oshirish jarayonida hududda sanoat mahsulotlar ishlab chiqarishning ixtisoslashuvi bo'yicha o'zgarishlar ham bo'ldi. Buning sababi ushbu tarmoq mahsulotlariga nisbatan ehtiyojning yuzaga kelganligi va Ittifoq manfaatlaridan kelib chiqib, hududlarni sun'iy ravishda ixtisoslashtirilganligi bilan izohlanadi. Sanoatlashtirish siyosatining salbiy oqibatlarini bilan birgalikda, mazkur jarayonning natijasi sifatida

hududlarning rivojlanishi va bugungi kundagi viloyatlarning sanoat sohasidagi ixtisoslashuvi hamda ulardagi ishlab chiqarishning taraqqiy etishining ildizi sifatida ham ta'kidlash joizdir.

O'zbekiston Respublikasi rivojlanishida tarkibiy o'zgarishlarni chuqurlashtirish, yetakchi tarmoqlarni modernizatsiya va diversifikatsiya qilish, mintaqalarni integratsiyalashgan va muvozanatli rivojlantirish, ularning salohiyatidan samarali foydalanish kabi omillar milliy iqtisodiyotning raqobatbardoshligini oshirishning ustuvor yo'nalishlari deb belgilandi.

Sanoatlashtirish siyosatining natijasi sifatida, shu soha olimlarining fikriga ko'ra, bugungi kunda hududlarda mavjud faoliyat turlari bo'yicha o'tkazilgan hisob – kitoblar shahar va tumanlar sanoatida chuqur ixtisoslashuv, ya'ni klasterlar tuzishning yuqori salohiyati mavjudligi va shakllanganligini ko'rsatadi. Qashqadaryo viloyatining tuman va shaharlari misolida qiyosiy tahlil sifatida quyidagicha izohlanadi:

- neft va tabiiy gaz qazib olish (G'uzor, Muborak, Nishon tumanlari) hamda tog'-kon sanoati bilan bog'liq faoliyatga (Koson, Kitob, Chiroqchi, Shahrisabz va Yakkabog' tumanlari);
- oziq-ovqat mahsulotlarini ishlab chiqarishga (Qarshi va Shahrisabz shaharlari, Qamashi, Koson, Kitob, Chiroqchi, Shahrisabz tumanlari);
- teri va unga tegishli mahsulotlar ishlab chiqarishga (Qarshi shahri, G'uzor va Yakkabog' tumanlari);

Hududda sanoatning tog'-kon xom ashyosini qazib olish, oziq-ovqat, to'qimachilik, kimyo mahsulotlari, qurilish materiallari va mebel ishlab chiqarishga ixtisoslashuvi asosan boy xom ashyo resurslari, foydali qazilmalar konlari hamda qishloq xo'jaligi mahsulotlarining mavjudligi bilan bog'liqdir.

O'zbekiston Respublikasi davlat statistika qo'mitasining ma'lumotlariga ko'ra Shahrisabz, Termiz va Xiva shaharlari shaharlarda sanoatning rivojlanganlik darajasi bo'yicha guruhlanganda, sanoat rivojlanishi past darajada bo'lgan shaharlar sifatida izohlanadi. Bu ham sanoatlashtirish siyosatining asorati sifatida mazkur jarayonning salbiy oqibati sifatida baholanadi. Chunki 1925-1941-yillarda Qashqadaryo, Surxondaryo va Xorazm viloyatlari sanoat korxonalarining faoliyati hamda soni jihatidan oxirgi o'rinlarda edi.

Viloyatlar kesimida sanoat ixtisoslashuvi va ishlab chiqarish tarmoqlari tarkibining tahlili shuni ko'rsatadiki, tadqiq etilgan davr natijalari va ta'sirlari bugungi kunda hududlar sanoatining rivojlanish xususiyatlari va ixtisoslashuv jarayonlari bilan chambarchas bog'liqdir. Ayniqsa, viloyatlar kesimida sanoatning chuqur ixtisoslashuv jarayoni 1925-1941-yillardagi sanoatlashtirish siyosatining natijasi sifatida tushuntiriladi. Masalan, kimyo sanoatida 1930-1940-yillarda Toshkent, Farg'ona, Navoiy, Samarqandda sanoat korxonlari qurilib, bu hududlarning shu sohada ixtisoslashuvini ta'minlab, sanoatning yetakchi tarmog'i sifatida shakllanishi viloyatlarning o'sish poydevori sifatida baholanmoqda.

Shunday qilib, XX asrning ikkinchi yarmidan boshlab, sanoat sohasida ma'muriy-buyruqbozlik tizimi o'rnatilib, yangi iqtisodiy siyosat orqali sanoatda ba'zi ijobiy o'zgarishlar sodir bo'lsa-da, Ittifoq sanoatining yalpi mahsulotidagi O'rta Osiyo respublikalarining hissasi juda past bo'lib qolgan. Sanoatni rivojlantirishda bir tomonlama yondashuv qo'llanilib, faqat qishloq xo'jaligi bilan bog'liq yo'nalishlarga e'tibor qaratildi.

#### **Adabiyotlar/Литература/References:**

1. Mirziyoyev Sh.M. Yangi O'zbekiston strategiyasi. – T.: "O'zbekiston" NMIU, 2021. – B. 134.

2. Mo‘minov N. M. Sovetlarning O‘zbekistonni sanoatlashtirish uchun kurashi. (1928 – 1932-yillar). – T., 1959. – 302 bet
3. Jo‘raqulov O., Ergasheva J. Qashqadaryo sanoati tarixi. – Qarshi: Nasaf, 1996; – 65 bet
4. Mamatqulov B.SH.O‘zbekistonda sanoatlashtirish siyosatining amalga oshirilishi va uning oqibatlari (1925-1941-yy.); Monografiya. T.: “Lesson Press” MCHJ nashriyoti. - 2023. -134 b.
5. Sharipov A. O‘zbekistonda oziq-ovqat sanoatining rivojlanishida. – T., “O‘zbekiston”, 1973. – 290 str.
6. R-88-fond-O‘zbekiston SSR rejalashtirish qo‘mitasi fondi, 1-ro‘yhat, 35 yig‘ma jild, 47-varaq.
7. R-89-fond- O‘zbekiston SSR Xalq xo‘jaligi Kengashi fondi, 1-ro‘yhat, 9-yig‘ma jild, 170-varaq.
8. R-767-fond- Butunittifoq paxta sanoati xodimlari kasaba uyushmasining O‘rta Osiyo viloyat qo‘mitasi fondi, 1-ro‘yhat, 49- yig‘ma jild, 8-varaq.
9. Yoqubov G‘ulom. Sanoatimizdagi o‘pirilishlarga qarshi kurashimiz! // Qizil O‘zbekiston. - 1930.- 21-fevral;
10. Jo‘raqulov O., Ergasheva J. Qashqadaryo sanoati tarixi. – Qarshi: Nasaf, 1996; 219 bet
11. Tursunov S. va boshqalar. Surxondaryo tarixi. – T., 2004. – 271 bet.



**08.00.00-IQTISODIYOT FANLARI – ECONOMICAL SCIENCES**

**Received:** 20 December 2024

**Accepted:** 5 January 2025

**Published:** 15 January 2025

*Article / Original Paper*

**REPORT ON FINANCIAL RESULTS (COMPREHENSIVE INCOME) AND ITS FORMATION**

**Mamajonov Akramjon Turgunovich**

Andijan Institute of Rural Economy and Agrotechnology

Professor

E-mail: [mat69@mail.ru](mailto:mat69@mail.ru)

**Abstract.** This article provides a comprehensive overview of the requirements for compiling a report on financial results existing in our republic based on the requirements of international financial reporting standards (IFRS 1) and the methodology for its formation. The structure of the report on financial results, the formation of income in it, and the determination of net profit are given.

**Keywords:** financial result, gross income, income, cost, main activity income, general economic activity income, net profit.

**МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР (УМУМЛАШГАН ДАРОМАДЛАР)  
ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ ВА УНИ ШАКЛЛАНИШИ**

**Мамажонов Акрамжон Тургунович**

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

Профессор

**Аннотация.** мазкур мақолада молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талаблари асосида (МҲҲС 1) республикамиздаги мавжуд молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни тузишга қўйилган талаблар ва уни шакллантириш услубиёти кенг ёритиб берилган. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот таркиби, унда даромадларни шакллантириш, соф фойдани аниқлаш бўйича илмий таклиф ва хулосалар берилган.

**Калит сўзлар:** молиявий натижа, ялпи даромад, тушум, таннарх, асосий фаолият даромади, умумхўжалик фаолияти даромади, соф фойда.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V5I1Y2025N09>

**Кириш.** Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос доирасида даромадлар ҳисобот даврида хусусий капитал эгалари томонидан қўйилма билан боғлиқ кўпайишдан ташқари хусусий капитални кўпайишига олиб келадиган активларнинг кўпайиши ёки мажбуриятларнинг камайиши кўринишидаги ҳисобот даврида иқтисодий нафнинг кўпайиши сифатида аниқланади.

Амалдаги 3-сон БҲМС “Молиявий натижалар тўғрисидаги” ҳисобот номли миллий стандартда Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда қуйидагиларни ёритиб бериш зарурлиги кўрсатиб ўтилган:

*реализациядан соф тушум;*

*реализациядан ялпи молиявий натижа;  
асосий фаолиятдан бошқа операция даромадлар ва харажатлар;  
асосий хўжалик фаолиятининг молиявий натижалари (фойда ёки зарар);  
молиявий фаолият бўйича бошқа даромадлар ва харажатлар;  
умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижаси;  
фавқулоддаги фойда ва зарарлар;  
даромад (фойда) солиғи тўлангунга қадар умумий молиявий натижа (фойда ёки зарар);  
ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари).*

Халқаро стандарт (МҲХС)да молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисобот сифатида ёндашилади. МҲХСга кўра, фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот (умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот), фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад бўлимларига қўшимча тарзда, қуйидагиларни тақдим этиши лозим:

*фойда ёки зарар;  
жами бошқа умумлашган даромад;  
жами фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромадни қамраб олган ҳолда, давр учун умумлашган даромад.*

Стандартда ташкилот алоҳида фойда ёки зарар тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этса, у умумлашган даромадни акс эттирадиган ҳисоботда фойда ёки зарар бўлимини тақдим этмаслиги белгилаб қўйилган.

**Адабиётлар таҳлили ва методология.** Иқтисодчи олимлар ва мутахассислар томонидан молиявий ҳисобот тушунчасига қуйидаги таърифлар ва фикр-мулоҳазалар билдириб ўтилган, жумладан, А.Каримовнинг фикрича: “молиявий ҳисобот ташкилотнинг маълум вақт оралиғидаги молиявий ҳолати, фаолияти ва пул оқимлари ҳақида тўлиқ маълумот берувчи ҳужжат бўлиб, ташкилотнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш учун муҳим восита ҳисобланади{1}.

А.Ибрагимовнинг фикрига кўра: “Ҳисобот хўжалик юритувчи субъектларнинг ўтган вақт ичидаги ишлари натижалари ва шароитлари тўғрисидаги маълумотлар мажмуи бўлиб, ундан фаолиятини таҳлил, назорат қилиш ва бошқариш мақсадида фойдаланилади”{2}

С.Ташназаровнинг фикрича: “Молиявий ҳисобот деганда, умумэътироф этилган қоидалар асосида ташкилотнинг молиявий ҳолати, унинг молиявий-иқтисодий фаолияти натижалари ҳамда пул маблағлари ҳаракатига доир ҳаққоний ва сифатли ахборотларни ўзида мужассамлаштирган тизим тушунилади. У ички ва асосан ташқи ахборот фойдаланувчиларга қарорлар қабул қилиш ва назорат учун ахборотга бўлган умумий эҳтиёжини таъминлашга қаратилган”.{3} Мақолада мантиқий фикрлаш, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, тизимли ёндашув, монографик кузатув, статистика, иқтисодий таҳлил ҳамда иқтисодий-математик таҳлил усулларида фойдаланилган.

**Муҳокама.** Тадбиркорлик субъекти фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад бўлимларига қўшимча тарзда, давр фойдаси ёки зарари ва бошқа умумлашган даромаднинг тақсимланиши сифатида қуйидаги моддаларни ёритиб бериши лозим бўлади, бунда:

қуйидагиларга тегишли бўлган давр фойдаси ёки зарари:

*назорат кучига эга бўлмаган улушлар,*

*бош ташкилотнинг мулкдорлари.*

давр учун қуйидагиларга тегишли бўлган умумлашган даромад:

*назорат кучига эга бўлмаган улушлар,*

*бош ташкилотнинг мулкдорлари.*

Агар тадбиркорлик субъекти фойда ёки зарарини алоҳида ҳисоботда тақдим этса, назорат кучига эга бўлмаган улушлар моддаларни ушбу ҳисоботда тақдим этиши кўзда тутилган.

### 1 - жадвал

#### МҲХС ва БҲМС ўртасида молиявий натижалар ёки фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот шаклининг таққослама кўриниши.<sup>1</sup>

Т/р	БҲХС (МҲХС) бўйича:	БҲМС бўйича:
1.	<p><i>Фойда ёки зарар.</i></p> <p>-тушум, шунингдек эффектив фоиз усули ёрдамида ҳисобланган фоизли тушумларни алоҳида акс эттирган ҳолда;</p> <p>-молиявий сарфлар;</p> <p>-улушли қатнашиш усули бўйича ҳисобга олинадиган таъсир остидаги ташкилотларнинг ва қўшма корхоналарнинг фойда ёки зараридаги улуши;</p> <p>-солиқ харажати;</p> <p>-жами тугатилган фаолият турлари бўйича ягона сумма</p>	<p>Реализациядан соф тушум;</p> <p>Реализациядан ялпи молиявий натижа;</p> <p>Асосий фаолиятдан бошқа операцион даромадлар ва харажатлар;</p> <p>Асосий хўжалик фаолиятининг молиявий натижалари (фойда ёки зарар);</p> <p>Молиявий фаолият бўйича бошқа даромадлар ва харажатлар;</p> <p>Умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижаси;</p>
2.	<p><i>Жами бошқа умумлашган даромад</i></p> <p>- кейинчалик фойда ёки зарарга қайта таснифланмайдиган;</p> <p>-кейинчалик муайян шартлар бажарилганда фойда ёки зарарга қайта таснифладиган.</p>	<p>Фавқулоддаги фойда ва зарарлар;</p> <p>Даромад (фойда) солиғи тўлангунга қадар умумий молиявий натижа (фойда ёки зарар);</p>
3.	<p><i>Жами фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромадни қамраб олган ҳолда, давр учун умумлашган даромад</i></p> <p>тегишли солиқ таъсирларини чегирган ҳолда,</p> <p>ушбу моддаларнинг уларга тегишли фойда солиғи солингунча бўлган қийматини алоҳида ва умумий фойда солиғининг ягона суммасини алоҳида кўрсатган ҳолда</p>	<p>Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари).</p>

<sup>1</sup> Тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмаси

Халқаро стандартларда даромад ёки харажат моддалари муҳим бўлса, тадбиркорлик субъекти уларнинг характери ва суммасини алоҳида ёритиб бериши лозимлиги кўрсатиб ўтилган. Булар жумласига қуйидагилар киритилади:

захираларнинг баланс қийматини соф сотиш қийматигача ёки асосий воситаларнинг баланс қийматини уларнинг қопланадиган қийматигача камайтириш ҳамда бундай камайтиришларнинг қайта тикланиши;

ташкilot фаолиятини реструктуризация қилиш ва реструктуризация сарфлари бўйича қилинган ҳар қандай баҳоланган мажбуриятларнинг тикланиши;

асосий воситалар моддаларининг ҳисобдан чиқарилиши, инвестицияларнинг ҳисобдан чиқарилиши, тугатилган фаолият, суд низоларини ҳал қилиш ҳамда баҳоланган мажбуриятларнинг қайта тикланишининг бошқа ҳолатлар.

Халқаро стандартга кўра юқоридаги харажатлар молиявий натижаларнинг компонентларини ажратиш мақсадида, тез-тез такрорланиши, фойда ёки зарар келтириш потенциали ва прогноз қилиш мумкинлигига қараб фарқланиши мумкин бўлган қуйи синфларга таснифланади. Бундай таҳлил иккита қуйидаги шаклдан бири орқали таъминланади.

*Биринчи шакл.* “Харажатнинг характери” усулидир. Тадбиркорлик субъекти харажатларни фойда ёки зарарда уларнинг характерига (масалан, эскириш, хом-ашёларни харид қилиш, транспорт харажатлари, ходимлар даромадлари ва реклама харажатларига) қараб жамлайди ва уларнинг функциялари бўйича қайта тақсимламайди. Ушбу усулни қўллаш содда бўлиши мумкин, чунки харажатларни функционал синфларга тақсимлаш зарурияти қолмайди. Харажатнинг характери усулини қўллаган ҳолда таснифлашга қуйидаги жадвалда келтириб ўтилади:

2-жадвал

**Молиявий натижаларни аниқлашда харажатнинг характери усулини қўллаган ҳолда таснифлаш<sup>1</sup>**

№	Кўрсаткичлар	даромад	харажат
1.	Тушум	1000	х
2.	Бошқа даромадлар	500	х
3.	Тайёр маҳсулотлар ва тугалланмаган ишлаб чиқариш захираларидаги ўзгаришлар	х	100
4.	Фойдаланилган хом-ашёлар ва материаллар	х	200
5.	Ходимлар даромадлари бўйича харажатлар	х	300
6.	Эскириш ва амортизация харажатлари	х	150
7.	Бошқа харажатлар	х	100
8.	Жами харажатлар		850
9.	<b>Солиқ солингунча фойда</b>	<b>650</b>	х

*Иккинчи шакл.* “Харажатнинг функцияси” ёки “сотиш таннархи” усули бўлиб, у харажатларни сотиш таннархининг таркибий қисми сифатида уларнинг функциясига қараб таснифлайди, масалан, сотиш ёки маъмурий харажатлар. Тадбиркорлик субъекти ушбу усул бўйича энг камида сотиш таннархини бошқа харажатлардан алоҳида акс

<sup>1</sup> МҲХС асосида муаллиф игланмаси.

эттиради. Ушбу усул фойдаланувчилар учун харажатларнинг характери бўйича таснифланиши усулига нисбатан ўринлироқ маълумотларни таъминлаши мумкин. Лекин, харажатларни функциясига қараб тақсимлаш ихтиёрий равишдаги тақсимлашларга олиб келиши ва аҳамиятли мулоҳазалар қилинишини талаб этиши мумкин. Биз қуйида харажатнинг функцияси усулини қўллаган ҳолда таснифлашни келтириб ўтаемиз:

3-жадвал

**Молиявий натижаларни аниқлашда харажатнинг функцияси усулини қўллаган ҳолда таснифлаш<sup>1</sup>**

№	Кўрсаткичлар		
1.	Тушум	x	1000
2.	Сотиш таннари	(x)	600
3.	<i>Ялпи фойда</i>	x	400
4.	Бошқа даромадлар	x	500
5.	Сотиш харажатлари	(x)	
6.	Маъмурий харажатлар	(x)	150
7.	Бошқа харажатлар	(x)	100
8.	<b><i>Солиқ солингунча фойда</i></b>	<b>x</b>	<b>650</b>

**Натижалар.** МҲХСда белгиланган ушбу харажатнинг функцияси усули бизнинг амалиётимиздаги молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот шаклини тўлдириш услубиётига ўхшаш бўлиб, соф фойдани аниқлаш беш босқичдан иборат бўлади. Яъни, 3-сон БҲМС қоидаларига кўра, ҳисобот даврининг соф даромади ёки зарари қуйидаги элементлар асосида аниқланади ва уларнинг ҳар бири молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда ёритиб берилади, жумладан:

*умумхўжалик фаолиятдан олинган даромад ёки зарарлар;*

*фавқулоддаги даромадлар (зарарлар);*

*даромад (фойда) солиғи тўлангунга қадар умумий молиявий натижа (фойда ёки зарар);*

*даромад (фойда) солиғидан ташқари соф фойда.*

Бизнинг амалиётимизда молиявий натижалар, яъни фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботни тузиш тартиби беш босқични ўз ичига олади. Халқаро амалиётда ҳисобот шаклига, ушбу босқичлардан ташқари жами умумлашган даромад ҳамда жами фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромадни қамраб олган ҳолда, давр учун умумлашган даромадлар киритилган. Демак, халқаро тажриба шундан далолат бермоқдаки, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот фойдаланувчилар учун янада аниқроқ бўлган маълумотларни беради.

4-жадвал

**“Андижондонмахсулотлари” АЖда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг асосий кўрсаткичлари<sup>2</sup>**

<sup>1</sup> МҲХС асосида муаллиф игланмаси.

<sup>2</sup> Тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмаси.

Кўрсаткичлар	2021 йил	2022 йил	2023 йил	2023 йилда 2021 йилга нисбатан %
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишнинг ялпи фойдаси	24 331 511,00	26 201 212,00	16 538 904,00	68,0
Асосий фаолиятнинг фойдаси	3 468 904,00	15 643 804,00	3 636 766,00	105,0
Умумхўжалик фаолият фойдаси	1 836 197,00	14 736 000,00	1 194 730,00	65,0
Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда	1 836 197,00	14 736 000,00	1 194 730,00	65,0
Ҳисобот даврининг соф фойдаси	139 994,00	11 625 221,00	843 953,00	6 марта

Жадвалдаги таҳлилий маълумотлардан кўришиб турибдики, “Андижондонмаҳсулотлари” АЖда молиявий натижалар сўнгги йилларда пасайиш тенденциясига эга. Корхонада ялпи даромад 2023 йилда 2021 йилга нисбатан 68,0 фоизни ташкил этган. Бунинг асосий сабаби, корхонада маҳсулот таннархининг кескин ошиб кетиши билан изоҳланади. Шунга қарамасдан корхонада асосий фаолият фойдаси ортган, яъни 105 фоизга. Бу натижа корхонада давр харажатларини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар билан боғлиқ. Натижада бу ҳолат корхонанинг соф фойдасини 6 баробар ортишига олиб келган. Ўз навбатида корхонанинг рентабеллиги ҳам ошган.

**Хулоса.** Бизнинг амалиётимизда молиявий натижалар, яъни фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботни тузиш тартиби беш босқични ўз ичига олади. Халқаро амалиётда ҳисобот шаклига, ушбу босқичлардан ташқари жами умумлашган даромад ҳамда жами фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромадни қамраб олган ҳолда, давр учун умумлашган даромадлар киритилган. Демак, халқаро тажриба шундан далолат бермоқдаки, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот фойдаланувчилар учун янада аниқроқ бўлган маълумотларни беради.

#### Адабиётлар/Литература/References:

1. Каримов А., Курбанбаев Ж., Жуманазаров С., Халилов Ш. Молиявий ҳисоб ва ҳисобот. Ўқув қўлланма. –Т.:Иқтисод-молия, 2018. - 400 б..
2. Молиявий ва бошқарув ҳисоби / Дарслик. Ҳаммуаллиф-Т: «IQTISOD-MOLIYA», 2020 - 467 б.
3. С. Ташназаров. Молиявий бухгалтерия ҳисоби 1 [Матн]: дарслик / Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти – Самарқанд-2023 - 580 бет.
4. Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос. БҲМС. <https://lex.uz/docs/828557>
5. “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 13.04.2016 йилдаги ЎРҚ-404-сон. <https://lex.uz/docs/2931253>

6. “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611-сонли қарор. 2020 йил 24 феврал.
7. 1-сон БҲҲС. “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш” (2020 й. 7-банд).
8. “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611-сонли қарор. 2020 йил 24 феврал.
9. 1-сон БҲҲС. “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш” (2020 й. 7-банд).
10. Rizaev N.K. INTERNATIONAL FINANCIAL REPORTING STANDARDS IN THE AGRICULTURAL SECTOR AND THEIR INTRODUCTION TO THE PRACTICE OF UZBEKISTAN. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 2, mart-aprel, 2021 yil. 2/2021 (№ 00052) <http://iqtisodiyot.tsue.uz>
11. Rizaev N., Kadirov S. ADJUSTING NATIONAL ACCOUNTING STANDARDS IN COMPLIANCE WITH INTERNATIONAL STANDARDS IN UZBEKISTAN (as exemplified by intangible assets). Pedagogical sciences and teaching methods. volume 2 , issue 19 january 2023. collection of scientific works. Berlin 11 january 2023. interonconf.com. 93-108 б.

**Received:** 20 December 2024

**Accepted:** 5 January 2025

**Published:** 15 January 2025

*Article / Original Paper*

## **PROSPECTS FOR DEVELOPING RENEWABLE ENERGY SOURCES AND INCREASING ENERGY EFFICIENCY IN UZBEKISTAN: ECONOMIC AND SOCIAL ANALYSIS**

**Kholmuratov Kholilla Sariyevich**

Senior Lecturer, Department of Electrical Engineering and Power Engineering, Urgench State University,  
E-mail: [xolilla.x@urdu.uz](mailto:xolilla.x@urdu.uz)

**Abstract.** This study analyzes data from 2023 to 2026 to develop renewable energy sources and increase energy efficiency in Uzbekistan. It focuses on planned projects, including the construction of wind, solar and hydroelectric power plants, and improving the country's energy infrastructure. The results show that the introduction of at least 8 wind power plants, 10 solar photovoltaic power plants and 15 new hydroelectric power plants would significantly reduce Uzbekistan's carbon footprint and ensure sustainable energy production. An analysis of energy efficiency by economic sectors and regions reveals key imbalances. For example, the coal and lignite mining sector has the highest energy efficiency (37.1%), while forestry and wood processing has the lowest (0.2%). Regional imbalances highlight Navoi region as the leader in energy efficiency (16.2%), while other regions need significant modernization. The results show significant economic and social benefits, including reduced energy costs, reduced import dependency, and the creation of thousands of new jobs. In addition, the study highlights the potential for improving access to energy in rural areas and promoting regional equity. By adopting renewable energy technologies, Uzbekistan aims to increase its environmental sustainability and adapt to global efforts to combat climate change.

**Keywords:** renewable energy, energy efficiency, Uzbekistan, sustainable development, economic growth, energy.

## **O'ZBEKISTONDA QAYTA TIKLANUVCHI ENERGIYA MANBALARINI RIVOJLANTIRISH VA ENERGOSAMARADORLIKNI OSHIRISH ISTIQBOLLARI: IQTISODIY VA IJTIMOY TAHLIL**

**Xolmuratov Xolilla Sariyevich**

Urganch Davlat universiteti "Elektrotexnika va energetika" kafedrasida katta o'qituvchisi

$M_{AI}$  – Measured value of a specific operational metric after AI implementation (e.g., percentage of resource optimization);

$M_{baseline}$  – Baseline value of the same metric before AI implementation.

$C_{AI}$  – Total cost of AI implementation (e.g., software, hardware, and operational integration costs).

The proposed formula for evaluating AI efficiency in managing technoparks offers a practical framework to assess the tangible benefits of AI integration. By focusing on key performance indicators (KPIs) like resource utilization, tenant satisfaction, and cost savings, the formula provides a clear picture of how AI-driven systems contribute to operational

<sup>1</sup> Developed by the author



improvement. Importantly, the flexibility to assign weights ( $W_i$ ) to different metrics allows technoparks to prioritize areas that align with their strategic goals. Normalizing the efficiency by the total cost of implementation ( $C_{AI}$ ) ensures the results are both measurable and relevant to real-world decision-making. This makes the formula particularly useful for technoparks looking to optimize their management systems in a cost-effective manner.

The integration of artificial intelligence (AI) into technopark management systems shows immense potential for improving operations and fostering innovation.

To begin with, AI-driven resource allocation offers a way to make better use of shared facilities and infrastructure. For instance, predictive analytics could anticipate periods of high demand, ensuring smoother operations and fewer conflicts between tenants. Such improvements can lead to significant cost savings and enhanced tenant satisfaction, laying the groundwork for sustained growth. The proposed formula provides a framework to measure these benefits, helping technoparks assess which areas show the most progress and where there's room for improvement.

Additionally, technoparks equipped with AI are better positioned to connect research with industry. By continuously monitoring key performance indicators, they can track how effectively R&D translates into high-tech production. This creates a dynamic feedback loop where successes can be replicated, and challenges addressed. The ability to assign weights to different metrics ensures flexibility, allowing technopark managers to align operations with their strategic priorities. This adaptability can help foster an environment where innovation flourishes and technological advancements thrive.

Finally, the formula's application goes beyond measurement, it encourages a culture of improvement. Regularly evaluating AI-driven efficiencies can help technoparks set benchmarks, refine processes, and establish targets that align with global standards.

**Conclusion and recommendations.** Technoparks play a vital role in driving innovation and high-tech manufacturing by bridging the gap between research and industry. In Uzbekistan, the establishment of 55 innovative infrastructures lays a strong foundation for developing a thriving innovation ecosystem. But to truly unlock their potential, these hubs need to adopt smarter management practices. Integrating artificial intelligence (AI) into their operations could be a game-changer. AI not only streamlines processes but also enables technoparks to monitor and enhance performance more effectively. The proposed formula offers a practical way to measure these improvements, ensuring that technoparks can make informed, data-driven decisions to achieve long-term growth.

To fully realize the potential of technoparks, a strategic focus on several key areas is essential. First, embracing AI-driven management systems can significantly enhance operational efficiency. By integrating AI technologies, technoparks can optimize resource allocation, improve tenant management, and monitor project outcomes more effectively. Predictive analytics, for instance, can help forecast resource demands and avoid inefficiencies, ultimately boosting productivity and tenant satisfaction.

Another crucial area is strengthening the connection between research and industry. Bridging this gap requires targeted initiatives such as startup incubators, innovation clusters, and enhanced collaborations with academic institutions. These efforts will ensure that research and development (R&D) outcomes are effectively translated into high-tech production, fostering a dynamic and innovative ecosystem.

Investing in modern infrastructure is equally important. Upgrading technoparks with state-of-the-art facilities and advanced equipment will not only attract high-tech industries but also facilitate global partnerships. Alongside infrastructure, building a skilled workforce is vital for maximizing the benefits of AI and innovation ecosystems. This can be achieved through comprehensive training programs, scholarships, and partnerships with international educational and research institutions.

Finally, fostering international collaboration should be a priority. Establishing partnerships with globally recognized technoparks, such as those in South Korea and the Netherlands, can provide access to advanced technologies, best practices, and valuable insights. These collaborations will enable knowledge transfer and help Uzbekistan's technoparks align with global standards, enhancing their competitiveness and contribution to high-tech manufacturing.

By addressing these areas, Uzbekistan can ensure that its technoparks become powerful drivers of innovation and economic growth, positioning the country as a leader in the global high-tech economy.

#### References/Adabiyotlar/Literatura:

1. IEEE SMC (n.d.) AI-based Smart Manufacturing Systems. Available at: <https://www.ieeesmc.org>
2. Cooke, P., Boekholt, P. and Todtling, F. (2011) The Governance of Innovation in Europe. London: Pinter.
3. Etzkowitz, H. and Leydesdorff, L. (2000) 'The dynamics of innovation: from National Systems and "Mode 2" to a Triple Helix of university-industry-government relations', *Research Policy*, 29(2), pp. 109-123.
4. Brynjolfsson, E. and McAfee, A. (2017) *Machine, Platform, Crowd: Harnessing Our Digital Future*. New York: W. W. Norton & Company.
5. Schwab, K. (2017) *The Fourth Industrial Revolution*. Geneva: World Economic Forum.
6. Amsterdam Science Park (n.d.) AI and Digital Innovation. Available at: <https://www.amsterdamsciencepark.nl>. Skolkovo Foundation (2023) Innovation Ecosystem Overview. Available at: <https://sk.ru>.
7. Abdullaev, A., 2016. Innovation as a Driver of Modernization of Economy of Uzbekistan under Globalization. Available at: <https://cyberleninka.ru/article/n/innovation-as-a-driver-of-modernization-of-economy-of-uzbekistan-under-globalization>
8. Macrotrends (n.d.) Uzbekistan Manufacturing Output. Available at: <https://www.macrotrends.net>
9. Innovatsion rivojlanish faoliyatga doir tegishli asosiy normativ-huquqiy hujjatlar ro'yxati. Available at: <https://innovation.gov.uz/static/meyoriy-hujjatlar>
10. World Intellectual Property Organization (WIPO) (2024) *Global Innovation Index 2024: Unlocking the Promise of Social Entrepreneurship*. Geneva: WIPO. Available at: <https://www.wipo.int>.
11. Shavkat Mirziyoyev. "Innovative development strategy of Uzbekistan for 2022-2026" PF-165 dated from 06.07.2022. Available at: <https://lex.uz/docs/6102462>

**Received:** 20 December 2024

**Accepted:** 5 January 2025

**Published:** 15 January 2025

*Article / Original Paper*

## **INNOVATIVE APPROACHES TO IMPROVING TAX ADMINISTRATION**

**Tulakov Ulugbek Toshmamatovich,**

Termez State University,

Associate Professor of the Department of Finance,

Doctor of Philosophy (PhD) in Economics

**Abstract.** Tax systems continuously adapt to human activities and living conditions, undergoing processes of change and improvement. Currently, the "Fourth Industrial Revolution" is bringing unprecedented changes to production, entrepreneurship, and daily life. Tax systems strive to adapt to these changes, but this process is not always successful. New types of taxes and management mechanisms are often formed through trial and error. This article examines the transformation of tax administration in the context of the digital economy, analyzing modern approaches aimed at creating an effective national tax system. Additionally, innovative solutions and recommendations for the development of tax administration in our country are proposed.

**Keywords:** digital economy, tax administration, digitalization, Fourth Industrial Revolution, digital taxes, cryptocurrency, blockchain technologies, big data, artificial intelligence, global tax administration.

## **СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР**

**Тўлаков Улуғбек Тошмаматович**

Термиз давлат университети,

Молия кафедраси доценти,

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Аннотация.** Солиқ тизимлари доимо инсон фаолияти ва ҳаёт шароитларига мослашиб, ўзгариш ва такомиллашув жараёнини бошдан кечиради. Ҳозирги вақтда "Тўртинчи саноат инқилоби" ишлаб чиқариш, тадбиркорлик ва кундалик ҳаётга мисли кўрилмаган ўзгаришлар олиб келмоқда. Солиқ тизимлари ушбу ўзгаришларга мослашишга интиляпти, бироқ ҳар доим ҳам бу жараён самарали кечавермайди. Янги солиқ турлари ва бошқарув механизмлари аксарият ҳолларда амалиётда синов ва хатолар асосида шаклланади. Ушбу мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида солиқ маъмуриятчилигининг ўзгаришлари ўрганилиб, самарали миллий солиқ тизимини шакллантиришга қаратилган замонавий ёндашувлар таҳлил қилинади. Шунингдек, мамлакатимизда солиқ маъмуриятчилигини ривожлантириш учун инновацион ечимлар ва тавсиялар тақлиф этилган.

**Калит сўзлар:** рақамли иқтисодиёт, солиқ маъмуриятчилиги, рақамлаштириш, Тўртинчи саноат инқилоби, рақамли солиқлар, криптовалюта, блокчейн технологиялари, катта маълумотлар, сунъий онг, глобал солиқ маъмуриятчилиги.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V5I1Y2025N12>

**Кириш.** Сўнгги вақтларда содир бўлаётган воқеалар "Тўртинчи саноат инқилоби" инқилоби билан ҳаётимизга ва фаолиятимизга кириб келган янги технологияларнинг қанчалик муҳимлигини кўрсатмоқда. COVID-19 пандемияси даврида ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларнинг масофадан иш олиб боришини ташкил этиш учун мўлжалланган кўп сонли дастурий таъминотнинг ўз вақтида яратилгани ушбу

жараённинг муҳим жиҳатидир. Корхоналарни автоматлаштириш ва рақамлаштириш соҳасидаги ислоҳотлар жадал суръатда давом этяпти. Ишлаб чиқариш, логистика, маркетинг, бошқарув ва бошқа жараёнлар автоматлаштирилиб, янги бизнес юритиш усуллари, шунингдек, масофадан, минимал жисмоний иштирок билан ёки ҳатто ундан бутунлай воз кечган ҳолда фаолият олиб боришга асосланган янги рақамли бизнес моделлари пайдо бўлмоқда.

“Тўртинчи саноат инқилоби” олдинга ишончли қадамлар билан силжиб, фақат ишлаб чиқариш ва унга тегишли соҳаларда эмас, балки давлат бошқаруви, жумладан, солиққа тортиш ва унинг бошқарувига ҳам кучли таъсир ўтказмоқда. Дунёда амалдаги солиқ тузилмаси рақамли иқтисодиётнинг тезкор ўсишини етарли даражада қўллаб-қувватлай олмаслиги бўйича хавотирлар билдирилмоқда. Амалдаги анъанавий корпоратив солиққа тортиш нормалари рақамлаштириш, катта маълумотлардан фойдаланиш орқали яратилаётган даромадларни солиққа тортиш учун мос эмас. Янги солиқ объектлари пайдо бўлиб, улар учун солиқ бошқарувининг механизмларини қайта кўриб чиқиш зарур бўлиб қолмоқда.

Солиққа тортишдаги ўзгаришларнинг айрим жиҳатлари KPMG, Pricewaterhouse Coopers (PwC), Ernst & Young, Deloitte, Халқаро валюта жамғармаси, миллий ҳукумат ташкилотлари ва халқаро ташкилотлар каби аналитик компаниялар тадқиқотларида кўриб чиқилган. Ушбу тадқиқотлар раҳбарият ва солиқ органлари ўз фаолиятида дуч келадиган муаммоларни аниқлашга, шунингдек, рақамлаштириш ва “Тўртинчи саноат инқилоби”нинг корхоналар ва ташкилотлар учун тақдим этадиган хатарлари ва имкониятларини баҳолашга қаратилган. Ҳар йили бу йўналишдаги материаллар сони ортиб бормоқда, аммо давлат даражасида иқтисодиётни солиқ йўли билан тартибга солиш, қўшимча қиймат яратишнинг янги шакллари учун самарали солиқ воситаларини аниқлаш ҳамда солиқ бошқарувини оптималлаштириш учун янги рақамли воситаларни жорий этиш бўйича саволлар очик қолмоқда.

Технологияларнинг шиддатли ривожланиши давлатлар ва бизнес учун янги имкониятлар билан бирга янги чақириқлар ҳам туғдирмоқда. Рақамли иқтисодиёт ва “Тўртинчи саноат инқилоби” шиддати солиққа тортиш тизимини қайта кўриб чиқишни талаб қилмоқда. Халқаро ва маҳаллий даражада солиққа оид ўзгаришларнинг замонавий ечимларини ишлаб чиқиш нафақат солиқ органлари, балки бизнес ва жамият учун ҳам стратегик аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, рақамли технологияларнинг жорий этилиши солиққа оид маъмуриятчилигини самаралироқ ва шаффофроқ қилиш имкониятини тақдим этмоқда. Буларнинг барчаси ушбу тадқиқотнинг долзарблигини таъминлайди.

**Адабиётлар таҳлили.** Илмий доираларда янги рақамли муҳитда солиққа тортиш ва солиқ маъмуриятчилиги масалаларига бағишланган кўплаб ишлар мавжуд. Улар орасида рақамлаштиришнинг солиқ тушумлари ҳажмига таъсири, BEPS (Base Erosion and Profit Shifting) пакетини жорий этиш, рақамли иқтисодиёт шароитида бевосита ва билвосита солиққа тортишни такомиллаштириш, роботларга солиқ солиш, рақамлаштиришнинг солиқ бошқарувига таъсири каби масалалар таҳлил қилинган.

Ўзбекистонда рақамлаштириш шароитида солиққа тортишни ривожлантириш масалаларига А.Вахобов, И.Ниязметов, М.Туйчиев, Ш.Мусалимов, У.Пардев, Ф.Файзиев, А.Назаров, Г.Сафаров, Ш.Тўраев ва У.Тўлаков каби кўплаб олимларнинг ишлари

бағишланган. Ҳар йили ушбу йўналишдаги илмий ишлар сони ортиб бормоқда. Бироқ рақамлаштиришнинг ривожланиши ва унинг ҳаётимизга таъсири солиқ тизими учун янги чақириқларни шакллантирмоқда ва солиқ ҳамда солиқ бошқарувининг келажаги тадқиқотлар учун долзарб мавзу бўлиб қолмоқда.

Амалга оширилган тадқиқот натижалари шундан далолат берадики, ҳозирги кунда дунё миқёсида маҳаллий (давлат даражасидаги) солиққа тортишдан глобал (халқаро даражадаги) солиққа тортишга ўтиш жараёни кечмоқда. Шунга қарамай, мамлакатлар бюджетга солиқ тушумларини кўпайтириш мақсадида миллий солиқларни жорий этишга уринишмоқда, лекин бу саъй-ҳаракатлар баъзан муваффақиятсиз якунланмоқда.

**Тадқиқот методологияси.** Мақолада анализ, синтез, назарий умумлаштириш, индукция, дедукция ва бошқа усуллардан фойдаланилган. Тадқиқотнинг методологик ва ахборот базаси сифатида иқтисодчи олимларнинг асарлари, хорижий давлатлар давлат солиқ хизмати веб-сайтларидаги материаллар хизмат қилди.

**Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.** Ўзбекистонда солиқ сиёсатини такомиллаштириш, солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини ошириш, солиқ юкини изчил камайтириш, солиқ тизимини соддалаштириш ва солиқ ҳисоботларини тубдан қисқартириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда [1].

Катта маълумотлар, сунъий онг, товарлар ва хизматларни сотиш бўйича интернет-платформалар, номоддий маҳсулотлар, кабилар трансмиллий корпорацияларнинг фаолият жиҳатларидир. Охирги пайтларда рақамли технологиялар шарофати билан Ўзбекистонда қўшилган қиймат солиғини тўлайдиган хорижий интернет-компаниялар сони 40 тадан 56 тага, даромадлари эса 635,1 млрд. сўмга етди. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 348 млрд. сўм, яъни 1,8 баробар кўп дегани.

Жумладан, Meta, Google, Apple, Netflix компаниялари Ўзбекистондаги даромадларини икки баробарга ошириб, 2023 йилда 2022 йилга нисбатан 1,5 баробар кўп солиқ тўлади. Яъни 2023 йилда Ўзбекистонда электрон хизматлар кўрсатувчи 56 та хорижий компания 69,8 миллиард сўм солиқ тўлаган. Деярли барча солиқ тушумлари қўйидаги 10 та компаниядан тушган: Meta, Google, Apple, Amazon, Booking, Netflix, Xsolla, Zoom, Yandex, Adobe Systems [2].

Илгари компания бизнес юритиши учун давлат ҳудудида доимий ваколатхона ёки шўба корхонасини ташкил этиши лозим бўлар эди. Энди эса рақамлаштириш туфайли товарлар ва хизматларни бутун дунёнинг исталган нуқтасида туриб, исталган бошқа минтақасига реализация қилиш мумкин бўлди. Шу тариқа юқори-даромадлар келтирадиган транзакцияларни рақамли маҳсулот етказиб берувчилар ва онлайн платформалар яратмоқда, бу эса рақамли маҳсулот харидорлари ёки фойдаланувчилари жойлашган мамлакатларда солиқ мажбуриятлари юзага келмаслигини англатади. Анъанавий солиқ архитектурасида турли солиқ шароитлар ва режимлар мавжуд бўлиб, бу ҳол трансмиллий корпорацияларга (ТМК) иқтисодий фаолиятини бутун дунё бўйлаб тақсимлаш ва энг қулай солиқ шароити мавжуд давлатларда асосий солиқларини тўлаш имконини берди. Бундан ташқари, шўба корхоналар орқали асосий офисга фойданинг бир қисмини ўтказиб, имтиёзли шароитда солиқ тўлаш (масалан, Apple – Ирландияда, Amazon – Люксембургда) имконияти яратилди.

Шу тариқа, анъанавий солиқ тизими рақамли иқтисодиётдан орқада қолгандай бўлмоқда: бир томондан – янги солиқ объектлари, рақамли маҳсулотлар, янги бизнес-моделлар, иккинчи томондан эса офшорлар орқали минимал солиқ билан чиқиб кетадиган ТМКларнинг улкан фойдалари мавжуд.

Бугунги кунда мавжуд солиққа тортиш воситаларини қайтадан баҳолаш ва такомиллаштириш жараёни бир неча йилдан буён ҳам айрим мамлакатлар, ҳам халқаро миқёсда изчил давом этмоқда. Бунда асосий муаммо – халқаро консенсус етишмаслиги туфайли рақамли маҳсулот истеъмолчиси ёки фойдаланувчисининг қўшилган қиймат яратишдаги ҳиссаси қай даражада эътиборга олинишидир. ТМКларнинг даромадларини солиққа тортиш ҳуқуқлари бўйича консенсус йўқлиги сабабли, айрим мамлакатлар бутунжаҳон даражасида ягона ёндашув ишлаб чиқилишини кутмасдан, ўзларига хос «рақамли солиқлар»ни жорий қилишга киришди, бу эса солиқ ҳуқуқларининг адолатсиз тақсимланишига олиб келмоқда. Қатор хорижий мамлакатларнинг «рақамли» солиқларни ундириш тажрибасини умумлаштириш шуни кўрсатадики, ушбу турдаги солиқлар ҳам афзалликларга, ҳам камчиликларга (аниқроғи, халқаро миқёсда ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларга) эга.

Масалан, Буюк Британияда 2021 йилда рақамли хизматлар солиғи (digital service tax, DST) жорий этилди. Бу – Британия фойдаланувчилари учун ижтимоий тармоқлар, қидирув тизимлари ва онлайн-савдо платформаларидан олинган компаниялар даромадларининг 2%идир [3].

Испания эса 2021 йил январидан интернет-компаниялар томонидан Испаниядаги фойдаланувчиларга кўрсатиладиган рақамли хизматларга (Tax on Certain Digital Services, DST) солиқ жорий этиш жараёнини бошлади. Фойдаланувчилар геолокация технологияси ва IP-манзиллар орқали аниқланади [4].

Чехия Республикасида рақамли хизматлар солиғи тўғрисидаги қонун ҳали кучга кирмаган, уни 2022 ёки 2023 йилларда жорий этиш кутилмоқда. Қонун лойиҳаси таргетланган реклама, кўп функцияли рақамли интерфейслар (веб-сайтлар, иловалар)дан фойдаланиш ва фойдаланувчилар шахсий маълумотларини тақдим этиш учун солиқ жорий этишни назарда тутди [5].

Франция 2019 йилда Интернет-гигантлар фойдасини солиққа тортишни бошлаган эди, бироқ 2020 йилда АҚШ томонидан Франциядан импорт қилинадиган товарларга 100%лик бож жорий этиш таҳдиди туфайли ушбу солиқни амал қилишини тўхтатди [6].

Шунингдек, АҚШ Савдо вакили идораси (USTR) Ҳиндистон, Италия, Туркия, Австрия, Испания, Буюк Британияда рақамли хизматлар учун жорий этилган солиқлар юзасидан тергов ўтказди. 2021 йил июнида ушбу тергов натижасига кўра, қатор мамлакатлар томонидан жорий этилган солиқлар АҚШ рақамли компанияларига нисбатан камситувчи хусусиятга эгаллиги (халқаро солиқ тамойилларига мос келмаслиги) таъкидланди ва ушбу мамлакатлардан айрим турдаги товарлар импортига қўшимча тарифлар (божлар) жорий қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди [7].

Европа Иттифоқи ҳам рақамли иқтисодиёт учун солиқ жорий этиш имконини кўриб чиқмоқда. Европа парламенти ва ЕИ давлатлари ўртасида 2020 йил 10 ноябрда эришилган келишувда айтилишича, ЕИ бюджети даромадларини ошириш мақсадида рақамли солиқ (ёки йиғим) жорий этилиши мумкин [8].

Шу билан бирга, ушбу чоралар тўғри эканини ҳозирча тасдиқлаш қийин, чунки уларни танқид қиладиган бир қатор асосли далиллар мавжуд.

Биринчидан, солиққа тортишни универсallasштириш тамойилига кўра, мулк шакллари, ташкилотларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, тармоққа мансублиги, фуқаролиги ва бошқалардан келиб чиқиб, кўшимча солиқлар ёки оширилган солиқ ставкаларини жорий этиш мақсадга мувофиқ эмас. Яъни, солиқларни ҳисоблашда ягона ёндашувни таъминлаш зарур.

Иккинчидан, рақамли иқтисодиёт учун жорий этилаётган янги солиқлар компаниялардан ундирилиб, уларнинг фойдасини камайтиради, натижада рақамли хизматлардан фойдаланиш таърифлари, яъни фойдаланувчилар харажатлари ошади. Солиқ юкни ўтказишни электрон тижорат билан шуғулланувчи кичик компаниялар ҳам ҳис этиши мумкин. Охир-оқибат рақамли иқтисодиёт учун жорий этилаётган янги солиқ айрим турдаги рақамли товарлар ва хизматлар учун кўшимча акцизга айланиши, бу эса ушбу маҳсулотларни истеъмол қилиш кўламини чегаралашга олиб келиши эҳтимолдан холи эмас.

Учинчидан – бу тўғри солиқ базасини аниқлаш муаммосидир. Ҳар йил рақамли технологиялар фаолиятнинг барча соҳаларига чуқурроқ кириб бораётгани сабабли, рақамли иқтисодиёт иқтисодий фаолият турлари ҳамда иқтисодиёт тармоқларининг бир бўлагига айланипти. Шу боис, эҳтимол, ТМКларнинг классик фойда солиқларида кўлланадиган турли имтиёзлар ёки чегирмалар базасини (меҳнат сарфлари, ресурслар ва ҳ.к.) аниқлашда қийинчиликлар келиб чиқиши мумкин. “Рақам” учун киритиладиган ҳар қандай солиқлар билан боғлиқ муаммолар ЕИ рақамли инфратузилмасининг ривожланиши, веб-сервислар барқарорлиги, аҳоли ва бизнес учун рақамли маҳсулотларни тақдим этиш сингари жабҳаларга таҳдид солиши мумкин.

Яна бир масала – рақамли хизматлар учун солиқлар жорий этган давлатлар рақамли иқтисодиётда солиққа оид муаммоларни ҳал этиш бўйича халқаро келишувларни қандай татбиқ этишидир. Бу келишувлар бир неча йил олдин ишлаб чиқиладиган, чунки Жаҳон ҳамжамияти (ИХТТ ва G20 доирасида) BEPS лойиҳасини ишга тушириб, солиқ базасининг бузилиши ва фойдани солиққа тортишдан чиқариш билан боғлиқ молиявий муаммоларни ҳал этиш учун энг мақбул стратегияни излашни бошлаган эди.

Ҳозирги пайтда рақамли солиққа тортиш бўйича кўп томонлама келишувлар янги муаммоларга олиб келадиган, савдо тўсиқларига айланиши ва рақамли инфратузилма ривожланишини секинлаштириши мумкин бўлган солиқлар жорий этилишидан кўра мақбулроқ кўринмоқда.

Кўплаб мамлакатлар қатори Ўзбекистон ҳам рақамли фаолиятни билвосита солиққа тортишни ҚҚС тизими орқали мослаштиришни бошлади. 2020 йилдан бошлаб янги Солиқ кодексига кўра интернет-гигантлар (Facebook, Netflix, Google, Twitter, TikTok ва бошқалар) томонидан Ўзбекистон ҳудудида жисмоний шахсларга электрон хизматлар кўрсатиш операцияларини ҚҚС билан солиққа тортишни амалга ошириб бошлади.

Хорижий мамлакатларда ва Ўзбекистонда рақамли хизматлардан солиқ олиш бўйича қонун ҳужжатларини қиёсий таҳлил қилиш натижаси шуни кўрсатдики, қонун нормалари деярли бир хил, фарқлар асосан рақамли компаниялар умумий

даромадларининг миқдори ва айрим солиқ имтиёзларида кўринади. Электрон хизмат Ўзбекистон ҳудудида кўрсатилган ҳисобланиши провайдер жойлашган жой, телефон рақами, IP-манзили, тўлов манзили ёки банк реквизитлари асосида аниқланади.

Синчиклаб ўрганиб чиқилганида кўриндики, ушбу солиқларни жорий этишдаги асосий реал хавф – бу солиқ охир-оқибат маҳаллий фойдаланувчилар зиммасига ўтиши, яъни электрон хизматлар (нафақат хорижий, балки маҳаллий компаниялар хизматлари ҳам) нархининг ошиб кетиши мумкинлигидадир. Бундай ҳол бошқа мамлакатларда ҳам кузатилган бўлиб, бу рақамли иқтисодиёт ва рақамли инфратузилма ривожланиш суръатларининг пасайишига олиб келиши эҳтимолдан холи эмас. Шу билан бирга, мазкур солиқни амалда қўллаётган мамлакатлар учун ҳамон ечимини топмаган баъзи масалалар Ўзбекистон учун ҳам долзарб бўлмоқда.

Криптовалюта кўплаб мамлакатларда тўлов ва инвестиция воситаси сифатида виртуал актив сифатида қўлланилади, аста-секин нақд пулларга муқобил воситага айланиб бораётгани кузатилмоқда. Ҳозирда анъанавий – солиққа тортиладиган – активларни криптоиқтисодиётга кўчириш тенденцияси мавжуд, чунки кўпгина операциялар қонунчилик нуқсонлари туфайли ҳуқуқий доирадан ташқарида амалга оширилиб, солиқ тўлашдан бўйин товлаш имконини беради. Шу тариқа, криптовалюта давлат бюджетларига тушиши мумкин бўлган солиқ суммаси билан аслида тўланган солиқ суммаси ўртасидаги «солиқ бўшлиғи» юзага келишига сабаб бўлмоқда. Бу ҳолат, энг аввало, шу билан боғлиқки, ҳанузгача криптовалютанинг аниқ таърифи ёки унинг ҳуқуқий мақоми бўйича ягона халқаро ёндашув йўқ, шу сабабли бунда ягона солиқ сиёсатини белгилаш ҳам осон эмас.

Ўзбекистонда виртуал активларни солиққа тортиш механизмларини жорий этиш имкониятларини баҳолаш мақсадида хорижий давлатларнинг тажрибаси ўрганиб чиқилди. Бу борада энг кўп илгарилаб кетган бир қатор мамлакатлар мавжуд бўлиб, улар криптовалюта ва солиқ маъмуриятчилиги бўйича механизмларни солиқ қонунчилигида аллақачон ишлаб чиққан.

Масалан, Австралияда 2014 йилдаёқ криптовалюта солиққа тортиш юзасидан умумий қўлланма ишлаб чиқилган, 2020 йилда эса криптовалюта билан боғлиқ транзакциялари ҳақида солиқ тўловчиларни хабардор қилиш тизими йўлга қўйилган. Ушбу мамлакатда жисмоний шахслар учун криптовалюта солиққа тортилиши капитал ўсиши солиғи тизими орқали амалга оширилса, юридик шахслар учун эса фойда солиғи орқали тартибга солинади. Австралия солиқ бошқармаси (Australian Taxation Office) жисмоний шахслар фаолиятини Binance, Coinspot каби биржалардан олинган маълумотлар асосида кузатиб боради [9].

Криптовалюта солиқ нуқтаи назаридан тартибга солишда Болгария солиқ қонунчилиги нисбатан содда ва жозибадор ҳисобланади. У ерда криптовалюта молиявий активлар сотувидан олинган даромад сифатида кўрилиб, бошқа даромадлар каби 10% ставкага тортилади. Аниқроғи, ҳар бир сотув операцияси бўйича (зарарлар чиқариб ташланган ҳолда) олинган реаллашган фойда солиққа тортилади [10]. Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларда криптовалюта фаолиятини тартибга солиш қоидалари ва стандартлари бир-биридан фарқ қилади. Шу билан бирга, 2024 йилгача криптовалюта комплекс тартибга солиш режалаштирилган бўлиб, молия бозорида



тақсимланган реестр технологияси ва криптоактивлар жорий этилиши кўзда тутилган [11].

АҚШда криптовалюта федерал солиққа тортиш мақсадида мулк сифатида баҳоланади ва олинган санаси бўйича АҚШ доллараридаги бозор қийматида ҳисобга олинади. Товарлар ва хизматлар учун тўлов сифатида ёки майнинг йўли билан олинган криптовалюта умумий даромад ҳисоб-китобига киритилади. Шунингдек, ёлланмаган майнерлар (харажатларини ўзи қоплайдиганлар) ўзини ўзи банд қилиш солиғини (self-employment tax) тўлайдилар. Маош сифатида олинган криптовалюта эса даромад солиғи ва суғурта бадалларини ҳисоблашда инобатга олинади. Криптовалюта операциялари билан боғлиқ кўплаб нозик жиҳатлар мавжуд бўлганлиги сабабли, АҚШ Солиқ бошқармаси (IRS) даврий равишда эълонлар ва бошқа маълумотларни чоп этиб, криптовалюта солиққа тортиш бўйича амалдаги қоидаларни эслатиб туради [12].

Россияда эса криптовалюта ҳам, токенлар ҳам қонунчиликка кўра «мулк» сифатида таснифланади, бироқ бу рақамли молиявий активлар Россия Федерациясида қонуний тўлов воситаси сифатида қабул қилинмайди. Қонунчиликка мувофиқ, криптовалюта сотиб олиш, майнинг қилиш, сотиш ёки бошқа операцияларни амалга ошириш мумкин, аммо Россия резидентларидан олинган товарлар ва хизматлар учун криптовалюта орқали тўлов қилиш тақиқланган [13].

Дунёда айрим мамлакатлар криптовалюта солиққа тортиш масаласида ягона ёндашувни ишлаб чиқмаган, ёки криптовалюта расман тўлов воситаси ёки молиявий инструмент сифатида тан олинмаган, бироқ миллий солиқ қонунчилиги доирасида кўриб чиқилади. Масалан, Буюк Британияда криптовалюта тўлиқ валюта сифатида қабул қилинмайди, балки номоддий ёки виртуал актив сифатида «мулк» тарихида тан олинади. Шу боис, криптоактивлардан фойдаланиш мақсади ва хусусиятидан келиб чиқиб, у капитал ўсиши солиғи ёки даромад солиғи орқали солиққа тортилади [14].

Ҳиндистонда криптовалюта расман тўлов воситаси сифатида тан олинмаган ва тартибга солинмайди. Ҳеч қандай расмий қоида, низом ёки мунозараларни ҳал қилиш тамойиллари мавжуд эмас. Майнинг орқали олинган криптовалюта даромадлари бошқа манбалардан олинган даромад сифатида, инвестиция ёки мукофот сифатида солиққа тортилиш мумкин. Криптовалюта фойда солиғига (profit tax) ҳам тушиши эҳтимолдан холи эмас [15]. Бироқ, криптовалюта операциялари бўйича ҳисоботда ахборот очиқлаш талаби мавжуд бўлмагани сабабли, Ҳиндистонда бу активни солиққа тортиш амалиёти деярли мавжуд эмас. Лекин бу узоққа чўзилмайди, чунки Ҳиндистон ҳукумати криптовалюталар билан савдо қилишни солиққа тортиш масаласини кўриб чиқмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ҳам криптовалюта учун аниқ ҳуқуқий мақом белгиланмаган, у билан боғлиқ операцияларни тартибга солувчи норматив база мавжуд эмас. Майнинг натижасида олинган криптовалютадан тушган даромадлар даромад солиғи тизими орқали солиққа тортилиши мумкин.

Мамлакатлар жамият эҳтиёжларига кўпроқ эътибор қаратаётгани сабабли, давлат, бизнес ва фуқаролар ўртасида оптимал ҳамкорликни таъминлаш учун янги ечимлар излашда давом этмоқда. Бу жараёнда кўплаб мамлакатлар замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш асосида давлат бошқаруви моделига

ўтиб, жамоат хизматлари самарадорлигини ошириш ва давлат идоралари ишини максимал даражада шаффоф қилиш имкониятига эга бўлмоқда.

Ўзбекистонда, айти пайтда соғлиқни сақлаш ва таълим, хавфсизлик ва суд, молия ва солиқлар, транспорт, тадбиркорлик, фуқаролик ва миграция, ер ва экология, қурилиш ва кўчмас мулк, ижтимоий ҳимоя каби кўплаб соҳаларда электрон хизматлардан фойдаланиш мумкин. [my.gov.uz](http://my.gov.uz) – ягона электрон давлат хизматлари портали орқали жисмоний шахслар онлайн режимда 700 дан ортиқ давлат хизматларини олиш, штрафлар, қарзлар, тадбиркорларнинг солиқларини тўлаш, яшаш жойини рўйхатдан ўтказиш, ҳайдовчилик гувоҳномасини алмаштириш, рақамли ҳужжатлардан фойдаланиш каби кўплаб вазифаларни амалга ошириш имкониятига эга [16].

Солиқ маъмуриятчилиги соҳасида ҳам рақамлаштириш воситалари фаол қўлланилмоқда. Солиқ органлари анъанавий маълумот тақдим этиш сервисларидан ташқари катта ҳажмдаги маълумотларни йиғиб, уларни давлат даражасида муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва дастурлар ишлаб чиқиш учун ҳукуматга етказиб бериб боради.

Мамлакатимизда (Forum on Tax Administration) рақамли технологиялар – йирик маълумотлар (Big Data), “булутли” ҳисоб-китоблар (Cloud Computing) ва сунъий онг (DavrOn) – орқали келажак солиқ маъмуриятчилигининг янги операция модели шаклланиб бормоқда. Ушбу янги тизим рақамли маълумотлар ва таҳлилий воситалардан фойдаланган ҳолда солиқ органларини бошқа давлат идоралари, солиқ тўловчилар ва халқаро муносабатлар билан самарали бирлаштиришни таъминлайди.

Хорижий мамлакатларнинг рақамлаштириш воситаларини солиқ маъмуриятчилиги эҳтиёжлари учун қўллаш тажрибаси умумлаштирилганида, энг самарали технологиялар сифатида сунъий онг, йирик маълумотлар ва таҳлил ҳамда блокчейн қайд этилган.

Масалан, сунъий онг яқиндан бошлаб солиқ органларининг онлайн платформаларида фойдаланувчилар билан “24/7” тарзида боғланиш учун ишлатилмоқда. Ушбу технология орқали мураккаб саволлар автоматик равишда саралаб олинади ва тегишли мутахассисларга йўналтирилади, бу эса малакали жавоб бериш ҳамда маълумот тақдим этиш сифатини оширади.

Буюк Британияда бу Herbie Tax and Revenue Bot номли виртуал ёрдамчи бўлиб, у бир вақтнинг ўзида 2000 тагача сўровга автоматик жавоб бера олади, солиқлар йиғади, солиқ қайтарувларини кўриб чиқади, шикоятлар бўйича масалаларни ҳал қилади. 2018 йилги маълумотларга кўра, Испанияда виртуал ёрдамчидан фойдаланиш электрон почта орқали келиб тушадиган сўровлар сонини 80 %га қисқартирган, шу билан бирга виртуал ёрдамчига мурожаатлар 10 баравар ошган [17].

Финляндия Солиқ маъмуриятчилиги Миграция хизмати ва Патент-рўйхатдан ўтказиш бюроси билан биргаликда чат-бот хизматини ишлаб чиқди. У Финляндиядан ташқарида жойлашган тадбиркорларга ёрдам кўрсатади [18].

Ўзбекистонда ҳар йили ИТ-мутахассислар сони ошиб бораётгани каби, уларнинг малакаси ҳам яхшиланаётгани боис, келажакда сунъий онг солиқ органларига ёрдамга келиши мумкинлигига ишонч бор ва шу тариқа сунъий онг солиқ тўловчилар манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим восита бўлиб қолиши мумкин.

Солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш жараёнларининг автоматлаштирилиши билан бирга, катта маълумотлар (Big Data) ва таҳлилий воситалар туфайли солиқ хизмати солиқ тўловчиларнинг даромадлари ва мол-мулки, рақамли тўловлар, электрон ҳисобрақамлар, онлайн-кассалар каби турли маълумотларни катта ҳажмда қўлга киритмоқда. Аниқки, олинган ушбу маълумотлар муҳим таҳлилий ресурс сифатида хизмат қилиб, хизматлар сифати яхшиланишига, солиқ хатоларини камайишига ва кам ресурс сарфлаган ҳолда тезкор ҳамда асосланган қарорлар қабул қилинишига ёрдам беради.

Сингапур солиқ хизмати катта маълумотлар (Big Data)дан ҳар томонлама фойдаланиб, маълумотларни йиғиш жараёнидан тортиб, уларни баҳолаш, бошқариш, сақлаш, янги маълумот манбаларини жорий этиш, шунингдек, солиқ тўловчилар афзалликлари, хатти-ҳаракатлари ҳамда эҳтимолий хатарларини аниқлашгача бўлган мукамал маълумотлар стратегиясини ишлаб чиққан. Бу мақсадда махсус марказлашган маълумотлар базаси яратилган бўлиб, у прогнозлаштирувчи моделлаштириш, макроиқтисодий тенденцияларни таҳлил қилиш ва бошқа кенг қўламли таҳлилий вазифаларни оммавий қайта ишлаш платформаси орқали амалга оширади. Бундан ташқари, қарорлар қабул қилишда хатарларнинг олдини олиш мақсадида, ходимлар ҳамда ташкилотлар ўртасидаги муносабатларни аниқлаш учун ижтимоий тармоқлардан ҳам маълумотлар йиғилади [19].

Мексика Солиқ хизмати (Tax Administration Service, Servicio de Administración Tributaria, SAT) ҳам маълумотлар таҳлили платформасидан фойдаланиб, солиқ йиғимларининг самарадорлигини оширмоқда. Прогнозлаштирувчи моделлаштириш орқали солиқ тўловчилар ҳақидаги маълумотлар таҳлил қилиниб, улардаги ҳар хил солиққа тортиш бузилиши эҳтимоллари, текширув жараёнлари ва солиқ камчиликларини олдиндан аниқлаш имконияти яратилади. Шунингдек, электрон ҳисобварақлар ва декларацияларнинг олдиндан тўлдирилган шакллари (tax returns) тақдим этилади, унда киритиладиган маълумотлар (иш ҳақи, даромадлар, харажатлар ва бошқа маълумотлар) солиқ тўловчи берган маълумотлар таҳлилига асосланади [20].

Хитойда катта маълумотлар ва таҳлилдан фойдаланиш текширувлар ҳамда аудит тизимларини такомиллаштиришга хизмат қилмоқда. Масалан, 2016–2020 йиллар давомида текширувлар сони ҳар йили 20% дан ортиққа қисқарган бўлса, аудиторлик текширувлари орқали тўланган солиқлар миқдори 30% га ошган. Шу билан бирга, рақамли воситалар халқаро ташкилотлар ва давлатлар ўртасида вақти-вақтида маълумот алмашинувини таъминлаб, трансчегаравий масалаларни ҳал этишда, шунингдек, халқаро ҳамкорлик дастурларини уйғунлаштиришда ёрдам беради.

Бир томондан, интеллектуал маълумотлар таҳлили стратегияси шаффофликни ошириб, солиқ тўлашдан бўйин товлаш даражасини пасайтиришга ёрдам беради ва халқаро солиқ маълумотларини хавфсиз алмашинуви борасидаги ташаббуслар – BEPS доирасида 100 дан ортиқ мамлакатлар ҳамкорлигини амалга оширишга кўмаклашади. Бошқа томондан, солиқ тўловчилар шахсий маълумотлари махфийлиги, хавфсизлиги ва муҳофазаси тўлиқ таъминланганига ишонч бўлишини, шу билан бирга реал вақт режимида индивидуал хизматлардан фойдаланишни истайдилар.

Ўзбекистонда солиқ маъмуриятчилигининг автоматлаштирилган тизими шаклланаётган бир пайтда, хорижий мамлакатларнинг тажрибаси солиқ тўловчилар

эҳтиёжлари учун функцияларни кенгайтириш, солиқ тушумларини аниқроқ прогноз қилиш ва тизимга ноқонуний аралашувлар хавфини олдиндан бартараф этишда ёрдам беради. Бироқ самарали солиқчи-таҳлилчилар жамоасини шакллантириш учун солиқ тушумларини йиғиш ва уларни текшириш билан боғлиқ маълумотларни қайта ишлашни ўрганиш билан чекланиб қолмасдан, чиқиш маълумотларини интеграция қилиш, маълумотлар билан бошқарув ва маълумотлар архитектураси, прогнозлаштирувчи моделлаштириш, аудитни режалаштириш, стратегик қарорлар қабул қилиш ва хатарлар билан бошқарув, маълумотлар хавфсизлиги каби соҳалар бўйича ҳам янги билим ҳамда кўникмалар талаб этилади. Ўзбекистонда бу жараён тескари йўналишда ҳам амалга ошиши мумкин – яъни, дастурлаш соҳасида янги фаолият бошлаган мутахассислардан солиқ соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш орқали [21].

Блокчейн технологияси, дастлаб биткойнлар билан боғлиқ транзакциялар учун (криптовалюта – номоддий актив бўлиб, молия регуляторлари ва банклар буйруғига бўйсунмайди) ишлатилаётган бўлса-да, бугунги кунда транзакцияларни сақлаш учун энг яхши усуллардан бири сифатида эътироф этиляпти.

2018 йилдан бошлаб Бразилияда Федерал солиқ хизмати блокчейнни солиқ маъмуриятчилиги тизимига жорий этди. “bCPF” деб номланган ушбу лойиҳа блокчейн тармоғи орқали жисмоний шахслар – солиқ тўловчилар ҳақидаги маълумотни ҳукумат даражасидаги G2G (government-to-government) алмашинуви учун яратилган бўлиб, бу жараён федерал, штат ва муниципал даражадаги солиқ ва регуляция органларини қамраб олади. Яқин орада юридик шахслар реестри ҳам блокчейн асосида (“bCNPJ”) жорий этилиши режалаштирилган [22].

Европа Иттифоқи ягона бозор ва яхлит сиёсат яратиш орқали смарт-контрактлардан фойдаланувчи блокчейн технологияси асосида ҚҚС ва фойда солиғини солиққа тортиш ташаббусини амалга оширишда бир қанча афзалликларга эга. Бундай платформа рақамли замонда солиқ тўловчилар маълумотларини алмашиш, маълумотлар махфийлиги, солиқ тўловларини тўплаш ва ҚҚСни реал вақт режимида қайтариш имкониятини яратиши мумкин. Шу билан бирга, шахсий маълумотлар махфийлиги, технология тезлиги, жорий этиш харажатлари, ходимлар малакаси каби муаммо ва хатарларни бартараф этиш мақсадида ЕИда катта иш олиб бориш режалаштирилган: хусусан, умумий “булут” тизими яратиш, солиқ органлари фаолиятига сунъий онгни кенг жорий этиш, шунингдек, смарт-контрактлар орқали солиқ йиғимларида юзага келиши мумкин бўлган хатарларни олдини олиш учун солиққа оид қоидаларни уйғунлаштириш режалаштирилган [23].

Блокчейн орқали солиқ йиғиш йўналишида илгарилаб кетаётган мамлакатлар қаторига Финляндия (кўчмас мулк билан боғлиқ операциялардан солиқ ундиришни кузатиб боришда қўллаш), Швеция (фойда солиғи ва божхона божларини йиғишда блокчейн тестлари), Хитой (ҳисобварақ-фактураларга ва смарт-контрактларда фойдаланиш), Нидерландия (ҳақиқий вақт режимида бухгалтерия ҳисоботини тақдим этиш учун блокчейн) киради [24].

Ўзбекистон ҳам солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштириш йўналишида жадал иш олиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги ва

Давлат солиқ кўмитаси ҳамкорлиги натижасида солиқ соҳасида кўплаб электрон маълумотномалар ва хизматлар жорий этилмоқда.

Ўзбекистонда электрон солиқ маъмуриятчилиги тизимини аста-секин йўлга қўйилиши туфайли, солиқ тўлаш жараёнини соддалаштириш, ҳисобот шакллари сонини камайтириш, текширувлар сонини қисқартириш, солиқ низоларини ҳал этиш самарадорлигини ошириш ва ушбу соҳада коррупция даражасини пасайтириш имконияти пайдо бўлмоқда. Блокчейн технологиясидан фойдаланиш афзалликлари ва камчиликларини муҳокама қилиш жараёни ҳозирча фақат муҳокама босқичида. Бошқа мамлакатлар томонидан солиқ маъмуриятчилигини тўлиқ автоматлаштириш бўйича амалга оширилаётган фаол чоралар Price Waterhouse Coopers'нинг «Paying Taxes – 2020» рейтингда Ўзбекистон 69-ўринда қолишига таъсир кўрсатди. Ундан ташқари, мамлакатда бизнес учун солиқ юки ҳам аста-секин ошиб бормоқда [25]. Ўзбекистонга солиқ ислохотлари рейтинг натижаларига сезиларли таъсир кўрсатиши учун маълум вақт керак бўлади.

Жорий тўлиқ рақамлаштириш шароитида солиқ маъмуриятчилигини трансформация қилишни таҳлил қилиш якунида асосий тенденциялар қуйидагича аниқланди:

Биринчидан, замонавий солиқ идораларининг роли оддий солиқ йиғишдан кенг қўламдаги маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва давлат идоралари томонидан аҳамиятли ижтимоий қарорлар қабул қилиш учун ахборот тақдим этиш даражасига кўтарилди.

Иккинчидан, ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши солиқ маъмуриятчилиги жараёнларини автоматлаштириш ва уни деярли тўлиқ равишда инсон омилини чиқариб ташлаган ҳолда бизнес жараёнлар ҳамда солиқ тўловчилар экотизимига жорий этиш имконини берди.

Учинчидан, рақамлаштириш воситалари халқаро даражада идентификацион маълумотларни бирхиллаштириш жараёнини бошлаб берди ва турли мамлакатларнинг солиқ идоралари ўртасида солиқ ахборотини алмашинув тизимини яратди.

Бу ўзгаришлар орқали солиқ жараёнларининг катта қисмини солиқ тўловчилар муҳитига интеграция қилиш (кўзга кўринмайдиган солиқ маъмуриятчилиги) ва ихтиёрий комплаенсдан автоматик комплаенсга ўтиш имконияти пайдо бўлади, бунда давлат солиқ органлари фақат хатарлар устидан назоратни амалга оширади, солиқ маъмуриятчилиги эса барқарор ва ёндашувда эгилувчан бўлади. Худди шундай мақсад ИХТТ «Солиқ маъмуриятчилиги 3.0» (Tax Administration 3.0) ишчи хужжатида ҳам баён этилган бўлиб, унда мавжуд солиқ тизимларининг структура чекловлари, янги солиқ маъмуриятчилиги имкониятлари таҳлил қилинган ва босқичма-босқич амалга ошириш бўйича таклифлар берилган [26].

ИХТТ мамлакатлари томонидан ишлаб чиқилган «Солиқ маъмуриятчилиги 3.0» (Tax Administration 3.0) концепциясида мазкур янги тизимни жорий этишда учраши мумкин бўлган бир қатор муаммолар қайд этилган. Жумладан, солиққа оид талабларга кўнгилли риоя этишга кучли боғлиқлик (ҳисобот юритиш, ҳисоблаш ва тўлаш, жадвалга қатъий риоя қилиш каби жараёнларга кўп вақт сарфлаш), давлат идораларининг бир-биридан ажралган жараёнлари (бунда солиқ тўловчилар учун зарур маълумотни

олишда қийинчиликлар юзага келади), шунингдек, солиққа оид ноаниқлик (тўловлар билан боғлиқ хатарлар ва текширувлар натижаси) шулар жумласидандир.

Мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида «Солиқ маъмуриятчилиги 3.0» да бир неча муҳим йўналишлар таклиф этилган:

1. Солиқ маъмуриятчилиги жараёнларини солиқ тўловчиларнинг табиий тизимларига интеграция қилиш. Бунда солиқ тўлаш жараёни супермаркетда харид учун пул тўлаш каби «кўзга кўринмайдиган» ва «табиий» жараёнга айланади.
2. Рақамли платформалардан солиқ агенти сифатида фойдаланиш. Бундай платформалар маълумотларни қайта ишлаш, солиқларни ҳисоблаш ва уларни йиғиб бериш функцияларини бажаради.
3. Реал вақт режимида солиқларни ҳисоблаш ва текшириш. Солиқ тўловчи томонидан тўланган ёки тўланиши керак бўлган солиқлар суммаси шу пайтнинг ўзида кўриб чиқилиб, назорат қилиниши мумкин бўлади.
4. Давлат идораларини хусусий сектор билан интеграция қилиш. Бу учун керакли тўловлар, имтиёзлар ва қайтарувларни мувофиқлаштирган ҳолда солиқ жараёнида ҳамоҳанглик ва мувозанатни таъминлаш керак [26].

Ушбу йўналишлар келажакка йўналтирилган ғоялар эмас, балки айрим мамлакатларда қисман ҳаётга татбиқ этилган. «Солиқ маъмуриятчилиги 3.0» нинг бош мақсади – жаҳон миқёсида шаффоф, адолатли ва хавфсиз солиқ тизимини барпо этиб, солиқ тўлашдан бўйин товлаш даражасини минималлаштириш ва солиққа оид талабларга риоя қилишдаги юкни сезиларли даражада камайтиришдир. Бу мақсадларга эришиш учун катта ҳажмда ишлар қилиш талаби бўлса-да, бошланган ислохотлар жараёни солиқ органларининг солиқ тўловчилар билан ўзаро муносабатларини яхшилаш ва мавжуд солиқ маъмуриятчилиги тизимини такомиллаштириш имконини беради.

Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётнинг шиддат билан ривожланиши солиқ тизимини замонавий талабларга мувофиқлаштириш ва рақамли воситаларни жорий этиш заруратини ошироқда. Мамлакатимизда Давлат солиқ қўмитаси томонидан электрон ҳисобварақ-фактуралар, онлайн касса аппаратлари каби замонавий ечимлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, солиқ маъмуриятчилигининг рақамлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш мақсадида бир қатор инновацион технологиялардан фойдаланиш истиқболли ҳисобланади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, рақамли технологияларни солиқ тизимига жорий этиш нафақат солиқ йиғимларини оширади, балки коррупция хавфини камайтиради, шаффофликни таъминлайди ва маъмурий харажатларни қисқартиришга ёрдам беради. Қуйидаги жадвалда Ўзбекистон шароитида қўлланилиши мумкин бўлган асосий механизмлар ва уларнинг афзалликлари кўрсатилган (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал.

#### Рақамли иқтисодиёт шароитида солиққа тортиш механизмлари

Тақдим этилаётган механизм	Таърифи	Афзалликлари	Муаммолари ва хатарлари
Сунъий онг (AI)	Солиқ тўловчилар маълумотларини	Текширув жараёнларининг	Махфийликка оид хавотирлар

Тақдим этилаётган механизм	Таърифи	Афзалликлари	Муаммолари ва хатарлари
<b>Блокчейн технологияси</b>	таҳлил қилиш, солиқ хато ва камчиликларини автоматик аниқлаш. Транзакция маълумотларини хавфсиз ва шаффоф сақлаш учун тарқатилган маълумотлар базаси.	тезлиги ва аниқлиги ошади.  Маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш, солиқ назоратининг шаффофлигини ошириш.	ва техник мураккабликлар.  Жорий этиш харажатларнинг кўплиги ва ходимларни тайёрлаш зарурати.
<b>Катта маълумотлар (Big Data)</b>	Солиқ тўловчилар фаолиятини таҳлил қилиш учун катта ҳажмдаги маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш.	Солиқ тушумлари прогнози яхшиланади, солиқ қочиш ҳолатлари камаяди.	Маълумотларни қайта ишлаш учун юқори даражада инфратузилма талаб этилади.
<b>Қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС)</b>	Рақамли хизматлар ва товарлар учун ҚҚС жорий этиш.	Давлат бюджетига даромад тушумлари ошади.	Рақамли хизматларнинг қимматлашуви ва солиқ юкининг истеъмолчиларга ўтказилиши мумкин.
<b>Халқаро ҳамкорлик</b>	ТМКларни солиққа тортишда биргаликдаги қоидалар ишлаб чиқиш.	Солиққа тортишда глобал адолат таъминланади.	Турли давлатларнинг манфаатлари ўртасида зиддиятлар юзага келиши мумкин.
<b>Автоматлаштирилган солиқ маъмурияти</b>	Солиқ тушумларини йиғиш, ҳисоблаш ва мониторинг жараёнларини рақамли платформалар ёрдамида автоматлаштириш.	Самарадорлик ошади, инсон омилининг таъсири камаяди.	Юқори инфратузилма харажатлари ва ходимларнинг рақамли кўникмаларини ривожлантириш зарурати.

**Хулоса ва таклифлар.** Келажакда солиққа тортиш ва солиқ маъмуриятчилиги қандай йўналишда ривожланиши кўп жиҳатдан иқтисодий ҳамда жамият тараққиёти билан боғлиқ. Дунёда жуда муҳим тенденция кузатилмоқда: маҳаллий даражадаги

(давлат миқёсидаги) солиққа тортишдан халқаро даражадаги (жаҳон миқёсидаги) солиққа тортишга ўтиш. Бу эса ТМКларнинг офшорлар орқали фойда олиши ва улар маҳсулоти ҳақиқий харидорлари жойлашган мамлакатларда деярли бирор-бир солиқ мажбурияти бўлмаслиги билан изоҳланади. Қолаверса, рақамлаштириш туфайли изчил равишда жисмоний ҳозирликсиз (country presence) бизнес юритиш имконияти пайдо бўлди (масалан, қидирув тизимлари, ижтимоий тармоқлар, рақамли платформалардан фойдаланиб). Шу йўл билан олинаётган даромадлар анъанавий солиқ тизими доирасида солиқ базаси сифатида аниқланмаган эди. Натижада мавжуд солиқ қоидаларини қайта кўриб чиқиш ва рақамли маҳсулот харидори (ёки фойдаланувчиси) жойлашган ўша ерда солиқ тўлаш тизимига ўтиш зарурати юзага келди.

Айрим мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатдики, ТМКлар «рақамли» даромадларига янги солиқлар белгилаш орқали ўз ҳудудида жорий қилмоқчи бўлган механизмни амалда ишлатиш осон иш эмас. Чунки бугунги кунда иқтисодиёт ва компаниялар бутунлай глобаллашган, солиқлар эса уларга мамлакат миқёсида эмас, балки халқаро норма ва тамойиллар асосида татбиқ этилиши лозим. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ТМКларнинг солиққа тортилишига оид миллий нормаларни янги халқаро қоидалар асосида қайта кўриб чиқиш, шунингдек, рақамли бизнес билан шуғулланувчи ва янги қоидаларда белгиланган молиявий мезонларга мос келадиган компанияларни аниқлаш учун алгоритмлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Солиққа тортиш ва солиқ маъмуриятчилиги келажаги иқтисодиёт ва жамият ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ. Рақамли иқтисодиётнинг ўсиши мавжуд солиқ тизимларига катта босим ўтказмоқда, бу эса янги ёндашувларни ишлаб чиқишни талаб қилади. Шу нуқтаи назардан, солиқ маъмуриятчилигини ривожлантириш мақсадида қуйидаги инновацион ёндашувларни қўллаш таклиф этилади:

1. Ўзбекистонда халқаро солиқ қоидаларига мувофиқ миллий қонунчиликни мувофиқлаштириш;

2. Солиқ маъмуриятчилиги жараёнларини автоматлаштириш учун рақамли воситаларни, хусусан сунъий интеллектни жорий этиш орқали солиқ назорати сифатини яхшилаш ва хато рискларини камайтириш;

3. Блокчейн технологияси орқали солиқ маълумотларининг хавфсизлиги ва шаффофлигини таъминлаш;

4. Рақамли иқтисодиётда солиққа оид муаммоларни ҳал қилиш учун халқаро ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик қилиш.

Ўзбекистонда солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштиришни йўлга қўйиш жараёни бутун дунёда шаклланаётган «глобал солиқ маъмуриятчилиги» янги парадигмасини амалга ошириш нуқтаи назаридан ниҳоятда муҳим. Бу жараён давлат, бизнес, IT-мутахассислар ва фуқаролар томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши зарур, чунки унинг мақсади – замонавий, самарали, шаффоф, адолатли ва хавфсиз солиқ маъмуриятчилиги тизимини яратишдир.

#### **Адабиётлар/Литература/References:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4389-сонли Қарори.
2. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги маълумотлари.



3. Digital Services Tax. 2021.
4. On the tax on certain digital services: Law of Spain of 2020 No. 4.
5. Czech Republic: Status of digital services tax legislation. KPMG. 2021.
6. Trump Administration Proposes Tariffs Against \$2.4 Billion of French Goods. The Wall Street Journal. 2021.
7. USTR Announces, and Immediately Suspends, Tariffs in Section 301 Digital Services Taxes Investigations. United States Trade Representative. 2021.
8. Bunn D. The European Commission and the Taxation of the Digital Economy.
9. Cryptocurrency 2014–15 to 2022–23 data-matching program protocol. 2021.
10. Bulgaria’s revenue agency launched checks in cryptocurrency trading companies. 2021.
11. Directive (EU) 2018/843 of The European Parliament and of The Council of 30 May 2018 amending Directive (EU) 2015/849 on the prevention of the use of the financial system for the purposes of money laundering or terrorist financing, and amending Directives 2009/138/EC and 2013/36/EU. 2021.
12. Internal Revenue Bulletin: 2014-16. Internal Revenue Service. 2021.
13. О цифровых финансовых активах, цифровой валюте и о внесении изменений в отдельные законодательные акты Российской Федерации: Федеральный закон от 31.07.2020 г. № 259-ФЗ.
14. Check if you need to pay tax when you receive cryptoassets. 2021.
15. Is Bitcoin legal in India? What is tax rate on Bitcoin profits? 2021.
16. my.gov.uz – Ягона электрон давлат хизматлари портали
K.B.Axmedjanovning ilmiy adabiyotlaridagi fikricha "Audit dalillar auditorlik xulosasini tasdiqlash uchun auditor tomonidan olingan ma'lumot. Xulosani shakllantirishda Auditorlik faoliyatining eng ko'p ishi audit dalillarni olish baholashdan iborat" [7.148-b].

M.S.Hojiyevning fikricha "Dalillarni olish jarayonida auditor qanday materiallarni nima maqsadda tekshirayotgani haqida aniq tasavvurga ega bo'lishi zarur. Shundan so'ng auditor auditorlik amaliyotida auditorlik dalillarini yig'ishni tezlashtirish uchun tasodifiy xatolarni ma'lum mezonlar tizimini qo'llab, baholashga majbur" [8.14-b].

A.X.Shoalimovning ilmiy adabiyotlarida "Auditorlik dalillari ishonchli va yetarli bo'lishi lozim. Dalilning ishonchliligi — qaysidir bir muammoni yechish uchun uning muhimligidir, yetarlilik esa har bir aniq holatda, auditorlik tavakkalchiligi va ichki nazorat tizimini baholash asosida aniqlanadi. Qanday bo'lmasin, auditor haqqoniy va asoslangan xulosa tayyorlash uchun kerakli sifatdagiy yetarli darajada dalillar to'plaganligiga to'liq ishonch hosil qilishi lozim" degan fikr bildirilgan [9.281-282-b].

I.N. Qo‘ziev o‘zining ilmiy maqolalarida “Auditorlik xulosasini berish uchun va unga fikr bildirishga auditorlik dalillarini to‘plash masalasi alohida ahamiyatga ega bo‘lmoqda. Chunki auditorlik dalillari — auditorlik tashkiloti tomonidan auditorlik tekshiruvi vaqtida yig‘ilgan va auditorlik xulosasini asoslovchi buxgalteriya hisobi ma‘lumotlari, analitik schyotlar qoldiqlari, boshlang‘ich hujjatlar va yig‘ma registrlar, boshqa auditor tomonidan to‘plangan axborotlar hisoblanadi” deb ta‘kidlab o‘tgan [10.4-b].

Audit dalillari rahbariyatning da‘volarini qo‘llab-quvvatlaydigan va tasdiqlovchi ma‘lumotlarni ham, bunday tasdiqlarga zid bo‘lgan har qanday ma‘lumotlarni o‘z ichiga oladi. Bundan tashqari, ba‘zi hollarda, hatto ma‘lumotlarning yo‘qligi (masalan, rahbariyatning so‘ralgan bayonotni taqdim etishdan bosh tortishi) ham auditorlik dalillarini tashkil qiladi va auditor tomonidan foydalaniladi.


Shunday qilib, bizning fikrimizcha, auditorlik dalillari – bu auditorlik xulosasini tayyorlashga asos bo‘ladi, auditorlik tekshiruvining bir qismi bo‘lib, auditorning ish faoliyatini natijasini o‘zida aks ettiruvchi ma‘lumotlar yig‘indisi hisoblanadi.

**Muhokama.** Auditorlik xulosasini ishlab chiqishda auditorning ishining katta qismi auditorlik dalillarini olish va baholashdan iborat. Auditorlik dalillarining yetarliligi va maqsadga muvofiqligi o‘zaro bog‘liqdir. Yetarlilik auditorlik dalillarining miqdoriy ko‘rsatkichidir.

Talab qilinadigan auditorlik dalillarining miqdori auditorning noto‘g‘ri tavakkalchilik risklarini baholashiga bog‘liq (baholangan xatarlar qanchalik yuqori bo‘lsa, auditorlik dalillari shunchalik ko‘p bo‘lishi kerak), shuningdek, bunday auditorlik dalillarining sifatiga bog‘liq (sifat qanchalik yuqori bo‘lsa, dalillar shunchalik kam talab qilinishi mumkin). Biroq, ko‘proq auditorlik dalillarini to‘plash ularning sifatsizligini bildirmaydi.

Audit dalillari moliyaviy hisobotlar uchun asos bo‘lgan buxgalteriya hisobidagi ma‘lumotlarni ham, boshqa manbalardan olingan ma‘lumotlarni ham o‘z ichiga oladi. Auditorlik dalillar olish usullari auditing xalqaro standarti 500-“Audit dalillari”ga muvofiq quyidagi turlarga bo‘linadi 1-rasm.

1-rasm.



1-rasm. Audit dalillarini olish usullari.

Manba: muallif ishlanmasi.

Auditorlik dalillarini olish usullari ichida intervyu muhim ahamiyatga ega. Chunki bu usulda audit dalillari korxonada xodimlari, moddiy javobgar shaxslar, mutaxassislar, rahbarlar va korxonada ma'lumotlariga aloqador bo'lgan boshqa tashqi shaxslar bilan bevosita muloqot qilish orqali dalillar to'planadi. Natijada korxonadagi hisob ishlarini tashkil qilish, nazorat qilish, mulklar butligini ta'minlash, firibgarlik va suiiste'molchilik holatlarini aniqlash hamda ularni oldini olish choralari ko'rish imkoniyati yaratiladi.

Intervyu (ing. *interview*) — bu ikki yoki undan ortiq kishilar o'rtasidagi suhbat turi bo'lib, suhbatni tashkil qiluvchi o'z suhbatdoshlariga savol beradi va ulardan javob oladi. Ba'zi hollarda bu yozuvda yoki jonli ravishda sodir bo'ladi.

Intervyular odatda yuzma-yuz va shaxsan o'tkaziladi, lekin tomonlar video konferensiya aloqa yoki telefon suhbatlarida bo'lgani kabi geografik jihatdan ajratilishi mumkin. Intervyu deyarli har doim ikki yoki undan ortiq tomonlar o'rtasidagi og'zaki suhbatni o'z ichiga oladi. Ba'zi hollarda savollar va javoblarni kiritgan ikki kishi o'rtasida "suhbat" bo'lishi mumkin.

Intervyu — bu tashkilot ichida ham, undan tashqarida ham ma'lumotga ega bo'lgan shaxslarga moliyaviy va moliyaviy bo'lmagan ma'lumotlarni taqdim etish bo'yicha so'rov. Boshqa audit amallari bilan bir qatorda intervyu butun audit davomida keng qo'llaniladi. So'rovlar rasmiy yozma va norasmiy og'zaki ko'rinishda bo'lishi mumkin. Intervyu jarayonining ajralmas qismi bu olingan javoblarni baholashdir.

So'rovlarga javoblar auditorni ilgari mavjud bo'lmagan ma'lumotlar yoki tasdiqlovchi auditorlik dalillari bilan ta'minlashi mumkin. Ba'zi hollarda so'rovlarga javoblar auditor tomonidan olingan boshqa ma'lumotlardan sezilarli farq qiladigan ma'lumotlarni taqdim etishi mumkin. Boshqa hollarda, so'rovlarga javoblar audit amallariga o'zgartirishlar kiritish yoki qo'shimcha audit amallarini bajarish uchun asos bo'ladi.


Garchi intervyular natijasida olingan dalillarni tasdiqlash ayniqsa muhim bo'lsa-da, bunday maqsadlar bo'yicha so'rovlar olib borilganda rahbariyatning rejalarini tasdiqlovchi ma'lumotlar cheklangan bo'lishi mumkin. Bunday hollarda rahbariyatning o'z rejalarini amalga oshirish bo'yicha o'tmishdagi faoliyatini, muayyan harakat yo'nalishini tanlash sabablarni va rahbariyatning muayyan harakat yo'nalishini davom ettirish imkoniyatini tushunish uchun intervyu natijasida dalillarni tasdiqlash uchun, muhim ma'lumotlar olinishi mumkin.

Muayyan masalalar bo'yicha auditor og'zaki so'rovlarga berilgan javoblarni tasdiqlash uchun rahbariyatdan va kerak bo'lganda boshqaruv vakolatiga ega bo'lgan shaxslardan yozma ko'rsatmalar olish zarur deb topishi mumkin.

Korxonalar auditi auditorlik dalillarini olishda intervyularning roli muhim hisoblanadi. Chunki, faqat intervyular o'tkazish orqali audit o'tkazish ko'lamini belgilash, audit riskini aniqlash va uni kamaytirishga erishish mumkin. Intervyu orqali korxonada faoliyatidagi moliyaviy operatsiyalar, nazorat tizimlari va faoliyatning boshqa jihatlari haqida, shuningdek, me'yoriy asoslar, tartib qoidalardan chetga chiqish holatlari yuzasidan muhim ma'lumotlar olinishidan tashqari, korxonada faoliyatida yo'l qo'yilayotgan salbiy holatlarni oldini olish bo'yicha takliflar ham olinishi mumkin. Intervyu o'tkazish jarayonida auditorga bir qator vazifalar yuklanadi. Intervyu jarayonini sifatli tashkil qilish va o'tkazish mazkur vazifalarni qay darajada bajarilishiga bog'liq. Intervyu o'tkazish jarayonida auditorning vazifalar 2-rasmda keltirilgan.

2-rasm.


Intervyu o'tkazish jarayonida auditorning vazifalar
---



Manba: muallif ishlanmasi.

Auditorlik intervyu davomida auditorlar korxonaning bir nechta xodimlari bilan intervyular uyushtirishga to'g'ri keladi. Mazkur xodimlar korxonah rahbariyati xodimlari, korxonah mutaxassislari, korxonah ishchilari, moddiy javobgar shaxslar hamda korxonah faoliyatiga aloqador boshqa korxonah xodimlari ham bo'lishi mumkin. Har bir inson bir biridan farq qiluvchi muayyan xarakterga ega. Shuning uchun odatda auditor intervyu jarayonini muvaffaqiyatli amalga oshirishiga hissa qo'shadigan, undan ma'lum psixologik qobiliyatlar va ko'nikmalarni namoyish etish talab qilinadi. Auditor tomonidan intervyu jarayonini amalga oshirishda auditor uchun muhim bo'lgan ba'zi psixologik qobiliyatlar va ko'nikmalar 3-rasmda keltirilgan.

3-rasm




3-rasm. Intervyu jarayonini amalga oshirishda auditor uchun muhim bo'lgan psixologik qobiliyatlar va ko'nikmalar.

Manba: muallif ishlanmasi.

Intervyu — bu ikki yoki undan ortiq kishilar o'rtasidagi suhbat bo'lib, suhbat davomida intervyu oluvchi suhbatdoshlardan o'zini qiziqtirgan savollarga javob oladi. Intervyuning maqsadiga qarab quyidagi asosiy turlarga ajratiladi 4-rasm.

4-rasm. Intervyuning asosiy turlari.



Manba: muallif ishlanmasi.

Axborot intervyu. Sohaga oid yangiliklarni aniqlash uchun o'tkaziladigan intervyu hisoblanadi. Axborot intervyusida intervyu oluvchining "Nima?", "Qayerda?", "Qachon?" muayyan voqea yoki fakt haqidagi savollariga suhbatdosh to'g'ridan-to'g'ri qisqa javob beradi, audit jarayonida intervyuning bu turi qo'llaniladi, ya'ni, korxonada tomonidan amalga oshirilgan, yangi loyihalar, ko'rsatilayotgan qo'shimcha xizmatlar, sotib olingan yangi transport vositalari va boshqalar to'g'risida ma'lumotlar olish imkoniyati mavjud.

Analitik intervyu. Bunday intervyuning diqqat markazida endi fakt emas, balki muammo. Intervyu "Qanday qilib?" degan savollarga asoslanadi va nima uchun?". Analitik intervyular qahramonlari ko'pincha mutaxassislardir. Audit jarayonida eng ko'p qo'llaniladigan intervyu turi hisoblanadi. Chunki intervyuning maqsadi mavjud muammolarni aniqlash, ularni kelib chiqish sabablarini o'rganish va ularni bartaraf etish choralari ko'rish hisoblanadi.

Suhbat. Bunday intervyu ayniqsa videoblogerlar orasida mashhur. Bu erda intervyu oluvchi suhbatda intervyu beruvchi bilan teng ravishda ishtirok etadi va tayyorlangan savollarga qat'iy rioya qilmaydi. U o'z fikrini bildirishi va hatto suhbatdoshi bilan bahslashishi mumkin. Natijada maqsadli auditoriya uchun qiziqarli bo'lgan jonli muhokama yuzaga keladi. Auditda intervyuning suhbat turi qo'llaniladi, intervyu jarayonidan mavjud muammoni aniqlan va bartaraf etish bo'yicha bahs va munozaralar yuzaga kelishi mumkin.

Portret intervyu. Ko'pincha taniqli shaxslar portret intervyu qahramonlariga aylanishadi. Ushbu formatdagi asosiy e'tibor intervyu beruvchining qiyofasiga, uning hayotiga, ijodiga, g'oyalariga qaratilgan. Suhbatdan farqli o'laroq, portret intervyusida intervyu beruvchi deyarli o'zini namoyon qilmaydi va suhbatdoshga iloji boricha batafsil va ochiq gapirishga imkon beradi.


Ekspress intervyu yoki xabar suhbat. Muayyan voqea yoki masala bo'yicha 2-3 ta qisqa savoldan iborat dialog. Ekspress intervyuni axborot va tahliliy intervyu aralashmasining

qisqartirilgan versiyasi deb atash mumkin. Uning asosida, masalan, biror voqelik yoki masalani sharhlash imkoniyati yaratiladi.

Blits so‘rovi. Sotsiologik va marketing tadqiqotlarining mashhur usuli hisoblanadi. Blits-so‘rovi operativ intervyu yoki ko‘cha so‘rovi deb ham ataladi. U ko‘p sonli intervyu beruvchilardan bir xil qisqa savollarga javob berishni so‘raydi. Tezkor so‘rov har qanday mavzu bo‘yicha jamoatchilik fikrini bilish imkonini beradi. Auditda intervyuning bu turidan korxonalar rahbariyati tomonidan ishni tashkil qilinishi, ichki nazoratni yo‘lga qo‘yilganligi to‘g‘risida fikrlarni bilish uchun qo‘llaniladi.

Intervyu o‘tkazish shakliga ko‘ra quyidagilarga bo‘linadi 5-rasm.

5-rasm. Intervyu o‘tkazish shakllari.



Manba: muallif ishlanmasi.

Shaxsiy intervyu. Eng keng tarqalgan intervyu formati ishtirokchilarning yuzma-yuz gaplashishidir. Ovoz ovoz yozuvchi moslama yoki videokamera yordamida amalga oshiriladi. Natijada suhbatdoshdan mavzuga oid muhim ma‘lumot olish imkoniyati yaratiladi. Shaxsan muloqot qilishda texnik muammolar xavfi ham minimallashtiriladi.

Telefon orqali intervyu. Rasmiylardan izoh olishning eng tezkor usuli. Biroq, telefon intervyularini audio yozib olish va keyingi tahlil qilish uchun tinglash qiyin. Va suhbatdosh bilan ko‘rishmasdan aloqa o‘rnatiladi, bu esa ma‘lumotlarni to‘liq va haqiqiy holatini olish imkonini bermasligi mumkin.

Onlayn intervyu. Ushbu shakldagi intervyu telefon suhbatining kamchiliklarini yumshatadi, lekin doimiy ravishda yuqori internet tezligini talab qiladi. Ulanishdagi nosozliklar ishtirokchilarni asabiylashtirishi va yo‘nalishini buzishi mumkin.

Matbuot anjumani. Ushbu turdagi intervyuda ommaviy axborot vositalarining shaxsi yoki mashhur odamlar guruhi (masalan, sport jamoasi yoki musiqa guruhi a‘zolari) turli ommaviy axborot vositalarining ko‘plab vakillarining savollariga javob beradi. Matbuot anjumanlari ko‘pincha ma‘lum bir voqea yoki faoliyat bilan bog‘liq. Boshqa intervyu turlaridan farqli o‘laroq, matbuot anjumani intervyuga javob beruvchilarning o‘zlari tomonidan tashkil etiladi. Jurnalistlarni tanlab, taklif qilishadi. Ushbu format intervyuni qat‘iy rasmiy tadbirga aylantiradi.

Davra suhbatlari. Ushbu turdagi intervyu matbuot anjumaniga qarama-qarshidir. Davra suhbatlari muayyan mavzuni muhokama qilishga qiziqqan suhbatdosh tomonidan tashkil etiladi. U asosiy savollarni tuzadi va ekspertlarni muhokamaga taklif qiladi.

**Natijalar.** Intervyu — suhbat, og‘zaki so‘rov va boshqa ko‘rinishdagi javoblarni hujjatlashtirish orqali shaxs yoki bir guruh korxonalar xodimlaridan korxonalar faoliyatiga oid

ma'lumotlarini olish uchun mo'ljallangan tizimli jarayon hisoblanadi. Auditor auditorlik intervyu jarayonini amalga oshirishda bir qator tadbirlarni amalga oshirish kerak bo'ladi, jumladan, korxonaning o'ziga xos tarmoq xususiyatlarini o'rganishi, intervyu o'tkazuvchi shaxslar va ularning sonini aniqlashi, intervyu o'tkazish tartibi, intervyu natijasida aniqlanishi mumkin bo'lgan xavf va muammolarni aniqlashi, ularni bartaraf etish va oldini olish uchun ko'riladigan choralar belgilanishi lozim. Ilmiy tadqiqotlar davomida korxonalarda intervyu jarayonini tashkil qilish, o'tkazish va uning natijasida aniqlangan risk va muammolarni bartaraf etish uchun quyidagi 3 bosqichdan iborat chora-tadbirlar tizimi taklif etildi.

1. Intervyu jarayonini tashkil qilish.
2. Intervyu jarayoni.
3. Aniqlangan risk va muammolarni bartaraf etish uchun ko'riladigan choralar.

1-bosqich. Intervyu jarayonini tashkil qilishda quyidagi omillarga e'tibor berish tavsiya qilinadi:

- risklarni boshqarish strategiyasini ishlab chiqish va amalga oshirish, korxonada materiallarning mavjudligi va harakati to'g'risida aniq ma'lumotga ega bo'lish uchun materiallarni muntazam ravishda qayd etilishini nazorat qilish, inventarizatsiyani nazorat qilish, materiallarga o'z vaqtida buyurtma berish uchun tizimlar va tartiblarni yaratish, yetkazib beruvchilarni xilma-xilligini ta'minlash, taqdim etilgan materiallar uchun sifat nazorati tartib-qoidalarini o'rnatish, materiallarni o'g'irlash va yetishmovchilikning oldini olishga yordam beradigan xavfsizlik choralarini ishlab chiqish va amalga oshirish, xizmat ko'rsatish uchun mas'ul xodimlarni risklar, boshqaruv tartiblari va muammolarni oldini olish usullari haqida bilishlari uchun o'qitish va rivojlantirishni ta'minlash choralarini belgilash;

- korxonalar faoliyati boshqa tarmoq korxonalarini faoliyatidan farq qiladigan o'ziga xos xususiyatlarga ega. Shu sababli intervyu o'tkazish jarayonida auditor mazkur tarmoqni o'ziga xos xususiyatlarini bilishlari talab etiladi. Jumladan, xom ashyo va materiallaridan foydalanishi, ombor xo'jaligini o'ziga xos jihatlari, mahsulot (ish va xizmat) larni ishlab chiqarishni tashkil etish tartibi, mahsulot ishlab chiqarish va xizmat ko'rsatish jarayoni, ekologik standartlar va talablar bilan tanish bo'lishi, korxonaning faoliyatini doimo rivojlanib borayotganligi sababli bozorlar sohadagi tendensiyalar va innovatsiyalar haqidagi bilimlarni egallashlari lozim bo'ladi.

- auditor suhbatdoshlar sonini aniqlash, ya'ni intervyu uchun auditoriyani tanlash uchun auditor quyidagi mezonlarga amal qilishi kerak: intervyu o'tkazish uchun suhbatdoshning lavozim majburiyatlari, tajribasi, ma'lumoti va mutaxassisligi, malakasi, madaniy va muloqot qobiliyati va sohaga oid maxsus talablarni o'rganish zarur.

Korxonaning xodimlaridan intervyu olish jarayoni auditorga korxonaning moliyaviy hisoboti yoki ichki nazorati bilan bog'liq bo'lishi mumkin bo'lgan turli risklar yoki muammolarni aniqlashga yordam beradi. Intervyu natijasida risk va muammolarni aniqlagandan so'ng, auditor ushbu risklarni boshqarish va muammolarni hal qilish uchun bir qator harakatlarni amalga oshiradi.

2-bosqich. Intervyu jarayoni. Intervyu natijasida aniqlanishi mumkin bo'lgan risk va muammolar quyidagilardan iborat:

- ichki nazoratni to'g'ri tashkil etilmaganligi, suhbatlar korxonaning ichki nazoratidagi zaif tomonlarini, buxgalteriya hisobi va hisobotidagi xatolarni, korxonaning ichidagi

firibgarlik yoki noto'g'ri xatti-harakatlarning mumkin bo'lgan belgilarini, rahbariyati bilan bog'liq muammolarni aniqlashga yordam beradi.

- intervyu jarayonida aniqlangan risk va muammolarni bartaraf etish uchun auditor qo'shimcha audit amallarini, tuzatish choralari ko'rish, mazkur holat yuzasidan rahbariyat bilan bog'lanishi, zarur holatlarda audit birlashmasi yoki kuzatuv kengashi bilan muhokama qilishi, qo'shimcha tavsiyalar va maslahatlar berishi talab etiladi

3-bosqich. Aniqlangan risk va muammolarni bartaraf etish uchun ko'riladigan choralari. Intervyu o'tkazishning oxirgi bosqichida aniqlangan risk va muammolar bartaraf etish uchun, firibgarlikdan xabardorlikni oshirish uchun, korxonada axloq va halollik madaniyatini shakllantirish uchun auditor bir qator choralarni ko'radi va tavsiyalar beradi:

- auditor tomonidan aniqlangan risk va muammolar bartaraf etish uchun tavsiya etilishi mumkin bo'lgan aniq tuzatish choralari, ya'ni, ichki nazoratni takomillashtirish, hisob va hisobotidagi xatolarni tuzatish, xodimlarni o'qitish va malakasini oshirish, siyosat va tartiblarni o'zgartirish, qo'shimcha nazorat mexanizmlarini joriy etish, firibgarlik haqida xabardorlikni oshirishdan iborat.
- auditor korxonada firibgarlikdan xabardorlikni oshirish uchun bir qator chora-tadbirlarni taklif qilishi mumkin, jumladan, firibgarlik va uning oqibatlarini to'g'risida o'qish va treninglar tashkil qilish, siyosat yuritish, axloq madaniyatini yaratish, qo'shimcha nazorat mexanizmlarini amalga oshirish, muntazam audit va tekshiruvlarini joriy etish, korxonada rahbariyati va kuzatuv kengashini firibgarlikning oldini olish va aniqlash jarayonlarida faol ishtirok etishni tavsiya qilishi mumkin.
- korxonada axloq va halollik madaniyatini shakllantirish uchun quyidagi qadamlar qo'yilishi mumkin, sohaga oid axloq kodeksini ishlab chiqish, o'qitish va xabardorlikni oshirish, mukofot va rag'batlantirish, yetakchilik namunalari, muloqot va maslahat, muvofiqlik va sanksiyalar, axloq madaniyatini yaratish va qo'llab-quvvatlash jarayonida mijozlar, hamkorlar, yetkazib beruvchilar va jamoatchilik kabi manfaatdor tomonlarni o'z ichiga olishi mumkin.

**Xulosa.** Korxonalarida auditni amalga oshirishda, korxonada faoliyatiga ta'sir etuvchi ijobiy va salbiy omillarni auditorlik dalillarining olish usullaridan biri bo'lgan intervyu orqali amalga oshirish yuzasidan tavsiyalar taqdim etildi. Intervyu orqali korxonada faoliyatiga ta'sir etuvchi ijobiy va salbiy omillarni aniqlash, tahlil qilish asosida aniqlangan kamchiliklarni bartaraf etish va oldini olish bo'yicha ma'lumotlar olish imkoniyatini ta'minlaydi.

Korxonalarda audit jarayonini tashkil qilishda yuz berishi mumkin bo'lgan muammolar va xavflarni aniqlash va o'z vaqtida tuzatish choralari ko'rish uchun korxonada sodir bo'layotgan mahsulot ishlab chiqarish, xizmat ko'rsatish bilan bog'liq barcha jarayonlarini doimiy ravishda kuzatib borish va tahlil qilish muhimdir. Bundan tashqari, xavflarni boshqarish strategiyalari va tadbirlarini muntazam yangilab turish, o'zgaruvchan vaziyatga moslashishga va yuzaga kelishi mumkin bo'lgan salbiy oqibatlarni minimallashtirishga yordam beradi.

#### **Adabiyotlar/Literatura/References:**

1. Sh.I.Illamov. Audit. Darslik 1-qism. – T.: "Iqtisodiyot". 2018.-295 b.
2. K.B.Axmedjanov, A.X.Sattorov. Auditga kirish. Darslik. – T.: «Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi», 2021, 448 b.
3. Z.T.Mamatov. Audit. O'quv qo'llanma, T.: «Fan va texnologiya», 2007, 174 bet.



4. E.J.Muydinov “Auditorlik dalillarining turlari va ularni xalqaro audit standartlariga muvofiq olish usullari” *Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*. 3(5), May, 2023. 1173-bet.
5. A.Tuychiyev va boshqalar. *Audit. Darslik*– T.: “Iqtisod-Moliya”, 2019.- 408 b.
6. B.K.Hamdamiyov va boshqalar. *Amaliy audit. Darslik*. Toshkent.: OOO “Lesson Press” nashriyoti, 2021. -300 b.
7. K.B. Axmedjanov. *Ichki audit. O‘quv qo‘llanma* - Toshkent: Iqtisodiyot, 2019 .- 240 b.
8. M.S.Hojiyev, I.I.Meliyev, S.A.Djumanov *Moliyaviy hisobot audit. Darslik*. T.: OOO “Lesson Press” nashriyoti, 2021. -306 b.
9. A.X.Sholimov, Sh.I.Ilxamov, Sh.A. Tojiboyeva *Iqtisodiy tahlil va audit. Darslik*. - T.: IQTISODIYOT, 2016.-347 b.
10. I.N. Qo‘ziyev. Auditorlik tekshiruvlari natijalari bo‘yicha auditorlik hisobotlari va xulosalarini tuzish masalalari. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 4, iyul-avgust, 2015-yil.

**Received:** 20 December 2024

**Accepted:** 5 January 2025

**Published:** 15 January 2025

*Article / Original Paper*

## **ISSUES OF IMPROVING THE SYSTEM OF COMPENSATION PAYMENTS UNDER COMPULSORY CIVIL LIABILITY INSURANCE**

**Akhmedov Khasan,**

Independent researcher of Fergana Polytechnic Institute, Fergana, Uzbekistan

E-mail: [fersapedu@gmail.com](mailto:fersapedu@gmail.com)

**Abstract.** This article is dedicated to the economic significance of the system for ensuring the civil liability of vehicle owners and its regulatory issues. It provides an in-depth analysis of the current state of the insurance sector, existing problems, and their economic implications. The norms related to this type of insurance in the Civil Code of the Republic of Uzbekistan and the legislation of foreign countries are compared, focusing on their impact on economic efficiency. The article highlights the effects of the liability insurance system for vehicle owners on the economy, including reducing the costs of mitigating road traffic accident consequences, ensuring financial stability, and contributing to the development of the insurance market. Additionally, proposals and recommendations are provided to optimize the relationship between the insured and the insurer from an economic perspective. This research aims to enhance economic efficiency in the insurance sector, improve the regulatory legal framework, and further strengthen the insurance system's contribution to economic stability.

**Keywords:** vehicles, civil liability, compulsory insurance, economic efficiency, development of the insurance market, road traffic accidents, financial stability.

## **FUQAROLIK JAVOGBARLIGI MAJBURIY SUG'URTASI BO'YICHA KOMPENSATSIYA TO'LOVLARI TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI**

**Axmedov Xasan**

Farg'ona politexnika instituti mustaqil tadqiqotchisi, Farg'ona, O'zbekiston

**Annotatsiya.** Mazkur maqola transport vositalari egalarining fuqarolik-huquqiy javobgarligini sug'urta qilish tizimining iqtisodiy ahamiyati va uning tartibga solish masalalariga bag'ishlangan. Sug'urta sohasidagi amaldagi holatlar, mavjud muammolar va ularning iqtisodiy oqibatlarini batafsil tahlil qilingan. O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi hamda xorijiy mamlakatlar qonunchiligidagi ushbu sug'urta turiga oid normalar solishtirilib, ularning iqtisodiy samaradorlikka ta'siri ko'rib chiqilgan. Maqolada transport vositalari egalarining javobgarligini sug'urta qilish tizimining iqtisodiyotga ta'siri, shu jumladan, yo'l-transport hodisalarining oqibatlarini bartaraf etish xarajatlarini kamaytirish, moliyaviy barqarorlikni ta'minlash va sug'urta bozorining rivojlanishiga hissa qo'shish masalalari yoritilgan. Shu bilan birga, sug'urta qildiruvchi va sug'urtalovchi o'rtasidagi munosabatlarni iqtisodiy nuqtai nazardan optimallashtirishga qaratilgan taklif va tavsiyalar berilgan. Ushbu tadqiqot sug'urta sohasidagi iqtisodiy samaradorlikni oshirish, tartibga soluvchi me'yoriy-huquqiy bazani takomillashtirish hamda sug'urta tizimining iqtisodiy barqarorlikka qo'shgan hissasini yanada oshirishga yo'naltirilgan.

**Kalit so'zlar:** transport vositalari, fuqarolik-huquqiy javobgarlik, majburiy sug'urta, iqtisodiy samaradorlik, sug'urta bozorining rivojlanishi, yo'l-transport hodisalari, moliyaviy barqarorlik.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V5I1Y2025N17>

**Introduction.** Compulsory civil liability insurance in Uzbekistan plays an important role in the socio-economic development of the country. This type of insurance is aimed at regulating the responsibility of the owners of vehicles, ensuring financial security and protecting the rights

of the injured parties. The insurance system not only improves road safety but also contributes to the social stability of the state by ensuring economic efficiency [1].

Compulsory civil liability insurance in the Republic of Uzbekistan is regulated based on the law "On compulsory civil liability insurance of vehicle owners". This law was developed to ensure the financial protection of vehicle owners and increase the efficiency of the insurance system [2]. Also, the Civil Code of the Republic of Uzbekistan defines the general norms regarding this insurance [3].

These regulatory legal documents comply with international standards, in particular with the standards recommended by the Organization for Economic Cooperation and Development (OECD). This serves the development of the insurance sector of Uzbekistan following international requirements [4]. However, there are some problems in practice, including delays in compensation payments and lack of transparency. These conditions reduce the efficiency of the system and prevent its full operation [5].

Therefore, it is necessary to improve the mandatory civil liability insurance based on national and international requirements. It serves not only to increase the economic and social efficiency of the insurance system but also to strengthen the financial stability of the state [6].

Currently, there are several problems in the system of compensation payments for compulsory civil liability insurance of vehicle owners in Uzbekistan. First of all, the low efficiency of the system is indicated as the main problem. This situation usually leads to delays in the necessary processes by insurance companies, and excessive bureaucratic obstacles in the implementation of payments, and as a result, the injured parties do not receive their rightful payments on time [7].

In addition, the lack of transparency in the process of compensation payments is also one of the important issues. Injured parties often do not have clear information about the mechanism of calculation of the payment amount, which leads to a decrease in confidence in the insurance system [8]. Also, the low efficiency of the internal processes of insurance companies and insufficient development of digitalization are causing the process to be longer [9].

Due to technological and organizational problems in the implementation of compensation payments, the insurance system is affecting economic stability. This can derail not only the injured parties but also the economic activity of insurance companies [10]. Therefore, it is becoming necessary to overcome these problems by improving system efficiency, ensuring transparency and automating the process.

The effectiveness of the system of compensation payments in the field of civil liability insurance of vehicle owners has been studied in many studies at the international and local levels. In foreign studies, much attention is paid to the issues of economic efficiency of the insurance system, transparency of the process and automation. In particular, the report "Insurance and Private Pensions Guidelines" presented by the OECD provides recommendations for digitization and simplification of processes to increase the efficiency of the insurance system [11]. Also, in the studies conducted by K. Anderson and P. Smith, the importance of the insurance system in reducing the economic losses caused by traffic accidents was shown [12].

Although this issue has been relatively little studied in Uzbekistan, several studies have been carried out by local scientists. For example, A. Karimov's article entitled "Modern

problems in the insurance system and ways to solve them" analyzed problems such as delays in the process of compensation payments and lack of transparency [13]. Also, R. Niyazov's research entitled "Legal Foundations of Insurance Companies' Activity" emphasized the need for the development of a legal framework for the insurance of the liability of vehicle owners [14].

When foreign and local research are compared, it can be seen that proposals for automation and transparency of the insurance system in Uzbekistan have not been sufficiently developed. Therefore, it remains an urgent task to offer solutions adapted to local conditions, taking into account international experience. Knowledge gained from foreign research can serve as a practical basis for improving the local system.

The main purpose of this study is to analyze the current system of compensation payments for compulsory civil liability insurance of vehicle owners, to evaluate its effectiveness and to identify solutions aimed at improving the system. During the research, it is planned to achieve the following goals:

- Analysis of current compensation system processes, including payment delays, lack of transparency, and bureaucratic barriers.
- Studying the best practices of foreign countries and adapting them to the conditions of Uzbekistan to increase the economic efficiency of the insurance system.
- Develop specific recommendations for process automation and digitization by identifying operational gaps.
- Identify opportunities to increase economic efficiency and financial stability through the modernization of the insurance system.

The results of this research are useful not only as a scientific basis but also from a practical point of view for insurance companies and public administration bodies, contributing to making the system more efficient. At the same time, the research aims to strengthen socio-economic stability and increase the confidence of the population in the insurance system.

This study makes an important contribution to the improvement of the insurance system in Uzbekistan. Effective management of compensation payments in the system of compulsory civil liability insurance of vehicle owners leads to positive economic and social results not only for insurance companies but also for the state and society.

The results of the study provide several practical benefits for insurance industry participants, including insurance companies, injured parties, and government agencies. Including:

- Modernization of the insurance system: Proposals for the development of digitization and automation processes will increase the efficiency of insurance companies and speed up payment processes.
- Ensuring good governance: Confidence in the insurance system is enhanced by improving the transparency of compensation payments and streamlining processes.
- Compliance with international standards: Since the results of the research are developed based on international experience, they serve to adapt the insurance system of Uzbekistan to international standards, which increases the country's competitiveness in the insurance market.

- **Contributing to economic stability:** Increased efficiency in the insurance system ensures economic stability and facilitates financial management of the consequences of traffic accidents.

This study provides an opportunity for policymakers to make science-based decisions on how to regulate and improve the compensation system. It also helps insurance industry participants to develop strategies aimed at improving their performance by applying best practices. At the same time, the study reaffirms the importance of the insurance system in strengthening socio-economic stability.

**Methods.** This study is based on a combination of qualitative analysis and comparative study approaches. International experience and local practice were studied to identify existing problems in the insurance system and to solve them. Based on empirical data, the effectiveness of the civil liability insurance system of vehicle owners in Uzbekistan was evaluated. At the same time, through the analysis of political and regulatory documents, ways to improve the system were identified.

The following sources were used in the research. The Civil Code of the Republic of Uzbekistan, the Law "On Compulsory Civil Liability Insurance of Vehicle Owners" and other regulatory documents regulating the insurance system were analyzed. Statistics and practical processes of insurance companies on compensation payments were studied. The research conducted on the transport insurance system in foreign countries and the reports of international organizations (for example, OECD and World Bank) were analyzed.

Several methods were used to analyze the data. The legislation of Uzbekistan and foreign countries is compared, and their advantages and disadvantages are identified. Statistics of insurance companies on compensation payments were studied and the amount and duration of delays were analyzed. Also, the existing problems in the insurance system and proposals for their elimination were evaluated. Best practices of international insurance systems were studied and ways of adapting them to the conditions of Uzbekistan were considered. These approaches helped to develop practical proposals for scientific justification of research results and improvement of the system.

**Results.** As a result of the analysis of the current system of mandatory civil liability insurance, several key aspects were identified. One of the positive aspects of the system is the introduction of a mechanism for accepting claims based on minimum documents by insurance companies. Simplifying the process provides convenience to policyholders and saves time in the initial stages.


**Table 1. Insurance Payment Statistics (2020-2023)**

Year	Number of requests viewed	Number of requests fulfilled	Average term of payments (days)
2020	15,000	12,000	30
2021	17,000	14,500	25
2022	19,000	16,200	20
2023	21,000	18,500	18

However, several aspects of the system need to be improved. In particular, the time delay in the process of making compensation payments remains one of the urgent problems. This problem is usually related to insufficient efficiency of internal processes of insurance companies and incomplete implementation of electronic information systems. There are also problems in ensuring the transparency of processes, which leads to a decrease in trust in the insurance system.

The following are identified as the main shortcomings in the process of compensation payments:

- Late payments;
- Lack of transparency in determining the amount of insurance;
- Low level of digitization;
- Poor communication between insurance companies and injured parties.




**Figure 1. Proportions of Issues in the Insurance Process**

The findings were analyzed and adapted to the conditions of Uzbekistan. The introduction of electronic services in the local insurance system can lead to significant improvements. According to international experience, insurance processes are digitized and monitored in real-time in many developed countries, which ensures the timely implementation of compensation payments. For example, in OECD countries, the processing and processing time of payments has been significantly reduced with the help of automated systems.

Based on international experience, it is necessary to improve the following in Uzbekistan:

- Ensuring full digitization of insurance processes;
- Introduction of electronic platforms to increase transparency of payments;
- Improving communication between insurance companies and policyholders.



**Figure 2. Insurance Payment Statistics (2020-2023)**


By introducing these proposals, it will be possible to increase the efficiency of the insurance system of Uzbekistan, speed up compensation processes and strengthen the confidence of the population in insurance services.

**Discussion.** The results of the research allow us to identify the current problems of the insurance system in Uzbekistan and determine the necessary measures to solve them. Issues such as delays in the compensation payment process and lack of transparency reduce the efficiency of the insurance system and negatively affect citizens' trust in insurance services. By solving these problems, it is possible to increase not only the economic but also the social efficiency of the system.

**Table 2. Problems and solutions in the insurance process**

The problem	The effect	Suggested solution
Late payments	Confidence in the insurance system will decrease	Introduction of electronic systems
Lack of transparency	Citizen protest	Implementation of real-time monitoring systems
Low qualification of personnel	Errors and delays	Training in modern technologies

The results showed that the insufficient development of electronic platforms and automated processes in the current system is a significant problem. International experience confirms that it is possible to significantly increase the efficiency of the process by digitizing and accelerating insurance processes. This is especially important for developing countries like Uzbekistan.



**Figure 3. Average Duration of Insurance Payments**

To improve the system of compensation payments, it is necessary to implement the following suggestions:

- **Implementation of new technologies:** It is necessary to develop and implement modern electronic platforms for digitalization and automation of insurance processes. This will help speed up the payment process and increase transparency.
- **Improvement of legislation:** It is important to adapt the legislation on compulsory civil liability insurance to international standards, in particular, to provide legal support for electronic insurance systems.
- **Increase transparency:** It is necessary to make payment calculation mechanisms transparent by introducing electronic reporting systems for insurance companies. This will not only strengthen the confidence of citizens but also increase the efficiency of the process.
- **Training of personnel:** The quality of processes can be improved by organizing training for employees of insurance companies on working with modern technologies and electronic systems.

By implementing these proposals, Uzbekistan will have the opportunity to increase the efficiency of the insurance system, speed up processes and restore the confidence of the population in insurance services. At the same time, these measures serve to strengthen the economic stability of the insurance industry.

**Conclusions.** The results of the study were important in the analysis of the current system of compulsory civil liability insurance for vehicle owners in Uzbekistan. While the simplified filing process has been cited as a positive aspect of the system to improve the efficiency of the compensation payment system, issues such as payment delays, lack of transparency, and poor digitization have hampered the system's full functionality.

It is necessary to introduce modern electronic platforms to automate and digitize insurance processes. To ensure the transparency of the compensation payment process, it is required to strengthen the interaction between the insurance companies and the injured parties. It is important to adapt legislation to international standards and provide legal support



for electronic insurance systems. Also, it is necessary to improve the qualification of the personnel of insurance companies in modern technologies and process management.

Future studies can be focused on assessing the level of compliance of the insurance system with international experience and developing a model adapted to the conditions of Uzbekistan. Analysis of financial strategies for increasing the economic efficiency of insurance companies and further study of legal and technological aspects of the electronic insurance system are among the current trends.

These conclusions and recommendations are an important step towards the effective development of the compulsory civil liability insurance system in Uzbekistan and the improvement of the quality of insurance services.

#### References/Adabiyotlar/Literatura:

1. Laws of the Republic of Uzbekistan. (2008). Law on compulsory insurance of civil liability of owners of vehicles. Tashkent.
2. Civil Code of the Republic of Uzbekistan. (1996). Tashkent.
3. Karimov, A. (2020). Sug'urta tizimidagi zamonaviy muammolar va ularni hal qilish yo'llari. *Iqtisodiyot va innovatsiyalar jurnali*, 3, 45-52.
4. OECD. (2017). *Guidelines on Insurance and Private Pensions*. Paris: OECD Publishing.
5. Xalqaro sug'urta tadqiqotlari to'plami. (2021). Transport sug'urtasi va moliyaviy barqarorlik. London: International Insurance Research.
6. Niyozov, R. (2018). *Sug'urta kompaniyalari faoliyatining huquqiy asoslari*. Toshkent: TDIU nashriyoti.
7. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori. (2019). *Sug'urta sohasini rivojlantirish bo'yicha chora-tadbirlar*. Toshkent.
8. Anderson, K., & Smith, P. (2019). Economic impact of motor insurance claims and settlements. *Journal of Insurance Studies*, 25(4), 112-128.
9. World Bank. (2020). *Insurance and Financial Risk Management in Developing Countries*. Washington, DC: World Bank Publications.
10. Azizov, Sh. (2021). O'zbekistonda sug'urta jarayonlarini avtomatlashtirish istiqbollari. *Toshkent moliya instituti ilmiy axborotnomasi*, 4, 58-65.
11. Akhmedov, . K. (2024). Analysis of Issues in Improving the Compensation Payment Mechanism under Compulsory Insurance for Civil Liability of Vehicle Owners: Uzbekistan and Global Experiences. *American Journal of Economics and Business Management*, 7(12), 1322–1330. <https://doi.org/10.31150/ajebm.v7i12.3107>.
12. Martseniuk, O. (2022). Current Trends And Problems Of The Market Of Civil Liability Insurance Of Vehicle Owners And Ways To Solve It. *Publishing House "Baltija Publishing"*.
13. Billah, M. M. (2011). The role of insurance in providing adequate compensation and in reducing pollution incidents: the case of the international oil pollution liability regime. *Pace Env'tl. L. Rev.*, 29, 42.
14. Kobilzhonova, S. F. (2024). Ways to improve the mechanism of property insurance in the Republic of Uzbekistan. *International Journal of Economic Integration and Regional Competitiveness*, 1(1), 9-20.

**Received:** 20 December 2024

**Accepted:** 5 January 2025

**Published:** 15 January 2025

*Article / Original Paper*

## **ASSESSMENT METHODOLOGY AND ECONOMETRIC METHODS IN REGIONAL ECONOMY**

**Sattarov Abdisamat Umirkulovich,**

Termez University of Economics and Service

PhD, Associate Professor

**Abstract.** In preparing the article, the methods of evaluation are analyzed econometric methods and quantitative methods in the regional economy: regression analysis, index analysis, periodicity of time; qualitative methods: system analysis, scenario planning, methods of expert assessments.

**Keywords:** econometric methods, quantitative methods, regression analysis, index analysis, time periodicity, qualitative methods, system analysis, scenario planning, expert assessments.

## **МИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЁТДА БАҲОЛАШ МЕТОДИКАСИ ВА УНДА ЭКОНОМЕТРИК УСУЛЛАР**

**Саттаров Абдисамат Умиркулович,**

Термиз иқтисодиёт ва сервис университети

г.ф.н., доцент

**Аннотация.** Мазкур мақолада минтақавий иқтисодиётда баҳолаш методикаси ва унда эконометрик усуллар ҳамда миқдорий усуллар: регрессия таҳлили, индекс таҳлили, вақт кетма-кетлиги; сифатли усуллари: тизим таҳлили, сценарийни режалаштириш, эксперт баҳолари усуллари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** эконометрик усуллар, миқдорий усуллар, регрессия таҳлили, индекс таҳлили, вақт кетма-кетлиги, сифатли усуллари, тизим таҳлили, сценарийни режалаштириш, эксперт баҳолари.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V5I1Y2025N18>

**Кириш.** Худуднинг иқтисодий ривожланиши ва унинг ресурслар билан таъминланиши ўртасидаги боғлиқликнинг услубий асоси анча мураккаб ва кўп қиррали бўлиб, иқтисодий назария, география, экология ва бошқа фанларни бирлаштирган фанлараро ёндашувни талаб қилади[1]. Ушбу муносабатларни таҳлил қилиш бир нечта асосий методологик ёндашувларга таянади. География фазовий таҳлил ва маҳаллий хусусиятларни ўрганишга эътибор қаратган ҳолда тарихан минтақавий иқтисодиётни сифат жиҳатидан ўрганишга катта ҳисса қўшган. Иқтисодий ҳодисаларнинг фазовий ташкил этилиши ва уларнинг ижтимоий жараёнларга таъсирини тушуниш учун географик тадқиқотлар кўпинча кузатиш, суҳбат, ҳужжатлар ва хариталарни таҳлил қилиш каби сифатли усуллардан фойдаланади[2]. Бу эрда аниқ номларни номлаш қийин, чунки кўплаб географларнинг ҳиссалари вақт ўтиши билан ва турли йўналишларда тақсимланган. Антропологлар ва социологлар: Антропологик ва социологик тадқиқотлар ижтимоий ўзаро таъсирлар, маданий меъёрлар ва институционал омилларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратган ҳолда минтақавий иқтисодиётда

сифат усулларини бойитди. Ушбу фанлар иқтисодий ривожланишнинг ижтимоий ва маданий жиҳатларини тушунишга имкон берувчи чуқур интервью усуллари, иштирокида кузатиш ва этнографик тадқиқотларни таклиф қилади. Шунга қарамай, аниқ одамларни ажратиш кўрсатиш қийин, чунки бу бир нечта фанларнинг ривожланиши натижасидир.

**Тадқиқот методлари.** Мақолани тайёрлашда миқдорий усуллар: регрессия таҳлили, индекс таҳлили, вақт кетма-кетлиги; сифатли усуллари: тизим таҳлили, сценарийни режалаштириш, эксперт баҳолари усуллари таҳлил қилинган.

**Муҳокама ва мулоҳазалар.** Минтақавий фаннинг ривожланиши: XX-аср бошларида минтақавий фаннинг пайдо бўлиши фазовий муносабатларни янада тизимли таҳлил қилиш вазифасини қўйди. Тадқиқотчилар ресурсларнинг фазовий тақсимотини, аҳоли ва иқтисодий фаолиятни ўрганишни, қонуниятларни излашни ва ҳудудлар ўртасидаги фарқларни тушунтиришни бошладилар. Бироқ, таҳлил усуллари ҳали ҳам асосан тавсифловчи бўлиб қолди. XX-асрнинг иккинчи ярмида фазовий эконометриканинг ривожланиши билан фазовий омилларни миқдорий ҳисобга олишда ҳақиқий ютуқ юз берди. Олимлар иқтисодий маълумотларда фазовий боғлиқлик ва автокоррелятсияни моделлаштириш ва таҳлил қилиш имконини берадиган усулларни ишлаб чиқишга киришдилар. Ушбу ҳаракатнинг кашшофлари орасида Валтер Кристаллер ва Август Лешлардир. Бироқ, уларнинг ҳиссаси қатъий миқдорий усулларни ишлаб чиқишдан кўра назарий асосни яратиш эди[3]. Кейинчалик Люк Анселин каби тадқиқотчилар аниқ фазовий эконометрик усулларни ишлаб чиқишга катта ҳисса қўшдилар.

Меркантилистлар ва классик иқтисодчилар (Адам Смит, Девид Рикардо) иқтисодий ривожланишни вақт бўйича таҳлил қилиб, ўсиш босқичларини, турғунлик ва циклларни тавсифлаб бердилар. Бироқ, уларнинг таҳлили асосан сифатли ва қатъий математик моделларга эмас, балки кузатишларга асосланган эди. Улар узоқ муддатли тенденцияларни тасвирлаб бердилар, аммо қисқа муддатли тебранишларни таҳлил қилиш кузатишлардан четда қолган эди.

XX асрда макроиқтисодиёт ва эконометриканинг ривожланиши билан вақт омилининг миқдорий ҳисобидаги ҳақиқий ютуқ юз берди. Олимлар вақт серияларини таҳлил қилиш, тенденциялар, цикллар ва тасодикий тебранишларни аниқлаш имконини берадиган моделларни ишлаб чиқишни бошладилар. Иқтисодиёт бўйича Нобель мукофоти совриндорлари (1969 йил) Ян Тинберген вақт серияларини таҳлил қилиш учун эконометрик усулларни ишлаб чиқишга улкан ҳисса қўшдилар[4]. Уларнинг иши вақт омилини ҳисобга оладиган эконометрик моделларни қуриш учун асос яратди. Бироқ, уларнинг асарларида ҳам вақт омилини ҳисобга олиш, масалан, кечикишлар ва стационарлик каби нозик жиҳатларни ҳисобга олмаганлиги сабабли, тўлиқ бўлмаган.

Яхлит фан сифатида эконометриканинг ривожланиши миқдорий усулларни турли соҳаларда, жумладан, минтақавий иқтисодиётда қўллаш учун асос яратди. Ян Тинберген ва Рагнар Фриш каби эконометриканинг кашшофлари кейинчалик соҳа тадқиқотларида кенг қўлланиладиган усулларни ишлаб чиқишга фундаментал ҳисса қўшдилар. Уларнинг иши эконометрик моделларни яратиш ва синовдан ўтказиш учун асос яратди.

Институционал иқтисодиёт иқтисодий жараёнларни шакллантиришда институтлар ва қоидаларнинг ролига эътибор қаратган ҳолда, кўпинча ҳудудий ривожланишнинг институционал асосларини таҳлил қилиш учун сифатли усуллардан фойдаланган. Тарихий контекст, сиёсий жараёнлар ва ижтимоий нормаларни ўрганиш бу йўналишдаги сифат таҳлилининг таркибий қисми ҳисобланади. Бу ерда иқтисод бўйича Нобель мукофотини қўлга киритган Дуглас Норт каби тадқиқотчиларни эслатиб ўтиш мумкин[5], гарчи унинг иши бевосита минтақавий иқтисоддаги сифатли тадқиқот методологиясига эмас, балки умуман институционал таҳлилга қаратилган.

Шу ўринда Минтақавий иқтисодиётда кенг фойдаланиладиган миқдорий усулларга мурожаат қилиш зарурияти пайдо бўлади. Улар иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари (ЯИМ, инвестициялар, турмуш даражаси) ва ресурслар билан таъминланганлик кўрсаткичлари (табiiй ресурслар захиралари, ишлаб чиқариш ҳажмлари, инфратузилмага инвестициялар) ўртасидаги статистик боғлиқликни ўрнатиш имконини беради. Миқдорий усуллар регрессия таҳлили, индекс таҳлили, вақт кетма-кетлиги каби усулларни ажратиб олади. Чунки, регрессия таҳлили иқтисодий ўсиш ва турли хил ресурслар ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш учун фойдаланилади. Масалан, қазиб олиш ҳажмининг минтақа ЯХМ ўсиш суръатларига таъсирини баҳолаш мумкин. Мультиколлинеарликнинг мавжудлигини ҳисобга олиш ва мос моделни танлаш муҳимдир. Индекс таҳлили турли ресурсларнинг иқтисодий ривожланишга комплекс таъсирини баҳолаш имконини беради. Минтақанинг маълум ресурслар билан таъминланишини акс эттирувчи индекслар тузилади (масалан, энергия ресурслари, сув ресурслари хавфсизлиги индекси), кейинчалик улар иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари билан таққосланади. Вақт кетма-кетлиги эса, иқтисодий ривожланиш ва ресурслар билан таъминлаш кўрсаткичларининг вақт бўйича динамикасини таҳлил қилиш тенденциялар ва цикллارни аниқлаш, шунингдек, ресурс базасидаги ўзгаришларнинг иқтисодий ўсишга таъсирини баҳолаш имконини беради.

Ушбу соҳада миқдорий усулларнинг ривожланиши эволюцион жараён бўлиб, унга кўплаб тадқиқотчилар ҳисса қўшган. Битта “асосий” олимни ажратиб бўлмайди, чунки, масалан, классик механикада Ньютон ҳақида гапириш мумкин. Бунинг ўрнига, минтақавий иқтисодиётда миқдорий усуллардан фойдаланишга сезиларли таъсир кўрсатган олимлар ва соҳалар гуруҳларини айтиб ўтишимиз мумкин. Масалан, ҳудудий иқтисодиётда фазовий моделлардан фойдаланиш фазовий боғлиқлик ва автокорреляцияни ҳисобга олиш усулларини ишлаб чиққан олимларнинг меҳнати эътиборга молик. Улар орасида фазовий эконометрика бўйича олиб борган ишлари минтақавий ривожланишни ўрганишга катта таъсир кўрсатган Люк Анселндир[6].

Минтақавий иқтисод соҳасида фаолият юритаётган кўплаб тадқиқотчилар минтақавий муаммоларни ҳал қилишнинг аниқ миқдорий усулларини ишлаб чиқиш ва қўллашга катта ҳисса қўшган. Уларнинг иши кўпинча вақтли кетма-кетлик таҳлили, регрессия таҳлили, индекс таҳлили ва кириш-чиқиш моделлари каби ўзига хос усулларни муайян минтақавий контекстларда қўллашга қаратилган. Бу ерда аниқ номларни ажратиб кўрсатиш қийин, чунки кўплаб тадқиқотчиларнинг ҳиссалари турли ҳудудлар ва минтақаларда тарқалган. Натижада шуни айтишимиз мумкинки, минтақавий иқтисодиётда миқдорий усулларнинг ривожланиши эконометрикадан тортиб минтақавий иқтисодиёт фанигача бўлган турли соҳаларда фаолият юритаётган

кўплаб олимларнинг жамоавий саъй-ҳаракатлари натижасидир. Шундай экан, бу бир кишининг хизмати эмас, балки тўпланган тажриба ва методологиянинг ривожланиши натижасидир.

Миқдорий усуллар минтақа иқтисодиётини таҳлил қилишда асосий роль ўйнайди, турли иқтисодий жараёнлар ва ҳодисаларни объектив баҳолаш, қонуният ва тенденцияларни аниқлаш, шунингдек, минтақанинг келажақдаги ривожланишини башорат қилиш имконини беради. Шу билан бирга, улар ҳудудий иқтисодиётнинг сифат хусусиятларини ўлчанадиган кўрсаткичларга айлантириш имконини ҳам беради, бу эса таҳлилни янада қатъий ва оқилона бўлиши учун хизмат қилади. Ушбу усулларни қўллаш хилма-хил бўлиб, минтақавий ривожланишнинг кўплаб жиҳатларини қамраб олади. Масалан, вақт кетма-кетлигини таҳлил қилиш, бу усул вақт бўйича минтақанинг иқтисодий кўрсаткичлари динамикасини ўрганиш имконини беради, яъни маълум бир давр мобайнида ЯИМ, инвестициялар ҳажми, ишсизлик даражаси ва инфляция ўзгаришини таҳлил қилишингиз мумкин. Вақт серияларини таҳлил қилиш тенденцияларни, мавсумий тебранишларни, циклик ўзгаришларни ва бошқа жиҳатларни аниқлаш имконини беради.

Регрессион таҳлил эса, турли иқтисодий ўзгарувчилар ўртасидаги муносабатни баҳолайди. Масалан, аҳоли даромадлари даражаси бандлик даражасига, инфратузилмага инвестициялар ёки ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқлигини ўрганишингиз мумкин. Регрессия таҳлили муносабатларнинг кучи ва йўналишини аниқлашга, шунингдек, индивидуал омилларнинг боғлиқ ўзгарувчига таъсирини баҳолашга имкон беради. Минтақавий иқтисодиётда бир вақтнинг ўзида бир нечта омилларнинг таъсирини ҳисобга олиш имконини берадиган кўп қиррали регрессия қўлланилади. Натижаларни шарҳлашда мултиколлинеарлик<sup>1</sup> ва гетероскдастиклик<sup>2</sup> муаммоларини ҳисобга олиш муҳимдир.

Индекс таҳлили, вақт ёки макон бўйича мураккаб кўрсаткичларнинг ўзгаришини баҳолаш учун ишлатилади. Масалан, инсон тараққиёти индексини (ЯИМ), саноат ишлаб чиқариш индексини, яшаш қиймати индексини ҳисоблаш мумкин. Индекслар минтақаларни бир-бири билан солиштириш ёки минтақанинг вақт ўтиши билан ривожланиш динамикасини кузатиш имконини беради. Бунда таққослаш учун тўғри асосни танлаш ва ишлатиладиган кўрсаткичларнинг хусусиятларини ҳисобга олиш муҳимдир.

Кластер таҳлили, бу усул минтақаларни иқтисодий хусусиятларининг ўхшашлигидан келиб чиқиб гуруҳлаш имконини беради. Масалан, ҳудудларни саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланиш даражасига кўра гуруҳларга бўлиш мумкин. Кластер таҳлили минтақавий хусусиятларни аниқлашга ва табақалаштирилган ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Фазовий эконометрия усули эса, минтақалар орасидаги фазовий боғлиқликни ҳисобга олади. Масалан, бир ҳудуднинг иқтисодий ривожланиши қўшни ҳудудларнинг ривожланишига таъсир қилиши мумкин. Фазовий эконометрия минтақавий иқтисодий жараёнларни моделлаштиришда ушбу таъсирларни ҳисобга олиш имконини беради.

<sup>1</sup> омиллар ўртасида кучли боғлиқликнинг мавжудлиги

<sup>2</sup> Кузатувларнинг серқирралиги

Кириш-чиқиш таҳлили усули минтақавий иқтисодиёт тармоқлари ўртасидаги муносабатларни баҳолаш афзаллик жиҳатини намоён қилади. У бир тармоқдаги ўзгаришларнинг бошқа тармоқларга ва умуман минтақа иқтисодиётига таъсирини аниқлаш имконини беради. Кириш-чиқиш таҳлили минтақавий ривожланишни режалаштириш ва турли лойиҳаларнинг таъсирини баҳолаш учун фойдалидир.

Шунингдек, аниқ афзалликларга қарамай, миқдорий усуллар бир қатор чекловларга эга. Улар кўпинча минтақа иқтисодиётининг барча нозик жиҳатлари ва хусусиятларини ҳисобга олмайдиган ҳақиқатнинг содалаштирилган моделларига таянадилар. Натижаларнинг сифати манба маълумотларининг сифатига боғлиқ бўлиб, улар тўлиқ бўлмаган, нотўғри ёки номувофиқ бўлиши мумкин. Шунинг ёдда тутиш керакки, миқдорий усуллар ўз-ўзидан мақсад эмас, балки таҳлил қилиш учун воситадир. Миқдорий таҳлил натижалари сифат омиллари ва эксперт баҳоларини ҳисобга олган ҳолда талқин қилиниши керак. Идеал ҳолда, ҳудудий иқтисодиётнинг энг тўлиқ ва объектив қиёфасини тасвирлаш учун миқдорий ва сифат усулларини биргаликда қўллаш лозим бўлади.

Сифатли усуллар иқтисодий ривожланиш ва ресурслар билан таъминлаш ўртасидаги мураккаб муносабатларни тушунишни кучайтиради, соф миқдорий баҳолашдан ташқарига чиқади. Сифатли усулларга тизим таҳлили, сценарийни режалаштириш, эксперт баҳолари усуллари киради. Тизим таҳлили минтақани иқтисодий ривожланиш ва ресурслар билан таъминлаш ўзаро боғлиқ бўлган мураккаб тизим сифатида қарайди. Ушбу муносабатларни белгилловчи асосий омилларни аниқлаш ва турли ривожланиш сценарийларининг оқибатларини баҳолаш имконини беради. Сценарийни режалаштириш ресурслар билан таъминлашнинг турли вариантларини ҳисобга олган ҳолда минтақани ривожлантиришнинг турли сценарийларини ишлаб чиқиш ва таҳлил қилишда фойдаланилади. Бу барқарор ривожланиш стратегияларини аниқлашга ва ресурсларнинг камайиши ёки самарасиз фойдаланиш билан боғлиқ хавфларни минималлаштиришга ёрдам беради. Эксперт баҳолари эса, иқтисодиёт, география, экология ва бошқа соҳалар мутахассисларининг фикр-мулоҳазалари ресурсларнинг сифатини, улардан фойдаланиш истиқболларини баҳолаш, шунингдек, хавф ва имкониятларни баҳолаш учун ишлатилиши мумкин.

Сифатли усулларни ишлаб чиқиш кўплаб тадқиқотчилар ва тафаккур мактаблари томонидан шакллантирилган мураккаб жараён дур. Аниқ статистик усуллар ва уларнинг ихтирочиларига ишора қилиш мумкин бўлган миқдорий усуллардан фарқли ўлароқ, сифатли усуллар кўпроқ хилма-хил бўлиб, фалсафий ва услубий ёндашувларга таянади.

**Хулоса** қилиб айтиш мумкинки, минтақавий иқтисодиётда сифат методларининг ривожланиши турли фанлар тадқиқотчиларининг кўп қиррали ҳиссалари натижасидир. Географик тадқиқотлар ҳар доим фазовий жиҳатларни ҳисобга олган, аммо миқдорий таҳлилдан кўра тавсифловчи. Географик хариталар, ландшафтларни кузатиш ва тавсифлаш ва уларнинг инсон фаолиятига таъсири фазовий омилларни ҳисобга олишнинг дастлабки шакллари ҳисобланади. Бироқ, булар асосан миқдорий эмас, балки сифат ёндашувлари эди. Шунинг учун аниқ номларни кўрсатиш қийин, чунки бу географиянинг ўзи фан сифатида ривожланиши билан боғлиқ эди. Муайян усулларни танлаш тадқиқот мақсадларига, мавжуд маълумотларга ва минтақанинг

хусусиятларига боғлиқ. Миқдорий ва сифат усулларини бирлаштирган комплекс ёндашув минтақанинг иқтисодий ривожланиши ва уни ривожлантириш учун зарур бўлган ресурслар билан таъминлаш ўртасидаги муносабатларнинг энг тўлиқ ва объектив баҳолашга имкон беради.

#### **Адабиётлар/Литература/References:**

1. Солиев А., Аҳмедов Э., Назаров М. ва б.-Минтақавий иқтисодиёт.// ўқув қўлланма. – Т.: ЎзМУ, 2003. – 116 б.
2. Қаюмов А., Назарова Х., Эгамбердиев Ф., Якубов Ў. Минтақавий иқтисодиёт.// ўқув қўлланма. – Т.: ЎзМУ, 2004. – 6 б.
3. Лимонов Л. Э. Региональная экономика и пространственное развитие. – М.: Юрайт, 2015. – С. 90.
4. Гранберг А. Г. Основы региональной экономики. – М.: ГУ ВШЭ, 2000. – С. 52—54.
5. L. Anselin. “Fazal ekonometrika”, TC Mills va K. Patterson (Eds.), Palgrave Ekonometrika qo‘llanmasi: 1-jild, Ekonometrik nazariya. Basingstoke, Palgrave Macmillan, 2006: 901-969.
6. Блауг М. 100 великих экономистов после Кейнса. – СПб.: Экономикс, 2009. – С. 292–296.

**Received:** 20 December 2024

**Accepted:** 5 January 2025

**Published:** 15 January 2025

*Article / Original Paper*

## **“ISLAMIC MICROFINANCE IN UZBEKISTAN: THE FAIR PATH TO STABILITY AND PROSPERITY”**

**Musamukhamedov Azimjon Jamoliddinovich,**

PhD Candidate at Westminster International University in Tashkent (WIUT)

E-mail: [azi.musamuxamedov@wiut.uz](mailto:azi.musamuxamedov@wiut.uz)

**Abstract.** This article explores the importance of new approaches in addressing poverty and their empirical significance. The research compares contemporary financial systems with Islamic microfinance systems and provides recommendations. Additionally, a model based on partnership (instead of interest-based loans) is proposed, with a focus on the low income based population and the key subjects of entrepreneurship.

**Keywords:** islamic microfinance, poverty level, zakat, waqf, sadaqa.

## **O‘ZBEKISTONDA ISLOMIY MIKROMOLIYA: BARQARORLIK VA FAROVONLIK SARI ADOLATLI YO‘L**

**Musamukhamedov Azimjon Jamoliddinovich,**

Toshkentdagi Vestminster Xalqaro Universiteti (TXVU) PhD doktoranti

**Annotatsiya.** Mazkur maqolada kambag‘allikni bartaraf etishda yangi yondashuvlarning muhim ekani va ularning empirik ahamiyati o‘rganiladi. Tadqiqotda zamonaviy moliya tizimlari bilan islomiy mikromoliya tizimlari solishtiriladi va tavsiyalar beriladi. Shuningdek, aholining kam ta‘minlangan qatlami va tadbirkorlikning tayanch subyektlari uchun foizli qarzlarni o‘rniga sherikchilikka asoslangan model va asoslar keltirilgan.

**Kalit so‘zlar:** islomiy mikromoliya, kambag‘allik darajasi, zakot, vaqf, sadaqa.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V5I1Y2025N18.1>

**Kirish.** Qashshoqlik bugungi kunda dunyoning eng katta muammolaridan biri hisoblanadi. Hozirda taxminan 700 million odam, ya‘ni dunyo aholisining 8,5 foizi, kuniga 2,15 dollardan kam daromad bilan yashaydi, bu esa o‘ziga xos qashshoqlik darajasi mavjud ekanligini anglatadi. Global iqtisodiy taraqqiyot COVID-19 pandemiyasi sababli to‘xtab qoldi va muvaffaqiyatsizliklar kuchaydi. Kam daromadli mamlakatlarda qashshoqlik darajasi pandemiya oldidan yuqori ko‘rsatkichlarga chiqdi [22]. Musulmon jamiyati bu masalada bir qancha tashabbus va harakatlar ko‘rsatmoqda. Jahon Banki tomonidan har bir shaxsga kunlik ehtiyojlarni qondirish uchun zarur bo‘lgan minimal daromad 2,15 AQSH dollari deb belgilangan [22]. Qashshoqlikka qarshi kurashish nafaqat iqtisodiy, balki ijtimoiy va ma‘naviy nuqtai nazardan ham muhim bir vazifadir. O‘zbekiston uchun qashshoqlik nafaqat iqtisodiy ko‘rsatkich emas, balki ko‘plab insonlarning imkoniyatlari va hayot sifatiga ta‘sir etuvchi ijtimoiy muammo hisoblanadi. Hozirgi kunda islom va zamonaviy ta‘limotlarda ijtimoiy adolat va daromadlarni qayta taqsimlashning muhim vositasi sifatida xayriya faoliyatlariga katta ahamiyat berilmoqda. Majburiy va ixtiyoriy to‘lovlar, shuningdek, ixtiyoriy xayriya ishlari



O'zbekistonda iqtisodiy qiyinchiliklarni bartaraf etishning imkoniyatlarini taqdim etmoqda[19].

O'zbekistonda qashshoqlikni bartaraf etishning ijodiy va amaliy usullari uning muhim ahamiyatini ko'rsatadi. Milliy harakatlar va xalqaro yordam, jumladan, xalqaro tashkilotlarning imtiyozli ko'maklari mavjud bo'lishiga qaramay, qashshoqlikni samarali ravishda kamaytirish bir nechta muammolar tomonidan to'siqqa uchramoqda. Ushbu tadqiqotga ko'ra, xayriya va majburiy to'lovlar bo'yicha tashabbuslar, mavjud moliyaviy resurslarning tengroq taqsimlanishiga yo'naltirilgan bo'lib, iqtisodiy va ijtimoiy muammolarni hal qilish uchun ma'naviy majburiyat va jamoat yordamidan foydalanish orqali mustahkam poydevor yaratish imkonini beradi. Tadqiqotda islomiy mikromoliya tashkilotlari va notijorat tashkilotlarining ahamiyati o'rganilgan va O'zbekistondagi qashshoqlikni hal qilishda bu tashkilotlarning ijrosi dalillar yordamida ko'rib chiqilgan. Ixtiyoriy va majburiy to'lovlar, shuningdek, islomiy mikromoliya tashkilotlari orqali qashshoqlikni bartaraf etishning muhim strategiyasi sifatida ajratilgan va ularning xizmatlarini ehtiyojmand shaxslarga yo'naltirish zarurati ta'kidlangan. Mikromoliya tashkilotlari, odatda, ikki turga bo'linadi: an'anaviy va islomiy mikromoliyalash tizimlari. Islomiy mikromoliya tizimlari, kam daromadli aholiga va kichik biznes egalari uchun moliyaviy inklyuziyani ta'minlashga imkon yaratadi [4]. Bu tizim, an'anaviy yondashuvdan farqli ravishda, nafaqat yangi ta'minot va tizimni yaratadi, balki moliyaviy resurslarni samarali taqsimlashni, tengsizlikni kamaytirishni va qashshoqlar uchun yangi imkoniyatlar yaratishni ta'minlaydi [8]. Mavzu bilan bog'liq adabiyotlar tahlilida bu masala kengroq yoritilgan.

### **Mavzuga oid adabiyotlar tahlili.**

#### *2.1 Mikromoliya haqida tasavvur*

Mikromoliyalash tizimi kam daromadli aholiga va kichik biznes egalari uchun banklar taqdim etadigan moliyaviy xizmatlardan foydalana olmasliklaridan kelib chiqib, ularni bu bo'shliqni to'ldirish imkoniyatlari bilan ta'minlashni maqsad qiladi. Jimoh (2024) ga ko'ra mikromoliya tizimi, ayniqsa kam daromadli aholini moliyaviy tizimga kiritish va moliyaviy inklyuziyani rivojlantirish uchun joriy qilingan. Biroq, dunyoning ko'plab davlatlarida mikromoliyalash tizimining ijtimoiy va iqtisodiy maqsadlari to'liq amalga oshirilmagan, chunki ba'zi musulmon mamlakatlarida aholi diniy e'tiqodlariga asoslanib, mavjud mikromoliyaviy xizmatlardan foydalanishni afzal ko'rmaydi[14]. Shaikh (2017) fikriga ko'ra, foiz asosiga qurilgan mikromoliyadan ko'ra, foyda ulashishga asoslangan islomiy mikromoliyalash tizimi qashshoqlikni yanada samarali kamaytirishi mumkin. Mikromoliya tizimi kambag'al va past daromadli shaxslarga, shuningdek, ularning mikroiqtisodiy faoliyatlarini qo'llab-quvvatlash uchun mo'ljallangan xizmatlarni taqdim etadi, masalan, omonatlar, kreditlar, to'lovlar, pul o'tkazmalari va sug'urta [6]. Hindiston Markaziy banki (2000) mikromoliyaning ta'rifini qishloq, yarim shahar va shahar hududlarida kambag'al va kichik tadbirkorlarga moliyaviy xizmatlar orqali yashash sharoitlarini yaxshilashga qaratilgan tizim sifatida ko'rsatadi. Kurmanalieva va boshqalar (2003) mikromoliyalashni iqtisodiy jihatdan kam ta'minlangan shaxslarni mikrokreditlar va boshqa kichik moliyaviy xizmatlar bilan ta'minlashga qaratilgan tizim deb ta'kidlaydilar. Mikromoliya, zamonaviy adabiyotlarda, moliyaviy inklyuziyani rivojlantirishning asosiy vositasi sifatida qaraladi. Adnan va Kumar (2021) mikromoliyaning "an'anaviy bank tizimidan chetlashtirilganlarga bank xizmatlarini taqdim etish imkoniyatini yaratishini" ta'kidlaydilar. Mikromoliya tizimi moliyaviy jihatdan zaif bo'lganlarni qo'llab-quvvatlashda muhim vosita hisoblanadi [1]. Mikromoliyaning ahamiyatini tahlil qilgan Rohman

va boshqalar (2021) uni kambag'allikni hal qilishning samarali vositasi sifatida ko'radilar, chunki mikro kreditlar yordamida mikro va kichik bizneslarni qo'llab-quvvatlash imkonini beradi. Biroq, mikromoliya institutlari ko'pincha kutilgan natijalarga erishishda qiyinchiliklarga duch kelgan va bu esa ularning moliyaviy amaliyotlarini isloh qilish zaruriyatini yuzaga keltirgan. Ularning asosiy daromad manbalari, odatda, foizlar bilan bog'liq bo'lib, bu boradagi nosog'lom kapitalistik qarashlar tobora ko'rsatilmoqda. 1976 yil Nobel mukofoti laureati Muhammad Yunus mikromoliyaning asliy maqsadini kambag'allikka qarshi kurash deb belgilagan. Keyinchalik, Yunus tomonidan ishlab chiqilgan mikromoliya modeli foyda olishga qaratilgan mexanizm sifatida turli maqsadlar uchun ishlatilgan. Shuning uchun, musulmonlar orasida moliyaviy inklyuziyani rivojlantirish va kambag'allikni yengillashtirish maqsadida islomiy mikromoliyaviy tizimlar joriy etilgan [18].

### *2.2 Islomiy mikromoliya*

Islomiy mikromoliya, kam daromadli aholi, mikro va kichik bizneslar uchun, moliyaviy resurslarga cheklangan kirish imkoniyatlari tufayli, shariat asosida moliyaviy yordam taqdim etishni maqsad qiladi [2][9]. Rohman va boshqalar (2021) islomiy mikromoliyani, shariat tamoyillariga amal qiladigan, foiz olishni taqiqlovchi va adolatsizlik, qimor kabi salbiy faoliyatlarni bartaraf etishga qaratilgan tizim sifatida ta'riflaydilar. Islomiy moliya sohasining bir qismi sifatida, islomiy mikromoliya shariatga asoslanib, foizli operatsiyalarni taqiqlaydi [11]. Shuning uchun, islomiy mikromoliya dasturlarini amalga oshirishda foizni taqiqlash, risklarni bo'lishish, noaniqlikdan qochish va jamiyatning farovonligini ta'minlash kabi shariat tamoyillari muhim o'rin tutadi. Islomiy mikromoliya kambag'allikni yengillashtirish va moliyaviy vositachilikni rivojlantirishga yordam beradi [13]. Elkomi va Kroson (2013) islomiy mikromoliya mahsulotlarini, xususan hamkorlik shartnomalari orqali, musulmon va musulmon bo'lmagan aholi uchun samarali moliyaviy resurslarni jalb qilish vositasi sifatida ko'radilar [10]. Bu, islomiy mikromoliyaning musulmonlar orasida qarzdorlikni kamaytirish va musulmon bo'lmaganlar bilan yaxshi muvofiqlikni ta'minlashga yordam beradi. Shuningdek, islomiy mikromoliya moliyaviy inklyuziya orqali kambag'allikni kamaytirish imkoniyatiga ega [4].

### *2.3 Islomiy mikromoliya tuzilmalari*

Global Islomiy Moliyaviy Hisobot (2012) islomiy mikromoliya mahsulotlarini uch asosiy turga ajratadi: mikro kredit, mikro-faoliyatlar va xayriya. Mikro kreditda biznes aktivlari ijaraga asoslangan bo'lib, yangi biznes imkoniyatlari yuzaga kelganida yetishmovchiliklarni bartaraf etish uchun ishlatiladi. Mikro-faoliyatlar daromad va zararni kelishilgan nisbatda bo'lishish imkoniyatini yaratadi. Islomiy mikromoliyaning xayriya turi esa, barqarorlikni ta'minlash maqsadida institutlar tomonidan qo'shimcha yordam sifatida taqdim etiladi. Usman va Tasmin mikro kredit mahsulotlarini qarz al-hasan, murobaha, ijara va salam; mikro-faoliyatlarni muzoraba va mushoraka; xayriya turlarini esa zakat, sadaqa va vaqf deb belgilaydilar [20]. Mikro kredit, mikro-faoliyat va xayriya xizmatlaridan tashqari, islomiy mikromoliya moliyaviy bo'lmagan xizmatlarni ham taqdim etadi, masalan, islomiy ta'lim.

### *2.4 Mikro kredit mahsulotlari*

Qarz al-hasan – foizsiz kredit bo'lib, odatda mijozlarga favqulodda holatlar yoki likvidlik muammolari yuzaga kelganda beriladi va bu kreditlar institutlar bilan mijozlar o'rtasidagi ijobiy munosabatlarni rivojlantiradi [16]. Murobaha shartnomasida, institut (masalan, mikromoliya banki) mahsulot yoki aktivni sotib olib, uni mijozga qo'shilgan xarajat va foyda

bilan sotadi [12]. Ijara shartnomasida esa, mulkdor yoki moliyaviy tashkilot va foydalanuvchi o'rtasida aktivdan foydalanish huquqi bir muddatga o'tkaziladi va ijara to'lovlari amalga oshiriladi. Salam – bu islomiy moliyaviy shartnoma bo'lib, shu kecha kunduzda asosan kichik bizneslarda mazkur xizmatdan foydalanish qulaydir. Shartnoma, ma'lum bir tovarni kelajakda yetkazib berish sharti bilan sotish bo'yicha kelishuvni o'z ichiga oladi, bunda tovar miqdori va narxi oldindan kelishiladi va to'lovlar kelishilgan vaqtda amalga oshiriladi.

### *2.5 Mikrofaoliyat mahsulotlari*

Jimoh, Attah va Abdul muzorabani islomiy moliyaviy shartnoma sifatida ta'riflaydilar, bunda kapital tadbirkorga beriladi va u mablag'ni foyda olish uchun investitsiya qiladi, keyin esa foyda moliyalovchi va tadbirkor o'rtasida taqsimlanadi [13]. Mikromoliya institutlari kichik biznes egalari uchun biznesni rivojlantirishda yordam berishi, shu bilan birga foyda olish imkoniyatini yaratishi kerak [12]. Mushoraka esa, foyda bo'lishish asosida ishlovchi boshqa bir mikro-faoliyat mahsuloti bo'lib, bunda ikkala tomon ham biznesda ishtirok etadi va barcha to'lovlar o'zaro kelishilgan ulushga ko'ra bo'linadi [5].

**Masalaning qo'yilishi va tadqiqot usuli.** Mazkur maqola mavjud islomiy mikromoliya tashkilotlari faoliyatlari doirasida olib borilgan ilmiy va empirik ishlarning umum ko'nikmalari natijalari, ularga oid turkum va ilmiy maqolalar, ilmiy izlanishlar va tadqiqot ishlariga tayanadi. Shuningdek mazkur maqolada qiyosiy va ilmiy yondashuvlarning ham o'ziga xos metodik uslublaridan olingan namunalarni ko'rish mumkin.


Odatda mikromoliya tashkilotlari iqtisodiy resurslari yetarli bo'lmagan shaxslar uchun mo'ljallangan bo'lib, ularning kunlik, haftalik va hattoki oylik sarf-xarajatlarini qisman qanoatlantirish maqsadida tartibga solingan tizim hisoblanadi. Xalqaro moliya mutaxassislari ta'kidlaganlaridek, mikromoliya institutlarida ko'plab xizmatlar mavjud bo'lib, ular orasida muddatli qarz, sug'urta, moliyaviy savodxonlik kabilarni ko'rish mumkin. Adabiyotlar orqali islomiy mikromoliya vositalarini ikki asosiy toifaga ajratish imkoniyati paydo bo'ldi: a) **Xayriyaga asoslangan vositalar:** Zakot, Vaqf, Sadaqa; b) **Moliyaga asoslangan vositalar:** Mikrokredit bo'yicha: Qarz al-hasan, Salam, Murobaha, Lizing va Mikromoliya bo'yicha: Mushoraka, Muzorabalaridir.

### *3.1 Nazariy model ishlab chiqish zarurati*

Tadqiqot davomida islomiy mikromoliya tizimi vositalarining O'zbekistonda qo'llanilishi uchun maxsus nazariy model ishlab chiqildi. Ushbu model xayriya va moliyaga asoslangan vositalarning o'zaro aloqasi va ta'sir darajasidagi ahamiyatiga asoslanadi. Modelda xayriya asosidagi vositalarning kambag'allikni bartaraf etishdagi ijtimoiy ko'magi va moliya asosidagi vositalarning tadbirkorlik va moliyaviy barqarorlikni ta'minlashdagi ahamiyati tavsiflanadi. Keltirilgan tahlillar asosida, quyida O'zbekiston Respublikasida kambag'allikni bartaraf etish yo'lida ishlab chiqilgan islomiy mikromodelni ko'rish mumkin. Mazkur model ikki asosiy qismdan iborat bo'lib, ham ma'naviy, ham moliyaviy instrumentlarni o'z ichiga oladi.

**1a) model: “O‘zbekiston Respublikasida kambag‘allikni bartaraf etishda tavsiya etiladigan Islomiy mikromoliya instrumentlari modeli. Xayriya asosida:”**

*Shaxsiy tadqiqot natijalari namunasi.*



Mazkur diagramma “Islomiy mikromoliya instrumentlari modeli” ning xayriya asosidagi qismini ifodalaydi. U quyidagi tushunchalarni o‘z ichiga oladi:


**Zakot:** Moli nisobga yetgan mol mulk egalaridan 8 toifa insonlarga majburiy sadaqa sifatida ajratiladigan mablag‘.

**Vaqf:** Jamiyat manfaatiga xizmat qiladigan, barqaror daromad keltiruvchi taqdim etilgan mol-mulk.

**Sadaqa:** Ko‘ngilli ravishda beriladigan xayriya yoki yordam mablag‘lari. Ushbu vositalar asosan yordamga muhtoj kishilarga moliyaviy yordam berishda xizmat qiladi.

Ko‘zdan kechirilgan ko‘plab xalqaro maqolalar, ijtimoiy va iqtisodiy muammolarni bartaraf etishda xayriya faoliyatining ahamiyatini yuqori ekanini bayon qiladi. Modelda xayriya asosidagi vositalarning kambag‘allikni bartaraf etishdagi ijtimoiy ko‘magi asosan ularni qabul qiluvchining iste‘mol va iste‘foda maqsadlarida unumli foydalanishini ko‘zlaydi. Shuningdek, kelgusida, asliy ehtiyojni qondirish uchun kundalik turmushida yaraydigan mezonni o‘zi va oilasi uchun yuzaga keltirib olishini ifodalaydi. Quyidagi modelda esa, ishlab chiqilgan islomiy mikromodelning ikkinchi bo‘g‘inini ko‘ramiz:

**1b) model: “O‘zbekiston Respublikasida kambag‘allikni bartaraf etishda tavsiya etiladigan Islomiy mikromoliya instrumentlari modeli. Moliya asosida:”**



***Shaxsiy tadqiqot natijalari namunasi.***

Mazkur diagramma “Islomiy mikromoliya instrumentlari modeli” ning moliya asosidagi qismini ifodalaydi. U quyidagi tushunchalarni o‘z ichiga oladi:

- a) Mikrokredit: Qarz berish shakli bo‘lib, quyidagi ko‘rinishlarga ega:

**Qarz al Hasan:** Foyda olinmaydigan qarz.

**Salam:** Oldindan to‘lov qilingan shartnoma.

**Murobaha:** Molni sotib olish va foyda bilan qayta sotish.

**Lizing:** Shartnoma asosidagi sotib olish sharti bilan uzoq muddatli ijara.

- b) Mikromoliya: Sarmoya va sheriklik shakllari:

**Mushoraka:** Hamkorlik asosida daromad va zararni bo‘lishish.

**Muzoraba:** Bir taraf moliyaviy mablag‘ beradi, ikkinchi taraf esa ishni boshqaradi.

Ifodalangan islomiy mikromoliya modeli orqali iqtisodiy rivojlanish qo‘llab-quvvatlanadi.

**3.2 Ikkilamchi ma‘lumotlarni tahlil qilish ahamiyati**

Turli tadqiqotlardan olingan natijalar, shu jumladan, boshqa davlatlardagi islomiy mikromoliya tajribalari o‘rganildi. Ushbu ma‘lumotlardan foydalanib, islomiy mikromoliya vositalarining samaradorligi va ularning O‘zbekiston sharoitida qo‘llash imkoniyatlari nazariy asoslarga tayangan holda baholandi. Xorijiy davlatlardagi xayriya va moliyaga asoslangan vositalarning iqtisodiy tengsizlik va moliyaviy inklyuziyaga ta‘sirini qiyosiy tahlil qilish orqali ilmiy ishlar umumiy ko‘lamga mos ravishda olib borildi [7].

**3.3 Sifatli tahlil usuli**

Tadqiqotda adabiyotlardan olingan ma‘lumotlar asosida sifatli va tavsifiy tahlil usuli qo‘llanildi. Ushbu tahlil bir nechta vositalar orqali islomiy moliyaviy tamoyillar – foizsiz moliyalashtirish, xatarlarni bo‘lishish va ijtimoiy adolat – mikromoliyadagi o‘ziga xos xususiyatlarni jamlanma shaklida yoritib berdi.

**3.4 Modelni kontekstualizatsiya qilish**

Taklif etilgan model O'zbekistondagi kambag'allikni qisqartirish yo'lida xizmat qiladigan amaliy strategiyalarni shakllantirish uchun mazkur maqolada nazariy asos sifatida qo'llanildi. Modelni iqtisodiy va ijtimoiy sharoitlarga moslashtirib rivojlantirish orqali O'zbekistonda islomiy mikromoliya tizimini joriy etishning istiqbollari nazariy tahlil qilindi. Modelning O'zbekiston sharoitiga moslashtirilishi va uning amalga oshirilishidagi umid birla kutiladigan natijalar tahlil qilindi.

**Tadqiqot natijalari va ularning muhokamasi.** Mazkur tadqiqotda O'zbekistonda kambag'allikni kamaytirishda islomiy mikromoliya tizimining imkoniyatlari tahlil qilindi. Tadqiqot natijalariga ko'ra, islomiy mikromoliya vositalari ikki asosiy yo'nalishda – xayriyaga asoslangan va moliyaga asoslangan yondashuvlar orqali ijtimoiy va iqtisodiy tengsizlikni kamaytirish, shuningdek moliyaviy inklyuziyani kuchaytirish imkoniyatini beradi.

#### *4.1 Xayriyaga asoslangan vositalarning ahamiyati*

Zakot, Sadaqa va Vaqf kam ta'minotga ega shaxslarning asosiy ehtiyojlarini qondirishda ijtimoiy yordam manbai sifatida muhim ahamiyatga ega. Ushbu vositalar orqali aholining eng himoyasiz qatlamlariga tezkor yordam ko'rsatish va ularni iqtisodiy faoliyatga jalb etish imkoniyatlari mavjud.

Xayriyaga asoslangan vositalar, moliyaviy resurslarni yaratish bilan birga, kambag'al qatlamni iqtisodiy jihatdan barqarorlashtirish uchun birinchi muhim qadam sifatida qaralishi darkor.

#### *4.2 Moliyaga asoslangan vositalarning ahamiyati*

Murobaha, Mushoraka, Muzoraba va boshqa moliyaviy vositalar kichik va o'rta tadbirkorlikni rivojlantirish, bandlikni oshirish va moliyaviy barqarorlikka erishishda muhim rol o'ynaydi.

Xususan, qarz al-hasan (foizsiz qarz) vositasi moliyaviy yuklarni kamaytirib, daromadi past bo'lgan aholi uchun qulay va barqaror moliyalashtirish imkoniyatlarini taqdim etadi.

#### *4.3 Xayriya va moliyaga asoslangan yondashuvlar o'rtasidagi muvozanat*

Xayriya vositalari qisqa muddatli ijtimoiy yordam sifatida samarali bo'lsa, moliyaviy vositalar uzoq muddatli iqtisodiy rivojlanish uchun muhim hisoblanadi.

Ushbu ikki yondashuvning uyg'unligi O'zbekistonda kambag'allikni tizimli ravishda bartaraf etishga sezilarli ko'mak berishi umid qilinadi. Misol uchun, xayriya asosidagi resurslardan moliyaviy vositalarni moliyalashtirish yo'lida boshlang'ich kapital sifatida ishlatilishi mumkin.

#### *4.4 Islomiy mikromoliya tizimini O'zbekistonda joriy etishning imkoniyatlari va cheklovlari*

Islomiy mikromoliya vositalari O'zbekistonda aholi ko'pchiligining diniy qadriyatlariga mos kelishi sababli, ushbu tizimni rivojlantirish uchun mustahkam ijtimoiy asos mavjudligi bilan alohida ahamiyatga ega. Biroq, bugungi davlatchilikda islomiy moliyalashtirish tamoyillariga mos keladigan tartibga solish va huquqiy mexanizmlarning yetarlicha mavjud emasligi ushbu tizimning samarali ishlashiga to'siq bo'lishi mumkin. Shu sababli, huquqiy va institutsional islohotlar zarur bo'ladi.

#### *4.5 Boshqa davlatlar tajribasi asosida olingan munosabat*

Malayziya, Indoneziya, va Bangladesh kabi davlatlarda islomiy mikromoliya vositalarining muvaffaqiyatli qo'llanilishi O'zbekistonda ushbu modelning amalga oshirilishi uchun qimmatli ijobiy namuna bo'lishi mumkin.

Ushbu davlatlarning tajribasi o'z navbatida, O'zbekistonda islomiy mikromoliya vositalarining ijtimoiy va iqtisodiy ta'sirini oshirish uchun samarali strategiyalarni ishlab chiqish imkonini beradi.

**Xulosa.** Mazkur tadqiqotda O'zbekistonda kambag'allikni bartaraf etishda islomiy mikromoliya tizimining ahamiyatini tahlil qilishga qaratildi. Tadqiqotda xulosa qilinishicha, islomiy mikromoliya vositalari, ayniqsa, xayriyaga asoslangan (Zakat, Vaqf, Sadaqa) va moliyaga asoslangan (Murobaha, Mushoraka, Qarz al-hasan) yondashuvlar kambag'allikni kamaytirish va ijtimoiy adolatni ta'minlashda muhim rol o'ynashi mumkinligi bir necha bor e'tirof etildi.

Xayriyaga asoslangan vositalar kambag'al aholini qo'llab-quvvatlash uchun zarur bo'lgan boshlang'ich yordamni ta'minlaydi. Bu esa fuqarolarda iqtisodiy faoliyatga qo'shilish uchun sharoit yaratadi. Moliyaga asoslangan vositalar esa barqaror iqtisodiy rivojlanish va moliyaviy mustaqillikka erishish uchun uzoq muddatli resurslarni zarurat ehtiyojidadagi qatlam sari taqdim etadi. Ushbu vositalarning uyg'un qo'llanilishi islomiy moliya tizimining O'zbekiston sharoitida muvaffaqiyatli tatbiq etilishi mumkinligini ko'rsatadi.

Biroq, ushbu tizimni to'liq amalga oshirish uchun O'zbekistonda huquqiy va institutsional islohotlar o'tkazilishi zarur. Shu bilan birga, boshqa davlatlar, xususan, Malayziya va Bangladesh tajribalarini o'rganish orqali islomiy mikromoliyaning samaradorligini oshirishga xizmat qiladigan strategiyalar ishlab chiqilishi lozim.

Mazkur tadqiqot islomiy mikromoliya vositalarini O'zbekiston iqtisodiyoti va jamiyatida kambag'allikni kamaytirishning muhim mexanizmi sifatida joriy etish imkoniyatini ta'kidlaydi. Keyingi tadqiqotlarda ushbu tizimning aniq iqtisodiy va ijtimoiy ta'sirini baholash uchun batafsil empirik tahlil o'tkazish zarurati mavjudligi ham ko'rinadi.

#### **Adabiyotlar/Литература/References:**

1. Adnan, M.A., & Ajija, S.R. (2015). The effectiveness of baitul maal wattamwil in reducing poverty: The case of Indonesian Islamic microfinance institution. *Humanomics* 31(2),160-82.
2. Akbar,T. Siti-Nabiha, A.K. (2022). Objectives and measures of performance of Islamic microfinance banks in Indonesia: The stakeholders' perspectives. *ISRA International Journal of Islamic Finance*, 14(2), 124-140.
3. Alaro, A. A., & Alalubosa, A.H. (2019). Potential of Shari'ah compliant microfinance in alleviating poverty in Nigeria. *Int. J. Islam. Middle E Finance Manag.* 12(1), 115–129.
4. Ali, A.E.E.S. (2017). The challenges facing poverty alleviation and financial inclusion in North-East Kenya Province (NEKP). *Int. J. Soc. Econ.* 44 (12), 2208–2223.
5. Arshad, N.C., & Ismail, A.G (2010). Shariah parameters for musharakah contract: A comment. *International Journal of Business and Social Science*, 1(1), 145-162.
6. Babu, D.R. Naratejaswini & Umakanth, J (2019). The role of microfinance in India. 14th International Conference on Science, Technology and Management, organized by Guru Gobind Singh Polytechnic, Nashik, Maharashtra, India.
7. Balqis, N. et al. (2023). Title: An Integrated Model of Islamic Social Finance Towards Sustainable Funding. Available from [https://www.bankrakyat.com.my/uploads/content-downloads/file\\_20240715161119.pdf](https://www.bankrakyat.com.my/uploads/content-downloads/file_20240715161119.pdf) [Accessed 12 December 2024].
8. Demirguc-Kunt, A. Beck, T. & Honohan, P. (2008). *Finance for all: Policies and pitfalls in expanding (policy research report)*. Washington Dc: World Bank.

9. Dusuki, A.W. (2008). Understanding the objectives of Islamic banking: a survey of stakeholders' perspectives. *International Journal of Islamic and Middle Eastern Finance and Management*, 1(2), 132-148.
10. El-Komi, M. & Croson, R. (2013). Experiments in Islamic microfinance. *Journal of Economic Behavior & Organization*, 95, 252–269.
11. Hassan, M. K., Alshater, M. M., Hasan, R. & Bhuiyan, A. (2021). Islamic microfinance: A bibliometric review. *Global Finance Journal*, 49, 1-14.
12. Ijaiya, M.A., Jimoh, A.T., Attah, J.A., Abdulmumin, B.A., & Nafiu, A.I. (2021). Murabaha-related credit risk and financial performance of Islamic banks in Africa. *International Journal of Islamic Banking and Finance Research*, 5(1), 60-69.
13. Jimoh, A.T., Attah, J.A. & Abdul, F.A (2021). Financial performance of Islamic banking in Nigeria: A camel analysis of Jaiz bank Plc. *International Journal of Shari'ah and Corporate Governance Research*, 4(1), 1-15.
14. Maulana, H., Abdul Razak, D., Adeyemi, A. A. (2018). Factors influencing behaviour to participate in Islamic microfinance. *International Journal of Islamic and Middle Eastern Finance and Management*, <https://doi.org/10.1108/IMEFM-05-2017-0134>
15. Rohman, P. S., Fianto, B.A., Shah, S. A. A., Kayani, N. S. & Supriani, I. (2021). A review on literature of Islamic microfinance from 2010-2020: Lesson for practitioners and directions. *Heliyon*, 7, 1-11.
16. Sadr, S.K. (2015). Qarḍ ḥasan financing in islamic banks. *ISRA International Journal of Islamic Finance*, 6(2), 1-14.
17. Shaikh, S.A. (2017). Poverty alleviation through financing microenterprises with equity finance. *J. Islam. Account. Business Res.* 8 (1), 87–99.
18. Shinkafi, A.A., Yahaya, S., & Sani, T.A. (2019). Realising financial inclusion in Islamic finance. *J. Islam. Market.* 11 (1), 143–160.
19. Tursunov, A. (2023). Economic Essentials of Islamic Microfinance and Importance in Poverty Reduction. Google.com. Available from [https://scholar.google.com/citations?view\\_op=view\\_citation&hl=en&user=QM-9wKoAAAAJ&citation\\_for\\_view=QM-9wKoAAAAJ:W70EmFMy1HYC](https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=en&user=QM-9wKoAAAAJ&citation_for_view=QM-9wKoAAAAJ:W70EmFMy1HYC) [Accessed 12 December 2024].
20. Usman, A.S, & Tasmin, R. (2016). The Role of Islamic Micro-finance in Enhancing Human Development in Muslim Countries. *Journal of Islamic Finance*, 5(1), 53–62.
21. Widiarto, I., & Emrouznejad, A. (2015). Social and financial efficiency of Islamic microfinance institutions: A data envelopment analysis application. *Socio-Economic Planning Sciences*, 50, 1–17. <https://doi.org/10.1016/j.seps.2014.12.001>.
22. World Bank. (2024). Poverty, Prosperity, and Planet Report 2024. World Bank. Available from <https://www.worldbank.org/en/publication/poverty-prosperity-and-planet>.



**09.00.00 – FALSAFA FANLARI - PHILOSOPHICAL SCIENCES**

**Received:** 20 December 2024

**Accepted:** 5 January 2025

**Published:** 15 January 2025

*Article / Original Paper*

**SOCIAL INDICATORS AFFECTING THE DYNAMICS OF WORLD POPULATION GROWTH AND THE QUALITY OF LIFE OF THE POPULATION**

**Khaitov Elmurod Bekturodovich,**

Ph.D. Head of the Department of "Scientific Research,  
Innovations and Scientific Pedagogical Personnel Training"  
University of Science and Technology

**Abstract.** Due to the development of science and technology, the dynamics of population growth is growing at a cosmic pace. In 1800, the world population was 1 billion, while in 2000 it increased to 7.9 billion. The main reason why population growth has taken an unexpectedly progressive course over the past two centuries is the improvement in the quality of life.

By the 2000s, the dynamics of population growth slowed down. This is due to the excessive increase in the need for medical services, the need for education, changes in the worldview of young people in the process of globalization (decreasing birth rates), etc., due to which the population is trying to implement its own ways of transition to a better lifestyle. If 30-40 years ago, having many children in families was a family value, now these indicators have ceased to interest "young families". Nowadays, having a good quality of life is not about having more children, but about having fewer children and achieving quality results, becoming the decisive criterion for material and spiritual life.

We have tried to analyze, as far as possible, and justify based on scientific facts, whether the population of developed or developing countries of the world has a higher or better quality of life.

**Keywords:** population, quality of life, old age, youth, population change, migration, demographic change, demographic growth, urbanization, vandalism.

**DUNYO AHOLISINING O'SISH DINAMIKASIGA TA'SIR ETUVCHI IJTIMOYIY KO'RSATKICHLAR VA AHOLI HAYOT SIFATI**

**Xaitov Elmurod Bekturodovich,**

s.f.f.d (PhD)

Fan va texnologiyalar universiteti

"Ilmiy tadqiqotlar, innovatsiyalar va ilmiy pedagogik kadrlar tayyorlash" bo'lim boshlig'i

**Annotatsiya.** Fan va texnika taraqqiyoti tufayli aholining o'sish dinamikasi kosmos tezligida o'smoqda. 1800-yilda dunyo aholisi 1 milliard bo'lgan bo'lsa, 2000-yilda u 7,9 ga milliardga o'sdi. Aholining ko'payishi so'nggi ikki asr davomida kutilmagan darajada progressiv tus olishining asosiy sababi hayot sifatining yaxshilanishidir.

2000-yillarga kelib aholining o'sish dinamikasi sekinlashdi. Bunga sabab, tibbiy xizmatlarga bo'lgan ehtiyojning haddan ziyod oshishi, ta'limga bo'lgan ehtiyoj, globallashuv jarayonida yoshlar dunyoqarashining o'zgarishi (tug'ilishning kamayishi) va hokazolar sabab aholi yaxshi turmush tarziga o'tishning o'ziga xos yo'llarini amalga oshirishga urinmoqda. 30-40 yil oldin oilalarda farzandlarning ko'pligi oilaviy qadriyat bo'lgan bo'lsa, hozir bu ko'rsatkichlar "yosh oilalar"ni qiziqitirmay qo'ydi. Hozir yaxshi hayot sifatiga ega bo'lish farzandlar ko'paytirish bilan emas, balki, kamroq farzandli bo'lib sifatli natijaga erishish, moddiy va ma'naviy hayotning hal qiluvchi mezoniga aylandi.

Rivojlangan yoki rivojlanayotgan dunyo davlatlarining aholisi yuqori yoki yaxshiroq hayot sifatiga ega bo'lishini imkon darajasida tahlil qilishga, ilmiy faktlar asosida asoslab berishga intildik.

**Kalit soʻzlar:** aholi, hayot sifati, qarilik, yoshlik, aholining oʻzgarishi, migratsiya, demografik oʻzgarish, demografik oʻsish, urbanizatsiya, vandalizm.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V5I1Y2025N19>

**Kirish.** Ijtimoiy falsafa ijtimoiy fan sifatida ijtimoiy jamiyatning taʼsirchanligini koʻrib chiqadigan aholining oʻzgarishi omillarini tadqiq qiladigan fanlar tarmogʻidagi asosiy bloklardan biridir. Hozirgi dunyoda aholi soni oʻzgarib borayotgan tebranishlar bilan butun dunyo boʻylab aholi tarkibiy qismida dinamik oʻsish suratlari kuzatilmoqda.

Kam rivojlangan mamlakatlarda emas, balki rivojlangan dunyoda bunday omillar taʼlim, ayollarni ish bilan taʼminlash, ayollar uchun koʻproq huquqlar, ayollarga nisbatan tibbiy qulayliklar, maslahatlar va boshqalar sabab boʻlmoqda.

1900-yildan beri koʻplab dunyo mamlakatlari mavjud Aholining oʻsish surʼatlarini bilib olishda rivojlanish siklini aniqlash muhim tarkibiy qismlardan boʻlgan. Shu tarzda, jon boshiga oziq-ovqat, gigiyena, daromad va boshqa koʻp narsalar ortdi. Hozirda, Osiyodagi odamlar oʻzgarishga harakat qilmoqda, ularning aholisi har qanday yoʻl bilan koʻpayishi xarakteriga oʻtganligini kuzatishimiz mumkin. Masalan, u keng tarqalgan yosh avlodlar orasida Hindiston, Xitoy kabi davlatlar va boshqalardir.

Soʻnggi paytlarda koʻplab rivojlanayotgan davlatlar siyosatni qabul qilishda aholi oʻzgarishiga erishish, umuman olganda, tugʻilish darajasining pasayishi muayyan jamiyatda keksa aholining koʻpayishiga olib kelmoqda. Jumladan Yevropa davlatlari bu borada tobora oʻz saflarini kengaytirgan holda Angliya, Germaniya va boshqalarida aholining dinamik oʻzgarishi (kamayishi) bosqichi oʻz hayotlarini, millat va xalq genofondini qatʼiy rejalashtirishga va tartibga solishga ehtiyojni tobora talab qilmoqda.

**Muhokama, natija va metodologik tahlil.** Sotsiologik nuqtai nazardan, demografik oʻzgarishlar koʻproq ehtiyojlarga olib keladi va bunday oʻzgarish hayot sifatining oʻzgarishini oʻz ichiga oladi. Rivojlanayotgan mamlakatlarning koʻrsatkichlari rivojlangan suveren davlatlarga qiyosan baholanganda “Inson taraqqiyoti indeksi” yaxshiroq natijaga erishayotganligini koʻrishimiz mumkin.

Bugun dunyo shaharlarida istiqomat qiluvchi aholining qariyb uchdan bir qismi xarobalarda yashamoqda va bu juda muammoli jarayondir. BMT maʼlumotlariga koʻra, 2012-yillarda rivojlanayotgan mamlakatlarda shahar aholisining qariyb 33 foizi yoki taxminan 863 million kishi gʻarib, xarob holatda yashagan (*BMTning jahon shaharlari holati toʻgʻrisidagi hisobot, 2012/2013*) [1; 120-125 b]. Boshqa tomondan, umuman olganda, hayot sifati bu shaxsning idrok etilgan kundalik hayot sifatidir. Yaʼni, ularning farovonligini baholash yoki uning yechimining topilishi bu shaxsning barcha hissiy, ijtimoiy va jismoniy tomonlarini ham oʻz ichiga oladi.

Bugungi kunda demografik oʻzgarishlar muqarrar. Aksariyat jamiyatlar oʻzlarining tugʻilish darajasini pasaytirish siyosatini qabul qilgan boʻlsada, biz hali ham tugʻilishning koʻpayishi va natijada aholi sonining koʻpayishini boshdan kechirayotgan jamoalarni koʻrmoqdamiz, xususan Oʻzbekiston. Birinchi guruh oʻz aholisini turli sohalarda cheklagan mamlakatlar yuqori turmush darajasiga duch kelgan boʻlsa, ikkinchi guruh yoki koʻproq tugʻilgan jamoalarda ularning turmush darajasi odatda pastroq. Bunday jarayonning natijasi hayot darajasining pasayishi va bu jamiyatlarda, hatto kelajakda ham kasalliklar va qiyinchiliklarning paydo boʻlishidir. Shu sababli, kelajakda samarali va sifatli ayollar va

erkaklar kabi sifatli jamiyatga ega bo'lish uchun aholining sifatli hayotini rejalashtirishni samarali amalga oshirilishi kerak bo'ladi [2; 83 b].

Har bir jamiyat bunga erishish uchun tegishli ijtimoiy tadqiqotchilar, faylasuflar va sotsiologlar doimo vakolatga va imkoniyatga ega bo'lishi kerak. Umuman olganda, tug'ilishning kamayishi, pirovardida, ma'lum bir jamiyatda keksa aholining ko'payishiga olib keladi. Shuning uchun, hodisa qarishning o'zi so'nggi o'n yilliklarda turli jamiyatlarda yangi demografik siyosatlarining qabul qilinishi bilan bog'liq.

Ushbu maqolada biz aholi sonini va uning hayot sifatiga ta'sirini baholaymiz. Bugungi kunda keksalarning soni va ulushi oshgan ko'plab jamiyatlarda ular odatda quyi qatlamlar tomonidan qo'llab-quvvatlanadi va g'amxo'rlik qilinishini kuzatishimiz mumkin.

Boshqa tomondan, yuk keksa aholining turli yo'llar bilan davlat va jamiyatga qaramligini, shuningdek, ularning qo'llab-quvvatlanishini, ko'tarilishini va hayot sifatini har doim oilalarda, quyi yoshdagi guruhlarda yoki hukumatlar tomonidan ta'minlanishida ko'rmoqdamiz [3; 95 b]. Demak, demografik o'zgarishlarning o'zi ko'proq ehtiyojlarni keltirib chiqaradi. Chunki kam rivojlangan davlatlar yaqinda qarish hodisasiga duch kelgan, ular bu borada ko'p tajribaga ega emaslar. Bunday jamiyatlarda keksalar ko'p holatlarga duch kelishadi. Bunda ular turli kamchiliklarga, qayta ko'rib chiqishga va ko'proq qo'llab-quvvatlashga muhtojdir.

Shuning uchun munosib hayot, pensiya va tegishli huquqlarni ta'minlash ularning ajralmas huquqi sifatida ko'plab olimlar, ziyolilar, davlat va jamoat arboblari tomonidan ma'qullangan. Boshqa jamiyatlarga qaraganda qarish fenomeni bilan ko'proq tanish bo'lgan sanoati rivojlangan mamlakatlar o'z keksalari uchun ko'proq xizmatlar va qulayliklar taqdim etdilar va shu bilan ularning hayot sifatini sezilarli darajada saqlab qolishdi.

Keksalarning moliyaviy muammosi, ayniqsa, sanoat jamiyatlarida, asosan, hal qilingan bo'lsa-da, aholining qarishi qariyalarni izolyatsiya qilish kabi muammolarga olib keldi, odatda katta oilalarning yo'qolishidan keyin bunday vaziyatlarda, keksalar mustaqil yashashlari yoki tengdoshlari bilan qariyalar uylarida yashashlari kerak. Hayotning ushbu bosqichi ularning hayot sifatiga turli xil ta'sir ko'rsatdi. Chunki o'tmishda oila hozirgidan farq qilgan. O'tmishdagi oilalar qadriyatlar tizimini hurmat qilgan va unga bo'ysungan.

Urbanizatsiya jarayonlari so'nggi ikki asr davomida demografik o'zgarishlar kabi o'sish tendensiyasiga ega bo'ldi. Qaysidir ma'noda, bugungi kunda ko'plab fuqarolar xarid qilish, ta'lim olish, o'yin-kulgi va dam olish uchun shaharga bog'landi. So'nggi yillarda iqtisodiyot va sanoat tarmoqlariga tegishli sarmoyasiz aholi sonining ko'payishi, ayniqsa, rivojlanayotgan mamlakatlarda urbanizatsiyaning kuchayishiga olib keldi. Bunday shaharlarga immigrantlar odatda yuqori daromad, farovonlik va ko'proq xizmatlardan foydalanish uchun migratsiyani amalga oshirishadi. Ya'ni, ular o'zlarining hayot sifatini yaxshilashlari mumkin bo'lgan vaziyatni amalga oshirishni xohlaydilar. Shunday qilib, urbanizatsiya nazorat qilinishi mumkin bo'lgan muvozanatli rivojlanish va yirik shaharlardagi ko'plab qulayliklar va xizmatlar yetib boradigan aholi hayot sifatining intensiv jarayonidir. Xuddi shunday, hayot sifati ko'rsatkichlarini muvozanatlash orqali urbanizatsiya tarqalishining oldini olish mumkin.

Shaharlar yoki shaharlar majmuasining o'sishi sog'liq, ifloslanish, yo'l tirbandligi, nostandart uy-joylar (standart) va shunga o'xshash ko'plab muammolarni keltirib chiqardi, bu o'zi barcha tabaqalar, ayniqsa keksalar hayotiga ta'sir qildi. Va ularning hayot sifati anchayin murakkablashtirmoqda. Shuning uchun aholi hayot sifatini yaxshilashdagi ijtimoiy

muammolari, asosan ekologik muammolar, shahar aholisining yuqori zichligi, shaharlar ichidagi tartibsiz migratsiyasi, shahar atrofi va boshqalar bilan bog'liq hodisalardir [4; 53 b].

Bunday geografik makonlarda aholining turli xilligi sharoitida o'ziga xos begonalashuv va boshqacha aytganda, individualizm bunday jamiyatlarda namoyon bo'ladi va shunday tarzda, ba'zi hollarda qayd etilgan ijtimoiy va demografik tuzilmaning o'zi o'ziga xos inqiroz va ijtimoiy muammoni keltirib chiqaradi. Shu sababli, shahar hududlarini aholi soni va sifati bo'yicha muvofiqlashtirish mumkin. Aholi hayot sifatini sezilarli darajada oshirish va bu fuqarolarning ijtimoiy va ruhiy salomatligiga olib keladi. Ko'rsatilgan vaziyat (*aholini miqdoriy va sifat jihatidan muvofiqlashtirish*) [5; 125-126 s] hayot sifati va ijtimoiy salomatlikning yaxshilanishini yanada tizimlashtiradi va boshqarish oson bo'lgan jamiyat taraqqiyotining hal qiluvchi mezonini bo'ladi.

Bunday shaharlar odatda kuchli qarindosh-urug'chilik tarmog'ini yo'qotadi va ularning o'rnini do'stlik tarmog'i egallaydi. Qarindoshlik tarmog'i turli yo'llar bilan zaiflashgandan keyin yangi shahar landshaftining paydo bo'lishida almashtirish, inqirozlar va begonalashishning mumkin bo'lgan xavfini oldini olish uchun do'stlik tarmog'ini iloji boricha mustahkamlash va rag'batlantirishga yo'l ochiladi.

Bunday hollarda ijtimoiy rejalashtirishni qo'llash to'g'ri va yetarli mahorat bilan amalga oshirilishi kerak. Ya'ni, fuqarolarning hayot sifatini yaxshilashga yordam beradigan shart-sharoitlar majmuini davlat boshqaruv tizimiga olib kirish muhim bo'ladi.

Shu bilan birga, bunday shaharlarda kichikroq joylardan ko'ra barcha turdagi jinoyatlar, buzg'unchilik va hokozolar ko'proq namoyon bo'ladi va bu fuqarolar, jumladan, keksalarning xavfsizligini xavf ostiga qo'yadi. Shahar maydonlarining kengayishi odatda turli xil oqibatlariga olib keladi. Immigratsion shaharlar ichida katta-kichik, oshkora va yashirin jinoyatlar, jumladan, turli shakldagi vandalizm mavjud. Yuqoridagi shartlarga qo'shimcha ravishda, so'nggi yillarda yirik shaharlar ichidagi yirik shahar muhiti turli xil xavf-xatarlarga duchor bo'lishi ya'ni, turli yosh guruhlariga turli xil zarar yetkazadigan hodisalar va atrof-muhitning ifloslanishi kabilardir. Vandalizm hodisasi yirik va asosan muhojirlar yashaydigan shaharlarda ham yaqqol namoyon bo'ladi. Vandalizm atrof-muhitni va uning turli obyektlarini, masalan, daraxtlarni qasddan kesish, yashil maydonlarni yo'q qilish, jamoat telefonlari kabi mulkni yo'q qilish, avtobuslar kabi transport vositalarini yo'q qilish hattoki bugun Yevropa tamaddunida, jamoat joyida chekish, ichish, baland ovozda gapirish kabilar ham vandalizm sifatida baholanmoqda.

Umumiy ma'noda rivojlanish maqsadlarini ilgari surish uchun mamlakatning turli qismlarida turli yosh guruhlarida erkaklar va ayollar aholining muvozanatini o'rnatishi kerak. Insoniy va noinsoniy qobiliyat va ko'nikmalardan kerakli darajada foydalanish mumkin bo'lgan tarzda hayot sifati ham yaxshilanadi.

Ayollarning nima uchun erkaklarnikidan ko'proq umr ko'rishiga turli omillar ta'kidlangan. Ular:

1) Ayollarning umr ko'rish davomiyligini uzaytiruvchi biologik (biologik) omillardan tashqari, boshqa ko'plab ijtimoiy omillar ham ta'sir ko'rsatadi. Ijtimoiy kapital, yuqori savodxonlik va ta'lim, nikoh yoshining ko'payishi va keyinchalik ayollar o'rtasida tug'ilishning pasayishi kabi ijtimoiy omillar va bu kabi omillar, ularning har biri biologik omillar bilan bir qatorda kutish, ularning har biri o'z o'rnida bo'lib, ayollarni erkaklar bilan solishtirishga sabab

bo'ldi. Bu, ayniqsa, 60 va undan yuqori yoshdagi ayollarning hayot sifatini saqlab qolish va yaxshilash uchun zarur choralarni talab qiladigan jarayondir.

2) Bugungi kunda va shahar-sanoat dunyosida ayollar deyarli erkak rollarini o'z zimmlariga olganligi sababli, yuzaga keladigan keskinlik va bosimlar ko'plab holatlarga olib keladi. Bu esa ular o'rtasidagi charchashi va amortizatsiyasi oxir-oqibatda ularning umr ko'rish indeksiga ta'sir qiladi.

Bugungi dunyoda, sanoati rivojlangan mamlakatlarning o'zlari imkon qadar o'z sog'lig'ini ta'minlash uchun yuqori va ayollarni qo'llab-quvvatlovchi siyosatni qabul qildilar. Ayollarning ish vaqtini qisqartirish, ularning nafaqaga chiqishi erkaklarnikiga nisbatan yoshroq, sog'liqni saqlash, tibbiy, ta'lim va boshqalar bilan ta'minlanishi shahar-sanoat jamiyatlarida ishlaydigan ayollarga erkaklarnikiga nisbatan o'rtacha umr ko'rish davomiyligini saqlab qolish imkonini bergan omillardandir.

3) Erkaklar baxtsiz hodisalarga ko'proq moyil bo'lganligi sababi, ular ko'proq tamaki iste'mol qiladilar, spirtli ichimliklarni ko'proq iste'mol qilishadi, shuningdek, ularga ko'proq mehnat koeffitsiyentida ish bosimi yuklanishi va hokazo [6].

Uzoq umr ko'rish ham hayot sifatida demografik o'zgarishlardan (o'sish) keyin ularning hayot sifatini qoniqarli darajada ushlab turish uchun o'zlari o'zini ko'proq qo'llab-quvvatlashi, g'amxo'rlik va nazoratga muhtoj bo'lish hodisasidir.

Hayot sifati qoniqarli darajada saqlanishi mumkin. Aholining qarishi natijalarini quyidagicha ifodalash mumkin:

- Pensiya va boshqa qo'shimcha nafaqalar.
- Ko'proq shifoxona yordami.
- Qariyalar uylari ko'proq.
- Ko'proq uyda tibbiy yordam va ho [7].

Shu bilan birga, bunday holatlar natijasida oilalar ko'proq aralashadi, oilalar tashvishga tushadi va oxir-oqibat ko'proq izolyatsiya qilinadi.

Keksalarning yolg'izligi esa keksalarda qadrsizlik tuyg'ularini keltirib chiqaradi. Shu sababli, davom etayotgan demografik o'zgarishlar tufayli rejalashtirish tizimi aholining turli guruhlariga, ayniqsa keksa yoshdagi aholiga alohida e'tibor qaratishi kerakligiga undamoqda.

**Xulosa.** Rivojlanayotgan mamlakatlardagi odamlar va siyosatchilar salomatlikni yaxshilash va shu bilan umr ko'rish davomiyligini oshirish uchun o'z standartlariga muvofiq eng yaxshi hayot sifatini yaratish uchun qo'llaridan kelganini qilmoqdalar. 1950-yildan beri ko'plab rivojlanayotgan davlatlar hayot sifatini oshirish uchun rejalarni amalga oshirishga harakat qilishdi. Shunday qilib, ular ko'plab hayot standartlari sog'liqni saqlashni, gigiyenani, ta'limni hamda hayot sifati samaradorligini oshirishlari mumkin edi.

Biroq, hozirgi aholi zich joylashgan dunyo, bir tomondan, ortib borayotgan ehtiyojlar bilan raqobatlasha olish uchun hayot sifatini doimiy ravishda yaxshilash har bir dunyo hamjamiyatining ustuvor maqsad va vazifasi bo'lishini taqozo qilmoqda. Boshqa tomondan esa tabiiy resurslarga bo'lgan talab ham aholi hayot sifatini talabini yaxshilanishini talab qilmoqda.

Hozirgi davr sifatini isloh qilishda hayot sifati yuqoriroq mamlakatlar bilan o'zaro aloqada bo'lish va raqobatlasha olish ular tajribasini o'rganishni ham talab qilmoqda. Qayd etish joizki, bugun resurslari (yer osti va yer usti) yetishmaydigan rivojlanayotgan davlatlar aholisi o'sish sur'atlarini shunga mos ravishda rejalashtirishlari va shunga mos yaxshi hayotni qurmog'i kerakligi har bir buyuk islohotlarning poydevori bo'lmog'i lozim.

**Adabiyotlar/Literatura/References:**

1. Bottomley A. (2002). "The Cancer Patient and Quality of Life" *The Oncologist*. 7(2): 120-125 p
2. Denton FT, et al. (1998). "The Future Population of Canada, Its Age Distribution and Dependency Relations". *Canadian Journal on Ageing*. 17(1):83 p
3. Lithwick M, et al. (1999). "Mistreatment of Older Adults:Perpetrator-Victim Relationships and Interventions". *Journal of Elder Abuse and Neglect*. 11(4):95 p
4. Nahmiash D and N Reis. (2000). "Most Successful Intervention Strategies for Abuse Older Adults". *Journal of Elder Abuse and Neglect* 12(3-4):53 p
5. Neysmith, S. M., and J. Edwardh, 1983, "Ideological Underpinnings of the World Assembly on Aging". *Canadian Journal on Aging*. 125-126 p
6. State of the World's Cities Report, 2012/ 2013: Prosperity of Cities, UNHABITAT, (2013)
7. World Population Data Sheet. (2012). PRB, Washington DC

**Received:** 20 December 2024

**Accepted:** 5 January 2025

**Published:** 15 January 2025

*Article / Original Paper*

## **BIOEPISTEMOLOGY OR INTERDISCIPLINARY APPROACHES IN EPISTEMOLOGY**

**Abdullayeva Hulkar Rakhmatullayevna,**

PhD, Associate Professor of the Department of Social and Political Sciences,  
University of Renaissance Education

E-mail: [Hulkarabdullayeva77@jmail.com](mailto:Hulkarabdullayeva77@jmail.com)

**Abstract.** The article describes epistemology, its types, scientific views on the evolution of culture and their development. It is investigated that biological evolution has formed the physiological and moral character of man and gave impetus to cultural evolution, which adapted it to life in man, and that this is preserved genetically.

**Keywords:** evolutionary epistemology, three theories of Popper, struggle for existence, interdisciplinary approach, scientific evolutionary epistemology, information, genetic and cultural epistemology.

## **BIOEPISTEMOLOGIYA YOKI EPISTEMOLOGIYADA FANLARARO YONDASHUVLAR**

**Abdullayeva Xulkar Raxmatullayevna**

Renessans ta'lim universiteti

Ijtimoiy-siyosiy fanlar kafedrası dotsenti, PhD

**Annotatsiya.** Maqolada epistemologiya uning turlari, bioepistemologiyaning yangi yo'nalishlari haqidagi ilmiy qarashlar va ularning rivoji bayon etilgan. Biologik va madaniy evolyutsiyaning sintezi, biosemiotika, umwelt atamasi chuqur tahlil etiladi. Bilishning zamonaviy talqinlari ilmiy jihatdan ochib beriladi.

**Kalit so'zlar:** evolyutsion epistemologiya, yashash uchun kurash, fanlararo yondashuv, ilmiy axborot, genetik va madaniy epistemologiya, Umwelt, biosemiotika, neyroepistemologiya.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V5I1Y2025N20>

**Kirish va mavzuning dolzarbligi.** Inson evolyutsiyasi nafaqat biologik va genetik, balki ijtimoiy-madaniy evolyutsiya hamdir. Inson bilishi ijtimoiy va madaniy, biologik, genetik omillarga ham bog'liq. Biologik evolyutsiya insonning kognitiv qobiliyatlarini biologik jihatlarni tushuntirishi mumkin. Lekin u oddiydan murakkabga qarab ketayotgan bilimni qanday tushuntiradi? Inson miyasi biologik tizim, u g'oyalar, gipotezalar va nazariyalar ishlab chiqaruvchisi hisoblanadi. Ularning yaratilishi va ommalashishi boshqa qonuniyatlar asosida mavjud. Bu rivojlanish prinsipi evolyutsion epistemologiyada genetika va madaniyat bilan bog'liq holda tadqiq etiladi.

**Metodlar va o'rganilganlik darajasi.** Epistemologiyaning madaniy yo'nalishi K.Popper, I.Lakatos, S.Tulmin, G.Bashlyar, M.Polani kabi olimlarning izlanishlarida batafsil yoritilgan. Ularning fikricha, evolyutsiya nafaqat biologik, balki madaniy evolyutsiya ham hisoblanadi. Masalani biologik jihatlari D.Kempbell, K.Lorens, A.Maturana, F.Varela kabi olimlarning izlanishlarida chuqur tahlil etilgan. O'zbek olimlaridan G.Sultonova

epistemologiyaning konstruktivlik jihatlari tadqiq etgan. Ammo bioepistemologiyaning turli yo'nalishlari mavjud bo'lib, alohida o'rganish va izlanishni talab qiladi.

**Muhokama.** Biz madaniyat va tabiat dunyosini ikkiga ajratamiz. Bugungi kungacha bu ikki yo'nalish bir-biri bilan uyg'unlashgan emas. Bu to'siqni nazariy axborot yondashuv natijasidagina yengish mumkin. Shu yerda ta'kidlash joizki, axborot tushunchasining o'zini ham ba'zi olimlar biologiya bilan bog'liq ravishda izohlaydi. Kastlarning fikricha, hayotning paydo bo'lishi "axborot vujudga kelishi natijasida ro'y beradi". Ya'ni, axborot nazariyasi organik evolyutsiyaga ham, madaniy evolyutsiyaga ham informatsion rivojlanish sifatida qaraydi. Chunki har qanday tirik sistema axborotni qayta tahlil qiladigan sistema hisoblanadi. Bu har bir organik tabiatga xos. Boshqa tarafdin, san'at, bilim va boshqa axborotlarni o'zida jamlagan ijtimoiy guruhlarni kognitiv va axloqiy xarakterini belgilab beradigan madaniyatni ham, takomillashgan axborot sistemasi sifatida qarash mumkin. Nazariy yondashuvga asosan, organik evolyutsiyaning asosida informatsion o'zgarish yotadi. Ya'ni, alohida organizmning o'zi evolyutsiya qilmaydi, balki uning DNKsidagi genetik axborot o'zgaradi. Bu o'zgarish alohida organizmda yuzaga chiqishi yoki yuzaga chiqmasligi mumkin. Agar genetik axborot nusxasini tashuvchilar soni ko'paysa, biologik evolyutsiya davom etadi, aksincha bo'lsa, bu nusxa yo'qoladi.

Madaniy evolyutsiyada ham shunday jarayon yuz beradi: "...evolyutsion prinsip universal hisoblanadi. U kosmosga ham spiralli tumanliklarga ham, yulduzlarga ham, yerga, o'simliklarga, yuqori qobiliyatlarga ega hayvon va insonlarga ham, shuningdek, u til va insonning tarixiy yashash shakllariga, jamiyat va madaniyatga, din va fanga ham birday qo'llanilishi mumkin"[1]. Farq shundaki, madaniy evolyutsiya genetik tarzda emas, balki o'rganish yoki taqlid qilish asosida ro'y beradi. O'zgarish, saqlanish va yangilanish biologik evolyutsiyaga ham, madaniy evolyutsiyaga ham xos. Faqat insonda bu axborotlar tasodif natijasida emas, balki umr davomida ongsiz ravishda to'planib boradi.

Madaniyat deganda inson qo'li bilan, ongi bilan yaratilgan obyektlar tushuniladi, ular tabiat yaratgan narsalar va jarayonlardan farqli, kiyim-kechak, qurol-aslaha, idish-tovoqlardan tashqari udumlar, til, ilmiy nazariyalar sifatida namoyon bo'ladi. Shu bilan birga yaratish xususiyati azaldan insonga xos xususiyat sifatida talqin etiladi.

Tabiatda hayvonlarning tizim yaratishga qodirligini kuzatish mumkin, masalan, qushlarning in qurishi, qunduzlarning in yasashi, ba'zi qushlarning boshqa qushlardan qo'shiqlar o'rganishi. Bular ham o'ziga xos madaniyat bordek. Ammo inson madaniyati ongli yo'nalgan xatti-harakatlardan iborat bo'lib, nasli mexanizmlar asosiy natijasi hisoblanmaydi.

O'zining faol ta'sir doirasi bilan tabiiy tanlanish madaniy evolyutsiyada xuddi biologik evolyutsiyadagi kabi ta'sirga ega. Agar insonlarda yashash va nasl qoldirish uchun yangi axborot paydo bo'lsa, ular undan foydalanib, yanada ko'proq nasl qoldirishi va ularga o'z bilimni qoldirishi mumkin bo'ladi. Shu sababli aynan tabiiy tanlanish natijasida insoniyat madaniy yutuqlarni qo'lga kiritgan, ya'ni terib- termachilik va ovchilikdan dehqonchilikka o'tgan. Lekin madaniy evolyutsiya davomida axborotning tarqalishi birgina reproduktiv, ko'payish jarayoniga bog'liq emas. Genetik axborotdan farqli ravishda madaniy axborot faqat avlod emas, balki o'qitish va taqlid natijasida egallanishi mumkin. Qadimda ayrim axborotlarga taqiq qo'yilgan bo'lsada, agar u inson faoliyati, uning xavfsizligi, biror bir narsani topishi bilan bog'liq bo'lsa unga ega bo'lish zarurati baribir kuchli bo'lgan.



Shuni aytish kerakki, madaniy evolyutsiya biologik evolyutsiyadan farqli ravishda undan sermahsulroqdir. Biologik evolyutsiyada zararli genetik axborotdan voz kechish natijasida biror bir tur butunlay yo‘q bo‘lishi mumkin. Bundan tashqari yangi seleksiya noyob genetik belgilar, juda foydali bo‘lgan boshqa belgilarning yo‘q bo‘lishiga sabab bo‘lishi ham mumkin. Insonda bu holat boshqacha tarzda yuz beradi. U aqlini ishlatgan holda o‘zini halok bo‘lishdan asrab qolishi mumkin. U ixtiro qiladi va eski g‘oyalar o‘rniga yangi g‘oyalar bilan almashtiradi. Shuning uchun madaniy evolyutsiya tezroq va mahsulliroq tarzda davom etadi.

Mumtoz falsafa va epistemologiya insonning barcha xatti-harakati shuningdek, kognitiv harakatlari ham genetik omillarga emas, balki madaniyatga bog‘liq deb ko‘rsatiladi. Evolyutsion epistemologiyada esa, bu holat biologik evolyutsiya natijasida ro‘y beradi. Insonning fiziologik xatti-harakatli madaniy evolyutsiyaning boshlanishiga turtki bo‘lib, yashashga moslashishini oshirgan. Bunday evolyutsiya keyinchalik genetik biriktirib qo‘yilgan, deya talqin etadi.

Bugungi kunda evolyutsion epistemologiya negizida yana qator fanlararo yo‘nalishlar borki, ularning har birida bilish o‘ziga xos shaklda talqin etiladi. Konstruktivlik, enaktivlik, biosemiotika kabi qator yo‘nalishlar insonning bilish tizimiga alohida jarayon emas, balki uning mavjudligi, tanasi, atrof-muhit bilan aloqadorlikda o‘rganadi.

Shunday yo‘nalishlardan biri konstruktivlik bo‘lib, u yangi yo‘nalish sifatida XIX asr oxiri – XX asr boshlarida shakllandi, o‘tgan asrning 20-30-yillarida asosan arxitektura, san‘at, adabiyot, muhandislik-texnik nazariyasi va amaliyoti kabi turli sohalarda rivojlandi. Unga doir ilk fikrlar Yevklid, I.Kant, Frege, Dingler, J.Piaje kabi olimlar va faylasuflarning asarlarida uchragan.[2] Bir qarashda falsafaga uzoq bo‘lgan bu yo‘nalish postnoklassik falsafada o‘ziga xos yo‘nalishni vujudga keltirdi. Konstruktivlik dunyoga, insonga va bilishga universal yondashuvni taklif qildi. “Konstruktivlik deganda, birinchi navbatda epistemologiya va fan falsafasidagi yo‘nalishni, subyekt tasvirlar, tushunchalar va mulohazalarni hosil qilishda ishlatadigan maxsus reflektiv jarayonlarni tushunish kerak”[3]. Demak, maxsus reflektiv jarayonlar konstruktivlik sanaladi. Ye.Knyazevaning “Enaktivlik: epistemologiyada konstruktivlikning yangi ko‘rinishi sifatida” nomli monografiyasida konstruktivlik haqida quyidagi mulohazani uchratamiz: “Epistemologiyadagi konstruktivlik – bu shunday yondashuvki, uning doirasida inson idrok va fikrlash jarayonlarida atrofdagi dunyoni aks ettirmaydi, balki uni faol ravishda yaratadi, quradi. Ushbu yondashuv genetik epistemologiya yoki bolaning rivojlanish psixologiyasi asosida – Jan Piaje, tizim nazariyasi va kibernetikada – Xaynts fon Fyorster, antropologiyada–Gregori Baytson, idrok psixologiyasida –Ulrik Nayser, psixoterapiyada–Pol Vatslavik, kognitiv psixologiyada–Ernst fon Glazersfeld, neyrobiologiya va kognitiv fanlar doirasida –Umberto Maturana va Fransisko Varela kabi turli xil sohalar doirasida turli mualliflar tomonidan ishlab chiqilgan”[4]. Bu yondashuv bizning mahalliy olimlarimiz tomonidan ham o‘rganiladi. M.Abdullayeva “Konstruktivizmning asosiy g‘oyasi, bizni o‘rab turgan dunyoni tafakkur va idrok etish jarayonlarida aks etishdan ko‘ra, uni konstruksiyalashtirishimizdir” [5] deb hisoblaydi. O‘zbek olimlaridan G.Sultanova konstruktivlik haqida bunday deydi: “...ilmiy tafakkur tarzi kreativ konstruktivligi olamning ilmiy manzarasi, fan paradigmatlari, ilmiy inqilob va fan metodologiyasiga ta’sir qiladigan, yuzaga kelgan kashfiyotlarga metanazariy ma’no va umumlashma beradigan, istiqbolni ko‘rsatadigan yoki aksincha, o‘zi tubdan o‘zgarishi mumkin bo‘lgan kognitiv-intellektual, ma’naviy-ruhiy hosiladir”[6]. G.Sultanova epistemologiyadagi konstruktivlikni chuqur o‘rgangan va kreativlik bilan aloqasini tekshiradi.

Konstruktivlik negizida enaktivlik konsepsiyasi vujudga kelgan. Enaktivlik konstruktivlikning yangicha ko‘rinishi bo‘lib, Y.Knyazevaning aytishicha, kognitiv fan va epistemologiyaning yangi konseptual sohasi, konsepsiyasi sanaladi. Ushbu konsepsiyada katta kognitiv jarayonlar manzarasi hosil bo‘ladi, unda miya inson tanasining qismi sifatida, tana bilish vositasi sifatida, izlanuvchi va biluvchi tana sifatida tekshiriladi. Enaktivlik konsepsiyasi evolyutsion epistemologiyaga, fanlararo yoki transfanlararo sohalarga tayanadi. Enaktivlik evolyutsion epistemologiyaning savollariga javob izlaydi[7]. Bu jihatdan enaktivlik evolyutsion epistemologiyani nazariy jihatdan boyitadi.

Biosemiotika – yangi ikki fan, semiotika va biologiyaning qo‘shilishidan hosil bo‘lgan fanlararo tadqiqot yo‘nalishi bo‘lib, o‘z ichiga biologik va falsafiy fanlarni, shu bilan birga lingvistik fanlarni ham qamrab olgan yondashuvdir. Bu fan barcha tirik mavjudotlardagi belgi va signallarni o‘rganadi va tadqiq etadi. Ushbu yo‘nalishga Y. fon Iskyul asos solgan, u tirik organizmlarning kognitiv va hayot jarayonlarini o‘rganib, undagi o‘ziga xosliklarini atash uchun **“Umwelt”** atamasini kiritadi. Tirik organizmlar insonmi, qushmi, chumolimi, turli dunyolarda yashaydi, har bir tur o‘z tanasi tuzilmasiga javoban o‘zining tirik qolishi uchun kerak bo‘lgan axborotnigina idrok etadi. Birgina inson bilan qush olinsa, ularning har biri dunyoni o‘zicha tushunadi va idrok etishi ham turfa. Bu o‘rinda “Umwelt”ning asosiy jihati bu tirik organizmlarning o‘ziga xosligida va unga zarur bo‘lgan ma‘noni izlab topishida aks etadi. Iskyulning fikricha, “Umwelt” insonlardagi “subyektiv olam”ni va “jonivorning tashqi olami”ni ifodalaydi va tashqi atrof-muhitni organizmlar qanday idrok qilishi va bu idrok ularning xatti-harakatiga qanday ta‘sir o‘tkazishini aniqlashga qaratilgan. Ushbu fikrining paydo bo‘lishiga I.Kantning “narsa o‘zida” fikri asosiy sabab qilib ko‘rsatiladi. Unga ko‘ra, inson faqat sezgilar beradigan narsalarning mohiyatini bila oladi. Iskyul ham shu fikrda. U har bir organizm o‘zi uchun kerak bo‘lgan bilimlarni hosil qilib borishini aytadi. Demak, Umwelt bu har qanday biologik tur yoki alohida mavjudot o‘zi uchun quradigan va moslashgan o‘ziga xos atrof-muhit hisoblanadi.

Organizm, bilish mexanizmi, doimo harakat bilan bog‘liq. Enaktivlik bu organizmning dunyodagi harakat jarayoni. F.Varelaning fikricha, “meni o‘rab turgan olam va bu dunyoda men o‘z o‘rnimni topish uchun qilayotgan harakatim bir-biri bilan uzviy bog‘liq. Bilish bu aktiv faollik, tashqi va ichki deb ko‘ringan narsalarning bir-biri bilan aloqadorlikda ekanligidir”[8]. Olam subyektiv ham emas, o‘z-o‘zicha erkin ham emas, balki tananing va psixomotor qobiliyatlarning bilishi orqali aniqlanadi. Enaktivlik tana determinatsiyasidan ajratilmagan. Olam doim biluvchi va uni o‘zlashtiruvchi tirik organizm tomonidan muttasil bunyod bo‘lib, yaratilib boriladi. Har qanday tirik organizm hayotda o‘zining ekologik muhitiga ega, xuddi shuningdek, bilish jarayonida har bir organizm o‘zi tanlagan va moslasha olgan kognitiv muhitini ham yaratadi.

Inson evolyutsion shakllangan, mezokosmik mavjudot bo‘lib u o‘rta fazoviy o‘lchamda, u unga evolyutsion moslashgan. Noklassik epistemologiya subekt va obyekt, inson bilan atrof-muhitni ikkiga ajratmaydi. Bilish jarayoni bu dunyo va insonning raqsidir [9] va bu raqs ularning o‘zaro roziligi asosida, bir-birini to‘ldirib, biri-biri bilan kelishib faoliyat olib borishini anglatadi.

**Xulosa** qilib aytganda, vujudga kelgan yangi fanlararo yo‘nalishlar epistemologiyani yangi qirralarini ochishga, unga yangi tomonlama qarashga xizmat qiladi. Evolyutsion epistemologiyaga ko‘ra, har bir inson tirik tizim sifatida olamdagi fakt va isbotlarga duch kelish

natijasida atrofdagi olam haqida bilmoqchi bo'lgan narsalar va bilgan narsalarni bilishi hamda his-tuyg'ular va kechinmalar ostiga quriladi. Inson mavjudligining o'zi kognitiv bilish jarayoni hisoblanadi. Ushbu holat inson qiziquvchanligidan, tadqiq etuvchilik xususiyatiga egaligidan kelib chiqadi.

Har bir yangi yo'nalish bilishni yangi qirralarini ko'rsatadi, bilishga yangicha yondashuvni shakllantiradi. Bu esa falsafa oldiga yangi savollar qo'yib, yangi tadqiqot va izlanishlar uchun yo'l ochadi.

#### **Adabiyotlar/Литература/References:**

1. Фоллмер Г. Эволюционная теория познания. М.1998.
2. Ополеп П.В. Энактивизм как эпистемология наук о сложном. Омский научный вестник. 2023.1. с.118-124
3. Ополеп П.В. Энактивизм как эпистемология наук о сложном. Омский научный вестник. 2023.1. с.66.
4. Князева Е. Энактивизм:новая форма констуктивизма в эпистемологии. – Москва.2014. –С. 5
5. Абдуллаева М.Н. Конструктивизм эпистемологияда // Глобаллашув шароитида фалсафа ва миллий ғоянинг долзарб масалалари мавзусидаги VI илмий-назарий семинар материаллари. – Т.: 2017. – Б. 32.
6. Султанова Г.С. Илмий тафаккур тарзида конструктив креативлик. Монография. – Самарқанд: “Самарқанд давлат чет тиллар институти” нашриёти, 2021. Б. 132
7. Энактивизм:новая форма констуктивизма в эпистемологии. –Москва. 2014. – с. 3-4
8. Uexküll J. von. Umwelt und Innenwelt der Tiere. В.: Verlag von Julius, 1909.
9. Bock N. Tanz mit der Welt. Von der Schlange, die sich selber in den Schwanz beißt. Vormerkungen zum Konstruktivismus und Kybernetik // Konstruktivismus und Kognitionswissenschaft. Kulturelle Wurzeln und Ergebnisse / Hrsg. von A. Müller; K.L. Müller. F. Stadler. Wien: Springer, 1997.

**Received:** 20 December 2024

**Accepted:** 5 January 2025

**Published:** 15 January 2025

*Article / Original Paper*

## **THEORETICAL-METHODOLOGICAL PROBLEMS OF THE STUDY OF CITIZENSHIP POSITION**

**Sulaymonov Makhmudjon Shukhratbekovich,**  
Freelancer at Andijan State Pedagogical Institute

**Abstract.** This scientific article reveals the social factors influencing the formation of citizenship in Uzbekistan and the reasons for the emergence of these factors, the need for healthy thinking and personal courage of our youth for the development of society at the present time.

**Keywords:** position, image of the head of state, stereotype, leader, person of the year, imperialism, state policy of youth, formation of civic position, economic indicators.

## **O‘ZBEKISTONDA FUQAROLIK POZITSIYASI SHAKLLANISHIGA TA’SIR KO‘RSATUVCHI IJTIMOY OMILLARNING FALSAFIY TAHLILI**


**Sulaymonov Maxmudjon Shuxratbekovich,**  
Andijon davlat pedagogika instituti erkin izlanuvchisi.  
E-mail: [maxmudjon.sulaymonov@gmail.com](mailto:maxmudjon.sulaymonov@gmail.com)

**Annotatsiya.** Ushbu ilmiy maqola O‘zbekistonda fuqarolik pozitsiyasi shakllanishiga ta’sir ko‘rsatuvchi ijtimoiy omillar va ushbu omillarning kelib chiqish sabablari, hozirgi vaqtda jamiyatning rivojlanishi uchun yoshlarimiz sog‘lom fikrlash zarurligi va shaxsiy jonbozlik ko‘rsatish masalalari ochib berilgan.

**Kalit so‘zlar:** pozitsiya, davlat rahbari imiji, stereotip, lider, yil odami, imperiyachilik, yoshlarning davlat siyosati, fuqarolik pozitsiyasini shakllantirish, iqtisodiy ko‘rsatkichlar.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V5I1Y2025N21>

**Kirish.** O‘zbekistonda fuqarolik pozitsiyasini shakllantirishga ta’sir ko‘rsatuvchi omillarni tahlil qilish orqali, ushbu jarayonni rivojlanish yo‘nalishlarini aniqlab olish mumkin bo‘ladi. Ma’lumki, ijtimoiy jarayonlarga turli omillar ta’sir ko‘rsatadi. Ularning mazmun-mohiyati turlicha bo‘lib, ta’sir natijasida vujudga keladigan oqibat ham turli ko‘rinishda bo‘lishi mumkin. O‘zbekistonda fuqarolik pozitsiyasini shakllantirish davlat va millat xavfsizligini ta’minlash, taraqqiyot va barqarorlikning muhim sharti bo‘lib, bu borada biror bir qarshi argument mavjud emas[1]. Ya’ni, fuqarolik pozitsiyasi shakllanmasligi natijasida paydo bo‘ladigan biror bir ijobiy, progressiv holat haqida ma’lumotlar yo‘q. Shunday ekan fuqarolik pozitsiyasini shakllantirishga ijobiy ta’sir ko‘rsatuvchi omillar va unga to’siq bo‘ladigan muammolarni chuqur tahlil qilish zarur bo‘ladi.



2.1-rasm. Fuqarolik pozitsiyasiga ta'sir ko'rsatuvchi omillar

Biz fuqarolik pozitsiyasiga ijobiy ta'sir ko'rsatuvchi omillarga quyidagilarni kiritgan bo'lar edik:

1. Davlat rahbarining imiji;
2. Yoshlarning davlat siyosatidan xabardorlik darajasi;
3. Yoshlarning siyosiy jarayondagi ishtiroki;
4. Iqtisodiy ko'rsatkichlar va ularning barqaror o'sishi masalalari;
5. O'zbekistondagi tinchlik va barqarorlik;
6. O'zbekistonning xalqaro hamjamiyatdagi o'rni va nufuzi.

**Adabiyotlar tahlili va metodologiya.** Davlat rahbarining imiji fuqarolarning davlat siyosatiga bo'lgan ishonchini mustahkamlaydigan, ularni o'z resurslarini safarbar qilishga undaydigan, zarur hollarda jarayonni turli tashqi salbiy ta'sirlardan himoya qilish uchun birlashtiradigan muhim ijtimoiy-siyosiy institutdir. Shu nuqtai nazardan ham qadim qadimdan, "Siyosatnoma", "Temur tuzuklari" va "Boburnoma" kabi siyosiy asarlarda davlat rahbar o'z obro' va e'tiborini ehtiyotkorlik bilan asrashi zarurligi, xalq ishonchi va hurmatiga jiddiy yondashuvi zarurligi takidlangan[2]. Jumladan, "Sohibqiron o'z tajribalariga tayangan holda podshoh quyidagilarga amal qilish zarur deb hisoblaydi: so'zda qat'iy, ishda sherik bo'lmasligi; har narsada adolatpesha bo'lishi, adolatli vazir saqlashi; mamlakatda buyruq va farmonlar berish faqat podshohning ixtiyorida bo'lishi; podsho hukmi joriy etilishi; podsho erkini boshqaga berib qo'ymasligi; har kimdan fikr olish, undan kerakli paytda foydalanishi; sipoh va raiyatga bog'liq masalalarda boshqalarning so'z va fe'liga qarab amal qilmasligi; podshoh haybati boshqalarni itoat va tobelikka tortib turishi; hukmini hurmatda tutishi: "Qaysi hokim hukmining ta'siri kaltaklash ta'siridan kamroq ekan, unday hokim hukumat yurgizishga yaroqsizdir, — deyiladi "Tuzuklar" da. Hozirgi globallashuv va axborotlashuv sharoitida davlat rahbarining imiji masalasi yanada dolzarb ahamiyat kasb etmoqda. Sohibqiron ta'kidlab o'tgan "Qaysi hokim hukmining ta'siri kaltaklash ta'siridan kamroq ekan, unday hokim hukumat yurgizishga yaroqsizdir" degan so'zlar siyosiy transformatsiya sharoitida yanada dolzarb ahamiyat kasb etmoqda. Endilikda jamiyat a'zolari nafaqat rasmiy manbalarda, balki internet

tarmog'i orqali norasmiy manbalarda ham rahbar haqidagi turli qarashlarni o'zida aks ettirgan ma'lumotlarni olishlari mumkin. Geosiyosiy tub ma'noga ega bo'lgan bunday xabarlarining hammasi ham obyektiv xususiyatga ega emas[3]. Ayrim hollarda mavjud faktlarni bo'rttirib yuborish, yolg'on ma'lumot tarqatish va o'quvchilarni chalg'itish hollari ham uchrab turadi. Bu esa davlatning axborot siyosatini yanada mukammal bo'lishi talab etadi. "Mustahkam axloqiy qarashlar, yuqori layoqatli rahbar, stereotiplardan yuqori bo'lish qobiliyati, o'zini adekvat baholash, javobgarlikni o'ziga ola bilishi kabi mahoratlari mojaroli vaziyatdan chiqib ketishiga yordam beradi." Hozirgi kunda dunyo miqyosida liderlarning yangi avlod shakllanmoqda. Ijtimoiy tarmoqlarda faol, norasmiy munosabatlarga usta va aholining turli qatlamlari bilan muloqotga tezda kirishib keta oladigan liderlarga bo'lgan ishonch yuqorilab bormoqda. Fuqarolik pozitsiyasi – davlat rahbari tomonidan yuritilayotgan siyosatga bo'lgan ishonchda ham aks etadi[4]. Agar davlat rahbarining tashabbuslari umummilliy xususiyatga ega bo'lsa, ilgari surilayotgan tashabbuslar keng jamoatchilik tomonidan qo'llab-quvvatlansa fuqarolik pozitsiyasi ham kuchayib boraveradi. Turli xil mish-mishlar, obro'sizlantiruvchi ma'lumotlarning ko'payishi esa fuqarolarning ishonchsizligiga sabab bo'lishi mumkin. Bunday fuqarolar agar o'z pozitsiyasini bildirishning mexanizmlarini topa olmasa asta sekinlik bilan atrofdagi jarayonlarga nisbatan loqaydlik bilan munosabatda bo'la boshlaydi. Bu esa davlat va xalq hayoti uchun salbiy oqibatlarni keltirib chiqaradi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning tashabbuslari xalqaro miqyosda ham munosib e'tirof etildi. Jumladan, Janubiy Koreyadagi Osiyo jurnalistlar assotsiatsiya Shavkat Mirziyoyevni "Osiyoda 2018-yilning odami" deb e'tirof etdi. Ushbu xabar haqidagi izohlarga e'tibor bersak, aksariyat foydalanuvchilar davlat rahbarining siyosatini qo'llab-quvvatlashi va prezident sifatida Shavkat Mirziyoyevdan faxrlanishi ma'lum qilganlar. Bu kabi xalqaro va milliy darajadagi e'tiroflar natijasida jamoatchilik, xususan yoshlar orasida o'z vatani, xalqi va davlatiga bo'lgan yuksak ishonch paydo bo'ladi. Amalga oshirilayotgan islohotlarning kelajagiga nisbatan daxldorlik hissi kuchayadi.

Shu nuqtai nazardan ham davlat rahbarining imiji hozirgi sharoitda muhim ahamiyatga ega bo'lgan masaladir. Mustaqil O'zbekiston o'zining uzoq yillik tarixiga ega emas. Davlatchilik tarixi uchun 20-30 yil juda qisqa muddat. Jamoatchilik tomonidan mavjud siyosiy institutlarga bo'lgan ishonch va hurmat bir zumda paydo bo'lib qolmaydi. Aholi, xususan yoshlar ham davlat tushunchasini prezident tushunchasi bilan uzviy ravishda tushunadi, davlat bo'lgan hurmatni prezidentga bo'lgan hurmat sifatida aynanlashtiradi. Bu yosh davlatimiz uchun mutlaqo tabiiy hodisa deb hisoblaymiz. O'nlab prezidentlariga ega, yuz yillik tarixga ega bo'lgan respublikalardagina milliy davlatchilik fundamental qadriyat sifatida qaror topgan. Shuning uchun ham XX asrda paydo bo'lgan Xitoy Xalq Respublikasi va Turkiya davlati kabi nisbatan yosh respublikalarda davlat rahbarlariga bo'lgan yuksak hurmat shakllantirilgan va bu fuqarolik pozitsiyasining muhim elementidir. Jumladan, Xitoy xalq respublikasining asoschilaridan bo'lgan Mao Sedun misolida ushbu masalani ko'rib chiqsak. Tadqiqotchilarning fikricha, maoizmning qator qarama qarshiliklari va keltirib chiqargan oqibatlariga qaramasdan uni o'z davri uchun zamonaviy xususiyatga ega bo'lgan deb hisoblaydilar[5]. Shu bilan birga Xitoyda Mao Sedun hukmronlik yillarida yuz bergan salbiy xususiyatga ega voqealarni chuqur tahlil qilish va revizionistik yondashuv qoralanadi. Bu esa milliy davlatchilik asoslarini mustahkamlashga xizmat qiladigan eng muhim masaladir. O'zbekistonda ham mustaqilligimiz asoschisi bo'lgan O'zbekiston Respublikasi birinchi Prezidenti Islom Karimov merosi munosib

qadrlash uchun shart-sharoit yaratilmoqda. Shu bilan birga ayrim o‘rinlarda milliy davlatchiligimizga daxldor bo‘lgan masalalarda yoshlarni shubha va gumonlanishga sabab bo‘ladigan, bir yoqlama qarashlarni targ‘ib qilish orqali fuqarolik pozitsiyasining asoslariga putur yetkazishga qaratilgan urinishlar ham sezilib qolmoqda.

**Natijalar va muhokama.** Shu nuqtai nazardan siyosiy lider – davlat rahbarining imiji masalasiga xorijiy tajriba va milliy xususiyatlardan kelib chiqib yondashish zarur bo‘ladi. Bunda jamoatchilik, xususan yoshlar orasida davlat rahbarining imijini yanada yaxshilash choralari ko‘rish orqali fuqarolik pozitsiyasini yanada mustahkamlash imkoniyati ortib boradi. Shu bilan birga davlatchilik qadriyatlarini mustahkamlash nuqtai nazaridan O‘zbekiston Respublikasi birinchi Prezidenti faoliyatiga ana shu davr nuqtai nazaridan va mamlakat mustaqilligining asoschisi sifatida yondashish maqsadga muvofiqdir.

O‘zbekistonda yoshlarning fuqarolik pozitsiyasini mustahkamlashga xizmat qiladigan muhim omillardan biri ularning siyosiy faolligidir[6]. Siyosiy partiyalar tomonidan yaratilgan mafkuraviy maydondagi siyosiy faollik qonun doirasida, maqsadga yo‘nalgan va milliy manfaatlarga xizmat qiladigan bo‘ladi. Yoshlarning siyosiy faolligi ma‘lum bir mafkuralarning to‘g‘ri ekani, ularning mamlakat taraqqiyotiga ko‘proq xizmat qilishiga ishonch asosida quriladi. Siyosiy partiyalarning o‘zaro qarama qarshiligi raqobat muhitida vujudga keladigan madaniy, siyosiy va g‘oyaviy kurash ko‘nikmalarini shakllantirishga xizmat qiladi. Yoshlarning liberal-demokratik, konservativ yoki so‘l partiyalar ta‘siridagi kurashuvchanlik kayfiyati kelgusidagi suverenitetga qarshi qaratilgan tashqi kuchlarning ana shunday mazmunga ega bo‘lgan buzg‘unchilik harakatiga qarshi kurashiga asos bo‘lib xizmat qiladi.

Hozirgi murakkab global jarayonlarning rivojlanish tendensiyasi noaniq va ko‘p vektorli. Bir biriga bog‘liq bo‘lmagan turli nuqtalardagi qarama qarshiliklar uzoq yillar davomida saqlanib kelgan global tizimni asta-sekin destruksiyasiga sabab bo‘lmoqda. Ayniqsa, sobiq SSSR hududi bu jarayonlar ayniqsa shiddat bilan ketmoqda. Imperiyachilik kayfiyatidagi kuchlar yosh, mustaqil davlatlarni suverenitetiga tahdid qilishi boshlandi. Bunday jarayonda mamlakat mustaqilligining muhim kafolati iqtisodiy va harbiy qudratidir. Shu bilan birga ushbu resurslar faqat mamlakat mustaqilligini himoya qilish va saqlab qolishning instrumenti xolos. Ularni ishga tushirib, real kuchga aylantiradigan katalizator esa fuqarolik pozitsiyasidir[7]. Fuqarolik pozitsiyasiga ega bo‘lgan shaxslar nafaqat milliy iqtisodiyotni rivojlantirishi, madaniy taraqqiyotni ta‘minlashi, eng asosiysi esa tashqi ta‘sirlardan himoya qiladigan asosiy kuchni tashkil qiladi. Bu jarayondagi kurashuvchanlikni ta‘minlaydigan maydon esa mamlakat ichkarisidagi siyosiy partiyalar o‘rtasidagi raqobat muhitidir. Siyosiy maydondagi qonun doirasidagi qarama-qarshiliklar natijasida yoshlarning siyosiy faolligini oshirish, ularning ma‘lum bir jarayonlarga nisbatan shaxsiy pozitsiyasini shakllanishiga olib keladi. Shaxsiy pozitsiyasi esa aynan siyosiy faollik natijasida fuqarolik pozitsiyasiga aylanadi.

Siyosiy partiyalarning faolligi masalalariga to‘xtalib o‘tar ekan, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev shunday degan edi: “Ochiq aytish kerak, siyosiy partiyalarda bu sohada haligacha xotirjamlik, qandaydir mudrab o‘tirish kayfiyati hukm surmoqda. Hech kimga foydasi bo‘lmagan majlislar soatlab davom etmoqda, tanqidiy tahlil o‘rniga mayda masalalar bilan o‘ralashib, dolzarb muammolarning yechimi chetda qolib ketmoqda.

E‘tibor bering, har bir partiyaning dasturida vazifalar va yo‘nalishlar aniq belgilangan. Ushbu sohalar bo‘yicha javob beradigan vazirlik va davlat qo‘mitalari ham aniq.

Ammo nima uchun partiyalar ana shu vazirlik va qo‘mitalar faoliyati ustidan o‘zlarining vakillik organlaridagi fraksiyasi va partiya guruhlarini orqali parlament hamda deputatlik nazoratini samarali amalga oshirmayapti, degan savol tug‘iladi.” Davlatimiz rahbari tomonidan 2017 yilda qayd etib o‘tilgan ushbu masalalar hanuzgacha to‘la hal bo‘ldi deyish qiyin. O‘tgan davr mobaynida siyosiy partiyalar faoliyatiga axborot kommunikatsion vositalar kirib keldi, ularning ijtimoiy tarmoqlardagi sahifalari faollashdi. Jamiyatda ham siyosiy madaniyat ma‘lum bir darajada yuksaldi. Lekin, hozirgi murakkab geosiyosiy jarayonda vatanparvarlik darajasidagi siyosiy faollikni yaqqol namoyon bo‘lmoqda deyish qiyin. Albatta, bu borada keng qamrovli sotsiologik tadqiqotlar o‘tkazilmagan, yoshlarning siyosiy faolligini umummilliy miqyosda aniqlab beradigan sotsiologik tadqiqotlar o‘tkazilmagan[8]. Lekin, ayrim tadqiqotchilar tomonidan yondosh mavzularda o‘tkazilgan tadqiqotlar O‘zbekistonda axborot makonida siyosiy faollik ancha yuqori ekani qayd etib o‘tilgan.

**Xulosa.** Mustaqillikning ilk yillarida siyosiy partiyalarning ijtimoiy barqarorlikka xavf soluvchi, jamiyatning bir necha guruhlariga bo‘lib yuborishiga xizmat qiladigan kuch sifatida qarash shakllandi. Chunki, ana shu davrdagi siyosiy madaniyat va siyosiy partiyalarning faoliyati, ular bilan olib boriladigan muloqot darajasi ancha past edi. Chunki, sobiq SSSRda shakllangan har qanday o‘zgacha fikrga nisbatan shubha va gumon bilan qarash, bunday fikr egalari yo‘q qilib yuborishga intilishning ayrim elementlari saqlanib qolgan edi. Endilikda jamiyatning siyosiy madaniyati ham, siyosiy elitaning siyosiy partiyalarga munosabati ham o‘zgardi. Bugungi kunda O‘zbekistonda 5 ta siyosiy partiya qonun doirasida faoliyat ko‘rsatyapti va ularning a‘zolariga nisbatan taqib va tazyiqlar haqida ma‘lumotlar mavjud emas. Shunday ekan endilikda siyosiy partiyalar ham o‘z faoliyatiga nisbatan yangicha yondashuvni ishlab chiqishi kerak bo‘ladi. Chunki, siyosiy faollik va amaliy shakli hisoblangan siyosiy partiyalar faoliyatida ishtirok etish orqali fuqarolik pozitsiyasi shakllandi. Monarxiyadagi qirolga yoki podshohga sadoqat, diniy davlatdagi ilohiy qoidalar orqali mustahkamlangan hukumatga so‘zsiz itoat etish kabi huquqiy davlatda fuqarolik pozitsiyasi davlat va jamiyat barqarorligini saqlab qolishning asosiy shartidir.

Monarxiyaga asoslangan davlatlarda uzoq yillik davlatchilik tarixi natijasida o‘nlab avlodlar qirol yoki podshohga, uning oilasiga hurmat va sadoqat ruhida tarbiyalanadi[9]. Buyuk Britaniya va Yaponiya kabi monarxiyalarda yuz yillar davomida saqlanib kelayotgan an‘analari ham shundan dalolat beradi. Diniy aqidalar asosida boshqariladigan jamiyatlardan esa fuqarolar dunyoviy qonunlar bilan birga ilohiy qonunlar ham dolzarb ahamiyatga ega bo‘ladi. Bunda fuqarolar dunyoviy qonunlar bilan birga ilohiy qonunlar oldida ham javobgar bo‘ladi. Huquqiy davlatda davlatchilik asoslarini saqlab turadigan muhofaza instrumenti fuqarolik pozitsiyasidir. Shu nuqtai nazardan ham siyosiy faollik masalalari kun tartibidan tushmaydigan dolzarb bo‘lib qolaveradi.

#### Adabiyotlar/Литература/References:

1. <https://www.president.uz/uz/1876> - O‘zbekiston yoshlariga bayram tabrigi.
2. Тетиор Александр Никанорович (2017). Олигархия и плутократия - вырождение демократии. Евразийский Союз Ученых, (1-2 (34)).С- 30-34.
3. Мамедов, М.Н. Уважение гражданина и его прав в политико-правовых представлениях мыслителей античности / М.Н. Мамедов // История государства и права.- 2011. - № 24. – С. 5-8.



4. Karimov. I.A. O'zbekiston XXI asr bo'sag'asida: xavfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari. Toshkent, O'zbekiston: 1997. – B. 103.
5. <https://www.president.uz/uz/lists/view/5627> - O'zbekiston xalqiga bayram tabrigi
6. O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi, 1995 y., 12-son, 257-modda; O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2004 y., 51-son, 514-modda; 2010 y., 37-son, 313-modda; 2011 y., 41-son, 449-modda; 2017 y., 37-son, 978-modda; Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 04.12.2020 y., 03/20/653/1592-son; Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 21.04.2021 y., 03/21/683/0375-son
7. <https://yuz.uz/news/ona-tilimiz-tengsiz-boyligimiz-nomus-orimizdir> - Ona tilimiz tengsiz boyligimiz, nomus-orimizdir.
8. Smokotin V.M., Petrova G.I., & Gural S.K. (2018). Sustaining linguistic and cultural balance in multilingual South Africa. *Language and Culture*, (12), 34-43.
9. Бромлей Ю.В. Очерки теории этноса. – М., 1983. – С.58.

**Received:** 20 December 2024

**Accepted:** 5 January 2025

**Published:** 15 January 2025

*Article / Original Paper*

## **HISTORICAL AND SOCIAL FACTORS IN THE FORMATION OF THE MORAL VIEWS OF YUSUF KHOS KHAJIB**

**Berdaliyeva Sevara Damirovna,**

Teacher of the Department of “Pedagogy and Psychology”,  
Alfraganus University

**Abstract.** This article discusses in detail the historical and social factors that shaped Yusuf Khos Hajib's moral views. The article also presents the author's thoughts on the subject, excerpts from his work, and the opinions of various researchers, comparing and analyzing them. In addition, the historical significance of the work "Qutadgu bilig" is also revealed.

**Keywords:** spiritual value, great ideology, world, society, humanity, state, governance, duty, knowledge, intelligence, dignity, honesty, respect, consequence, decency.

## **YUSUF XOS HOJIBNING AXLOQIY QARASHLARINI SHAKLLANISHINING TARIXIY-IJTIMOY OMILLARI**

**Berdaliyeva Sevara Damirovna**

Alfraganus universiteti  
“Pedagogika va psixologiya”  
kafedrası o‘qituvchisi

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada Yusuf Xos Hojibning axloqiy qarashlarini shakllanishining tarixiy-ijtimoiy omillari haqida batafsil yoritilgan. Maqolada, shuningdek, muallifning mavzuga doir fikrlari, asaridan parchalar, turli tadqiqotchilarning fikr mulohazalarini taqqoslagan va tahlil qilgan holda yoritib beriladi. Bundan tashqari, “Qutadg‘u bilig” asarining tarixiy hamiyati ham ochib beriladi.

**Kalit so‘zlar:** ma’naviy qadriyat, buyuk mafkura, olam, jamiyat, insonparvarlik, davlat, boshqaruv, burch, bilim, zakovat, qadr, halollik, hurmat, oqibat, odob.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V5I1Y2025N22>

Yusuf Xos Hojibning “Qutadgu bilig” asari, o‘z davrining axloqiy, ijtimoiy va ma’naviy qadriyatlarini aks ettirgan muhim manbadir. “Qutadg‘u bilig” – buyuk mafkuraviy, falsafiy asar. Bobolarimizning yuz yilliklar osha bizga qoldirgan olam va jamiyat haqidagi qarashlari badiiy marjonga tizilgan kitob. Yusuf Xos Hojib o‘zining ilg‘or insonparvarlik qarashlari, davlat va jamiyat boshqaruvi, yurtning rivoji, davlatdagi turli mansab egalarining burchi, ularga qo‘yiladigan talablar, bilim va zakovatning qadri, halollik, kishilar o‘rtasidagi o‘zaro hurmat, oqibat, odob, ta’lim-tarbiya to‘g‘risidagi o‘y-fikrlarini asar qahramonlarining tilidan munozara-tortishuvlari asosida yoritib beradi. “Qutadg‘u bilig” asari o‘rta asrlarda turk dunyosidagina emas, butun Sharq adabiyotida shoh kitob sifatida dovruc qozondi. Shu bois ham asar bir necha avlod turkologlar tomonidan muntazam ravishda o‘rganilib, tadqiq etib kelinmoqda [6:4].

Asar, ideal inson, adolatli hukmdor va bilim olishning ahamiyatini ta’kidlaydi. Bugungi kunda ham bu g‘oyalar dolzarb bo‘lib qolmoqda. Zamonaviy hayotda ijtimoiy adolat, axloqiy

me'yorlar va ruhiy rivojlanish kabi masalalar doimo muhokama qilinadi. "Qutadg'u bilig" asarining g'oyalari o'z zamonida yuzaga kelgan muammolarni hal etishdan tashqari, hozirgi avlodlar uchun ham ma'naviy yo'l-yo'riq sifatida ahamiyatini yo'qotmagan. Uning axloqiy saboqlari, insoniyatni yanada yaxshi hayotga erishish yo'nalishida yo'naltiruvchi sifatida xizmat qiladi. Shunday qilib, Hojibning asari zamon bilan ajralmas bog'lanishga ega bo'lib, ma'naviy va ijtimoiy masalalarni hal qilishda muhim rol o'ynaydi, hayotimizning asosiy yo'nalishlarini belgilab beruvchi manba sifatida o'z ahamiyatini saqlab qolmoqda. "Mamlakatimizning zamonaviy va jozibador qiyofasini yaratish, Yangi O'zbekistonni barpo etish bugungi kunimizning asosiy vazifalaridan biridir[8:6].

"Bugungi kunda Yangi O'zbekistonda jadal ilgari surilayotgan Uchinchi Renessans g'oyasi ko'p jihatlari bilan qadimdan davom etib kelayotgan milliy va ma'naviy qadriyatlarimizga taalluqlidir. Shuning uchun ham ana shu davrda olib borilgan Sharq Renessansi davri allomalarining ilmiy-falsafiy merosini o'rganish borasidagi tadqiqotlarda asosan materializm ruhi ustuvorlik qilib, tarixiy haqiqatlar buzib ko'rsatildi[14:412]". Yosh avlod, bilim, ma'naviyat va kreativlik bilan to'ldirilgan bo'lib, kelajakda mamlakatimizni rivojlantirishda asosiy omil bo'ladi. Bugungi kunda, yoshlar o'z maqsadlariga erishish uchun zamonaviy ta'lim tizimi va innovatsion imkoniyatlardan foydalanmoqda. Ular global muammolarni yechishda, ijtimoiy adolatni ta'minlashda va iqtisodiy rivojlanishni qo'llab-quvvatlashda faol ishtirok etmoqdalar. Yoshlarning fikrlari va g'oyalari ijtimoiy o'zgarishlar uchun zarur yangi yondashuvlarni taklif etadi. Yoshlarni tarbiyalash va ularga yetarli imkoniyatlar taqdim etish jamiyatning muhim vazifasidir. Ularning madaniyat, san'at va sport sohalaridagi muvaffaqiyatlari, shaxsiy rivojlanish bilan birga, mamlakatimizning xalqaro maydondagi obro'sini ham oshiradi. Yoshlar kelajagimizdir, ularning bilim va mahorati bilan qudratli, barqaror va jozibador O'zbekistonni barpo etish mumkin. Shuning uchun, yoshlarning fikrlari va ishtiyoqi, har birimiz uchun katta ahamiyatga ega. Ularni qo'llab-quvvatlash va rag'batlantirish, kelajagimizni porloq qilish yo'lidagi eng muhim qadamdir.

Dastlab, Qoraxoniylar davlati haqida batafsil to'xtalib o'tsak, maqsadga muvofiq bo'ladi. "Qoraxoniylar davlati yoki qisqacha Qoraxoniylar – 840 — 1212-yillar oralig'ida O'rta Osiyo va Movarounnahrda hukmronlik qilgan turkiy sulola. Bu Markaziy Osiyoda barpo etilgan ilk turkiy-islomiy davlatdir". Ba'zi bir qarashlarga ko'ra, "Qoraxoniylar davlati qarluq turkiy qabilalariga mansub bo'lgan[6:58]". "389/999-yillarda Ilekxon (388-403/998—1013) qo'mondonligi ostidagi qoraxoniylarning hujumlari ularga Movarounnahr hududidagi hukmronlikni qo'lga kiritish imkonini berdi". Balxning shimoli, ya'ni Karaning yo'nalishi (tomoni) turk darvozasi. Janub darvozasi hind, g'arbiy darvozasi yahudiy, sharqiy darvozasi esa xitoy. Qora kuchli, ulug'vor va jasur degan ma'noni ham anglatadi. Shuning uchun ular bu nomni olishlari kerak edi. "Mahmud G'aznaviyga Xitoylar tomonidan berilgan "Qoraxon" atamasi ham xuddi shunday ma'noga ega. "Qora" buyuklik, balandlik va ustunlikni anglatadi". 840-yilda Yettisuv va Sharqiy Turkiston hududlarida "podshoh yag'ma" yoki "ilakxon" deb ataladigan Qoraxoniylar davlati paydo bo'ldi. "Tarixdan ma'lumki, Qoraxoniylar mamlakati O'rta Osiyoning Sharqiy hududlarida bir qancha turkiy urug'larning birlashuvi va qo'shilishi natijasida yuzaga keladi. Davlat asoschisi Abdulkarim Sotiq Bug'roxon edi. Uning urug'i turkiy qavmlarga mansub bo'lgan. Bug'roxon hamda avlodlari "Arslonxon" yoki "Qoraxon" ba'zan esa "Tabg'achxon" deb ulug'lanishgan, ushbu so'zning lug'aviy ma'nosi "ulug'", "buyuk" degan

ma'nolarni bildirib turgan. Mamlakat yuksalgan davrlarda uning hududiga bir qancha mintaqalar ham qo'shiladi. Bolasog'un shahri davlat poytaxti sifatida belgilanadi[4:19]".

X asrning ikkinchi yarmida esa bu davlatning saltanat darajasidagi rivoji boshlangan. Abdulkarim Sotuq Bug'roxon hokimiyatni qo'lga olib, o'zini "Qoraxon" sifatida e'lon qildi va bundan keyin Bug'roxondan kelayotgan barcha xonlar ham ushbu unvonga ega bo'ldi. 992-yilda Elikxon Bug'ra boshchiligidagi Qoraxoniylar qo'shini Movarounnahrda hujum uyushtirdi. Ushbu davrda Elikxon Nasr Buxoroga qaytadan hujum qilib, 995-996-yillarda Nuh II Sabuh Tegin boshchiligidagi kuchlar tomonidan to'xtatildi. 999-yilda esa Qoraxoniylar Buxoroni yana egallab, amir Abdul Malik II va uning oilasini asirga oldilar. Bu fojiali voqea Movarounnahrda hokimiyat muvozanatini Qoraxoniylar foydasiga keskin o'zgartirib yubordi. Qoraxoniylar davlati Koshg'ardan Amudaryogacha uzanib, Sharqiy Turkiston, Yettisuv, Shosh, Farg'ona va qadimgi So'g'd hududlarini o'z ichiga oldi. Bu zamonlar, qahr-g'azab va sadoqat to'la zaminlarda, ulkan bir imperiyaning tug'ilishi va qulashini kuzatishning guvohi bo'ldi. Qoraxoniylar, o'z kuchlari bilan, yurtning taqdirini belgilab, tarix sahnasida yangi sahifalar yozishga harakat boshlandi. 1005-yilgacha Somoniylarning so'nggi vakili al-Muntasir, Qoraxoniylar bilan qattiq kurash olib bordi, lekin raqiblarning soni g'alabani ta'minladi. Bog'dod xalifasining fatvosi bilan Elikxon Nasr ibn Ali Movarounnahrda o'z hukmronligini o'rnatdi. Qoraxoniylar bu yerlarni egallagach, dehqonlar tabaqasini yo'q qilib, ularning yer va suvlarini davlat mulkiga aylantirdilar. Elikxon Nasr 1012-yilda vafot etganidan so'ng, uning o'rnini ukasi Ali Tegin egalladi. Bu voqealar tarix sahnasida yangiliklar bilan to'lgan bir davrni belgilab berdi, qahramonlarning taqdiri esa o'zgaruvchan va g'aroyib edi.

Qoraxoniylar Amudaryo vodiysi uchun G'aznaviylar davlatiga qarshi urush olib boradi va XI asr oxirida Saljuqlarning kuchayishi bilan bo'ysunadi. Elikxonning dastlabki poytaxti Uzgenda joylashgan bo'lib, keyinchalik Samarqandga ko'chiriladi. Buxoro ham Samarqandga bo'ysunadi. Qoraxoniylar Samarqand, Buxoro va Binkentda ko'plab arxitektura obidalarini qurishdi, jumladan, saroylar, masjidlar va madrasalar, musulmon dinining nufuzini mustahkamlashda katta hissa qo'shdilar. "Davlat chegaralarida islom dini tez sur'atlarda tarqaldi. Qoraxoniylar o'z hududlarini Somoniylar sulolasiga tegishli joylar hisobiga kengaytirish maqsadida faol harakat qildilar. Bu davrda Somoniylar chuqur siyosiy va iqtisodiy inqirozga duch kelib, kuchsizlandi. Shunday murakkab sharoitda Qoraxoniylar Buxoroni deyarli qarshiliksiz egallab olishdi. Ammo Hasan Bug'roxon betob bo'lganligi sababli Buxoroda uzoq turmay, Qashqarga qaytayotganda vafot etdi. 996-yilda Qoraxoniylar yana Movarounnahrda yangi yurish boshladilar. G'aznaviylar bilan olib borilgan muzokaralar natijasida shartnoma imzolandi, bunda Sirdaryo havzasi Qoraxoniylar nazoratiga o'tdi [5]". Amudaryoning janubidagi hududlar va Xuroson Sabuktegin tomonidan boshqariladigan qilib belgilandi. 1006- va 1008-yillarda Qoraxoniylar Xurosonga hujum qilib, Balx, Tus va Nishopur shaharlarini zabt etdilar. Biroq Sulton Mahmud G'aznaviy Qoraxoniylarga zarba berib, Xurosonni o'z qo'lida saqlab qoldi. G'aznaviylar, o'zlarining yer berib homiylik qilgan Saljuqlarga qarshi ziddiyatlarga kirishdi va bu jarayonda muhim harbiy to'qnashuvlar ro'y berdi. 1040-yilda Dandanakon jangida G'aznaviylar Saljuqlardan jiddiy zarba olib, o'zlarini qayta tiklash imkoniyatiga ega bo'lmadi.

Ushbu inqirozdan esa Qoraxoniylar mahalliy hukmdor Ibrohim Bo'ritegindan foydalandilar, u dastlab G'aznaviylardan Xuttalon, Vaxsh va Chag'oniyon hududlarini egallashga muvaffaq bo'ldi. "Keyinchalik u Movarounnahr va Farg'onani butunlay o'z nazorati ostiga olib,

mustaqil siyosat yurita boshladi. Natijada, 1040-yilga kelib, Qoraxoniylar davlati ikki mustaqil qismga bo'linib ketdi: G'arbiy xoqonlik (Samarqand, Buxoro, Xuttalon, Chag'oniyon)da somoniylar davrida mavjud bo'lgan boshqaruv tizimi (bosh vazir, moliya ishlari, davlat rasmiy hujjatlarini ishlab chiqish, soqchilar boshlig'i, xat-xabarlar, saroy ish boshqaruvchisi, muhtasib, vaqflar, qozilik ishlari devonlari) saqlanib qolgani ma'lum. Shuningdek, viloyat boshliqlarini hokim, shahar boshlig'ini rais deb atash rasmi ham o'zgarmagan[5]". Sharqiy qismga Yettisuv, Qashqar, Taroz, Isfijob, Shosh va Sharqiy Farg'ona kirib, uning poytaxti Bolasog'un bo'ldi, madaniyat markazi esa Qashqar sifatida rivojlana boshladi. G'arbiy qismi Movarounnahrda Farg'ona vodiysining g'arbiy chegarasigacha bo'lgan hududlarni o'z ichiga oldi va uning markazi Samarqand edi. Qoraxoniylar davlati ikkiga bo'lingach, ularning o'rtasida sulolaviy kurashlar, yerga egalik qilish tartibining kengayishi va mahalliy hokimlarning kuchayishi markaziy hokimiyatni zaiflashtirdi. Natijada, 1130-yilda Qoraxoniylar Saljuqiylar hukmdori Sulton Sanjarga bo'ysunishga majbur bo'ldilar. XII asrning 30-yillari oxirida sharqdan kelgan ko'chmanchi Qoraxitoylar tomonidan amalga oshirilgan hujum natijasida Qoraxoniylar davlati parchalanib ketdi. Biroq, bu buyuk sulola, garchi tarqoq holda bo'lsa-da, XIII asr boshiga qadar mavjudligini saqlab qoldi. 1212-yilda Qoraxoniylarning so'nggi vakili Usmon ibn Ibrohim Alouddin Muhammad Xorazmshoh tomonidan qatl etilgach, Qoraxoniylar sulolasi tarixi sahnasidan rasman yo'q bo'lib ketdi. Ularning o'tkir kuchlari va buyuk meroslari, hozirgi kunda ham unutilmas yodgorliklar sifatida yodda qolmoqda.

Toshko‘prizoda o‘z asarida shunday yozadi: “Hozirgacha ko‘rib chiqilgan ilmiy tasniflardan qat‘iy nazar, barcha fanlar asosan ikki asosiy qismda ko‘rib chiqilgan. Bular aqliy va diniy. Lekin, fanlar xoh diniy, xoh aqliy bo‘lsin, ularning maqsadi ma‘rifatulloh (Allohni bilish)dir. Shuning uchun, inson haqiqiy olim bo‘lishi uchun u tasniflanadigan barcha fanlarni bilishi kerak. Biroq, fanlarni o‘rganishda ko‘proq ehtiyotkorlik va tayyorgarlik bo‘lishi lozim. Buning uchun diniy ilmlarni kuchli bilish talab etiladi. Chunki aqlning o‘zi uni haqiqatga aylantira olmaydi. Qur‘onda barcha fanlar mavjud. Biroq, inson ongi o‘z-o‘zidan buni tushunish

uchun qodir emas. Aynan shu sabab islom dini orqali vujudga kelgan ilmlar kuchli, mukammal asosga ega hisoblanadi. Bu ilmlarni puxta o'zlashtirgan kishilarning dunyoqarashini mustahkamlanib, abadiy saodatga erishadilar" [4; B.20.]. Bu o'rinda Ahmad Toshko'prizoda bilan Muslihuiddin Mustafoning qarashlari o'rtasida unchalik katta farq yo'q. Chunki ikki mutafakkir ham foydali fanlar to'g'risida bir xil fikrni ilgari surishgan.

**Natijalar.** "Mavduot al-ulum" asari nafaqat o'z davrida balki, keyingi davrlarda ham ko'pgina olimlarning ilmiy tadqiqotlariga turtki bo'lgan. XVII asrda yashab ijod etgan turk olimi – Hoji Xalifa (Kotib Chalabiy) "Kitob kashf az-zunun an-asami al-kutub va-l-funun" nomli asarini yozishda Toshko'prizodaning "Mavduot al-ulum" asaridan foydalangan. Turk olimining o'z davrida mavjud bo'lgan barcha ilmlarni juda mukammal shaklda bayon etgan tasnifi o'zidan oldin o'tgan Toshko'prizodaning tasnifini nafaqat saqlab qolgani va uning an'analarini davom ettirganini, balki ularni ma'lum darajada to'ldirganini va rivojlantirganini qayd etish lozim.

Shuningdek, 1741-yilda Istanbulda Usmoniyar imperiyasi madrasalarida darslik sifatida o'qitish uchun Fransiya elchixonasi buyurtmasiga asosan yozilgan "Kavakib al-sabo" asarida ham "Mavduot al-ulum" dan foydalanilgan. Undan tashqari XIX asrning ikkinchi yarmida mashhur hind olimi Hasan Kannujiy "Abjad al-ulum" asarini yozishda bevosita "Mavduot al-ulum" asaridan va Kotib Chalabiyning "Kashf al-zunun an-asami al-qutub va al-funun" nomli risolasidan keng foydalangan.

Tasnifdan muallif arab tili, xati va uning boshqa jihatlariga alohida e'tibor bergani ko'rinib turibdi. Boshqa olimlardan farqli o'laroq Toshko'prizoda mantiqni metafizika va fizikadan ajratib, yakka holda bayon etgan. Ammo mantiq bilan bir tarmoqda ko'pgina olimlar din uchun xizmat qiluvchi (bahs ilmi, munozara olib borish ilmi va hokazolarni) deb hisoblagan ilmlarni bayon qilish juda katta qiziqish uyg'otadi. Olim tasnifining o'ziga xos xususiyatlaridan yana biri – riyoziyot ilmlarini, barcha tarmoqlari bilan birgalikda, nazariy falsafaning mustaqil tarmog'i sifatida ko'rsatishidir. Toshko'prizoda tasnifida ko'zga tashlanuvchi tomonlardan yana biri – shariat va botiniy ilmlarni o'z tasnifining oxirgi o'ringa surib qo'yganligidir.

Toshko'prizoda dastlab yozuv ilmini tasniflar ekan, uni ikki qism (yozuv san'ati va oddiy harflarning yozilishi)ga ajratgan. Yozuv ilmining bu tarzida tasniflanishida olimning yozuvni to'g'ri yozish qoidalari, uning amaliyoti, turli xat yo'nalishlari, harflar yordamida shakl yaratish (xattotlik san'ati), arab yozuvi imlosining xususiyatlari, Qur'on va aruz yozuvi haqidagi bilimlarni inobatga olganligi e'tiborga molik. Yozuv ilmiga birinchi navbatda e'tibor qaratilganligi esa, bu ilm mutafakkir nazarida inson bilimlarini saqlash, targ'ib etish va keyingi avlodga yetkazish uchun juda muhimdir.

Toshko'prizoda so'z ilmini oddiy so'zlar, murakkab so'zlar va arab ilmi kabi qismlarga ajratgan holda tasniflaganligi mantiqiy va ilmiy jihatdan to'g'ri shakllantirilgan. Mantiqni esa xatodan saqlanish ilmiga bog'laganligi ham aksariyat olimlar tomonidan ijobiy baholanadi. Chunki mantiq mazmunan to'g'ri tafakkur qonuniyatlarini belgilab berishini inobatga olsak, bu o'rinda ushbu tasnif ilmiy mulohazalar asosida to'g'ri shakllantirilgan.

Undan tashqari olim nazariy falsafani metafizika (teologik ilm), tabiatshunoslik (tabiiy fanlar), matematik ilmlarga ajratgan holda tasniflagan. Matematik ilmlarni geometriya, astronomiya, sonlar, musiqa haqidagi ilmlarga bo'lgan. Ko'rinib turibdiki, Toshko'prizoda ham antik yunon faylasuflari singari musiqa ilmini aniq fan sifatida tasniflagan. Ya'ni u mazkur ilmni hayratomuz (noodatiy) musiqa asboblari, raqs san'ati, tannoqlik (jozibadorlik) haqidagi ilm turlariga ajratgani holda ularni matematik ilmga bog'lagan.

Amaliy falsafaning tasnifi ham muhim ahamiyatga ega. Unga ko'ra, amaliy falsafa 3 ta ilmga: axloq, uy yurgizish ilmi (iqtisod) va siyosatga ajratiladi. Siyosat ham o'z navbatida 3 ta ilmga: podshoh axloqi, vazir axloqi, harbiy boshqaruv va armiya haqidagi ilmga bo'linadi. Toshko'prizoda amaliy falsafani tasniflashda Xorazmiy ta'sirida qolgan. Bu yerda ilmlar vazifasiga ko'ra, etika – insonning o'zini-o'zi boshqarish, uy yurgizish – xonadon xo'jaligini boshqarish, siyosat – davlatni boshqarish turlariga ajratilgan.

Toshko'prizoda Tavhidiy, Suyutiy, Ibn Nadim, Ibn Xaldun, G'azzoliy va Roziylardan farqli ravishda amaliy falsafani diniy ilmlardan alohida, mustaqil holda tasniflagan. Bu jihat Kindiy, Xorazmiy va Ibn Sino singari mutafakkirlarda uchraydi. Bu mutafakkirlar bilan Toshko'prizodaning amaliy falsafaga yondashuvlari deyarli mos keladi.

Isomiddin Ahmad Toshko'prizoda islomiy ilmlarni o'ziga xos uslubda tasniflagan ilk olim hisoblanadi. Chunki u o'zidan oldingi islomiy ilmlar tasnifidan farqli o'laroq shar'iy va botiniy ilmlarni eng quyi sohalarigacha tasniflab, har bir ilmning tarifi, mavzusi, maqsadi va foydali xususiyatlarini keltirib o'tgan. Bu esa madrasalarda tahsil olayotgan toliblarning shariat ilmini bosqichma-bosqich o'rganib borishlarini ancha qulaylashtirgan. Bu jihat Sharqning boshqa mutafakkirlarida uchramaydi. Shuningdek, mutafakkirning shariat ilmi tasnifi va ularning mazmuni bo'yicha yozib qoldirgan fikr-mulohazalari islom tarixi va madaniyatiga oid tadqiqotlar uchun muhim nazariy manba bo'lib xizmat qiladi.

Ma'lumki, islom ilmlari tasnifiga bag'ishlangan asarlarni tadqiq qilish asosida quyidagi tasniflar keltirilgani namoyon bo'ladi: 1. Nazariy va amaliy ilmlar; 2. Arabiy va arabiy bo'lmagan ilmlar; 3. Haqiqiy va haqiqiy bo'lmagan ilmlar; 4. Narsaga ehtiyoj sezadigan va narsasiz ilmlar; 5. Azhon (zehnlar) va alfoz (lafzlar)ga bog'liq ilmlar.

Ilmlarning yuqorida ko'rsatilgan ko'plab tasniflarga ajratilishi ilmiy va amaliy ahamiyatga molik ishlardan hisoblangan. Ya'ni dastlabki, o'rganuvchi bu taqsimlardan ilmlarning qaysi biri uning uchun zarur va yoki zarur emasligini bilishiga yordam bergan. Bilimlarni egallashda oddiylikdan murakkablik tomon borilgan. Kim qaysi ilmlarni o'rganmoqchi bo'lsa, eng birinchi, bu ilmning asoslarini va tamoyillarini o'rganishi shart qilingan, keyin sekin-asta nisbatan chuqur masalalarga o'tilgan. Toshko'prizodaning islomiy ilmlar tasnifida bu xususiyat birmuncha soddalashtirilib, har qanday inson uchun tushunarli tarzda bayon qilinganligi uning yuksak dunyoqarashga ega bo'lganligidan darak beradi. Ma'lumki, Toshko'prizoda singari aksariyat musulmon mutafakkirlari ham ilmlar tasnifida islomiy ilmlarga alohida urg'u berganlar.

**Xulosa.** Toshko'prizodaning ilmlar tasnifi masalasidagi tadqiqoti O'rta asr Sharq ilm namoyandalari ishini to'ldirdi. U nafaqat o'zidan oldin o'tgan olimlarning yutuqlarini o'zlashtirdi, balki ilmiy tafakkur rivojlanishiga munosib va sezilarli hissasini qo'shdi. Ilmlar tasnifining Toshko'prizoda tomonidan tadqiq qilinishi, to'ldirilishi, atroflicha tahlil qilinishi birinchidan, shu sohaning yanada rivojlanishiga qulay imkoniyat yaratgan bo'lsa, ikkinchidan, Sharq ilk o'rta asr olimlari bilan keyingi asrlardagi olimlar ijodini bog'lovchi ko'prik vazifasini bajargan.

Turli Sharq mutafakkir olimlari tomonidan ishlab chiqilgan va tadqiq etilgan ilmlar tasniflarini Ahmad Toshko'prizodaning ilmlar tasnifiga solishtirib uning "Mavduot al-ulum" asari keyingi O'rta asrlar ilmiy madaniyati va ma'naviy kurashi maydonida boshqa tasniflar orasida ilg'or o'rinlardan birini egallagan degan fikrga kelishimiz mumkin.

Umuman olganda Sharq olimlarining O'rta asrlarda qilgan ilmiy kashfiyotlari, yaratgan mukammal tasniflar nafaqat o'z davrida Sharqda va Yevropada katta ahamiyat kasb etdi. Keyinchalik ham ko'plab olimlar dunyoqarashiga ta'sir etib, G'arbda yangi ixtirolar va kashfiyotlarga, ilmiy tafakkurning yanada kengayishiga va rivojlanishiga asos bo'ldi. Ba'zi Sharq allomalarining ilmiy merosi esa hozirgacha o'z mazmun-mohiyati va ahamiyatini yo'qotmagan.

#### **Adabiyotlar/Литература/References:**

1. Ipşirli Mehmet. Taşkoprizade Kemaleddin Efendi, TDV İslam Ansiklopedisi, Ankara: Türkiye Diyanet Vakfı, 2011.
2. Duman Ali. Taşköprüzade Ahmed efendi ve Mevzu`atu'l-`ulum'da yer alan usul ve fikh ile ilgili ilimler, Gazi Üniversitesi Çorum İlahiyat Fakültesi Dergisi, 2004.
3. Taşköprüzade Ahmed Efendi. Mevzuatu'l Ulum, (çevirmesi – Mümin Çevik) Cild I. İstanbul, 1989.
4. Fahri Unan. Osmanli medrese ulemasi: ilim anlayisi ve ilmi verim, Kirgizistan-Türkiye Manas Universitesi, Fen-Edebiyat Fakültesi, Tarih Bölümü dergisi, 3 (5), 2003.

**Received:** 20 December 2024

**Accepted:** 5 January 2025

**Published:** 15 January 2025

*Article / Original Paper*

## **HUMAN BEAUTY AND ITS MORAL ASSESSMENT**

**Kahorov Pulotjon Khursanmurodovich,**

doctor of philosophy PhD

Associate dosent of the Department of Pedagogy and Physical Culture, Urgut Branch of Samarkand State University

**Abstract.** It examines the aesthetic and moral aspects of the concept of beauty, as well as the relationship between beauty and moral values. The article considers various cultural and social contexts in the assessment of human beauty, its alignment with moral norms, and the possible contradictions or complementarity between beauty and moral virtues.

**Keywords:** human beauty, moral assessment, aesthetics, moral values, beauty and morality.

---

## **INSON GO'ZALLIGI VA UNING AXLOQIY BAHOSI**

**Qaxorov Pulotjon Xursanmurodovich,**

Falsafa fanlari bo'yicha falsafa doktori PhD.

SamDU Urgut filiali Pedagogika va jismoniy madaniyat kafedrasi dotsenti

E-mail: [polatqahhorov@gmail.com](mailto:polatqahhorov@gmail.com)

**Annotatsiya.** Maqolada go'zallik tushunchasining estetik va axloqiy jihatlari o'rganiladi, go'zallik va axloqiy qadriyatlar o'rtasidagi munosabatlar tahlil qilinadi. Inson go'zalligining turli madaniy va ijtimoiy kontekstlarda qanday baholanishi, uning axloqiy me'yorlarga mosligi, shuningdek, go'zallik va axloqiy fazilatlarining bir-birini to'ldirishi yoki qarama-qarshilikka kelishi mumkinligi ko'rib chiqiladi.

**Kalit so'zlar:** inson go'zalligi, axloqiy baho, estetika, axloqiy qadriyatlar, go'zallik va axloq.

---

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V5I1Y2025N24>

**Kirish.** Inson go'zalligi va uning axloqiy bahosi mavzusi, insoniyatning ijtimoiy, madaniy va falsafiy tarixida doimiy ravishda muhokama qilinib kelgan. Go'zallik tushunchasi har bir jamiyatda va har bir davrda turlicha talqin qilinadi, va uni qanday baholash, asosan, estetik, madaniy va axloqiy qadriyatlar bilan chambarchas bog'liqdir. Go'zallikning tashqi ko'rinish yoki fizikal fazilatlar bilan bog'lanishi ko'plab hollarda insonni baholashda ustuvor o'rin tutadi. Lekin bu go'zallikning faqat tashqi jihati bo'lib, insonni to'liq ifodalashda uning ichki dunyosi, niyatlari va axloqiy qiyofasi ham katta ahamiyatga ega.

Go'zallikning axloqiy bahosi – bu insonning tashqi ko'rinishi bilan birga, uning ichki dunyosini, xulq-atvorini va jamiyatdagi o'rni, shuningdek, uning boshqalarga nisbatan tutgan axloqiy munosabatlarini ham o'z ichiga oladi. Shunday qilib, go'zallik faqat tashqi ko'rinishda emas, balki insonning axloqiy fazilatlarini, xatti-harakatlari va niyatlarida ham aks etishi mumkin. Masalan, biror kishining mehribonligi, adolatliligi yoki samimiyligi uning go'zallik haqidagi tasavvurini to'ldiradi va uni ichki go'zallik bilan boyitadi.

Falsafada go‘zallik va axloq o‘rtasidagi bog‘liqlikni o‘rganish an‘anaviy ravishda yuzaga kelgan. Antik yunon falsafasidan tortib, zamonaviy etik va estetik qarashlargacha, go‘zallikni baholashda axloqiy jihatlar ko‘pincha markaziy o‘rin tutadi. Ayniqsa, Immanuel Kant kabi faylasuflar go‘zallikni subyektiv estetik his-tuyg‘ular sifatida emas, balki axloqiy qadriyatlar bilan uzviy bog‘liq bo‘lgan bir tushuncha sifatida ko‘rgan. Kant go‘zallikni “axloqiy fazilatlar” bilan bog‘lagan holda, uni insonni to‘liq baholashda muhim rol o‘ynaydigan omil sifatida ta‘riflagan.

Shuningdek, jamiyatda go‘zallik va axloqiy qadriyatlar o‘rtasida shakllangan turli me‘yorlar ham mavjud. Tashqi go‘zallikni ko‘plab madaniyatlarda ideal sifatida qarash mumkin bo‘lsa-da, uning axloqiy jihatlari bilan uyg‘unligi va tushunarli xulq-atvor ham o‘ta muhim hisoblanadi. Axloqiy go‘zallik, ya‘ni insonning ichki fazilatlarini ko‘pincha tashqi go‘zallikka qaraganda uzoqroq va chuqurroq ta‘sir ko‘rsatadi. Masalan, mehribonlik, sabr-toqat, adolat va samimiyat kabi sifatlar, insonni tashqi go‘zallikdan ko‘ra ko‘proq qadrlashga olib kelishi mumkin.

Bunday baholashni amalga oshirishda, inson go‘zalligining axloqiy jihatlarini tahlil qilish, faqat tashqi ko‘rinish yoki ijtimoiy normativlarga asoslangan baholarni cheklab, insonni yaxlit tushunishga yordam beradi. Bu mavzu o‘z-o‘zidan odamni to‘liq baholashga, uning ichki dunyosini va axloqiy fazilatlarini kashf etishga intilishdir. Zero, Aflotun go‘zallikni faqat tashqi ko‘rinish bilan cheklanmasdan, axloqiy fazilatlar bilan bog‘lagan [1; B.33.]. Inson go‘zalligi va uning axloqiy bahosi o‘rtasidagi murakkab aloqani o‘rganish, bizga nafaqat go‘zallikni baholash, balki insonni yaxlit va har tomonlama tushunish imkoniyatini ham taqdim etadi.

**Adabiyotlar tahlili va metodlar.** Inson go‘zalligi va uning axloqiy bahosi mavzusi doimiy ravishda falsafa, estetika, etika va sotsiologiya sohalarida tadqiq qilinib kelgan. Ushbu mavzuga oid adabiyotlar tahlili, go‘zallikning subyektiv va obyektiv jihatlari, uning jamiyatdagi axloqiy bahosi, shuningdek, go‘zallik va axloqning o‘zaro bog‘liqligi masalalariga qaratilgan. Adabiyotlar tahlili va tadqiqot metodlari bu murakkab masalani tushunish va chuqurroq o‘rganish uchun zarurdir.

*1. Falsafiy adabiyotlar tahlili.* Inson go‘zalligi va uning axloqiy bahosi haqida birinchi o‘rinda turadigan adabiyotlar falsafiy asarlardir. Antik yunon faylasuflaridan boshlab, go‘zallik va axloqning aloqasi to‘g‘risida keng qamrovli fikrlar mavjud.

Aflotun go‘zallikni haqiqiy “yuksak” go‘zallik, ya‘ni “Ideal go‘zallik” deb tasavvur qilgan. Uning fikriga ko‘ra, tashqi go‘zallik faqat ma‘lum bir miqdordagi haqiqiy go‘zallikning ko‘rinishidir va insonning ichki go‘zalligi, uning axloqiy fazilatlarini haqiqiy go‘zallikni tashkil etadi. Aflotunning “Yaxshilikning ideali” va “Go‘zallik haqidagi tafakkuri” asarlarida go‘zallik va axloqiy qadriyatlar o‘rtasidagi aloqalar ko‘rsatilgan.

Aristotel esa go‘zallikni va axloqni bir-biriga bog‘lab, go‘zallikni faqat tashqi ko‘rinish sifatida emas, balki insonning fazilatlarini bilan bog‘laydi. Uning “Nikomax etikasi” asarida, go‘zallikni, adolat va o‘rnak xulq-atvor bilan bog‘lashga uringan [2; B.27.].

Immanuel Kant go‘zallikni estetik tajriba sifatida ko‘rgan, ammo u go‘zallikni axloqiy fazilatlar bilan bog‘lashni ham ta‘kidlagan. Kantning fikricha, go‘zallikni faqat tashqi ko‘rinishidan ko‘ra, uning axloqiy ahamiyatini ham inobatga olish kerak. Bu uning “Tafakkur va go‘zallik” kabi asarlarida aks etgan [3; B.48.].

*2. Estetika va etika sohasidagi adabiyotlar tahlili.* Estetika va etika sohalaridagi tadqiqotlar go‘zallik va axloqiy baholash o‘rtasidagi o‘zaro aloqalarni chuqurroq o‘rganadi.

Estetika go'zallikni tafakkur va sezgi orqali baholashni ta'kidlaydi, ammo etika axloqiy qadriyatlar va insonning xulq-atvori, uning boshqalarga bo'lgan munosabati orqali go'zallikni tushunishga intiladi.

David Yum va Edmund Burk go'zallikni subyektiv tushuncha sifatida ko'rib, uni har bir insonning hissiy tajribasiga bog'lagan. Ular go'zallikni umumiy estetik baholar bilan bog'lashga harakat qilishgan, ammo bu baholar axloqiy jihatdan ham ko'rilishi kerakligini ta'kidlaganlar [4; B.51.].

John Stuart Mill va Jeremy Bentam kabi utilitaristlar go'zallik va axloqning o'zaro aloqasini baholashda amaliy yondashuvni qo'llaganlar. Ular, insonlarning axloqiy xulq-atvori, boshqalarga foyda keltirishni asosiy prinsip sifatida ko'rgan holda, go'zallik va axloqni birlashtirganlar.

**3. Sotsiologik va psixologik adabiyotlar tahlili.** Go'zallik va axloqning o'zaro aloqasini o'rganishda, sotsiologik va psixologik adabiyotlar ham muhim ahamiyatga ega. Jamiyatda go'zallikni qabul qilish va baholashda axloqiy qadriyatlar, ijtimoiy normativlar va psixologik omillar katta rol o'ynaydi.

Pierre Bourdieuning "Ijtimoiy maydonlar" asarida go'zallikni ijtimoiy konstrukt sifatida ko'rib, u jamiyatdagi ijtimoiy va axloqiy qadriyatlarining go'zallikni qanday shakllantirishi haqida fikr bildirgan. Bordiuning fikricha, go'zallik faqat estetik jihatdan emas, balki ijtimoiy va axloqiy doiralarda ham ahamiyatga ega.

Erving Goffman esa "obraz va jamiyat" tushunchasini kiritgan. U tashqi go'zallik va axloqning jamiyatdagi ijtimoiy roli haqida ta'kidlagan. Goffmanning fikricha, insonning tashqi ko'rinishi uning axloqiy bahosini va jamiyatdagi o'rnini belgilashda muhim omil hisoblanadi.

Sigmund Freud va Carl Jung kabi psixologlar go'zallik va axloqni insonning ichki motivlari va qarashlari orqali tahlil qilganlar. Ularning psixologik modellari, go'zallikni insonning ichki ruhiy holati, arzulari va xohishlari bilan bog'laydi. Bu, go'zallik va axloqiy baholashda ruhiy va psixologik omillarni hisobga olishni anglatadi.

**Metodlar.** Inson go'zalligi va uning axloqiy bahosini o'rganishda turli metodlar qo'llaniladi. Ular orasida:

*Kontent-tahlil:* Adabiyotlarni, falsafiy va psixologik asarlarni o'rganib, go'zallik va axloqiy baho haqida mavjud qarashlarni ajratish.

*Ijtimoiy tadqiqotlar:* Jamiyatda go'zallik va axloqiy qadriyatlarining o'zgarishini, ularning ijtimoiy normativlarga moslashishini o'rganish.

*Eksperimentlar va so'rovlar:* Insonlarning go'zallik va axloqiy baholarni qanday shakllantirishini o'rganish uchun psixologik va sotsiologik eksperimentlar o'tkazish.

*Tahliliy metod:* Falsafiy va estetik nuqtai nazardan go'zallik va axloqni baholash, ularning bir-biriga ta'sirini chuqur tahlil qilish.

**Natijalar.** Inson go'zalligi va uning axloqiy bahosi o'rtasidagi munosabatni o'rganish, bu ikki tushuncha o'rtasida aniq bir aloqaning mavjudligini ko'rsatadi. Tadqiqotlar va adabiyotlar tahlili shuni tasdiqladiki, go'zallik nafaqat tashqi ko'rinish bilan cheklanadi, balki ichki fazilatlar, axloqiy qadriyatlar va insonning jamiyatdagi o'rnini bilan ham chambarchas bog'liqdir. Quyidagi asosiy natijalarga erishildi:

1. Go'zallik va axloq o'rtasidagi aloqaning o'ziga xosligi.

Go'zallik va axloq o'rtasidagi aloqani ko'rib chiqishda, tashqi go'zallik ko'plab hollarda birinchi navbatda e'tiborga olinadi, ammo go'zallikning axloqiy bahosi uning ichki fazilatlarini,



xulq-atvori va boshqalarga nisbatan munosabatlari bilan chuqur bog'liqdir. Go'zallikning faqat tashqi ko'rinishi insonni to'liq ifodalashga yetarli emas; uning axloqiy xulqi, shaxsiy qadriyatlari va dunyoqarashi go'zallikning haqiqiy bahosini aniqlaydi.

## 2. Estetik va axloqiy qadriyatlarning integratsiyasi.

Falsafa va estetika sohasidagi tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, go'zallikning haqiqiy mazmuni uning axloqiy jihatlari bilan chambarchas bog'liqdir. Aflotun va Aristotel kabi faylasuflar go'zallikni faqat tashqi ko'rinish sifatida emas, balki insonning axloqiy fazilatlari va yaxshi xulq-atvori bilan bog'lagan. Shu bilan birga, zamonaviy psixologik va sotsiologik yondashuvlar ham go'zallikni ijtimoiy va psixologik omillardan kelib chiqib baholaydi.

## 3. Axloqiy go'zallikning jamiyatdagi roli.

Jamiyatda go'zallik va axloq o'rtasidagi aloqaning o'zgarishi, ijtimoiy normativlar va qadriyatlarning go'zallikni qanday shakllantirishini ko'rsatadi. Jamiyatda tashqi go'zallik ko'p hollarda ideal sifatida qaralishi mumkin, ammo axloqiy go'zallik (mehribonlik, adolat, samimiyat) jamiyatda yuqori baholanadi va qadrlanadi. Insonning ichki go'zalligi ko'pincha tashqi ko'rinishidan ustun qo'yiladi.

## 4. Go'zallik va axloqiy baholashning subyektivligi.

Go'zallik va uning axloqiy bahosi subyektiv tushunchalardir, ularning baholanishi individual va madaniy farqlarga bog'liqdir. Biroq, jamiyatdagi umumiy qadriyatlar va normativlar ba'zan go'zallikni qanday baholashni belgilaydi. Shuningdek, psixologik tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, insonlar go'zallikni ko'pincha o'zlariga yaqin yoki o'zlari xush ko'radigan xulq-atvor bilan bog'laydilar.

## 5. Inson go'zalligi va axloqiy bahosi: yangi yondashuvlar.

Zamonaviy tadqiqotlar go'zallikni va axloqni o'rganishda ko'proq holistik (yaxlit) yondashuvlarni qo'llashga intilmoqda. Go'zallik va axloqiy fazilatlar o'rtasidagi bog'liqlikni tushunishda psixologik, sotsiologik va estetik metodlarning integratsiyasi ahamiyatlidir. Ushbu yondashuvlar, go'zallik va axloqni yanada yaxlit va murakkab tushunishga yordam beradi.

**Muhokama.** Inson go'zalligi va uning axloqiy bahosi o'rtasidagi aloqaning chuqur tahlili, bu ikki tushunchaning faqat tashqi ko'rinishdan iborat emas, balki insonning ichki dunyosi, xulq-atvori, fazilatlari va axloqiy qadriyatlar bilan bog'liq ekanligini ko'rsatdi. Ushbu muhokama natijalari inson go'zalligi va uning axloqiy bahosi o'rtasidagi aloqani yanada chuqurroq tushunishimizga imkon yaratadi. Natijalarni muhokama qilishda quyidagi asosiy jihatlar e'tiborga molikdir:

### 1. Go'zallik va axloqning integratsiyasi.

Tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, go'zallik va axloq bir-biri bilan chambarchas bog'liq tushunchalar bo'lib, ularning o'rtasidagi aloqani alohida ko'rib chiqish mumkin emas. Go'zallik ko'pincha tashqi ko'rinish, fiziologik fazilatlar sifatida qabul qilinsa-da, uning axloqiy bahosi insonning ichki fazilatlari, xulq-atvori va jamiyatdagi o'rni bilan ham bog'liqdir. Aflotun va Aristotel kabi qadimiy faylasuflar go'zallikni faqat tashqi ko'rinishdan iborat emas, balki axloqiy fazilatlar bilan ham bog'laganlar. Shuningdek, zamonaviy tadqiqotlar ham go'zallik va axloq o'rtasidagi o'zaro bog'liqlikni ko'rsatmoqda. Bunday yondashuv go'zallikni yanada to'liqroq baholashga imkon beradi, chunki u nafaqat jismoniy, balki ruhiy va axloqiy jihatlarni ham o'z ichiga oladi.

### 2. Tashqi go'zallik va ichki go'zallikning taqqoslanishi.

Go'zallikning tashqi va ichki jihatlarini o'rtasidagi taqqoslash, jamiyatda tashqi go'zallikning ko'proq qadrlanishini, ammo ichki go'zallikning muhimligini ko'rsatadi. Tashqi go'zallikni ko'p hollarda estetik nuqtai nazardan, masalan, ideal yuz tuzilishi yoki ma'lum bir jismoniy fazilatlar sifatida baholash mumkin bo'lsa-da, ichki go'zallik (mehribonlik, samimiyat, adolat) ko'pincha uzun muddatli ta'sir ko'rsatadi. Tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, jamiyatda ichki go'zallik qadrlanishi zarur, chunki u insonning do'stlik, oila va ijtimoiy munosabatlaridagi muvaffaqiyatini ta'minlaydi.

### 3. Subyektivlik va madaniyatning roli.

Go'zallik va axloqiy baho subyektiv tushunchalar bo'lib, ularning baholanishi ijtimoiy, madaniy va shaxsiy omillarga bog'liqdir. Jamiyatda go'zallikni baholashda an'anaviy estetik me'yorlar va madaniy normativlar katta rol o'ynaydi. Biror jamiyatda go'zallikning qanday baholanishi uning madaniy qadriyatlarini va estetik qarashlariga bog'liq. Shuningdek, insonlarning go'zallikni qanday qabul qilishi, ularning o'ziga xos psixologik va hissiy tajribalariga bog'liqdir. Bu, go'zallik va axloqiy qadriyatlarni baholashda universallikni emas, balki madaniy va shaxsiy xususiyatlarni hisobga olish zarurligini ta'kidlaydi.

### 4. Go'zallik va axloqiy qadriyatlarning vaqt o'tishi bilan o'zgarishi.

Go'zallik va axloqiy baholar vaqti-vaqti bilan o'zgarib turadi. Tarix davomida go'zallik tushunchasi va axloqiy qadriyatlar jamiyatlar va davrlarga qarab o'zgarib borgan. Masalan, XX asrda go'zallikning ijtimoiy qadriyatlari modernizatsiya va globalizatsiya jarayonlari ta'sirida o'zgarib borgan, tashqi go'zallikning estetik me'yorlari yangi nuqtai nazarlarga ega bo'ldi. Shuningdek, axloqiy qadriyatlar ham ijtimoiy o'zgarishlarga mos ravishda rivojlanib, yangi axloqiy prinsiplar, masalan, tenglik, adolat va boshqalarga hurmat kabi tushunchalar go'zallik bilan bog'lanadi.

### 5. Inson go'zalligi va axloqiy bahoni birlashtirish zarurati.

Tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, go'zallik va axloqiy baholarni birlashtirish, insonni yaxlit baholashga imkon yaratadi. Go'zallikni faqat tashqi ko'rinish yoki jismoniy fazilatlar bilan baholash insonga nisbatan nohaq bo'lishi mumkin. Shu sababli, go'zallik va axloqning birlashtirilgan bahosi, insonning har tomonlama rivojlanishini va uning axloqiy fazilatlarini yaxshiroq tushunishga yordam beradi. Bu yondashuv, shuningdek, ijtimoiy adolat va inson huquqlari prinsiplariga ham uyg'un keladi, chunki har bir insonning ichki go'zalligi ham qadrlanishi kerak. Go'zallik va axloqiy qadriyatlarni bir-biriga bog'lab, odamlarning axloqiy qarorlar va his-tuyg'ularni qanday qilib go'zallik tushunchasi bilan bog'lashlarini tahlil qiladi [5; B.12.].

Go'zallik va axloqiy baholashni o'rganishda metodologik yondashuvlar muhim rol o'ynaydi. Tadqiqotlar ko'rsatmoqdaki, go'zallikni baholashda ko'plab metodlardan foydalanish mumkin, masalan, kontent tahlili, so'rovlar va eksperimentlar. Bu metodlar orqali go'zallik va axloqiy qadriyatlarining o'zaro aloqasini yanada chuqurroq o'rganish mumkin. Shuningdek, sotsiologik va psixologik tadqiqotlar yordamida go'zallik va axloqiy qadriyatlar o'rtasidagi bog'liqlikni aniqlash va ularni amaliyotda qanday qo'llashni o'rganish mumkin.

**Xulosa.** Inson go'zalligi va uning axloqiy bahosi o'rtasidagi aloqani o'rganish, bizni go'zallikni faqat tashqi ko'rinish sifatida emas, balki insonning ichki fazilatlarini, axloqiy qadriyatlarini va jamiyatdagi o'rni bilan ham baholashga olib keladi. Tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, go'zallik nafaqat estetik me'yorlarga, balki insonning axloqiy xulq-atvori va

shaxsiy fazilatlariga bog'liqdir. Go'zallik va axloqiy qadriyatlar o'rtasidagi aloqaning murakkabligi, bu ikki tushunchaning bir-birini to'ldiruvchi elementlar ekanligini anglatadi.

Jamiyatda tashqi go'zallik ko'plab hollarda birinchi o'rinda turishi mumkin, ammo haqiqiy go'zallik, odatda, insonning mehribonligi, adolatligi, samimiyati va boshqalarga nisbatan hurmatiga bog'liqdir. Ichki go'zallik, shuningdek, insonning ijtimoiy va oilaviy munosabatlaridagi muvaffaqiyatiga, hayotdagi ijobiy o'zgarishlarga va umumiy farovonlikka bevosita ta'sir ko'rsatadi.

Shu bilan birga, go'zallik va axloqiy baholashning subyektivligi, ularning madaniy, ijtimoiy va shaxsiy omillarga bog'liqligini ko'rsatadi. Har bir jamiyat va individ go'zallikni turlicha baholaydi, va bu qadriyatlar o'zgaras, barqaror emas, balki vaqt o'tishi bilan o'zgarib boradi. Go'zallikning ijtimoiy, psixologik va estetik jihatlarini inobatga olgan holda, insonni to'liq va yaxlit baholash muhimdir.

Xulosa qilib aytganda, inson go'zalligi va uning axloqiy bahosi o'rtasidagi aloqaning o'rganilishi, insonni tashqi ko'rinishi va ichki fazilatlarini birlashgan holda to'liq tasavvur qilishga yordam beradi. Go'zallik va axloqni birlashtirish, shaxsni chuqurroq tushunish, uning ijtimoiy roli va axloqiy qadriyatlarini rivojlantirishga yo'l ochadi. Bu yondashuv nafaqat estetik, balki axloqiy va ijtimoiy jihatdan ham muhimdir, chunki insonning haqiqiy go'zalligi uning axloqiy fazilatlarida va boshqalarga nisbatan munosabatlarida ifodalanadi.

#### **Adabiyotlar/Литература/References:**

1. Aflotun. Suqrotning himoyasi (Apology) – Birlashgan qirollik (UK): Penguin Classics. 2003. – bet 120.
2. Гусейнов Г. Ю. Семигин, уч. секр. А. П. Огурцов. – 2-е изд., испр. и допол. – М.: Мысль, 2010. – ISBN 978-5-244-01115-9.
3. Schepelman, Maja. Kants Gesamtwerk in neuer Perspektive. Paderborn, Germany: Mentis, 2017. – page 214.
4. Yum David. Of the standard of taste. In Essays, Moral, Political, and Literary. Indianapolis: Liberty Press. pp. 226-249.
5. Nussbaum. Upheavals of Thought: The Intelligence of Emotions. First Edition Edition. ISBN-13: 978-0521531825, ISBN-10: 0521531829. 4.6 4.6 out of 5 stars (83).

**Received:** 20 December 2024

**Accepted:** 5 January 2025

**Published:** 15 January 2025

*Article / Original Paper*

## **GLOBALIZATION AND ITS IMPACT ON THE AESTHETIC EDUCATION OF YOUNG PEOPLE**

**Abdullakhodjaev Gayrat,**

Associate professor

Tashkent State Dental Institute

**Abstract.** This article examines the impact of globalization on the aesthetic and spiritual education of young people, as well as the role and place of the media in shaping consciousness as a separate group of society.

**Keywords:** globalization, media, social consciousness, national idea, aesthetic education, youth.

---

## **ГЛОБАЛИЗАЦИЯ И ЕЁ ВЛИЯНИЕ НА ЭСТЕТИЧЕСКОЕ ВОСПИТАНИЕ МОЛОДЕЖИ**

**Абдуллаходжаев Гайрат, Доцент**

Ташкентский Государственный Стоматологический Институт

E-mail: [g\\_abdullakhodjaev@gmail.com](mailto:g_abdullakhodjaev@gmail.com)

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются вопросы влияния глобализации на эстетическое и духовное воспитание молодёжи, а также роль и место средств массовой информации в формировании сознания как отдельной группы общества.

**Ключевые слова:** глобализация, СМИ, общественное сознание, национальная идея, эстетическое воспитание, молодёжь.

---

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V5I1Y2025N25>

**Введение.** Одним из наиболее важных приоритетов развития Узбекистана на ближайшую перспективу президент Узбекистана Мирзиёев Ш.М. особо выделил проблему дальнейшего духовного обновления общества: “Мы все должны чётко осознавать, что от духовного возрождения народа, сохранения традиций, развития культуры и искусства зависит положение дел в других сферах, зависит насколько результативными будут проводимые реформы...”[1]

Таким образом, вопрос духовности, а также воспитания духовных и нравственных качеств становится особенно актуальным в наше время. Ни одно общество не может рассчитывать на будущее, если не будет развивать и укреплять свой духовный потенциал, а также ценности, связанные с духовностью и моралью в сознании людей.

**Анализ литературы и методология.** В настоящее время большое внимание уделяется воздействию мировой глобализации, как процесса интеграции и сближения культур разных стран. В ходе глобализации формируется единое, универсальное пространство, которое оказывает влияние на сознание молодёжи, наиболее

восприимчивой к внешним воздействиям группы современного общества. При этом на молодежь влияют как положительные, так и отрицательные аспекты глобализации.

По мнению П.Козловской «Глобальная молодёжная культура – это такая категория, под которой часто понимают ряд форм, представляющих собой некий гибрид массовой культуры и индивидуальности, возникший во многом из-за повсеместного распространения так называемой массовой культуры: фильмы, фотографии, телевидение, музыка, интернет и другие информационные и коммуникационные технологии, незаметно ставшие частью нашей повседневной жизни.» [2]

Стоит отметить, что элемент гибридности всегда присутствовал в культуре, а современная технико-экономическая глобализация, наряду с развитием технической оснащённости общества, основанного на новых технологиях, привела к возникновению новой динамичной культуры, что стало началом перехода к информационному обществу. В такой унифицированной культурной среде глобальные и локальные воздействия постоянно переплетаются в образах жизни, формируя предпочтения и социальные настроения современной молодежи.

В современном мире индустриально развитые страны стремятся контролировать поток информации, влияющей на развивающиеся страны. Невозможно игнорировать тот факт, что западные медиа-концерны заполнили глобальное информационное пространство своей продукцией, зачастую не самого высокого качества, в которой пропагандируются их устоявшиеся ценности и образ жизни, где духовные ценности отходят на второй план, а материальные блага становятся на первый.

В западном образе жизни пропагандируется глубоко устоявшаяся в сознании людей потребительская психология.

**Анализ и результаты.** Глобализация в духовной сфере, в сфере культуры становится одной из важнейших в мировом эволюционном развитии. Следует отметить весьма существенные положительные факторы, связанные с расширением возможностей масштабных культурных контактов, общения, заимствования позитивного опыта, способствующего обогащению национальных культур и их возможности вносить свой существенный вклад в развитии общей культуры человечества. Но здесь необходимо принять меры по сохранению и защите индивидуальности и своеобразия традиционных национальных культур, их творческого развития в результате соприкосновения с иными культурами.

При этом необходимо учитывать, что две противоположные мировые тенденции, как глобализация и локализация при всей их взаимосвязанности зачастую приводят к усилению конфликтов, особенно на национально-религиозной основе. Молодёжь часто определяется как отдельная социальная часть общества, отличающаяся от остальных слоев общества своими возрастными рамками. Эту социальную группу можно рассматривать как наиболее активный двигатель роста и прогресса глобальной медиа-культуры, так как именно молодёжь представляет собой самый большой информационно и технологически продвинутый слой современного общества [3]. Следует иметь в виду, что мировые транснациональные корпорации, ведущие коммерческую деятельность в медиа-сфере, целенаправленно выбирают в качестве основной аудитории именно молодежную среду, так как этот слой общества в данное

время является наиболее предпочтительным в коммерческом и потребительском плане.

Глобальная молодёжная культура во многом опирается на понятие современной культурной индустрии, которая предполагает процесс продвижения глобальной унификации общества через индустриализованную, массовую культуру и нормы поведения. При этом молодёжь становится частью этой глобальной культурной системы, поскольку она непосредственно вовлечена и является активным участником новых инноваций в сфере медиа-технологий.

Вследствие этого, через музыку и стиль популярных молодёжных каналов, темы и эстетику голливудских фильмов, интернет и другие популярные медиа-ресурсы, современная молодёжь активно реагируя и идентифицируя себя с модернизированной и свободной от национальных предрассудков культурой, становится сторонником западной культуры

Это позволяет глобальным медиа-компаниям привлекать молодёжь, представляющую «массовую культуру» развитых капиталистических стран, заменяя национальные и традиционные культуры универсальными стандартами, которые косвенно способствуют геополитическим интересам стран, таких как США и западные державы, одновременно увеличивая прибыль медиа-империй. Когда речь идет о современном понятии глобальной молодёжной культуры, невозможно не отметить влияние интернета, который стал платформой для формирования совершенно новых субкультур, с собственным этикетом и уникальной системой мировоззрения. Интернет не только создал новый формат коммуникации, но и породил новые социальные структуры и нормы взаимодействия между людьми, так называемые виртуальные.

Нельзя отрицать важную роль Интернета в процессе глобализации молодёжной культуры. Участники интернет-сообществ создают новую культуру поскольку общение между их участниками можно рассматривать как социальное взаимодействие в рамках интернет-пространства. В связи со спецификой этих взаимодействий происходят изменения культурного и духовного характера.

В настоящее время одной из важнейших задач, стоящих перед современным обществом, представляется поиск и установление взаимовыгодного консенсуса между сохранением культурного наследия и модернизацией общественного сознания, предпочтительно в молодёжной среде.

Глобализация в сфере культуры ведет к интенсификации процессов, лежащих в основе формирования широкого спектра явлений современной культуры - "культуры потребления" которая характеризуется перенасыщенностью значений и нехваткой оценочных суждений, переписыванием всех знакомых вещей в новых терминах.

Хотя глобализационные процессы не обязательно ведут к культурной гомогенизации (созданию единой культуры) или сокращению культурного разнообразия, они вполне могут способствовать росту универсальности различных культур. Культурная глобализация может развиваться на основе западных ценностей, которые, по сути, стали причиной текущих кризисных явлений в мире. Однако она также может привести к формированию новой системы ценностей, в результате духовной революции, и в таком случае глобализация будет происходить на основе этой новой системы.

Представляется, что такие предпосылки несомненно формируются, и косвенным подтверждением тому является растущее многообразие новых культурных практик, активно рефлекслируемых общественным сознанием, в том числе методами социокультурного анализа, предполагающими рассмотрение смыслового мира значений в социально-историческом контексте».

Таким образом, мы понимаем, что унификация культур все более становится глобальной проблемой, таящей в себе серьезные угрозы. Мир, в котором мы будем жить, теряет свою яркость, и всё меньше сохраняет локальный колорит. Многие обычаи, традиции, ритуалы и модели поведения, которые когда-то обеспечивали человечеству фольклорное и этнографическое разнообразие, постепенно исчезают, поскольку основная часть общества адаптируется к универсальным стандартам жизни.

**Заключение.** Культуры, сложившиеся на протяжении истории, служат основным источником, из которого человек черпает смысл жизни и формирует свою систему ценностей. Тот, кто утратил свои культурные корни, может столкнуться с психологической дезориентацией и потерей внутренних ориентиров, регулирующих и упорядочивающих его стремления и цели.

В условиях глобализации важно развивать у общества духовно-культурный иммунитет к чуждым нашей культуре и менталитету идеалам массовой западной культуры. В интернете и СМИ следует активно продвигать национальную идеологию, ценности национального самосознания и уникальность нашей культуры.

#### **Литература/ Adabiyotlar/References:**

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. –Т.: Ўзбекистон, 2017.- 48 б.
2. Козловски П. Культура постмодерна: Общественно-культурные последствия технического развития. -М.: Республика, 1997.
3. Зиновьева Н. Б. Информационная культура личности/ Под ред. И. И. Горловой. - Краснодар: Изд-во Краснодар, гос. акад. культуры, 1996.
4. Негодаев И. А. На путях к информационному обществу. - Ростов на Дону, 1999.

**Received:** 20 December 2024

**Accepted:** 5 January 2025

**Published:** 15 January 2025

*Article / Original Paper*

## **THE PERSONALITY AND SPIRITUAL LEGACY OF ABULHASAN BAKHMANIR**

**Ruziev Maksud Urinovich,**

Researcher at BukhSU

**Abstract.** This article holds a unique place in the history of philosophy and is dedicated to the analysis of the personality and spiritual legacy of the unparalleled figure, Abulhasan Bakhmanir.

**Keywords:** Aristotle, Bakhmanir, Ibn Sina, logic, physics, metaphysics, philosophy, "Kitab at-Tahsil", "Ash-Shifa".

## **ABULHASAN BAXMANYOR SHAXSIYATI VA MA'NAVIY MEROSI**

**Ro'ziyev Maqsud O'rinovich**

BuxDU tadqiqotchisi

**Annotatsiya.** Ushbu maqola falsafa tarixida o'ziga xos o'ringa ega, betakror shaxsiyat Abulhasan Baxmanyor shaxsiyati va ma'naviy merosi tahliliga qaratilgan.

**Kalit so'zlar:** Arastu, Baxmanyor, Ibn Sino, mantiq, fizika, metafizika, falsafa, "Kitob at Tahsil", "Ash-Shifo".

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V5I1Y2025N26>

**Kirish.** Abulhasan Bahmanyor Sharq qomusiy olimi Ibn Sinoning eng ko'zga ko'ringan shogirdi va izdoshi hisoblanadi. U o'z iste'dodi bilan Ibn Sinoning mehrini qozondi. Ibn Sino Bahmanyor haqida shunday yozgan edi: "Uning mening o'rnimda bo'lishidan hech narsa qolmadi". Bahmanyorning "Tarbiya" ("at-Tahsil"), mantiq bo'yicha "Zinat" ("az-Zina fi-l-mantiq"), "Go'zallik" ("al-Bahta"), "Baxt" ("as-Saodat"), "Musiqqa kitobi" ("Kitob fi-l musiqqa"), "Metafizika predmeti", "Maratib al-maujat", "Mantiq" ("al Mantiq"), "Izohat" ("at-Taliqat") kabi asarlar muallifi. Uning ko'plab asarlari turli tillarga tarjima qilingan.

Bahmanyor zardushtiy oilasida tug'ilib, keyinroq islomni qabul qilgan [1]. Ma'lumki, u Ozarbayjondan bo'lib, Mashshoiylik vakili bo'lgan [2]. Alloma Hamadon (1015-1024) va Isfahon (1015-1024) o'rtasida yashagan. 1024-1037-yillar Ibn Sino maktabida saboq olgan [3].

Alouddavla (1008-1041) davrida Ibn Sino va Bahmenyor o'rtasida turli munozaralar bo'lib o'tdi. Bu davrda Bahmanyor, Abu Mansur bin Zayl, Abu Cafar Muhammad bin Husayn bin Ibn Sinoning Merzbon kabi shogirdlarining Ibn Sinoga bergan savollariga bergan javoblari jamlangan. Bu munozaralar "Mubohasat" nomli kitob shaklida bugungi kungacha yetib kelgan. Asar Ibn Sino tafakkuri va nazariyasi uchun manba hisoblanadi[4].

Bahmanyor diniy mansublik nuqtai nazaridan zardushtiylik tarixiga ega. Ba'zilar uni zardushtiy bo'lib qolgan deb hisoblasa, ba'zilar sunniylikka moyil bo'lgan, boshqalari esa shialik diniga moyil bo'lgan deb hisoblashadi. Biroq, uning Allohning birligi (Tavhid) haqidagi bahslari islomiy nuqtai nazarga ishora qiladi[5].

Bahmanyor uzoq yillar Ibn Sino bilan birga bo'lib, ko'plab falsafiy muammolarni muhokama qilgan. Bu munozaralar, aslida, uning asarlarida islom falsafasining davomi va Ibn



Sino asarlariga qimmatli mulohazalar sifatida aks etgan. Quyida uning asosiy asarlari haqida qisqacha ma'lumot berib o'tamiz.

**Kitob at-Tahsil:** Asarda mantiq, fizika va metafizikaning qisqacha mazmuni taqdim etiladi. Uning o'zi xabar berganidek, ushbu asar ustoz bilan o'tkazgan suhbatlari natijasi hamdir. Ibn Sinoning "Donishnoma" asariga shaklan ergashuvchi bu kitobning fors tiliga tarjimai ekanligi aytiladi. "Tahsil" qo'lyozmalari kengligi jihatidan farqlanadi[6].

Baxmanyor ushbu asarda "Men amakim Abu Mansur Bahrom ibn Hurshid ibn Yazdyor uchun yozgan bu asarimda al Hikmatul Alayyanning tartibi va uning umumiy asarlaridagi tushunchalar va men bilan u kishi o'rtasidagi bahslarga amal qilgan holda, Shayx ul Rais Abu Ali Husayn bin Abdulloh bin Sino yozgan "Hikmat kitobi"ni umumlashtirib, unga asosiy (al usul) (mavzular) kabi ikkinchi darajali (furu) (mavzular) fikrlarimni qo'shdim.

**Al-Mubohasat:** Ibn Sino shogirdi Cuzcanyga yozdirgan o'z hayoti haqidagi so'zlarida ta'kidlaganidek, u o'ta notinch hayotga ega bo'lgan odam edi. shogirdlari esa kechki payt Ibn Sinoning uyida falsafadan saboq olishardi. Bu muntazam yig'ilishlarda Abu Ubayd Shifodan, Ma'sumiy Kanundan, Ibn Zayl Ishoradan, Bahmanyor esa el Hosil va'l Maxsuldan o'qir edi[7]. Alaud Davla davrida Ibn Sino bilan Bahmanyor o'rtasida bo'lib o'tgan munozaralar ham Ibn Sinoning shogirdlari, xususan Bahmanyor tomonidan berilgan savollarga bergan javoblarini jamlagan jamlanmaga kiritilgan. Ibn Sino "Mubohasat" nomli ushbu to'plamida murakkab falsafiy muammolarni sharhlaydi.

**Ta'liqot:** Yuqorida tilga olingan matnlarga o'xshash bu asar Ibn Sinoning metafizika, fizika va mantiqning asosiy atamallari bo'yicha bergan izohlaridan Bahmanyor tomonidan olingan eslatmalar to'plamidan iborat. Boshqacha qilib aytganda, Bahmanyor ushbu matnlarni xuddi "Mubohasat" nomli asardagidek yozgan. Asar Hamadondami, Shamsud-davla davridami yoki keyinroq Isfahonda bo'lib o'tgan munozaralardanmi, hozirgacha noaniq.

Bahmanyor kitoblari, avvalo, ustoz Ibn Sinoning fikrlarini umumlashtirish va tushuntirishga qaratilgan. Binobarin, ularni ustoz saboqlariga tayanish mumkinligi ma'lum darajada uning shogirdlari bilan Ibn Sino asarlarini farqlashni qiyinlashtiradi va nima uchun yuqorida tilga olingan "Metafizikaning Xulosa" si ("Shifo"dan keyin) Ibn Sinoga ko'p nisbat berilishini tushuntiradi.

Bahmanyor falsafasi haqida gapirganda ba'zi bir tadqiqotchilar u faqat Ibn Sino falsafasini takrorlagan, degan qarashni ilgari suradilar. Aslida unday emas. U bilan Ibn Sino o'rtasida bir qancha masalalarda ixtiloflar borligi aytiladi. Biroq, Bahmanyorga Ibn Sinoning neoplatonistik g'oyalari, Xudoning sababsiz va zaruriy tabiati haqidagi g'oyalari ta'sir qilgan ko'rinadi. U o'limdan keyingi ruhning shaxsiyati haqida Ibn Sinodan boshqacha fikrda bo'lganga o'xshaydi. Bahmanyorning ta'kidlashicha, ruh o'lim bilan o'zgaradi, lekin uning birinchi holatiga o'xshash bo'lib qoladi. Albatta, Bahmanyorning fikrlari ko'p jihatdan Ibn Sinoning davomi bo'lib, uning asarlari ustoz falsafasining ko'plab hal etilmagan jihatlariga qimmatli kalitlar beradi[8]. Shu sababdan ham ba'zilar u o'z ustoz tizimi bilan to'liq uyg'un, lekin uning tafakkurida materiya o'z mohiyatini yo'qotganday, materiya esa mumkin bo'lgan mavjudot sifatida tafakkurning nisbiyligini ta'kidlaydi. Bahmanyorning fikricha, hali shaklga ega bo'lmagan qobiliyat va imkoniyat bo'lgan birinchi spektr (shaklsiz birinchi materiya) shunchaki tushunchadir. Shu nuqtai nazardan, spektr aniq modda sifatida qaralmaydi[9].

Ustozining tafakkuri va tizimiga ergashgan Bahmanyorda materiya (xayolot) o'z mohiyatini birmuncha yo'qotganga o'xshaydi. Chunonchi, unda mumkin bo'lgan borliq aqliy

ma'nodan boshqa narsa emas [10]. Bu qarashlarning barchasi Bahmanyor o'z ustozining fikrlarini kichik hissalar bilan takrorlamasligini ko'rsatishga harakat qilsa-da, u asl faylasuf degan fikrni keltirib chiqarmaydi. Darhaqiqat, "Kitob at Tahsil"ni nashr etgan Mutahhariy matn ostida Ibn Sinoning "Shifo" nomli asariga tez-tez ishora qiladi va bu fikrni tasdiqlaydi. Qolaversa, yuqorida tilga olingan risolalarni falsafiy matn sifatida o'qiganimizda, Bahmanyorning Ibn Sino falsafasini tom ma'noda takrorlashi ko'rinadi. Xususan, Ibn Sino asarlaridan uning falsafaga oid ikki risolasini tom ma'noda kuzatib borish mumkin[11].

Baxmanyor ma'naviy merosi haqida gap ketganda u Avisenna tafakkurining sodiq davomchisimi yoki yo'qmi, degan savol tadqiqotchilar orasida ham mavjud. Jyul Yansens ulardan biri. Yuqorida zikr etilgan tadqiqotchi Bahmanyorning "Kitob at Tahsil"dagi, ya'ni uning ustoziga ergashgani va shuning uchun o'z fikrlarini takrorlagani haqidagi gaplari bir qarashda shunday tushunilishini aytishga ikkilanadi, lekin asar sinchiklab o'rganilsa, unda boshqa gap ham mavjud. Olimning da'vo qilishicha, u bir qarashda o'z ustozining qarashlarini takrorlagan degan xulosaga keladi. U Tahsilning boshida aytilgan gaplarga ya'ni, donishnomada qabul qilingan falsafiy loyihaning asosiy qismlarining alohida tartibga solinishi asoslanadi.

**Tadqiqot metodologiyasi.** Maqolada Buxoro jadidlarining ijtimoiy - siyosiy qarashlari muhokama qilinadi. Jadidlar harakati g'oyalari tahlil qilindi va hozirgi kun dolzarb masalalari bilan solishtirildi. Jadidlar tomonidan jamiyatni isloh qilish borasidagi yondashuvlari o'rganildi.

Garchi u haqiqatan ham Ibn Sino qomusiy asarlarining aksariyatida klassik tartib ( mantiq, fizika, matematika, metafizika)ga mos kelsa-da, uning so'nggi falsafiy ensiklopediyasi bo'lishi mumkin bo'lgan forscha asarida bunday emas. U yerda u yangi tartibni (Mantiq-Metafizika-Fizika) aniq qabul qiladi. Bu matematikani eslatib o'tishni anglatmaydi, lekin qiziqarli va klassik o'quv dasturiga zid (uning Platonik-Aristotel yo'nalishi bo'yicha) u Metafizika fizikadan oldinroq degan taassurot qoldiradi. Bu Bahmanyorning ochiqdan-ochiq mana shu yagona tartibni bajarishga da'vo qilishining ikkinchi darajali ahamiyatiga bog'liq emas. Bu bilan u Ibn Sino tafakkuriga qo'shgan katta hissa sifatida uni yanada qimmatli qiladi. Bu g'ayrioddiydir, chunki u keyinchalik G'azzoliyning "Maqosid"ida bo'lgani kabi, Donishnomaning o'zini sinchkovlik bilan qayta ko'rib chiqilgan variantini taklif qilmaslikni taklif qiladi, balki Shayx ur-Raisning barcha bitiklari bilan shug'ullanishni taklif qiladi. Uning ustozini bilan to'g'ridan-to'g'ri muloqoti, u o'rgangan g'oyalarni hisobga olishini da'vo qiladi. Bu ma'lumotlardan aniq ko'rinib turibdiki, Ibn Sino o'zining barcha fikrlari haqida yozmagan. Shu bois, Bahmanyorning "Kitob at-tahsil" asari bir qarashda mohiyatan Ibn Sinodan ilhomlangan xulosa sifatida ko'rinadi.

J. Yansensning mufassal tekshiruvi natijasi shundan iboratki, Bahmanyor keng tarqalgan e'tiqodga zid ravishda "Tahsil" asarida Ibn Sinoni takrorlamagan, hatto uning fidoyi shogirdi va fidoyisi ham bo'lmagan. Jansenga ko'ra, kengroq nuqtai nazardan, Tahsil Ibn Sinoning falsafiy loyihasidan chetga chiqadi. U yagona metafizikani ishlab chiqishga bo'lgan g'ayrioddiy urinishni rad etadi. Shu bilan birga, u shayx ur-Rais ta'kidlaganidek, ilohiyotning noyob qadrlanishini rad etadi. Aksincha, u Xudoni borliqni tekshirish obyekti qiladi. Mohiyatan Ibn Sino matnlardan keng miqyosda foydalanishga qaramasdan, Bahmanyor tomonidan ma'lum bir tuzilma ichida bu iqtiboslardan foydalanish, albatta. U Ibn Sino emas. J. Yansensning fikricha, metafizikaning sof ontologiya bilan cheklanishi va bir necha fizik ta'limotlarning qayta tashkil etilishi tufayli, ba'zida Bahmanyar Ibn Sino fikrini "qayta aristotellashtirish" haqida o'ylagan,

degan fikrga kelish mumkin. Bunday holda, uning Aristotel haqidagi bilimiga shubha qilish kerak. Shu nuqtai nazardan, Bahmanyorning “Tahsil”da mantiq, fizika va metafizikaga oid muolajalari Aristotelda hech qanday asos topa olmaydi. Shuning uchun Yansensning ta’kidlashicha, Bahmanyorga ko’proq Abu’l Qosim al-Kirmoniy kabi shaxs ta’sir qilgan, uni Ibn Sino zaif mantiqshunos va yomon aristotelizmga taqlid qiluvchi izdoshi deb qoralagan va bu unchalik katta bo’lmasa-da, Bahmanyor dunyoqarashiga ta’sir qilgan. Ibn Sino tomonidan U o’zini ikkinchisining izdoshi deb da’vo qiladi[12].

The study also incorporated an analysis of social and psychological factors that influence discourse formation and interpretation. Language serves various social functions, including persuasion, identity construction, and the negotiation of power dynamics. Psychological elements such as cognitive processing, perception, and emotional responses also shape discourse in significant ways. The study examined how discourse is adapted to different social

hierarchies, gender norms, and power relations, revealing how language can reinforce or challenge existing social structures. In Uzbek culture, for instance, indirect speech and euphemisms are commonly employed to maintain social harmony and demonstrate respect, whereas Western cultures may favor directness and explicitness in communication. These differences illustrate the broader impact of social and psychological factors on discourse construction. By integrating these methodological approaches, the study developed a comprehensive framework for analyzing linguacultural discourse. This approach not only enhances cross-cultural understanding but also contributes to the broader field of discourse analysis by highlighting the intricate relationship between language, culture, and social dynamics.

**Results.** Each society's cultural characteristics are reflected in its language. Traditional values, lifestyle, and norms manifest in idioms, proverbs, and metaphors. For instance, in Uzbek, "qo'ni-qo'shni" and "hammaslak" express collectivist values, whereas in English, "time is money" highlights an emphasis on time management. Similarly, in Chinese culture, idioms such as "家和万事兴" (A harmonious family leads to prosperity) emphasize familial unity, while in German, the phrase "Ordnung muss sein" (There must be order) reflects a cultural preference for discipline and structure. Linguists such as Edward Sapir and Benjamin Whorf have theorized that language structures shape thought patterns and cultural perspectives. Their Sapir-Whorf Hypothesis suggests that linguistic relativity influences how societies conceptualize reality. This supports the idea that cultural codes embedded in language influence cognitive and communicative behaviors, reinforcing stereotypes and social norms. Furthermore, cultural stereotypes in discourse can impact cross-cultural communication. For example, directness in Western cultures is often perceived as confidence, whereas in Asian cultures, it may be seen as impolite. Understanding these nuances is essential for intercultural competence and effective discourse interpretation.

Social and cultural context plays a decisive role in understanding discourse. The same word or phrase can have different meanings across cultures due to historical, social, and ideological influences. For instance, the English idiom "break the ice" metaphorically refers to easing social tension, whereas a direct translation into Uzbek does not carry the same connotation. In contrast, Uzbek speakers may use phrases like "dasturxon yozish" (literally "spreading the tablecloth") to imply initiating warm social interactions, particularly in hospitality settings.

Similarly, in Japanese, the phrase "reading the air" (空気を読む, *kūki o yomu*) conveys an expectation to interpret unspoken social cues, a concept that has no direct equivalent in English. Meanwhile, the German phrase "Ich verstehe nur Bahnhof" (literally "I only understand train station") is used to express confusion, whereas English speakers might say, "It's all Greek to me."

The theoretical framework of linguistic relativity, particularly the Sapir-Whorf Hypothesis, suggests that the structure of a language influences its speakers' worldviews. This means that idiomatic expressions and discourse structures in a language can shape cultural attitudes, perceptions, and communication strategies. Edward Sapir and Benjamin Lee Whorf argued that language encodes culturally significant categories, meaning that even similar concepts may be expressed in ways that reflect cultural values.

Furthermore, Pierre Bourdieu's concept of linguistic capital suggests that different social groups use specific discourse styles to assert their identity and maintain social structures. For example, formal registers in European languages often convey social status, while in some Eastern cultures, indirect and honorific speech forms are critical for maintaining hierarchical relationships.

Cross-cultural differences in discourse can also reinforce stereotypes or cause misunderstandings. For example, the stereotype of French speakers being "romantic" or Russian speakers sounding "harsh" can stem from phonetic characteristics and culturally embedded intonation patterns rather than inherent personality traits. Similarly, direct speech in Western cultures is often associated with confidence and assertiveness, while indirect speech in Eastern cultures is linked to politeness and respect.

Understanding these linguistic and cultural differences in discourse is essential for translation, diplomacy, business negotiations, and intercultural communication. A lack of awareness of these nuances can lead to miscommunication, while linguistic competence in cultural contexts fosters deeper understanding and engagement between cultures.

In Western cultures, silence can be perceived as awkward or signaling disinterest, and speakers tend to fill gaps in conversation with small talk. In Japan, China, and Finland, silence is often seen as a sign of deep thought, respect, or agreement rather than an indication of disengagement. In Indigenous cultures, such as the Navajo and Inuit, silence is used strategically in discussions and negotiations, allowing individuals to reflect before speaking.

Several communication theories help explain how non-verbal cues function in cross-cultural discourse:

Edward T. Hall's Proxemics Theory (1966) explores the use of space in communication and how personal space varies across cultures. Ray Birdwhistell's Kinesics Theory (1970) analyzes how gestures and body movements convey meaning in different cultural contexts. Hofstede's Cultural Dimensions Theory (1980) identifies how collectivist cultures (e.g., East Asia, Latin America) and individualist cultures (e.g., the U.S., U.K.) influence non-verbal communication styles.

A lack of awareness of non-verbal communication differences can lead to misunderstandings in international business, diplomacy, and social interactions. For example:

An American businessperson may misinterpret an Asian colleague's silence as a lack of engagement rather than a sign of respect. A Middle Eastern speaker's preference for close conversational distance may feel intrusive to a Northern European counterpart. An African diplomat's strong use of hand gestures may be seen as overly expressive by a Japanese delegation accustomed to restrained body language. By understanding and adapting to these non-verbal cultural nuances, individuals and organizations can improve communication effectiveness, enhance intercultural competence, and foster better relationships in global interactions.

Language serves as a repository of a nation's history, traditions, and worldview, encapsulating cultural values and societal norms. The way a society expresses ideas, beliefs, and social structures through language reflects its unique cultural perspective. For instance, in Uzbek, the proverb "*Bo'lar bola beshigida ma'lum*" (A child's future is evident from infancy) underscores the cultural emphasis on early upbringing and the belief in the formative nature of childhood. Similarly, English expressions such as "*the early bird catches the worm*" reflect a

culture that values individual initiative and timeliness. These linguistic expressions provide insights into cultural ideologies and social expectations embedded within discourse.

To analyze discourse from a linguacultural perspective, a multi-layered methodological approach is essential. This involves identifying key linguistic features, interpreting their cultural significance, drawing cross-cultural comparisons, and considering the psychological and social dimensions that shape discourse.

One fundamental stage of linguacultural discourse analysis is the identification of culturally significant linguistic units. This includes proverbs, idioms, metaphorical expressions, and discourse markers that carry deeper cultural meanings. Corpus analysis and linguistic categorization help determine the prominence and frequency of these elements within discourse. For example, Uzbek discourse frequently incorporates collectivist-oriented phrases such as *"el-yurt"* (nation and people), reinforcing the communal nature of Uzbek society. In contrast, English discourse often employs expressions like *"stand on your own two feet"*, which reflect an individualistic cultural orientation.

The interpretation of linguistic units within cultural contexts is another critical step. Language does not exist in isolation but is deeply embedded in cultural traditions, social interactions, and historical narratives. Examining how different societies perceive and employ linguistic elements allows researchers to understand the underlying worldview encoded in language. For instance, the English metaphor *"break the ice"* symbolizes initiating social interaction, whereas a direct equivalent does not exist in Uzbek culture. Instead, Uzbek discourse often prioritizes indirect politeness strategies, demonstrating a cultural preference for maintaining social harmony.

A comparative analysis of discourse across cultures allows for the systematic study of similarities and differences in language use. This approach helps identify shared communicative features and culturally specific patterns that define discourse structures. For instance, Italian discourse is often accompanied by expressive hand gestures, while Japanese communication emphasizes subtlety and indirectness. In Uzbek and Korean discourse, honorifics and respectful address forms play a crucial role in maintaining hierarchical social relationships, whereas English discourse tends to favor a more egalitarian and direct communication style.

The consideration of social and psychological factors in discourse analysis provides deeper insights into how language functions in shaping social identities, power structures, and interpersonal relationships. Psychological factors such as cognitive processing, emotional expression, and perception of politeness influence discourse construction. Social hierarchies, gender roles, and power dynamics further impact how language is used in different contexts. For example, in Uzbek discourse, indirect speech and euphemisms are commonly employed to demonstrate respect and maintain social equilibrium, whereas in Western cultures, directness is often valued for its clarity and efficiency.

By integrating these stages of linguacultural discourse analysis, researchers can develop a comprehensive understanding of the relationship between language and culture. This approach enhances cross-cultural communication, contributes to translation studies, and fosters a greater appreciation for linguistic diversity in a globalized world.

**Discussion.** The analysis of linguacultural discourse highlights the intricate relationship between language, culture, and social interaction. This study has demonstrated that language

is not merely a tool for communication but a repository of cultural values, historical narratives, and collective identity. The findings from the identification of linguistic units, cultural interpretation, comparative analysis, and consideration of social and psychological factors provide valuable insights into how discourse reflects and shapes cultural perspectives.

A key observation from the study is that linguistic expressions encode cultural ideologies and societal expectations. The proverb *"Bo'lar bola beshigida ma'lum"* in Uzbek, which emphasizes the formative role of childhood, contrasts with English expressions like *"the early bird catches the worm"*, which foregrounds individual effort. Such differences illustrate how languages embed culturally specific worldviews, reinforcing social norms and values unique to each society. The identification of culturally significant linguistic units, including idioms, metaphors, and discourse markers, further supports the argument that language is deeply interwoven with the cultural fabric of a community.

The interpretation of linguistic units within cultural contexts has revealed that meaning is not static but shaped by cultural perceptions and traditions. A striking example is the English phrase *"break the ice"*, which signifies easing social tension, while an equivalent metaphor is absent in Uzbek discourse. Instead, Uzbek communicative norms prioritize indirect speech and politeness strategies, demonstrating a preference for maintaining social harmony over direct engagement. This finding aligns with previous research on high-context cultures (Hall, 1986), where implicit communication plays a dominant role [10]. Similarly, Uzbek discourse incorporates collectivist-oriented phrases such as *"el-yurt"* (*nation and people*), which underscores the cultural emphasis on community, in contrast to English discourse, which frequently employs individualist expressions like *"stand on your own two feet"*. These observations reinforce the idea that language encodes and reinforces social structures, values, and norms.

The comparative analysis of discourse across cultures further supports the argument that discourse structures differ significantly depending on cultural traditions. While Italian communication is characterized by expressive gestures that reinforce spoken language, Japanese and Korean discourse relies on subtlety and indirect politeness strategies. Uzbek and Korean languages share similarities in their use of honorifics and hierarchical speech forms, reflecting a strong emphasis on respect and social hierarchy. In contrast, English discourse tends to be more egalitarian and direct, reflecting the cultural values of individual autonomy and openness. These findings underscore the necessity of comparative linguistic analysis in understanding how cultural and linguistic norms shape communicative behaviors.

The consideration of social and psychological factors in discourse has provided deeper insights into the role of language in shaping social identities and power relations. The study found that social hierarchies, gender roles, and cognitive processing significantly influence discourse construction. In Uzbek society, for example, indirectness and euphemisms are frequently used to navigate hierarchical relationships and maintain social equilibrium. This finding aligns with research by Brown and Levinson (1987) on politeness strategies, which suggests that speakers modify their discourse to align with cultural expectations of respect and face-saving. In Western societies, however, directness and explicitness are often valued for their clarity and efficiency, reflecting different cultural expectations in communication. These variations highlight the need for greater cultural awareness in cross-cultural communication and translation studies.

Another crucial aspect of discourse transformation observed in this study is the impact of globalization and digitalization on linguacultural discourse. The increasing use of digital platforms and social media has led to hybrid discourses that blend linguistic features and communicative norms from multiple cultural traditions. This phenomenon is particularly evident in online Uzbek discourse, where younger generations integrate English loanwords, internet slang, and informal speech patterns that diverge from traditional discourse norms. Dosbayeva (2023) highlights that digital Uzbek discourse is evolving rapidly, reflecting new modes of communication influenced by globalization and technological advancements. These changes indicate that linguacultural discourse is not static but constantly evolving, adapting to new social and technological realities [5].

The findings of this study have several practical implications for intercultural communication, translation studies, and language education. Understanding the linguacultural aspects of discourse can enhance cross-cultural communication skills, allowing individuals to navigate linguistic differences more effectively. The study also emphasizes the need for culturally adaptive translation practices, ensuring that linguistic and cultural nuances are preserved in cross-linguistic communication. Furthermore, the findings suggest that language educators should integrate linguacultural discourse analysis into foreign language instruction, helping learners understand how language reflects cultural and social identities.

**Conclusion.** The discussion highlights that linguacultural discourse analysis is a crucial tool for understanding how language encodes cultural values, social hierarchies, and historical narratives. The integration of linguistic, cultural, and psychological methodologies has provided a comprehensive framework for analyzing discourse across different cultural contexts. As societies become more interconnected through globalization and digitalization, discourse will continue to evolve, shaping and being shaped by new communicative practices. Future research should further explore the influence of multilingual interactions, digital communication trends, and emerging discourse patterns in a rapidly globalizing world.

#### References/Adabiyotlar/Literatura:

1. Bakhtin, M. M. (1986). *Speech Genres and Other Late Essays*. Translated by Vern W. McGee; edited by Caryl Emerson and Michael Holquist. University of Texas Press.
2. Foucault, M. (1972). *The Archaeology of Knowledge*. Translated by A. M. Sheridan Smith. Pantheon Books.
3. Karasik, V. I. (2002). *Yazykovoy Krug: Lichnost', Kontsepty, Diskurs* [The Language Circle: Personality, Concepts, Discourse]. Gnosis.
4. Jalolov, J. J. (2015). *Chet Tillarini O'qitish Metodikasi* [Methods of Teaching Foreign Languages]. O'qituvchi Publishing House.
5. Dosbayeva, N. T. (2019). "The Linguocultural Analysis of Literary Translation from Uzbek into English (By the Example of the Short Story 'The Pomegranate' by Abdulla Kahhor)." *Scientific Bulletin of Namangan State University*, Vol. 1, Issue 11, Article 25.
6. Wierzbicka, A. (1997). *Understanding Cultures through Their Key Words: English, Russian, Polish, German, and Japanese*. Oxford University Press.
7. Bozorova, M. (2021). *Gender and Language in Uzbek Society*. Tashkent State University of Uzbek Language and Literature.
8. Blommaert, J. (2010). *The Sociolinguistics of Globalization*. Cambridge University Press.
9. Rahimov, I. (2018). "Digital Communication and Language Change: The Case of Uzbek." *Journal of Central Asian Studies*, Vol. 25, No. 2, pp. 45-60.
10. Hall, E. T. (1986). *Beyond Culture*. Anchor Books.

11. Rakhimov, S. (2019). "Challenges in Translating Uzbek Discourse Markers into English." *Translation Studies Journal*, Vol. 3, Issue 1, pp. 78-92.



**Received:** 20 December 2024

**Accepted:** 5 January 2025

**Published:** 15 January 2025

*Article / Original Paper*

## **LEXICAL-SEMANTIC ANALYSIS OF ANTHROPONYMIC UNITS IN THE ENGLISH LANGUAGE**

**Baxtiyorova Maftuna Baxtiyorovna,**

University of Economics and Pedagogy

Department of "Foreign Languages" Ph.D., etc. associate professor

**Abstract.** In this article, onomastic concepts are analyzed as components of cognitive structures, i.e., cognitive units. The article also provides general information about the origin of proper names, the peculiarities of the linguistic verbalization of anthroponyms, the definition of known carriers of proper names and the semantics of onyms in the language.

**Keywords:** concept, linguistic, verbal, semiotics, onym, lexica, semantics, symbol, anthropocentrism, theory.

## **INGLIZ TILIDA ANTROPONIMIK BIRLIKLARNING LEKSIK-SEMANTIK TAHLILI**

**Baxtiyorova Maftuna Baxtiyorovna,**

Iqtisodiyot va Pedagogika Universiteti

"Xorijiy tillar" kafedrası f.f.f.d., v.b. dotsenti

G-mail: [maftunabakhtiyorovna.phd@gmail.com](mailto:maftunabakhtiyorovna.phd@gmail.com)

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada onomastik tushunchalar bilim tuzilmalarining tarkibiy qismlari, ya'ni kognitiv birlik sifatida tahlil qilinadi. Shuningdek, maqolada nomlarning kelib chiqishi haqida umumiy ma'lumotlar, antroponimlarning lisoniy verballashuvidagi o'ziga xos xususiyatlari, nomlarning ma'lum tashuvchilari va tildagi onimlar semantikasini aniqlash haqida fikr bildiriladi.

**Kalit so'zlar:** konsept, lisoniy, verbal, semiotika, onim, leksika, semantika, ramz, nazariya.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V5I1Y2025N30>

**Kirish.** Tadqiqotchilar lug'aviy birliklar semantik tuzilishini kognitiv tahlil etishga katta e'tibor qaratayotganliklariga qaramasdan, shaxs nomlari tahliliga nisbatan kognitiv yondashuvning tatbiq qilinishi etarli darajada emas. Ta'kidlash joizki, ingliz tilida nashr qilingan "Cognitive Linguistics" risolasining mualliflari aytganlaridek, "har qanday birikma semantik izoh va pragmatik tahlilga loyiqdir"[1]. Ma'lumki, semantik tahlil jarayoni so'zlarni ma'no jihatidan o'rganishni taqozo etadi. Til birliklari semantik strukturasi uzoq davrlar mobaynida bevosita ushbu birliklarning formal tuzilishi tahlili bilan bog'liq holda o'rganib kelindi. Bunday yondashuvda til birliklarining formal tuzilishini aks ettiruvchi namunaviy modellar ajratilib, ular faol qo'llanishda bo'lgan lisoniy birliklarning tipik xususiyatlarini mujassamlantiruvchi mavhum tuzilmalar sifatida talqin qilindi. Ma'no tuzilishining funksional-derivatsion tadqiqi esa til tizimi birliklarining bevosita nutqiy faoliyat jarayonida hosil bo'lishini e'tiborga olishni talab qiladi. Bunda tizimli va vazifaviy xususiyatlarning o'zaro bog'liqligi qayd etiladi.

**Mavzuga oid adabiyotlar tahlili.** Funktsional-semantik maydon g'oyasining targ'ibotchilaridan bo'lgan A.V.Bondarkoning fikricha, kategorial ma'no lisoniy tizim xarakteriga ega bo'lishdan tashqari, birliklarning "uzluksiz va yangi muhitlarda qo'llanishi asosida yuzaga keladi"[2].

O.N.Seliverstovaning qaydi ham ushbu fikrni tasdiqlaydi: "har qanday lisoniy belgining tavsifi aslida ularning nutq jarayonida cheksiz qo'llanishini umumlashtiruvchi qonuniyat xarakteriga ega bo'lishi kerak"[3].

So'zning semantik tuzilishi doirasidagi aloqalarni qurish orqali ularning ma'nolarini tushuntirib berish mumkin bo'ladi. So'zlar tasodifan yangi ma'nolarga ega bo'lmaydi. Va yangi ma'nolar kognitiv tuzilish natijasida paydo bo'lganligi sababli, sinxronlashda bitta so'zning turli xil ma'nolari odatda ma'lum motivatsion asosda bir-biri bilan bog'lanadi. Bir-biriga bog'liq so'zlar guruhlarining tarixiy rivojlanishini o'rganish borliqda mavjud bo'lgan aspektlarni ifodalash uchun bizning kognitiv tizimimiz tomonidan foydalaniladigan tizimli tuzilish turlarini aniqlashga imkon berishi kerak[4].

**Tadqiqot metodologiyasi.** So'nggi o'n yillikda empirik tilni o'rganishga qaytish sifatida ahamiyatli bo'lgan nutqni tahlil qilish dastlab "dinamik sinxronizatsiya" materialida sinovdan o'tkazildi, endi muammolarni echishga tarixiy tadqiqotlar nuqtai nazaridan ham kirishilmoqda. M.Y.Kolokolnikova birinchilardan bo'lib ushbu muammoni keltirib chiqardi va "Tarixiy leksikologiya va semasiologiyada nutqni tahlil qilish (O'rta asrlarning G'arbiy evropa tillarida ma'naviy va axloqiy leksik material asosida)" asarida ushbu yondashuvning shubhasiz samarasini ko'rsatdi. Shu bilan birga — odatdagidek dastlabki bosqichda — tahlil metodikasi diaxronik tahlilning o'ziga xos xususiyatlarini hisobga olgan holda takomillashtirilishi kerak, bu kamida ikkita xronologik qatlamni taqqoslashni, ya'ni "sinxron" yondashuvni nazarda tutadi [5].

Etimologik tanlashda, qaror qabul qilishda eng muhim mezon roli Semantikaga beriladi. So'zning semantikasi haqidagi bilimimiz, asosan, so'zning leksikografik manbada olgan ta'riflari bilan belgilanadi. Ko'pincha lug'at tomonidan berilgan ta'rif nomni tanlashda turtki beruvchi xususiyatidan uzoqroq ekanligi ko'zga tashlanadi. Ba'zi bir hollarda, aniq mezonlar bo'lmagan taqdirda, faqat semantik o'zgarishlarning mumkin bo'lgan mantig'i haqidagi zamonaviy g'oyalar asosida, semantikani u yoki bu yo'nalishda rivojlantirishga turtki beradigan belgilar joylashtiriladi va tiklangan asl ma'no barcha mumkin bo'lgan semantik o'zgarishlarning nuqtasi yoki dastlabki ma'no sifatida qabul qilinadi.

**Tahlillar va natijalar.** So'zlar voqelikning belgisidir va faqat tashqi olam realiyalari bilan bog'liq holdagina mavjuddir. Realialarni keng ma'noda: ham real narsalar shaklida, ham aniq harakatlar shaklida va mavhum tushunchalar shaklida anglash mumkin. Inson faoliyatining muayyan sohasi bilan bog'liq bo'lgan aniq harakatlar, obyektlarning ustuvorligi predmetga xos guruhlarda nominativlikni belgilovchi omil hisoblanadi.

Leksik ma'no va tildan tashqari voqelik o'rtasida o'xshashlik yo'q, ular orasida bilvosita bog'liqlik mavjud, chunki leksik ma'no motivatsiyasi zamonaviy ilm-fanning mahalliy madaniy-tarixiy kontekstidan bevosita kelib chiqmaydigan holatlari juda ko'p uchraydi [6].

Denotatsion soha o'zgarishsiz qolmaydi. Bir tomondan, denotativ soha parametrlarining kengayishi bilan lug'atning tematik guruhining ichki tuzilishini va leksik tarkibini belgilaydigan toifalarning fraksion jihatdan farqlanishi, ikkinchidan, mavjud toifalar o'zgaradi, bu ba'zi toifalarning yo'q bo'lib ketishiga va boshqalarining kuchayishiga olib kelishi mumkin emas; bu

jarayonlar leksik birliklarning tarkibi va semantik tarkibidagi o'zgarishlar bilan birga kechadi. Bir tomondan, aniqlashga qaratilgan so'z boyligini etimologik tahlil qilish arxaik semantikaning fenomeni, moddiy faoliyat evolyutsiyasi yo'nalishida tasdiqlangan, boshqa tomondan, aniq voqeliklarni bilish, terminologik ma'noda ishlatiladigan leksik realiyalar bilan o'zaro bog'liqlik, ma'nolar iyerarxiyasini yaratish uchun ishonchli asos yaratadi.

Ko'rib turganingizdek, etimologik xarakterdagi muammolarni hal qilish uchun turli xil manbalar tomonidan taqdim etilgan barcha ma'lumotlar to'plamini har tomonlama tahlil qilish asosida bosqichma-bosqich chuqurlashib borish (zamonaviy, tarixiy va dialektal lug'atlar, atlaslar va boshqalar), leksik birliklarda aks etgan madaniy va tarixiy sharoitlarni aniqlashga bo'lgan munosabat alohida ahamiyatga ega.

Quyida shaxs nomlarining semantik tahlili bilan bir qatorda ularning etimologiyasi ham keltiriladi.

*"Bill"* – *Uilliam (William)* ismining qisqartma ko'rinishi. Bunday ko'rinish ilk bor XIX asrda qo'llana boshlangan. Bosh undoshdagi o'zgarish ismning irlandcha talaffuzi natijasida yuzaga kelgan. *"Bonita"* (*"Bonita"*) yoki erkalovchi shakli *"Bonni"* (*Bonnie*) – shotlandcha *"bonnie — yoqimtoy"* so'zidan olingan bo'lib, o'z navbatida bu so'z o'rta asr fransuz tilidagi *"bon-yaxshi"* so'ziga taqaladi. Bu ism Amerikada XIX asrdan beri ism sifatida qizlarga berib kelinadi va u asosan 1939-yilda *"Shamollarda qolgan hislarim"* filmi namoyishidan keyin ommalashib ketdi. Filmda Skarlett (Skarlet – Alvon, Yolqin, Yorqin) ning qizchasi *Bonni* laqabiga ega edi.

*"Brayn"*(*Brayn*) – bu ismning ma'nosi aniq emas, biroq u qadimiy kelt elementi *"bre — tepalik"* so'ziga aloqadordir ehtimol. Bu ism yarim afsonaviy Irland qiroli Brayn Boru bilan bog'liq. U XI asrda vikinglarning Irlandiyani bosib olishga bo'lgan urinishlariga qarshi kurashgan. XX asrda bu ism juda ommalashdi.

*"Cherry"* (*Cherri*) - oddiygina meva nomini anglatadi. Biroq, u *Charity (Chariti)* – Xayriya, saxovat"ning kichraytiruvchi shakli bo'lishi ham mumkin. *"Clara"* yoki *"Clare"* — eski lotin tilidan *"Klaris – aqlli, charog'on, mashhur"* ismining ayollarga beriladigan ko'rinishi. *"Daisy"* (*Daisi, Deyzi*) – bevosita qadimgi ingliz tilidan *"dægeseage – kun ko'zi"* so'zidan olingan *"dastorgul"* gulining inglizcha nomi. XIX asrda u birinchi marta atoqli nom sifatida qo'llandi, ayni bir paytda barcha o'simlik va gullar nomi antroponim sifatida tanlana boshladi.

*"Daniel"* (*Daniel*) — yahudiy tilidan *"Olloh mening hukm chiqaruvchim"* ma'nosini anglatib, quyidagi o'zaklardan tashkil topgan: *"din – hukm chiqarmoq"*, *"el — olloh"*. Daniel yahudiy payg'ambari bo'lib, u haqidagi rivoyat Tavrotdagi *"Daniel kitobi"*da keltiriladi. U Bobilda, yahudiylar qo'lida asirlikda yashaydi, qirol mahkamasida xizmat qiladi, qirolning tushlari ta'birini aytib, uning ishonchini qozonadi. Kitobda dunyo oxirati haqidagi Danielning to'rt bashorati aytilgan.

*"Edith"* (*Edit*) – qadimgi ingliz tilidan, *"ead – boylik, omad"* va *"gyð — urush"* degan ma'nolarni anglatadi. *"Edmund"* (*Edmund*) – qadimgi ingliz elementlari *"ead – boylik, omad"* va *"mund — himoya"* demakdir. Bu Angliyaning ikki Anglo – Sakson qirollari nomi bo'lgan. Bundan tashqari u ikki avliyo nomi bilan ham tutash. IX asrda sharqiy Angliya qiroli an'anaga ko'ra o'q –yoyga nishon bo'ladi va qatl ettiriladi. U o'z xristianlik davlatini istilochi butparast Daniyalik yo'l boshchi bilan bo'lishishni istamagan edi. Bu qadimiy inglizcha ism normannlar bosqinidan keyin ham iste'molda qoladi. *"Edward"* (*Eduard*) – *"boy qo'riqchi"* ma'nosini anglatib, qadimgi ingliz tili elementlari *"ead – boylik, omad"* va *"weard – qo'riqchi"* ga asoslanadi. *"Eliza"*,

“Elizabeth” (*Eliza, Elizabet*) – ildizi yahudiycha Elisheva (Elisheva) – My God is an oath (Qasam mening ollohim)“ga taqaluvchi ismning grekcha shakli bo‘lib, “el” – yahudiychada “xudo” va “shava — qasam” demakdir. Ismning yahudiycha shakli Tavrotta Aaronning rafiqasi Elisheba ko‘rinishida paydo bo‘ladi. “Elton” (*Elton*) – qadimgi ingliz tilida “Ellaning shahri” ma‘nosini anglatuvchi joy nomidan kelib chiqqan.

“Franklin” (*Franklin*) – o‘rta asrlar ingliz tilidan “frankelin – ozod odam” so‘zidan olingan nom. Ismning mashhur egalaridan biri amerikalik davlat arbobi, kashfiyotchi, olim va faylasuf Benjamin Franklindir (1706-1790). Amerika qo‘shma shtatlarida uning hurmati uchun bu ismni farzandga berishadi. “Frederik” (*Frederik*) – germancha nom “tinchliksevar boshqaruvchi” ma‘nosini anglatuvchi “frid — tinchlik” va “ric – boshqaruvchi, qudrat” so‘zlaridan hosil bo‘lgan. Bu ism mintaqaviy german tillarida so‘zlashuvchi hududlarga xos bo‘lib, Buyuk Rim imperiyasi, Germaniya, Avstriya, Skandinaviya ommalashgan.

“Gary” (*Gari*) – aslan “ger -nayza” ma‘nosini anglatuvchi nemis elementi bilan boshlanuvchi ismlarning qisqartma shaklidan kelib chiqqan normanncha ismning ingliz tili varianti hisoblanadi. Bu ism 1920-yil oxirlarida ommalashganligining sababchisi amerikalik aktor Gari Kuper (1901 — 1961) bo‘lib, u bu ismni sahnaga chiqishda o‘zi uchun taxallus sifatida tanlagan edi. Uning ish boshqaruvchisi Indiana shtatidagi Gari shahrida tavallud topgan edi. “Geoffrey” (*Joffrey*) — nemischa ismning Norman fransuzcha ko‘rinishi. Ikkinchi element “frid — tinchlik”, biroq birinchi element yoki “gawia — maydon”, “walha — xorijiy” yoki “gisil — garov” so‘zlaridan hosil bo‘lgan. Balki bir nechta so‘z bir ko‘rinishda mujassamlashgandir. O‘rta asrlar so‘nggida uni “Godfrey” (*Godfrey*) aniq nomi bilan chalkashtira boshlaganlar.

“George” (*Georg*) – “ge — er” va “ergon — ish” elementlaridan hosil bo‘lgan “fermer, erga ishlov beruvchi” ma‘nosini anglatuvchi grekcha so‘zdan olingan nom. “Gerald” (*Jerald, Gerald*) — “ger — nayza” va “wald — qoida” elementlaridan olingan “nayza qonuni” ma‘nosini anglatuvchi nemischa ismdan olingan. Bu ism normanlar tomonidan Britaniyaga olib kelingan. O‘rta asrlarda u butunlay iste‘moldan chiqib ketdi va faqat Irlandiyada saqlanib qoldi. Ingliz tilida so‘zlashuvchi dunyoda XIX asrda qayta tiklandi. “Giles” (*Giles*) – lotincha “Aegidius” ismidan kelib chiqqan bo‘lib, aslida grekcha “yosh qo‘y” ma‘nosini anglatadi. Avliyo Giles VIII asrda Gretsiyadan janubiy Fransiyaga kelgan mo‘jizaviy ishchi bo‘lgan. U nogironlar, oqsoqlarning homiy avliyosi sifatida qadrlangan. Qadimgi fransuz tilidagi “Aegidius” ismi avvaliga Gidie (*Gidi*) va keyinchalik esa ingliz tilida Gilles (*Gilles*) ko‘rinishiga o‘tdi. “Godfrey” – nemischadan “olloh tinchligi” ma‘nosini anglatuvchi “Godafrid” ismidan olingan. Nemischa elementlar “god — xudo” va “frid — tinchlik”dan hosil bo‘lgan. Ism normanlar tomonidan Angliyaga olib kelingan va O‘rta asrlarda urfga kirgan.

“Hardy” (*Hardi*) – o‘rta asr ingliz tilidagi “hardi – jasur, mard” so‘zlaridan olingan. “Harlan” (*Harlan*) — qadimiy ingliz tilidagi “hare land – quyon eri” nomli joy nomidan kelib chiqqan. “Harold” (*Herold, Gerold*) – “here — armiya” va “weald – kuch-qudrat, yo‘lboshchi, boshqaruvchi” elementlaridan olingan qadimiy inglizcha ism “Hereweald”dan kelib chiqqan. Ismning qadimiy norscha Haraldr (*Haraldr*) shakli Angliyada istiqomat qilgan Skandinaviya aholisi orasida urf bo‘lgan. “Harper” (*Harper*) – “harp – arfa” ma‘nosini anglatib, arfa chaluvchi shaxsga bog‘lanuvchi qadimiy inglizcha ismdir.

“John” (*Jon*) – lotin tilidagi “Iohannes”ning inglizcha ko‘rinishi. “Iohannes” nomi yahudiycha “Yochanan” ismidan olingan bo‘lib, ma‘nosi “Yahveh ulug‘” va ildizi “yo – yahudiy xudosi” va “chanan – ulug‘vor bo‘lmoq” elementlaridan hosil bo‘lgan. “Jonathan” (*Jonatan*) –

yahudiycha “Yahveh bergan” ma’nosini anglatuvchi “Yohanatan” ismidan olingan. Ildizi “yo – yahudiy xudosi” va “natan — bermoq” soʻzlariga taqaladi. Tavrotda keltirilgan ma’lumotlarga koʻra Jonatan Saulning katta oʻgʻli boʻlgan. Otasining dushmani Dovud bilan yaqin doʻstligi tufayli, otasi bilan munosabatlari taranglashgan. Falastinlar bilan boʻlgan jangda otasi bilan birgalikda halok boʻlgan.

“Joseph” (Jozef yoki Yusuf) – “yasaf” oʻzagidan kelib chiqqan, yahudiycha “Yosef” ya’ni “u qoʻshadi” ma’nosini anglatuvchi yahudiycha nomga asoslanuvchi “Ioseph” ismining lotincha shaklidan olingan. Tavrotda aytilishicha, Jozef Yoqubning Reychedan koʻrgan birinchi farzandi, umuman olganda esa oʻn birinchi oʻgʻli boʻlgan. Otasining sevimli oʻgʻli boʻlganligi sababli katta akalari uni Misrga joʻnatib yuboradilar va otalariga uni oʻldi, deb aytadilar. Misrda Yusuf firʼavnga maslahatchi boʻlib kiradi, katta obroʻ–eʼtiborga erishadi va keyinchalik Misrga koʻmak istab kelgan akalari bilan topishadi va ularga yordam koʻrsatadi. Yusuf haqidagi rivoyat muqaddas “Qur’oni karim”ning “Yusuf” surasida keltirilgan.

“Joyce” – oʻrta asrlardagi erkaklarga berilgan “Josse” (Josse) ismining hozirgi kunda erkak va ayol nomi sifatida qoʻllanuvchi shaklidir. “Josse ismining ma’nosi “lord” boʻlib, bretoncha “Judoc” nomining lotinlashgan shakli hisoblanadi. Bu ism VII asrda yashab oʻtgan Breton avliyosiga tegishli boʻlgan va bretonliklar tomonidan Norman istilosidan keyin Angliyaga olib kelingan. Ism kamdan – kam uchrar edi, biroq XIV asrdan keyin ayol kishiga beriluvchi ism sifatida yuzaga chiqdi, chunki u oʻrta asrlar ingliz tilidagi “joise – sevinmoq, xursand boʻlmoq” soʻzi bilan oʻxshash edi. “Judith” – yahudiycha “Yahudit” nomidan kelib chiqqan boʻlib, u “yahudiy ayol” ma’nosini anglatadi va “Yahudiy ayol” elementidan tashkil topgan. Ism egasi bevosita Judah qabilasi aʼzosi boʻlgan.

“Lincoln” – rimliklar tomonidan “Lindum Colonia” deb nomlanuvchi, Angliyadagi bir shahar nomidan olingan familiya. Britonik tilida “lindo – koʻl, hovuz” ma’nosini va “colonia – mustamlaka” ma’nolarini anglatadi. Odatda bu ism fuqarolar urushi davrida Amerikani boshqargan prezident Abraham Linkoln (1809 — 1865) nomini hurmatlash maqsadida oʻgʻil farzandlarga beriladi. “Linda” – kelib chiqishi jihatidan germanik ismlar “lind – yumshoq, muloyim, kelishuvchan, egiluvchan” elementini qamrab oluvchi oʻrta asrlarga oid ismlardan hisoblanadi. Shuningdek u portugalcha va ispancha “linda — chiroyli” ma’nosini anglatuvchi soʻzga toʻgʻri keladi.

“Scarlett” – alvon matosidan tikilgan liboslarni sotuvchi shaxsni anglatgan. “Scarlet” forscha “saghrilat” soʻziga asoslangan boʻlib, matoning bir turini anglatadi. Margaret Mitchel bu ismni birinchi marta “Shamollarda qolgan hislarim” romanida “Scarlet OʻHara” obrazi uchun qoʻllaydi.

“Stephen” — grekcha “Stephanos” – “toj” ma’nosini anglatuvchi ismdan olingan. Avliyo Stefan dyakon, ya’ni fransuzlar cherkovidagi quyi unvonlardan birini egallagan boʻlib, “Injilda” keltirilishicha, toshboʻron qilib oʻldirilgan.

“Theodore” – grek tilidagi “theos — xudo” va “doron – inoyat, sovgʻa” elementlaridan hosil boʻlgan grekcha “Theodoros” ismidan olingan.

**Xulosa va takliflar.** Semantik transformatsiyalar jarayonida soʻzning xiralashgan ichki shakli olib tashlanadi, asl ma’no oʻz dolzarbligini yoʻqotadi, yangidan yaratilgan ma’nolar bilan qoplanadi, ularning har biri keyingi oʻzgarishlarga turtki berishi mumkin. Natijada, rasmiy umumiylik asnosida soʻzning semantik bir butunligi buziladi. Koʻpgina hollarda, haqiqiy tilshunoslik ma’lumotlarini tahlil qilish asl semantikaga oid xulosalar chiqarish uchun etarli

emas bo'lib chiqadi. Bu borada, xususan, insonning o'ziga xos faoliyati bilan bog'liq bo'lgan nomlar, asl ma'noni qayta tiklash munosabatlar dunyosiga, qadimgi realiyalar dunyosiga kirib borishni nazarda tutadi. Bunday holatlarda, ayniqsa, xalqning moddiy va ma'naviy madaniyati tarixi bilan bog'liq holda so'zni o'rganish hamda asosiy lingvistik yondashuvni birlashtirish juda muhimdir. Madaniyatning konteksti – so'z boyligini tizimli tashkil etishning o'lchovlaridan biri. So'zning madaniyat kontekstidagi faolligi asl semantikani tiklash uchun zarur bo'lgan xususiyatlarni yoritadi.

#### **Adabiyotlar/Литература/References:**

1. Goossens L. Metaphony: the Interaction of metaphor and metonymy in figurative expressions for linguistic action. // Cognitive Linguistics. - Berlin; New-York: Mouton de Gruyter, 1990 - № 1 - P. 323 – 340
2. Бондарко А.В. Функциональная модель грамматики//Язык и речевая деятельность. – Санкт-Петербург, 1998. – С. 17-32.
3. Селиверстова О.Н. Когнитивная семантика на фоне общего развития лингвистической науки//Вопросы языкознания. – Москва, 2002. №6 – С.12-26.
4. Sweetser E. From etymology to pragmatics. Metaphorical and cultural aspects of semantic structure (Cambridge studies in linguistics. 54). Cambridge, 1990 (digital print. 2001).
5. Гарде П. [Garde P.] О так называемых “симпатических” падежах в русском языке. //Russian Linguistics. University of Stockholm, 1985. С. 181-196
6. Трубачев О.Н. Синхрония, диахрония und keine Ende (маргиналии по русскому историческому словообразованию) // Исследования по историческому словообразованию. Москва, 1994. С. 16–28.
7. Суперанская А В. Общая теория имени собственного. - Москва: Логос, 2004. - С. 141.
8. Руденко Д. И. Собственные имена в контексте современных теорий референции // Вопросы языкознания. – Москва, 1988. - №3. - С. 55–68.
9. В.М.Bakhtiyorovna. Discursive-pragmatic nature of anthroponyms-Asian Journal Of Multidimensional Research, 2022, India, 110-114
10. Sadullaeva N., & Bakhtiyorova, M. Reflection of Onomastic Principles in Naming. Psychology and Education, 2021, AQSh, 2874-2878.

**Received:** 20 December 2024

**Accepted:** 5 January 2025

**Published:** 15 January 2025

*Article / Original Paper*

## **RELATIONSHIP OF MEANING LAYERS OF PHRASEOLOGICAL UNITS WITH LINGUISTIC PHENOMENA SUCH AS METAPHOR AND METONYMY**

**Nurmukhammedov Yusuf Shakarboyevich,**  
doctor of philosophy in philology, associate professor  
Samarkand State Institute of Foreign Languages  
E-mail: [nurmuhammad.yu@gmail.com](mailto:nurmuhammad.yu@gmail.com)

**Abstract.** The article examines the layers of meaning of phraseological units and their relationship with metaphor and metonymy. The denotative and connotative layers of phraseologisms are analyzed and the role of metaphor and metonymy in their formation is shown. The study aims to shed light on the linguistic and cultural significance of these units.

**Keywords:** phraseological units, layers of meaning, metaphor, metonymy, denotative layer, connotative layer, linguistic phenomena, semantic analysis, cultural significance.

## **FRAZEOLOGIK BIRLIKLARNING MA 'NO QATLAMLARI, METAFORA VA METONIMIYA KABI LINGVISTIK HODISALAR BILAN ALOQASI**

**Nurmuxammedov Yusuf Shakarboyevich,**  
filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori, dotsent  
Samarqand davlat chet tillar instituti

**Annotatsiya.** Maqolada frazeologik birliklarning ma'no qatlamlari va ularning metafora hamda metonimiya bilan aloqasi o'rganilgan. Frazeologizmlarning denotativ va konnotativ qatlamlari tahlil qilinib, metafora va metonimiyani ularni shakllantirishdagi roli ko'rsatib berilgan. Tadqiqot ushbu birliklarning lingvistik va madaniy ahamiyatini yoritishga qaratilgan.

**Kalit so'zlar:** frazeologik birliklar, ma'no qatlamlari, metafora, metonimiya, denotativ qatlam, konnotativ qatlam, lingvistik hodisalar, semantik tahlil, madaniy ahamiyat.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V5I1Y2025N31>

**Kirish.** Frazeologik birliklar tilning o'ziga xos va murakkab bo'lagi bo'lib, ular tilning boyligi, ifoda imkoniyatlari va madaniy ko'lamini aks ettiradi. Frazeologizmlar nafaqat so'zlarning oddiy yig'indisi, balki ma'lum bir xalqning dunyoqarashi, hayot falsafasi va ma'naviy qadriyatlarini o'zida mujassam etgan lingvistik hodisalaridir. Ular tildagi ko'p ma'nolilik, obrazlilik va emotsional ifodaviylikni ta'minlaydi. Ushbu xususiyatlar frazeologik birliklarning tahlilini nafaqat tilshunoslik, balki madaniyatshunoslik va semiotika nuqtai nazaridan ham muhim qiladi. Frazeologik birliklarning semantik jihatlari, ayniqsa, ularning denotativ va konnotativ ma'nolari, tilshunoslik tadqiqotlarida alohida ahamiyat kasb etadi. Denotativ qatlam frazeologizmlarning asosiy lug'aviy ma'nosini ifodalasa, konnotativ qatlam ularning qo'shimcha ma'no qatlamlarini, jumladan, emotsional, obrazli va stilistik xususiyatlarini qamrab oladi. Shu bilan birga, frazeologizmlarning shakllanishida metafora va metonimiya kabi lingvistik hodisalar alohida rol o'ynaydi. Metafora frazeologik birliklarning tasviriyligini

oshirib, ularga emotsional va obrazli mazmun baxsh etadi. Masalan, “qo‘lidan tutmoq” frazeologizmi yordam berish yoki qo‘llab-quvvatlash ma‘nosida ishlatiladi. Bu iborada qo‘l obrazining majoziy ma‘noda qo‘llanishi tilning boy semantik imkoniyatlarini ochib beradi. Metonimiya esa bir obyektни boshqa obyekt orqali ifodalashga asoslanadi va frazeologizmlarning shakllanishida muhim semantik vosita sifatida namoyon bo‘ladi. Masalan, “bir piyola choy ichmoq” iborasi mehmon kutish madaniyatini ifodalovchi metonimik frazeologizm hisoblanadi.

Frazeologik birliklarni tahlil qilish ularning metafora va metonimiya bilan aloqadorligini o‘rganishni talab qiladi. Bu esa, o‘z navbatida, tilning strukturaviy va semantik imkoniyatlarini yanada chuqurroq anglashga imkon yaratadi. Ushbu maqola frazeologik birliklarning semantik qatlamlari, ularning shakllanishidagi metafora va metonimiyaning roli va mazkur hodisalarning lingvistik hamda madaniy ahamiyatini yoritishga qaratilgan. Tadqiqot frazeologik birliklarning ko‘p qirrali mohiyatini ochib berish va ularning tildagi funksiyalarini to‘liqroq tushunishga xizmat qiladi. Frazeologik birliklarning lingvistik xususiyatlarini o‘rganish nafaqat tilshunoslar, balki turli soha vakillari uchun ham ahamiyatlidir. Bu mavzuni chuqur tadqiq qilish, frazeologizmlarning til va madaniyat o‘rtasidagi o‘zaro aloqasini tahlil qilishga imkon beradi. Shu bilan birga, tadqiqot natijalari tildan amaliy foydalanishda, xususan, tarjima, til o‘rgatish va nutq madaniyatini rivojlantirish sohalarida ham qo‘llanilishi mumkin.

**Adabiyotlar tahlili va metodologiya.** Frazeologik birliklarni o‘rganish tilshunoslikda asosiy yo‘nalishlardan biridir. Ishlab chiqilgan frazeologiyaning nazariy asoslari til tizimida frazeologik birliklarning o‘rnini aniqlashda muhim ahamiyatga ega. U frazeologik birliklarni tilning faol va strukturaviy jihatidan ko‘rib chiqadi va ularning semantik tuzilishini belgilaydi.

V.N. Teliya (1988) esa frazeologiya tilshunosligida pragmatik yondashuvni ilgari suradi, frazeologik birliklarning faqat semantik jihatini emas, balki ularning kommunikativ va pragmatik funksiyalarini ham o‘rganadi [7].

Metaforaning frazeologik birliklarning shakllanishidagi o‘rni J. Lakoff va M. Johnson (1980) tomonidan keng qamrovda tadqiq qilingan. Ular “Metaphors We Live By” asarida metaforaning inson fikrlashidagi asosiy vosita sifatida ishlatilishini tushuntirgan. Bu asar metaforaning frazeologizmlarda qanday shakllanishi va obrazli tasavvurlarni qanday yaratishi haqida muhim tushunchalar beradi [2].

Metonimiyaning o‘rni R. Langaker (1987) kabi kognitiv tilshunos tomonidan chuqur o‘rganilgan. Ularning ishlari metonimiyaning til va fikrlashdagi bog‘liq tushunchalar o‘rtasidagi aloqalarni o‘rganishda yordam beradi [3].

Frazeologik birliklarning madaniy va milliy xususiyatlari ham alohida e‘tiborga loyiq. S.G. Ter-Minasova (2000) o‘z asarlarida frazeologizmlarning milliy madaniyatga aloqadorligini va til orqali madaniy kodlarni qanday uzatishni tahlil qilgan. Bu tadqiqotlar frazeologik birliklarning tilshunoslikda faqat lingvistik hodisa bo‘lib qolmasdan, balki madaniy, tarixiy va ijtimoiy o‘zgarishlar bilan bog‘liq ekanligini ko‘rsatadi [8].

O‘zbek tilidagi frazeologik birliklarni o‘rganishda I. Mo‘minov va A. Madvaliyev (2004) kabi olimlarning tadqiqotlari muhim rol o‘ynaydi. Ularning ishlarida o‘zbek tilining frazeologik xususiyatlari, frazeologizmlarning til tizimidagi o‘rni va madaniyat bilan bog‘liqligi tahlil qilinadi [5].



**Metodologiya.** Semantik tahlil metodi: Frazeologik birliklarning denotativ va konnotativ qatlamlarini o'rganish uchun ushbu metod qo'llanildi. Bu metod yordamida frazeologizmlarning lug'aviy va obrazli ma'nolari aniqlab chiqildi (Kunin, 1996).

Kognitiv-lingvistik yondashuv: Metafora va metonimiyaning frazeologik birliklar shakllanishidagi rolini aniqlash uchun kognitiv tahlil usuli qo'llandi (Panther & Radden, 1999) [6].

Kontrastiv tahlil metodi: O'zbek va boshqa tillardagi frazeologik birliklarning semantik va strukturaviy o'xshashlik hamda farqlari tahlil qilindi.

Pragmatik tahlil: Frazeologik birliklarning nutq jarayonidagi funksional xususiyatlarini o'rganish maqsadida ushbu metod qo'llanildi.

Madaniy-lingvistik yondashuv: Frazeologizmlarning xalq madaniyati va tarixiy jarayonlar bilan bog'liqligini o'rganish uchun ushbu yondashuvdan foydalanildi (Mokiyenko, 1997) [4].

**Natijalar va muhokama.** Semantik qatlamlar va ularning xususiyatlari: Frazeologik birliklar o'zining semantik qatlamlari bo'yicha ikki asosiy guruhga ajratiladi: birinchi guruhda lug'aviy (denotativ) ma'no, ikkinchi guruhda esa obrazli (konnotativ) ma'no ustunlik qiladi. Misol uchun, "qizil go'sht" frazeologizmi lug'aviy ma'noda faqat go'shtning rangini anglatadi, lekin obrazli ma'noda esa ma'lum bir davlatning iqtisodiy siyosatiga ishora qiladi. Bu kabi frazeologik birliklarning konnotativ qatlamlari tilshunoslikda madaniy va ijtimoiy jarayonlar bilan bog'lanadi. A.V. Kunin (1996) bu kabi semantik o'zgarishlarni tahlil qilishda frazeologizmlarning madaniy xususiyatlarini ham hisobga olish zarurligini ta'kidlagan [1].

Metafora va metonimiya aloqasi: Tadqiqotda metafora va metonimiyaning frazeologik birliklarning shakllanishidagi o'rnini aniqlandi. Metafora ko'pincha obrazli ma'no shakllantirishda asosiy vosita bo'lib, frazeologizmlarning kengayishiga olib keladi. Masalan, "yurakni qo'yish" iborasi to'g'ridan-to'g'ri qiziqish yoki ishtiyoqni ifodalaydi. Biroq, metafora yordamida bu ibora kengayadi va "jismoniy og'riqni his qilish" yoki "mustahkam maqsadga ega bo'lish" kabi kengroq tasavvurlarni ifodalashga xizmat qiladi. Bu metaforik struktura til orqali fikrlashni o'zaro bog'lashning kuchli vositasiga aylanadi. Tilimizda ko'plab metaforalar kundalik hayotning keng ma'nolarini aks ettiradi.

Metonimiya esa faqatgina bir elementni boshqa bilan almashtirish orqali frazeologik birliklarni yaratar ekan, bu hodisa orqali til orqali o'zaro aloqalar yanada kuchayadi. Misol uchun, "Kremlni qo'llab-quvvatlash" iborasi faqatgina Kremlning o'zini emas, balki undagi siyosiy muhitni anglatadi. Metonimiyaning til orqali dunyoqarashni shakllantiruvchi kuchiga urg'u berishgan.

Frazeologik birliklarning madaniy konteksti: Frazeologik birliklarning ko'p qismi xalqning madaniy qadriyatlari, an'analari va tarixiy tajribalari bilan chambarchas bog'liq. Shuningdek, frazeologizmlarning shakllanishida milliy xususiyatlar alohida rol o'ynaydi. O'zbek tilida ham, frazeologik birliklar ko'pincha milliy an'analarga, turmush tarziga, siyosiy va iqtisodiy sharoitlarga aloqador bo'ladi. Masalan, "qora ko'zlar" iborasi o'zbek tilida faqat ko'zlarning rangini emas, balki odamning ichki dunyosini, his-tuyg'ularini, hatto ba'zan negativ hissiyotlarni ham bildiradi. Bu kabi frazeologik birliklarning madaniy shakllanishi va rivojlanishi tahlil qilishda muhim ahamiyatga ega.

Frazeologik birliklarning o'zaro bog'liqligi: Tadqiqotda o'zbek va boshqa tillarda frazeologik birliklar orasidagi o'xshashliklar va farqlar ham tahlil qilindi. O'zbek tilidagi

frazeologik birliklar boshqa turkiy tillar bilan o'xshash bo'lishiga qaramay, o'ziga xos semantik va struktural xususiyatlarga ega. Bu o'ziga xoslik frazeologik birliklarning ma'no qatlamlaridagi farqlar orqali namoyon bo'ladi. Masalan, o'zbek tilida ko'pincha tabiiy elementlarga, masalan, "oy", "yulduz", "qush" kabi tasvirlarga asoslangan frazeologik birliklar ishlatiladi. Boshqa tillarda esa bu obrazlar o'zgacha shakllanishi mumkin.

Devonda keltirilgan vodiylardan yana biri *Qizil vodiysi* bo'lib, u Qashqarda joylashgan. She'rdan shunday kelgan:

*"Qizil, sariq arqashib,  
Jepkin, jashil jo'zkashib,  
Bir-bir kero'jo'rkashib,  
JalINUq anu tanlashur"* [7, 375].

*Qizil*, sariq gullar bir-biriga suyanishib, yashil rayhonlar bir-biri bilan o'ralashib ko'rinadi. Ularni ko'rgan kishi tang qoladi, hayron qoladi. Parchada keltirilgan *Qizil* so'zi Qashqardagi vodi ma'nosini anglatmayapti.

*J(i)la* – Qaz suvi dengizi *J(I)la* vodiysiga quyiladi [7, 165].

Bizningcha, *Ili* daryosi atrofida nazarda tutgan bo'lishi mumkin. *Ili* – hozirda Xitoy va Qozog'iston hududida joylashgan daryo. Asosiy irmoqlari: *Qosh*, *Xo'rgo's*, *Chilik*, *Charin*, *Talg'ar*, *Qaskelen*, *Kruti* va b.

Devonda tilga olingan *yaylov* nomlari quyidagilar, (6 ta):

*Ala* – Farg'ona yaqinidagi yaylov (O'sha manba. –B.110); *Chag'la* – Uch qabilasidagi yaylovning ismi [7, 405]. *Tajiz* – Qashqar yaqinidagi bir yaylov. Balandligi uchun uni Tarig' art

tajiz deyishadi. *Tajzan tajiz* – boshqa bir yaylov oti. *Jiz ew tajiz* – Barsag'on yaqinidagi bir yaylov oti. *Jonariq* – Bolasag'un yaqinidagi bir yaylov nomi [7, 136].

Bizning fikrimizcha, devonda tog'larga alohida atab qo'yilgan nomlar 2 dona. Ular *Quz* va *Altunqon*.

*Quz* – Kun tushmas tog', faqat kun oqqandagina chapdan kun tushadigan tog'. U kunning chap tomonida bo'ladi. Unda doimo qor va sovuq bo'ladi. Maqolda shunday kelgan: Quzda qar okso'mas, qojda jag' okso'mas – Quz tog'ida qor kamaymaydi, shuningdek, qo'yda yog' kamaymaydi [7, 315].

Keyingisi *Altunqon* nomi bo'lib, devonda shunday keltiriladi: “Shoh Shu Chinga yetdi. U Zulqarnayn orqasiga tushgan edi. Uyg'urlarga yaqin bir yerda Shu Zulqarnaynga askar yubordi. Bu to'qinish Altunqon degan bir tog'da bo'lgan edi. Bu hozir Altunxan deyilgan tog' nomidir” [7, 422].

H.Hasanovning ta'kidlashicha, tog'larga unda ko'proq uchraydigan o'simliklar yoki hayvonlarga qarab shunday nomlar [4, 32]. berilgan: azig'lig' tag' – ayiqlik tog', ayig'i ko'p tog' [7, 164]; soqaqlig' tag' – qizildan ko'ra oqlik rangi o'tkir, kiyigi ko'p tog'; so'qoq – oq kiyik [7, 457]; sug'urlug' tag' – vabr deyilgan mushuk kattaligidagi bir xil hayvon ko'p yashaydigan tog'; ularlig' tag' – kakligi ko'p bo'lgan tog'; basarlig' tag' – sarimsoqli tog' [7, 455]; sog'anlug' tag' – yovvoyi piyoz o'sadigan tog' [7, 432].

Hasanov *qushlag'* joy nomini ham nimagadir tog' nomlariga – oronimlarga kiritib ketgan. Lekin “Devonu lug'otit turk”da *qushlag'*– qushlar ko'p bo'ladigan joy, u yerda ov qilinadi degan ma'lumot keladi. Qushlag' tog' nomi sifatida berilmaydi [7, 32].

Bizning fikrimizcha, Hasanov keltirib o'tgan so'zlar tog'larga atab qo'yilgan alohida nomlar emas. Faqat o'sha yerda mavjud bo'lgan o'simlik yoki hayvonga nisbat berib, ishlatiladigan sifat ma'nosida keluvchi so'zlar. Masalan, Chimyon tog'larida qor ko'p bo'lganligi sababli unga qorlik (-liq, -lig', -lug') yoki qorli deb nom bera olmaymiz-ku. Bu so'zlar tog'ning sifati bo'la oladi, xolos.

Devonda keltirilgan *jarlik* nomi:

*Qara jalg'a* – Turk diyori bilan Farg'ona orasidagi yaqin borib bo'lmaydigan jarlik. Maqolda shunday kelgan: Qara mun kelmagincha qara jalg'a kechma –xatarli kun kelmaguncha, zinhor qora jilg'adan o'tma, chunki u yer hech vaqt qori arimaydigan mushkul joydir [7, 40]. Jilg'a, yilg'a – jildirab oqadigan soy. Deyarli barcha turkiy tillarda *jilg'a*, *yilg'a*, *ilg'a*, *yelg'a*, *jalg'a* kabi fonetik shakllarda “soy”, “sayoz jarlik” singari ma'nolarda ishlatiladi va ko'plab joy nomlari tarkibida uchraydi. Jilg'a “*jilmoq*”, “*siljimoq*”, “*surilmoq*” ma'nosidagi *jil*, *yil* fe'lidan kelib chiqqan.

“Suv” ma'nosidagi qadimgi turkiy *yil* so'zidan hosil bo'lgan degan fikr ham bor. O'zbekistonda *Qorajilg'a*, *Sarijilg'a*, *Kaltajilg'a* kabi mikrotoponimlar uchraydi (Konimex tumanida Jilg'a degan ovul bor) [11, 189].

Devonda berilgan *qumlik* nomi: Bag'ram qum – Qashqar bilan Yorkent o'rtasidagi qumlikka Bag'ram qumi deyiladi (elangan qum, mayin qum) [7, 447].

Bitta cho'qqi nomi: Badalart – O'sh bilan Barsag'an orasidagi, o'tish qiyin bo'lgan bir cho'qqi [7, 337]. Yana bitta tepalik nomi berilgan: Jafg'u art – Yafg'uga yaqin bir tepalik [7, 39]. Bitta dovon nomi: Aruq-turuq – Farg'ona bilan Qashqar orasidagi qiyin, baland yo'l, dovon [7, 361].

S.Qorayev yuqoridagi uch nomni bir guruhda dovon deb qo'ya qoladi. S.Mutallibov esa ularni alohida-alohida cho'qqi, tepalik, dovon deb keltiradi. Umuman olganda, ularni sinonim

soʻzlar hisoblangani uchun bitta guruhga kiritgan toʻgʻriroq boʻladi, bizningcha ham. Sinonimlar (yunoncha sinonimos – bir ismli) – maʼnosi bir xil, lekin shaklan turlicha boʻlgan soʻzlar (bel, dovon, koʻtal, ort, oshuv, aqba). Art, ort – qadimiy georafik atama “dovon”, “togʻ yoʻli”. Geografik nomlar tarkibida, xususan, Qirgʻizstonda saqlanib qolgan: Ayiqart, Qayinart, Qizilart [11, 40].

Dovon (moʻgʻulcha daban) – togʻning oshib oʻtish qulay boʻlgan joyi, art (qadimiy turk soʻzi), aqba (arabcha), bel (turkiy), koʻtal (forscha) soʻzlari maʼnodosh [7, 182].

Mahmud Qoshgʻariyning "Devonu lugʻotit turk" asarida ishlatilgan oronimlar bugungi kunda keng tarqalgan boʻlmasa-da, bu asar XI asr va undan oldingi davrlarda bizning diyorumiz geografiyasi haqida koʻplab qimmatli maʼlumotlarni taqdim etadi. Buning ahamiyatini biz yuqorida keltirilgan misollarda ham koʻrishimiz mumkin.

#### **Adabiyotlar/Литература/References:**

1. Abbozov O. Oronimlarning oʻziga xos xususiyatlari. Журнал «Научный импульс», 2023. – 578 b.
2. Берг Л.С. О русской географической терминологии. Землеведение. – М.: 1915. – 99 с.
3. Гумбольдт А. Центральная Азия. – М.: Мысль, 1959. – 614 с.
4. Hasanov H. Mahmud Koshgʻariy. –Toshkent: Oʻzfanakadnashr, 1963. – 85 b.
5. Hakimov Q. Toponimika. – Toshkent: Mumtoz, 2016. – 376 b.
6. Madrahimov Z. Maʼruzalar matni. – Namangan, 2010.
7. Mahmud Koshgʻariy. Devonu lugʻotit turk. I tom. –Toshkent: Oʻzfanakadnashr, 1963. – 498 b.
8. Мурзаев Э.М. Очерки топонимики. – М.: Мысль, 1974. – 380 с.
9. Мурзаев Э.М. География в названиях. – М.: Наука, 1982. – 176 с.
10. Улуқов Н. Ўзбек тили гидронимларининг тарихий-лисоний тадқиқи. –Тошкент: «Фан», 2008. – 192 б.
11. Qorayev S. Toponimika. – Tosheknt: Oʻzbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2006. – 320 b.
12. Xudoyberdiyev J. Mahmud Koshgʻariy hayoti va «Devonu lugʻotit turk» boʻyicha yaratilgan asarlar koʻrsatkichi. – Toshkent: «Akademnashr», 2011. – 160 b.

**Received:** 20 December 2024

**Accepted:** 5 January 2025

**Published:** 15 January 2025

*Article / Original Paper*

## **THE ROLE OF MODERN TECHNOLOGIES IN ENRICHING LEXICAL RESOURCES IN ENGLISH**

**Abduraimova Dinara Bahadir kizi**

Master's student of Termez University of Economics and Service

E-mail: [abduraimovadinara2003@gmail.com](mailto:abduraimovadinara2003@gmail.com)

**Abdullayeva Nilufar Ramazonovna**

Senior teacher of Termez State University(PhD)

E-mail: [tdu.english@bk.ru](mailto:tdu.english@bk.ru)

**Abstract.** The 21st century is the century of globalization and development for every state and country. At the same time, modern technologies are rapidly developing day by day. The role of modern technologies not only in our daily life but also in improving the quality of education is incomparable. Because modern technologies, in particular the Internet, mobile applications and multimedia resources, significantly facilitate the teaching and learning process. This article examines, how modern technologies help in enriching lexical materials.

**Keywords:** modern technologies, mobile application, internet applications, multimedia resources, lexical materials, lexical units, digital platforms, corpus linguistics, video materials, audio materials.

## **INGLIZ TILIDAGI LEKSIK MATERIALLARNI BOYITISHDA ZAMONAVIY TEXNOLOGIYALARNING O'RNI**

**Abduraimova Dinara Bahodir qizi**

Termiz iqtisodiyot va servis universiteti magistranti

**Abdullayeva Nilufar Ramazonovna,**

Termiz Davlat universiteti katta o'qituvchisi (Phd)

**Annotatsiya.** XXI asr har bir davlat va mamlakat uchun globallashtirish va rivojlanish asri hisoblanadi. Shu bilan bir qatorda zamonaviy texnologiyalar ham kundan kunga jadal rivojlanib bormoqda. Zamonaviy texnologiyalarning nafaqat kunlik hayotimizdagi o'rni balki ta'lim sifatini oshirishdagi o'rni ham beqiyosdir. Chunki zamonaviy texnologiyalar, xususan internet, mobil ilovalar va multimedia resurslari, o'qitish va o'rganish jarayonini sezilarli darajada osonlashtiradi. Ushbu maqolada zamonaviy texnologiyalarning leksik materiallarni boyitishga qanday yordam berishi ko'rib chiqiladi.

**Kalit so'zlar:** zamonaviy texnologiyalar, mobil ilovalar, internet ilovalari, multimedia resurslari, leksik materiallar, leksik birliklar, raqamli platformalar, korpus lingvistikasi, video materiallar, audio materiallar.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V5I1Y2025N35>

**Kirish.** Bugungi kunga kelib jamiyatda turli o'zgarishlar ro'y berayotganiga guvoh bo'lmoqdamiz. Mamlakatimizning turli sohalardagi xorijiy aloqalari ham jadal rivojlanib, chet tillarini o'rganish, o'qitishning yangicha yondashuv, uslub va texnologiyalarini izlashga ehtiyoj sezilmoqda. Chet tillarini o'qitishning innovatsion texnologiyalarining paydo bo'lishi ta'limdagi inqirozni bartaraf etish zarurati bilan bog'liq bo'lib, bu yangi avlod mutaxassislarini tayyorlashga yordam beradi.

Ingliz tili bugungi kunda dunyo miqyosida eng ko'p ishlatiladigan tillardan biri hisoblanadi. Ingliz tilini o'rganish jarayonida uning leksik boyligini oshirish, ya'ni so'z boyligini kengaytirish, til o'rganishning samarali va muvaffaqiyatli bo'lishi uchun zarurdir. Tabiiyki "Leksika nima? Uning kelib chiqishi, hosil bo'lishi qanday?" degan, savollar har bir kishini o'yantirishi mumkin. Leksika bu (yunoncha "lexis" - so'zga oid, lug'aviy) – tildagi barcha so'zlar va iboralar yig'indisi, tilning lug'at tarkibidir. Leksika ma'lum qonun-qoidaga bo'ysunuvchi izchil va murakkab tizimdan iborat. Til leksikasi muayyan tarzda o'zgarib turadi. Bu narsa lug'at tarkibida yangi so'zlarning paydo bo'lishi, mavjud so'zlardan ayrimlarining eskirib, iste'moldan chiqishi, leksik ma'nosini o'zgartirib, yangi ma'no kasb etishi kabi jarayonlarda ko'rinadi. Jamiyat taraqqiyoti va ijtimoiy tuzumning o'zgarishi bilan uzviy bog'langan holda leksika boyib boradi. Tilning o'zgarishi va rivojlanishi, shu bilan birga leksik materiallarning kengayishi va boyishi zamonaviy texnologiyalar ta'sirida kechmoqda. Texnologiyaning so'nggi yillardagi tezkor rivojlanishi ingliz tilining leksik boyligini yanada kengaytirish va yangi so'zlarni yaratish imkoniyatlarini taqdim etmoqda. Ayniqsa, korpus lingvistikasi va raqamli platformalar tilshunoslar va leksikograflarga tilni o'rganish va rivojlantirishda yangi metod va vositalarni taqdim etmoqda. Ushbu tadqiqotda ingliz tilini o'rganishda leksik materiallarni boyitishda zamonaviy texnologiyalarni qo'llash jarayoni tahlil qilingan. Tadqiqotda onlayn lug'atlar, mobil ilovalar, sun'iy intellekt va mashinani o'rganish texnologiyalari, shuningdek, audio va video materiallar kabi vositalar o'rganildi. Bu texnologiyalar orqali o'rganish jarayonining samaradorligi, qulayligi va o'zgarishlari tahlil qilindi.

**Adabiyotlar tahlili va metodologiya.** Tadqiq etilayotgan mavzuda juda ko'plab olimlar ish olib borgan. Shu bilan bir qatorda ularning ilmiy ishlarida muhim tadqiqotlar olib borilgan. Bulardan misol qilib, John Sinclair, Michael McCarthy, Alan de B., Susan Hunston, Terry R. O'Brien kabi olimlarni aytib o'tishimiz mumkin. John Sinclair ingliz tilining leksik boyligini o'rganish va korpus lingvistikasi sohasida muhim ishlanmalarga ega. U "The Collins COBUILD English Dictionary" (1987) asarining bosh muharriri bo'lib, ingliz tilining leksik tizimini o'rganish va unga texnologik yondashuvni joriy etishda katta hissa qo'shgan. U o'zining korpus lingvistikasi va leksik materiallarni tahlil qilish usullariga doir asarlarida, texnologiyalar yordamida so'z boyligini o'rganishda yangiliklar yaratgan. Michael McCarthy ham John Sinclair kabi ingliz tilining leksik tizimi va uning korpus asosida o'rganilishi sohasida yetakchi olimlardan biridir. U o'zining ko'plab ilmiy maqolalarida va kitoblarida ingliz tilining leksik boyligini texnologiyalar orqali o'rganish metodlarini rivojlantirgan. McCarthy va uning hamkasblari ingliz tilining eng ko'p ishlatiladigan so'zlarini tahlil qilgan va bu ma'lumotlarni internet texnologiyalari yordamida yanada kengroq targ'ib qilish imkoniyatlarini ko'rsatgan. Shular qatorida S.John ingliz tilining leksik boyitish jarayonida, ayniqsa, til o'rganish jarayonini osonlashtirishda kompyuter va internet texnologiyalarining rolini tahlil qilgan. U "The Role of Technology in Vocabulary Learning" (2003) nomli asarida zamonaviy texnologiyalar, masalan, leksik dasturlar, interaktiv o'yinlar va boshqa onlayn platformalarning ingliz tilini o'rganishdagi o'rni haqida ma'lumot beradi [4].

Susan Hunston korpus-lingvistika asosida leksik tahlilni rivojlantirgan olimlardan biridir. Uning asarlarida ingliz tilining leksik birikmalarini aniqlash va yangi so'zlar bilan boyitishni o'rganish uchun zamonaviy texnologiyalardan foydalanish metodlari haqida so'z yuritilgan. U "Pattern Grammar: A Corpus-Driven Approach to the Lexical Grammar of English" (2002) nomli asarida til o'rganishda grammatik va leksik tizimlar o'rtasidagi aloqalarni ko'rib

chiqdi [6]. Martha C. Pennington (Martha C. Pennington, 2000) leksik boyitishda zamonaviy texnologiyalar, ayniqsa, sun'iy intellekt va mashinaviy o'rganish texnologiyalaridan qanday foydalanilishini tadqiq etgan [7]. U "The Role of Technology in Vocabulary Acquisition" (2001) asarida ingliz tilidagi leksik materiallarni boyitish jarayonida sun'iy intellekt va tabiiy tilni qayta ishlash tizimlarining rolini o'rgangan. Mamlakatimizda ham ushbu mavzu bo'yicha bir qator ilmiy tadqiqotlar o'tkazilgan. Xususan, A. Rahimovning "Kompyuter lingvistikasi asoslari" nomli o'quv qo'llanmasida leksik birliklarni boyitishda kompyuter lingvistikasining ahamiyati tahlil qilingan [8].

Ushbu olimlar va ularning ishlari ingliz tilidagi leksik materialni boyitishda zamonaviy texnologiyalarni qo'llashni chuqur tahlil qilishga yordam beradi. Bu metodlar til o'rganish jarayonini samarali qilish va yangi leksik birliklarni tez va aniq aniqlashga imkon yaratadi.

**Tahlil va natijalar.** Yuqorida aytib o'tganimizdek, leksika bu lug'at tarkibidir. Bu esa leksik birliklarning zamonaviy texnologiyalar bilan uzviy bog'liqligidan dalolatdir.

Onlayn lug'atlar (masalan, Google Translate, Oxford Learner's Dictionaries) va avtomatik tarjimonlar ingliz tilini o'rganishda leksik materiallarni tez va oson boyitish imkonini beradi. Bu vositalar orqali o'rganuvchi yangi so'zlarning ma'nolarini sinonim va antonimlarini topishi, ularning kontekstdagi ishlatilishini o'rganishi mumkin.

Memrise, Anki, Duolingo kabi mobil ilovalar til o'rganish jarayonini interaktiv va qiziqarli qiladi. Bu ilovalar yordamida o'rganuvchilar yangi so'zlarni turli kontekstlarda mashq qilish orqali yodlashadi va mustahkamlashadi. Ilovalar gamifikatsiya usulini qo'llagan holda o'rganish jarayonini yanada samarali va qiziqarli qiladi [1].

Sun'iy intellekt (SI) va mashinani o'rganish (ML) yordamida ishlaydigan chatbotlar va virtual yordamchilar (masalan, Siri va Google Assistant ) ingliz tilini o'rganish jarayonida o'rganuvchilarga real vaqtda yordam beradi. Bu texnologiyalar, tilning murakkab strukturalarini tushunib, foydalanuvchiga to'g'ri so'z va ifodalarni taqdim etadi, leksik materiallarni boyitishga yordam beradi.

Zamonaviy texnologiyalar yordamida yaratilgan leksik korpuslar (matnlar to'plami) ingliz tilining leksik boyligini o'rganishga katta imkoniyatlar yaratadi. Korpuslar orqali tilning so'z boyligini, so'zlarning qanday kontekstlarda ishlatilishini tahlil qilish mumkin, bu esa o'rganuvchining tilni amaliy ravishda o'rganishini ta'minlaydi.

Ingliz tilidagi podkastlar, videolar, onlayn kurslar va o'quv materiallari orqali foydalanuvchilar tilni nafaqat yozma, balki eshitish va ko'rish orqali ham o'rganadilar. Bu materiallar yangi so'zlar va ifodalarning kontekstda qanday ishlatilishini ko'rishga yordam beradi va so'z boyligini boyitadi [3].

Umuman aytganda, internet tarmoqlari, mobil ilovalar, onlayn darsliklar, onlayn lug'atlarning barchasi chet tillari o'rganishda muhim ahamiyat kasb etadi. Ingliz tilidagi va ba'zi bir chet tillaridagi so'zlar o'zbek tiliga to'g'ridan to'g'ri tarjima qilinmaydi. Bularga odatda ilmiy terminlar ko'proq misol bo'la oladi. Ularning ma'nosi tushunarli bo'lishi uchun uning ma'nosini izohlab beruvchi so'z yoki o'sha terminning ekvivalentligi beriladi. Bu esa albatta internet tarmoqlari, mobil ilovalar hamda onlayn lug'atlar ko'magini talab qiladi. Bu chet tilini o'rganishda ham uni leksik boyligini oshirishda ham zamonaviy texnologiyalarning o'rni qanchalik muhim ekanligidan dalolat beradi. Zamonaviy texnologiyalar esa ingliz tilida leksik materiallarni boyitishda muhim rol o'ynaydi. Onlayn lug'atlar, mobil ilovalar, sun'iy intellekt va mashinani o'rganish texnologiyalari, shuningdek, audio va video materiallar yordamida



o'rganish jarayoni samarali va qiziqarli bo'ladi. Ushbu texnologiyalar o'rganuvchilariga ingliz tilining leksik boyligini to'g'ri va tez o'rganish imkoniyatini yaratadi.

**Xulosa.** Xulosa qilib aytganda, axborot texnologiyalarini til o'rganish jarayonida faol qo'llash, til o'rganuvchilarining so'z boyligini kengaytirishga yordam beradi va ularni tilni amaliy ravishda qo'llashga tayyorlaydi. Shuningdek, bu texnologiyalar til o'rganish jarayonini individual holatda ham, guruhda ham yanada samarali qiladi.

#### **Adabiyotlar/Литературы/References:**

1. Jumaniyozov S. Zamonaviy ta'lim texnologiyalari va ingliz tilini o'rganishda ulardan foydalanish. – Toshkent: Sharq, 2020. – B 10-15.
2. Kamilova F. Texnologiyalarni ilmiy o'rganish: Zamonaviy yondashuvlar. – Samarqand: Universitet nashriyoti, 2019. – B 5-7.
3. Shamshodova D. Kompyuter va internet texnologiyalari orqali til o'rganish. – Toshkent: Fan va texnologiya, 2022.
4. Gulomov D. Zamonaviy texnologiyalar asosida leksik boylikni o'rgatish usullari. – Toshkent: Ta'lim, 2017. B 30-42.
5. John S. "The Role of Technology in Vocabulary Learning". 2003. – P. 120-135.
6. Susan Hunston. "Pattern Grammar: A Corpus-Driven Approach to the Lexical Grammar of English" 2002.
7. Martha C. Pennington. "The Role of Technology in Vocabulary Acquisition" 2001.
8. Rahimov A. Kompyuter lingvistikasi asoslari. – Toshkent: Akademya nashriyoti, 2019.

**Received:** 20 December 2024

**Accepted:** 5 January 2025

**Published:** 15 January 2025

*Article / Original Paper*

## **CLASSIFICATION CRITERIA AND CLASSIFICATION OF ANECDOTES**

**Mardonov Makhmud Sobir o'glu,**

Researcher at Navoi State University of Mining and Technology

**Abstract.** The article focuses on the criteria for classifying jokes and their classification in the subject and essence of the jokes of the Uzbek and American peoples, focusing on the essence and content of the events expressed in the text of the joke, their subject scope. Also, the semantic features of jokes about political figures, related to the activities of professionals, and about morality and immorality, in relation to the essence, theme and description of the activities of the main character of modern jokes, are noted.

**Keywords:** modern joke, subject, essence, criterion, classification, essence of the event, hero's activity, semantic feature.

---

## **LATIFALARNI TASNIF QILISH MEZONLARI VA TASNIFOTI**

**Mardonov Maxmud,**

Navoiy davlat konchilik va texnologiyalar universiteti tadqiqotchisi

**Annotatsiya.** Maqolada latifalarning tasnif qilish mezonlari va tasnifoti o'zbek va Amerika xalqlari latifalarini mavzu va mohiyatan turkumlashirishda latifa matnida ifodalangan voqealarning mohiyati va mazmuniga, ularning mavzu ko'lamiga e'tibor qaratilgan. Shuningdek, zamonaviy latifalar voqealar mohiyati, mavzusi va bosh qahramon faoliyati tavsifiga nisbatan siyosiy arboblarning haqida, kasb egalari faoliyatiga aloqador va axloq va axloqsiz haqidagi latifalar kabi ichki guruhlariga oid latifalarning semantik xususiyatlari qalamga olingan.

**Kalit so'zlar:** zamonaviy latifa, mavzu, mohiyat, mezon, tasnifot, voqea mohiyati, qahramon faoliyati, semantik xususiyat.

---

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V5I1Y2025N37>

**Kirish.** Latifalarning paydo bo'lishi, ularning tarixiy asoslari alohida masala shunday bo'lsa-da, jahon folklorshunosligining peshqadam olimlari latifalarning tarixiy asoslari borasida bildirgan fikrlari latifa janridagi asarlarning mohiyatini aniqlash, ularning tematik va shakliy jihatdan tartiblashtirish ishlari muhim ahamiyat kasb etadi.

Latifalar jahon folklorshunosligida keng o'rganilayotgan kichik epik janrlardan biridir. Latifalarni o'rgangan olimlar o'z maqsadlaridan kelib chiqib, ularni turlicha mezonlar asosida turli guruhlariga ajratishni taklif qilib kelishgan. Aarne-Tompsonlar, ertaklarning motiv va syujet qurilishiga ko'ra tasnifini latifalarga ham qo'llashni tavsiya etadilar[1]. Jahon folklorshunosligida latifalar ahmoq haqida, laqqi haqida, mug'ombir haqida, yovuz va bevafo xotin haqida, ruhoniylar haqidagi latifalar kabi guruhlariga ajratilgan.

Olimlar ertaklar va latifalarda hikoya qilingan syujetlarning qahramonlar harakatlari va syujet tizimidagi vazifasiga ko'ra tasniflashgan. Biroq, jahon xalqlari folklorida latifalarning qahramonlari va ularning syujetdagi motivlarga bog'lab guruhlashtirishda latifalarning komik vazifasi, tinglovchining badiiy-estetik ehtiyoji oqibatida uning ong ostida sodir bo'ladigan ijobiy

jarayonlar, syujetning ixchamligi va yakuni oqibatida tinglovchi kulgisining ro'yobga chiqishi e'tiborga olinmagan ko'rinadi.

**Adabiyotlar tahlili va metodologiya.** Rus folklorshunosi Ye Melitinskiyning uqtirishicha, "Zamonaviy latifalar, satirik ertaklar folklor hamda hind, antik davr, o'rta asrlar kitobiy manbalarining uzoq va murakkab munosabatlari mevasi sifatida maydonga kelgan. Aslida kitobiy manbalar ham folklordan kelib chiqqan. Folklorning eng qadimiy holati asosan madaniyatida etnografik qoldiqlar saqlanib qolgan madaniy jihatdan qoloq xalqlar folklori asosida qayta quriladi" [2]. Darhaqiqat, hikoya qilishning eng qadimiy shakli ilk ajdodlar haqidagi mifologik hikoyalar, keyinchalik ularni madaniy qahramon sifatidagi hikoyalar, ham yovuz ruh, ham komik qiyofada gavdalanuvchi obrazlar – plutlar haqidagi hikoyalar keyinchalik komik holat va komik voqelikni ifodalovchi latifalarning maydonga kelishiga zamin hozirlagan.

Taniqli o'zbek folklorshunosi professor K.Imomov latifalarni tasniflashda ularning mohiyatidan kelib chiqib, shartli ravishda **hajviy latifalar** va **yumor tipidagi latifalar** singari ikki tipga ajratadi.

Latifalarning hajvga asoslangan tipi "janrning hajv yo'naltirilgan obyektini fosh etish, inkor etish xususiyati bilan ajralib turadi. Bu xil latifalar ijtimoiy voqea, feodal munosabatni zo'rlik siyosati sifatida baholaydi. Tanqid kinoya, kesatiq, zaharxanda kulgi vositasida amalga oshadi va u xalqning g'azab to'la isyonkor ruhini belgilaydi. Shuning uchun latifalarning bu tipida masxara aralash istehzoli kulgi yetakchi vositaga aylangan"[3]. Tasnifda latifaning kulgiga doir belgilarida birgina *yengil kulgidan* tashqari tanqid, kesatiq, nuqsonni kamchilik sifatida ayblash mushtaraklik kasb etadi. Balki shu jihatlarini inobatga olib, K.Imomov "shartli" ravishda tasnif qilgandir.

Abdrazakova Yekaterina Nakiyevnaning rus-bolgar va ingliz latifalarining kognitiv va lingvomadaniy tahliliga bag'ishlangan tadqiqotida **tarixiy latifalar, zamonaviy latifalar** iboralari uchraydi[4]. G.Legman "Nopok hazillarning ma'nosi" nomli monografiyasida nopok hazilga asoslangan latifalarni **bolalar, ahmoqlar, hayvonlar, erkaklar hazili, sadizm (Sadizm – (atamaga izoh bergan Markiz de Sad nomi bilan bog'liq) – keng ma'noda o'zgalarga jinsiy zo'rlik ishlatib, qiynab, haqoratlab rohatlanish. Bu ko'pincha erkaklar ruhiyatiga xos tushuncha), ayollar, nikohgacha munosabatlar, nikoh, zino** kabi guruhlariga bo'lib tasniflaydi. Tadqiqotchi hazilning obyektini va subyektiga asoslanib latifalarni guruhlashtiradi[5].

Tadqiqotchi o'rgangan erotik latifalar barcha xalqlarda uchrasa-da, ular alohida tadqiqot obyektini sifatida o'rganilmagan. Xususan, o'zbek folklorshunosligida bu tipdagi latifalar to'planib tadqiq etilmagan.

Latifalarning tasniflashda mavzu ko'lamiga qaragan tadqiqotchi ularni siyosiy va etnik latifalar singari ikki guruhi borasida to'g'ri to'xtalgan bo'lsa-da, **dolzarb latifalar** guruhida turli mavzulardagi, ahmoq xotin, yengiltak ayol, shum va mug'ombir kishi, aldamchi kabi xarakter kasb etuvchi obrazlar ishtirokida sodir bo'lgan komik voqealar aks etgan latifalarni tartiblashtiradi. Har bir mavzudagi latifa ijtimoiy hayotimizda o'sha mavzu hayotning tahlil sahnasiga chiqqanda dolzarblik kasb etadi. Demak, latifalarning **dolzarb** nomi ostida birlashtirish uchun albatta, latifada ko'tarilgan mavzuning ijtimoiy hayotdagi zamon va makonda muhimligini inobatga olish zarur deb o'ylaymiz.

V.Raskin latifalarni **qoralovchi** va **ta'sir qiluvchi** latifalarga ajratgan. U qoralovchi latifalarni **agressiv latifalar** ham deb yuritgan. V.Raskin agressiv latifalarni yana ichki

guruhlarga bo'lad. Bular: jinsiy, etnik va siyosiy latifalarga bo'linadi. Siyosiy va etnik latifalarda skriptning syujetdagi o'rnini asos qilib oladi. Jinsiy latifalarni jinsiy munosabatlarni ifodalovchi va jinsiy munosabatni ifoda etmagan, o'ralgan yoki ochiqcha, o'ziga xos bo'lgan – o'ziga xos bo'lmagan kabi turli guruhlarga ajratadi. Birinchi tur latifalarida jinsiy munosabatlarga ishora, erkin, behayo matnning ifodalanishini kuzatiladi[6].

Ko'rinadiki, latifalarni tasniflashda etnik va siyosiy kategoriyasiga e'tibor qaratish ko'pchilik tadqiqotchilar faoliyatida uchraydi.

Tadqiqotchi latifalar tasnifotida ertaklar kompozitsiyasiga tayanib tasniflanish prinsipidan tajriba sifatida foydalanganligini o'zi ham qayd etadi. Biroq uning tasnifoti ham jahon folklorshunosligida latifalarga berilgan murakkab tasnif sifatida tan olinmaydi. G'arb tajribasida latifalarni hazil kuchi va aks etishi prinsipiga tayanish tamoyili yetakchilik qiladi. Biroq, latifalar hazilning verbal shakli. Unda hazil mutoyiba so'z va obrazlar vositasida ifodalanar ekan, albatta latifalarni og'zaki epik matn sifatida baholash, ularni ichki guruhlarga ajratishda ham muayyan xalq folklorida mavjud materiallardan kelib chiqqan holda tasnif qilish mezonini tanlash maqsadga muvofiq keladi.

A.Krikmann latifalar syujetining chastotali ko'rsatgichlariga tayanib tasniflaydi. Uning tasnifi **chastotali tasnif** deb yuritiladi.

Jahon folklorshunosligida latifalarning tasnifoti yuqorida ko'rib o'tganimizdek besh xil uslubda tasnif qilingan. Bular:

ertak syujet va motivlari tarkibiga mos tasniflash;

boshqa syujet va motiv tasnifi;

latifalarning tuzilishiga ko'ra tasnifi;

chastotali tasnif;

mohiyatiga ko'ra tasnif;

mavzu ko'lamiga ko'ra tasniflar yaratilgan.

yuqorida sanab o'tgan tasniflarning birinchi to'rt ko'rinishi xorijiy olimlar tomonidan kashf etilgan bo'lsa, beshinchi va oltinchilari o'zbek folklorshunosligida o'zbek olimlari tomonidan yaratilgan tasniflardir.

Taniqli o'zbek folklorshunosi professor Mamatqul Jo'rayev o'zbek folklorshunosligida epik turga xos folklor janrlarini mif, afsona, rivoyat, ertak, naql, latifa, lof, tarixiy qo'shiq, terma va doston kabilardan iborat sanalishi, ammo ularning janr tabiatini aniqlash va atroflicha tadqiq etish shu tipdagi og'zaki matnlarning yozib olinmaganligi va alohida monografik tadqiq etilmaganligiga e'tiborni qaratadi[7].

M.Jo'rayev jahon va turkiy xalqlar folklorshunosligining og'zaki nasr janrlarini tasnif qilish borasida to'plagan ijodiy ilmiy tajribalariga suyangan holda o'zbek xalq nasri janrlarini farqlash mezonlari asosida badiiy -estetik jihatdan turkumlashtirishda yettita asosiy jihatga e'tibor qaratish lozimligini ko'rsatib o'tadi:

janrning funksional-semantik qamrovi;

tinglovchi va aytuvchining bayon qilinayotgan hikoyaga munosabati;

janrning badiiy darajasi va obrazlar silsilasining talqini;

janrning voqelikka munosabati;

voqelik tasvirining zamonaviy talqini yoki janrning an'anaviy epik vaqtga munosabati;

voqelik bayonining makoniy qamrovi;

voqelikni bayon qilish usuli[8].

Bizningcha, o'zbek xalq og'zaki nasr namunalarini tasniflashda folklorshunos M.Jo'rayev taklifiga tayangan holda ish tutish maqsadga muvofiq keladi. Zero, professor M.Jo'rayev nasr namunalarini **badiiy nasr va ma'rifiy nasr janrlari** singari ikki katta guruhga ajratgan edi. Olim badiiy nasr janrlari tarkibiga latifalarni ham kiritadi. Darhaqiqat, latifa janridagi asarlarda badiiy — estetik vazifa yetakchilik qiladi.

**Muhokama.** Latifalar tinglovchiga axborot yetkazishdan ko'ra, kulgi bag'ishlash vazifasi ustunlik qilishi bilan og'zaki nasrning boshqa janrlaridan ajralib turadi. Demak, latifalarning funksional vazifasi sanalmish kulgi qo'zg'ash tinglovchining badiiy – estetik ehtiyojlarini qondirishni maqsad qilib olganligi bilan boshqa hajm va shakl jihatdan yondosh janrlardan ajralib turadi.

Biz yuqorida ko'rib o'tganimizdek, latifalarni struktural tasnif qilgan olimlar latifaning funksional vazifasini asosiy planga qo'ysa-da, ularni kompozitsiyasiga ko'ra zo'rma-zo'raki guruhlashtirgan. Agar ularning mezonlari bilan yondashsak, latifani ertakdan, rivoyat va afsonadan, yoki naqldan farqlanishi borasidagi savollar girdobida o'ralashib qolishimiz aniq. Zotan, o'zbek va jahon folklorshunosligida og'zaki nasr janrlarining tabiati borasida aniq xulosalar qo'lga kiritilgan bo'lsa-da, tasniflashda tadqiqotchining maqsaddan og'ishini yuzaga keltiradi.

Qolaversa, R.D.Abrahams va J.S.Hexersonlarning tasnifida keltirilgan “murakkab syujetli latifalar” borasidagi nazariy qarashlariga umuman qo'shib bo'lmaydi[8]. Axir latifalarning syujeti ixcham, aksariyat hollarda bosh qahramon va boshqa personajlarning dialogi asosida voqelik sodir bo'ladi. Agar komik voqea va hodisani ifodalashga qaratilgan og'zaki hikoya murakkab syujetga asoslansa, unda uni satirik ertak sifatida baholamog'imiz va bu borada V.Ya.Propp qarashlariga tayanishimiz lozim bo'ladi.

Demak, latifalarni struktural jihatdan tasnif qilish borasidagi mezon o'z-o'zidan chetga chiqadi. Sutton-Simit tomonidan taklif etilgan bir xil boshlanmaga ega bo'lgan latifalar borasidagi ertaklar tasnifotiga tayanib tasnif qilish ham komik voqealarni ixcham syujetli og'zaki hikoya orqali ifodalovchi latifalarni ichki guruhlariga ajratishda mukammal mezon bo'la olmaydi. Negaki, latifalar syujeti turg'un epik qolipga asoslanmagan.

Ertaklarda bunday epik qolipni kuzatishimiz mumkin (bir bor ekan, bir yo'q ekan, qadim zamonda falon tomonda singari). Latifalar “bir kuni afandi(kal, gabrovalik va hokazo)” deb boshlanishi ham turg'unlik kasb etmaydi. Agarchi bu turg'un boshlanma ba'zi xalqlar folkloridagi latifalarda keng qo'llanilsa, boshqa xalqlar latifalarida nisbatan kam qo'llaniladi. Xususan, Amerika xalqlari latifalarida bir xil boshlanish holati kam uchraydigan hodisadir. Shuning uchun ham Sutton-Simit bir xil boshlanishga ega va bir xil boshlanishga ega bo'lmagan latifalar singari guruhlashtirgan bo'lishi ehtimoldan holi emas.

Jahon folklorida latifalarning mazmun mohiyatida zamon kategoriyasiga u qadar urg'u berilmaydi. Balki, bosh qahramonning tarixiy shaxs obrazi yoki tipiklashgan obraz ekanligiga urg'u berilib, uning yakuniy fikri, xulosasi, qarori tinglovchi ongiga ta'sir ko'rsatib kulgi qo'zg'ashga asos bo'ladi. Masalan,

“A porter in a British hotel comes upon an American tourist impatiently jabbing at the button for the lift.

- Sir, the lift will be here in a moment.
- Lift? Lift? replies the American.
- Oh, you mean the elevator.

- No sir, here we call it a lift.
- Well, as it was invented in the United States, it's called an elevator.
- Yes sir, but as the language was invented here, it's called a lift.»

Tarjimasi:

“Britaniya mehmonxonasida lift tugmasini betoqatlik bilan qo‘pol bosayotgan amerikalik sayyohga yaqinlashgan xizmatkor:

- Janob, tez orada lift ro‘parangizda bo‘ladi.
- Lift? Lift? – dedi taajjublanib amerikalik.
- O, Siz elevatorni nazarda tutayapsizmi?
- Yo‘q, janob biz uni lift deb ataymiz.
- Kechirasiz u Amerikada kashf qilingan ekan, “elevator” — deb ataladi.
- Ha, janob, ingliz tili Angliyada kashf qilingan ekan u lift deb ataladi”.

Ko‘rinadiki, keltirilgan latifada makon kategoriyasi xira ochiqqlangan chala interyer sifatida tilgan olingan bo‘lsa, zamon kategoriyasi umuman ko‘zga tashlanmaydi.

Har qanday latifa o‘tgan zamonda sodir bo‘lgan voqea va hodisani hikoya qiladi. Kulgi qo‘zg‘ashga asoslangan og‘zaki nasriy hikoya – latifada bosh qahramon va unga yondosh boshqa personajlarning xarakteri latifaning uzoq yoki yaqin o‘tgan zamon hodisasini ifodalayotganligini ko‘rsatadi. Latifalarda tasvirlangan voqealarning mazmuni, qaysi zamonda sodir etilganligiga ko‘ra guruhlashtirish maqsadga muvofiq keladi. Shunga ko‘ra latifalarni zamon kategoriyasiga nisbatan ichki guruhlarga ajratish mumkin. Bunda ular: **klassik latifalar va zamonaviy latifalar** singari ikki asosiy guruhga ajratiladi.

**Klassik latifalar** – bosh qahramoni Nasriddin afandi, Kal, bir kishi, Aldar ko‘sa singari tipiklashgan obrazlar bo‘lib, syujetida tasvirlangan voqea-hodisalar qadim o‘tgan zamonda yuz beradi. Ya‘ni bosh qahramon atrofida sodir bo‘lgan muammolar uzoq o‘tmishda mavjud bo‘lgan siyosiy muhit va siyosat arboblari, o‘tmish ijtimoiy hayotini tasvirlashga qaratiladi.

Mumtoz latifalar sirasida turgan “Kal haqidagi latifalar” ham ko‘pincha uzoq o‘tgan zamon voqealarini hikoya qilsa-da, unda bosh qahramonning sochi to‘kilgan taqir bosh ekanligi, shum va mug‘ombir kishi ekanligi, faqat o‘z manfaati yo‘lida yurishi va hamisha o‘z manfaatini ustun qo‘yishi kabi ijtimoiy hayotdagi jamiyat qoidalariga zid xarakterga egaligi, tinglovchilar orasida ham kallar bo‘lishi mumkinligi bilan tanqidning tinglovchiga ta‘siri nuqtai nazaridan Nasriddin afandi yoki Aldar ko‘sa haqidagi latifalardan ajralib turadi.

Bizningcha, latifalarning paydo bo‘lishi va evolyutsion bosqichlarida dastlab “bir kishi” haqidagi latifalar maydonga kelgan. Badiiy tafakkurning tadrijiy takomili jarayonida latifalar tasvir obyekt va syujet tizimidagi qahramonlar tarkibidan Nasriddin afandi, keyin Aldar ko‘sa, keyingi rivojlanish bosqichida Kal obrazi va kal sarguzashtlari haqidagi latifalar paydo bo‘lgan. Donishmand xalq Kal obrazida hayotdagi mug‘ombir, shum, xudbin, firibgar, tullak va boshqa axloqiy jihatdan salbiy xarakter kasb etuvchi kishilar obrazini tipiklashtiradi. Ayni shu tipiklashtirish tendensiyasi **kal** bilan bog‘liq latifalar mavzu ko‘lami, tinglovchilar auditoriyasining kengayib borishiga, latifalarning yashovchanligini ta‘minlanishiga xizmat qilgan.

**Natijalar.** Latifada estetik zavq bag‘ishlash asosiy funksional vazifa sifatida qaraladi. Latifada tasvirlangan voqealar tinglovchi tomonidan real hayotiy haqiqat sifatida qabul qilinmaydi. Latifa syujetida tasvirlangan voqealarni yolg‘on ekanligini aytuvchi ham tinglovchi ham bilib turadi, faqat bosh qahramonning topag‘onligi, zukkoligi asosidagi javobi yoki qarori

tinglovchilarda kulgi qo'zg'ashga sabab bo'ladi. Shuning uchun biz garchi tarixiy shaxslar ishtirok etgan voqealarni tasvirlasa-da, latifalarni tarixiy latifalar sirasiga kiritmaymiz.

Bizningcha, tarixiylik mezonini latifaga nisbatan qo'llashning o'zi mantiqsizlik. Chunki, latifa biror tarixiy voqea-hodisaga bag'ishlanmaydi, latifada biror tarixiy inshootning barpo bo'lishi aks etmaydi. Eng muhimi, latifa tinglovchiga informatsiya yetkazishni o'z oldiga maqsad qilib qo'ymaydi. Shunday ekan, tarixiy latifalar degan tushunchani ilgari surish, latifalarni **tarixiy latifalar** deb atash maqsadga muvofiq kelmaydi.

**Zamonaviy latifalar** – odatda tinglovchilar yashab turgan zamonda sodir bo'lgan voqealarning zamonaviy qahramonlar talqinida yoritib bergan latifalardan iborat bo'ladi. Bunday latifalarga jinnilar haqidagi, militsiya haqidagi, vrachlar haqidagi, siyosiy arboblarning haqidagi, fermerlar, advokatlar, o'qituvchilar, turli kasb egalari haqidagi latifalar kiradi. Bunday latifalarda tasvirlangan komik voqea yaqin o'tmishda zamondoshlar hayotida sodir etilgan deb talqin qilinadi. Zamonaviy latifalar voqealar mohiyati, mavzusi va bosh qahramon faoliyati tavsifiga nisbatan yana ichki guruhlariga bo'linishi mumkin. Bularni

- a) **siyosiy arboblarning haqidagi latifalar;**
- b) **kasb egalari faoliyatiga aloqador latifalar,**
- v) **axloq va axloqsiz haqidagi latifalarga** ajratish mumkin.

**Siyosiy arboblarning haqidagi latifalar** ham o'z navbatida ichki guruhlariga bo'linadi.

Bularga:

- prezidentlar haqidagi latifalar;
- kongressmen yoki deputatlar haqidagi latifalar;
- qo'mondonlar haqidagi latifalar.

**Kasb egalari faoliyatiga aloqador latifalar** quyidagilarni o'z ichiga oladi:

- jinnilar va vrachlar haqidagi latifalar;
- cho'ponlar haqidagi latifalar;
- militsioner haqidagi latifalar;
- advokatlar haqidagi latifalar;
- shofyorlar haqidagi latifalar;
- fermerlar haqidagi latifalar;
- o'qituvchilar haqidagi latifalar;
- ustalar haqidagi latifalar.
- go'rkovlar yoki murdasha'ylar haqidagi latifalar.

**Axloq va axloqsizlik haqidagi latifalar** – jamiyat tartib hamda odob-axloq me'yorlariga zid keluvchi voqea va hodisalarni ifodalovchi badiiy komik voqealarni aks ettirgan latifalarni qamrab oladi. Bunday tipdagi latifalarda axloqni targ'ib qilish, axloqsizlikning ustidan kulish yetakchilik qiladi. Masalan, "Avtobusda bir bolali ayol o'g'ilchasini sho'xliklaridan zorlanib yonidagi erkakka: – Amakisi shu bolani bir urishib qo'ying!-deb iltimos qilibdi. Haligi erkak qovog'ini uyib bolakayga yuzlangancha: – ting o'tir e onangni...-debdi. Shunda haligi ayol: – Voy sharmanda, nega so'kinasiz? "Qulog'ingni kesaman" desangiz bo'lardiku-debdi. Erkak: – pichog'im bo'lmasa bolangni qulog'ini nima bilan kesaman?-deb javob beribdi"[8]. Mazkur latifa muomala madaniyati, suhbat odobiga bag'ishlangan bo'lib, dialogda ishtirok etuvchi erkakning mantiqsiz, axloqsizligi kulgi ostiga olingan.

Axloq va axloqsizlik to'g'risidagi latifalar erotik mazmundagi latifalarni ham o'z ichiga oladi. Odatda erotik mavzudagi latifalarda mumtoz latifalar bosh qahramonlari ishtirok etishi

ham mumkin. Masalan, Nasriddin afandi, Kal, Bir kishi kabilar va ularning ayollari bilan bog'liq sarguzashtlar hikoya qilinadi. Garchi shunday bo'lsa-da, latifa syujetida tasvirlangan voqealar jinsiy munosabatlarni ifodalashi, qahramonlarning axloqsizligi va soddaligi to'qnashuvida komik holat yaratilib, kulgi maydonga keladi. Bunda latifalarni biz zamonaviy latifalar toifasida, axloq va axloqsizlik haqidagi latifa sifatida baholamog'imiz zarur.

Xalq latifalarini tasniflashda yondashuvning ikkinchi turi ularning mavzusi va mohiyati nuqtai nazaridan turkumlashtirishdir. O'zbek va Amerika xalqlari latifalarini mavzu va mohiyatan turkumlashtirganimizda latifa matnida ifodalangan voqealarning mohiyati va mazmuniga, ularning mavzu ko'lamiga e'tibor qaratish talab etiladi. Ayni shu yondashuv latifalarni ichki tartiblashtirishda bir qadar qulaylik tug'diradi. Shunday ekan, latifalarni ichki guruhlariga ajratib tasniflashda latifa bosh qahramoni xarakteri va tavsifi, uning mavqeyi nuqtai nazaridan guruhlashtirish ham mumkin. O'zbek va Amerika xalqlari latifalarini mavzu va mohiyatiga ko'ra ichki guruhlariga ajratganimizda ular quyidagicha tartiblashadi:

- afandi latifalari;
- kal haqidagi latifalar;
- aldar ko'sa latifalari;
- jamiyat liderlari haqidagi latifalar;
- etnik latifalar;
- erotik latifalar.

**Xulosa.** O'zbek va Amerika xalqlari latifalarini tasniflashning muhim mezonlari quyidagilar:

latifalarda tasvirlangan voqealarning zamon nuqtai nazaridan yondashgan holda ularning qahramonlari tavsifi va xarakterini hisobga olish;

latifa janridagi og'zaki asarlarni tasniflashda ularning mazmuni va mohiyati, epik matnda ifodalangan mavzu nuqtai nazaridan turkumlashtirish.

#### Adabiyotlar/Literatura/References:

1. [Antti Aarne. «Verzeichnis der märchentypen». Helsinki: Suomalaisen Tiedeakatemia Toimituksia, 1910;](#) [Томпсон С.](#) «The types of the folktale». Helsinki, 1973.
2. Мелетинский Е.М. Сказка-анекдот в системе фольклорных жанров/ <https://www.ruthenia.ru>
3. Имомов К. Ўзбек халқ насри поэтикаси... – Б. 205.
4. Абдразакова, Е. Н. Сопоставительный когнитивный и лингвокультурологический анализ русских, болгарских и английских анекдотов: автореферат дисс. ... канд. филол. наук – Тюмень, 2007. - 24 с.
5. Legman G. Rationale of the dirty joke : An analysis of sexual humor. – Second series. – New York : Breaking Point, 1975. – 816 p.
6. Raskin V. Semantic mechanisms of humor. – Dordrecht : Reidel, 1985. – P.148-177. (304 p.)
7. Жўраев М. Ўзбек халқ насри жанрларини тасниф қилиш мезонлари//Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1996. 5-сон. – Б.28-34.
8. Диссертантинг дала ёзувлари. 2-дафтар. 12-саҳифа. Айтувчи: Маматқул Хасанов, Навоий вилояти Хатирчи тумани, А.Ёрлақабов ҳудуди “Хонақа” қишлоғи. 74 ёш. 2021 йил 22 октябрь. Ёзиб олувчи: Махмуд Мардонов



**Received:** 20 December 2024

**Accepted:** 5 January 2025

**Published:** 15 January 2025

*Article / Original Paper*

## **A COMPARATIVE STUDY OF STRUCTURAL-SEMANTIC CHARACTERISTICS OF ENGLISH AND UZBEK LANGUAGE WORD COMBINATIONS**

**Nazarov Sardor Shamurodovich,**

University of Economics and Pedagogy

E-mail: [sardornazarov77777@gmail.com](mailto:sardornazarov77777@gmail.com)

**Abstract.** This article presents a comparative analysis of the structural and semantic features of phrases in English and Uzbek. It examines the syntax and word order in both languages, identifying key differences and similarities in phrase construction. The study focuses on aspects such as the subject-verb-object order, the use of case markers in Uzbek versus prepositions in English, and the syntactic flexibility of Uzbek compared to the more rigid structure of English. Additionally, it explores how meaning is conveyed through these structural differences, particularly through idiomatic expressions, phrasal verbs, and the use of postpositions in Uzbek. The findings enhance the understanding of the relationship between syntax and semantics in both languages, offering valuable insights for linguists, language learners, and those involved in language teaching and translation. This research underscores the different ways in which English and Uzbek organize phrase structures to convey meaning and lays the groundwork for future cross-linguistic comparisons.

**Keywords:** structural features, semantic features, phrase structure, syntax, language comparison, English language, Uzbek language, syntactic structures, word order, case marking, prepositions.

## **INGLIZ VA O'ZBEK TILI SO'Z BIRIKMALARI STRUKTUR-SEMANTIK XUSUSIYATLARNING QIYOSIY ASPEKTD A O'RGANILISHI**

**Nazarov Sardor Shamurodovich**

Iqtisodiyot va pedagogika universiteti

**Annotatsiya.** Maqola ingliz va o'zbek tillaridagi iboralarning strukturaviy va semantik xususiyatlarini taqqoslaydi. Tadqiqot ibora tarkibi, so'z tartibi, subyekt-fe'l-obyekt strukturalari, holat belgilari va predloglarning ishlatilishini o'rganadi. Shuningdek, o'zbek tilining sintaktik moslashuvchanligi va ingliz tilining qat'iy tuzilishi o'rtasidagi farqlarni tahlil qiladi. Tadqiqot, shuningdek, idiomatik iboralar, frazeologik fe'llar va postpozitsiyalarni qo'llash orqali ma'no ifodasini o'rganadi. Natijalar sintaksis va semantika o'rtasidagi munosabatni chuqurroq tushunishga yordam beradi va til o'rganuvchilariga yangi fikrlar taklif etadi. Bu tadqiqot ikki tilning ibora tuzilishini va kelajakdagi xoch-lingvistik taqqoslashlar uchun asos yaratadi.

**Kalit so'zlar:** strukturaviy xususiyatlar, semantik xususiyatlar, so'z turkumi, sintaksis, til qiyoslash, ingliz tili, o'zbek tili, sintaktik tuzilmalar, so'z tartibi, hol belgisi, yuklamalar.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V5I1Y2025N38>

**Introduction.** The study of phrases, which are fundamental units of language, plays a crucial role in understanding how different languages organize and express meaning. Phrases in both English and Uzbek are constructed according to specific syntactic rules and semantic patterns, but the structural features and their influence on meaning can vary significantly. English and Uzbek belong to different language families, with English being a Germanic language and Uzbek a Turkic language. These differences often manifest in the syntax and semantics of phrases, making them an interesting area of linguistic comparison. This research

aims to examine the structural-semantic features of phrases in English and Uzbek, analyzing how each language organizes its syntactic units and the way meaning is conveyed.

**Methods of research.** To conduct this comparative study, a qualitative approach was employed. A total of 100 phrases in each language were selected for analysis, focusing on their structural and semantic features. The data were collected from literary texts, conversation samples, and formal written documents in both English and Uzbek. The structural features analyzed included word order, phrase components (e.g., noun phrases, verb phrases), and syntactic rules governing phrase formation. Semantic analysis focused on meaning in context, including how phrase structures contribute to the interpretation of meaning, idiomatic expressions, and figurative language. The comparison was carried out using a parallel approach, contrasting each language's phrase structures and semantics, with special attention to areas such as subject-verb-object order, prepositions, and modifiers.

**Results and discussions.** In the realm of linguistics, the study of word combinations transcends mere grammar and syntax, delving into the intricate relationship between structure and meaning. This essay aims to explore the structural-semantic characteristics of word combinations in two distinct languages: English and Uzbek. Both languages, while belonging to different linguistic families, exhibit unique features that reflect their cultural and historical contexts. To begin with, it is crucial to understand the foundational aspects of word combinations in both languages. English, a Germanic language, often follows a specific syntactic order, primarily the Subject-Verb-Object (SVO) structure. In contrast, Uzbek, a Turkic language, typically adheres to a Subject-Object-Verb (SOV) order. This fundamental difference in syntactic structure influences how meaning is constructed within word combinations [1].

In English, word combinations are often formed through various grammatical structures such as noun phrases, verb phrases, and prepositional phrases. For instance, the phrase "the quick brown fox" combines adjectives and nouns to create a vivid image [2]. This structure not only conveys meaning but also adds a layer of descriptive richness. In contrast, Uzbek word combinations often integrate suffixes and agglutinative forms that convey similar meanings but do so through a different structural approach. For instance, the Uzbek phrase "tez jigarrang tulki" (literally "quick brown fox") utilizes adjective-noun combinations but expands meaning through suffixation that indicates tense, case, or plurality.

Moreover, the semantic aspect of word combinations reveals significant differences between English and Uzbek. In English, modifiers such as adjectives precede the nouns they describe, fostering a direct and straightforward relationship between them. For example, "happy child" clearly associates the emotion with the noun. Conversely, in Uzbek, the adjective follows the noun, as in "bola baxtli," which translates directly to "child happy." This structural difference can alter how speakers perceive the relationship between the words, subtly influencing the overall meaning conveyed [3, p. 80].

Additional complexity arises when considering idiomatic expressions in both languages. English idioms often present challenges to non-native speakers due to their metaphorical nature. For example, the phrase "kick the bucket" means to die, which bears no literal relation to the words used. Uzbek also possesses idiomatic expressions, such as "to'rtta gullar ochildi," literally meaning "four flowers opened," often used to signify a flourishing or prosperous situation. Understanding these idiomatic expressions requires not only knowledge of language but also an awareness of cultural nuances deeply embedded in each language [4].

The analysis revealed several key differences and similarities between English and Uzbek phrase structures. In terms of syntax, both languages primarily follow a subject-verb-object (SVO) structure, but Uzbek tends to use more flexible word order due to its agglutinative nature. Furthermore, Uzbek often places modifiers after the noun, while in English, modifiers typically precede the noun. The use of prepositions in English is more rigid, while Uzbek often relies on postpositions. In terms of semantics, both languages employ phrases to express similar core ideas; however, there are significant differences in how complex ideas are expressed. For example, while English uses prepositional phrases to denote direction and location, Uzbek may use case-marking to achieve similar meanings. Additionally, idiomatic phrases in both languages demonstrate unique structural and semantic characteristics, with English phrases often relying on phrasal verbs, while Uzbek expressions may include more complex nominalizations [5, p. 600].

9. Siddikov S.F.O.L. *Legal Specificity of Smart Contracts and Their Legal Regulation. Cyberleninka.ru, 2022.*
10. Bobojonov S. *Blockchain-Based Land Registration System: The Case of Uzbekistan. Blockchain Economic Reports, 2021.*
11. Toshboyeva R.S. *Digital Technologies in the National Cadastre System of Uzbekistan: Issues of Legal Regulation. Cyberleninka.ru, 2024.*
12. Abdurakhmanova N. *The Legal Status of Blockchain Technologies and the Regulation of Transactions. Miasto Przyszłości, 2024.*
13. Ataniyazov J. *Blockchain as a New Stage in the Development of the Digital Economy of Uzbekistan. Turkish Online Journal, 2021.*
14. Abdrashitov V. et al. *Risks of Smart Contracts Termination in the Investment Sphere. Springer, 2024.*
15. Abdrashitov V. et al. *Problems of Resolution of Investment Disputes on Agreements Using Smart Contracts. Springer, 2024.*
16. Abdurakhmanova N. *Legal Regulation of Smart Contracts. Periodica Journal, 2023.*
17. Kurbanov R. *Challenges of Adopting Blockchain Technology in Uzbekistan's Legal Framework. Central Asian Legal Review, 2023.*
18. Ibragimov A.K. *Smart Contracts: Legal and Technical Aspects. Uzbekistan Law Journal, 2021.*
19. Rahmatov D.A. *Blockchain and Smart Contracts: Bridging Gaps in Uzbek Legislation. Tashkent Law Review, 2023.*
20. Toshboyeva R.S. *Integration of Smart Contracts in Property Management Systems: Legal Barriers and Opportunities. Journal of Property Law, 2024.*
21. Abdullaev K.T. *Digital Transactions and Legal Innovations in Uzbekistan. Economic and Legal Perspectives, 2022.*
22. UNCTAD Report on Smart Contracts and Blockchain in Developing Economies, 2023.
23. OECD Report on Blockchain and Legal Standards in Emerging Markets, 2024.
24. World Bank Report: Smart Contracts and Property Rights in Central Asia: Case of Uzbekistan, 2022.

**Received:** 20 December 2024

**Accepted:** 5 January 2025

**Published:** 15 January 2025

*Article / Original Paper*

## **SOCIAL PROTECTION OF THE RIGHTS OF ORPHANS AND CHILDREN LEFT WITHOUT PARENTAL CARE: INTERNATIONAL LEGAL STANDARDS AND NATIONAL ASPECTS**

**Bekbutaeva Lobar,**

SOS Children's Villages Uzbekistan

Program Adviser on Advocacy and Child safeguarding

**Abstract.** The article explores international legal standards and national frameworks for protecting the rights of orphans and children deprived of parental care. It examines key international documents, including the UN Convention on the Rights of the Child and the Guidelines for the Alternative Care of Children, highlighting their impact on the development of national legal systems.

Focusing on Uzbekistan, the article analyzes legislative acts such as the updated Constitution (2023), the Family Code, and the Law "On Guarantees of the Rights of the Child." The author underscores the country's progress in child social protection while identifying persistent challenges, such as resource constraints, workforce shortages, and gaps in monitoring legislative implementation.

The article proposes measures to strengthen the child protection system, emphasizing enhanced interagency collaboration, greater transparency in government operations, and the active participation of civil society.

**Keywords:** child rights protection, orphans, children deprived of parental care, international standards, UN Convention on the Rights of the Child, social protection, Uzbekistan's legislation, alternative care, guardianship and trusteeship, social services, child rights monitoring.

## **СОЦИАЛЬНАЯ ЗАЩИТА ПРАВ ДЕТЕЙ-СИРОТ И ДЕТЕЙ, ОСТАВШИХСЯ БЕЗ ПОПЕЧЕНИЯ РОДИТЕЛЕЙ: МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫЕ СТАНДАРТЫ И НАЦИОНАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ**

**Бекбутаева Лобар,**

Советник по развитию программ

по государственно-правовой деятельности

и защите детей в Ассоциации

SOS Детские деревни Узбекистана

**Аннотация.** В статье исследуются международно-правовые стандарты и национальные аспекты защиты прав детей-сирот и детей, оставшихся без попечения родителей. Рассматриваются ключевые международные документы, включая Конвенцию ООН о правах ребенка и Руководящие указания по альтернативному уходу за детьми, а также их влияние на развитие национальных правовых систем.

На примере Узбекистана проанализированы законодательные акты, такие как обновленная Конституция (2023), Семейный кодекс и Закон «О гарантиях прав ребенка». Автор подчеркивает достижения страны в области социальной защиты детей, отмечая при этом существующие вызовы, включая недостаточность ресурсов, кадровый дефицит и пробелы в мониторинге реализации законодательства.

В статье автор предлагает меры по совершенствованию системы защиты прав детей, включая усиление межведомственного сотрудничества, прозрачности в работе государственных органов и активного вовлечения гражданского общества.

**Ключевые слова:** защита прав детей, дети-сироты, дети без попечения родителей, международные стандарты, Конвенция ООН о правах ребенка, социальная защита, законодательство Узбекистана, альтернативный уход, опека и попечительство, социальные услуги, мониторинг прав ребенка.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V5I1Y2025N42>

**Введение.** Одним из приоритетных направлений современного международного права является защита прав детей. Международное сообщество на протяжении десятилетий разрабатывало механизмы, призванные обеспечить права детей на защиту, развитие и участие в жизни общества. Всеобщая декларация прав человека (1948), Декларация прав ребенка (1959), Конвенция ООН о правах ребенка (1989), а также региональные акты, такие как Европейская социальная хартия, стали основой для разработки национальных правовых систем, направленных на защиту детей.

В Узбекистане, следуя принципам «социального государства», закрепленным в новой редакции Конституции, осуществляется всесторонняя работа по защите прав детей [1]. Законодательство Узбекистана направлено на повышение качества социальных услуг и внедрение современных подходов к управлению этой сферой, что соответствует международным стандартам.

**Всеобщая декларация прав человека** стала поворотным моментом в развитии международного права, закрепив право каждого человека, включая детей, на достойную жизнь. Статья 25 подчеркивает особую необходимость защиты уязвимых категорий, включая детей [2]. Однако декларация, будучи рамочным документом, не содержит детализированных положений о правах ребенка. В этом ключе важно отметить, что понятие «необходимости особой защиты и помощи» оставляет значительное пространство для интерпретации. Документ не определяет именно какие меры должна принять государственная власть для обеспечения прав детей этой категории. В связи с этим некоторые аспекты остались открытыми, что создало правовой вакуум, восполненный лишь через четыре десятилетия с принятием Конвенции ООН о правах ребенка. Тем не менее, декларация сыграла важную роль как идеологическая основа для дальнейших обязательств государств.

**Конвенция ООН о правах ребенка** знаменует переход от декларативных принципов к обязательным международным нормам, охватывая широкий спектр прав [3]: от права на жизнь и защиту от насилия до права на участие в решениях, касающихся ребенка. Принцип приоритета интересов ребенка (статья 3) стал базовым стандартом, к которому стремятся национальные законодательства [4]. Однако реализация норм Конвенции напрямую зависит от экономических и политических возможностей государств. Например, статья 20, обязывающая государства обеспечить альтернативный уход для детей, лишенных семейного окружения, часто сталкивается с практическими ограничениями. В странах с низким уровнем доходов реализация этого права затруднена из-за нехватки ресурсов.

Государства-участники, в соответствии с их национальными законодательствами, обеспечивают альтернативные формы ухода за детьми. Это может включать, среди прочего, передачу ребенка на воспитание в семью, усыновление или, при необходимости, размещение в специализированные учреждения для детей [5]. При выборе подходящей формы ухода следует тщательно учитывать важность преимущественности воспитания ребенка, а также его этническое происхождение, религиозные и культурные особенности и родной язык [6].

Государства-участники принимают меры для защиты детей от всех видов физического и психологического насилия, злоупотреблений и отсутствия заботы,

включая разработку социальных программ, направленных на оказание необходимой помощи самим детям и лицам, осуществляющим их воспитание и уход.

Каждое государство, ратифицировавшее Конвенцию, обязано представлять национальные отчеты о положении детей, используя унифицированные индикаторы. Также негосударственные организации на национальном и региональном уровнях предоставляют дополнительные данные для объективной оценки соблюдения прав ребенка в стране. Для контроля за выполнением обязательств создан Комитет ООН по правам ребенка, который обеспечивает мониторинг и предусматривает ответственность государств за реализацию принципов и положений Конвенции [7].

Стоит также отметить, что **Декларация прав ребенка 1959** года играет важную роль в системе международной защиты детей, закрепляя право ребенка на доступ к социальной защите. В Декларации прав ребенка провозглашаются социальные и правовые принципы защиты и благополучия детей на национальном и международном уровнях[8]. Как Декларация прав ребенка, так и Конвенция о правах ребенка являются неотъемлемыми элементами Международного билля о правах человека.

Резолюцией 41/95 Генеральной Ассамблеи ООН от 3 декабря 1986 года была принята **Декларация о социальных и правовых принципах, касающихся защиты и благополучия детей, включая вопросы передачи детей на воспитание и усыновления на национальном и международном уровнях**. В документе закреплены следующие ключевые принципы:

- Каждое государство обязано придавать приоритетное значение благополучию семьи и ребенка.
- Благополучие ребенка напрямую связано с благополучием его семьи, а основная ответственность за заботу о ребенке лежит на его родителях.
- Если родители не могут или не хотят должным образом заботиться о ребенке, необходимо рассмотреть возможность передачи заботы родственникам, устройства ребенка в другую семью, усыновления или, при необходимости, помещения в специализированное учреждение.
- В процессе принятия решений о передаче ребенка для заботы другими лицами главной целью должно быть обеспечение его интересов, включая потребность в любви, стабильности и постоянной заботе [9].

В рамках международного права, одним из важнейших документов, регулирующих вопросы альтернативного ухода за детьми, является **Руководящие указания по альтернативному уходу за детьми, принятые Генеральной Ассамблеей ООН в 2010 году**. Они представляют собой комплекс рекомендаций для правительств, социальных служб и других организаций, работающих с детьми, оставшимися без попечения родителей, с целью улучшения практик и услуг по уходу за детьми в альтернативных условиях

Указания содержат принципы, которыми должны руководствоваться государства, социальные службы и другие организации для:

- минимизации случаев разделения детей с их биологическими семьями;
- предоставления качественных услуг в сфере альтернативного ухода, таких как приемные семьи, усыновление или специализированные учреждения;



- учета индивидуальных потребностей ребёнка, включая его культурные, этнические и языковые особенности;
- создания прозрачных и эффективных механизмов мониторинга и оценки условий ухода[10].

Эти рекомендации подчеркивают важность заботы о стабильности и непрерывности воспитания детей, а также ставят интересы ребёнка во главу угла всех решений, касающихся его будущего. **Руководящие указания** служат ценным инструментом для стран, стремящихся реформировать свои системы защиты детей и привести их в соответствие с международными стандартами

**Европейская социальная хартия (1961, пересмотрена в 1996 году)** представляет собой более регионализированный подход, направленный на защиту социальных и экономических прав, включая права детей. Статья 17 требует от государств гарантировать условия для всестороннего развития детей и защиты их от насилия [11]. Важно отметить, что европейская модель социальной защиты строится на солидарности и перераспределении ресурсов, что трудно применить в странах с только развивающейся экономикой.

Система законодательства Узбекистана за последние годы претерпела значительные изменения, направленные на приведение национальных норм в соответствие с международными стандартами. Однако очень важным является вопрос реализации норм для достижения поставленных перед страной цели становления социальным государством. В продолжение работы разберем ключевые правовые акты, регулирующие сферу защиты прав детей, оставшихся без попечения родителей, с учетом их актуальности и возможных пробелов.

**Конституция Республики Узбекистана**, обновленная в 2023 году, заложила фундамент для социальной защиты детей. К примеру статья 77 прямо обязывает родителей и заменяющих их лиц заботиться о воспитании и развитии детей. Более того, статья 78 возлагает на государство обязанность по обеспечению прав детей, особенно тех, кто остался без родительского попечения [12]. Эти положения служат основой для развития законодательства в сфере защиты детей. Актуальным представляется вопрос реализации этих конституционных норм на практике. Например, обеспечение прав детей-сирот во многом зависит от четкости механизмов исполнения. Без ясных процедур и достаточного финансирования эти нормы могут остаться декларативными.

Другой не менее важный документ регулирующий права детей-сирот и детей, оставшихся без попечения родителей является **Семейный Кодекс Республики Узбекистан**. Глава 19 Семейного кодекса регулирует процесс выявления и устройства детей, оставшихся без попечения родителей. Статья 148 возлагает обязанности по защите таких детей на органы опеки и попечительства [13]. В теории это выглядит как всесторонняя система защиты, но в практике могут возникать ряд проблем. Во-первых, механизмы работы органов опеки зачастую бюрократизированы, что затрудняет оперативное устройство детей в приемные семьи. Во-вторых, если в стране сохраняется дефицит профессионально подготовленных социальных работников, это будет снижать эффективность работы этой системы.

**Закон Республики Узбекистан «О гарантиях прав ребенка» (2008)** представляет собой базовый документ, устанавливающий государственные гарантии

для детей. Особое внимание уделено социально уязвимым категориям, включая дополнительные гарантии прав социально уязвимых детей. **Статья 27<sup>1</sup>** Закона закрепляет право детей на полное государственное обеспечение [14]. **При этом необходимо особо обратить внимание** мониторингу этих гарантий. Например, случаи предоставления жилья детям-сиротам зачастую сопровождаются задержками или нарушением сроков. Здесь необходимо усиление контроля со стороны независимых органов.

Еще один нормативно-правовой акт который входит в систему защиты прав детей-сирот и детей, оставшихся без попечения родителей это **Закон Республики Узбекистан «Об опеке и попечительстве»**. Этот закон детализирует процедуры опеки и попечительства, в том числе устанавливает права и обязанности опекунов и регламентирует порядок передачи детей в приемные семьи [15]. При этом законодательство предусматривает сопровождение семьи, принявшей лиц, нуждающихся в установлении над ними опеки или попечительства. Целью данной меры является обеспечения социальной и психологической адаптации подопечных, осуществляется на безвозмездной основе и предполагает консультативную, правовую, социальную, психолого-педагогическую и медицинскую помощь.

Наряду с вышеотмеченными актами за последние 5 лет правительство приняло ряд нормативно-правовых актов, направленные на совершенствование системы социальной поддержки детей-сирот. Одним из таких документов является Указ Президента Республики Узбекистан № УП-82 от 1 июня 2023 года определяет комплекс мер по улучшению качества социальных услуг, помощи населению и созданию эффективной системы контроля за их реализацией. Согласно данному указу, в сфере социальной защиты детей-сирот и детей, оставшихся без попечения родителей, уполномоченным органом стало Национальное агентство социальной защиты при Президенте Республики Узбекистан [16].

**Заключение.** Защита прав детей в Узбекистане базируется на прогрессивных международных стандартах, таких как Конвенция ООН о правах ребенка и Руководящие указания по альтернативному уходу за детьми, а также на национальных инициативах, включая законодательство и институциональные реформы. Однако, наряду с достижениями, сохраняются проблемы, связанные с кадровым дефицитом, отсутствием эффективных механизмов мониторинга и контроля, что является ключевыми барьерами на пути к созданию полноценной системы социальной защиты детей-сирот и детей, оставшихся без попечения родителей.

Успешное решение этих задач возможно только при комплексном подходе: усилении межведомственного взаимодействия, повышении прозрачности работы государственных органов и активном вовлечении представителей гражданского общества в процесс защиты детей.

#### **Литература/Adabiyotlar/References:**

1. Саидов С.Ш Построение социального государства в реалиях Узбекистана. Международный журнал гуманитарных и естественных наук, no. 5-5 (92), 2024, pp. 173-176. doi:10.24412/2500-1000-2024-5-5-173-176

2. Всеобщая декларация прав человека от 10 декабря 1948 г. [Электронный ресурс]. – Режим доступа: // [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/declarations/declhr.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/declhr.shtml).
3. Неровная Н. Н. Обеспечение и защита прав ребенка на международном уровне // Вестник ЧелГУ. 2013. №27 (318). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/obespechenie-i-zaschita-prav-rebenka-na-mezhdunarodnom-urovne>
4. Federica V. The best interest of the child as put into practice worldwide 2023 Humanium <https://www.humanium.org/en/the-best-interest-of-the-child-as-put-into-practice-worldwide/>
5. Конвенция о правах ребенка от 20 ноября 1989 г. // [Электронный ресурс]. – Режим доступа: [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/childcon.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/childcon.shtml)
6. Сичкар В.А., Цыцаркина В.Н. Международные стандарты защиты прав детей-сирот и детей, лишенных родительской опеки Сборник научных работ серии "Право" С.197 – 209, 2020. <https://elibrary.ru/item.asp?id=44337390>
7. Капинос К. А. Конвенция оон о правах ребенка 1989 г. – основной правовой механизм защиты прав детей системы ООН // Океанский менеджмент. С.85-88, 2024. №1С. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/konventsiya-oon-o-pravah-rebenka-1989-g-osnovnoy-pravovoy-mehanizm-zaschity-prav-detey-sistemy-oon>
8. Декларация прав ребенка от 20 ноября 1959 г. // [Электронный ресурс]. – Режим доступа: [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/declarations/childdec.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/childdec.shtml)
9. Декларация о социальных и правовых принципах, касающихся защиты и благополучия детей, особенно при передаче детей на воспитание и их усыновлении на национальном и международном уровнях: принята резолюцией 41/95 Генеральной Ассамблеи ООН от 3 дек. 1986 г. // Международные акты о правах человека: сб. док. / сост.: В.А. Карташкин, Е.А. Лукашева. – М.: НОРМА, 2002. – С. 278-282.
10. Guidelines for the Alternative Care of Children <https://resourcecentre.savethechildren.net/pdf/5416.pdf/>
11. Европейская Социальная Хартия ETS № 163 (пересмотренная) (Страсбург, 3 мая 1996 г.) [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <https://constitution.garant.ru/act/right/megdunar/2541037>
12. Конституция Республики Узбекистан от 30.04.2023 г. [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <https://lex.uz/uz/docs/6445147>
13. Семейный Кодекс Республики Узбекистан от 30.04.1998г. [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <https://lex.uz/docs/104723>
14. Закон Республики Узбекистан О гарантиях прав ребенка от 07.01.2008г. [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <https://lex.uz/docs/1297318>
15. Закон Республики Узбекистан Об опеке и попечительстве от 02.01.2014 г. [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <https://lex.uz/docs/2307828>
16. Указ Президента Республики Узбекистан О комплексе мер по оказанию качественных социальных услуг и помощи населению, а также налаживанию системы их эффективного контроля № УП-82 от 1 июня 2023 г. [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <https://lex.uz/docs/6480351>

**Received:** 20 December 2024

**Accepted:** 5 January 2025

**Published:** 15 January 2025

*Article / Original Paper*

## **INTERNATIONAL LEGAL REGIME FOR TRANSBOUNDARY TRANSPORT AND TRANSPORT OF WASTE**

**Nishonov Abdulloh Ubaydulloh ugli,**  
professor of the Department of Ecological Law  
Tashkent State Law University

**Abstract.** This article discusses important aspects, procedures, and methods of regulating the transboundary movement of waste. As a result of the sharp increase in the number of the population, the number of products produced to meet their needs and the amount of waste left in them is also increasing. Countries have different approaches to waste management, some countries are not ready to completely process and dispose of waste, so they can sell it to other countries. Therefore, the transboundary movement of waste is regulated by means of a number of conventions or as a result of bilateral agreements.

**Keywords:** Basel Convention, household waste, export and import of waste, mutual awareness, London Convention, Minamata Agreement, Stockholm Convention.

## **CHIQUINDILARNI TRANSCHEGARAVIY TASHISH VA OLIB O'TISHNING XALQARO HUQUQIY TARTIBI**

**Nishonov Abdulloh Ubaydulloh o'g'li,**  
Toshkent davlat yuridik universiteti  
Ekologiya huquqi kafedrası o'qituvchisi

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada chiqindilarning transchegaraviy harakatini tartibga solishning ahamiyatli jihatlari, tartibi, usullari muhokama qilinadi. Aholi sonining keskin oshib borishi natijasida ularning ehtiyojlarini qondirish maqsadida ishlab chiqarilayotgan mahsulotlar va ularda qoladigan chiqindilar miqdori ham oshib bormoqda. Davlatlar chiqindilarni boshqarishda turlicha yondashadi, ayrim davlatlar chiqindini to'liq qayta ishlashga, yo'q qilishga tayyor emasligi sababli ularni boshqa davlatlarga sotishi mumkin, xuddi shu vaziyatda munosabat ikki davlat manfaatlariga daxldor bo'ladi, xalqaro huquqiy tartib ishga tushadi. Demak, bir qator konvensiyalar vositasida yoki ikki tomonlama kelishuvlar natijasida chiqindilarning chegaralararo harakati tartibga solinadi.

**Kalit so'zlar:** Bazel konvensiyasi, maishiy chiqindilar, chiqindilar eksporti va importi, o'zaro xabardorlik tamoyili, London konvensiyasi, Minamata bitimi, Stokgolm konvensiyasi.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V5I1Y2025N43>

**Kirish.** Har yili 2,12 milliard tonna [1] chiqindi yer sayyorasini chiqindixonaga aylantirishga o'z hissasini qo'shadi. Bu miqdor nisbatan bo'lib, chunki insonlar sotib olgan narsalarini 99 % ini 6 oy ichida tashlab yuboradi. Bugungi kunda iste'mol miqdori shu darajada ortib ketdiki, agar hamma g'arbiy iste'molchilar kabi yashasa, bizni qo'llab-quvvatlaydigan va chiqindilarimizni o'zlashtiradigan yana 5 tagacha sayyora kerak bo'lishi mumkin, yer esa ushbu katta miqdorga torlik qildi. Bularning barchasi chiqindilarni boshqarishni to'g'ri yo'lga qo'yish, ularni qayta ishlashga bo'lgan ehtiyojni yuzaga keltiradi. Bu esa davlatlar hamkorligi, o'zaro tajriba almashinish orqali chiqindilarni transchegaraviy tashish va olib o'tish faoliyatini ahamiyatini oshiradi. Chiqindilarni noto'g'ri boshqarish xavfi, ayniqsa, chiqindilarni yig'ish

ko'rsatkichlari ko'pincha 50 foizdan past bo'lgan kam daromadli mamlakatlarda ko'zga tashlanadi. Daryo qirg'oqlari bo'ylab axlat uyumlari; aralash va qisman zaharli chiqindilarni ochiq yoqishdan kelib chiqadigan qalin tutun; o'tkir hidlar; pashshalar va kemiruvchilar juda tanish sahnadir. Bugungi kunda chiqindilarni qayta ishlab, ulardan oqilona foydalanayotgan davlatlar yo'q emas, biroq, ming afsuski, ularni noqonuniy ravishda boshqa davlat yurisdiksiyasi amal qiladigan hududga tashlash, nafaqat ikki davlatdagi ekologik vaziyatga balki butun dunyodagi holatga ham salbiy ta'sir etayotganlik holatlariga ham tarix ko'p bora guvoh bo'lgan. Deyarli 2000-yillardan beri kam uchraydigan, noyob kasalliklar bo'yicha tadqiqotlar o'tkazib keladigan pediatriya shifokori Mary Kugler ning izlanishlariga ko'ra [2], 1956-yildan boshlab Yaponiyaning janubi-sharqiy viloyati bo'lgan Kumamoto prefekturasining Minamata shahrida mahalliy aholida sabablari noma'lum modda tufayli jiddiy asab kasalligi belgilari ko'rina boshlaydi. Deyarli 10 yildan keyingina hukumat ushbu kasallikning ildizini topishga muvaffaq bo'ladi. Shahardan oqib o'tuvchi Agano daryosining yuqori oqimida joylashgan Chisso korporatsiyasi va Denko Shov a korporatsiyasining simob chiqindilarini daryoga oqizishi natijasida daryodagi baliqlar zaharlangan.

O'z navbatida, zaharlangan baliqlar ularni ko'p miqdorda iste'mol qilgan jabrlanganlarni ham zaharlab, insonlarning markaziy nerv tizimi jiddiy ravishda shikastlangan. Minamata kasalligi nomi bilan tarixda qolgan ushbu hodisa Yaponiyaning tezkor rivojlanish yillarida tabiat muhofazasiga e'tibor bermaslikning oqibatida yuz bergan to'rtta katta tabiat falokatidan biri hisoblanadi va chiqindilarni masalasi faqatgina bir davlatgagina bog'liq emasligi, shu bilan birga transchegaraviy muammolarga ham sabab bo'lishi mumkinligining yorqin namunasi deb hisoblash mumkin. Shu kabi voqealardan so'ng chiqindilarning transchegaraviy harakatini tartibga solish xalqaro ekologiya huquqining asosiy vazifasiga aylangan.

**Muhokama va tahlillar.** Chiqindilarni transchegaraviy tashish va olib o'tish siyosiy mojarolarga olib kelishi mumkin. 2019-yilda The New York Times gazetasida uning muxbirlaridan biri Jason Guttierrez tomonidan "Kanada yillar oldin oldin Filippinga yuborgan axlatini qaytarishga rozi bo'ldi" nomi ostida maqola chop etildi [3]. Undagi ma'lumotlarda keltirilishicha Kanada xususiy kompaniyasi tomonidan Filippinga Kanadadan 100 dan ortiq yuk tashish konteynerlari yetkazib berildi. Ular qayta ishlanadigan materiallar sifatida belgilangan bo'lsa-da, ular tarkibida 2500 tonnaga yaqin maishiy chiqindilar, jumladan, plastik butilkalar va foydalanilgan mahsulotlar bor edi. Kelishilgan mahsulotlar bilan birga o'z chiqindilarini yuborgan Kanadadan chiqindilarini Filippin hukumati mamlakat hududidan olib chiqib ketishini talab qiladi. Filippin xalqi Kanadaning bu mamlakatga axlatxona sifatida qaraganligi uchun qattiq haqoratlanadi, bu esa ikki davlat o'rtasida siyosiy mojaro boshlanib ketish xavfini yuzaga keltirgan edi. Shu va shunga o'xshash hodisalar chiqindilarning transchegaraviy harakatini xalqaro miqyosda tartibga solishning naqadar ahamiyatli ekanligini ko'rsatadi. Ayni damda chiqindilarning xalqaro harakati turli usullar: xalqaro ko'p tomonlama shartnomalar, ikki tomonlama shartnomalar (bilateral agreements) yordamida yoki xalqaro tashkilotlar nazorati bilan tartibga solinmoqda [4].

Har bir tashkilot, inson faoliyati qandaydir chiqindilarni ishlab chiqaradi. Qattiq maishiy chiqindilar, xavfli chiqindilar, sanoat chiqindilari, qishloq xo'jaligi va hayvonlar chiqindilari, tibbiy chiqindilar, radioaktiv chiqindilar, qurilish va buzish chiqindilari, qazib olish va tog'-kon chiqindilari, neft va gaz ishlab chiqarish chiqindilari, fotoalbomlar kabi ko'plab turdagi

chiqindilar hosil bo'ldi. Xuddi shunday chiqindilar bir nechta turlarga bo'linadi [5]. Ularning transchegaraviy harakatlarini mos ravishda turli xil konvensiyalar xalqaro tartibga soladi.

***Xavfli, maishiy chiqindilar va yoqish kulidan paydo bo'ladigan chiqindilarning chegaralar osha harakatini xalqaro huquqiy tartibga solish.***

Chiqindilardan xalos bo'lish maqsadida davlatlar bir qancha usullarni qo'llashi mumkin. Ular chiqindilarni yoqib yuborish, qayta ishlash, ikkinchi marotaba ishlatishga yaroqlilarini ajratib olish va boshqa usullardan foydalanadi. Chiqindilar yoqish zavodida yoqilgan chiqindilarning har 100 tonnasidan 30 tonna kul hosil bo'ldi. Bu esa chiqindidan to'liq xalos bo'lishni anglatmaydi. Maishiy chiqindilar esa chiqindixonalarni to'ldirishi yoki mo'maygina daromad keltirishi mumkin. Ayrim davlatlar, xususan Turkiya, chiqindilarning katta qismini utilizatsiya qilmaydi. Boshqa davlatlar esa, masalan Norvegiya o'z chiqindilari va import qilingan chiqindilardan daromad topadi (chiqindilarni yoqish orqali elektr energiyasini oladi, chiqindilarni (80 % ini) qayta ishlab mahsulotga aylantirib sotadi). Finlyandiyada esa shishi butunlay parchalanib ketgunga qadar qariyb 33 marta qayta ishlanadi va do'kon rastalariga qaytariladi [6].

2010-yildan 2020-yilgacha Yevropa Ittifoqiga a'zo davlatlardan eksport qilinadigan xavfli chiqindilar miqdori sezilarli darajada oshdi, 2010-yildagi 6,1 million tonnadan 2020-yilda 8,2 million tonnagacha. 2016-yildan 2017-yilgacha eksportda keskin o'sish kuzatildi, bu 6,1 dan 7,4 million tonnagacha (+22%). 2020-yilda eksport qilinadigan xavfli chiqindilarning eng ko'p miqdorini qayd etgan Yevropa Ittifoqiga a'zo uchta davlat Fransiya (2,1 million tonna), Italiya va Gollandiya (ikkalasi ham 1,1 million tonna) bo'ldi [7]. Yevropa Ittifoqining boshqa davlatlari qancha miqdorda xavfli chiqindilarni eksport qilganligini quyidagi jadvaldan kuzatish mumkin.

**Exports of hazardous waste, 2010-2020**  
(thousand tonnes)

	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
<b>EU</b>	<b>6 050</b>	<b>5 963</b>	<b>5 177</b>	<b>5 911</b>	<b>5 750</b>	<b>5 867</b>	<b>6 096</b>	<b>7 424</b>	<b>7 637</b>	<b>7 946</b>	<b>8 188</b>
Belgium	689	836	631	679	637	686	707	712	666	609	721
Bulgaria	9	5	6	3	5	11	12	7	9	9	5
Czechia	15	11	18	31	34	37	32	29	25	20	33
Denmark	102	64	274	222	150	300	272	259	291	309	365
Germany	309	317	334	496	620	546	783	980	951	874	925
Estonia	1	2	3	10	13	13	12	1	13	9	9
Ireland	199	211	193	246	232	256	275	272	283	286	273
Greece	39	44	22	49	180	44	82	140	193	194	118
Spain	52	104	59	74	43	78	55	58	68	80	53
France	1 400	1 223	985	1 526	1 143	926	722	1 644	1 920	2 090	2 055
Croatia	:	:	21	19	22	20	19	21	23	22	19
Italy	1 459	1 354	977	852	825	824	842	937	1 032	1 105	1 083
Cyprus	5	8	5	4	4	5	6	5	5	6	5
Latvia	17	14	12	14	18	21	8	8	8	9	8
Lithuania	18	24	21	24	21	29	27	28	27	30	38
Luxembourg	89	81	89	92	85	268	374	423	444	445	466
Hungary	49	29	19	26	29	30	31	27	35	34	26
Malta	18	17	14	11	19	17	110	16	20	10	21
Netherlands	738	813	788	777	778	875	812	880	744	856	1 075
Austria	295	300	270	320	278	262	273	281	228	249	216
Poland	20	14	14	13	24	36	46	43	58	54	54
Portugal	54	63	17	70	55	53	49	49	47	57	53
Romania	4	2	7	14	25	27	24	31	21	21	21
Slovenia	35	45	47	47	57	61	59	67	66	74	73
Slovakia	4	4	5	7	12	11	13	13	14	17	18
Finland	120	92	95	106	117	123	105	124	121	109	140
Sweden	310	284	250	180	324	307	345	369	326	369	318
Iceland	:	:	:	:	:	:	:	:	:	:	:
Liechtenstein	:	:	1	4	4	4	:	1	2	0	0
Norway	:	:	507	1 039	1 042	:	:	456	447	490	445
United Kingdom	222	192	174	707	276	231	383	352	328	295	328

Chiqindilar bilan bog'liq vaziyat bo'yicha yuqori rivojlanish darajasiga ega davlatlar boshqa davlatlardan chiqindilarni import qiladi. Bu esa chiqindilarning transchegaraviy harakatga kelishiga sabab bo'ldi. Shu kabi masalalarni xalqaro tartibga solish quyidagi konvensiyalar vositada amalga oshiriladi.

Xavfli chiqindilarning transchegaraviy olib o'tishini va ularni yo'q qilishni nazorat qilish to'g'risidagi Bazel konvensiyasi 1988-yilda boshlangan Birlashgan Millatlar Tashkilotining

Atrof-muhit bo'yicha dasturi (UNEP) doirasida muzokara qilingan ko'p tomonlama kelishuvdir [8]. Bazel konvensiyasi xavfli chiqindilar, qattiq maishiy chiqindilar va shahar yoqish zavodlari kulining transchegaraviy tashish standartlarini, shu jumladan eksport qilishdan oldin qabul qiluvchi mamlakatga xabarnoma va yozma tasdiqni belgilaydi (o'zaro xabardorlik tamoyili). 2020-yil noyabr holatiga ko'ra, 187 ta davlat va Yevropa Komissiyasi Konvensiya ishtirokchilari hisoblanadi [9].

Ushbu konvensiyaga O'zbekiston 1995-yil 22-martdagi "Xavfli chiqindilarni chegaralararo tashish va yo'q qilib yuborish ustidan nazorat qilish to'g'risidagi Bazel konvensiyasiga qo'shilish haqida" gi qaroriga asosan qo'shilgan. O'zbekiston uchun ushbu konvensiya 1996-yilning 7-mayidan kuchga kirgan. Bundan tashqari O'zbekistonda chiqindilar bilan bog'liq 05.04.2002-yilda qabul qilingan "Chiqindilar to'g'risida" gi qonuni qabul qilingan. Mana shu ikki normativ hujjat va Vazirlar Mahkamasining bir nechta qarorlari asosida chiqindilar bilan bog'liq masalalar tartibga solinadi.

Bazel konvensiyasining asosiy maqsadi inson salomatligi va atrof-muhitni xavfli chiqindilarning salbiy ta'siridan himoya qilishdir. Uning qo'llanilish doirasi kelib chiqishi yoki tarkibi va xususiyatlariga ko'ra "xavfli chiqindilar" deb ta'riflangan chiqindilarning keng doirasini, shuningdek "boshqa chiqindilar" deb tasniflangan ikki turdagi chiqindilarni — **maishiy chiqindilar** va **yoqish kulini** qamrab oladi. Bu konvensiya qanday xalqaro huquqiy tartibni belgilashiga to'xtaladigan bo'lsak, xavfli chiqindilar eksporti uchun import qiluvchi davlatning yozma roziligi zarurligi, chiqindilarning noqonuniy oldi-sotdisini amalga oshirganlarni jazolash uchun choralar ko'rish lozimligi, davlat ichidagi chiqindilarni kamaytirish va muvofiq ravishda yo'q qilish haqidagi normalarni belgilaydi. Unga ko'ra, eksport qiluvchi mamlakat qabul qiluvchi davlatni va har qanday tranzit mamlakatlarni taklif etilayotgan yuk haqida xabardor qilishni talab qiladi (yuqorida keltirilgan misolda ham yuk haqida Kanada hukumati batafsil ma'lumotni Filippinga taqdim etishi kerak edi).

Chiqindilarni jo'natish tranzit va qabul qiluvchi mamlakatlar jo'natishga rozilik bergandan keyingina amalga oshirilishi mumkin (6-7-moddalar). Chiqindilarning chegaralararo harakati faqatgina tomonlar roziligi bilan amalga oshiriladi. Konvensiyada chiqindilar eksporti yoki importiga taqiq e'lon qilgan davlat boshqa a'zolarini ham xabardor qilishi kerakligi nazarda tutilgan. Masalan, bir vaqtlar chiqindilarning asosiy qismini qabul qilgan Xitoy 2018-yilda barcha plastik qoldiqlarni tashishni taqiqlab, endi "axlatxona" bo'lishni xohlamasligini e'lon qilgan edi [10]. Konvensiya, shuningdek, xalqaro tashish hujjati chiqindini jo'natish joyidan uni qayta ishlash yoki utilizatsiya qilishgacha kuzatib borishini talab qiladi. Bundan tashqari, chiqindilarni tashish xalqaro qoidalarga muvofiq avvalo, qadoqlanishi, etiketlanishi va undan so'ng tashilishi kerak.

Chiqindilarni jo'natish paytida baxtsiz hodisa yuz bergan taqdirda, Bazel mas'ul tomonlardan avariya haqida potensial zarar ko'rgan mamlakatlarni xabardor qilishni talab qiladi. Nihoyat, konvensiya ishtirokchilari Bazel kotibiyatiga eksport qilinadigan yoki import qilinadigan xavfli chiqindilarning miqdori va turlarini hamda maqsadli va yo'q qilish usullarini jamlagan yillik hisobotni taqdim etishlari kerak. Kotibiyat hisob-kitob markazi sifatida faoliyat yuritib, ushbu hamkorlikni osonlashtirishi va qo'llab-quvvatlashi shart (16-modda). Javobgarlik masalasiga to'xtalsak, xavfli chiqindilarni noqonuniy ravishda tashish va olib kirish harakatlari sodir etilganda konvensiya chiqindi ishlab chiqarilgan davlatga qayta import qilish yoki boshqacha tarzda xavfsiz utilizatsiya qilishni ta'minlash majburiyatlarini yuklaydi (8 va 9-

moddalar). “Zararni qoplash javobgarligiga oid Bazel konvensiyasi” ham mavjud bo‘lib, unda chiqindi yo‘q qiluvchiga o‘tguniga qadar eksportyor, undan keyin esa chiqindini yo‘q qiluvchining ehtiyotsizligi javobgarlikka (faultless liability — juda keng) sabab bo‘lishi haqidagi normalar keltirib o‘tiladi. Bazel konvensiyasi chiqindilarni tashish bo‘yicha ikkita asosiy cheklovlarni o‘z ichiga oladi. Bir davlatdan ikkinchi davlatga olib o‘tish, eksport qilish faqat quyidagi hollarda amalga oshirilishi mumkinligini ko‘rsatadi (4-modda):

- agar eksport qiluvchi mamlakatda utilizatsiya qilish yoki qayta ishlash uchun yetarli quvvat bo‘lmasa;

- eksport qiluvchi mamlakatda chiqindilarni ekologik xavfsiz tarzda boshqara oladigan utilizatsiya qilish va qayta ishlash korxonalari bo‘lmasa (ya‘ni ayrim davlat o‘zi ishlab chiqaradigan chiqindilarni boshqarish uchun yetarlicha texnika vositalariga ega bo‘lmashligi yoki o‘ylab chiqilgan tizimning mavjud emasligi, chiqindilarni eksport qilish orqali chiqindilardan xalos bo‘lish yo‘lini tutadi);

- yoki agar chiqindilar import qiluvchi mamlakatda qayta ishlash sanoati uchun xomashyo sifatida talab qilinsa.

Konvensiya, shuningdek, konvensiya ishtirokchilari va ishtirokchi bo‘lmagan tomonlar o‘rtasida chiqindilarni tashishni taqiqlaydi, bu ko‘chirishlar alohida kelishuv asosida sodir bo‘lgan hollar bundan mustasno. Bitim transchegaraviy chiqindilarni olib o‘tish uchun teng darajada ishonchli boshqaruv tuzilmasini ta‘minlashi kerak [11]. Konvensiya 20-moddasida nizolarni hal qilishda dastlab nizolarni tinch yo‘l bilan hal etish vositalari qo‘llanilishi kerakligi, agarda bu usul foyda bermasa, nizo tomonlari xalqaro hakamlik sudiga murojaat qilishlari mumkinligi belgilangan.

**Xavfli kimyoviy moddalar va kemalardan chiqadigan chiqindilar bilan bog‘liq xalqaro huquqiy tartib.** Kemalardan chiqadigan chiqindilar bilan dengizni ifloslantirishni nazorat qiladi. Simob, kadmiy, radioaktiv chiqindilarni tashlashni taqiqlab, boshqa chiqindilar tashish bo‘yicha alohida ruxsat olish zarurligini o‘rnatuvchi “1972 yildagi “Chiqindilar va boshqa moddalarni tashlab yuborish orqali dengizning ifloslanishining oldini olish to‘g‘risida”gi konvensiya, qisqacha aytganda “London konvensiyasi” dengiz muhitini inson faoliyatidan himoya qilishga qaratilgan birinchi global konvensiyalardan biri bo‘lib, 1975-yildan buyon amal qiladi. Uning maqsadi dengiz ifloslanishining barcha manbalarini samarali nazorat qilishga ko‘maklashish va chiqindilar boshqa moddalarni tashlash orqali dengizning ifloslanishini oldini olish uchun barcha amaliy choralarni ko‘rishdir. Hozirgi vaqtda 87 davlat ushbu Konvensiyaning ishtirokchisidir.

London konvensiyasining maqsadi dengiz ifloslanishining barcha manbalarini nazorat qilish va chiqindilarni dengizga tashlashni tartibga solish orqali dengizning ifloslanishining oldini olishdir. Bundan tashqari, qolib ketish xususiyatiga ega bo‘lgan PCB, DDT va dioksin kabi doimiy organik ifloslantiruvchi moddalar (Persistent Organic Pollutants: POP) bo‘yicha bir qancha ishlarni amalga oshirish zarur. Xususan, xalqaro hamkorlik asosida bu kabi moddalarni yo‘qotish va kamaytirishni amalga oshirishga ehtiyoj mavjud [12]. Shu sababli 2001-yilda doimiy organik ifloslantiruvchi moddalar haqida Stokgolm bitimi tuzilgan. Ushbu kelishuv doimiy organik ifloslantiruvchi moddalarni ishlab chiqarish va foydalanishni umumiy tarzda taqiqlaydi va muvofiq tarzdagi nazorat qilish normalarini belgilaydi. Konvensiyalar qoidalariga ko‘ra, chiqindilarni tashish va olib o‘tish jarayonida atrof-muhitga zarar bermaslik talab etiladi.



**Xulosa.** Yuqoridagi keltirib o‘tilgan ma’lumotlarni inobatga olgan holda, shunday xulosaga kelishimiz mumkin, chiqindilarni ishlab chiqarish va utilizatsiya qilish hamda ularning eksport-importini tartibga solish muhim vazifa hisoblanadi. Negaki odamlarning hayotiy manfaatlarini – salomatligini ta’minlash, barqaror ekologik vaziyatni vujudga keltirish bugungi kunning xalqaro hamjamiyat oldidagi eng dolzarb vazifalaridan biridir. Chiqindilarni qayta ishlashni yo‘lga qo‘yish va rivojlantirish bu nafaqat chiqindilardan xalos bo‘lish balki mamlakatlarning ekologik muhitiga katta ta’sir ko‘rsatadi. Shu bilan birga mamlakatlarning iqtisodiy mavqeyiga ham katta hissa qo‘shadi. Buning yaqqol misoli o‘laroq Shvetsiya davlati o‘z mamlakatining chiqindilarini qayta ishlash barobarida qo‘shni davlat bo‘lgan Norvegiyadan har yili katta miqdorda chiqindi sotib oladi va ularni qayta ishlashini keltirsak bo‘ladi.

#### Adabiyotlar/Литература/References:

1. The World Counts, A waste of World. Available at: <https://www.theworldcounts.com/challenges/planet-earth/state-of-the-planet/world-waste-facts>
2. Mary Kugler, An Overview of Minamata Disease. Industrial mercury poisoning that sickened an entire Japanese town (2023). Available at: <https://www.verywellhealth.com/minamata-disease-2860856>
3. Schmidt, Alke. “Transboundary movements of waste under ec law: the emerging regulatory framework.” *Journal of Environmental Law*, vol. 4, no. 1, 1992, pp. 57–80. JSTOR, <http://www.jstor.org/stable/44247917>. Accessed 28 Nov. 2024.
4. Jason Gutierrez, *The New York Times*, Canada Agrees to Take Back Trash Sent to Philippines Years Ago, (2019). Available at: <https://www.nytimes.com/2019/05/23/world/asia/philippines-canada-trash.html>
5. Thapa K. et al. Transboundary movement of waste review: From binary towards a contextual framing // *Waste Management & Research*. – 2023. – T. 41. – №. 1. – C. 52-67.
6. How countries make money on garbage. Retrieved from: <https://tausolutions.kz/en/6596-2/>
7. Schmidt A. Transboundary movements of waste under EC law: the emerging regulatory framework // Journal of Environmental Law. – 1992. – T. 4. – №. 1. – C. 57-80.
8. Waste shipment statistics. Retrieved from: [https://ec.europa.eu/eurostat/statisticsexplained/index.php?title=Waste shipment statistics](https://ec.europa.eu/eurostat/statisticsexplained/index.php?title=Waste_shipment_statistics)
9. International Agreements on Transboundary Shipments of Hazardous Waste, <https://www.epa.gov/hwgenerators/international-agreements-transboundary-shipments-hazardous-waste#requirements>
10. China Doesn’t Want The World’s Trash Anymore. Including ‘Recyclable’ Goods, Retrieved from: <https://www.forbes.com/sites/kenrapoza/2020/11/29/china-doesnt-want-the-worlds-trash-anymore-including-recyclable-goods/>
11. Cubel P. Transboundary movements of hazardous wastes in international law: The special case of the Mediterranean area // *The International Journal of Marine and Coastal Law*. – 1997. – T. 12. – №. 4. – C. 447-487.
12. Christian G. Sustainable legal framework for transboundary movement of electronic waste : дис. – Université d’Ottawa/University of Ottawa, 2014.
13. Vizual xalqaro huquq. Darslik. Mas’ul muharrir y.f.d., dotsent. D.Sh. Umarxanova // A.I. Umirdinov., A.M. Hakimov., H.M. Radjapov tarjimasi. — Toshkent: Yuridik adabiyotlar Publish, 2021-y. — 328 bet.
14. Katharina Buchholz, Which Countries Export & Import Plastic Waste (2023). Available at: <https://www.statista.com/chart/18229/biggest-exporters-of-plastic-waste-and-scrap/>

**Received:** 20 December 2024

**Accepted:** 5 January 2025

**Published:** 15 January 2025

*Article / Original Paper*

## **PECULIARITIES OF EVALUATION OF PARTICIPATION OF PROSECUTOR'S BODIES IN LAW-MAKING ACTIVITY**

**Saidov Shokhrukhon Muzaffarovich,**

Head of the Department of "Legal Sciences" of NUU,

Doctor of Philosophy in Legal Sciences (PhD)

**Abstract.** This article analyzes the scientific and practical aspects of assessing the participation of the prosecutor's office in law-making activities. The issues of qualitative improvement of normative legal acts currently adopted in the Republic of Uzbekistan and the effective organization of the participation of the prosecutor's office in this regard are highlighted. Criteria for evaluating the participation of employees in the law-making process in the prosecutor's office have been developed. Practical proposals were put forward to further improve the participation of the prosecutor's office in law-making activities.

**Keywords:** prosecutor's office, law-making, normative legal acts, evaluation criteria, examination of normative acts.

## **ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ИЖОДКОРЛИГИ ҒАОЛИЯТИДАГИ ИШТИРОКИНИ БАҲОЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Саидов Шохрухон Музаффарович**

ЎЗМУ "Ҳуқуқий фанлар" кафедраси мудири,

юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Аннотация.** Ушбу мақолада прокуратура органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги ғаолиятидаги иштирокини баҳолашнинг илмий-амалий жиҳатлари таҳлил қилинган. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифат жиҳатдан яхшиланиши ва бу борада прокуратура органларининг иштирокини самарали ташкил этиш масалалари ёритилган. Прокуратура органларида ғаолият олиб бораётган ходимларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнидаги иштирокини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган. Прокуратура органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги ғаолиятидаги иштирокини янада яхшилаш бўйича амалий таклифлар илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** прокуратура органлари, ҳуқуқ ижодкорлиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, баҳолаш мезонлари, норматив ҳужжатлар экспертизаси.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V5I1Y2025N44>

**Кириш.** Прокуратура органлари ўз ваколатлари доирасида давлат ҳокимияти органларининг барча даражадаги вакиллик ва ижроия тузилмаларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этади. Шу билан бирга прокуратура органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги ғаолиятидаги иштирок этиш функцияси унинг бошқа ғаолият йўналишлари сингари доимий баҳолаб борилиши лозим. Бу ушбу ғаолиятни самарали ташкил этишда тўсқинлик қилаётган салбий омилларни барвақт аниқлаш ва бартараф этиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йил 7 январда прокуратура органлари ходимлари билан учрашувда қонунчилик базасини ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва қонунларни сўзсиз ижро этиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, демократик ҳуқуқий давлатни ривожлантириш, хусусий мулк ва тадбиркорлик тараққиётини қўллаб-қувватлаш ҳамда унинг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашда прокуратура органларининг роли катта эканини таъкидлаб ўтди. Шу билан бирга, Давлат Раҳбарининг маърузасида 2017 йилдан бошлаб барча даражадаги ҳокимлар, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларининг аҳоли олдида ҳисобот бериш тизими жорий этилиши ва вилоятларда прокурорларнинг ишига қараб ойлик рейтинги тузиб борилиши ҳамда уларнинг фаолиятига рейтинг натижалари асосида баҳо берилиши таъкидлаб ўтилган [1].

Прокуратура органлари фаолияти ҳам тўлиқ Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилишини инобатга олсак, Ўзбекистон Республикасининг солиқ тўловчилари, авваламбор, аҳолимизнинг ушбу тизимдан кутаётган умидлари ўзини қанчалик оқлаётганлиги, шу жумладан, тизим етарлича самарали ишлаётганлиги тўғрисидаги масала долзарб ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, муайян методикаларга асосланган ҳолда прокуратура органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаб боришни тақозо этади.

Шу билан бирга прокурорлар фаолиятини баҳолаш ўта мураккаб ҳисобланади. Бу борада “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 45-моддасида прокурорлар фаолиятини баҳолаш масалалари белгиланган. Унга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, шунингдек вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар прокурорларининг ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорларнинг фаолияти тегишли юқори турувчи прокурорлар томонидан уларнинг ваколат муддати давомида камида икки марта комплекс ўрганиб чиқилади. Прокурорлар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонлари қонунийликнинг ҳолати ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг таъминланиши ҳисобланади. Ўз фаолияти даврида тегишли ҳудудда қонунлар ижроси устидан лозим даражада назорат ўрнатилишини таъминлаб бера олмаган шахслар прокурор лавозимига такроран кўрсатилишига йўл қўйилмайди [2].

**Муҳокама ва натижалар.** Прокуратура ходимлари фаолиятини баҳолаш бошқарувнинг муҳим омили саналади. Прокуратура органларининг ҳуқуқ ижодкорлигида иштирок этиши унинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади, чунки прокуратура томонидан олиб бориладиган фаолиятнинг ҳар бир йўналиши, шу жумладан ҳуқуқ ижодкорлигида иштирок этиш прокуратура олдида турган умумий муаммоларни ҳал қилишга хизмат қиладиган ягона механизмнинг элементи ҳисобланади – бу иш ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунийлигини назорат қилувчи бўлинмалардаги иш ҳажмини сезиларли даражада камайтиради.

Таъкидлаш лозимки, прокуратура органлари фаолиятини баҳолаш бўйича илмий изланишлар деярли олиб борилмаган. Ваҳоланки, ҳозирги ижтимоий-сиёсий вазиятда ҳар бир давлат хизматчиси фаолиятига шахсий баҳо бериш ҳамда юқори натижа ва самарадорлик кўрсаткичларига эга бўлган давлат хизматчиларини рағбатлантириш тобора долзарб аҳамият касб этиб бормоқда.

Прокуратура фаолиятини аниқ ва холис баҳолаш прокуратура органларида бошқарувнинг таъсирчан воситаси ҳисобланади. Шу билан бирга прокуратура органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш методикаси энг мураккаб масалалардан бири ҳисобланади.

Прокуратура органларининг фаолияти самарадорлигини аниқлаш ва баҳолаш учун ягона илмий асосланган мезонлар, кўрсаткичлар ва методикани қўллаш зарур.

Самарадорлик кўрсаткичлари прокуратура органларининг у ёки бу даврдаги фаолияти самарадорлигини баҳолаш, муайян давр оралиғида унинг самарадорлигини ўлчаш ва таққослаш имконини беради.

Прокуратура органлари фаолияти самарадорлигини аниқ мезонлар асосида баҳолаш прокуратура органлари ишидаги ижобий тажрибани аниқлаш ва кенг татбиқ этиш; камчиликларни аниқлаш ва таҳлил қилиш, уларнинг сабабларини топиш ҳамда келгусида иш сифатини ошириш мақсадини кўзлайди.

В.М.Прусс таъкидлаганидек, “ҳозирча прокуратура органлари ишини холисона баҳолаш мезонлари мавжуд эмас. Бу борада давлат бошқарувида азалдан статистик кўрсаткичлар асосида баҳолаш амал қилиб келган. Бироқ, прокуратура органлари фаолиятини фақат рақамлар билан баҳолаб бўлмайди” [3, 194-б].

Шу билан бирга, адабиётларда прокурорлар фаолиятини баҳолаш мезонлари турлича талқин этилишини қайд этиш зарур. Хусусан, В.Г.Мелкумов прокурор фаолияти самарадорлигини учта мезон билан баҳолашни таклиф қилади: қонунлар бузилиши ҳолатлари, ҳуқуқбузарлар ҳамда қонун бузилишига шарт-шароит яратувчи ҳолатларнинг тўлиқ аниқланиши; қонун бузилиши ва унга шарт-шароит яратувчи ҳолатларни бартараф этиш ҳамда ҳуқуқбузарларни жавобгарликка тортиш бўйича прокурор томонидан кўрилган чораларнинг мутаносиблиги; қонун бузилишини бартараф этиш ва ҳуқуқбузарларни жавобгарликка тортиш бўйича прокурор ҳаракатларининг фаоллиги, қатъийлиги [4, 146-б].

Таъкидлаш лозимки, ушбу кўрсаткичлар прокурорнинг прокурор назоратини амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятини баҳолаш учун асос сифатида қабул қилиниши мумкин, бироқ, прокурорнинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятидаги иштирокини баҳолашда қўллаб бўлмайди. Шу билан бирга баҳолашда муаллиф айтган фаоллик, қатъиятлик каби баҳоловчи тушунчалардан фойдаланишда эҳтиёт бўлиши керак. Чунки бундай кўрсаткичлар асосида бир хилда баҳолашнинг имконияти йўқ.

Шу билан бирга, прокурор назоратини баҳолаш кўрсаткичлари унинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиши билан боғлиқ фаолиятини баҳолашга тўғри келмайди. Чунки, прокурорнинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиши ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, мазкур фаолиятни баҳолашда уларни инobatга олиш зарур.

Шу муносабат билан, прокуратура органлари фаолияти, шу жумладан, ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятидаги иштироки самарадорлигини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Адабиётларда таъкидланганидек, прокуратура органлари фаолиятини фақатгина статистик кўрсаткичларга асосланиб баҳолаш расмий ёндашувдан иборат бўлиб қолади. Шу билан бирга масалан, ишлаб чиқилган лойиҳалар сони мисолида олиб кўрадиган бўлсак, бир нечта кичик, янги қабул қилинган ҳужжатлардан келиб чиқиб, амалдаги қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимча киритиш бўйича лойиҳа ишлаб чиқиш билан битта яхлит қонун ишлаб чиқишнинг аҳамияти турлича бўлади. Мазкур ҳолатда ҳам

гувоҳи бўлишимиз мумкинки, сонга қараб баҳо берадиган бўлсак, адолатсиз бўлади, чунки қилинган меҳнат ҳажми ҳамда эришилган натижалар бир-биридан кескин фарқ қилади.

Бошқача айтганда, статистик ҳисоботлар, қанчалик такомиллашиб, мураккаблашиб бормасин, прокурорларнинг ҳуқуқ ижодкорлигидаги иштироки фаолияти қай даражада зарур, ўз вақтида, тўғри ва мақсадга мувофиқ амалга оширилганлигини баҳолаш имконини бермайди. Турли хил ҳисоботлардаги кўрсаткичлар кўп ҳолларда амалга оширилган ишнинг натижалари ёки мазмундан эмас, балки унинг ҳажмидан далолат беради.

Бу ҳисоботлардаги кўрсаткичлардан бутунлай воз кечиш заруратини англатмайди, балки баҳолаш мақсадлари учун улардан фойдаланиш зарур бўлади, бунда баҳолаш фақатгина рақамларга асосланиши тўғри бўлмайди, холос.

Масалан, прокурорнинг қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифларни Бош прокуратурага киритиши бўйича фаолиятини баҳолашда ушбу фаолиятнинг миқдор ва сифат жиҳатларини тавсифловчи кўрсаткичлар тўғрисидаги маълумотлар қамраб олинади. Шу билан бирга прокурорнинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида иштирокининг сифати у томонидан тайёрланган таклифларнинг мазмуни, ҳар томонлама пухта ишлангани билан боғлиқ. Шунга кўра, прокурорларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятидаги иштирокини статистик ҳисоботлар билан бир қаторда унинг мазмунини баҳолаш билан биргаликда амалга оширилиши лозим.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, прокурорлар фаолиятини баҳолашга оид “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 45-моддасини таҳлил қилганда, унда прокурорлар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезони сифатида – қонунийлик ҳолати ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг таъминланиши белгиланган. Бироқ, амалиётда прокурорлар фаолияти баҳоланганда унинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятидаги иштироки деярли инобатга олинмайди.

Таъкидлаш лозимки, прокурорларнинг фаолиятини баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш мураккаб бўлиб, ҳар қандай ижодий меҳнат сингари уларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятидаги иштирокини аниқ бирликлар билан ўлчаб бўлмайди [6, 54-55-б]. Шундай бўлсада, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 45-моддасида прокурорлар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезони – қонунийлик ҳолати, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг таъминланганлиги назарда тутилган [5].

Фикримизча, прокуратура органлари фаолияти самарадорлигини натижага эришиш (фаолият натижадорлиги) ва эришилган натижанинг иш ҳажми, сарфланган ресурслар, ижрочилар сони ва бошқа кўрсаткичларга нисбати (фаолият натижадорлигининг нисбий кўрсаткичи) сифатида баҳолаш мумкин.

Прокурорларнинг ҳуқуқ ижодкорлигидаги иштирокини баҳолаш уларнинг бу борадаги фаолиятини тўғри режалаштиришни тақозо этади. Зеро, режалаштиришсиз ҳар қандай фаолиятни баҳолашнинг имконияти йўқ. Режалаштириш мақсадни белгилаш ва аниқ натижаларга эришишга йўналтирилган [7, 11-12-б].

Прокурорларнинг ҳуқуқ ижодкорлигидаги иштирокини баҳолашда улар томонидан қонунчиликни такомиллаштириш ва ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини

шакллантириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар илмий асосланганлиги, бунда ҳуқуқни қўллаш амалиёти батафсил ўрганилганлиги, бўшлиқлар ва зиддиятлар, қонун ҳужжатларининг самарадорлигига таъсир кўрсатувчи сабаблар ва шароитлар аниқланганлиги, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг таклифлари, ОАВ материаллари, илмий ва бошқа ташкилотларнинг, олимлар ва мутахассисларнинг маслаҳатлари ва тавсиялари ўрганилган, жамоатчилик фикрини аниқлашнинг бошқа воситалари маълумотларидан фойдаланилганлиги, хорижий мамлакатлар амалиётининг қиёсий таҳлили мавжудлиги, таклиф этилаётган ҳуқуқ нормаларининг амалиётда ишлаши самарадорлиги чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилинганлиги муҳим аҳамият касб этади. Фикримизча, айнан ушбу кўрсаткичлар прокурорларнинг ҳуқуқ ижодкорлигидаги иштирокини баҳолаш кўрсаткичлари сифатида қабул қилиниши лозим.

Маълумки, мезонлар – бу баҳолаш ўлчови, фаолияти баҳоланаётган шахс ҳаракат қилиши лозим бўлган ўзига хос даража, кўрсаткич эса, ҳаракатланиш натижаси ёки жараёни ҳақида ахборот берувчи миқдор ифодаси [8].

Ҳуқуқни қўллаш амалиётида кўпинча прокурорларнинг фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш “режа – қўлга киритилган натижа” принципи асосида амалга оширилади [9, 54-6]. Бироқ, ҳозирги ижтимоий-иқтисодий ва социал ислоҳотлар шиддат билан ривожланаётган шароитда ҳуқуқ ижодкорлигини прогноз қилиш жуда ҳам мураккаб. Албатта, йил давомида амалга оширилган прокурор назорати, юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш натижаларидан келиб чиқиб, келгуси йилда ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини режалаштириш мумкин. Бунда ҳуқуқни қўллаш амалиётида аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида тегишли лойиҳаларни ишлаб чиқиш режага киритилади. Лекин, кўп ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг кўплаб ҳужжатларида Бош прокуратурага асосий ижрочи сифатида у ёки бу ҳужжатни ишлаб чиқиш бўйича топшириқ берилади.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 6 июлдаги ПФ-6257-сон Фармони 6-бандида Бош прокуратура бошқа идоралар билан биргаликда Жиноят кодексига коррупцияга оид жиноятлар тоифасига кирувчи моддаларнинг аниқ рўйхатини белгилаш, коррупцияга оид жиноятлар учун белгиланган жазо чораларини узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазо чорасигача кескин кучайтириш, даромадлар ва мол-мулкни декларациялаш жараёнида аниқланган ноқонуний бойлик орттирганлик учун жавобгарлик ўрнатиш, коррупцияга оид жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан жиноий жазони ўташда енгиллаштирувчи нормалар қўлланилишига чекловлар белгилаш бўйича қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритиш топширилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” 2021 йил 28 июндаги ПФ-6252-сон Фармонининг 12-бандида Бош прокуратурага

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2022 йил 1 мартга қадар янги таҳрирдаги “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритиш топширилган.

Ёки бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 июндаги “Қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–5163-сон қарорининг 6-бандида Бош прокуратурага 2021 йил 1 декабрга қадар Жиноят кодексида қийноққа солиш учун жавобгарлик белгиловчи нормаларни БМТнинг “Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашга қарши Конвенцияси” (Нью-Йорк, 1984 йил 10 декабрь) талабларига мувофиқлаштириш мақсадида қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчаларни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш топширилган.

Гувоҳи бўлганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатларида Бош прокуратурага жиноятчиликка қарши курашишнинг у ёки бу соҳалари бўйича қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш юзасидан кўплаб топшириқлар берилади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–6166-сон Фармонида Президент ҳужжатларида ўтган топшириқлар бўйича амалга ошириш графиклари (назорат режалари) ишлаб чиқилиши назарда тутилган. Шу муносабат билан, **Бош прокуратурада ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатларида ўтган топшириқларнинг ижросини ташкиллаштириш бўйича Бош прокурор томонидан тасдиқланадиган график (назорат режаларини) ишлаб чиқиш ва уларнинг ижросини Ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси томонидан назорат қилиш** амалиётини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сон Фармонида қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижро ҳолатини раҳбарнинг биринчи ўринбосари ҳузурида ҳар ҳафта жума куни, раҳбар ҳузурида ҳафтанинг душанба куни муҳокама қилиб бориш тартиби жорий этилган. Шунини инобатга олган ҳолда Бош прокуратурада ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатларида, давлатимиз раҳбари ҳузурларида ва ҳудудларга ташрифлари давомида ўтказилган йиғилишлар баёнида бевосита **Бош прокуратурага берилган топшириқлар ижроси ҳолатини ҳафтада икки мартаба Бош прокурор ва унинг биринчи ўринбосари ҳузурида муҳокама қилиб бориш амалиётини жорий этиш мақсадга мувофиқ.**

Прокурорларнинг ҳуқуқ ижодкорлигида иштирок этиш бўйича фаолияти самарадорлигини баҳолашда унинг касбий маҳорати, профессионал даражаси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки, прокурор назоратини амалга ошириш чоғида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатларида берилган топшириқни бажариш нуқтаи назаридан норматив-ҳуқуқий

хужжат лойиҳасининг пухта ва сифатли ишланиши муҳим аҳамиятга эга, таъбир жоиз бўлса, ушбу фаолиятнинг мазмуни айнан тайёрланган хужжат сифатига асосан баҳоланади [10].

Одилона ва ҳаққоний баҳолаш учун бир хил ёндашувни қўллаш имконини берувчи аниқ кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш зарур. Зеро, айнан кўрсаткичлар ёрдамида прокурор назорати самарадорлигини ўлчанади. Адабиётларда прокурорлар фаолиятини баҳолашда қўлланиладиган кўрсаткичларни миқдор, сифат ва натижага қаратилган кўрсаткичларга ажратиш кенг қўлланилади [11].

**Хулоса.** Юқоридагилар асосида прокурорларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида иштирокини қуйидаги кўрсаткичлар асосида баҳолаш мумкин: статистик ҳисобот, яъни ҳисобот даврида ишлаб чиқилган қонун, қонун ости ва идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари (ҳуқуқ ижодкорлиги ташаббуслари) миқдори; норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси қабул қилиниши билан ҳуқуқни қўллаш амалиётида рўй бериши кутилаётган ижобий натижалар, шу жумладан, қонунийликни таъминлашга қўшадиган ҳиссаси таҳлили; норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг прокурор назорати натижалари ёхуд юридик ва жисмоний шахслар мурожаатларида кўтарилаётган муаммоларнинг ечимига хизмат қилиши; норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини келишиш жараёнида билдирилган эътирозлар; норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси бўйича таҳлилий материалларнинг тайёрланганлиги, шу жумладан, хорижий тажрибани ўрганиш натижалари бўйича қиёсий таққослаш жадвалининг ишлаб чиқилганлиги ва б.қ.

Фикримизча, прокурорларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятидаги иштироки самарадорлигини баҳолаш электрон тизим орқали амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Бунинг учун алоҳида электрон платформанинг КРІ дастурий таъминотида ҳуқуқ ижодкорлиги соҳасида амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотлар киритиб борилади ҳамда амалга оширилган ишлар таҳлил қилинган ҳолда тегишли баллар қўйилади. Бунда КРІ дастурига маълумотларнинг тўғри киритилиши ва асослантирилувчи ҳужжатларнинг илова қилинган ҳолда юкланишига тегишли прокуратура органи ходимлари масъул бўлиб ҳисобланади.

Бунда баҳолаш ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятидаги иштирок этишнинг асосий йўналишлари бўйича қуйидаги жадвал асосида 100 баллик тизим асосида баҳоланиши мақсадга мувофиқ:



Фаолият йўналиши	Баҳолаш мезонлари	Балл
Норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш	Хуқуқ ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш бўйича режанинг бажарилганлиги	20
	Ишлаб чиқилган қонун лойиҳалари сони (ҳар бир ишлаб чиқилган лойиҳа учун алоҳида балл ҳисобланади)	20
	Ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжати лойиҳасининг сони (ҳар бир ишлаб чиқилган лойиҳа учун алоҳида балл ҳисобланади)	20
	Ишлаб чиқилган Ҳукумат ҳужжати лойиҳаси сони (ҳар бир ишлаб чиқилган лойиҳа учун алоҳида балл ҳисобланади)	15
	Ишлаб чиқилган идоравий норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳасининг сони (ҳар бир ишлаб чиқилган лойиҳа учун алоҳида балл ҳисобланади)	10
	Қонунчиликни такомиллаштириш ва ягона хуқуқни қўллаш амалиётини шакллантириш бўйича ишлаб чиқилган хулоса ва тавсиялар сони	10
	Норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳ аъзоси сифатида иштироки	5
Тайёрланган лойиҳанинг сифати	Лойиҳанинг топшириқда белгиланган муддатда тайёрланганлиги	5
	Лойиҳанинг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ расмийлаштирилганлиги	5
	Лойиҳа бўйича зарур таҳлилий материалларнинг тайёрланганлиги ва илова қилинганлиги	5
	Лойиҳанинг пухта ва сифатли тайёрланганлиги (келишиш жараёнидаги эътирозлар сони билан белгиланади)	5
	Лойиҳа бўйича хорижий давлатлар тажрибасининг батафсил таҳлили амалга оширилганлиги	5
Ҳужжат лойиҳасини экспертизадан ўтказиш	Хуқуқий экспертизадан ўтказилган норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳалари сони	3
	Коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилган норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳалари сони	3

Мухтасар айтганда, прокурорларнинг хуқуқ ижодкорлиги фаолиятидаги иштирокини баҳолаш қонунийлик, адолатлилик, беғаразлик, холислик, шаффофлик, ҳар тарафлама ва ишончлилик принципларига асосланган ҳолда фаолият натижаларига доир ҳисоботлар, меҳнат ва ижро интизомини ўрганиб бориш натижалари ҳамда хуқуқ ижодкорлиги фаолиятидаги иштироки тўғрисидаги бошқа маълумотлар асосида ҳар йили якунлари бўйича амалга оширилиши лозим.

#### Адабиётлар/Литература/References:

1. Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 январдаги прокуратура органлари ходимлари кун муносабати билан бир гуруҳ соҳа ходимлари билан

- учрашуви // president.uz – Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги 257-II-сонли “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 168-модда.
  3. Прусс В.М. Суб'ективне та об'ективне в оценке роботи прокуратури // Питання конституційно-правового статусу прокуратури та удосконалення її діяльності. Збірник наукових праць. Інститут підвищення кваліфікації Генеральної прокуратури України, 1999. – С. 194.
  4. Мелкумов В.Г. Об оценке эффективности прокурорского надзора // Совершенствование прокурорского надзора. – М., 1993. – С. 146.
  5. Зокиров, Шерзод Янги тахрирдаги конституцияда шахсий ҳуқуқ ва эркинликларнинг такомиллашуви бўйича айрим мулоҳазалар // ORIENSS. 2024. №9. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/yangi-ta-rirdagi-konstitutsiyada-shahsiy-u-u-va-erkinliklarning-takomillashuvi-b-yicha-ayrim-mulo-azalar> (дата обращения: 03.01.2025).
  6. Винокуров А.Ю. Знание нормотворческой тех ники как элемент компетенции прокурорского работника // Вестник Академии Генеральной прокуратуры Российской Федерации. – 2016. – №1(51). – С.54-55.
  7. Мыцыков А. Как оценивать деятельность прокуратуры? // Законность. – Москва, 2007. – №9. – С.11-12.
  8. Омарова Х.М. Оценка эффективности координационной деятельности прокуратуры по борьбе с преступностью // Гуманитарные, социально-экономические и общественные науки. – 2015. – №7.
  9. Прокурорский надзор. Особенная и Специальная части: учебник для академического бакалавриата / под общ. ред. О.С.Капинус. – 3-е изд. – М.: Юрайт, 2017. – С.94.
  10. Зокиров Шерзод Илхом Ўғли Некоторые вопросы совершенствования института коллективных обращений в Республике Узбекистан // Universum: экономика и юриспруденция. 2020. №3 (68). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/nekotorye-voprosy-sovershenstvovaniya-instituta-kollektivnyh-obrascheniy-v-respublike-uzbekistan> (дата обращения: 03.01.2025).
  11. Клочков В.Г. Проблемы измерения и оценки эффективности прокурорского надзора по защите прав и свобод человека // Безопасность бизнеса. – 2008. – №1.

**Received:** 20 December 2024

**Accepted:** 5 January 2025

**Published:** 15 January 2025

*Article / Original Paper*

## **THE PROCEDURE FOR TERMINATING A CRIMINAL CASE WITHOUT RESOLVING THE ISSUE OF GUILT: AN ANALYSIS OF PROBLEMS IN LEGISLATION**

**Maxmudov Sunnat Azim o'gli,**

Lecturer of the Department of Criminal Procedural Law,  
Tashkent State University of Law

**Abstract.** This article examines the concept of terminating criminal cases within the context of ongoing judicial and legal reforms. Drawing on criminal and procedural law, it explores the distinctive features and procedural importance of this legal mechanism. The study synthesizes various scholarly perspectives on case termination to elucidate its scope and application". Through a multifaceted analysis incorporating scientific theory, practical considerations, and legislative frameworks, the article offers insights into the termination process. It scrutinizes the role and implications of case termination within criminal proceedings, highlighting its unique characteristics. Additionally, the research identifies and discusses challenges arising in both criminal procedure legislation and judicial practice. The investigation culminates in a set of evidence-based conclusions, along with targeted proposals and recommendations. These aim to enhance understanding of case termination's place in criminal proceedings, emphasizing its distinctive attributes and significance within the broader landscape of criminal and procedural law. This comprehensive approach provides a nuanced perspective on an important yet complex aspect of the justice system.

**Keywords:** criminal case, termination of a criminal case, a responsibility, rehabilitation, release from liability termination of a criminal case on non-rehabilitating grounds, non-rehabilitating grounds.

## **AYBLILIK TO'G'RISIDAGI MASALANI HAL QILMAY TURIB JINOYAT ISHINI TUGATISH TARTIBI: QONUNCHILIKDAGI MUAMMOLAR TAHLILI**

**Maxmudov Sunnat Azim o'g'li,**

Toshkent davlat yuridik universiteti

Jinoyat-protsessual huquqi kafedrası

katta o'qituvchisi

E-mail: [s.maxmudov@tsul.uz](mailto:s.maxmudov@tsul.uz)

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada sud-huquq islohotlarini amalga oshirish bosqichida jinoyat va jinoyat-protsessual qonunchilik normalari asosida "ayblilik to'g'risidagi masalani hal qilmay turib jinoyat ishini tugatish" tartibi, uning o'ziga xos jihatlari va protsessual ahamiyati bayon etildi. Maqolada olimlar tomonidan "ayblilik to'g'risidagi masalani hal qilmay turib jinoyat ishini tugatish" instituti bo'yicha ilgari surilgan qarashlar orqali ushbu institutning qo'llanish doirasi o'rganildi." "Olimlarning qarashlari va ilgari surgan g'oyalaridan kelib chiqqan holda, "ayblilik to'g'risidagi masalani hal qilmay turib jinoyat ishini tugatish" masalasi ilmiy, nazariy, amaliy va qonunchilik normalari orqali tahlil etildi. Shu bilan birga, maqolada jinoyat ishini tugatishning jinoyat protsessida tugan o'rni va ahamiyati, uning o'ziga xos jihatlari, jinoyat protsessual qonunchilik va sud-tergov amaliyotida yuzaga kelayotgan ayrim muammolar tahlil etildi. Tahlil natijalari yuzasidan, jinoyat protsessida "ayblilik to'g'risidagi masalani hal qilmay turib jinoyat ishini tugatish" tartibi, qonunchilikdagi mavjud muammolar hamda ularni bartaraf etish masalasi yuzasidan tegishli xulosalar, taklif va tavsiyalar ishlab chiqildi.

**Kalit so'zlar:** jinoyat ishi, jinoyat ishini tugatish, javobgarlik, reabilitatsiya, javobgarlikdan ozod qilish, jinoyat ishini reabilitatsiya qilinmaydigan asoslar bo'yicha tugatish, reabilitatsiya qilinmaydigan asoslar.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V5I1Y2025N45>

**Kirish.** Bugungi kunda sud-huquq islohotlarini amalga oshirish jarayonida jinoyat-protsessual qonunchiligini yanada liberallashtirish hamda takomillashtirish ustuvor vazifalardan biri hisoblanadi. Mazkur vazifani hayotga tatbiq etish hamda jinoyat-protsessual qonunchiligini takomillashtirishning yangi ustuvor yo'nalishlarini ishlab chiqish va amalga oshirish maqsadida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 14-maydagi PQ-3723-son qarori bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasining Jinoyat va jinoyat-protsessual qonunchiligini takomillashtirish Konsepsiyasi qabul qilindi. Bu islohotlar nafaqat qonunchilikni modernizatsiya qilishga, balki adolat tizimining barcha ishtirokchilari uchun adolatlilik va shaffof muhitni yaratishga qaratilgan. Jinoyat ishlarini tugatish jarayonini takomillashtirish orqali, sud tizimi yanada samarali va insonparvarlashgan bo'lishi, shu bilan birga jinoyatchilikning oldini olish va jabrlanuvchilarning huquqlarini himoya qilish imkoniyatlari kengayishi kutilmoqda.

Shunga ko'ra, jinoyat protsessida "jinoyat ishini tugatish" institutini tadqiq etish, shu jumladan jinoyat ishini tugatishning alohida asoslari sifatida "ayblilik to'g'risidagi masalani hal qilmay turib jinoyat ishini tugatish" asoslari, tartibi hamda qonunchilikdagi mavjud muammolarni tahlil qilish va ularni hal etish masalasini ilmiy-nazariy jihatdan o'rganish muhim ahamiyatga ega.

**Material va metodlar.** "Reabilitatsiya qilinmaydigan asoslarga ko'ra jinoyat ishini tugatish masalasi qonunchilikda belgilangan bo'lsa-da, ushbu asoslarning qonunchilik hujjatlarida keng ekanligi (Jinoyat-protsessual kodeksining 84-moddasi 13 ta asos mavjud), ularni qo'llashda yagona amaliyotning mavjud emasligi va sud-tergov amaliyotidagi muammolar sababli, mazkur maqolada asosan, qiyosiy-huquqiy tahlil metodidan foydalanildi. Ushbu maqolada "kuzatish, umumlashtirish, "induksiya" va deduksiya metodlari qo'llanildi.

**Tadqiqot natijalari.** Jinoyat ishlarini tugatish asoslari "JPKning 83 va 84-moddalarida" belgilangan bo'lib, mazkur moddalarda ishni tugatishning 16 ta asosi keltirib o'tilgan [1, B.86-96]. Mazkur asoslar turli mezonlar bo'yicha guruhlarga ajratiladi.

Ayrim mualliflar jinoyat ishini tugatish asoslarini huquq tarmog'iga bog'liq holda ikkita guruhga ajratadilar: 1) moddiy-huquqiy asoslar; 2) protsessual-huquqiy asoslar [2, B.142]. Davidov va D. Mirskiylar ham jinoyat ishini tugatish asoslarini moddiy (jinoiy javobgarlik bundan mustasno) va protsessual (protsessual qonun normalariga asosan ishni yuritishga to'sqinlik qiladigan holatlar) asoslarga ko'ra tasniflaganlar [3, B.12].

Yuridik adabiyotlarda bir guruh olimlar jinoyat ishini tugatish asoslarini reabilitatsiya va reabilitatsiya qilinmaydigan (noreabilitatsiya) mezonlarga ko'ra tasniflashni taklif etadi [4, B. 88-90].

"Jinoyat ishi reabilitatsiya asoslariga ko'ra tugatilgan taqdirda surishtiruvchi, tergovchi," "prokuror tomonidan shaxsning jinoyat sodir etishdan oldingi huquqlari, halol nomi, "obro'si sud yoki ma'muriy tartibda tiklanishi uchun zarur" choralar ko'riladi, "jinoyat natijasida unga yetkazilgan zarar to'liq" qoplab beriladi [5, B. 159]. Mazkur mualliflarning fikrlari bilan kelishgan holda aytish mumkinki, jinoyat ishini "reabilitatsiya asoslariga" ko'ra tugatish vakolatiga surishtiruvchi, tergovchi, prokurordan tashqari, sud ham ega. Jinoyat ishini "reabilitatsiya asoslariga" ko'ra tugatish jinoyat ishiga jalb etilgan shaxsning tergov yoki sud harakatlari natijasida uning jinoyat sodir etmaganligi va sodir etilgan jinoyatga hech qanday aloqasi yo'q ekanligini rasman tan olishni nazarda tutadi.

Reabilitatsiya qilmaydigan (noreabilitatsiya) asoslar jinoyat ishini tugatishga imkon beradigan faktlar bo'lib, ular shaxsni reabilitatsiya qilish, shaxsga yetkazilgan zararni undirishni istisno qiladi [6, B. 21].

Ushbu muallifning fikri bilan kelishish mumkin. Chunki jinoyat ishini reabilitatsiya qilinmaydigan (noreabilitatsiya) asoslar bo'yicha tugatishda jinoyat qonunida nazarda tutilgan ijtimoiy xavfli qilmish sodir etilgan bo'ladi, biroq yuzaga kelgan obyektiv sabablarga ko'ra ish yuritishni boshlash va davom ettirish imkoniyati mavjud bo'lmaydi.

Ayrim mualliflar esa, jinoyat ishini tugatishning reabilitatsiya qilinmaydigan asoslarini ham alohida turlarga bo'lishni taklif etadi [7, B. 64-69].

**Tadqiqot natijalari tahlili.** Jinoyat protsessida reabilitatsiya qilish asoslarining 3 ta, "reabilitatsiya qilmaydigan" (noreabilitatsiya) asoslarning 13 ta asosi belgilab quyilgan. Bizning fikrimizcha, "jinoyat ishini tugatish asoslarini reabilitatsiya va" reabilitatsiya qilinmaydigan mezonlar bo'yicha tasniflash "jinoyat ishini tugatishning huquqiy" oqibatlariga bog'liq. Qonunchilikda belgilangan 16 ta asosdan 13 tasi bo'yicha jinoyat ishi Jinoyat-protsessual kodeksining 84-moddasidagi asoslar bo'yicha ayblilik to'g'risidagi masalani hal qilmay turib tugatiladi.

Reabilitatsiya qilinmaydigan asoslarga ko'ra jinoyat ishini tugatishning protsessual tartibi to'g'risida to'xtalib o'tish maqsadga muvofiq hisoblanadi. Dastlab, jinoyat ishini tugatish tartibini jinoyat-protsessual qonunchilik hujjatlari doirasida tahlil qilib, shundan so'ng huquqshunos olimlar hamda xorijiy davlatlarning qonunchilik tajribasiga to'xtalib o'tsak, mazkur tadqiqotimizni sifatli amalga oshirilgan deb hisoblaymiz.

"Ayblilik to'g'risidagi masalani hal qilmay turib jinoyat ishini tugatishning" ayni vaqtga qadar o'rganilmagan uning o'ziga xos xususiyatlarini tadqiq etishimiz, shuningdek mazkur institutni rivojlantirishning mutlaqo zamonaviy huquqiy asoslarini ishlab chiqish shiddat bilan rivojlanib borayotgan global davr taqozo etmoqda. Bugungi kunda mazkur institutning rivojlanishiga to'siq bo'layotgan ayrim jihatlarni sanab o'tish maqsadga muvofiq:

1) jinoyat-protsessual qonunchiligida belgilangan jinoyat ishini tugatishga oid ayrim normalarni huquqni qo'llash amaliyotidan kelib chiqib, qayta tahlil qilish amaliyoti shakllanmagan;

2) mazkur institut bo'yicha muammoli jihatlar ayni vaqtga qadar sezilarli ravishda o'rganib chiqilmagan;

3) jinoyat ishini tugatishning ayrim muammoli turlarini o'rganish [8, B.80].

Huquqshunos olim O.V. Michurin hamda S.Peretokinlarning fikrlariga ko'ra [9, B.26], mazkur holatda quyidagilarga qat'iy e'tibor qaratish lozimligi belgilab berilgan:

– jinoyat qurollari masalasini hal qilish, ya'ni ular musodara qilinishi kerakmi (bunda, ular tegishli muassasalarga topshiriladi yoki yo'q qilib yuborilishi);

– agarda tegishli mol-mulk jinoyat sodir etgan shaxsga tegishli bo'lmasa, uni qonuniy egalari, mulkdorlarga (yoxud qonuniy egalari, huquqiy vorislariga) qaytarib berish masalasi. Yana bir holat, mol-mulkni egasi aniqlanmadi, shunda ushbu mol-mulkni davlat daromadiga o'tkazish masalasi ko'rib chiqilishi;

– agarda mol-mulk muomaladan muomaladan chiqarilgan taqdirda ularni tegishli muassasalarga berilishi masalasi;

– agarda mol-mulk hech qanday qimmatga ega bo'lmasa, mazkur holatda ushbu ashyolarni yo'q qilib yuborish masalasi;

– g'ayrihuquqiy qilmish sodir etilishi oqibatida qonuniy egasidan mahrum bo'lgan pullar (boshqa boyliklar) qonuniy egalari (mulkdorlariga, huquqiy vorislariga, merosxo'rlariga) qaytarib berish masalasi;

– jinoiy natijasida egallangan pullar (boshqa boyliklar) sudning hukmiga asosan jinoyat natijasida yetkazilgan mulkiy zararni qoplashga o'tkazish masalasi;

– ashyoviy dalilga oid hujjatlar ularni saqlash zarurati tugagunga qadar ishda asrab turish masalasi;

5) protsessual qonunchilikka ko'ra, dastlabki tergov tamomlanish muddati jinoyat ishi qo'zg'atilgan paytdan boshlab uch oydan oshmasligi zarur. Bunda, ushbu muddat tamomlanish muddati hisoblanadi.

Ta'kidlash lozimki, jinoyat ishini tugatish haqida qaror chiqarilgan kuni tergov tamomlangan kun hisoblanadi.

6) jinoyat ishini tugatish to'g'risida sudga iltimosnoma kiritish haqida prokurorga taqdimnoma kiritish tergovchilar guruhi rahbarining vakolati hisoblanishi;

7) jinoyat ishini tugatish to'g'risida qaror chiqarish dastlabki tergovni tamomlanishi hisoblanishi;

8) jinoyat ishini tugatish Jinoyat-protsessual kodeksining 83- va 84-moddalarida nazarda tutilgan asoslar bilan amalga oshirilishi;

9) jinoyat ishini tugatish to'g'risidagi qaror to'g'risida to'xtalib o'tish ham maqsadga muvofiq hisoblanadi. Xususan qarorning tavsif qismida:

– jinoyat ishini ochishning (qo'zg'atishning) asoslari, negizlari hamda tergov vaqtida tekshirib chiqilgan holatlar (tasmollar);

– shaxsning ishga jalb etish to'g'risidagi ma'lumotlar, unga qo'llanilayotgan ehtiyot choralari;

– jinoyat ishini tugatish asoslari;

– ishni tugatishni tasdiqlovchi dalillar, ishning qaysi jildlari va sahifalarida aks ettirilganligi;

– ashyoviy dalillarning ro'yxati (ashyolar saqlanayotgan joy va ularning egalari);

– fuqaroviy da'voni ta'minlash choralari bayon qilinadi.

Xulosa qismida:

– jinoyat ishini tugatish to'g'risidagi;

– gumonni yoki ayblovni olib tashlash to'g'risidagi;

– ehtiyot choralari, ayblanuvchini lavozimidan chetlashtirish, shaxsni tibbiy muassasaga joylashtirish tarzidagi protsessual majburlov choralari, shuningdek fuqaroviy da'voni ta'minlash choralari bekor qilish to'g'risidagi;

– ashyoviy dalillar to'g'risidagi qarorlar bayon qilinadi.

10) jinoyat-protsessual qonunchilikka asosan JPKning 83-moddasida, 84-moddasining birinchi qismida nazarda tutilgan asoslar bor bo'lgan taqdirda sud jinoyat ishini tugatadi.

Qayd etish lozimki, sud ajrimida jinoyat ishini tugatish asoslari ko'rsatilishi zarur. Yuqoridagilarni inobatga olib, rehabilitatsiya qilinmaydigan asoslar bo'yicha jinoyat ishini tugatishning protsessual tartibiga to'xtam qiladigan bo'lsak, bunda mazkur masalani qonunchilikdagi muammo va kamchiliklar bilan xulosa qilishimiz maqsadga muvofiq hisoblanadi.

Xususan, yuqoridagi jinoyat ishini tugatishning protsessual tartibi jinoyat-protsessual qonunchilik hujjatlariga asoslanib, xususan, xorijiy va mahalliy huquqshunos olimlarning fikr va mulohazalaridan kelib chiqib, atroflicha muhokama qilindi.

Shu bilan birga, jinoyat ishini tugatishning protsessual tartibi bo'yicha ma'lum bir kamchilik, boshqacha aytganda muammoli holatlar haqida ham to'xtalib o'tmoqchimiz. Shu jumladan, qonunchilikda jinoyat ishini tugatish tushunchasi belgilanmagan. Ta'kidlash lozimki, ma'lum bir protsessual tartib yoki qoidani atroflicha huquqiy tartibga solishdan avval ushbu tushunchaning aniq bir ta'rifi berilmasligi ushbu protsessual tartib yoki qoida amaliyotda ishlamasligiga sabab bo'lishi mumkin. Shu bois, qonunchilikda jinoyat ishini tugatish tushunchasi qat'iy belgilanishi maqsadga muvofiq hisoblanadi.

Shu bilan birga, jinoyat ishini tugatish bo'yicha amaliyotda yuzaga kelayotgan bir qancha muammoli holatlarni ko'rsatib o'tish zarur hisoblanadi. Xususan, Jinoyat kodeksining 13-moddasiga ko'ra, qilmishning jinoyatligini bekor qiladigan qonun qabul qilingan bo'lsa, amaldagi qonunchilikda jinoyat ishini tugatish masalasi ochiq qolgan.

Shuningdek, huquqni qo'llash amaliyotida qilmishning jinoyatligini istisno qiladigan holatlar jinoyat deb topilmaydi hamda mazkur holatlarda jinoyat ishini ko'rib chiqayotgan surishtiruvchi va tergovchida ishni tugatish zaruriyati yuzaga keladi. Biroq, jinoyat-protsessual qonunchilikda, xususan Jinoyat-protsessual kodeksining 84-moddasida qilmishning jinoyatligini istisno qiladigan holatlar aniqlangan taqdirda jinoyat ishi tugatilishi nazarda tutilmagan.

Bundan tashqari, jinoyat ishi bo'yicha huquqni qo'llash amaliyotida jabrlanuvchi dastlab ariza bilan murojaat qilib, keyinchalik tergovga qadar tekshiruvni tugatishni so'rab qayta ariza bilan murojaat qilish holatlari ham ko'plab uchramoqda.

Mazkur holatda ishni ko'rib chiqayotgan surishtiruvchi yoki tergovchida aynan qaysi asosga ko'ra jinoyat ishini tugatishda muammoli holatlar vujudga kelmoqda. Biroq, amaldagi qonunchilikda jabrlanuvchi dastlab ariza bilan murojaat qilib, keyinchalik tergovga qadar tekshiruvni tugatishni so'rab qayta ariza bilan murojaat qilgan holatlar bo'yicha jinoyat ishini tugatish asosi o'z aksini topmagan.

JPKning 84-moddasida jinoyat ishini ayblilik masalasini hal qilmasdan tugatishning 13 ta asosi keltirilgan. Ammo, Jinoyat-protsessual kodeksida "jinoyat ishini tugatish" tushunchasining aniq ta'rifi berilmagan. Shunga qaramay, bir qator olimlar bu tushunchaning mohiyatini nazariy jihatdan yoritishga urinishgan.

Masalan, O.V. Michurin va S.N. Peretokin jinoyat ishini tugatishni tergovning yakunlovchi bosqichi sifatida talqin qilishadi [10, B.26]. Ularning fikriga ko'ra, bu bosqichda:

- ish bo'yicha yakuniy xulosalar shakllantiriladi;
- tergovchining shaxsiy qanoati yakuniy ko'rinishga keladi;
- ishning barcha jihatlari protsessual hujjatlarda aks ettiriladi;
- to'plangan dalillarning yetarliligi va ularning o'zaro mosligi tekshiriladi.

Bu yondashuv jinoyat ishini tugatishni oddiy rasmiyatchilikdan ko'ra, murakkab va mas'uliyatli jarayon sifatida ko'rishga undaydi. Bunda nafaqat huquqiy, balki axloqiy va ijtimoiy omillar ham hisobga olinishi zarurligiga urg'u beriladi. Boshqa tomondan, bu ta'rif jinoyat ishini tugatishning barcha jihatlari to'liq qamrab olmaydi. Masalan, jabrlanuvchi va ayblanuvchining huquqlari, ishni tugatishning jamiyatga ta'siri kabi muhim masalalar e'tibordan chetda qolgan. Shu sababli, bu tushunchaning yanada kengroq va zamonaviyroq talqinini ishlab chiqish zarurati mavjud.

Rus olimi S.A. Filimonovning fikriga ko'ra esa, jinoiy ishlarni tugatish va reabilitatsiya qilinmagan asoslar bo'yicha jinoiy ta'qib qilish – bu surishtiruvchi, tergovchi yoki sudning (sudyaning) jinoyat ishi yuzasidan qabul qilingan, ish bo'yicha ish yuritishni tugatish to'g'risidagi yoki shaxsning jinoyat sodir etilishiga aloqadorligi to'g'risidagi protsessual qaroridir [11, B.38].

Mazkur muallifning fikrlari bilan kelishish mumkin. Chunki ushbu ishlarda jinoyat ishi u yoki bu asoslar (sabablar)ga ko'ra yuqoridagi moddada ko'rsatilgan asoslar mavjud bo'lganda tugatiladi.

Ayrim mualliflarning nuqtayi nazariga ko'ra, ayblilik to'g'risidagi masalani hal qilmay turib jinoyat ishini tugatish (jinoyat ishini reabilitatsiya qilinmaydigan asoslar bilan tugatish) instituti ham nazariy, ham amaliy jihatdan muhim ahamiyatga ega [12, B.28] bo'lishi bilan bir qatorda, ushbu institutni Konstitutsiya va Jinoyat-protsessual kodeksining ayrim prinsiplari va qoidalari talablariga zid ekanligini [13, B.68] ham qayd etishgan.

Ayblilik to'g'risidagi masalani hal qilmay turib jinoyat ishini tugatish institutining jinoyat-protsessidagi ahamiyati bilan bir qatorda, sud-tergov amaliyotida uni qo'llash bilan bog'liq ayrim muammolar ham mavjud. Quyida ushbu institut bilan bog'liq muammolarni tahlil etamiz.

**Birinchi**dan, O'zbekiston Respublikasi JPK 84-moddasi birinchi qismining 1-3, 8-bandlaridagi asoslar bo'yicha jinoyat ishi tugatilganda, jabrlanuvchi yoki fuqaroviy da'vogarning mulkiy huquqlari buzilishi kuzatilmoqda. Masalan, shaxsni javobgarlikka tortish muddati o'tgan holda, agar ayblanuvchi, sudlanuvchi yoki ularning yaqin qarindoshlari ariza bermasalar, tergov yoki sud shaxsning ayblilik masalasini hal qilmasdan jinoyat ishini tugatish haqida qaror chiqaradi. Bu esa fuqaroviy da'vogar yoki jabrlanuvchining mulkiy huquqlarini buzadi.

Jinoyat ishini tugatish qarorida jabrlanuvchi va fuqaroviy da'vogarga fuqarolik sudiga murojaat qilish huquqi tushuntirilsa-da, bu amalda muammolar keltirib chiqarmoqda. JPK 84-moddasi birinchi qismining 1-8-bandlari, beshinchi qismining 1,3-bandlariga muvofiq ish tugatilganda, fuqaroviy da'vo ko'rilmay qoldiriladi. Fuqarolik sudiga murojaat qilinganda esa, aybsizlik prezumpsiyasi tufayli (jinoyat ishini tugatish qarorida ayblilik masalasi hal qilinmagani sababli) da'vo rad etilishi mumkin.

Bundan tashqari, umumiy da'vo muddati o'tib ketishi ham ehtimoldan xoli emas. Fuqarolik kodeksi 150-moddasiga ko'ra, umumiy da'vo muddati uch yil. Jinoyat kodeksining 64-moddasiga binoan esa, javobgarlikka tortish muddati kamida ikki yil. Shu sababli, jinoyat ishi tugatilganda, fuqaroviy da'vogar yoki jabrlanuvchi uchun umumiy da'vo muddati o'tib ketgan bo'lishi mumkin.

JPK 84-moddasi ikkinchi qismiga ko'ra, ushbu modda birinchi qismining 1, 2, 3 va 8-bandlaridagi hollarda, ayblanuvchi, sudlanuvchi yoki ularning yaqin qarindoshlari talab qilsa, ishni yuritish davom ettirilishi mumkin. Bu holda ayblov hukmi jazo tayinlanmasdan chiqariladi. Shu bois, fuqaroviy da'vogar yoki jabrlanuvchiga ham ishni davom ettirish haqida ariza berish huquqini berish maqsadga muvofiq deb hisoblaymiz.

**Ikkinchi**dan, Jinoyat-protsessual kodeksi 84-moddasi birinchi qismining 3-bandida ayblanuvchi yoki sudlanuvchi vafoti sababli ayblilik masalasi hal etilmay jinoyat ishi tugatilishi mumkinligi belgilangan. Ammo hozirgi sud-tergov amaliyotida gumon qilinuvchining ham vafot etish holatlari uchrayotganini e'tibordan chetda qoldirmaslik lozim. Amaldagi JPKda



tergov yoki sud jarayonida gumon qilinuvchi vafot etgan vaziyatda jinoyat ishini hal qilish tartibi aniq ko'rsatilmagan. Bugungi amaliyotda esa gumon qilinuvchi vafot etganda, vakolatli organlar tomonidan unga avval sirtdan ayb e'lon qilinib, so'ngra jinoyat ishi ayblanuvchining vafoti munosabati bilan ayblilik masalasi hal qilinmasdan tugatilmoqda.

Biroq, jinoyat ishi qo'zg'atilmagan bo'lsa, shaxs ayblanuvchi maqomiga ega bo'la olmaydi. Bu esa JPK 84-moddasidagi qoidalarga zid hisoblanadi. Shu bois, ayblilik masalasini hal qilmasdan jinoyat ishini tugatish uchun vafot etganligi asos bo'ladigan shaxslar doirasini kengaytirish taklif etilmoqda.

Xususan, gumon qilinuvchining vafotini ham ayblilik to'g'risidagi masalani hal qilmay turib jinoyat ishini tugatish asoslaridan biri sifatida JPK 84-moddasiga kiritish maqsadga muvofiq bo'ladi. Bu o'z navbatida qonuniylik prinsipining amalda to'liq tatbiq etilishiga xizmat qiladi.

**Uchinchi**dan, ayblilik to'g'risidagi masalani hal qilmay turib jinoyat ishini tugatish bilan bog'liq bo'lgan yana bir muammo bu – Jinoyat-protsessual kodeksi 84-moddasi birinchi qismi 6-bandida (ish faqat jabrlanuvchining shikoyati bilan qo'zg'atiladigan hollarda uning shikoyati bo'lmasa, JPKning 325-moddasida nazarda tutilgan hollar bundan mustasno) nazarda tutilgan holat hisoblanadi. Fikrimizni quyida asoslashga harakat qilamiz. Surishtiruv-tergov amaliyotida JPK 325-moddasi va 84-moddasini noto'g'ri talqin qilish holatlari uchramoqda.

Aksariyat surishtiruv va tergov organlari tomonidan JPKning 325-moddasi talablari noto'g'ri talqin qilinishi natijasida jabrlanuvchining shikoyati yo'qligini vaj qilib ko'rsatib, asossiz ravishda JPKning 83-moddasi ikkinchi bandi (gumon qilinuvchi, ayblanuvchi, sudlanuvchining qilmishida jinoyat tarkibi bo'lmasa) bilan jinoyat ishi qo'zg'atishni rad etish (agar ish qo'zg'atilgan bo'lsa, uni tugatish) haqida qarorlar qabul qilinib kelinmoqda.

Vaholanki, mazkur toifadagi ishlarni qonun talablariga ko'ra Jinoyat-protsessual kodeksi 84-modda oltinchi bandiga asosan ayblilik to'g'risidagi masalani hal qilmay turib jinoyat ishini tugatish lozim.

Yana bir munozarali holat bu jabrlanuvchining shikoyatiga ko'ra jinoyat ishini qo'zg'atish holati bilan bog'liq.

Misol uchun, tergovchi jinoyat ishini Jinoyat-protsessual kodeksi 325-moddasi, ya'ni jabrlanuvchining shikoyatiga ko'ra jinoyat ishini qo'zg'atdi. Dastlabki tergov davomida jabrlanuvchi ayblov xulosasi yoki ayblov dalolatnomasi prokurorga tergovchi yoki surishtiruvchi tomonidan yuborilishidan oldin, jabrlanuvchi shikoyatni qaytarib olgan taqdirda, jinoyat ishini tugatishning aniq asoslari va tartibi Jinoyat-protsessual kodeksida belgilab qo'yilmagan.

Hozirda amaliyotda tergovchi tomonidan taraflardan hech qanday shikoyati yo'q ekanligi mazmunidagi tushuntirish xati olgan holda, jinoyat ishini Jinoyat-protsessual kodeksi 83-modda ikkinchi bandi (sodir etilgan qilmishida jinoyat tarkibi bo'lmasa) asosida tugatish holatlari ko'plab uchramoqda.

Shunga ko'ra, jabrlanuvchi surishtiruv yoki dastlabki tergov davomida shikoyatini qaytarib olgan taqdirda jinoyat ishini tugatishning aniq tartibi va asosini Jinoyat-protsessual kodeksida belgilab qo'yish maqsadga muvofiq bo'ladi. Mazkur holat bilan bog'liq yana bir muammoli holat bu Jinoyat-protsessual kodeksi 84-moddasi birinchi qismi 6-bandida belgilangan norma bilan bog'liq. Ya'ni mazkur bandda ish faqat jabrlanuvchining shikoyati bilan qo'zg'atiladigan hollarda uning shikoyati bo'lmasa, ushbu Kodeksning 325-moddasida nazarda

tutilgan hollar bundan mustasno ekanligi belgilangan. Jinoyat-protsessual kodeksi 325-moddada esa, jabrlanuvchining shikoyatiga asosan qo'zg'atiladigan jinoyat ishlari berilgan.

Mazkur normani tahlil etadigan bo'lsak, Jinoyat-protsessual kodeksi 84-moddasi birinchi qismi 6-bandiga asosan jabrlanuvchining shikoyati bilan qo'zg'atiladigan hollarda uning shikoyati bo'lmasa, jinoyat ishi tugatilishi lozim. Biroq, mazkur bandning o'zida Jinoyat-protsessual kodeksining 325-moddasida nazarda tutilgan hollar bundan mustasno degan norma ham belgilab qo'yilgan.

Modda mazmunidan shuni tushunish mumkinki, umumiy ma'noda Jinoyat-protsessual kodeksining 325-moddasida nazarda tutilgan hollar bundan mustasno (chunki mazkur normaning o'zida jabrlanuvchining shikoyatiga asosan jinoyat ishi qo'zg'atiladigan holatlar berilgan) degan norma, jinoyat ishi jabrlanuvchining shikoyati bilan qo'zg'atiladigan hollarda uning shikoyati bo'lmasa, jinoyat ishi tugatilishi lozimligini istisno etadi.

Aslida, Jinoyat-protsessual kodeksi 84-moddasi birinchi qismi 6-bandining bunday tahrirda bayon etilishiga asosiy sabab, Jinoyat-protsessual kodeksining 325-moddasida prokurorning jabrlanuvchining shikoyatisiz ham jinoyat ishini qo'zg'atish mumkin ekanligi haqidagi normaning belgilab qo'yilganligi hisoblanadi.

Ma'lumot uchun: Jinoyat-protsessual kodeksining 325-moddasiga asosan jabrlanuvchi nochor ahvolda bo'lganligi, ayblanuvchiga qaram bo'lganligi tufayli yoki boshqa sabablarga ko'ra o'z huquqini va qonuniy manfaatlarini o'zi himoya qila olmaydigan alohida hollarda prokuror jabrlanuvchining shikoyatisiz ham jinoyat ishini qo'zg'atishi shart. Shu alohida qayd etish kerakki, ish faqat jabrlanuvchining shikoyati bilan qo'zg'atiladigan hollarda uning shikoyati bo'lmaganlik holatida ayrim muammolar ham mavjud. Buni mualliflar o'zlarining ilmiy ishlarida ham qayd etishgan [14, B. 46-53].

Shunga ko'ra, Jinoyat-protsessual kodeksi 84-moddasi birinchi qismi 6-bandiga quyidagi mazmundagi tahririy o'zgartirish kiritish lozim.

"Ish faqat jabrlanuvchining shikoyati bilan qo'zg'atiladigan hollarda uning shikoyati bo'lmasa, prokuror jabrlanuvchining shikoyatisiz ham jinoyat ishini qo'zg'atish hollari bundan mustasno".

**Xulosalar.** Yuqoridagilarga ko'ra ayblilik to'g'risidagi masalani hal qilmay turib jinoyat ishini tugatish institutini takomillashtirish maqsadida quyidagilar taklif etiladi:

**Birinchi dan,** O'zbekiston Respublikasi JPK 84-moddasi birinchi qismining 1-3 va 8-bandlarida ko'rsatilgan asoslar bo'yicha jinoyat ishi tugatilganda, jabrlanuvchi yoki fuqaroviy da'vogarning mulkiy huquqlari buzilishi ehtimolini inobatga olish zarur. Shu sababli, jabrlanuvchi yoki fuqaroviy da'vogarga ham, xuddi ayblanuvchi, sudlanuvchi yoki vafot etgan ayblanuvchi va sudlanuvchining yaqin qarindoshlariga berilgan huquqqa o'xshash tarzda, ishni yuritishni umumiy tartibda davom ettirish to'g'risida ariza yoki iltimosnoma bilan murojaat qilish huquqini berish maqsadga muvofiq. Bu o'zgartirish orqali jinoyat protsessida barcha tomonlarning huquqlari teng darajada himoya qilinishiga erishish mumkin bo'ladi.

**Ikkinchi dan,** ayblilik masalasi hal qilinmay turib jinoyat ishini tugatish uchun vafot etganligi asos bo'ladigan shaxslar doirasini kengaytirish taklif etiladi. Bu maqsadda, gumon qilinuvchining vafoti holatini ham ayblilik to'g'risidagi masalani hal qilmasdan jinoyat ishini tugatish asoslaridan biri sifatida Jinoyat-protsessual kodeksi 84-moddasi birinchi qismi 3-bandiga kiritish maqsadga muvofiq bo'ladi. Bunday o'zgartirish qonunchilikdagi mavjud bo'shliqni to'ldiradi va amaliyotda yuzaga kelayotgan muammolarni hal etishga yordam beradi.

Shuningdek, bu taklif qonuniylik prinsipining to'liq tatbiq etilishiga xizmat qiladi va jinoyat protsessida barcha ishtirokchilarning huquqlarini teng darajada ta'minlashga ko'maklashadi.

**Uchinchi dan,** Jinoyat-protsessual kodeksi 84-moddasi birinchi qismi 6-bandiga quyidagi mazmundagi tahririy o'zgartirish kiritish lozim.

“Ish faqat jabrlanuvchining shikoyati bilan qo'zg'atiladigan hollarda uning shikoyati bo'lmasa, prokuror jabrlanuvchining shikoyatisiz ham jinoyat ishini qo'zg'atish hollari bundan mustasno”.

**To'rtinchi dan,** Jinoyat-protsessual kodeksi 325-moddasi birinchi qismida “jabrlanuvchining voyaga yetmaganligi” holatini ham prokurorga jinoyat ishini qo'zg'atish huquqini beruvchi holat sifatida e'tirof etilishi maqsadga muvofiq.

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, zamonaviy yurisprudensiya talablari asosida ayblilik to'g'risidagi masalani hal qilmay turib jinoyat ishini tugatish institutini takomillashtirish fuqarolarning huquqlari va erkinliklarini himoya qilish bilan bir qatorda, amaliyotda yuzaga kelayotgan muammolarga yechim topishga ham xizmat qiladi.

#### **Adabiyotlar/Литература/References:**

1. Maxmudov S. Jinoyat ishini tugatish asoslarining tasnifi [Classification of grounds for terminating a criminal case]. Yuridik fanlar axborotnomasi. – 2022. – T. 1. – №.3. – P. 86-96.
2. Volkolup O.V., Chupilkin Yu.B. Garantii prav uchastnikov ugolovного sudoproizvodstva Rossiyskoy Federatsii: Ucheb. posobiye. 2-ye izd., ispr. i dopoln. – Krasnodar: Kubansk.gos. uni-t., [Guarantees of the rights of participants in criminal proceedings of the Russian Federation: Proc. allowance. 2nd ed., rev. and additional] 2005. – P.142.
3. Davыdov P.M, D.Ya. Mirskiy. Osnovnye formy klassifikatsii osnovaniy prekrasheniya ugolovного dela. “Nauchno-prakticheskiy elektronnyy jurnal Alleya Nauki” [The main forms of classification of grounds for termination of a criminal case. "Scientific and practical electronic journal Alley of Science] №4 2019. P.12.
4. Lavnov M. Institut prekrasheniya ugolovного dela v sisteme ugolovno-protsessualного prava i pravoprimeritelnoy praktike. Dissertatsiya na soiskaniye uchenoy stepeni kandidata yuridicheskix nauk [The institute of termination of a criminal case in the system of criminal procedure law and law enforcement practice. Dissertation for the degree of candidate of legal sciences]. Saratov – 2015. S. 88-90.
5. Mualliflar jamoasi. O'zbekiston Respublikasining Jinoyat-protsessual kodeksiga sharhlar. Mas'ul muharrir prof. G'.A.Abdumajidov. 16. The team of authors. Comments on the Criminal Procedure Code of the Republic of Uzbekistan. Responsible editor prof. G. A. Abdumajidov. TDYI, 2009. – P.159.
6. Chasovnikova O.G. Prekrasheniye ugolovного presledovaniya po nereabilitiruyushim osnovaniyam: avtoref. dis. ...kand... yurid. nauk: [Termination of criminal prosecution on non-rehabilitating grounds: author. dis. ...candidate... jurid. Sciences] Sank-Peterburg, 2013. – P. 21.
7. Yakupov R. X. Ugolovnyy protsess: ucheb [Criminal process: textbook] – M., 1998. – P. 322; Kalugin A. G. Klassifikatsiya osnovaniy prekrasheniya ugolovного dela (ugolovного presledovaniya) // Problemy zaщity prav cheloveka v rossiyskom sudoproizvodstve: mater. Vseros. nauch. — prakt. konf. 6-7-fevralya 2009 g. [Classification of the grounds for the termination of a criminal case (criminal prosecution) // Problems of protecting human rights in Russian legal proceedings mater. Vseros. Scientific-pract. conf. (February 6-7, 2009). – Tyumen, 2009. — Ch. 1. — S. 64-69.
8. Смыг А. Modernizatsiya osnovaniy prekrasheniya ugolovного dela i ugolovного presledovaniya v zakonodatelstve Rossiyskoy Federatsii i Respubliki Abxaziya.

- Dissertatsiya na soiskaniye uchenoy stepeni kandidata yuridicheskix nauk [Modernization of the grounds for the termination of a criminal case and criminal prosecution in the legislation of the Russian Federation and the Republic of Abkhazia. Dissertation for the degree of candidate of legal sciences]. Volgograd-2019. P. 80-85.
9. Michurina O.V., Peretokin S.N. Obespecheniye zakonnosti i obosnovannosti prekrasheniya ugovnogo dela [Michurina O.V., Peretokin S.N. Ensuring the legality and validity of the termination of a criminal case] // Rossiyskiy sledovatel. 2016. No 7. S. 26. // URL: <https://wiselawyer.ru/poleznoe/18465-obespechenie-zakonnosti-obosnovannosti-prekrasheniya-ugovnogo-dela>
  10. Michurina O.V., Peretokin S.N. Obespecheniye zakonnosti i obosnovannosti prekrasheniya ugovnogo dela [Michurina O.V., Peretokin S.N. Ensuring the legality and validity of the termination of a criminal case] // Rossiyskiy sledovatel. 2006. № 7. S. 26.
  11. Filimonov, S.A. Prekrasheniye ugovnogo dela i ugovnogo presledovaniya po nereabilitiruyushim osnovaniyam: [Filimonov, S.A. Termination of a criminal case and criminal prosecution on non-rehabilitating grounds: Avtoref. diss.. kand. yurid. nauk. Krasnodar, 2009. – S. 28.
  12. Musabekov S. Amnistiya — akt gumanizma ugovnoy politiki v Respublike Kazaxstan [Musabekov S. Amnesty - an act of humanism of criminal policy in the Republic of Kazakhstan] // Femida, 2001, № 6. — S.21.
  13. Kulaxmetov A.B. Voyaga yetmaganlar ishi bilan shug'ullanuvchi komissiyaga materiallarni ko'rib chiqish uchun berib, jinoyat ishini tugatish. [Kulakhmetov A.B. Closing the criminal case by giving the materials to the Juvenile Commission for review] – T., 2002. – B.28).
  14. Saxaddinov S.M. Mexanizmy raskayaniya i primireniya: Dve grani instituta mediatsii [Sakhaddinov S.M. Mechanisms of repentance and reconciliation: Two facets of the institution of mediation] // Huquq-Pravo-Law, 2003. № 4. – B. 68.
  15. Vinogradova, O.B. Prekrasheniye ugovnogo dela i ugovnogo presledovaniya: voprosy teorii i prava // Novyy yuridicheskiy jurnal [Termination of a criminal case and criminal prosecution: questions of theory and law // New legal journal] – 2013. № 4. – P. 46–53.

**Received:** 20 December 2024

**Accepted:** 5 January 2025

**Published:** 15 January 2025

*Article / Original Paper*

## **THE IMPORTANCE OF METHODS OF LEGAL EDUCATION IN THE DEVELOPMENT OF LEGAL CONSCIOUSNESS IN SOCIETY**

**Inomkhuzhaeva Sanobar Muhammadikhonovna,**

teacher of the department of "Civil,  
criminal law and process",  
Namangan State University

**Abstract.** This article analyzes some aspects that serve the development of legal consciousness, in particular, information about legal education and its methods. An analysis of the mechanism, method and methods of applying legal education is given. The ways of introducing legal education among members of society, including youth and students, are considered, and conclusions are drawn regarding the use of legal education methods in the process of developing legal consciousness.

**Keywords:** legal knowledge, legal education, legal awareness, legal culture, education, methods of legal education, acquisition of legal culture.

## **JAMIYATDA HUQUQIY ONGNI RIVOJLANTIRISHDA HUQUQIY TARBIYA USULLARINING AHAMIYATI**

**Inomxo'jaeva Sanobar Muxammadixonovna,**

Namangan davlat universiteti,  
Yuridik fakulteti,

Fuqarolik, jinoyat huquqi va protsessi kafedrasi o'qituvchisi

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada, huquqiy ongni rivojlanishida xizmat qiluvchi ayrim jihatlar, xususan, huquqiy tarbiya haqida, uning usullariga oid ma'lumotlar tahlil etilgan. Huquqiy tarbiyaning mexanizmi, usul va qo'llash metodlarini tahlili berilgan. Huquqiy tarbiyaning jamiyat a'zolari, jumladan yoshlar, ta'lim oluvchilarga singdirish yo'llari ko'rib chiqilgan, hamda huquqiy ongni rivojlantirish jarayonida huquqiy tarbiya usullarini qo'llashga oid xulosalar berilgan.

**Kalit so'zlar:** huquqiy bilim, huquqiy ta'lim, huquqiy ong, huquqiy madaniyat, tarbiya, huquqiy tarbiya usullari, huquqiy madaniyatga ega bo'lish.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V5I1Y2025N46>

**Kirish.** Jahonda huquqiy tarbiyaning samaradorligi va ta'sirchanligini oshirish orqali huquqbuzarliklarning oldini olish, jamiyatda o'rnatilgan tartibot va huquq normalariga og'ishmay rioya qiladigan shaxsni tarbiyalash masalalarining dolzarbligi bu borada chuqur ilmiy-tadqiqot ishlari olib borilishini taqozo etmoqda. Shu jihatdan qaraganda, aholining huquqiy madaniyatini yuksaltirish, ayniqsa, yoshlarga huquqiy ta'lim-tarbiya berish orqali ularning huquqiy ongi va madaniyatini oshirish dolzarb vazifa hisoblanadi. Davlat xizmatchilarining qonun hujjatlarini to'g'ri qo'llash amaliyotini jadallashtirish talab etiladi. Huquqiy tarbiyani tartibga solishning yo'nalish va istiqbollari tadqiq etish muhim ahamiyat kasb etadi.

Mamlakatimizda huquqiy tarbiyani yaxshilash borasida normativ-huquqiy hujjatlarning qabul qilinishi va ularda fuqarolarga huquqiy ta'lim-tarbiya berish, yoshlarning huquqiy ta'limi hamda huquqshunos kadrlar tayyorlash tizimini takomillashtirishga qaratilgan ustuvor vazifalarning belgilab olingani aholining huquqiy ongi va madaniyati yuksalishiga muayyan darajada xizmat qilmoqda. Davlatimiz rahbari ta'kidlaganidek, «Asosiy masala — qonunlarning mazmun-mohiyatini xalqimizga va mas'ul ijrochilarga o'z vaqtida yetkazish, ularning ijrosini to'g'ri tashkil etish hamda qonun talablariga qat'iy amal qilishni ta'minlashdan iboratdir»[1]. Mazkur vazifalar va bugungi kun talabidan kelib chiqib, huquqiy tarbiya tizimini yanada takomillashtirish, huquqiy tarbiya tizimining tarqoqligi va idoraviy xususiyati sabablarini o'rganish, «aholining huquqiy ongi va madaniyatini yuksaltirish borasida davlat tuzilmalarining fuqarolik jamiyati institutlari, ommaviy axborot vositalari bilan o'zaro samarali hamkorligini tashkil etish»[2] bilan bog'liq muammolarni tadqiq etish va uning ilmiy yechimini topish dolzarb ahamiyat kasb etadi.

Jamiyatdagi ijtimoiy munosabatlar ikki xil qoidalar bilan tartibga solinadi. Ular axloq, urf-odat, rasm-rusum, qadriyatlar, an'analarga oid qoidalar hamda huquqiy qoidalar hisoblanadi. Huquq (sof yuridik ma'noda) — ijtimoiy manfaatlarni ifodalovchi, davlat tomonidan o'rnatiladigan hamda ta'minlanadigan va ijtimoiy munosabatlarni tartibga solishga qaratilgan umummajburiy yuridik normalar tizimi hisoblanadi. Ta'lim sohasida davlat siyosatini amalga oshirish, ta'lim tizimini isloh qilishning muhim vositasi — ta'limga oid normativ-huquqiy hujjatlar bo'lib, uni qo'llash, amaliyotga tatbiq qilish muhim hisoblanadi. Ta'lim tizimidagi qonunchilikning holati, boshqa sohalarda bo'lgani kabi yangi qonunlar qabul qilinayotganligi va ularning amal qilayotganligidan guvohlik beradi. Ushbu qonunlar yig'indisi qonunchilikning yangi tarmog'i — ta'lim qonunchiligini tashkil etmoqda. Davlatimizning ta'lim sohasidagi amaliy faoliyati uning ko'p qirrali faoliyatida muhim va mustaqil funktsiya sifatida namoён etilmoqda. Ta'limga oid normativ-hujjatlar fuqaroning ta'lim olishga oid konstitutsiyaviy huquqini ta'minlash, ta'lim tizimini huquqiy tartibga solish, moliyaviy va moddiy-texnik ta'minlash, ta'lim va kadrlar tayyorlashning uzluksiz tizimini rivojlantirishga yordam beradi.

*Huquqiy tarbiya* – davlat tuzilmalari, ta'lim muassasalari, fuqarolik jamiyati institutlari hamda ommaviy axborot vositalari tomonidan, jamiyatda va uning har bir a'zosida huquqiy ong va huquqiy madaniyatni yuksaltirish, qonun va huquqiy tartibotga hurmat bilan qarashni shakllantirish maqsadida shaxs ongi va xulq-atvoriga muntazam ta'sir o'tkazib borishga qaratilgan faoliyat. Shuningdek, huquqiy tarbiyaning maqsadi, vazifalari, huquqiy tarbiyalanganlik nimalarda namoyon bo'lishi ko'rsatib berilgan hamda huquqiy tarbiyaning asosiy turlari keltirib o'tilgan. Jumladan, huquqiy tarbiyaning asosiy turlari sifatida quyidagilar taklif etilgan: jamiyatning asosiy bo'g'ini bo'lgan oilada huquqiy ong va huquqiy madaniyatni shakllantirish; ta'lim muassasalarida o'sib kelayotgan avlodga huquqiy fanlar asoslarini chuqur hamda tizimli o'rgatishni yo'lga qo'yish; davlatning huquq ijodkorligi faoliyati to'g'risidagi axborotni barcha turdagi ommaviy axborot vositalari orqali aholining barcha qatlamlariga yetkazishni ta'minlash.

Huquqiy tarbiya huquqiy mexanizm sifatida o'rganilgan. «Huquqiy tarbiya mexanizmi huquqiy tarbiya subyektlari, huquqiy tarbiya obyektlari, huquqiy tarbiya mazmuni, huquqiy tarbiya shakllari, huquqiy tarbiya metodlari, huquqiy tarbiya vositalaridan iborat»[3] ekanligi haqida yondashuv qo'llab-quvvatlanib, ushbu tarkibiy qismlar batafsil tadqiq etilgan. Mavzuni

o'rganish orqali huquqiy tarbiyaning asosiy shakllari sifatida quyidagilarni ko'rishimiz mumkin: huquqiy ta'lim (o'quv), huquqiy targ'ibot, yuridik amaliyotning ta'siri va o'zini o'zi tarbiyalash. Ushbu shakllar asosini huquqiy xabardorlik, huquq to'g'risidagi axborotning mazmuni va axborotni tarqatish hamda undan amaliyotda foydalanish yo'llari tashkil etadi. «Huquqiy tarbiya» tushunchasiga nisbatan ifodalangan ta'riflar, huquqiy tarbiya maqsad-vazifalari, usul va vositalari, shakllarining tahlili asosida huquqiy tarbiyaning mohiyati belgilab olingan. Bunda uning tarbiyalanuvchilar huquqiy ongida barqaror huquqiy g'oyalar, qadriyat va prinsiplarni shakllantirish maqsadi yotadi.

Germaniya, Yaponiya, AQSH, Fransiya, Italiya, Buyuk Britaniya, Rossiya Federatsiyasi kabi davlatlarning huquqbuzarliklarning oldini olish va huquqiy tarbiyani samarali tashkil etish yuzasidan mavjud ijobiy amaliyoti muallif talqinida ko'rsatib berilgan. Xorijiy tajriba tahlili shuni ko'rsatdiki, har bir o'spirin, voyaga yetmagan shaxsga qonun va huquqning mohiyatini to'g'ri tushunish va anglash, uni o'z faoliyatida qo'llay olish, kelajakda uning uchun zarur vaziyatlarda o'z huquqlarini himoya qilish va huquqiy faollik ko'rsatish qobiliyatlarini shakllantirish birinchi galdagi vazifa sifatida belgilanadi.

**Adabiyotlar tahlili va metodologiya.** Huquqiy ta'lim jarayonida shaxs huquqiy jihatdan tarbiyalanib, huquqiy bilimlarni hayotga tatbiq etishga o'rgatiladi. Bu haqida aksariyat tadqiqotchilar o'z fikrlarini bildirganlar. Ular o'z ilmiy ishlarida huquqiy madaniyatni rivojlantirishda huquqiy tarbiya hamda uning vositalaridan foydalanishning o'rni va ahamiyati haqida ta'kidlaganlar. A.A'zamxo'jayev va Sh.O'razayev huquqiy tarbiyani jamiyat a'zolarining yurish-turish madaniyatiga, ongiga tizimli va maqsadga muvofiq ta'sir etish jarayonidir, deb huquqiy tarbiyada muayyan huquqiy bilim darajasiga ega bo'lishga erishish maqsad qilib qo'yilishini ko'rsatganlar. H.Yo'ldoshev, U.Tojixonov "huquqiy tarbiya – bu shaxsga nisbatan huquqiy ongni, huquqiy ko'rsatmalar, faol qonunga itoatkor xulq-atvor ko'nikmalari va odatlarini shakllantiruvchi uyushgan, bir tizimli, aniq maqsadni ko'zlagan holda ta'sir ko'rsatilishidir", deb fikr bildirganlar.

A.Rafiqov, O.Karimova, Sh.Eshonova huquqiy tarbiyaning asosiy maqsadi shaxsda huquqiy ongni shakllantirish, ya'ni huquqiy me'yorlarga hurmatni, ularga ixtiyoriy va ongli ravishda rioya qilishni o'rgatishdir, deb hisoblaydilar. Darhaqiqat, huquqiy ta'lim jarayoni Konstitutsiya va qonunlar, milliy qadriyatlarni hurmat qilish, shaxsni vatanparvarlik, insonparvarlik, mehnatsevarlik, halollik, poklik, adolatlilik ruhida tarbiyalashni o'z oldiga vazifa qilib qo'yadi. E.M.Abzalov esa, huquqiy madaniyatning mazmun va mohiyati, huquqni bilish, hurmatlash hamda huquq normalariga qat'iy rioya etishning birligi tarzida talqin qiladi.

Demokratik jamiyatda yoshlarning o'z huquqlarini bilishlari, qonunga hurmat va huquq normalariga amal qilishlari muhim ahamiyatga egadir. Huquqshunos tadqiqotchi Z.Isломov "huquq madaniyati" keng ko'lamli, ma'nodor tushunchadir deb ta'kidlaydi. "Huquqiy ong va huquqiy madaniyat" tushunchasi huquqiy kategoriya sifatida murakkabligi bilan ajralib turadi. Chunki huquqiy madaniyatga berilgan har qanday ta'rif ham tarixiy jihatdan uning mazmunini to'la-to'kis ochib bermaydi. Bu tushunchaga davr va zamon nuqtai nazaridan uning rivojlanish shakllariga qarab ta'rif berish kerak bo'ladi deb ta'kidlaydi.

Tadqiqotchi, R.Boymirzayeva fikricha, "Olingan huquqiy bilimlar shaxsga o'z ilmiy yoki ijodiy izlanishlarida ham yordam beradi. Buning uchun tinglovchi dars jarayonida bilganlaridan tashqari o'z ustida ishlab, qo'shimcha manbalar, adabiyotlardan foydalanishi kerak"[4].

**Natijalar.** Huquqiy tarbiyada badiiy adabiyotlar, ommaviy axborot vositalari, televideniye, radio, matbuot katta rol o'ynaydi. Huquqiy ongni tarbiyalash butun jamiyatning madaniy hayoti, davlat ijtimoiy funksiyasining tarkibiy qismi hisoblanadi. Huquqiy ongni tarbiyalashning asosiy yo'nalishlari bo'lib o'quv va tarbiyaviy ishlar jarayonida amalga oshiriladigan huquqiy o'qitish, ommaviy axborot vositalari, devoriy gazetalar, ma'ruzalar, davra suhbatlari, yig'ilishlar, og'zaki tashviqot, tematik kechalar orqali huquqiy bilimlarni targ'ibot qilish, huquqiy talablarni bajarishga majbur qilish kabilar hisoblanadi.

Tarbiyaviy ishlar butun jamiyat va davlat manfaatlariga javob beradigan eng umumiy yuridik tamoyil va talablarni tushunishga qadar shaxsning individual huquqiy ongini yuksaltiradi. O'z huquqini biladigan, o'z kuchi va imkoniyatlariga tayanadigan, atrofida sodir bo'layotgan voqea-hodisalarga mustaqil va ongli munosabat bilan yondashadigan, shaxsiy manfaatini mamlakat va xalq manfaati bilan uyg'un holda ko'radigan erkin, bilimli va barkamol professional kadrlarni tarbiyalash vazifasi yangi O'zbekistonni barpo etishdagi eng dolzarb masalalardan biri hisoblanadi. Har bir mutaxassis o'z sohasi va kasbiga doir huquqiy hujjatlarni yaxshi bilishi va uni himoya qila olishi zarur. Shuning uchun professional kadrlarni huquqiy ong, huquqiy madaniyat va huquqiy bilimlar bilan qurollantirish demokratik huquqiy davlat barpo etayotgan mamlakatning asosiy vazifalaridan biri hisoblanadi. Toki jamiyatning har bir a'zosi o'z huquqi, o'z burchi va mas'uliyatini bilmas va anglamas ekan, uni o'zining hayotiy ehtiyoji sifatida qaramas ekan, bizning pirovard maqsadimiz besamar ketaveradi.

Huquqiy madaniyat – bu jamiyat hayotiga huquqni sifatli tatbiq etishdir. U kundalik turmush muammo va masalalarini hal etishda huquqiy imkoniyatlardan foydalanishda, xalq ehtiyojlarini qondirishda o'ziga xos bir barometrdir. Huquqiy madaniyat jamiyat umumiy madaniyatining tarkibiy qismi sifatida jamiyatni ongli ravishda boshqarishni, o'z oldimizga qo'ygan dasturiy vazifalarni amalga oshirishda, insonlarning mamlakatimizda olib borilayotgan ijtimoiy-siyosiy islohotlarning tub mohiyatini to'laqonli anglagan holda fuqarolik jamiyati asoslarini shakllantirish uchun hamjihatlikda faoliyat yuritishini ta'minlaydi. Shu sababdan, jamiyat taraqqiyotining hozirgi holati huquqiy munosabatlar barcha ishtirokchilarning huquqiy madaniyati, huquqiy savodxonligini har tomonlama oshishini talab etmoqda. Huquqiy madaniyat huquqiy bilim, huquqiy ehtiyoj va izohli amaliy faoliyat majmui sifatida jamiyat va davlat oldida turgan vazifalarning muvaffaqiyatli hal etilishini ta'minlashga xizmat qiladi.

Aholining huquqiy ongi va madaniyatini shakllantirishni rivojlantirishda umumta'lim maktablari va akademik litseylarda huquqiy bilimlarga doir o'quv mashg'ulotlari ko'lamini yanada kengaytirish, aholining kundalik hayotida ko'p uchraydigan huquqiy masalalar yuzasidan savol-javob tarzidagi qo'llanmalarni tayyorlash va xonadonlarga bepul tarqatish muhim ahamiyat kasb etadi.

**Muhokama.** Yuksak rivojlangan demokratik huquqiy davlat va erkin fuqarolik jamiyatini qurishni asosiy maqsad qilib qo'ygan har bir davlatning vazifasi, avvalo, o'z fuqarolarining huquqiy ongi va madaniyatini yuksaltirishdir. Aholining huquqiy ongini va madaniyatini shakllantirishda huquqiy tarbiya muhim rol o'ynaydi. Shu sababdan, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti o'zining barcha chiqishlarida huquqiy madaniyatning ahamiyatiga, uni yuksaltirish masalasiga jiddiy e'tibor qaratadi. Shu maqsadda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 9-yanvardagi "Jamiyatda huquqiy ong va huquqiy madaniyatni yuksaltirish tizimini tubdan takomillashtirish to'g'risida"[5]gi farmoni qabul qilinib, unda jamiyatda huquqiy ong va huquqiy madaniyatni yuksaltirishning asosiy vazifalari sifatida



aholiga mamlakatimizda amalga oshirilayotgan ijtimoiy-iqtisodiy islohotlar, qabul qilinayotgan qonun hujjatlari va davlat dasturlarining mazmuni va mohiyatini izchil yetkazish tizimini shakllantirish, fuqarolar ongida «Jamiyatda qonunlarga hurmat ruhini qaror toptirish – demokratik huquqiy davlat qurishning garovidir!» degan hayotiy g'oyani mustahkamlash, yosh avlod ongiga huquq va burch, halollik va poklik tushunchalarini hamda odob-axloq normalarini chuqur singdirib borish, Konstitutsiyaning muhim jihatlarini ularga bolaligidan boshlab o'rgatish belgilab berildi.

Ushbu Farmonga ko'ra, jamiyatda huquqiy ong va huquqiy madaniyatni yuksaltirish «shaxs — oila — mahalla — ta'lim muassasasi — tashkilot — jamiyat» prinsipi bo'yicha tizimli va uzviy tashkil etilishi lozimligi belgilandi. Aholining huquqiy ongi va madaniyatini oshirish maqsadida «O'zbekiston – 2030» strategiyasida belgilanishicha, nodavlat umumiy o'rta ta'lim tashkilotlari sonini 1000 taga yetkazish, nodavlat umumiy o'rta ta'lim tashkilotlarida tahsil olayotgan o'quvchilar ulushini 3 barobarga oshirish, yoshlarni oliy ta'lim bilan qamrab olish darajasini kamida 50 foizga yetkazish, umumiy o'rta ta'lim tashkilotlarini oliy ma'lumotli pedagog kadrlar bilan to'liq ta'minlash, advokatlar sonini kamida 2000 nafarga ko'paytirish rejalashtirilgan.

Istiqloq natijasida shakllangan yangi huquqiy tafakkur va xalqimizning yuksak ma'naviy salohiyati aholi huquqiy ongini va madaniyatini rivojlantirishda muhim o'rin tutmoqda. Yangilangan Konstitutsiyamiz, bir tomondan, ijtimoiy huquqiy ongning yuksak darajadagi ifodasi bo'lib, huquqiy tizim, huquqiy mafkura va madaniyatning bevosita natijasi sifatida yuzaga keldi. Ikkinchi tomondan, u aholining huquqiy tafakkuri va madaniyatini shakllantirish, ijobiy yo'naltirish va yuksaltirishda muhim omil bo'lib xizmat qilmoqda.

Yangilangan Konstitutsiyamizda fuqarolarimizning huquqiy ongi va madaniyatini yuksaltirish masalasiga jiddiy e'tibor qaratilgan. Chunonchi, uning 50-moddasida har kim ta'lim olish huquqiga egaligi, davlat uzluksiz ta'lim tizimi, uning har xil turlari va shakllari, davlat va nodavlat ta'lim tashkilotlari rivojlanishini ta'minlashi, davlat maktabgacha ta'lim va tarbiyani rivojlantirish uchun shart-sharoitlar yaratishi, bepul umumiy o'rta ta'lim va boshlang'ich professional ta'lim olishni kafolatlashi, umumiy o'rta ta'limning majburiyligi, maktabgacha ta'lim va tarbiya, umumiy o'rta ta'lim davlat nazoratida ekanligi, 51-moddada fuqarolar davlat ta'lim tashkilotlarida tanlov asosida davlat hisobidan oliy ma'lumot olishga haqliligi, 52-moddada esa, O'zbekiston Respublikasida o'qituvchining mehnati jamiyat va davlatni rivojlantirish, sog'lom, barkamol avlodni shakllantirish hamda tarbiyalash, xalqning ma'naviy va madaniy salohiyatini saqlash hamda boyitishning asosi sifatida e'tirof etilishi mustahkamlandi.

Bugungi kunda jamiyatimizda huquqiy savodsizlikni bartaraf etish, qonunga hurmatni tarbiyalash va o'zbo'larmonchilik hamda korrupsiyaga qarshi qat'iy kurashish zaruriyati tobora ortib bormoqda. O'zibo'larchilik va huquqiy savodsizlikni yo'qotish bo'yicha barcha sa'y-harakatlarning muhim qismini fuqarolarning huquqiy tarbiyasi tashkil etadi. Huquqiy tarbiya — bu faqatgina huquq haqida ma'lumot olish yoki formal bilimlar to'plami emas, balki qonunchilikning asosiy tamoyillarini ongli ravishda o'zlashtirish, olingan bilimlarni shaxsiy e'tiqodga aylantirish, qonunlarga qat'iy rioya qilish va ularni ichki ehtiyoj hamda odatga aylantirish jarayonidir.

**Xulosa.** Ta'lim muassasalarida yangi qabul qilinayotgan qonun hujjatlari yuzasidan keng ma'noda tushuntirishlarni olib borish, ma'ruza mashg'ulotlarini, tanlovlarni o'tkazish ham

talabalarda huquqiy madaniyatni rivojlantirishga xizmat qiladi. Tadbirlarni tashkil etishda zerikarli bo'lib qolmasligi uchun huquqshunos olimlar, huquqni muhofaza qilish xodimlari, xususan, sud, prokuratura, soliq, advokaturada faoliyat olib boruvchi xodimlarni taklif etib turish muhim ahamiyatga ega.

Yoshlarni huquqiy tarbiyalash quyidagilarga yo'nalishlarda ish olib borilish zarur deb hisoblaymiz: 1) maktabgacha ta'lim muassasalarida huquqiy ta'lim va tarbiya tizimini samarali tashkil etish va amalga oshirish; 2) umumiy o'rta ta'lim muassasalarida huquqiy ta'lim tizimini yangilash va takomillashtirish; 3) oliy ta'lim muassasalarida tabaqalashtirilgan huquqiy ta'limni joriy etish; 4) malaka oshirish va qayta tayyorlash tizimi muassasalarida huquqiy ta'lim tizimini takomillashtirish.; 5) maktabdan tashqari ta'limda huquqiy ta'lim masalalariga jiddiy e'tibor qaratish.

Huquqiy tarbiyani tashkil etishning zamonaviy usullarini tatbiq qilishda huquqiy tarbiya subyektlari e'tibor qaratishi lozim bo'lgan jihatlar:

*birinchidan*, huquqiy tarbiyada yangi usul hamda vositalarni qo'llash bugungi kunga qadar shakllangan va jamiyat hayotida sinovdan o'tgan usul va vositalardan to'laligicha voz kechish evaziga amalga oshirilmasligi;

*ikkinchidan*, huquqiy tarbiyani tashkil etishning zamonaviy usullarini ishlab chiqish va amaliyotga tatbiq etishda xorijiy davlatlar erishgan ijobiy yutuqlarning inobatga olinishi;

*uchinchidan*, huquqiy tarbiyaning zamonaviy usullarini ishlab chiqish va qo'llash hamda zamonaviy tarbiya usullarini yaratish yuzasidan chora-tadbirlar, dastur va boshqa mexanizmlarga doir takliflarni tayyorlashda jamoat tashkilotlari faol ishtirokining ta'minlanishi;

*to'rtinchidan*, huquqiy tarbiyaning zamonaviy usullari jamiyatda mavjud ijtimoiy-siyosiy va huquqiy vaziyatga, shuningdek, aholining huquqiy dunyoqarashlari va barkamolligiga bog'liqligi;

*beshinchidan*, huquqiy tarbiyani tashkil etishning zamonaviy usullari tatbiq etishda milliy tarbiyamizdagi mavjud bo'lgan usul va vositalardan foydalanib, unda mavjud bo'lgan ijobiy va salbiy jihatlarni tizimli tahlil etish orqali yaratiladi hamda qo'llaniladi.

#### Adabiyotlar/Литература/References:

1. Mirziyoyev Sh.M. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta'minlash – yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganligining 24-yilligiga bag'ishlangan tantanali marosimdagi ma'ruzasi. // O'zbekiston Milliy axborot agentligining veb-sayti – <http://uza.uz>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда
3. Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. Дарслик. 2-том / Масъул муҳаррир академик Ш.З.Ўразаев – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1998. –Б.49-50.
4. Boymirzayeva Raximaxon. "Formation of legal awareness and legal culture in the training system of public education employees". Ilmiy maqola. Jamiyat va innovatsiyalar-Общество и инновации-Society and innovations. Jurnal.2023- yil, 1-son.4-jild.150-bet.

5. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 9-yanvardagi “Jamiyatda huquqiy ong va huquqiy madaniyatni yuksaltirish tizimini tubdan takomillashtirish to‘g‘risida”gi PF-5618-farmoni. <https://lex.uz/docs/4149765>

**Received:** 20 December 2024

**Accepted:** 5 January 2025

**Published:** 15 January 2025

*Article / Original Paper*

## **ARTIFICIAL INTELLIGENCE, ROBOTICS AND LAW: THE IMPACT OF ARTIFICIAL INTELLIGENCE ON SECURE CYBERSECURITY SYSTEMS**

**Mirzakarimova Dilafruz Doniyorovna,**

Fergana State University

Lecturer, Department of Legal Education

**Abstract.** Today, data rules the world, so protecting data from cyberattacks is of paramount importance. Also, internet networks, software, and hardware are protected by cybersecurity systems, but as threats in cyberspace increase day by day, traditional algorithms against them are becoming ineffective. In addition, the increase in cyberattacks has made it necessary to create advanced cybersecurity methods that are smarter and more robust. Given the current state of cybersecurity, experts are seriously considering artificial intelligence as a potential area that can support advances in traditional cybersecurity techniques. Also, behavioral analysis methods based on artificial intelligence improve access systems by detecting anomalies and deviations from expected behavior. Methods for detecting malware, preventing threats, and providing a high level of protection through artificial intelligence are studied.

**Keywords:** data protection, cybersecurity, artificial intelligence, cyberattacks, data access, intrusion detection.

## **SUN'IY INTELLEKT, ROBOTOTEXNIKA VA HUQUQ: SUN'IY INTELLEKTNING XAVFSIZ KIBERXAVFSIZLIK TIZIMLARIGA TA'SIRI**

**Mirzakarimova Dilafruz Doniyorovna,**

Farg'ona davlat universiteti

Huquq ta'lim kafedrasida o'qituvchisi

**Annotatsiya.** Bugungi kunda ma'lumotlar dunyoni boshqarmoqda, shu sababli kiberhujumlardan ma'lumotlarni himoya qilish muhim ahamiyatga egadir. Shuningdek, internet tarmoqlari, dasturiy ta'minotlar va texnik vositalar kiberxavfsizlik tizimlari bilan himoyalangan, ammo, kibermakonda tahdidlarning kundan-kunga ortib borishi natijasida ularga qarshi an'anaviy algoritmlar samarasiz bo'lib bormoqda. Bundan tashqari, kiberhujumlarning ko'payishi yanada aqlli va mustahkamroq bo'lgan ilg'or kiberxavfsizlik usullarini yaratishni zaruratga aylantirdi. Kiberxavfsizlikning hozirgi holatini hisobga olsak, mutaxassislar sun'iy intellektni an'anaviy kiberxavfsizlik texnikasidagi yutuqlarni qo'llab-quvvatlashi mumkin bo'lgan potensial soha sifatida jiddiy qarashadi. Shuningdek, sun'iy intellektga asoslangan xulq-atvorni tahlil qilish usullari anormalliklarni va kutilgan xatti-harakatlardan chetga chiqishni aniqlash orqali kirish tizimlarini yaxshilaydi. Sun'iy intellekt orqali zararli dasturlarni aniqlash, xavfni oldini olish va himoyani yuqori darajada ta'minlash usullari o'rganiladi.

**Kalit so'zlar:** ma'lumotlarni himoya qilish, kiberxavfsizlik, sun'iy intellekt, kiberhujumlar, ma'lumotlarga kirish, kirishni aniqlash.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V5I1Y2025N47>

**Kirish.** Sun'iy intellektning xavfsiz kiberxavfsizlik tizimlariga ta'siri bugungi texnologik jihatdan rivojlangan dunyoda sun'iy intellektdan foydalanish sanoatning turli sohalarida tobora kengayib bormoqda. Katta hajmdagi ma'lumotlarni tahlil qilish va murakkab vazifalarni bajarish qobiliyati bilan sun'iy intellekt hayotimizning ko'p jabhalarida inqilob qilish imkoniyatiga ega sanaladi. Sun'iy intellekt — bu inson aqli jarayonlarini mashinalar, ayniqsa

kompyuter tizimlari tomonidan simulyatsiya qilishdir. U mashinani o'rganish, tabiiy tillarni qayta ishlash va kompyuterni tahlil qilish kabi keng ko'lamli mexanizmlarni o'z ichiga oladi. Sun'iy intellekt kuchidan foydalangan holda kiberxavfsizlik tizimlarini kibertahdidlardan himoyalash jarayonini sezilarli darajada oshirishi mumkin. Kiberxavfsizlik tizimlarida sun'iy intellektdan foydalanishning asosiy afzalliklaridan biri bu real vaqt rejimida katta hajmdagi ma'lumotlarni tahlil qilish imkoniyatidir.[1]

An'anaviy kiberxavfsizlik choralari ko'pincha tarmoqlar va qurilmalar tomonidan yaratilgan katta hajmdagi ma'lumotlar bilan kurashadi. Sun'iy intellektga asoslangan tizimlar ushbu katta hajmdagi ma'lumotlarni tizimli tahlil qilib e'tiborga olinmaydigan shakl va anomaliyalarni aniqlashi mumkin. Bu shuni anglatadiki, potensial kibertahdidlarni tezroq aniqlash va zararsizlantirish, maqsadli tizimga ta'sirini minimallashtirish mumkin. Bundan tashqari, sun'iy intellekt yangi hujum usullarini o'rganish va moslashish qobiliyatiga ega hisoblanadi. Xakerlar mavjud xavfsizlik choralarni chetlab o'tish uchun to'xtovsiz ravishda o'z usullarini rivojlantirmoqda. Shuningdek, sun'iy intellektga asoslangan kiberxavfsizlik tizimlari oldingi hujumlardan saboq olishi, yangi shakllarni aniqlashi va shunga mos ravishda ularning himoyasini sozlashi mumkin. Bunday moslashuvchanlik tashkilotlarning kiberjinoyatchilardan bir qadam oldinda bo'lishini ta'minlaydi, ularning qimmatli ma'lumotlari va resurslarini samarali himoya qiladi.[2] Kiberxavfsizlikda sun'iy intellektdan foydalanishning yana bir muhim afzalligi uning oddiy vazifalarni avtomatlashtirish imkoniyatidir. An'anaviy kiberxavfsizlik choralari doimiy monitoring va inson aralashuvini talab qiladi, bu ko'p vaqt talab qilishi va murakkab xatoliklarni keltirib chiqarishi mumkin. Ushbu jarayonlarni avtomatlashtirish orqali sun'iy intellekt muhimroq vazifalarga e'tibor qaratish uchun qimmatli inson resurslari o'rnini to'ldiradi. Bu nafaqat operatsion samaradorlikni oshiradi, balki xakerlar tomonidan ishlatilishi mumkin bo'lgan inson xatosi xavfini ham kamaytiradi.

**Metodologiya.** Kiberxavfsizlikda sun'iy intellektning potensial afzalliklari aniq bo'lsa-da, uni amalga oshirish bilan bog'liq qiyinchiliklar va xavflarni tan olish muhimdir. Shuningdek, xavotirlardan biri bu sun'iy intellekt bilan ishlaydigan tizimlarning murakkabligidir. Bundan tashqari, sun'iy intellektga tayanish yangi zaifliklar va hujum vektorlarini ham kiritishi mumkin. Kiberxavfsizlik bo'yicha mutaxassislar hushyor bo'lishlari va sun'iy intellekt asosidagi kiberxavfsizlik choralarining doimiy samaradorligini ta'minlash uchun paydo bo'ladigan tahdidlardan oldinda turishlari juda muhim sanaladi. Umuman olganda sun'iy intellektning xavfsiz kiberxavfsizlik tizimlariga ta'sirini kamaytirib bo'lmaydi. Biroq, kiberxavfsizlikda sun'iy intellektni tatbiq etish bilan bog'liq bo'lishi mumkin bo'lgan muammolarni hal qilish lozim sanaladi. Shunday qilib, tashkilotlar o'zlarining raqamli aktivlarini doimiy xavfsizligini ta'minlab, sun'iy intellekt kuchidan foydalanishlari muhim hisoblanadi.[3]

**Kengaytirilgan tahdidlarni aniqlash:** sun'iy intellektga asoslangan tizimlar katta hajmdagi ma'lumotlarni tahlil qilishi va potensial kibertahdidlarni ko'rsatishi mumkin bo'lgan shakllarni aniqlashi mumkin. Bu xavfsizlik tizimlarini hujumlardan himoyalashga yordam beradi.

**Avtomatlashtirilgan javobgarlik:** sun'iy intellekt xavfsizlik hodisalariga avtomatlashtirilgan javoblarni berishi mumkin, bu tahdidlarni bartaraf etish uchun ketadigan vaqtni qisqartiradi va kiberhujumlar ta'sirini minimallashtiradi.

**Xulq-atvor tahlili:** sun'iy intellekt foydalanuvchilarning xatti-harakatlarini tahlil qilish va ruxsatsiz kirish yoki zararli faoliyatni ko'rsatishi mumkin bo'lgan anomalialarni aniqlash uchun ishlatilishi mumkin.

**Prognozli tahlil:** sun'iy intellekt algoritmlari tarixiy ma'lumotlar va tendensiyalar asosida potensial xavfsizlik tahdidlarini bashorat qilishga yordam beradi va hujumlarning oldini olish uchun faol choralar ko'rish imkonini beradi.

**Moslashuvchan xavfsizlik:** sun'iy intellekt doimiy ravishda yangi tahdidlarni o'rganishi va ularga moslashishi mumkin, bu esa kiberxavfsizlik tizimlarini rivojlanayotgan kibertahdidlardan himoya qilishda mustahkamroq va samaraliroq bo'lish imkonini beradi.[4]

Umuman olganda, sun'iy intellektning kiberxavfsizlik tizimlariga integratsiyalashuvi tashkilotlarning umumiy xavfsizlik holatini yaxshilashi va murakkab kiberhujumlardan himoya qilish qobiliyatini oshirishiga yordam beradi.

**Natijalar.** Amerika Qo'shma Shtatlari va Hindiston kiberxavfsizlik choralarini kuchaytirish uchun sun'iy intellektdan foydalanishda sezilarli yutuqlarga erishdi. Ularning tajribasi va natijalarini tahlil qilish orqali biz muhim ma'lumotlarni himoya qilishda sun'iy intellekt integratsiyasi bilan bog'liq potensial foyda va muammolar haqida qimmatli tushunchalarga ega bo'lishimiz mumkin. Sun'iy intellektning kiberxavfsizlikdagi asosiy afzalliklaridan biri uning tahdidlarni misli ko'rilmagan tezlikda aniqlash va javob qaytarish imkoniyatidir. An'anaviy kiberxavfsizlik tizimlari potensial hujumlarni tahlil qilish va ularga javob berish uchun asosan inson aralashuviga tayanadi.[4]

Sun'iy intellekt va robototexnika sanoatini huquqiy tartibga solishga misol sifatida biz sun'iy intellekt sohasida Yevropa va jahon yetakchisi bo'lish niyatini ilgari surgan Fransiyani misol qilib keltirishimiz mumkin. 2018-yilda Milliy assambleya a'zosi Serdik Villani boshchiligida tayyorlangan hisobot asosida Prezident Emmanuel Makron mamlakatning sun'iy intellekt bo'yicha milliy strategiyasini ma'qulladi, u 2023-yilgacha SI sohasida tadqiqot va innovatsiyalarni rivojlantirish va rag'batlantirish uchun 1,5 milliard yevro sarmoya kiritishni nazarda tutadi. Strategiya to'rtta aniq sohaga yo'naltirilishiga qaror qilindi: sog'liqni saqlash, transport, atrof-muhit va atrof-muhitni muhofaza qilish, xavfsizlik. Buning sababi, kompaniyalar global miqyosda muhim rol o'ynashi mumkin bo'lgan sohalarda sun'iy intellektda nisbiy ustunlik va vakolatlar salohiyatini yo'naltirish, shuningdek, ushbu texnologiyalar jamoat manfaatlarini uchun muhimligi va boshqalarni nazarda tutadi.[5]

Biroq, sun'iy intellektning joriy etilishi bilan jarayon avtomatlashtirilgan bo'lib, real vaqtda tahdidlarni aniqlash va ularga javob berish imkonini beradi. Bu nafaqat muhim vaqtni tejaydi, balki inson xatosi ehtimolini ham kamaytiradi. Bundan tashqari, shakllar va tendensiyalarni doimiy ravishda tahlil qilish orqali ushbu tizimlar tahdidlarni aniqlash va zararsizlantirishda yaxshi jihozlanadi. Bu shuni anglatadiki, kiberjinoyatchilar yangi usul va strategiyalarni ishlab chiqar ekan, sun'iy intellektga asoslangan tizimlar tezda moslasha oladi va ularga qarshi tura oladi.

Shuningdek, Amerika Qo'shma Shtatlari kontekstida tarmoqlar ichidagi zararli harakatlarni aniqlash uchun murakkab sun'iy intellekt algoritmlari qo'llanilgan. Ushbu algoritmlar aniqlash imkoniyatlarini doimiy ravishda yaxshilash uchun mashinani o'rganish usullariga tayanadi. Biroq, shuni tan olish kerakki, sun'iy intellektning kiberxavfsizlikda integratsiyalashuvi muammolardan xoli emas. Asosiy tashvishlardan biri bu sun'iy intellekt tizimlarining o'zlari dushmanlar tomonidan nishonga olinishi mumkin. Kiberjinoyatchilar

sun'iy intellekt algoritmlaridagi zaifliklardan foydalanishga urinishlari mumkin, bu salbiy oqibatlariga olib keladi.[7] Natijada butun xavfsizlik infratuzilmasiga zarar yetishi mumkin. Ushbu zaifliklarni bartaraf etish va kiber tahdidlardan oldinda turish uchun sun'iy intellekt tizimlarini doimiy ravishda yangilab turish doimiy hushyorlik va innovatsiyalarni talab qiladi. Sun'iy intellekt tizimlari o'rganish va samarali ishlash uchun katta hajmdagi ma'lumotlarni talab qiladi. Bu shaxsiy va maxfiy ma'lumotlarni to'plash, saqlash va ulardan foydalanish bilan bog'liq xavotirlarni keltirib chiqaradi. Shu sababli, sun'iy intellekt foydalanuvchi autentifikatsiyasining xavfsiz usullarini shakllantirish lozim.[8] Bularga quyidagilar kiradi:

- **Yuzni tanish:** sun'iy intellektga asoslangan tizimlar sizning noyob yuz xususiyatlaringizni tahlil qiladi va ularni infraqizil texnologiya orqali minglab nuqtalar bilan xaritaga tushiradi. Mashinani o'rganish bilan ushbu tizimlar hatto eng kichik yuz tafsilotlarini aniqlab, saqlashi mumkin, bu esa smartfonlardan tortib aeroport xavfsizligigacha bo'lgan hamma narsa uchun juda ishonchli autentifikatsiya usuliga aylanishi mumkin.

- **Barmoq izini aniqlash:** oldingi smartfonlar bilan bog'liq bo'lishiga qaramay, sun'iy intellekt asosida ishlovchi barmoq izi texnologiyasi yanada aqlli bo'lib bormoqda. Barmoq izlarining eng nozik naqshlariga ham sezgir bo'lgan bu tizimlar yuqori darajadagi aniqlikni ta'minlaydi.

- **Ovozni aniqlash:** sun'iy intellekt insonga xos "ovozli chop etish" yaratish uchun ohang va ovoz balandligini, o'z ichiga olgan noyob vokal naqshlaringizni tahlil qilishi mumkin.

- **Xulq-atvor biometrikasi:** sichqoncha harakati, yozish tezligi va qurilmalar bilan o'zaro aloqasi kabi foydalanuvchi xatti-harakatlarini tahlil qilish orqali sun'iy intellekt foydalanuvchi profilini yaratishi mumkin. Keyinchalik, ushbu o'rnatilgan harakatlardan chetga chiqish sodir bo'lganda, algoritmlar ularni qo'shimcha ravishda tekshirishdan o'tkazadi.

- **Kontekstli autentifikatsiya:** sun'iy intellekt tomonidan boshqariladigan kiberxavfsizlik tizimlari foydalanuvchini autentifikatsiya qilishda kontekstual ma'lumotlarni ko'rib chiqadi. Misol uchun, agar foydalanuvchi odatda tarmoqqa Toshkentdan kirsam, lekin birdan Qo'qon shahridan o'z hisobiga kirishga harakat qilsam, tizim qo'shimcha tekshirish bosqichlarini talab qiladi.[9]

- **Xavfga asoslangan autentifikatsiya:** Ma'lumotlarni yig'ish (va doimiy ravishda tahlil qilish) orqali mashinani o'rganish algoritmlari xavf ballarini yaratishi mumkin — onlayn harakatga uning sezilgan xavf-xatariga qarab qiymat belgilaydi. Tranzaksiya yoki o'zaro ta'sirning xavf darajasi ma'lum chegaradan oshib ketganda, sizdan avtomatik ravishda qo'shimcha ma'lumot berish talab qilinadi.[10]

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, sun'iy intellektning xavfsiz kiberxavfsizlik tizimlariga integratsiyalashuvi muhim ma'lumotlarni himoya qilish va kibertahdidlarga qarshi kurashishda ulkan imkoniyatga ega. Biroq, zaifliklar va axloqiy mulohazalar kabi kiberxavfsizlikda sun'iy intellekt bilan bog'liq muammolarni bilish juda muhimdir. Ushbu muammolarni hal qilish va sun'iy intellekt kuchidan mas'uliyat bilan foydalanish orqali biz kiberxavfsizlik himoyasini kuchaytirishimiz va xavfsizroq raqamli muhitni yaratishimiz mumkin.[11]

**Muhokama.** Kiberxavfsizlikda sun'iy intellekt deganda sun'iy intellektga asoslangan texnologiya (jumladan, ilg'or mashinani o'rganish algoritmlari va hisoblash modellari) kibertahdidlardan himoyalanihga yordam beradi. Sun'iy intellekt tomonidan qo'llab-quvvatlangan kiberxavfsizlik tizimlari xatti-harakatlardagi anomaliyalarni aniqlay oladi,

voqealarga real vaqt rejimida javob beradi va biznes yoki shaxsiy hayotga moliyaviy zarar yetkazishidan oldin aniqlashi mumkin. Kiberxavfsizlikda sun'iy intellekt insonlarga nisbatan tezroq, aniqroq va kengaytirilgan yondashuvni taklif qilishiga qaramay (uning ovqatlanishi, uxlashi, kofe tanaffuslari yoki ta'tilga chiqishlari shart emasligini hisobga olsak ham), u o'rganish va tahlil qilish qobiliyatiga ega hisoblanadi.[12]

Buning sababi, sun'iy intellektga asoslangan xavfsizlik tizimi o'z tizimiga kiritilgan har bir ma'lumotni va duch keladigan har qanday tahdidni o'rganadi. Sun'iy intellekt kiberxavfsizlik vositalari rivojlanayotgani kabi, sun'iy intellekt tomonidan boshqariladigan tahdid vektorlari ham rivojlanib bormoqda, bu esa kiberhujum va manipulyatsiyaning tobora ortib borayotgan, doimiy rivojlanib borayotgan usullariga olib keladi. Bularga quyidagilar kiradi:

- **Deepfakes:** sun'iy intellekt tomonidan yaratilgan tasvirlar yoki audiolar, ular qilmagan narsalarni qilish yoki aytishga taqlid qilish, ijtimoiy muhandislik hujumlarini faollashtirishi mumkin. Kiberjinoyatchi tashkilot ichida mashhur shaxs sifatida taqlid qiluvchi kontent yaratishi va undan o'z xodimlarini korporativ maxfiy ma'lumotlarni oshkor qilish uchun manipulyatsiya qilish uchun foydalanishi mumkin.[13]

- **Parolni buzish:** biz oldin muhokama qilgan shafqatsiz kuch hujumlarini ko'rib o'tganmiz, bu yerda xakerlar foydalanuvchi hisobiga ruxsatsiz kirish uchun turli xil parol kombinatsiyalarini sinab ko'rishadi. Bu jarayonni sun'iy intellekt bilan avtomatlashtirish mumkin. Bundan ham yomon, mashinani o'rganish algoritmlari buzilgan ma'lumotlardan muvaffaqiyatli buzilgan parollar namunalaridan foydalanib, yangilarini yanada samaraliroq miqyosda topishi mumkin.[14]

- **Model inversiya hujumlari:** bu tajovuzkorlar zararsiz natijalardan muhim ma'lumotlarni olish orqali mashina o'rganish modellarini teskari muhandislik qilish uchun sun'iy intellektidan foydalanadilar. Sun'iy intellektning ijobiy afzalliklarini zararli vositalar uchun qayta ishlatish orqali kiberjinoyatchilar sun'iy intellektning eng katta yutuqlaridan biri — avtomatlashtirishdan foydalanishlari mumkin.[15]

Malakali kiberjinoyatchilar ommaviy va ijtimoiy media ma'lumotlarini algoritmlarga kiritishlari va ulardan shaxsiylashtirilgan va ishonchli fishing xabarlarini yaratish uchun foydalanishlari mumkin. Sun'iy intellektga asoslangan chatbotlar allaqachon ko'plab onlayn-do'konlarning o'ziga xos xususiyati bo'lib, ular yaxshi maqsadda foydalanilganda, mijozlarga ma'lumot bilan yordam berishi, ularni veb-saytning to'g'ri qismiga yo'naltirishi yoki ularni jonli qo'llab-quvvatlash agentiga ulashi mumkin. Biroq, yomon maqsadlarda foydalanilganda, chatbotlar foydalanuvchilarni maxfiy ma'lumotlarni oshkor qilish yoki zararli havolalarni bosish uchun aldashi mumkin.[16]

Sun'iy intellektning kiberxavfsizlikdagi asosiy rollaridan biri tahdidlarni aniqlash va oldini olishdir. Sun'iy intellektga asoslangan tizimlar uzluksiz ravishda tarmoq trafiginu kuzatib boradi, anomaliyalar va potensial tahdidlarni aniqlaydi. Ushbu tizimlar zararli faoliyatni ko'rsatadigan shakllarni qidirib, ulkan ma'lumotlar to'plamini osongina nazoratdan o'tkazishi mumkin.[17] Shuningdek, rekord vaqt ichida katta ma'lumotlar to'plamlarini tashkil qilish va tushunish qobiliyati tufayli Big Data tahlillari va ma'lumotlar tushunchalarida ajoyib foydalanishni topishi mumkin. Kiberxavfsizlikda sun'iy intellektidan foydalanish tahdidlarni aniqlash va oldini olish imkoniyatlarini sezilarli darajada oshirishga xizmat qiladi.

### **Qonunchilikka takliflar:**



1. O'zbekiston Respublikasida hozirgi kunda Sun'iy intellekt bilan bog'liq sanoqli normativ-hujjatlar mavjud. Jumladan, Vazirlar Mahkamasining 29.11.2021-yildagi "Sun'iy intellekt texnologiyalarini qo'llab-quvvatlash uchun maxsus rejim tashkil etish va uning faoliyatini yo'lga qo'yish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi 717-sonli qarori; O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 26.08.2021-yildagi Sun'iy intellekt texnologiyalarini qo'llash bo'yicha maxsus rejimni joriy qilish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-5234-sonli qarori; Vazirlar Mahkamasining 31.07.2021-yildagi "Raqamli texnologiyalar va sun'iy intellektni rivojlantirish ilmiy-tadqiqot instituti faoliyatini tashkil etish to'g'risida"gi 475-son qarori; O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 17.02.2021-yildagi "Sun'iy intellekt texnologiyalarini jadal joriy etish uchun shart-sharoitlar yaratish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-4996-sonli qarori. Yuqorida keltirilgan normativ hujjatlarni yetarli deb hisoblash qiyin. Ayniqsa kiberxavfsizlikni ta'minlashda sun'iy intellektdan foydalanish bilan bog'liq munosabatlarni tartibga soluvchi normalar ishlab chiqilishi kerak. Sohaga oid huquqiy bazani shakllantirish va takomillashtirish taklif etiladi.

2. Kiberxavfsizlik bo'yicha milliy standartni ishlab chiqish va uni amaliyotga joriy etish taklif etiladi. Standartda sun'iy intellekt bilan bog'liq foydalanishga oid etikalarni belgilash kerak. Masalan, sun'iy intellekt tomonidan zararli kodlar yozilishini cheklab qo'yish lozim bo'ladi.

**Xulosa.** Bugungi raqamli asrda sun'iy intellekt kiberxavfsizlik landshaftini o'zgartirishi mumkin deyish xato deyishimiz mumkin, sun'iy intellekt allaqachon kiberxavfsizlikni o'zgartirmoqda deyish to'g'riroq bo'ladi. Biroq, sun'iy intellekt allaqachon kiberxavfsizlikni keskin va qaytarib bo'lmaydigan darajada o'zgartirdi, deb aytish kelgusi avlodlar shunday qilishda davom etishini anglatadi.

Yuqoridagilardan kelib chiqib, sun'iy intellekt sanoatga ijobiy ta'sir ko'rsatadi, ammo, ba'zilari uni haqiqatan ham asosiy oqimga aylantirish uchun muammolarni hal qilish kerak. Hozirgi vaqtda sanoat kompaniyalari asosiy e'tiborini kibertahdidlarni aniqlashga qaratgan, lekin, texnologiya o'sib borishi bilan u boshqa sohalarga ham kirib bormoqda. Sun'iy intellekt yanada samaraliroq bo'lib borishi natijasida odamlar uning qanday ishlashini yaxshiroq tushunishlari mumkin. U sodir etilishi mumkin bo'lgan yangi tahdidlarni bashorat qilish va hujumlardan faol himoya qilish imkoniyatiga ega sanaladi.

Shu bilan birga, xakerlar rivojlanishda davom etar ekan, bu ularni texnologiyalardan o'z manfaati va afzalliklari uchun foydalanishlarini anglatadi. Shu sababli bu xavfsizlik tahlilchilari uchun muhim ahamiyatga ega sanaladi. Ammo, kiberjinoyatchilarni yengish uchun bizdan eng samarali usullarni yaratish talab etiladi. Ushbu muammolarga samarali yechim, sun'iy intellektga asoslangan xavfsizlik devorlari, antiviruslar, fishingni aniqlash dasturlarini yaratish va sun'iy intellekt tomonidan boshqariladigan xatti-harakatlarning tahlili vositalaridan iborat bo'lishi lozim.

Bundan tashqari, sun'iy intellekt tomonidan boshqariladigan biometrik autentifikatsiya usullaridan, jumladan barmoq izi, ovoz va yuzni tanib olish PIN-kodlar yoki parollar bilan birgalikda foydalanish maqsadga muvofiq hisoblanadi.

#### **Adabiyotlar/Литература/References:**

1. Samtani, S., Zhao, Z. and Krishnan, R., 2023. Secure Knowledge Management and Cybersecurity in the Era of Artificial Intelligence. *Information Systems Frontiers*, 25(2), pp.425- 429.

2. “Kiberjinoatchilikka qarshi kurashishga oid milliy va xalqaro standartlar” N.S.Salayev, R.N.Ro‘ziyev Toshkent – 2018 B-22.
3. “Kiberxavfsizlik asoslari”, S.K.Ganiev, A.A.Ganiev, Z.T.Xudoyqulov, Toshkent 2020 B.42.
4. Raximov, S. Sun’iy intellekt va raqamli transformatsiya: Sanoatni rivojlantirishdagi yangi imkoniyatlar. O‘zbekiston Texnologiyalar Ilmiy Jurnal. 2021-yil. 12(4). 78-89 bet.
5. Sun’iy intellekt javobgarligining axloqiy va huquqiy taomillari. Sardor Bozarov, DOI:[10.47689/2181-1415-vol3-iss3-pp48-56](https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol3-iss3-pp48-56) License [CC BY 4.0](https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/).
6. Rani, V., Kumar, M., Mittal, A. and Kumar, K., 2022. Artificial Intelligence for Cybersecurity: Recent Advancements, Challenges and Opportunities. Robotics and AI for Cybersecurity and Critical Infrastructure in Smart Cities, pp.73-88.
7. Turransky, A. and Amini, M.H., 2022. Artificial Intelligence and Cybersecurity: Tale of Healthcare Applications. Cyberphysical Smart Cities Infrastructures: Optimal Operation and Intelligent Decision Making, pp.1-11. applications of artificial intelligence in cybersecurity. Minds and machines, 29, pp.187-191.
8. Alhayani, B., Mohammed, H.J., Chalooob, I.Z. and Ahmed, J.S., 2021. Effectiveness of artificial intelligence techniques against cyber security risks apply of IT industry. Materials Today: Proceedings, 531.
9. Bresniker, K., Gavrilovska, A., Holt, J., Milojicic, D. and Tran, T., 2019. Grand challenge: applying artificial intelligence and machine learning to cybersecurity. Computer, 52(12), pp.45-52.
10. Taddeo, M., 2019. Three ethical challenges of applications of artificial intelligence in cybersecurity. Minds and machines, 29, pp.187-191.
11. Kiberxavfsizlik, raqamli huquq va hisob gigiyena – kiberjinoatchilikka qarshi muqobil yechim. Javlon Zoilboyev. 2022 yil avgust Obshchestvo va innovatsii 3(6/S):12-24 DOI: 10.47689/2181-1415-vol3-iss6/S-pp12- LitsenziyaCC BY 4.0 See discussions, stats, and author profiles for this publication at: <https://www.researchgate.net/publication/362407860>.
12. Ponemon Institute. (2019). Cost of Data Breach Study: Global Analysis. Retrieved from <https://www.ibm.com/security/data-breach>.
13. International Telecommunication Union. (2020). Global Cybersecurity Index: Country Rankings. Retrieved from <https://www.itu.int/en/ITU-D/Cybersecurity/Pages/GCI>.
14. Cybersecurity and Infrastructure Security Agency. (2021). Cyber Security Best Practices Guide. Retrieved from <https://www.cisa.gov/cybersecurity-best-practices>.
15. Brenner, S. (2007). Cybercrime Jurisdiction. In Research Handbook on International Law and Cyberspace (pp. 248-281). Edward Elgar Publishing.
16. DeNardis, L. (2014). The Global War for Internet Governance. Yale University Press.
17. Goldsmith, J., & Wu, T. (2006). Who Controls the Internet? Illusions of a Borderless World. Oxford University Press.

**Received:** 20 December 2024

**Accepted:** 5 January 2025

**Published:** 15 January 2025

*Article / Original Paper*

## **CRIMINAL-LEGAL DESCRIPTION OF A SINGLE CRIME**

**Rakhimjonova Nargizaxon Rakhimjonovna,**

Independent researcher at Tashkent State Law University

**Abstract.** This article analyzes the approaches of various scholars to the concept of a single crime, its characteristics, signs, and types. The author also puts forward practical and theoretical proposals in this regard.

**Keywords:** single crime, separate crime, continuing crimes, long-running crimes, compound crimes.

## **YAGONA JINOYATNING JINOYAT-HUQUQIY TAVSIFI**

**Raximjonova Nargizaxon Raximjonovna,**

Toshkent davlat yuridik universiteti

mustaqil izlanuvchisi

**Annotatsiya.** Mazkur maqolada yagona jinoyat tushunchasiga turli olimlar tomonidan yondashuvlar, yagona jinoyatning xususiyatlari, belgilari, ularning turlari tahlil etilgan. Shuningdek, bu borada muallifning amaliy va nazariy takliflari ilgari surilgan.

**Kalit soʻzlar:** yagona jinoyat, alohida jinoyat, davomli jinoyatlar, uzoqqa choʻzilgan jinoyatlar, tarkibli jinoyatlar.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V5I1Y2025N48>

Davomli va uzoqqa choʻzilgan jinoyatlarni tadqiq qilishning dastlabki nuqtasi, avvalo, yagona jinoyat instituti hisoblanadi.

Yagona jinoyatni oʻrganishda, avvalo, uning tushunchasi, huquqiy tabiati, turlari va shakllarini muhokama qilish lozim. Ilmiy adabiyotlarda tadqiqotchilar mazkur tushunchani turlicha nomlagan va haligacha uning oʻziga xos nomi ishlab chiqilmagan.

M.Usmonaliyev, M.X.Rustamboyev, X.Ochilov ushbu tushunchani izohlashda “alohida jinoyat” tushunchasidan foydalanilgan boʻlib, uning turlari va shakllari keltirib oʻtilgan. M.X.Jiyanov “yagona jinoyat” tushunchasidan foydalangan.

N.S.Tagansev oʻz asarlarida ushbu tushunchani yoritishda “yagona jinoyat”, “alohida jinoyat” terminlaridan foydalangan. N.D.Sergeevskiy yagona jinoyat bilan bogʻliq masalalarni “yagona harakat” umumiy nomi bilan koʻrib chiqqan. S.K.Gogel ham “jinoyat huquqidagi yagona harakat” tushunchasidan foydalangan. A.A.Piontkovskiy jinoyatlarning butun guruhini umumiy nom “yagona jinoyat” ostida koʻrib chiqadi va uni jinoyatlar jami tushunchasiga qarshi qoʻyadi[1].

V.P.Malkov dastlab “alohida jinoyat” tushunchasi bilan ishlaydi, uni qavs ichida “yagona jinoyat” deb ataydi. Keyinchalik, u “yagona jinoyat” tushunchasidan ham foydalanadi.

Bizning fikrimizcha, “alohida” soʻzi yagona jinoyatning asl mohiyati va mazmunidan kelib chiqib qaralsa oʻrganilayotgan hodisaning toʻliq, tugal va toʻgʻri nomi emas. Chunki, oʻzbek tilining izohli lugʻatida “alohida” soʻzi “oʻziga mustaqil”, “boʻlak” maʼnolarida keladi. Yagona

jinoyatni o'rganish barobarida shuni guvohi bo'lishimiz mumkinki, uning ham oddiy, ham murakkab shakllari negizini yaxlitlik, tarkibiy qismlarning birlashganligi, ularning ajralmagan holda bir butunligi tashkil etishini ko'ramiz. Shu bois, "yagona jinoyat" termini mazkur tushunchani mazmunan yoritishga, uni "bir qancha jinoyat" tushunchasidan farqlashga to'liq mos keladi.

Yagona jinoyat tushunchasini yoritib berishga uringan ko'plab olimlarning ta'riflarida yagona jinoyatning ayrim xususiyatlari aks etganini ko'rish mumkin. Quyida mazkur tushunchaga berilgan ta'riflarni guruhlarga bo'lib ko'rib chiqamiz. Birinchi yondashuvga ko'ra, yagona jinoyat bir jinoyat tarkibining belgilarini o'z ichiga olgan harakat hisoblanadi.

B.B.Matlyubovning fikricha, "...yagona jinoyat o'zida jinoyatning bitta tarkibini qamrab oladiki, uning alohida belgilari qonunchilik texnikasining o'ziga xosligi tufayli, JKning ham Umumiy, ham Maxsus qismlaridagi bir qancha moddalarda joylashgan bo'lishi kerak".

A.S.Yakubovning fikricha, "yagona jinoyat bir jinoyat tarkibidan iborat va bir modda yoki uning qismi bilan kvalifikatsiya qilinadigan qilmish".

G. G. Krivolapov yagona jinoyat deganda ma'lum bir moddada yoki maxsus qism moddasining bir qismida (bandida) nazarda tutilgan bitta jinoyat tarkibining belgilarini o'z ichiga olgan ijtimoiy xavfli harakatni tushunadi. Shu o'rinda aytish joizki, yagona jinoyat harakatsizlikdan ham sodir etilishi mumkin.

Yuqoridagi olimlarning yagona jinoyat haqidagi fikrlari umumiy jihatdan bitta jinoyat tarkibining mavjudligini ta'kidlasa-da, ularning ta'riflari aniqlik va to'liqlik jihatidan ba'zi kamchiliklarga ega. Xususan, mazkur fikrlar jinoyatning subyektiv va obyektiv tomonini yetarlicha aniq ifoda etmaydi. Qolaversa, ta'riflarda yagona qasd, umumiy maqsad haqida umuman so'z bormagan. Yagona jinoyat bir nechta harakattan iborat bo'lsa ham, ular yagona maqsadga qaratilgan bo'lishi kerak. Yagona jinoyat bir jinoyat tarkibining belgilarini o'z ichiga olgan harakat yoki harakatsizlik deb hisoblansa, ularning ayrimlarini bir qancha jinoyatdan farqlashda muammo bo'lishi mumkin. Misol uchun, JKning 277-moddasida belgilangan bezorilik jinoyatini oladigan bo'lsak, mazkur jinoyat o'zida bir nechta jinoyat belgilarini tashkil etsa-da, yagona jinoyat hisoblanadi, ya'ni bezorilik jamiyatda yurish-turish qoidalarini qasddan mensimaslik, urish-do'pposlash, badanga yengil yoki o'rtacha og'ir shikast yetkazish yoki o'zganing mulkiga shikast yetkazish yoxud nobud qilish natijasida ancha miqdorda zarar yetkazishda ifodalanadi.

R.B.Petuxov "yagona jinoyat deganda bitta jinoyat tarkibining belgilari bilan qoplangan bir yoki bir nechta ijtimoiy xavfli harakatlar (harakatsizlik) tushunilishi kerak", deb hisoblaydi.

Bizningcha ham bir jinoyat tarkibi belgilari bilan qoplangan bir yoki bir nechta harakat yoki harakatsizlik yagona jinoyatning mohiyatiga ko'proq mos tushadi.

Ikkinchi guruh vakillari yagona jinoyatni asosan JKning moddalari va jinoyat tarkibining rasmiy belgilariga bog'laydi.

Jumladan, O.A.Yusupdjanov "Jinoyat qonuni va jinoyat huquqi fani yagona jinoyat tushunchasini JKning muayyan bir moddasida nazarda tutilgan ijtimoiy xavfli qilmish bilan chambarchas bog'laydi. Har bir jinoyat JKning faqat bir moddasi (uning muayyan qismi yoki bandi) bilan tavsiflanishi mumkin", deb hisoblaydi.

V.N.Kudryavsev yagona jinoyatni rasmiy shaklga ko'ra bir jinoyat tarkibi belgilarini o'z ichiga olgan qilmish deb ta'riflansa, moddiy mazmun nuqtai nazaridan yagona jinoyat deganda

uyg'un birlikni tashkil qiladigan, aynan shu shaklda katta ijtimoiy xavfga ega bo'lgan va keng tarqalgan, takrorlanish xususiyati bilan ajralib turadigan xulq-atvorni tushunadi.

Fikrimizcha, mazkur yondashuvning kamchiligi shundaki, u Kodeks moddalarining murakkabligi va ba'zi moddalarda bir nechta jinoyat tarkiblarining mavjudligini inobatga olmaydi.

Uchinchi yondashuv tarafdorlari yagona jinoyatni ta'riflashda material va subyektiv omillarga asoslanadi.

Bu guruhga S.V.Poznyshev, A.A.Gertsenzon, A.M.Yakovlev, M.N. Stanovskiy va qisman V.N.Kudryavsev (moddiy ta'rifi) kiradi. Ularning yondashuvi yagona jinoyatning subyektiv (qasd, maqsad, motiv) va obyektiv (harakatlarning birligi, natija, obyekt, vaqt oralig'i) belgilariga urg'u beradi.

S.V.Poznyshev yagona jinoyat, avvalo, hujum yo'naltirilgan obyektning yagonaligini nazarda tutishini ta'kidlaydi

V.N.Kudryavsev yagona jinoyatni rasmiy shaklga ko'ra bir jinoyat tarkibi belgilarini o'z ichiga olgan qilmish deb ta'rifladi, moddiy mazmun nuqtai nazaridan yagona jinoyat deganda uyg'un birlikni tashkil qiladigan, aynan shu shaklda katta ijtimoiy xavfga ega bo'lgan va keng tarqalgan, takrorlanish xususiyati bilan ajralib turadigan xulq-atvorni tushunadi. A.A.Gertsenzon "shaxsning yagona qasd, umumiy maqsad bilan birlashtirilgan, bitta obyektga tajovuz qiluvchi, ma'lum bir natijaga erishishga qaratilgan yagona jinoiy qasd bilan harakatni amalga oshirishiga yagona jinoyat deyiladi va ushbu harakat JK maxsus qismining tegishli normasida nazarda tutilgan belgilarga mos keladi", deb hisoblaydi.

Bizning fikrimizcha, obyektning bittaligini yagona jinoyatning tipik belgisi sifatida ko'rib bo'lmaydi, nafaqat yagona jinoyatda, balki bir qancha jinoyat sodir etish orqali ham bitta obyekt zarar ko'rish mumkin. Masalan, o'g'irlik, talonchilik, firibgarlik jinoyatlari bitta obyektga ega jinoyatlar sanaladi, ya'ni o'zganing mulkka bo'lgan huquqi mazkur jinoyatlarning asosiy obyektidir. Qolaversa, yagona jinoyat ko'p obyektli ham bo'lishi mumkin, aytaylik, bosqinchilik jinoyatining bevosita asosiy obyekt sifatida o'zganing mol-mulkini muhofaza qilishni ta'minlovchi ijtimoiy munosabatlar, bevosita qo'shimcha obyekt sifatida esa, shaxsning hayoti yoki sog'lig'i, xavfsizligini ta'minlashga qaratilgan ijtimoiy munosabatlar namoyon bo'ladi, bu vaziyatda bitta umumiy obyekt emas, balki ularning kombinatsiyasi haqida gap ketadi.

A.M.Yakovlev har qanday jinoyatning majburiy belgisi yoki bitta harakat, yoki bitta oqibat yoki bitta harakat va oqibat deb hisoblaydi. Ammo yagona jinoyat ham obyektiv, ham subyektiv mezonlar asosida mavjud bo'lishi kerak. Jinoyatning obyektiv mezonlari – bu harakatning yagonaligi va u bilan bog'liq oqibatlar, yoki bir nechta bir xil harakatlar bilan bitta oqibatni keltirib chiqarish yoki bir xil jinoiy-huquqiy norma bilan qamrab olingan ushbu oqibatlarining bir xilligi sharti bilan bir nechta oqibatlarining mavjudligi.

Yuqoridagi fikrdan yagona jinoyatga yagona harakat sabab bo'ladi, degan xulosaga kelishimiz mumkin. Biroq, qayd etish lozimki, yagona harakat nafaqat yagona jinoyat, balki bir qancha jinoyat tarkibida ham mavjud bo'lishi mumkin. Bunga subyektiv bitta jismoniy harakat bilan bir nechta jinoyatlar tarkibini amalga oshiradigan ideal jinoyatlar jami misol bo'ladi. Bir nechta harakatlardan iborat jinoyatlar ham o'z o'rnida yagona jinoyat deb baholanishi mumkin. Jumladan, nomusga tegish jinoyati – zo'rlik ishlatish, qo'rqitish va nomusga tegish harakatlaridan, talonchilik – hujum va zo'rlikdan; o'z-o'zini o'ldirish darajasiga yetkazish –

jabrlanuvchining shaxsiy qadr-qimmatini muttasil kamsitishdan iborat. Bundan kelib chiqadiki, yagona jinoyat har doim ham yagona harakatdan tashkil topmaydi.

M. N. Stanovskiy yagona jinoyatni “ijtimoiy xavfli, ongli va ixtiyoriy harakat yoki psixologik jihatdan umumiy motiv va yagona maqsad bilan belgilanadigan va ijtimoiy munosabatlarga zarar yetkazadigan subyektning xatti-harakatlarining o‘ziga xos shaklini ifodalovchi o‘zaro bog‘liq harakatlar tizimi, deb izohlaydi.

V.N.Kudryavsev va B.B.Matlyubovlar yagona jinoyatlarni xarakterlovchi eng asosiy belgi sifatida qilmishlar o‘rtasidagi ichki aloqaning mavjud bo‘lishini ko‘rsatadilar [2].

Yagona jinoyatlarning mazkur belgisi muhim ahamiyatga ega, albatta, chunki aynan ana shu belgi tufayli yagona jinoyatlar vujudga keladi.

Biroq, sud-tergov amaliyoti shuni ko‘rsatadiki, jinoyatni yagona deb tan olish uchun faqat ichki aloqaning mavjud bo‘lishi yetarli emas, chunki bir nechta jinoiy harakatlar bitta jinoiy qasdning bosqichlari bo‘lishi mumkin. Masalan, o‘qotar qurolni noqonuniy sotib olish va uning yordamida qasddan odam o‘ldirish bitta jinoiy qasdni amalga oshirish maqsadida ekanligiga qaramay bitta jinoyatni tashkil etmaydi. Vaholanki, bu yerda qilmishlar o‘rtasida ichki aloqadorlik mavjud. Shu bois, jinoyatni yagona deb tan olish uchun yanada kuchli faktorlar talab etiladi.

Biz B.B.Matlyubov, R.B.Petuxov va V.N.Kudryavsevning[3] fikrlariga qo‘shilgan holda, ularning yagona jinoyatga bergan ta‘rifi mazkur tushuncha yuzasidan olib borilgan izlanishlarning ijobiy tomonlarini o‘zida mujassamlashtirganini ta‘kidlab o‘tamiz va shu o‘rinda yuqoridagilardan kelib chiqib yagona jinoyatga o‘zimizning mualliflik ta‘rifimizni taklif etamiz:

“Yagona jinoyat – bu qonunda belgilangan bitta jinoyat tarkibining barcha zaruriy belgilariga to‘liq mos keladigan, yagona qasd va umumiy maqsad bilan, odatda qisqa vaqt oralig‘ida sodir etiladigan ijtimoiy xavfli harakat yoki harakatsizlikdir”.

Adabiyotlarda yagona jinoyatning obyektiv va subyektiv belgilari farqlanadi, biroq ularning talqini bir xilda emas. Masalan, A.P.Kozlov yagona jinoyatning obyektiv belgisiga bir vaqt yoki turli vaqtlarda sodir etilgan harakatlar va ularning natijalarini kiritadi. A.M.Yakovlevning fikricha, yagona jinoyatning obyektiv mezoni yagona (yoki o‘xshash) harakatlarning yagona (yoki o‘xshash) oqibatlarga olib kelishidan iborat[3]. Bizningcha, A.Yakovlevning yagona jinoyatning obyektiv belgilari haqidagi fikrlari bir nechta jinoyatlarni farqlashda aniqlik bermaydi. Chunki, umumiy natija tushunchasi ko‘p ma‘noli bo‘lib, bir obyektga qaratilgan bir nechta huquqbuzarliklarni ham o‘z ichiga olishi mumkin. A.Yakovlev tomonidan taklif qilingan yagona jinoyatning obyektiv belgilari, T.G.Chernenkoning fikricha, asosan oddiy yagona jinoyatlarga tatbiq etiladi, chunki davomli jinoyatlarda harakatlar o‘rtasida funksional bog‘liqlik mavjud emasligi sababli murakkab jinoyatlarga qo‘llanilishi mumkin emas. A.P.Kozlov[3] va A.M. Yakovlevlarning fikricha, yagona jinoyatning subyektiv belgisini faqatgina ayb tashkil etadi. Albatta, yagona jinoyatni aniqlashda qasd va maqsadning roli muhim hisoblanadi. Yagona qasd va maqsad bo‘lmasa, bir nechta harakat yoki harakatsizliklar yagona jinoyat sifatida emas, balki bir nechta alohida jinoyatlar sifatida ko‘rib chiqilishi kerak.

Shuningdek, jinoyat huquqi nazariyasida yagona jinoyatlar oddiy va murakkab turlarga bo‘linadi. M.X.Rustamboevning ta‘kidlashicha, oddiy yagona jinoyatlar bir natijaga olib keladigan bir harakatli (harakatsizlikka ega) jinoyatlar; bir qilmishli va bir nechta oqibatli jinoyatlar; ikki yoki undan ortiq qilmishli jinoyatlar; muqobil qilmishli jinoyatlarga bo‘linadi[4].

Murakkab yagona jinoyatlar esa davomli, uzoqqa cho‘zilgan va tarkibli jinoyatlarni o‘z ichiga oladi. T.A. Kalinina fikricha, yagona jinoyat turlarini aniqlashda uning ichki tuzilishi va qonunda ifodalanish usullarini inobatga olish lozim. Shundan kelib chiqib, yagona jinoyatning ikki turi mavjud: oddiy va murakkab (murakkab jinoyat o‘z ichida tarkibli, uzoqqa cho‘zilgan va davomli jinoyatlarga bo‘linadi). N.N. Kulichenkoning ham ilmiy qarashlarida yagona jinoyatni oddiy va murakkab turlarini ajratib ko‘rsatgan.

Mualliflarning fikrlariga ko‘ra, murakkab yagona jinoyat ikki yoki undan ortiq obyekt, qilmish, oqibat yoki ayb shaklini o‘z ichiga olishi mumkin. Biroq, bu jinoyatlarning tarkibiy qismlari o‘rtasida sababiy bog‘liqlik bo‘lishi kerak, bu esa ularni alohida jinoyatlar yig‘indisi sifatida emas, balki yagona jinoyat sifatida ko‘rishga imkon beradi. B.B.Matlyubovga ko‘ra, “murakkab yagona jinoyatlar tarkibi murakkab bo‘lib, ikki yoki undan ortiq obyekt, qilmish, jinoiy oqibat yoki ayb shakllarini o‘z ichiga oladi”. O.A.Yusupjonovning qarashlariga ko‘ra, murakkab jinoyat uzluksiz va yagona sababiy aloqani aks ettiradi, uning tarkibiy qismlari mustaqil jinoyat hisoblanmaydi. Ushbu jinoyatning tarkibiy qismlari o‘rtasidagi bog‘liqlik uning yagona ekanligini ko‘rsatadi va bu qismlarni alohida jinoyatlar to‘plami deb hisoblashga imkon bermaydi. N.F.Kuznetsovaning ta‘kidlashicha, murakkab jinoyatlar bir necha harakatlardan iborat bo‘lishi yoki mustaqil ahamiyatga ega bo‘lmagan bir qancha mayda zararlarni o‘z ichiga olgan yagona natijaga olib keladigan, yoki alohida usulda yagona zarar yetkazuvchi, yoki aybning ikki shakli bilan ikki zarar yetkazuvchi qilmishdan iborat bo‘lishi mumkin. A.S.Nikiforov esa turli jinoyat harakatlarini birlashtiradigan yoki talab qiladigan jinoyatlarni murakkab jinoyatlarga kiritadi. Murakkab yagona jinoyatga JKning bitta moddasi yoki uning qismi doirasida qaraladi va murakkab obyektiv belgilar (bir nechta harakatlar, davomiylik, bir nechta oqibatlar) yoki murakkab subyektiv tomon (aybning ikki shakli) bilan tavsiflanib, ikki yoki undan ortiq obyektga qaratilgan ijtimoiy xavfli qilmish hisoblanadi.

Yuqoridagi ta‘riflardan kelib chiqib yagona jinoyatning quyidagi asosiy belgilarini ajratib ko‘rsatamiz:

1) yagona jinoyat bir yoki bir nechta o‘zaro bog‘liq harakat yoki harakatsizlikdan iborat bo‘lib, yagona jinoiy natijaga olib keladi; 2) ushbu harakatlar yagona ayb shakli bilan amalga oshiriladi, qasddan sodir etilgan hollarda esa yagona maqsadga yo‘naltirilgan bo‘ladi; 3) yagona jinoyat ijtimoiy ahamiyatga ega bo‘lib, qonunchilikda mustaqil jinoyat sifatida ko‘rib chiqiladi; 4) yagona jinoyat jinoyat qonunchiligi doirasida bitta jinoyat tarkibi sifatida belgilanadi.

Bizning fikrimizcha, berilgan ta‘riflarga tayanib, shuningdek murakkab yagona jinoyatning xususiyatlarini inobatga olib, murakkab yagona jinoyatni quyidagicha tavsiflash lozim: agar JKning Maxsus qismidagi biror modda yoki uning qismida belgilangan jinoyat tarkibining hech bo‘lmaganda bitta elementi ikki yoki undan ortiq bo‘lsa, bunday qilmish (harakat yoki harakatsizlik) murakkab yagona jinoyat hisoblanadi.

#### **Adabiyotlar/Литература/References:**

1. Пионтковский А.А. Учение о преступлении по советскому уголовному праву. М.: Госюриздат, 1961. С.632.
2. Кудрявцев В.Н. Общая теория квалификации преступлений. Второе издание, переработанное и дополненное. – Москва: Юристъ, 2004. – С. 239.
3. Rustambayev M.X. O‘zbekiston Respublikasi jinoyat huquqi kursi. Tom 4. Iqtisodiyot sohasidagi jinoyatlar. Ekologiya sohasidagi jinoyatlar. Hokimiyat, boshqaruv va jamoat birlashmalari organlarining faoliyat tartibiga qarshi jinoyatlar. Darslik. 2-nashr,

- to'ldirilgan va qayta ishlangan – T.: O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Harbiy-  
texnik instituti, 2018. – B.20.
4. Кудрявцев В.Н. Общая теория квалификаций преступлений. Второе издание, переработанное и дополненное. – Москва: Юристъ, 2004. – С. 239.
  5. Козлов А.П. Понятие единичного преступления. Проблемы уголовной ответственности и наказания. Сборник статей. – Красноярск: Издательство Красноярского университета, 1995. – С. 44-45.
  6. Rustambaev M.H. O'zbekiston Respublikasi jinoyat huquqi kursi. I tom. Umumiy qism. Jinoyat to'g'risida ta'limot. – Toshkent. : "Ilm ziyo", 2010. – B.307-309.



**Received:** 20 December 2024

**Accepted:** 5 January 2025

**Published:** 15 January 2025

*Article / Original Paper*

## **LAW APPLICABLE TO CROSS-BORDER RELATIONSHIPS INVOLVING CONSUMERS**

**Dekhkanov Rakhmatilla,**

Senior Lecturer at the Lawyers' Training Center under the  
Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan

**Abstract.** This scientific article contains a theoretical and practical analysis of the law applicable to cross-border relations involving the consumer. Also, proposals were developed by analyzing the importance of applicable law, international practice, and problems in current national legislation.

**Keywords:** consumer, Rome I Regulation, domicile rule, self-defense, choice of law, professional side.

## **ISTE'MOLCHILAR ISHTIROKIDAGI TRANSCHEGARAVIY MUNOSABATLAR UCHUN QO'LLANADIGAN HUQUQ**

**Dehqanov Raxmatilla Mirzaraxmat o'g'li,**

O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi qoshidagi  
Yuristlar malakasini oshirish markazi katta o'qituvchisi  
E-mail: [romdehqanov@gmail.com](mailto:romdehqanov@gmail.com)

**Annotatsiya.** Ushbu ilmiy maqolada iste'molchi ishtirokidagi transchegaraviy munosabatlar uchun qo'llanadigan huquqning nazariy va amaliy tahlilini o'z ichiga olgan. Shuningdek, qo'llanadigan huquqning ahamiyati, xalqaro tajriba va hozirgi kundagi milliy qonunchilikda muammolarni tahlil qilish orqali takliflar ishlab chiqilgan.

**Kalit so'zlar:** iste'molchi, Rim I reglamenti, yashash joy qoidasi, o'zini o'zi himoya qilish, huquqni tanlash, professional tomon.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V5I1Y2025N49>

Chet el elementi bilan murakkablashgan munosabatlar uchun qo'llanadigan huquq kollizion normalar orqali aniqlashtiriladi. Hozirgi kunda iste'molchilar ishtirokidagi transchegaraviy munosabatlar uchun qo'llanadigan huquqni aniqlash muhim hisoblanadi, chunki qo'llaniladigan huquqni aniqlash orqali transchegaraviy iste'molchilar ishtirokidagi munosabatlarni aniq va samarali himoya qilishga imkon beradi. Shartnomaga, shartnoma majburiyatiga, shartnomadan tashqari majburiyatlarga va delikt majburiyatlarga nisbatan qo'llaniladigan huquqni aniqlash bo'yicha xalqaro konvensiya va shartnomalar mavjud bo'lib, ularning aksari umumiy hisoblanadi, ya'ni alohida iste'molchi shartnomalari uchun qo'llanish nazarda tutmaydi. Misol uchun, Birlashgan Millatlar Tashkiloti "Tovarlarni xalqaro sotish shartnomalari bo'yicha" konvensiya O'zbekiston Respublikasi tomonidan ratifikatsiya qilingan bo'lib, xalqaro oldi sotdi shartnomalar uchun qo'llanadigan huquqni belgilab beradi, ammo konvensiyaning 2-moddasida shaxsiy, oilaviy yoki maishiy foydalanish uchun sotib olingan tovarlar, agar sotuvchi shartnomani tuzishdan oldin bunday foydalanish uchun sotib olinganligini bilmagan va bilmasligi kerak bo'lsa tatbiq etilmasligi belgilangan. Konvensiyaning

yuqoridagi moddasi shuni anglatadiki, iste'molchi munosabatlarida ushbu konvensiya tatbiq qilinmaydi. Shuningdek, 1994-yildagi 17-martdagi "Xalqaro shartnomalarga nisbatan qo'llaniladigan huquq to'g'risida"gi Amerikalararo konvensiyaning 1-moddasida agar shartnoma taraflari turli ishtirokchi-davlatlarda doimiy yashash joyi yoki muassasalariga ega bo'lsa yoki shartnoma bir nechta ishtirokchi-davlatlar bilan obyektiv aloqalarga ega bo'lsa, shartnoma xalqaro hisoblanishini va bu shartnomalar davlatlar yoki davlat idoralari yoki tashkilotlari ishtirokchi tuzilgan shartnomalarga nisbatan qo'llanishi ta'kidlangan[1]. O'zbekiston Respublikasida chet el elementi bilan murakkablashgan munosabatlarda iste'molchilar o'rtasida tuzilgan shartnoma uchun qo'llaniladigan huquq O'zbekiston Respublikasining "Elektron tijorat to'g'risida", "Reklama to'g'risida", "Iste'molchilarning huquqlarini himoya qilish to'g'risida"gi Qonunlari va Fuqarolik kodeksida aniq noma sifatida shakllantirilmagan. Chet el elementi bilan murakkablashgan munosabatlarda iste'molchilar o'rtasida tuzilgan shartnoma uchun qo'llanadigan huquq biz nazarimizda, Fuqarolik kodeksining 70-bobi Xalqaro xususiy huquq normalarini fuqarolik-huquqiy munosabatlarga nisbatan tatbiq qilishning umumiy qoidalariga asosan aniqlandi. Misol uchun Fuqarolik kodeksining 1156-moddasi 1-qismiga asosan chet el fuqarolari yoki chet el yuridik shaxslari ishtirokidagi yoxud chet el elementi bilan murakkablashgan fuqarolik-huquqiy munosabatlarga nisbatan qo'llanilishi lozim bo'lgan huquq ushbu Kodeks, boshqa qonunlar, xalqaro shartnomalar va e'tirof etilgan xalqaro taomillar asosida, shuningdek taraflarning kelishuvi asosida belgilanishi, Fuqarolik kodeksining 1181-moddasida bitimning shakli u tuziladigan joy huquqiga bo'ysunishi, Fuqarolik kodeksining 1184-moddasida 1-qismida "ko'chmas va ko'char mol-mulkka nisbatan mulk huquqi hamda boshqa ashyoviy huquqlar, agar qonunda boshqacha tartib nazarda tutilgan bo'lmasa, bu mol-mulk joylashgan mamlakatning huquqi bo'yicha aniqlanishi, Fuqarolik kodeksining 1189-moddasida 1-qismida shartnoma, agar qonunda boshqacha tartib nazarda tutilgan bo'lmasa, taraflarning kelishuviga ko'ra tanlangan mamlakat huquqi bilan tartibga solinishi, Fuqarolik kodeksining 1190-moddasi taraflarning kelishuvi bo'lmagan taqdirda shartnomaga nisbatan qo'llaniladigan huquq belgilangan, ammo Fuqarolik Kodeksi va O'zbekiston Respublikasining boshqa qonun va qonun osti hujjatlarida iste'mol shartnomasi uchun qo'llanadigan huquq alohida belgilanmagan. Bu esa iste'molchining boshqa toifadagi shaxslardan ko'ra zaifroq ekanligi o'z kuchini yo'qotadi.

Iste'molchilarni alohida zaif toifa sifatida ular ishtirokidagi shartnomalarda qo'llanadigan huquqni belgilash Yevropa ittifoqi alohida o'rin tutadi. Shartnoma majburiyatlariga nisbatan qo'llaniladigan huquq to'g'risidagi 1980-yildagi Rim konvensiya Yevropa Ittifoqidagi shartnoma majburiyatlariga nisbatan qo'llaniladigan qonunlarga nisbatan yagona qoidalarni belgilash maqsadida qabul qilingan [2]. Ushbu konvensiya Daniyadan tashqari barcha Yevropa Ittifoqi mamlakatlari orasida shartnoma majburiyatlariga nisbatan qo'llaniladigan qonun to'g'risidagi Yevropa Parlamenti va Kengashning 2008-yil 17-iyunidagi 593/2008-sonli Nizomi bilan almashtirilgan (Rim I Reglamenti deb nomlanadi). Rim konvensiyasi 2009-yil 18-dekabrgacha tuzilgan shartnomalar nisbatan qo'llaniladi [3]. Rim konvensiyasi va Rim I Reglament universal xarakterga ega bo'lib, ularning qoidalari moddiy va vaqtinchalik qo'llash doirasiga kiradigan barcha holatlarga nisbatan qo'llanilishi mumkin. Rim I Reglament 6-moddasida 1-bandida iste'mol shartnomalariga nisbatan qo'llaniladigan huquq berilgan bo'lib, unga ko'ra, jismoniy shaxs tomonidan o'z kasbi yoki kasbi doirasidan tashqarida deb hisoblanishi mumkin bo'lgan maqsadda (iste'molchi) o'z kasbi bilan shug'ullanuvchi

boshqa shaxs (professional) bilan tuzilgan shartnomalarga agar professional tomon iste'molchi doimiy yashash joyi bo'lgan mamlakatda o'zining tijorat yoki kasbiy faoliyatini amalga oshirsa, yoki har qanday yo'l bilan, bunday faoliyatni o'sha mamlakatga yoki bir nechta mamlakatlarga yo'naltirsa, iste'molchi doimiy yashash joyi bo'lgan mamlakat qonunlari bilan tartibga solinadi [4].

O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksida iste'molchilar ishtirokidagi chet el elementi murakkablashgan munosabatlar uchun qo'llanadigan huquq iste'molchining yashash joyi qoidasi belgilanmagan. Chunki, Fuqarolik kodeksida faqatgina umumiy qoidalar belgilangan shaxslar toifasi uchun alohida norma shakllantirilmagan. Iste'molchilar ishtirokidagi chet el elementi murakkablashgan munosabatlar uchun qo'llanadigan huquq iste'molchining yashash joyi belgilanmasligi o'z navbatida bir qancha muammolarni vujudga keltiradi. Misol uchun, elektron savdoda bu aniq ko'zga tashlanadi ya'niki, iste'molchi elektron savdoda qo'llanadigan huquq iste'molchining yashash joyi huquqini tanlash kafolatlanmaganligi iste'molchi o'zini o'zi himoya qilishdan mahrum qiladi. Chunki, iste'molchi o'zi yashayotgan hududda yuridik yordam olmasdan ham o'z huquqlarini qonunga berilgan rasmiy sharhlar va sud amaliyoti orqali himoyala qila olishi mumkin, ammo bu huquq iste'molchida mavjud bo'lmasa, sotib olgan tovar va xizmatlar uchun qo'shimcha mablag'ni sotuvchi joylashgan joydagi yuridik xizmatlar uchun xarajatlar qilishga yoki o'z huquqlarini himoya qilishdan voz kechishiga olib kelishi mumkin.

Bundan tashqari, iste'molchining chet el elementi bilan murakkablashgan munosabatlar uchun qo'llanadigan huquq iste'molchining yashash joyi qoidasi Yevropa Ittifoqi a'zo davlatlardan Shveysariyaning "Xalqaro xususiy huquq to'g'risida"(PILA)gi qonunining 120-moddasida iste'molchi shartnomalariga nisbatan qo'llaniladigan qonun shartnoma tuzilganda iste'molchining doimiy yashash joyi bo'lgan mamlakat ekanligini belgilaydi [5; 15]. Shuningdek, Shimoliy Amerika davlatlaridan Urugvayning xalqaro xususiy huquq to'g'risidagi qonunning 50-moddaning 5-bandida iste'molchi shartnomalariga nisbatan qo'llaniladigan qonun, birinchi navbatda, tovarlar sotib olingan va undan foydalanilgan mamlakat qonuni bo'lishini belgilaydi, agar ushbu qonunni aniqlash mumkin bo'lmasa, iste'molchining yashash joyi qonuni qo'llaniladi. Shartnoma masofaviy shartnoma bo'lsa yoki mutaxassis iste'molchining turar joyida takliflar yoki aniq reklama kiritgan bo'lsa, iste'molchi o'z roziligini bergan bo'lsa, iste'molchining yashash joyidagi qonun qo'llaniladi [6]. Rossiya Federatsiyasi Fuqarolik Kodeksida agar shartnomada ushbu ijtimoiy munosabatlarni tartibga soluvchi qonunning ta'rifi ko'rsatilmagan bo'lsa, u holda iste'molchining yashash joyidagi mamlakat qonuni qo'llaniladi [7]. Iste'molchilar bilan bog'liq nizolarni ko'rib chiqishda qo'llaniladigan qonunni tanlash masalasida ba'zi noaniqliklar Rossiya Federatsiyasi Oliy sudi Plenumining 2012-yil 28-iyunidagi 17-sonli "Sudlar tomonidan ko'rib chiqish to'g'risida"gi qarorining 2-bandida iste'molchilarning huquqlarini himoya qilish bo'yicha nizolar fuqarolik ishlarida agar iste'molchilar ishtirokidagi munosabatlarning ayrim turlari Rossiya Federatsiyasining fuqarolik-huquqiy normalarini o'z ichiga olgan maxsus qonunlari bilan tartibga solinsa (masalan, umumiy qurilishda ishtirok etish shartnomasi, shaxsiy va mulkiy sug'urta shartnomasi, bank omonat shartnomasi, transport shartnomasi, energiya ta'minoti shartnomasi), keyin maxsus qonunlar bilan tartibga solinmagan darajada bunday shartnomalardan kelib chiqadigan munosabatlarga "iste'molchilarning huquqlarini himoya

qilish to'g'risida"gi qonun qo'llanishi, sudlar ushbu tushuntirishlardan kelib chiqqan holda ishlarni ko'rib chiqish lozimligi belgilangan[8].

Xitoyning "Qonunlar to'qnashuvi to'g'risida"gi (Chinese Conflict of Laws Act) qonunining 42-moddasiga ko'ra, iste'mol shartnomasi, agar iste'molchi tovarlar yoki xizmatlar ko'rsatiladigan joyning qonunini tanlamasa yoki tadbirkorlik subyekti ushbu qonunni tanlamasa, iste'molchining doimiy yashash joyi qonuni bilan tartibga solinadi. Faqat iste'molchi amaldagi qonunni bir tomonlama tanlashi mumkin, tadbirkor esa amaldagi qonunni tanlash huquqiga ega emas. Shu bilan birga, tanlangan huquqning moddiy doirasi iste'molchining doimiy istiqomat qiladigan mamlakat qonuni va tovarlar yoki xizmatlar ko'rsatish joyi qonuni bilan chegaralanadi [9].

Rim I Reglament 6-moddasida 1-bandida nazarda tutilgan iste'molchilarining yashash joyi qoidalarini qo'llanishi istisno qiluvchi holatlar ham belgilangan bo'lib, uning asosiy maqsadi iste'molchilarni samarali himoya bilan ta'minlash hisoblanadi. Rim I Reglament 6-moddasida 4 bandida asosan iste'molchining yashash joyi qoidalarini tatbiq qilinmaydigan holatlar berilgan bo'lib, unga ko'ra:

1. xizmatlar iste'molchiga uning doimiy yashash joyidan boshqa mamlakatda ko'rsatilishi kerak bo'lgan yetkazib berish shartnomasiga;
2. tashish shartnomasiga;
3. ko'chmas mulkka bo'lgan mulk huquqi yoki ko'chmas mulkni ijaraga berish bilan bog'liq shartnomaga;
4. moliyaviy vositalarni tashkil etuvchi huquqlar va majburiyatlariga;
5. o'tkazilayotgan qimmatli qog'ozlarni ommaviy sotib olish takliflarini chiqarish yoki taklif qilish, shuningdek, jamoaviy investitsiya kompaniyalaridagi aksiyalarga obuna bo'lish, sotib olish qoidalarini va shartlarini tashkil etuvchi huquq va majburiyatlarga;
6. moliyaviy vositalarni sotib olish va sotish bo'yicha bir nechta uchinchi shaxslarning manfaatlarini birlashtiruvchi yoki birlashtirishga yordam beruvchi ko'p tomonlama tizim doirasida tuzilgan shartnomalar [10].

O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksida iste'molchilar ishtirokidagi chet el elementi murakkablashgan munosabatlar uchun qo'llanadigan huquq iste'molchining yashash joyi qoidasi bo'yicha istisno qoidalar ham mavjud emas. Bu qoidalarning mavjud bo'lmasligi o'z navbatida iste'molchilar huquqlari himoya qilishni imkoniyatidan mahrum qilishi yoki o'z huquqlarini himoya qilishda qiyinlashtirish mumkin. Chunki, iste'molchining yashash joyi qoidasi doim ham iste'molchi uchun qulay hisoblanmaydi. Misol uchun chet eldan sotib olingan tovarlar va xizmatlar uchun bu qoida chet davlat sudlarida qo'llanmasligiga olib kelishi yoki qo'llanadigan bo'lsa iste'molchi foydasiga emas balki zarariga ishlashini mumkin.

Bundan tashqari, Rim I Reglament 3-moddaga muvofiq shartnomaga nisbatan qo'llaniladigan qonunni tanlashlari mumkin. Biroq, bunday tanlov iste'molchini taqdim etilgan himoyadan mahrum qilishga olib kelmasligi lozim. Rim I Reglament asosan shartnoma tomonlar tomonidan tanlangan qonun mavjud bo'lmaganda esa:

1. tovarni oldi-sotdi shartnomasi sotuvchining doimiy yashash joyi qonuni;
2. xizmatlar ko'rsatish shartnomasi xizmat ko'rsatuvchining doimiy yashash joyi bo'lgan mamlakat qonunchiligi;

3. ko'chmas mulkka bo'lgan mulk huquqi yoki ko'chmas mulkni ijaraga berish to'g'risidagi shartnoma mulk joylashgan mamlakat qonunlari;
4. vaqtincha shaxsiy foydalanish uchun ketma-ket olti oydan ortiq bo'lmagan muddatga tuzilgan ko'chmas mulkni ijaraga berish, agar ijarachi jismoniy shaxs bo'lsa, uy egasi doimiy yashash joyiga ega bo'lgan mamlakat qonunlari;
5. franchayzing shartnomasi franchayzi doimiy yashash joyi bo'lgan mamlakat qonunchiligi;
6. tarqatish shartnomasi distribyutorning doimiy yashash joyi bo'lgan mamlakat qonunchiligi;
7. tovarni kim oshdi savdosida sotish shartnomasi, agar bunday joyni aniqlash mumkin bo'lsa, kim oshdi savdosi o'tkaziladigan mamlakat qonunchiligi bilan tartibga solinadi;
8. agar ishning barcha holatlaridan shartnoma boshqa davlat bilan aniqroq chambarchas bog'liqligi aniq bo'lsa, o'sha boshqa davlatning qonunchiligi qo'llaniladi [11].

O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksida 1158-1189-moddalari Rim I Reglament 3-moddasiga o'xshash shartnomaga nisbatan qo'llaniladigan qonunni tanlashlari huquqini iste'molchiga taqdim qiladi. Biroq, bunday tanlov iste'molchini taqdim etilgan himoyadan mahrum qilishga olib kelmasligi lozimligi qoidasi mavjud emas. O'zbekiston Respublikasining "Iste'molchilarning huquqlarini himoya qilish to'g'risida"gi Qonuning 21-moddasida shartnomaning iste'molchi huquqlarini cheklab qo'yadigan va qonunchilikka zid bo'lgan talablari haqiqiy emas deb hisoblanishi belgilangan. Fuqarolik kodeksiga asosan iste'molchi chet el elementi bilan murakkablashgan munosabatlar uchun qo'llanadigan huquqni tanlash mumkinligi va bu tanlov natijasida iste'molchini himoyadan mahrum qilsa, O'zbekiston Respublikasining "Iste'molchilarning huquqlarini himoya qilish to'g'risida"gi Qonuning 21-moddasida nazarda tutilgan haqiqiy emasligiga olib kelmaydi, chunki, "Iste'molchilarning huquqlarini himoya qilish to'g'risida"gi Qonuning 21-moddasida shartnomaning iste'molchi huquqlarini cheklab qo'yadigan va qonunchilikka zid bo'lgan talablarinigina nazarda tutgan, tanlanadigan huquq esa iste'molchilarni huquqlarini cheklash emas. Shuningdek, shartnomani tuzishda iste'molchi amaldagi qonunni mustaqil ravishda tanlamaydi, balki faqat professional shaxs tomonidan qo'yilgan shartlarga rozi bo'ladi. Bunday holda, yuridik shaxs yoki yakka tartibdagi tadbirkor tuzilayotgan shartnoma shartlarini tanlash imkoniyatini ko'rsatmaydi va shu bilan huquqiy munosabatlar subyektlari irodasining avtonomligi prinsipini e'tiborsiz qoldiradi. Ya'ni, imzolangan shartnomada o'z pozitsiyasini bildirish huquqiga ega bo'lmagan oddiy shaxs o'zini qaram holatda topadi. Bu tovarlar, ishlar yoki xizmatlarni sotib oluvchi subyekt ko'pincha ma'lum huquqiy munosabatlarning barcha hodisalarini to'g'ri baholay olmasligi bilan asoslanadi, bu esa kelajakda ushbu shartnomani tuzish vaqtiga ta'sir qiladi. Bundan tashqari, pochta xizmatlari orqali qabul qilingan doimiy buyurtmalar va qo'shimchalar yanada ko'proq muammolarni keltirib chiqarishi mumkin.

Yuqoridagi tahlil asosidan aniqlangan xorijiy davlatlarning iste'molchilar huquqlari himoya qilishdagi qonunchilikda belgilab qo'yilgan qoidalarni O'zbekiston Respublikasi qonunchilikdagi joriy qilish bizning nazarimizda iste'molchilar huquqlarini himoya qilishni mexanizmini kuchaytiradi. O'rganish asosida biz tomonimizdan quyidagilarni taklif qilamiz:

Fuqarolik kodeksining 1158-moddasining 2-qismiga quyidagicha qo‘shimcha kiritish, ya‘ni “foyda chiqarib olish bilan bog‘liq bo‘lmagan holda shaxsiy iste‘mol yoki boshqa maqsadlarda tovar sotib oluvchi, ish, xizmatga buyurtma beruvchi yoxud shu niyatda bo‘lgan (iste‘molchi) o‘z kasbi bilan shug‘ullanuvchi boshqa shaxs (professional) bilan tuzilgan shartnomalarga agar professional tomon iste‘molchi doimiy yashash joyi bo‘lgan mamlakatda o‘zining tijorat yoki kasbiy faoliyatini amalga oshirsa, yoki har qanday yo‘l bilan, bunday faoliyatni o‘sha mamlakatga yoki bir nechta mamlakatlarga yo‘naltirsa, iste‘molchi doimiy yashash joyi bo‘lgan mamlakat qonunlari bilan tartibga solinadi. Bu orqali iste‘molchi o‘zini o‘zi himoya qilish huquqini amalga oshiradi;

Rim I Reglament 6-moddasida 4 bandida asosan iste‘molchining yashash joyi qoidalari tatbiq qilinmaydigan holatlarni Fuqarolik kodeksida belgilash lozim. Bu orqali iste‘molchilar huquqlari himoyasi uchun samarali hisoblanadi.

Fuqarolik kodeksining 1189-moddasini quyidagicha jumla bilan to‘ldirish “Shartnoma, agar qonunda boshqacha tartib nazarda tutilgan bo‘lmasa, taraflarning kelishuviga ko‘ra tanlangan mamlakat huquqi bilan tartibga solinadi. Iste‘molchi shartnomaga nisbatan qo‘llaniladigan qonunni tanlash huquqiga ega, biroq, bunday tanlov iste‘molchini taqdim etilgan himoyadan mahrum qilishga olib kelmasligi lozim. Bu qoida O‘zbekiston Respublikasining “Iste‘molchilarning huquqlarini himoya qilish to‘g‘risida”gi Qonuning 21-moddasida shartnomaning iste‘molchi huquqlarini cheklab qo‘yadigan va qonunchilikka zid bo‘lgan talablari haqiqiy emas deb hisoblanishi qoidasiga mutanosib holga shakllangan hisoblanadi.

#### Adabiyotlar / Литература / References:

1. <https://www.oas.org/juridico/english/treaties/b-56.html>;
2. <https://eur-lex.europa.eu/EN/legal-content/summary/convention-on-the-law-applicable-to-contractual-obligations-rome-convention.html>
3. <https://eur-lex.europa.eu/legal-content/EN/TXT/HTML/?uri=CELEX:32008R0593>
4. consumer protection in international private relations General report. Diego P. Fernández Arroyo, 15-bet.
5. <https://www.impo.com.uy/bases/leyes/19920-2020>
6. <https://legalbook.ru/888-regulirovanie-otnoshenij-svjazannyh-s-uchastiem-potrebiteljev-v-otrasli-mezhdunarodnogo-chastnogo-prava.html>
7. Защита прав потребителей: в поисках оптимальной модели: монография / П.Д. Багрянская, М.О. Дьяконова, П.П. Кабытов и др.; отв. ред. С.А. Синицын, М.Л. Шелютто; Институт законодательства и сравнительного правоведения при Правительстве Российской Федерации. — М.: ООО «ЮРИДИЧЕСКАЯ ФИРМА КОНТРАКТ», 2021
8. Chen, Z.(2023). Consumer Jurisdiction and Choice of Law Rules in European and Chinese Private International Law. Chinese Journal of Transnational Law, 1-20. Advance online publication. <https://doi.org/10.1177/2753412X231200163>
9. <https://eur-lex.europa.eu/legal-content/EN/TXT/HTML/?uri=CELEX:32008R0593>
10. <https://eur-lex.europa.eu/legal-content/EN/TXT/HTML/?uri=CELEX:32008R0593>

**13.00.00 – PEDAGOGIKA FANLARI – PEDAGOGICAL SCIENCE****Received:** 20 December 2024**Accepted:** 5 January 2025**Published:** 15 January 2025*Article / Original Paper***OPPORTUNITIES FOR TEACHING A FOREIGN LANGUAGE BASED ON  
A DIAGNOSTIC APPROACH****Iminakhunova Iroda Khuseynovna,**

Head of chair, DSc FMIOPH

E-mail: [iiminahunova86@mail.ru](mailto:iiminahunova86@mail.ru)

**Abstract.** Currently, young scientists are being attracted to work on scientific research that will lead to reforms and innovations in the education system. Knowledge of a foreign language has been and continues to be an area of activity in which it is necessary to improve the professional qualifications of a medical specialist. Students and graduates of medical universities do not have enough language and speech skills to adapt to modern conditions of intercultural professional communication. One of the conditions for achieving communicative competence in a foreign language is the acquisition and mastery of a certain vocabulary. In medical educational institutions, the teaching of foreign languages, especially English, is carried out in initial courses, which determines the general medical nature of the foreign language vocabulary offered for study by students.

**Keywords:** diagnostics, monitoring, pedagogical activity, psychological competence, receptive speech, sociological diagnosis, technocratic strategy, medical education.

**DIAGNOSTIK YONDASHUV ASOSIDA XORIJIY TILNI O'QITISH  
IMKONIYATLARI****Iminaxunova Iroda Xuseynovna,**

Kafedra mudiri, DSc FJSTI

**Annotatsiya.** Hozirgi kunda mamlakatimizda ta'lim tizimida olib borilayotgan paytda yosh olimlarni ta'lim tizimida islohotlarga, yangiliklarga turtki bo'ladigan ilmiy izlanishlar ustida ish olib borishlariga turtki bo'lmoqda. Tibbiyot sohasi mutaxassisining kasbiy malakasini oshirish uchun xorijiy tilni bilish zarur bo'lgan faoliyat sohasi bo'lib kelgan va shunday bo'lib qolmoqda. Tibbiyot yo'nalishidagi talabalar va bitiruvchilarda madaniyatlararo kasbiy muloqotning zamonaviy sharoitlariga moslashish uchun zarur bo'lgan ko'nikmalar uchun til va nutq ko'nikmalari yetarli darajada shakllanmagan. Xorijiy tilning kommunikativ kompetensiyasiga erishish shartlaridan biri bu ma'lum bir so'z boyligini o'zlashtirish va egallashdir. Tibbiyot ta'lim muassasalarida xorijiy tillarni, xususan ingliz tilini o'qitish boshlang'ich kurslarda amalga oshiradi, bu talabalar o'rganishi uchun taklif qilinadigan xorijiy til lug'atining umumiy tibbiy xususiyatini belgilaydi.

**Kalit so'zlar:** diagnostika, monitoring, pedagogik faoliyat, psixologik kompetent, retseptiv nutq, sotsiologik diagnostika, texnokratik strategiya, tibbiy ta'lim.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V5I1Y2025N50>

Hozirgi kunda xorijiy tillarni o'qitishning zamonaviy usullari XX asrda mustahkamlangan ko'plab tushunchalarini qayta ko'rib chiqmoqda. Metodik fan tobora ko'proq talaba shaxsiga yo'naltirilgan tushunchalarga murojaat qilmoqda: loyihaga asoslangan ta'lim, muammoli ta'lim, hamkorlikda o'rganish, ko'p bosqichli ta'lim va boshqalar. Talaba obyekt sifatida emas, balki ta'lim subyekti va o'z hayoti sifatida qabul qilinadi. Xorijiy tillarni

o'qitishda shaxsiy yo'nalish bu jarayonda tabiatan har bir shaxsga xos bo'lgan va shaxsiy hayotiy tajribani to'plash jarayonida olgan o'ziga xoslikni qo'llab-quvvatlash va rivojlantirishga qaratilgan faoliyatni nazarda tutadi. Natijada, bu o'z-o'zini anglash va o'zini o'zi qadrlashning yuqori darajasiga, ijodiy faoliyat uchun barqaror motivatsiyani shakllantirishga olib kelishi kerak. Shaxsni rivojlantirishning psixologik mexanizmlari bo'yicha olib borilgan so'nggi tadqiqotlar natijalari xorijiy tilni o'qitish metodikasiga tobora ko'proq kiritilmoqda. Ta'limda "xorijiy til" fanining psixologik komponenti haqidagi savol uslubiy adabiyotlarda bir necha bor ko'tarilgan va nazariy jihatdan har tomonlama tushunilgan.

Talabalarning ta'lim, tarbiyasi va psixologik bilimlarining birligi tamoyiliga asoslanib, S. L. Rubinshteyn o'qituvchilarni talabalarni o'rganish amaliyotiga jalb qilish va o'rganish natijalaridan darslarni rejalashtirishda foydalanishni tubdan zarur deb hisobladi. S. L. Rubinshteynning so'zlariga ko'ra, "Qobiliyatlarning rivojlanishi ularning assimilyatsiyasi, tayyor mahsulotni assimilyatsiya qilish emas; qobiliyatlar insonga narsalardan prognoz qilinmaydi, balki uning narsalar va narsalar, tarixiy rivojlanish mahsulotlari bilan o'zaro ta'siri jarayonida rivojlanadi" [1;b-27].ishi kO'qituvchi nafaqat usulni tanlashi, uni o'zlashtirishi, o'z amaliyotida qo'llashi, balki aynan shu usul nima uchun aynan shu talabani, aynan shu sinfni ushbu sharoitda o'qitish uchun zarurligini tushunishi kerak. Xorijiy tilni o'rganish jarayonini optimallashtirish uchun psixolingvistikada nutq ko'nikmalarini shakllantirish uchun asos til tuyg'usi, chet tilini o'rganish uchun maxsus qobiliyatlar, fikrlash, xotira ekanligi haqidagi pozitsiyani hisobga olish kerak. Shu munosabat bilan o'qituvchining talabalarning psixologik xususiyatlarini (temperament, xotira, idrok, hissiylik va boshqalarni) aniqlash qobiliyati, chet tilini o'rganish darajasi (ko'nikmalarni shakllantirish, nutq ko'nikmalarini rivojlantirish darajasi), ta'lim ko'nikmalarini shakllantirish (muammoni mustaqil ravishda aniqlash, maqsad va vazifalarni belgilash, ularni hal qilish qobiliyati va boshqalar) alohida ahamiyatga ega. Nazorat obyektlarini tanlashda o'qituvchi boshqariladigan nutq faoliyatining o'ziga xos xususiyatlarini va ma'lum bir ta'lim muassasasida nutq faoliyatining ma'lum bir turiga nisbatan ko'zda tutilgan maqsadlarni hisobga olishi kerak.

Diagnostika nazorat qilish, tekshirish, baholash (baholash), statistik ma'lumotlarni to'plash, ularni tahlil qilish, dinamikani, tendensiyalarni aniqlash, didaktik jarayonni prognoz qilishni o'z ichiga oladi. "Diagnostika" tushunchasi tinglovchilarning "bilim, ko'nikma va malakalarini tekshirish" tushunchasiga qaraganda kengroq va chuqurroq ma'noga ega. [2; b-7]]. Ikkinchisi faqat natijalarni ularning kelib chiqishini tushuntirmasdan aytadi. Holbuki, diagnostika natijalarni ularga erishish yo'llarini hisobga olgan holda ko'rib chiqadi, didaktik jarayonning tendensiyalari, dinamikasini aniqlaydi. Diagnostikaning muhim tarkibiy qismi monitoringdir. Nazorat-bu bilim, ko'nikma va ko'nikmalarni egallash jarayonini kuzatish. Tekshirish nazoratning ajralmas qismidir. Tekshirish-bu bilim, ko'nikma va malakalarni o'zlashtirishni nazorat qilish bo'yicha harakatlar va operatsiyalar tizimi. Uning asosida nazorat fikr-mulohazalarni o'rnatishni ta'minlaydi, ya'ni, tinglovchilarning o'quv faoliyati natijasi haqida ma'lumot olish. O'qituvchi talaba qanday bilimlarni o'rganganligini, qay darajada va yangi ma'lumotlarni qabul qilishga tayyorligini aniqlaydi. Shuningdek, u talabaning mustaqil ta'lim faoliyati tabiati to'g'risida ma'lumot oladi. Nazorat, shuningdek, talabaga o'z ishi qanchalik samarali bo'lganligini, u pedagogik jarayon imkoniyatlaridan ta'lim maqsadlarida muvaffaqiyatli foydalanganligini ko'rsatadi. Nazorat davomida talabaning o'zi uning ta'lim faoliyati to'g'risida ma'lumot oladi. Bu unga bilimlarni o'rganishda qanday yutuqlarga



erishganini tushunishga, shuningdek ulardagi bo'shliq va kamchiliklarni ko'rishga yordam beradi. Doimiy monitoring talabalarni tarbiyalaydi, ularni ma'lum bir ritmga o'rgatadi, irodali fazilatlarini rivojlantiradi.

Diagnostika-bu faoliyat, tashxis esa bu faoliyat natijasidir. So'zma-so'z tarjima qilingan "diagnostika" so'zi o'ziga xos idrokni anglatadi. Diagnostika — bu tashxis qo'yish yoki uni qanday olish (ya'ni, bunday faoliyatni qanday amalga oshirish) haqida o'rgatish faoliyatidir [3; b-147].. Faoliyat-bu atrofdagi dunyo bilan bog'liq bo'lgan insonning o'ziga xos usuli, uning mazmuni uning (atrofdagi dunyoni) odamlar manfaatlarining maqsadga muvofiq o'zgarishini tashkil qiladi; jamiyat mavjudligining sharti. Faoliyatda inson faol subyektga aylanadi va u o'zlashtirgan hodisalar faoliyat obyektiga aylanadi. Faoliyat mazmunli (ya'ni transformatsion) xarakterga ega. Inson obyektini o'zlashtiradi, uni o'z faoliyatining o'lchovi va mohiyatiga aylantiradi. Faoliyat maqsad, vosita, natija va jarayonning o'zini o'z ichiga oladi. Har qanday faoliyatda bo'lgani kabi, diagnostika faoliyatining o'ziga xosligi obyekt va subyekt, maqsad va vazifalar darajasida namoyon bo'ladi. Obyekt-bu bizdan tashqarida va ongimizdan mustaqil ravishda mavjud bo'lgan narsa, idrok va e'tibor, kognitiv va boshqa faoliyat yo'naltirilgan tashqi dunyo hodisasi. Obyektini tanlash subyekt faoliyatining chegaralari va chegaralarini belgilaydi, shuning uchun obyektning naqshlarini bilish zarurati tug'iladi. Shubhasiz, o'qituvchining diagnostik faoliyatining obyektini pedagogik hodisalar bo'lib, ular o'quv jarayoni ishtirokchilarining o'zaro ta'siri, birgalikdagi faoliyati, pedagogik o'zaro ta'sir jarayonida yuzaga keladigan subyektlarning xulq-atvori va munosabatlari, shuningdek ushbu fanlarning shaxsiy xususiyatlari va ularning shakllanish qonuniyatlarini o'z ichiga oladi.

O'quv vazifalarini amalga oshirishda diagnostikaning ahamiyati aniq ko'rinadi. Har bir o'qituvchi tashxis natijalariga ko'ra o'qitish usullariga oqilona tuzatishlar kiritish uchun talabalarining ta'lim dasturlarini o'zlashtirishdagi muvaffaqiyatlarini tashxislaydi va baholaydi. Bir tomondan ta'lim diagnostikasi juda oson tuyuladi, lekin quyidagi muammolar inobatga olinishi kerak.

Birinchi, o'qitishda diagnostika ko'pincha nazorat (joriy, davriy, tematik, yakuniy va boshqalar) deb tushuniladi. Va nazorat, yuqorida aytib o'tilganidek, o'qituvchiga o'z-o'zidan aniq bo'lgan empirik belgilar asosida diagnostika faoliyatidan tashqarida amalga oshirilishi mumkin. Bu nima uchun turli o'qituvchilar tomonidan berilgan bir xil baholarni, qoida tariqasida, bir xil tayyorgarlik darajasi bilan bog'lash mumkin emasligini tushuntiradi. [4;b-64].

An'anaviy nazorat usullarining past diagnostik ishonchligining isboti Davlat imtihoni (DAK) kabi bilimlarni baholashning tubdan yangi tizimi atrofida olib borilayotgan va davom etayotgan muhokamalar haqiqatdir.

Ikkinchi, an'anaviy ravishda, hatto nazorat paytida ham, birinchi navbatda, talabaning kuchli tomonlari emas, balki mashg'ulotlardagi "bo'shliqlar" aniqlanadi. Albatta, mashg'ulotlardagi bo'shliqlarni to'ldirish va talabani kuchliroq qilish uchun kamchiliklar "yaxshi niyatlar" asosida izlanadi. Ammo o'qitish amaliyoti uchun an'anaviy bo'lgan texnokratik strategiya o'qituvchini o'quvchiga o'z kamchiliklarini ko'rsatishga undaydi va keyin uni mustaqillikdan mahrum qilib, mashg'ulotlarini to'g'rilaydi.

Uchinchi, talabaning tayyorlik darajasini aniqlash, qoida tariqasida, o'qituvchilar bilim qobiliyatlari, aqliy operatsiyalar, o'quv kognitiv faoliyatiga munosabat va hokazolarning rivojlanish darajasini aniqlamasdan, faqat ta'lim mazmunini (bilim, ko'nikma, ko'nikma)

o'zlashtirish darajasiga e'tibor berishadi. Ushbu yondashuv o'qitishdagi diagnostikani yuzaki, samarasiz va o'quv natijalarini yaxshilash uchun foydasiz qiladi. [5;b-124].

Shunday qilib, diagnostikani o'quv jarayoni sifatini boshqarishga qaratilgan pedagogik o'zaro ta'sir subyektlarining shaxsiy rivojlanishining hozirgi holati va tendensiyalarini aniqlash bo'yicha faoliyat sifatida aniqlash mumkin.

Diagnostika quyidagi turlarga bo'linadi (Jadval):

**Jadval**

<b>Diagnostika turlari</b>	<b>Diagnostika obyekti</b>	<b>Diagnostika predmeti</b>
Pedagogik	Pedagogik jarayon ishtirokchilarining o'zaro ta'siri	Pedagogik o'zaro ta'sir subyektlarining shaxsiy shakllanish tendensiyalari
Psixologik	Inson, uning psixologik xususiyatlari	Qobiliyatlar, shaxsiy xususiyatlar, motivlar, aqliy me'yordan chetga chiqish va hokazo
Sotsiologik	Ijtimoiy jamoalar va odamlar jamiyatning bir qismi sifatida	Ijtimoiy jarayonlarning umumiy tendensiyalari
Tibbiy	Inson biologik tizim sifatida, bemor	Kasallikning belgilari tananing normadan og'ishi sifatida
Texnik	Texnik tizim, mashinalar, qurilmalar va ularning tarkibiy qismlari	Kamchiliklar, me'yordan chetga chiqish va bu og'ishlarning sabablari
Ilmiy bilimlar	Tizimli guruhning o'ziga xos xususiyatlari	Obyektning o'ziga xos xususiyatlarini, uning rivojlanish qonuniyatlari va qonuniyatlarini tizimli tavsiflash

Xulosa qilib aytganda pedagogik faoliyatda psixologik diagnostika sohasida to'plangan tajriba eng ko'p qo'llaniladi, chunki pedagogik jarayon ishtirokchilarining o'zaro ta'siri ularning har birining holatini tushinishda to'liq amalga oshiriladi, bunga psixologiya usullari yordamida erishiladi. Shu bilan birga, pedagogik diagnostikani psixologik darajaga tushirish mumkin emas, chunki o'zaro ta'sir shakllarini bilish ma'lum bir shaxsning xususiyatlarini yaxshiroq tushinishga imkon beradi, ularni aniqroq ochib beradi va eng muhimi, uning yo'llarini aniqlashga imkon beradi (o'zini takomillashtirish).

Zamonaviy ta'lim turli xil ta'lim variantlari, ta'limiy o'zaro munosabatlarni demokratlashtirishga o'tishning turli shakllari bilan ajralib turadi. Bunday sharoitda, boshqaruvni markazlashtirish zaiflashganda, ta'lim muassasasi va o'qituvchi darajasida boshqaruv qarorlarining roli (o'qituvchi, ijtimoiy pedagog, o'qituvchi-psixolog va boshqalar) pedagogik voqelikda sodir bo'layotgan hodisalar va jarayonlar to'g'risida aniq, taqqoslanadigan ma'lumotlar tobora muhim ahamiyat kasb etmoqda. Shuning uchun diagnostika har bir o'qituvchining kasbiy faoliyatining ajralmas qismiga aylandi.

#### **Adabiyotlar/Литература/References:**

1. Rubinshteyn S.L. Umumiy psixologiya muammolari. - M., 1993.

2. Konsheva A.V. Chet tillarini o‘qitishni individuallashtirishda xotira turini hisobga olish zarurati//Zamonaviy dunyoda individuallik: III xalqaro ilmiy-amaliy konferentsiya materiallari. - Smolensk, 1999. b. 142-147.
3. Iminakhunova I.H. “Management and development of students’ self education in the process of learning English“.
4. Kadirova Munira Rasulovna, Iminaxunova Iroda Xuseynovna “Theoretical analysis of self-education in learning English”.
5. Parpieva O.R, Hojikarimova G.T, Nazirova A.M №6(85) 2021. 157-161-bet. (Formation of student pedagogical skills based on the requirements of innovative educational environment//Международном научнопрактическом журнал “Экономика и социум”).
6. Chabner, D. E. The Language of Medicine - New York: W. B. Saunders Company 1998, 1036 p.
7. Druganova B. English Medical terminology - different ways of forming medical terms // JAHR. -2013. Vol. 4., № 7. - P. 55-69.
8. A.Zimnyaya – Maktabda chet tillarni o‘qitish psixologiyasi. – M-Просвещение 1991. 219 b.
9. Konsheva A.V. Chet tillarini o‘qitishni individuallashtirishda xotira turini hisobga olish zarurati//Zamonaviy dunyoda individuallik: III xalqaro ilmiy-amaliy konferentsiya materiallari. - Smolensk, 1999. b. 142-147
10. Leontev A.A. Metodika. - M.: Русский язык, 1998. - 176 b
11. Passov, Ye. I., Kuzovleva, N. Ye. Chet tili darsi. — M.: Feniks, Glossa-Press, 2010. — 640 b
12. Terminologia Anatomica. International Anatomical Terminology (1998). Stuttgart – New York.

**Received:** 20 December 2024

**Accepted:** 5 January 2025

**Published:** 15 January 2025

*Article / Original Paper*

## **THE CONTENT OF TEACHING AND SUPERVISING FOREIGN LANGUAGES**

**Khusanova Mahira,**

Samarkand State Institute of Foreign Languages

independent researcher

E-mail: [moxirakhusanova@mail.ru](mailto:moxirakhusanova@mail.ru)

**Abstract.** Scientists suggested conducting the tests in groups. The main purpose of pedagogical tests is to evaluate the achievements of learners in the educational process. McCall defines the use of pedagogic tests as grouping students with the same level of knowledge in a certain period of time. The founder of pedagogical control was E. Thorndike, who used pedagogical tests for the first time in his field. Social evaluation is widespread in America. The use of tests has developed in two directions; psychological and pedagogical. The history of the development of foreign language teaching and supervision can be divided into three stages, starting from the period of World War II. Control and assessment of knowledge, skills and abilities in a foreign language is carried out in accordance with the process of teaching a foreign language. The purpose of learning a foreign language is not to demonstrate knowledge of linguistics, but to be able to apply skills and abilities in this language in real life.

**Keywords:** foreign language, assessment, qualification, real life, test, psychological, pedagogical.

## **XORIJIY TILLARNI O'QITISH VA NAZORAT QILISHNING MAZMUNI**

**Xusanova Mohira,**

Samarqand davlat chet tillar instituti

Mustaqil izlanuvchisi

**Annotatsiya.** Olimlar testlarni guruhlariga bo'lib o'tkazishni taklif qildilar. Pedagogik testlarning asosiy maqsadi, bilim oluvchilarning ta'lim jarayonida erishgan yutuqlarini baholashdir. Makkoll pedagogik testlardan foydalanishni, ma'lum vaqt oralig'ida bir xil bilim darajasiga ega bo'lgan talabalarni bir guruhga birlashtirish deb ta'riflaydi. Pedagogik nazoratning asoschisi E. Torndayk bo'lib, u pedagogik testlarni o'z sohasida ilk bor qo'llagan. Amerikada ijtimoiy baholash keng tarqaldi. Testlarni qo'llash ikki yo'nalish bo'yicha rivojlandi; psixologik va pedagogik. Chet tilini o'qitish va nazorat qilishning rivojlanish tarixini II jahon urushi davridan boshlab, uch bosqichga bo'lish mumkin. Chet tilida bilim, malaka va ko'nikmalarni nazorat qilish hamda baholash chet tilini o'qitish jarayoniga mos ravishda amalga oshiriladi. Chet tilini o'rganishdan maqsad lingvistikadan bilimdonlikni namoyon etish emas, balki shu tilda malaka va ko'nikmalarni real hayotda qo'llay bilishdir.

**Kalit so'zlar:** xorijiy til, baholash, malaka, real hayot, test, psixalogik, pedagogik.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V5I1Y2025N51>

Manbalarda turlicha berilgan bo'lsa-da, testlarning yaratilishi D. Fisher, F. Galton va D. Kettel nomlari bilan bog'liq. Ta'lim sohasida testlarni birinchi bo'lib Amerika Qo'shma Shtatlarida D.Orleans va G.Sili qo'llashgan. Ular testlarning obyektivligini ta'minlash maqsadida quyidagi vazifalarni amalga oshirdilar: o'qituvchilarning soni va ularning o'zlashtirish darajasini aniqladilar, shuningdek, o'qituvchilarga o'qitish metodlarini tanlashda yordam berdilar. Talabalarning bilim darajasini baholashni tahlil qilgandan so'ng, bu olimlar testlarni guruhlariga bo'lib o'tkazishni taklif qildilar [1-19].

Uchinchi davr – eng yangi rivojlanish davri, XX asr Pedagogika sohasida testologiyaning amalda qo'llanilishi XX asrning boshiga to'g'ri keladi. Amerikalik olim V.A. Makkoll testlarni pedagogik (Educational Test) va psixologik (Intelligence Test) testlarga ajratadi. Pedagogik testlarning asosiy maqsadi, bilim oluvchilarning ta'lim jarayonida erishgan yutuqlarini baholashdir. Makkoll pedagogik testlardan foydalanishni, ma'lum vaqt oralig'ida bir xil bilim darajasiga ega bo'lgan talabalarni bir guruhga birlashtirish deb ta'riflaydi. [2-4]

Pedagogik nazoratning asoschisi E. Torndayk bo'lib, u pedagogik testlarni o'z sohasida ilk bor qo'llagan. U 1904-yilda chop etilgan "Vvedeniye v teoriya psixologii i social'nix izmereniy" nomli kitobning muallifi sifatida tanilgan. 1915-yildan 1930-yillargacha Amerikada ijtimoiy baholash keng tarqaldi va bu davr testologiyaning aynan rivojlanish davri deb hisoblanadi. [3-118]

Shunday qilib, XIX asrning oxiri – XX asrning boshiga kelib testlar juda ommalashib ketdi. Testlarni qo'llash ikki yo'nalish bo'yicha rivojlandi; psixologik (ya'ni insonlarning ruhiyati va aqlini baholash uchun) va pedagogik (insonlarning intellekti hamda ilmiy qobiliyatlarini baholash). [4-158]

Testlarni kelib chiqish jarayonini davrlashtirish muhim ahamiyat kasb etdi.

V.S.Avanesov testlar kelib chiqish jarayonini uchta davrga bo'ladi: tarixiy, testlarning klassik va testlarning yangi nazariyasi (1.2-jadvalga qarang):

### 1-jadval

#### Testlarning kelib chiqish jarayonining davrlari

№	Davrlar	Izohi
I.	Tarixiy kontekst	Qadimgi davrda maxsus lavozimlar uchun nomzodlarni tanlash sinovlarini o'tkazish — bu ilmiy asoslanmagan, empirik rivojlanish bosqichi hisoblanadi.
II.	Klassik davr	Testlarning diagnostik usul sifatida paydo bo'lishi: "Test harakatining otasi" Frensis Galton (1869-1911) laboratoriyada sinovlar o'tkazgan. Bu davr ta'lim-tarbiya jarayonining sifati bo'yicha dastlabki tushunchalarning paydo bo'lgan davri hisoblanadi.
III.	Yangi nazariya	XX asrda pedagogika sohasida testlarning amaliy qo'llanishi: V.A. Makkoll testlarni pedagogik va psixologik testlarga ajratadi, ya'ni ilmiy asoslangan, metodologik jihatdan aniq, nazariy, maxsus va amaliy tarmoqlariga ega ilmiy o'lchov parametrlarini o'z ichiga olgan davr.

Chet tilini o'qitishda testlarning tarixi, ya'ni evolyutsiyasi haqida angliyalik mutaxassis Richard West quyidagi fikrlarini bildirgan [63-34]; chet tilini o'qitish va nazorat qilishning rivojlanish tarixini II jahon urushi davridan boshlab, uch bosqichga bo'lish mumkin.

Shuni ta'kidlash joizki, chet tilida bilim, malaka va ko'nikmalarni nazorat qilish hamda baholash chet tilini o'qitish jarayoniga mos ravishda amalga oshiriladi. Agar til o'qitishda o'zgarishlar yoki yangi metodlar va yondashuvlar qo'llansa, demak, uni nazorat qilishda ham yondashuvlar va metodlar o'zgaradi. Chet tilini o'qitishning rivojlanish tarixidagi uch bosqich chet tilini nazorat qilish bosqichlari bilan birga rivojlangan. Ko'plab olimlar bu fikrni qo'llab-quvvatlashadi, ammo bu bosqichlarni nomlashda qarama-qarshiliklar mavjud. Misol uchun, Spolskiy (1984) 1-davrni an'anaviy, 2-davrni zamonaviy, 3-davrni post-zamonaviy deb ataydi.

Karoll va Xell (1985) 1-davrni grammatik-savodxonlik, psixolingvistik, sotsiokommunikativ deb nomlaydi. Morrov (1979) davrlarni Eden bog'i, ko'z yoshlari, va'da qilingan yer deb ajratadi. Medsen (1983) esa intuitiv, ilmiy, kommunikativ deb tasniflaydi [5-30].

Davrlarning nomlanishi turlicha bo'lsa-da, ushbu davrda qo'llangan chet tilini o'qitish va nazorat qilish yondashuvlarining mazmuni o'zgarmaydi. Har bir davrda til o'qitish va nazorat qilishning takomillashishi (kamchiliklarni bartaraf etish maqsadida) rivojlanish jarayonini aks ettiradi.

Birinchi davr – Spolskiy bu davrni an'anaviy deb nomlashi bejiz emas. Chunki bu davrda til o'qitish jarayoni ona tiliga asoslangan bo'lib, tarjimalar qilish, asosan badiiy asar parchalarini tarjima qilish orqali olib borilgan. Mavzuga aloqador bo'lmagan insho va bayonlar yozish, shuningdek, og'zaki suhbatda umuman aloqasi bo'lmagan savollarni so'rash orqali baholangan. Birinchi davrning baholash texnikasini R. West quyidagicha tavsiflaydi: [5-30]

1) Birinchidan, nazorat uchun berilgan vazifalar autentik bo'lmagan, ya'ni vazifalar va topshiriqlarning hech biri real hayotda qo'llanishiga ehtiyoj bo'lmagan. Albatta, kundalik hayotda tarjimaga ko'p duch kelamiz, ammo bu badiiy adabiyot namunalari sifatida emas. Chet tilini o'rganishdan maqsad lingvistikadan bilimdonlikni namoyon etish emas, balki shu tilda malaka va ko'nikmalarni real hayotda qo'llay bilishdir [5-34].

2) Vazifa va topshiriqlarning autentik bo'lmaganligi sababli, biz bu davrda qo'llangan texnikalarni umuman kontekstga ega bo'lmagan deb aytishimiz mumkin. Misol uchun, "Mening bir kunim" mavzusidagi 200 so'zdan iborat inshoda biz nima uchun yozishdan maqsad nima, kim uchun va qanday uslubda yozish kerakligi haqida ma'lumotga ega emasmiz. Shu sababli, bu topshiriqda kontekst (maqsad) yo'q. Maqsadni bilmaslik tilni samarali va oqilona qo'llay olmaslikka olib keladi [5-34].

Ikkinchi davr birinchi davrning kamchiliklarini bartaraf etishga qaratilgan. Bu davrda tilni baholashda to'g'ri/xato prinsipiga asoslangan an'anaviy testlar keng qo'llanila boshladi. Ushbu testlar adolatli, ishonchli va ilmiy asoslangan deb hisoblangan, chunki baholash jarayonida faqat bir xil javobga tayanilgan va natijani kim tekshirishi, tekshiruv vaqti va tekshiruvchining kayfiyati umuman ahamiyatga ega bo'lmagan.

Ikkinchi davr testlarida ta'lim sohasidan yoki til bilan tanish bo'lmagan shaxslar ham imtihon olish jarayonida ishtirok etishi mumkin edi. Ikkinchi davr baholash texnikasini R. West quyidagicha tavsiflaydi:

1) Birinchi davr testlarining eng katta kamchiligi ularning subyektivligida bo'lgan, shu sababli ikkinchi davr testlarining obyektivlik darajasini oshirishga qaratilgan edi. Bu testlarda natijalar kimningdir fikriga yoki baholashiga asoslanmagan holda yakka, aniq bir javobga asoslanadi. Shuning uchun natijalar adolatli va ishonchli hisoblangan. Bunday testlar kompyuter orqali tekshirilishi ham mumkin [5-34].

2) Agar test obyektiv baholanadigan bo'lsa, birinchi davr testlaridan farqli o'laroq, tuzilgan savollar tilning bir aspektini tekshirish uchun mo'ljallanadi. Har bir savol fe'lning bir zamoni, shaxs-sonning bir turini yoki birgina predlogni tekshirish bilan kifoyalanadi. Ammo bu testlarning kamchiligi-tilning birgina aspektini bilishini tekshirishidir. Shu sababli ikkinchi davr testlarini obyektiv va, shu bilan birga, til aspektlarini integratsiyalashgan holda qo'llash amalga kiritildi. Matnning bo'sh joylarini to'g'ri keladigan so'z bilan to'ldirishni bunga misol qilsak bo'ladi [5-34].

3) Ikkinchi davr baholash prinsipining yana bir xususiyati undagi testlarda kontekstning yo'qligidir. Misol uchun:

- She A) did drink
- B) drank *two cups of coffee with her breakfast.*
- C) drunk
- D) drank

Yuqoridagi misolda to'g'ri javob V, ammo kontekst berilmaganligi sababli ba'zi talabalar A javobni to'g'ri deb ta'kidlashlari ehtimoldan holi emas. Chunki ular bu misolni boshqa kontekst orqali tasavvur etishlari mumkin. Bu bilimdon va tasavvur doirasi keng, tanqidiy qarashga ega bo'lgan talabalarni muammoli vaziyatga solishi mumkin.

Agar solishtirsak, ikkinchi davr testlari birinchi davr testlaridan autentikligi jihatidan ancha orqada qolgan. Hammaga ma'lumki, real hayotda biz tilni tanlab ishlatishga imkon bermaymiz, shu sababli (A, V, S, D) ko'rinishidagi testlar talabalarning real hayotda chet tilini qo'llay bilish malaka va ko'nikmalarini rivojlantirmaydi. [5-34]

Uchinchi davr testlari kommunikativ metod asosida tuzilgani va real hayotda maqsadli ravishda qo'llash mumkinligi bilan ahamiyatlidir. Kommunikativ yondashuv chet tilini o'qitishda va baholashda oldingi yondashuvlarga qarshi chiqadi. Shu sababli, bu davrning nazorat usullari birinchi va ikkinchi davrdagidan umuman farq qiladi. Real hayotda tilni qo'llash sharoitlari uchinchi davrning asosiy namunasi bo'lib xizmat qildi. Bu davrga xos xususiyatlar quyidagicha tasniflangan: [5-34]

1) Uchinchi davr testlarining asosiy maqsadi–imkon darajasidagi autentiklik (real hayotdan namunalar). Autentiklik testlarda matnlarning tanlanishi va vazifalarning tuzilishida katta ahamiyatga ega. Matnlar real hayot manbalaridan tanlanadi va vazifalar real hayotda duch keladigan vaziyatlarni aks ettirishga qaratilgan. Albatta, butkul autentik vaziyatga erishish mushkul, ammo talabalar hech bo'lmaganda baholanayotgan vaziyatdagi til hayotga yaqinligini anglashadi [5-34].

2) Bu davr testlari autentik deb tan olingani sababli ularning barchasi kontekstga ega. Ya'ni talabalar kelajakda qanday vazifalarni bajarishlaridan kelib chiqqan holda, ularga test savollari tuziladi.

3) Tilni autentik jarayonda qo'llash integral bo'lgani sababli uchinchi davr testlari tilni integral qo'llangan holda baholaydi. Shu bois bunday testlarda birgina fragmentni, bo'lakni emas, balki butun vaziyatni tushunish maqsad qilib olinadi (misol uchun, yozuvchining maqsadi, matnning vazifasi, matn kimga mo'ljallangan va qanday fikrni yetkazmoqda?) [5-34].

4) Kommunikativ yondashuv tilning to'rtta malakasi bilan bog'liq bo'lgani sababli uchinchi davr testlari to'rtta malakani nazorat qiladi. Tinglab tushunish va o'qish ko'nikmalarini nazorat qilish subyektiv jarayon. Shu sababli uchinchi davr testologlari subyektiv baholashning ishonchliligini oshirish yo'llarini ko'rib chiqishdi [5-34]. Buyuk o'zgarish nazorat jarayonida bir nechta tekshiruvchi qatnashishi va bu malaka turlarini baholash mezonlari orqali baholash bo'ldi (1.3- jadvalga qarang):

Ikkinchi davr birinchi davrning kamchiliklarini bartaraf etishga qaratilgan. Ikkinchi davrda tilni baholashda to'g'ri/xato prinsipiga asoslangan an'anaviy testlar keng qo'llanildi.

Uchinchi davr testlari kommunikativ metod asosida tuzilgani va real hayotda maqsadli ravishda qo'llash imkoniyati bilan ahamiyatlidir. Real hayotda tilni qo'llash sharoitlari uchinchi davrning asosiy namunasi bo'lib xizmat qildi va bugungi kunda ham qo'llanib kelmoqda.

Eski yondashuvlardan butunlay voz kechganmiz deb aytish qiyin. Joriy va yakuniy baholash jarayonida maqsad va vazifalarga qarab yuqoridagi bosqichlarning biri qo'llanishi mumkin. Ammo bugungi kunda ta'lim jarayoni kommunikativ yondashuvga asoslanganligi sababli, biz baholash (assessment) terminini qo'llashni maqsadga muvofiq deb hisoblaymiz.

A. Ismoilov baholash tizimini quyidagicha tasniflaydi: [6-13] Ta'lim jarayonining muhim tarkibiy qismlaridan biri o'zlashtirilgan bilimlarni muntazam baholashdir. Sho'ro davrida qabul qilingan baholash tizimi ikki bosqichdan iborat edi. Birinchi bosqich kundalik nazorat bo'lib, o'quvchilar va talabalarning darslikdan o'zlashtirgan bilimlari kundalik mashg'ulotlarda baho tizimi orqali tekshirilardi. Oliy o'quv yurtlarida ham nazariy ma'ruzalar va amaliy mashg'ulotlardan so'ng o'zlashtirilgan bilim shu tarzda baholanardi.

Ikkinchi bosqich yakunlovchi nazorat bo'lib, chorak, semestr yoki yil oxirida maxsus uyushtirilgan og'zaki yoki yozma imtihon tarzida besh ballik tizim orqali baholanardi. Umumiy baho chiqarishda besh ballik sistemada "a'lo", "yaxshi", "qoniqarli", va "qoniqarsiz" baholar qo'yilar edi [6-13].

O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligining 2010-yil 25-avgustdagi 333-sonli buyrug'i bilan tasdiqlangan "Oliy ta'lim muassasalarida talabalar bilimni nazorat qilish va baholashning reyting tizimi to'g'risida"gi Nizomda shunday ta'kidlanadi: talabalar bilimni nazorat qilish va reyting tizimi orqali baholashning maqsadi ta'lim sifatini boshqarish orqali raqobatbardosh kadrlar tayyorlash, talabalarning fanlarni o'zlashtirishida bo'shliqlar hosil bo'lishining oldini olish, ularni aniqlash va bartaraf etishdir [7].

## 2-jadval

№	Reyting tizimining asosiy vazifalari
1.	talabalarda DTSga muvofiq bilim, ko'nikma va malakalar shakllanganligi darajasini nazorat qilish va tahlil qilib borish
2.	talabalar BKMLarini baholashning asosiy tamoyillari; DTSga asoslanganlik, aniqlik, haqqoniylik, ishonchlilik va qulay shaklda baholashni ta'minlash
3.	fanlarning talabalar tomonidan tizimli tarzda va belgilangan muddatlarda o'zlashtirilishini tashkil etish va tahlil qilish
4.	talabalarda mustaqil ko'nikmalarni rivojlantirish, axborot resurs manbalaridan samarali foydalanishni tashkil etish
5.	talabalar bilimni xolis va adolatli baholash hamda uning natijalarini vaqtida ma'lum qilish
6.	talabalarning fanlar bo'yicha kompleks hamda uzluksiz tayyorgarligini ta'minlash
7.	o'quv jarayonining tashkiliy ishlarini kompyuterlashtirishga sharoit yaratish

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 5-iyundagi PQ-3775-sonli qaroriga muvofiq, O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirining "Oliy ta'lim muassasalarida talabalar bilimni nazorat qilish va baholash tizimi to'g'risidagi" nizomiga asosan, oliy ta'lim muassasalarida talabalar bilimni nazorat qilish oraliq va yakuniy nazorat turlarini o'tkazish orqali amalga oshiriladi. Ushbu nizom hozirgacha amal qilgan nizomdan farqli ravishda talabalarning bilimni quyidagi mezonlar asosida baholanadi: (3-jadvalga qarang):



## 3-jadval

**Talabalarning bilimni baholash mezonlari**

Baho	Tasnifi
5-(a'lo) baho	talaba mustaqil xulosa va qaror qabul qiladi, ijodiy fikrlay oladi, mustaqil mushohada yuritadi, olgan bilimni amalda qo'llay oladi, fanning (mavzuning) mohiyatini tushunadi, biladi, ifodalay oladi, aytib beradi hamda fan (mavzu) bo'yicha tasavvurga ega deb topilgandi
4-(yaxshi) baho	talaba mustaqil mushohada yuritadi, olgan bilimni amalda qo'llay oladi, fanning (mavzuning) mohiyatini tushunadi, biladi, ifodalay oladi, aytib beradi hamda fan (mavzu) bo'yicha tasavvurga ega deb topilganda
3-baho (qoniqarli)	talaba olgan bilimni amalda qo'llay oladi, fanning (mavzuning) mohiyatni tushunadi, biladi, ifodalay oladi, aytib beradi, aytib beradi hamda fan (mavzu) bo'yicha tasavvurga ega deb topilganda
2-baho (qoniqarsiz)	talaba fan dasturini o'zlashtirmagan, fanning (mavzuning) mohiyatini tushunmaydi hamda fan (mavzu) bo'yicha tasavvurga ega emas deb topilganda

Yuqorida keltirilgan oliy ta'lim talabalarini o'zlashtirishni baholash tizimlarini Rossiya, Amerika, Buyuk Britaniya, Yaponiya, Koreya tizimlari bilan qiyosiy tahlil qilish natijasida O'zbekistonda qabul qilingan oliy ta'lim muassasalarida talabalar bilimni nazorat qilish va baholash tizimi to'g'risidagi nizomga quyidagi xulosalarni SWOT tahlili strategiyasidan foydalangan holda ko'rib chiqamiz: Yangi nizom bo'yicha baholash tizimini chet tili o'qitish jarayonida tatbiq qilishda oliy o'quv yurtlarida kuzatilayotgan asosiy kamchiliklar:

## 4-jadval

**Oliy ta'lim muassasalarida talabalar bilimni nazorat qilish va baholash tizimining SWOT tahlili**

S	W
Oraliq va yakuniy nazorat turini o'tkazish shakli va muddati fanning xususiyati va fanga ajratilgan soatlardan kelib chiqib tegishli kafedra tomonidan belgilanadi	Oliy ta'lim muassasalarida talabalar bilimni nazorat qilish oraliq va yakuniy nazorat turlarini o'tkazish orqali amalga oshiriladi
O	T
Yakuniy nazorat turini o'tkazish va mazkur nazorat turi bo'yicha talabaning bilimni baholash o'quv mashg'ulotlarini olib bormagan professor-o'qituvchi tomonidan amalga oshiriladi	1. Baholashning baholik shkaladan ballik shkalaga o'tkazishda umumiylikka/butun sonlarga asoslanib amalga oshirish maqsadga muvofiq. Bahoning maydalab berish baholashning ishonchlik tamoyiliga to'g'ri kelmaydi. 2. O'zbekiston tizimida foizlar taqsimoti maksimal yuqori darajada 90-100% (5baho) belgilangan, boshqa davlatlarda ushbu ko'rsatkich past chegarani beradi 65-100%, 80-100% (5 baho)

Birinchiidan – baholarni kichik bo‘laklarga ajratish. Bahoni shunday taqsimlash ko‘plab qiyinchiliklarga olib keladi. Ayniqsa, malakani baholashda mezonlarni yaratishda samarasiz natijalar berishi mumkin. Shuningdek, balli baholash tizimi va baho shkalasi o‘rtasida nomutanosiblik mavjud. Bunday taqsimlash baholash tamoyillariga to‘g‘ri kelmaydi. Taklif sifatida Rossiya baholash tizimini va balli baholash tizimiga o‘tishni ko‘rib chiqish maqsadga muvofiq. O‘zbekiston tizimida ham baholarni shunday formatda umumlashtirish maqsadga muvofiqdir.

Ikkinchiidan – baholashdagi ballar chegaralari juda yuqori belgilangan. Tilni yaxshi bilmaydigan talabalar uchun ushbu barni pastroq qilish maqsadga muvofiq. Misol uchun, 5 ballik tizimda foiz ko‘rsatkichlari 90-100 deb belgilangan. Bizning fikrimizcha, tilni yaxshi bilmaydigan talabalar uchun ushbu ko‘rsatkich pastroq bo‘lishi kerak. Misol uchun, Britaniya yoki Yaponiya tizimlarini ko‘rib chiqish mumkin.

### Adabiyotlar/Literatura/References:

1. Orleans J., Sealey G.A. Objective tests. Vonkerson-Hudson. – N-Y and Chicago; World Book Company, 1905. – P. 19-20.
2. Цатурова И.А. Из истории развития тестов в СССР и за рубежом. – Таганрог, 1969. – 4с.
3. Нохрина Н.Н. Тест как общенаучный диагностический метод // Методы социологических исследований. – Златоуст, 2005. –118 с.
4. Усманова М.Н. Педагогическое тестирование; история развития и современное состояние. – Т.: 1995. –158 б.
5. Richard West. Assessment in Language Learning, Introduction and principles of language testing, Unit 0, MD338, – University of Manchester, 1997, – P. 30-34.
6. Исмоилов А.А. Чет тилида рейтинг тизими асослари, тест таркиби ва турлари. – Т.: 1997. – 3-б, 13 б.
7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг-Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида||ги №333- сонли буйруғи 2010 йил 25 август.
8. Абдуллаева М.А. Коммуникативная методика обучения иноязычной грамматике на начальном этапе языкового факультета (на материале Present Continuous, Present Perfect английского глагола): Дисс ... канд. пед. наук. – Ташкент, 2004. – 189 с.
9. Алимов Ф.Ш. Инглиз тилида ёзув компетенциясини шакллантириш (нофилологик факультетлар мисолида) Автореф. ... канд. пед. наук. –Т. ,2018.
10. Аванесов В.С. История возникновения тестов. – М.; 2000. - 7-10 – б.
11. Arthur H. Testing for language teachers. – Cambridge University Press; Second edition, 2003. – P. 75-82.
12. Буронов М. Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси. – Т. 1973. – 284 б.
13. Бушуй М. Язык и действительность. – Ташкент: Фан, 2005. –144 с.
14. Бакиева Г.Х. Узбекский язык для стран СНГ. – Москва: МГЛУ, 2012. – 120 с.
15. Bachman Lyle F. and Adrian S.Palmer. Language Testing in Practice. Designing and developing useful language tests. Oxford University Press 1996.–374.P-23.
16. Бенькович Т.М., Чепуренко Г.П. Квалиметрия образования как научно-практическое направление в педагогике. Вестник Ленинградского Государственного Университета. – Санкт-Петербург, 2012. –С. 59-69.

**Received:** 20 December 2024

**Accepted:** 5 January 2025

**Published:** 15 January 2025

*Article / Original Paper*

## **ENHANCEMENT OF SYNERGISTIC COMPETENCE IN INTEGRATED TEACHING OF TECHNICAL AND ART SCIENCES**

**Khakberdiyev Bakhtiyor Rustamovich,**

(PhD) Associate Professor University

Alfraganus Department

generalprofessional

**Abstract.** In this article, students of the specialty will be interested in the scientific research of our country and foreign scholars on integrative approaches, synergistic approaches and enhancing the competence of technical and artistic disciplines, the integration of disciplines of these two disciplines. will be expanded, they will have a deeper understanding and play an important role in their activities, self-development through the synergistic competence of technical and artistic sciences, integrative teaching approaches, Complementary, leading, joint information exchange, the acquisition of knowledge, skills and competencies, briefly highlights the relevant topics in the disciplines of engineering graphics to help in modeling, relational impact analysis, visualization and optimization.

**Keywords:** integrative approaches, synergetic approaches, technology, art, science, competence, area, idea, engineering graphics, design, fine arts, architecture, design, graphic problems, intuition, system.

## **TEXNIK VA SAN'AT FANLARINI INTEGRATIV O'QITISHDA SINERGETIK KOMPETENTLIKNI TAKOMILLASHTIRISH**

**Haqberdiyev Baxtiyor Rustamovich,**

Alfraganus universiteti umumkasbiy

fanlar kafedrası (PhD) dotsenti

E-mail: [b.haqberdiyev@afu.uz](mailto:b.haqberdiyev@afu.uz)

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada texnik va san'at fanlarini integrativ yondashuvlar, sinergetik yondashuvlar va kompetentlikni takomillashtirish bo'yicha yurtimiz va xorij olimlari tomonidan qilingan ilmiy izlanishlari, bu ikki fan tarkibidagi fanlarni integratsiyalash mutaxassislik talabalarida qiziqarli bo'lishi, mavzular kengayishi, yanada chuqurroq tushunib yetishlari va hayotiy faoliyatlarida muhim rol o'ynashi, texnik va san'at fanlarini sinergetik kompetentlikni, yondashuvlarni integrativ o'qitish orqali o'zini-o'zi rivojlantiruvchi, to'ldiruvchi, yetaklovchi, hamkorlik qiluvchi, axborotlar almashinuvchi, bilim, ko'nikma va malakalarga ega bo'luvchi, muhandislik grafikasi fanlaridagi mos keluvchi mavzularni modellashtirish, aloqadorligini qay holatda ta'sirini tahlil qilish, vizualizatsiyalashtirish va optimallashtirishda yordam berishi haqida qisqacha yoritib berilgan.

**Kalit so'zlar:** integrativ yondashuvlar, sinergetik yondashuvlar, texnika, san'at, fan, kompetentlik, soha, g'oya, muhandislik grafikasi, dizayn, tasviriy san'at, arxitektura, dizayn, grafik masalalar, intuitiv, tizim.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V5I1Y2025N52>

**Kirish.** Har bir jabhada o'sish, taraqqiy etish, rivojlanish jadal suratlarda ilgarilar ekan muhim tendensiyalardan biri bu texnik va san'at fanlarini o'zaro bir-birini to'ldirish, aloqadorligini ta'minlash muhimligi ko'rinib bormoqda. Bugungi kunda oliy ta'lim tizimida fanlararo aloqadorlikni tizimli yo'lga qo'yish fan va texnikani jamiyat hayotida rivoj topayotgan integrativ harakatlarni yorqin ifodasidir. Texnik hamda san'at aslida yonma-yon yuradigan tarmoq tizimi hisoblanib, bu ikki fanni mos mavzularini integratsiyalashda yangidan-yangi

imkoniyatlarni yuzaga chiqaradi. Bu ikki fan siklidagi fanlarga oid sinergetik kompetensiyalarni takomillashtirish sohasida nazariy hamda amaliy jihatdan o'z o'rniga ega bo'lgan sinergetik yondashuvlar haqida ko'pgina ilmiy izlanishlar qilinayotgan bo'lsada texnik va san'at fanlarini integratsiya orqali o'qitishga qaratilgan manbalar juda ham kam hisoblanadi [1: 98-99-b.].

Asosan texnik fanlar san'at fanlarida o'zining imkoniyatlaridan kelib chiqib, zamon talabiga mos bo'lgan zo'r g'oyalarni ishlab chiqilishi va hayotga tatbiq etilishida muhim rol o'ynaydi. Buning natijasida bor bo'lgan har qanday mahsulot yangilanishi oqibatida ijodiy jarayonni avtomatlashtirishda qo'l keladi. Shuni inobatga olgan holda tasviriy san'at, muhandislik grafikasi, arxitektura va dizayn yo'nalishi talabalari texnik va san'at fanlarini sinergetik kompetentlik asosida integratsiyalab o'qitish jarayonlarida o'z ijodkorliklarini kuchaytirishlari, doimiy izlanishda bo'lishlari, hayotiy faoliyatlarida qo'llashlari uchun yangidan-yangi g'oyalar, startup loyihalar ustida ko'proq izlanishlar olib borishlari lozim[2: 105-b].

**Mavzuga oid adabiyotlar tahlili.** Dunyoda insonlar tomonidan yashab turgan olamni qay holatdalgini uni sir-sinoatlarini anglab yetish bizning fikrimizcha sinergiya hisoblansa kerak. Sababi, sinergetik kompetensiyalarda o'zini-o'zi hosil qiluvchi ya'ni jamlab ko'rsatuvchi, hamkorlik qiluvchi tartibsiz, chiziqsiz jarayonlar aks etadi. Mustaqil davlatlar hamdo'stligida sinergetik kompetentlik bo'yicha asosan Rossiya federatsiyasida G.G.Kurdyumov, V.S. Stepin, V.V. Kosarev AQShda G. Xaken kabi olimlar bir qancha ilmiy izlanishlar bilan shug'ullanishgan. Respublikamiz olimlaridan B.To'rayev, K.M.Aliyeva, M.Abdullayev, A.O'tamurodov kabi olimlar izlanishlar olib borishgan.

Sinergetik yondashuvlarni ta'lim tizimida muhimligini A.V.Ignatova ochiqlab bergan. Uning fikriga ko'ra sinergetik kompetentlikni, yondashuvlarni o'quv jarayoniga kiritishni didaktik usullari, uni yanada takomillashtirilishi, modellashtirilishi va natijalarni amaliyotda foydalanilishi haqida yozgan.

Kevin Kelly "Out of Control" nomli kitobida tabiat jozibalari, o'zgarishlari, san'ati bilan texnologiyani integratsiyasi yuzasidan yangi tizim ishlab chiqib yangi yondashuvlarni amaliyotga tatbiq etishga undagan. Kellyning kitobida texnologiya haqida gap ketar ekan texnologiya o'zaro ta'sir qiluvchi va o'zaro bog'liq tizimlar bo'lib, san'at bilan birgalikda yangi tamoyillar, shakllar va funksiyalar vujudga kelishi, hayotga o'zining ta'sirini ko'rsatishi haqida fikr yuritib bu ikki yo'nalish haqida chuqur aloqadorlikni ko'rsatib o'tgan. Bundan shunday xulosaga kelish mumkinki, tizimni barcha qismlarini va ularni o'zaro ta'siri sinergetik kompetentlikka mos keladi.

Maeda John texnik va san'atni aloqadorliklari bo'yicha "The Lans of Simplicity" nomli kitobida intuitiv va jozibadorlik jihatlaridan yoqimli interfeyslari ishlab chiqishga yondashuvlarni ilgari surgan. Muallif o'zining ushbu kitobida sinergetik kompetentlik haqida to'g'ridan-to'g'ri yozmasa-da u bu bog'liqlikda soda qismlarni ishlab chiqish va tushuntirishda sinergetik yondashuvni ishlatish takliflarini bergan. Uning fikriga ko'ra soda va tushunarli ishlab chiqish uchun fanlarning mavzularini, turli sohalardagi bilimlarni birlashtirib yaxlitlashni ta'kidlagan. Shu o'rinda texnik va san'at sohalarni integratsiyalash orqali soda va tushunarli mavzular kelib chiqishini bayon qilgan.

Herbert Simon o'zining "Sciences of the Artificial" nomli qo'lyozmasida texnologiya va dizaynni odamlar ishlab chiqqan tizimlari sifatida murakkab tizimlarni o'rganishda sinergetik kompetentlik yondashuvlarini o'rganganligini yoritib bergan. Uning fikriga ko'ra odamlar

tomonidan ishlab chiqilgan tizimlar tabiiy tizimlardan farq qiladi. Farqi shundaki deydi olim bu tizimlar sun'iy bo'lib odamlarni oldilariga qo'ygan maqsadlari va ehtiyojlariga qarab moslashtirilgan. Sun'iy tizim o'zining murakkabligi bilan ajralib turadi sababi ularni tushunish qiyin va ularni o'zaro ta'sirlari murakkab natijalarga olib kelishi mumkin deya ta'kidlagan. Simonni fikriga ko'ra texnik va san'at fanlarini integrativ o'qitishda sinergetik kompetentlikni takomillashtirish uchun bu tizimlarni tushunish va ularni yaxshilab aloqadorliklarini aniqlashda ularni barcha qismlarini va o'zaro ta'sirini ko'rib chiqish kerak.

**Tadqiqot metodologiyasi.** Texnik va san'at fanlarini integrativ o'qitishda sinergetik kompetentlikni takomillashtirishda texnik fanlarni san'at fanlariga ta'sirini aytadigan bo'lsak muhandislik va ijodiy kompyuter dasturlari, 3D, 5D, 7D printerlar, fanlarga mos keladigan texnologiyalar, bu ikki fan tarmoqlarini aloqadorligini aniqlash, har bir bog'liqlikni sinchkovlik bilan o'rganish, natijalarni amaliy qo'llab ko'rish, samarali natijalarini analiz qilish, global g'oyalar vujudga keltirish, mavjud bo'lgan texnologiyalarni integratsiyalash orqali yangicha yo'llar bilan amalda qo'llash samarali natija beradi [3:59-b]. Undan tashqari san'at texnik sohalarda tasviriy san'at, muhandislik grafikasi, arxitektura va dizayn mutaxassisligi talabalarini fazoviy va ijodiy tafakkurlari orqali fikrlash, bu fanlar tarkibidagi fan mavzularini integratsiyalashda vujudga kelgan kelayotgan muammolarni yechimlarini hal qilish, har bir texnik mahsulotni dizaynini, insonlar his-tuyg'ulari va ehtiyojlarini, foydalanuvchi interfeysini hamda umumiy nafosatini, go'zalligini yaxshilashga yordam beradi.

Texnik va san'at fanlarini integrativ o'qitishda sinergetik kompetentlikni takomillashtirishda uning afzalliklari bu ikki fan tarkibidagi fanlarni integratsiyalash mutaxassislik talabalarida qiziqarli bo'lishi, mavzular kengayishi, yanada chuqurroq tushunib yetishlari va hayotiy faoliyatlarida muhim rol o'ynashini ta'minlaydi. Bu o'ringa biz sinergetik kompetentlikka ham to'xtalsak. Sinergetik kompetentlik – har bir fan texnikada bir-biriga mos keluvchi asosli va taxminiy manbalarni yaxlitlash, vujudga kelgan muammolarni ilmiy, nazariy tarzda yechimini isbotlash qobiliyatidir [4; 250-251-b], [5: 69-b].

Texnik va san'at fanlarini integrativ o'qitishda sinergetik kompetentlikni takomillashtirish uchun ideal muhit yaratadi. Ushbu jarayonlar bo'yicha zarur bo'lgan jihatlari texnik va san'at fanlar tarkibidagi har bir fanni mos keladigan mavzularini turli xil nuqtai nazardan ko'rib chiqishni, ijodiy va grafik masalalarni yechimlarini ishlab chiqishni, pedagogik metodlar qo'llash orqali oson va qulay tushunishlari, loyihalar ishlab chiqishlari, muhokamaga qo'yishlari, nima uchun bu ikki fan tarkibidagi fanlar mavzularini o'zaro bog'liqliklarini tushunib yetishlari, mutaxassisliklaridan kelib chiqib sinergetik kompetentlik asosida o'qitishni qiymatini hamda ahamiyatini yanada chuqurroq anglashga, bu jarayon bo'yicha yangi takliflar ishlab chiqishda yordam berishlari, yuzaga chiqqan muammolarni yechimida yordam berishlari lozim bo'ladi [6: 54-b].

**Tahlil va natijalar.** Texnik va san'at fanlarini integrativ o'qitishda sinergetik kompetentlikni takomillashtirish jamiyatimiz va yosh kelajak avlodni mutaxassisliklari uchun juda ham dolzarbdir. Buning uchun integratsiyalashgan ta'limni yanada rivojlantirish jarayonida o'z-o'zini tashkil qiluvchi, shakllantiruvchi, hamkorlik qiluvchi, aloqadorligini namoyon etuvchi jarayonlarni hisobga olish darkor. Texnik va san'at fanlari o'qituvchilari sinergetik kompetentlikni o'zini-o'zi integratsiyalashidan, tashkil etishidan, takomillashtirishidan foydalanishi maqsadga muvofiq bo'lardi [7: 2716-b]. Buning uchun:

1. Birinchi navbatda texnik va san'at fanlari o'quv rejalari, majmualari, fanlar mavzularini aloqadorligini namoyon qilish.
2. Ikkinchi navbatda texnologiya va san'at, arxitekturaviy san'at, muhandislik va dizayn kabi yo'nalishlar joriy etish.
3. Texnologiyaga mos keladigan har bir fanni, san'at fanlaridagi mavzularini (yoki aksincha) chuqur o'rgangan holda aloqadorliklarini aniqlashtirib amaliyotga joriy etish.
4. Bu ikki mutaxassisliklarni integrativ, sinergetik yondashuvlariga asoslangan axborot resurslarini ishlab chiqib amaliyotga joriy etish.
5. Texnik va san'at fanlarini sinergetik kompetentlikni, yondashuvlarni integrativ o'qitish orqali rivojlantirishda pedagogik, psixologik, falsafiy va metodik manbalar tahlillarini hisoblab ta'sir etuvchi omillarini aniqlashtirish.
6. Texnik va san'at fanlarini har bir mos keluvchi mavzularini loyihalash modelini sinergetik kompetentlik va yondashuvlari asosida integrativ o'qitilishini rivojlantirish.
7. Sinergetik kompetentlikda texnik va san'at fanlarini integratsiyalash orqali mazmunini o'z-o'zini tashkil etishda, bifurkatsiyalarga qarshi omil topish, attraktorni qo'llash.
8. Texnik va san'at fanlarini sinergetik kompetentlikni, yondashuvlarni integrativ o'qitish orqali uning keyingi natijalari qay holatda davom etishini aniqlash.
9. Texnik va san'at fanlarini sinergetik kompetentlikni, yondashuvlarni integrativ o'qitish orqali hamkorlik, umumiy-uslubiy hammualliflikni yanada takomillashtirish [8: 56-b.], [9: 19-b.].

**Xulosa va takliflar.** Texnik va san'at fanlarini sinergetik kompetentlikni, yondashuvlarni integrativ o'qitish orqali o'zini-o'zi rivojlantiruvchi, to'ldiruvchi, yetaklovchi, hamkorlik qiluvchi, axborotlar almashinuvchi, bilim, ko'nikma va malakalarga ega bo'luvchi, muhandislik grafikasi fanlaridagi mos keluvchi mavzularni modellashtirish, aloqadorligini qay holatda ta'sirini tahlil qilish, vizualizatsiyalashtirish va optimallashtirishda yordam beradi. Bundan shu xulosaga kelishimiz mumkinki, texnik va san'at fanlarini integrativ o'qitish jarayonlarida sinergetik kompetentlikni ishtirokini ta'minlashimiz muhim hisoblanar ekan. Tadqiqotimiz shuni ko'rsatadiki ushbu fanlar o'qituvchilari va talabalari sinergetik kompetentlik va yondashuvlarni aloqadorligi bilan muntazam shug'ullanib samarali natija berishidan dalolatdir.

#### **Adabiyotlar/Литература/References:**

1. Rustamovich, H. B., & Qabiljanovich, R. U. (2024). The educational direction "fine arts and engineering graphics" in the formation of the scientific worldview of students the role of computer graphics engineering science. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 6(03), 97-100.
2. Rustamovich, H. B., & Abdurafikjonovna, A. H. (2024). The oretical solutions for integrative teaching of fine arts and engineering graphics with various disciplines of still life, consisting of geometric shapes in pencil painting. *International Journal of Advance Scientific Research*, 4(03), 102-106.
3. Rustamovich, H. B. (2024). Broadening the horizons of students with the participation of integration. *Current Research Journal of Pedagogics*, 5(01), 58-61.

4. Haqberdiyev, B. (2024). TEXNIK VA SAN'AT FANLARIDA: INTEGRATSIYA, SINERGETIKA, KOMPITENSIYA. *News of the NUUZ*, 1(1.10. 1), 250-252.
5. Haqberdiyev, B. R. (2022). Integration of engineering graphics and design science in a comparative description of methodological approaches. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 12(7), 67-70.
6. Hakberdiyev, B. R. (2024, September). Integrative methodology in architecture and design. In *International Conference on World Science and Resarch* (Vol. 1, No. 2, pp. 52-56).
7. Rustamovich, H. B. Zamonaviy ta'limda muhandislik grafikasi va dizayn fanlarni integrativ yondashuvlari. *Xalqaro konferensiya "İpek Yolu ve Ötesi Kongre Serisi"(SIRCON 2023)"Bir Yol Bir Kuşak: Göç, Turizm ve EkonomiPolitik*, 2707-2721.
8. Hakberdiyev, B. R. (2024, September). Integrative methodology in architecture and design. In *International Conference on World Science and Resarch* (Vol. 1, No. 2, pp. 52-56). DOI: <https://doi.org/10.37547/tajas/Volume06Issue12-04>
9. Haqberdiyev B.R., Structural analysis of form. an important feature of the science of pencil drawing is its figurative expression and integration with various disciplines *The American Journal of Applied Sciences*, Vol. 6 No. 12 (2024): Vol 06 Issue 12, 18-20. DOI: <https://doi.org/10.37547/tajas/Volume06Issue12-04>

**Received:** 20 December 2024

**Accepted:** 5 January 2025

**Published:** 15 January 2025

*Article / Original Paper*

## **THE ROLE OF METHODOLOGICAL TRAINING IN ENHANCING PROFESSIONAL COMPETENCE OF FOREIGN LANGUAGE TEACHERS**

**Erkulova Feruza Melikuziyevna,**

PhD, Associate professor

Namangan State Institute of Foreign Languages

named after Isxakhan Ibrat

E-mail: [feruzaerkulovauzb@gmail.com](mailto:feruzaerkulovauzb@gmail.com)

**Abstract.** Methodological training is essential for educators, integrating theory with practice to enhance lesson planning, innovative teaching, and instructional strategies. This study, conducted across five universities, examines its impact on master's students' pedagogical competence, emphasizing individualized teaching and technology integration. Findings highlight its transformative role in improving teaching effectiveness in higher education.

**Keywords:** methodological training, pedagogical content knowledge, Zone of Proximal Development, scaffolded learning, student-centered teaching, professional development, task-based learning, reflective practices, digital tools, innovative teaching strategies.

## **CHET TILI O'QITUVCHILARINING KASBIY KOMPETENTLIGINI OSHIRISHDA METODIK TAYYORGARLIKNING O'RNI**

**Erkulova Feruza Melikuziyevna,**

pedagogika fanlari

bo'yicha falsafa doktori, PhD, dotsent

Is'hoqhon Ibrat nomidagi Namangan davlat chet tillar instituti

**Annotatsiya.** Metodik tayyorgarlik o'qituvchilar uchun muhim bo'lib, nazariya va amaliyotni uyg'unlashtirib, dars rejalashtirish, innovatsion o'qitish usullari va ta'lim strategiyalarini takomillashtirishga xizmat qiladi. Besh universitetda olib borilgan tadqiqot magistratura talabalari pedagogik kompetensiyasiga ta'sirini tahlil qilib, individual yondashuv va raqamli texnologiyalarning ahamiyatini ta'kidlaydi. Natijalar ta'lim samaradorligini oshirishdagi o'zgarishlarni ko'rsatadi.

**Kalit so'zlar:** metodik tayyorgarlik, pedagogik kontent bilimi, yaqin rivojlanish zonasi, bosqichma-bosqich o'rganish, talaba markazli ta'lim, kasbiy rivojlanish, topshiriq asosida o'qitish, reflektiv amaliyotlar, raqamli vositalar, innovatsion o'qitish strategiyalari.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V5I1Y2025N53>

**Introduction.** Methodological training is a cornerstone of effective teacher education, playing a pivotal role in shaping the professional competencies of educators. It bridges the critical gap between theoretical frameworks and their practical implementation, ensuring that educators are not only knowledgeable but also capable of applying their understanding to real-world classroom settings. The core purpose of methodological training is to develop skills that enable teachers to design and deliver well-structured lessons, cater to the diverse needs of individual learners, and create engaging, application-oriented learning experiences.



Methodological training serves as a fundamental pillar of pedagogical processes, integrating theoretical knowledge with practical skills essential for the professional development of educators. This study explores the significance of methodological training in structuring effective lesson plans, implementing innovative teaching approaches, and developing tailored instructional strategies. Grounded in the theoretical perspectives of Vygotsky, Shulman, Brown, J. Jalolov, S. Misirov, and others, the research examines how methodological training aligns with contemporary educational demands, particularly in fostering individualized teaching practices and integrating advanced technological tools. The research is conducted across five universities, including Uzbekistan World Languages University, Samarkand State Institute of Foreign Languages, Kokand Pedagogical University, Andijan State Institute of Foreign Languages, and Namangan State Institute of Foreign Languages. The primary subjects of the study are master's students, whose experiences and professional development serve as the focal point for analyzing the impact of methodological training on pedagogical competence. The findings of this study highlight the transformative potential of methodological training in enhancing teaching effectiveness and addressing the diverse needs of learners within higher education settings.

Renowned educational theorists, including Vygotsky, Shulman, and Brown, have highlighted the indispensable nature of methodological training in achieving teaching excellence. Vygotsky's sociocultural theory underscores the importance of scaffolding and collaborative learning, enabling teachers to support students within their Zone of Proximal Development (ZPD). Shulman's concept of Pedagogical Content Knowledge (PCK) emphasizes the fusion of subject matter expertise with effective instructional strategies, allowing educators to convey complex ideas in an accessible manner. Brown's student-centered approach advocates for innovative and adaptive teaching methods that prioritize learner engagement and interaction.

In the context of modern education, the importance of methodological training extends beyond traditional classroom strategies. The integration of technology, differentiated instruction, and reflective practices has become essential for addressing the evolving needs of diverse student populations. This study explores the multifaceted components of methodological training, evaluating its impact on teaching effectiveness through the lens of established pedagogical theories. By investigating its role in lesson organization, student engagement, and the application of innovative teaching techniques, this research provides valuable insights into how methodological training can enhance the quality of education in contemporary classrooms.

**Methods.** This study employs a comprehensive qualitative approach to investigate the multifaceted dimensions of methodological training in foreign language teaching. A range of methodological tools was utilized to ensure a holistic understanding of the topic, focusing on theoretical exploration, practical classroom observations, educator perspectives, and professional development experiences.

A thorough examination of foundational educational theories was conducted to establish the core principles underlying methodological training. This analytical process encompassed key theoretical frameworks that have significantly contributed to the field of pedagogy and teacher education. Vygotsky's Sociocultural Theory underscores the pivotal role of social interaction in cognitive development particularly through the mechanism of scaffolded

learning within the Zone of Proximal Development ZPD.[1] This theoretical lens provides a foundation for understanding how educators facilitate learning by structuring collaborative tasks and guided instruction to optimize students' cognitive and linguistic growth. Shulman's Pedagogical Content Knowledge PCK framework highlights the interplay between subject matter expertise and the ability to effectively convey complex concepts to learners.[2] Through this perspective the study examined the extent to which teachers integrate disciplinary knowledge with pedagogical strategies to enhance instructional clarity and effectiveness.

Brown's Student-Centered Teaching Models emphasize the necessity of learner engagement differentiated instruction and the contextualized application of language skills.[3] This framework was analyzed in relation to its implications for fostering an interactive and adaptive learning environment that responds to diverse student needs. Nation's theoretical contributions to vocabulary acquisition were explored to assess effective vocabulary learning strategies and their role in methodological training.[4] This perspective provided insights into evidence-based approaches for vocabulary instruction and their integration into broader pedagogical frameworks. Richards and Rodgers' Communicative Language Teaching CLT framework underscores the importance of interactive and communication-driven instruction in language education.[5] This study considered its application in facilitating meaningful language use fostering linguistic competence and enhancing communicative proficiency in diverse learning contexts.

These theoretical perspectives collectively informed the conceptual foundation of the study guiding both the research design and the interpretation of findings within the broader discourse on methodological training and pedagogical development.

Jalolov J and S Misirov have made significant contributions to the field of methodological training for foreign language teachers particularly in Uzbekistan. Their research and pedagogical approaches emphasize the integration of theoretical knowledge with practical skills aiming to enhance teachers' professional competence in foreign language education. Jalolov J is recognized for his work on foreign language teaching methodology focusing on communicative competence language acquisition strategies and teacher training. His research has explored the importance of methodological competence in foreign language teaching stressing the role of systematic training in improving teachers' instructional effectiveness. He has examined principles of communicative language teaching CLT and their application in Uzbekistan's educational context providing models for interactive and learner-centered instruction. His work has contributed to the development of teaching strategies that integrate modern pedagogical techniques including differentiated instruction active learning methods and the use of authentic materials. He has also designed teacher training programs aimed at equipping educators with the necessary methodological skills to foster language proficiency among students. His studies focus on aligning foreign language teaching methodologies with national education standards ensuring that methodological approaches meet the evolving needs of the educational system.

S Misirov has contributed to the advancement of methodological training by focusing on innovative approaches in language pedagogy and teacher education. His research has addressed the role of cognitive and metacognitive strategies in language learning and teaching emphasizing the need for methodological training that incorporates these elements.[9] He has explored the use of technology-enhanced learning tools to support language acquisition

promoting digital literacy and the integration of ICT Information and Communication Technologies in foreign language instruction. His contributions include the development of assessment and evaluation methodologies in foreign language education providing frameworks for effectively measuring language proficiency and instructional effectiveness. He has also designed contextualized methodological training programs tailored to the specific needs of foreign language teachers in Uzbekistan bridging theoretical knowledge with real-world teaching applications.[10]

Their work has contributed significantly to improving the quality of foreign language education in Uzbekistan by providing teachers with the methodological foundation necessary for effective instruction. Their research highlights the importance of integrating theoretical and practical aspects of language pedagogy influencing curriculum development teacher training programs and educational policies in the country

### ***Classroom Observation***

11. Alper Uyumaz, Kemal Erdoğan. The theory of legal clinic in education of law. Procedia - Social and Behavioral Sciences 174 (2015) 2116 –2122. // [www.sciencedirect.com](http://www.sciencedirect.com).
12. 12.Shashikala Gurple, Rupal Rautdesai. Revisiting Legal education for Human Development: Best Practices in South Asia. Procedia - Social and BehavioralSciences157(2014)254265. <http://www.lawstudies.com/PhD/Indonesia/>; <http://www.wcl.american.edu/hrbrief/17/2ezer.pdf>; [http://www.innovatingjustice.com/innovations/singapore-lawyers-developmodules-for-legealeducation?view\\_content=details](http://www.innovatingjustice.com/innovations/singapore-lawyers-developmodules-for-legealeducation?view_content=details).

13. 13.John O. McGinnis, Russell D. Mangas. An undergraduate option for legal education. *International Review of Law and Economics* 38 (2014) 117–131.
14. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 9-yanvardagi PF-5618-son Farmonining I- ilovasi "Jamiyatda huquqiy madaniyatni yuksaltirish Kontseptsiyasi".

**Received:** 20 December 2024

**Accepted:** 5 January 2025

**Published:** 15 January 2025

*Article / Original Paper*

## **THE ROLE OF METHODOLOGICAL TRAINING IN ENHANCING PROFESSIONAL COMPETENCE OF FOREIGN LANGUAGE TEACHERS**

**Jamolova Mohigul Bakhtiyorovna**

Teacher of Bukhara State Pedagogical Institute

**Abstract.** This article analyzes the importance, methods and effective approaches to the formation of critical thinking skills of future foreign language teachers. Critical thinking is an integral part of pedagogical activity, it ensures interactivity of the educational process, helps the teacher to develop innovative approaches. The article examines the importance of modern educational technologies in the development of critical thinking skills, organizing problem situations in training and strengthening the professional competence of teachers.

**Keywords:** critical thinking, foreign language, pedagogy, interactive education, future teacher, innovative approach, competence, problem situation.

## **BO'LAJAK CHET TILI FANI O'QITUVCHILARINING TANQIDIY FIKRLASH QOBILIYATLARINI RIVOJLANTIRISHNING NAZARIY VA METODIK ASOSLARI**

**Jamolova Mohigul Baxtiyorovna,**

Buxoro davlat pedagogika instituti o'qituvchisi

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada bo'lajak chet tili fani o'qituvchilarining tanqidiy fikrlash qobiliyatlarini shakllantirishning ahamiyati, usullari va samarali yondashuvlari tahlil qilinadi. Tanqidiy fikrlash pedagogik faoliyatning ajralmas qismi bo'lib, ta'lim jarayonining interaktivligini ta'minlaydi, o'qituvchining innovatsion yondashuvlarni ishlab chiqishiga ko'maklashadi. Maqolada tanqidiy fikrlash qobiliyatlarini rivojlantirishda zamonaviy ta'lim texnologiyalarining ahamiyati, mashg'ulotlarda muammoli vaziyatlarni tashkil etish va o'qituvchilarning kasbiy kompetensiyasini mustahkamlash masalalari ko'rib chiqiladi.

**Kalit so'zlar:** tanqidiy fikrlash, chet tili, pedagogika, interaktiv ta'lim, bo'lajak o'qituvchi, innovatsion yondashuv, kompetensiya, muammoli vaziyat.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V5I1Y2025N58>

**Kirish.** Bugungi kunda ta'lim jarayonida bo'lajak chet tili o'qituvchilarini yuqori malakali, innovatsion yondashuvlarga ega, tanqidiy fikrlash qobiliyatiga ega mutaxassis sifatida tayyorlash dolzarb vazifalardan biri hisoblanadi. Tanqidiy fikrlash, avvalo, muammoli vaziyatlarni tahlil qilish, sabab va oqibatlarni aniqlash, muammolarga yechim topish va aniq xulosalar chiqarishni o'z ichiga oladi. Ushbu ko'nikmalar nafaqat o'quv jarayonining sifatini oshirishda, balki o'qituvchi faoliyatining samaradorligini ta'minlashda ham muhim ahamiyatga ega.

Chet tilini o'qitishda tanqidiy fikrlash alohida o'rin tutadi, chunki bu jarayonda o'qituvchi nafaqat til qoidalarini o'rgatadi, balki o'quvchilarda analitik yondashuvni shakllantiradi, ular bilan interaktiv muloqot o'rnatadi. Ushbu maqolada bo'lajak chet tili o'qituvchilarining tanqidiy fikrlash qobiliyatlarini rivojlantirishning metodik asoslari va yondashuvlari batafsil ko'rib chiqiladi.

**Adabiyotlar tahlili va metodologiya.** Abdurahmonovning ta’kidlashicha [1; B. 256.], ta’limda innovatsion texnologiyalarning joriy etilishi o’quv jarayonini samarali tashkil etishda muhim ahamiyat kasb etadi. Uning asarida interfaol metodlarning, jumladan, muammoli vaziyatlar va reflektiv tahlil usullarining o’quvchilarning tanqidiy fikrlash qobiliyatlarini rivojlantirishdagi ahamiyati batafsil yoritilgan. Muallifning fikricha, bunday yondashuvlar ta’lim jarayonining interaktivligini oshirish va o’quvchilarning mustaqil fikrlash ko’nikmalarini shakllantirishga ko’maklashadi. Ushbu yondashuv maqola mavzusida keltirilgan metodikalar uchun nazariy asos vazifasini bajaradi.

Nazarovning tadqiqotida [2; B.312.] pedagogik mahoratning nazariy asoslari va metodlari batafsil o’rganilgan. Uning fikriga ko’ra, pedagogning tanqidiy fikrlash qobiliyati o’quv jarayonining sifatini belgilovchi asosiy omillardan biridir. Nazarov o’qituvchi faoliyatida muammoli vaziyatlarni tashkil etish, o’quvchilarning mustaqil fikr yuritish qobiliyatini rivojlantirishga qaratilgan mashg’ulotlarni ishlab chiqish usullarini tahlil qiladi. Ushbu asar bo’lajak chet tili o’qituvchilarini tayyorlashda zarur bo’lgan uslubiy yondashuvlarni belgilab beradi.

Usmonovning tadqiqotida [3; B.284.] zamonaviy pedagogik yondashuvlar, xususan, interaktiv metodlarning qo’llanilishi o’rganilgan. Muallifning fikriga ko’ra, interaktiv mashg’ulotlar orqali o’quvchilar bilan bevosita muloqot qilish, ularning bilim va ko’nikmalarini amaliyotga tatbiq etish imkoniyati oshadi. Ushbu metodlar o’qituvchi va o’quvchi o’rtasidagi o’zaro hamkorlikni mustahkamlash orqali tanqidiy fikrlashni shakllantirish uchun qulay sharoit yaratadi. Tadqiqotda bo’lajak o’qituvchilarning kasbiy rivojlanishi uchun innovatsion texnologiyalardan foydalanish tavsiya etilgan.

**Muhokama.** Tanqidiy fikrlash — bu muammolarni tahlil qilish, ma’lumotni tanqidiy baholash va asosli xulosa chiqarishga qaratilgan fikrlash jarayoni. Ushbu qobiliyat o’qituvchining nafaqat kasbiy muvaffaqiyati, balki ta’lim sifatini ta’minlashda ham muhim ahamiyatga ega.

*Tanqidiy fikrlashning asosiy xususiyatlari [4; B.197.]:*

1. **Muammoli vaziyatni tushunish.** O’qituvchi muammoni tahlil qilish va uning yechimlarini aniqlash qobiliyatiga ega bo’lishi kerak.
2. **Analitik yondashuv.** Ma’lumotni tanqidiy baholash va tegishli xulosalar chiqarish qobiliyati.
3. **Mantiqiy fikrlash.** Fikrlarni aniqlik va izchillik bilan ifodalash, sabab va oqibatlarni aniqlash.
4. **Innovatsion qarorlar qabul qilish.** O’qituvchi muammoni hal qilishda ijodkorlik va innovatsion yondashuvlardan foydalanishi zarur.

Quyidagi jadval bo’lajak chet tili o’qituvchilarining tanqidiy fikrlash qobiliyatlarini rivojlantirishga qaratilgan ba’zi mashg’ulotlar va ularning maqsadlarini ko’rsatadi:

Usul	Misol	Maqsad
Muammoli vaziyat yaratish	Ingliz tilida “Globalization: Pros and Cons” mavzusida munozara	Muammoni tahlil qilish va asoslangan fikr bildirish
Rol o’ynash	O’qituvchi va o’quvchi rollarini almashtirish	Kommunikativ ko’nikmalarni rivojlantirish
Case-study	Ingliz tilidagi matn asosida muammoni tahlil qilish	Analitik fikrlash va mantiqiy xulosa chiqarish

Refleksiya	Mashg'ulot natijalarini yozma tahlil qilish	O'z faoliyatini tahlil qilish va yutuqlarni aniqlash
O'yinli topshiriqlar	Turli til qoidalariga oid masalalarni ijodiy usulda yechish	Ijodiy va tanqidiy fikrlash qobiliyatlarini rivojlantirish

**Natijalar.** Tanqidiy fikrlashni rivojlantirish texnologiyasi doirasida 3 texnologik bosqich tanlanadi: chaqirish bosqichi, amalga oshirish bosqichi va ko'zgu fazasi.

**Chaqirish bosqichi.** Ta'lim samaradorligining etishmasligi ko'pincha o'qituvchi o'quv jarayonini belgilangan maqsadlar asosida qurishi bilan izohlanadi, ya'ni bu maqsadlar dastlab o'quvchilarga boshidanoq beriladi. Darhaqiqat, o'qituvchining maqsadlari oldindan belgilanadi, bu unga ta'lim jarayonining bosqichlarini aniqroq aniqlashga imkon beradi. Shu bilan birga, didaktikada o'qitishga konstruktiv yondashish g'oyalari rivojlanmoqda, bu o'quvchiga o'rganish uchun zarur bo'lgan ichki motivni yaratadigan ko'p maqsadlarni qo'yish qobiliyatini taklif qiladi. Shundagina o'qituvchi ushbu maqsadlarga erishish uchun samarali usullarni tanlay oladi. Biz eng yaxshi ushlab turganimizni eslaymiz. Odatda bu biz allaqachon biladigan narsa haqida ma'lumot. Bizga yechimni topish osonroq bo'lishi kerakmi? Agar bizda o'rganadigan yoki qiladigan biror narsa bo'lsa, u mavjud tajribaga mos keladi. Shunday qilib, agar talabaga o'rganilayotgan mavzu to'g'risida allaqachon bilgan narsalarini tahlil qilish imkoniyatini berish imkoniyati bo'lsa, u o'z maqsadlarini shakllantirish uchun qo'shimcha rag'batlantiradi. Ushbu muammo chaqiruv bosqichida hal qilinadi. Ikkinchi vazifa - talabalarni faollashtirish. Har bir inson o'z tajribasini yangilash maqsadi, ishda qatnashishi juda muhimdir. Qiyinchilik bosqichini amalga oshirishda muhim jihat bu keyinchalik paydo bo'lgan barcha ma'lumotlarni talabalarning tizimlashidir. Bu bir tomondan to'plangan ma'lumotni "kengaytirilgan" ko'rinishda ko'rishlari uchun kerak. Aytilgan fikrlarni tuzish bizga yangi ma'lumotlarni o'rganish jarayonida keyingi qidirish yo'nalishini aniqlaydigan ravshan lahzalarni emas, balki qarama-qarshiliklarni ham ko'rish imkonini beradi. Bundan tashqari, har bir talaba uchun ushbu sohalar ko'proq individual bo'lishi mumkin [5; B.228.].

**Amalga oshirish bosqichi.** Ushbu bosqichni ma'noning bosqichi deb atash mumkin. Yangi material o'rganiladigan ko'pgina kasblarda ushbu bosqich ko'p vaqtni oladi. Ko'pincha yangi ma'lumotlar bilan tanishish uni o'qituvchi tomonidan taqdim etish jarayonida, video yoki kompyuterda materiallarni o'qish yoki ko'rishda kamroq uchraydi. Tanqidiy fikrlashni rivojlantirish shartlaridan biri o'rganilayotgan material bilan ishlashda tushunchaga rioya qilishdir. Ushbu vazifa amalga oshirish bosqichida mashq qilishda ayniqsa muhimdir. Ushbu bosqichda ishni tashkil etish boshqacha bo'lishi mumkin. Ma'nolar bosqichini tushunish jarayonida asosiy vazifa talabalarning faolligini, qiziqish va qiyinchilik bosqichida yaratilgan harakatning inertligini qo'llab-quvvatlashdir. Xuddi shunday, tushunish bosqichida talabalar mustaqil ravishda o'quv maqsadlarini qurishda davom etadilar. Maqsadlarni belgilash yangi bilimlar bilan tanishish jarayonida, mavjud bilimlarga asoslanganda amalga oshiriladi. Talabalar kirish darajasidagi murakkablikni hal qilish uchun ilgari berilgan savollarga javob topishlari mumkin. O'qituvchi o'quvchilarni yangi savollar yaratishga, talabalar ishlayotgan ma'lumotlar doirasida javob topishga undashi muhimdir. Siz ma'no bosqichini tushunish uchun yetarli vaqtni tanlashingiz kerak. Agar talabalar matn bilan ishlayotgan bo'lsa, ikkinchi marta o'qish uchun vaqtni tanlash tavsiya etiladi, ba'zi masalalarni oydinlashtirish uchun siz matn ma'lumotlarini boshqa kontekstda ko'rishingiz kerak.

**Ko'zgu fazasi.** Robert Bustrom o'zining "Ijodiy va tanqidiy fikrlashni rivojlantirish" kitobida aks ettirish — fikrlashning o'ziga xos uslubini ta'kidlaydi. Ko'zgu fikrni, diqqatni jamlashni anglatadi. Bu ehtiyotkorlik bilan tortish, baholash va tanlashni anglatadi. Ko'zgu jarayonida yangi ma'lumotlar paydo bo'ldi, shaxsiy bilimlarga aylanadi. Tahlil va baholash ishning barcha bosqichlarini qamrab oladi, ammo uchinchi bosqichda aks ettirish o'qituvchi va talabalarining asosiy maqsadiga aylanadi. Tahlil yangi materialning ma'nosini, qurilish, marshrut va mashg'ulotning keyingi o'tishini aniqlashtirishga qaratilgan. Ammo bu tahlil og'zaki yoki yozma bo'lmasa foydasizdir. Ayniqsa, xabardorlik jarayonida bo'lgan tartibsizliklarni og'zaki so'zlash jarayonida.

Qanday bo'lmasin, aks ettirish bosqichi tanqidiy fikrlash ko'nikmalarini rivojlantirishga faol hissa qo'shadi. Shunday qilib, fikrlash bosqichida talabalar mavjud g'oyalar va bilimlarning toifalari to'g'risida yangi ma'lumotlarni tizimlashtirishadi. Ushbu bosqichda individual va guruh ishlarining kombinatsiyasi eng mos keladi. Shaxsiy ish jarayonida (harflarning har xil turlari: insho, kalit so'zlar, materialning grafik tashkil etilishi va boshqalar) talabalar o'rganilayotgan mavzuning mohiyatini tushunish uchun eng muhim bo'lgan ma'lumotlarni tanlaydilar. Shuningdek, ular yangi so'zlardan yangi g'oyalar va ma'lumotlarni ifoda etadilar, sabab-oqibat munosabatlarini mustaqil ravishda o'rnatadilar. Yozishdan tashqari, og'zaki fikrlash ham muhimdir. Dialogning aks ettirish bosqichida yechimi o'qituvchiga bitta masala bo'yicha fikrlarning turli xil variantlarini ko'rish va ko'rib chiqishga imkon beradi. Bu qayta ko'rib chiqish va ta'lim jarayonidagi o'zgarishlar vaqti. Yangi ma'lumotni integratsiyalashning turli usullari bilan tanishish hozirgi paytda kelajakda yanada samarali va maqsadli ishlatilishi mumkin bo'lgan yanada moslashuvchan dizaynlarni yaratishga olib keladi. Qanday qilib fikr yuritishga hissa qo'shishingiz mumkin? Savollar bunday samarali mexanizm bo'lishi mumkin. Ko'zgularni kuchaytirish uchun yana bir rag'bat o'qituvchining subyektiv fikridir. Hamkorlik pozitsiyasi munozara muhitini yanada ochiq qilish imkonini beradi. Ko'zgu jarayonida talabalar ishlarining natijalari baholanadi.

Tanqidiy fikrlashni rivojlantirish texnologiyasini rivojlantirishning bir qismi sifatida ko'plab texnologik yozuvlar mavjud. Ushbu eslatmalarni birlashtirib, dars o'qituvchilari muayyan material va o'quvchilarning rivojlanish darajalariga moslashishlari mumkin.

Bo'lajak o'qituvchilarda tanqidiy fikrlashni rivojlantirish usullari

### 1. Muammoli vaziyatlarni tashkil etish

Ta'lim jarayonida muammoli vaziyatlar o'quvchilar va o'qituvchilar uchun muhim amaliyot hisoblanadi. Muammoli vaziyatlar o'qituvchining tanqidiy fikrlashini rivojlantirish uchun quyidagi bosqichlarni o'z ichiga oladi [6; B.214.]:

- Muammoni aniqlash va uni o'quv jarayonida muhokama qilish.
- Muammoli savollar va topshiriqlar asosida yechim qidirish.
- Olingan yechimlarni tahlil qilish va natijalarni baholash.

### 2. Interaktiv ta'lim usullaridan foydalanish

Interaktiv usullar, masalan, munozaralar, rolli o'yinlar va muhokamalar o'qituvchilarning fikr almashish jarayonida o'z nuqtai nazarini asoslashga yordam beradi. Masalan:

- **Rol o'ynash mashg'ulotlari.** Talabalar turli mavzularda ingliz tilida munozaralar tashkil qiladi va o'z pozitsiyasini himoya qiladi.

- **Guruh bo‘lib ishlash.** Talabalar jamoa bo‘lib biror muammoni hal qiladi, bu esa ular orasida fikr almashish va tanqidiy baholash jarayonini kuchaytiradi.

### 3. Ko‘rgazmalilik va vizual materiallardan foydalanish

O‘qituvchilarda tanqidiy fikrlashni shakllantirishda turli diagrammalar, grafikalar va vizual materiallardan foydalanish samarali natijalar beradi. Vizual materiallar muammolarni tahlil qilish va ularga yechim topish jarayonini yengillashtiradi.

### 4. Reflektiv tahlil

Reflektiv tahlil — bu mashg‘ulot yoki amaliyot natijalarini tahlil qilish va o‘z faoliyatini baholash jarayoni. Bo‘lajak o‘qituvchilar bu usul orqali o‘zining o‘qituvchilik faoliyatini tahlil qilish va kelgusi mashg‘ulotlarni yaxshilash yo‘llarini aniqlashlari mumkin.

**Xulosa.** Bo‘lajak chet tili o‘qituvchilarida tanqidiy fikrlash qobiliyatini rivojlantirish ularning kasbiy tayyorgarligining muhim qismidir. Tanqidiy fikrlash nafaqat o‘quv jarayonining samaradorligini oshiradi, balki o‘qituvchining o‘z kasbiy faoliyatida innovatsion yondashuvlardan foydalanish imkoniyatini ham kengaytiradi.

Ushbu maqolada ta’kidlangan metod va yondashuvlar bo‘lajak o‘qituvchilarning analitik va ijodiy qobiliyatlarini shakllantirishda muhim ahamiyat kasb etadi. Ta’lim jarayonida interaktiv usullarni keng qo‘llash, muammoli vaziyatlar yaratish va reflektiv tahlildan foydalanish chet tili o‘qituvchilarining kelajakdagi faoliyatida muhim asos bo‘lib xizmat qiladi.

### Adabiyotlar/Литература/References:

1. Abdurahmonov Q. H. Ta’limda innovatsion texnologiyalar: nazariya va amaliyot. — Toshkent: Fan va texnologiyalar, 2020. — 256 b.
2. Ahrorova N, "The collected myths of a group of people" [https://scholar.google.com/scholar?cluster=10350961352370301658&hl=en&as\\_sdt=0.5&scioq=ahrorova+nigina#:~:text=Integration%20Conference%20on%20Integration%20of%20C2%A0%E2%80%A6%2C%202022%20%2D%20conferenceseries](https://scholar.google.com/scholar?cluster=10350961352370301658&hl=en&as_sdt=0.5&scioq=ahrorova+nigina#:~:text=Integration%20Conference%20on%20Integration%20of%20C2%A0%E2%80%A6%2C%202022%20%2D%20conferenceseries)
3. Baxtiyorova, Sabrina, and Mohigul Jamolova. "USING FAIRY TALES TO ENHANCE COMPREHENSION SKILLS." *Modern Science and Research* 3.12 (2024): 873-876.
4. Bakhtiorovna, Jamolova Mokhigul. "Techniques for Fostering English Language Critical Thinking in Elementary School Pupils by Using Fairy Tales." *Excellencia: International Multi-disciplinary Journal of Education* (2994-9521) 2.4 (2024): 263-268.
5. Nazarov Sh. I. *Pedagogik mahorat: nazariy asoslar va metodlar.* — Toshkent: O‘qituvchi, 2019. — 312 b.
6. Usmonova D. T. *Zamonaviy pedagogikada interaktiv usullar.* — Toshkent: Sharq, 2021. — 284 b.
7. Hamidov R. A., Abdurahmonov Q. H. *Chet tili ta’limida ijodkorlikni shakllantirish.* — Toshkent: Ma’rifat, 2018. — 197 b.
8. Yusupova G. R. *Pedagogik refleksiya: nazariy va amaliy jihatlari.* — Toshkent: Adolat, 2020. — 228 b.
9. Karimov U. T. *Chet tili o‘qitishda tanqidiy fikrlash ko‘nikmalarini rivojlantirish.* — Toshkent: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2022. — 214 b.
10. Z.I, R. ., & Nigina, A. (2023). MYTHS AS DEPICTIONS OF HISTORICAL EVENTS. *Integration Conference on Integration of Pragmalinguistics, Functional Translation Studies and Language Teaching Processes*, 206–208. Retrieved from <https://conferenceseries.info/index.php/online/article/view/1047>



**Received:** 20 December 2024

**Accepted:** 5 January 2025

**Published:** 15 January 2025

*Article / Original Paper*

## **SEMIOTIC APPROACH TO IMPROVING THE TEACHING OF PROGRAMMING LANGUAGES TO FUTURE COMPUTER SCIENCE TEACHERS**

**Rakhmatov Mirzo Mukimovich,**  
Bukhara State Pedagogical Institute,  
Independent Researcher

**Abstract.** This article presents a forecast, analysis of results, as well as proposals and recommendations for improving the teaching of programming languages to future computer science teachers in universities based on a semiotic approach.

**Keywords:** computer science, programming languages, teacher, semiotic approach.

## **BO'LAJAK INFORMATIKA O'QITUVCHILARIGA DASTURLASH TILLARINI O'QITISHNI TAKOMILLASHTIRISHDA SEMIOTIK YONDASHUV**

**Raxmatov Mirzo Mukimovich,**  
Buxoro davlat pedagogika instituti,  
mustaqil izlanuvchisi  
Email: [raxmatov\\_mirzo@buxdpi.uz](mailto:raxmatov_mirzo@buxdpi.uz)

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada universitetlarda bo'lajak informatika o'qituvchilariga semiotik yondashuv asosida dasturlash tillari fanini o'qitishni takomillashtirish bo'yicha prognoz, natijalar tahlili hamda taklif va tavsiyalar keltirilgan.

**Kalit so'zlar:** informatika, dasturlash tillari, o'qituvchi, semiotik yondashuv.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V5I1Y2025N59>

**Kirish.** Hozirgi vaqtda mamlakatimiz ta'lim tizimi modernizatsiya holatida hamda bu zamonaviy dunyoda ro'y berayotgan chuqur tarkibiy o'zgarishlar bilan bog'liq bo'lib, umumta'lim va kasbiy tayyorgarlikni qurishga yangicha yondashuvlarni ishlab chiqishni, shu bilan birga, ta'lim-tarbiya tizimini bir vaqtning o'zida birlashtirgan holda ishlab chiqishni talab etmoqda. Texnologik va fundamental tamoyillar ham bir vaqtning o'zida ta'limni axborotlashtirish hamda fundamentallashtirishning zamonaviy talablariga javob beradi. Bundan tashqari, zamonaviy ta'limning eng muhim talabi — talabalarga nafaqat bilimlar tizimini ta'minlash, balki ularni samarali yo'llar bilan yetkazishni, har qanday sohada yangi ilmiy bilimlarni egallash, amaliyotda qo'llashni hamda o'zgartirish va mustaqil ravishda rivojlantirishni taqozo etmoqda.

**Adabiyotlar tahlili va metodologiyasi.** Ta'limni modernizatsiyalash hamda pedagogik nuqtai nazardan fanni rivojlantirishning ushbu yo'nalishlari bo'yicha yurtimiz va xorijda A.A. Abduqodirov, N. Tayloqov, A.P. Ershova, S.A. Jdanova, V.P. Lapchika, G.A. Bordovskiy, V.A. Bolotov, A.A. Kuznetsov, V. S. Lednev, V.V. Laptev, V.V. Kraevskiy, B. S. Gershunskiy,

V.V. Davydova va boshqalar o'z hissalarini qo'shganlar. Ularning izlanishlarining natijalari asosan bo'lajak informatika o'qituvchilarini tayyorlash jarayonida informatika fanini o'qitish vazifalarini uch guruhga bo'lish bular informatikani axborotni qayta ishlash texnologiyasi sifatida o'rganish (kompyuter savodxonligini shakllantirish), informatikani fundamental fan sifatida o'rganish vazifasi va nihoyat, axborot madaniyatini shakllantirish vazifasi kabilardir. Ushbu vazifalar doirasida, amaliyot shuni ko'rsatadiki, informatika fanining foydalanuvchi (texnologik) jihati bo'yicha o'qitish birinchi o'ringa chiqayotganiga qaramay, algoritmlash va dasturlash, fanining nazariy (fundamental) jihatlari o'rgatiladi. Masalan, S.A. Jdanov, V.L. Matrosoy, M.P. Shari va boshqalarning ishlarida bo'lajak informatika o'qituvchilari uchun ikkinchi avlod davlat ta'lim standartida nazariy va uslubiy yo'nalish mazmunini shakllantirishda ustunlik qilish tendensiyasi ko'rsatilgan.

Dasturlash kurslarda o'rganiladigan ilmiy fanlar sohasidagi fundamental bilimlarning nazariy darajasi oldingi standartga nisbatan sezilarli darajada mustahkamlangan. Oliy ta'limi davlat ta'lim standartining birinchi avlod standarti, 1995-yilda ishlab chiqilib quyidagilarni o'z ichiga oladi: "Nazariy informatika", "Diskret matematika", "Abstrakt va kompyuter algebrasi", "Algoritmlar nazariyasi", "Sun'iy intellekt asoslari". Ushbu fanlari va dasturiy-texnologik va fan-uslubiy sikl fanlarini o'rganish, konsepsiya yuqoridagi olimlarning fikriga ko'ra, tegishli axborot dunyo qarashi va uzoq muddatli istiqbolga mo'ljallangan zarur kasbiy vositalarga ega bo'lajak mutaxassisni shakllantirishni ta'minlaydi [1, 6, 7].

Kadrlar tayyorlash mazmuniga bunday yondashish, bizningcha, hozirgi davlat siyosatining dolzarb yo'nalishlaridan biri bo'lgan informatika o'qituvchilari ta'limini fundamentallashtirish muammolarini hal etish imkonini beradi. Universitetlarda informatika yo'nalishi bo'yicha fundamental o'qitish doirasidagi eng mashhur ishlar E.I.Kuznetsov, M.V.Shvetskiy, N.I.Ryjova, E.N.Bobonova va boshqalar tomonidan olib borilgan bo'lib hozirgi vaqtda ilmiy fanlarni o'qitishda bo'lajak mutaxassisni tayyorlashda kompetensiyaga asoslangan yondashuv keng qo'llanila boshlandi. Kompetensiyaviy yondashuvlar bo'yicha M. Stobart, V. Chinapax, Y.I. Lested, G.V.Vayler, M.V.Ryjakov, V.A.Kalney, A.V.Xutorskoy, V.A.Slastenin, A.Yu.Uvarova, A.L.G.Smolyaninovoy va boshqalar tomonidan keng ko'lamli izlanishlar olib borilib ularning ishlarida o'quv maqsadlari ko'pincha muayyan faoliyat turlari sifatida tushuniladigan vakolatlar majmuasi shaklida bayon qilingan.

**Muhokama.** Ta'limda kompetensiyaga asoslangan yondashuvdan foydalanish sohasidagi ko'plab tadqiqotlarini hisobga olgan holda M. Xalstead, T.Orji, A. Pinskiy va boshqalar tomonidan ko'plab ishlar amalga oshirilgan bo'lsa-da, bizning fikrimizcha, kompetensiyani: birinchidan, bilimni malakaga aylantirish texnologiyasi sifatida; ikkinchidan, kasbiy faoliyatda bir nechta belgilar tizimini (semeotik nuqtai nazaridan, bu tabiiy va rasmiy tillar) ongli ravishda egallash sifatida qarash lozim.

Shu munosabat bilan ta'limga semiotik yondashuvni qo'llash, ya'ni umuman o'quv jarayonining va xususan, o'quv fanining sintaktik, semantik va pragmatik tomonlarini ham o'qituvchi pozitsiyasidan, ham talabaning pozitsiyasi belgilab olishni talab etadi.

Shu o'rinda shuni ta'kidlash joizki, semiotika fanning turli predmet sohalarini o'rganishga semiotik yondashuv asosini tashkil etuvchi asosiy g'oyaviy tamoyillari sifatida quyidagi olimlar jumladan S.Ch. Pirs, C.V. Morris (belgi semiotikasi), F.De Sossyur (tabiiy til semiotikasi), L.Vitgenshteyn (imo-ishora semiotikasi va til falsafasi), M.Yu.Lotman (semiotika), madaniyati, tabiiy til semiotikasi), R. Bart (madaniyat semiotikasi, til va moda semiotikasi),

Yu.S.Stepanov, B.A.Uspenskiy (mavhum semiotika) va boshqalar keng ko‘lamli izlanishlar olib borilgan [3].

Informatika fanini o‘qitishda semiotik yondashuvdan foydalanishda A.A.Veryaevning fikriga ko‘ra, “Informatika” fanining tabiati bilan belgilanadi, bunda ham gnoseologik, ham antologik nuqtai nazardan o‘rganish obyekti va predmeti — bizni o‘rab turgan dunyoda oqayotgan axborot jarayonlari va ularning modellarini, ikkalasi ham har xil turdagi belgilar tizimidir mos ravishda tabiiy va sun‘iy. Bundan kelib chiqadiki, informatika fanini o‘qitishda semiotika fanining asosiy o‘rganish obyekti bo‘lgan belgilar tizimini o‘rganishga alohida e‘tibor qaratish lozim [4].

Shunday qilib, ushbu tadqiqot ishining dolzarbligi ta‘limni modernizatsiya qilishning dolzarb yo‘nalishlarini o‘rganishga fundamental va semiotik yondashuv doirasida olib borilgan va dasturlash tillarni fundamental o‘qitish va dasturlash usullari muammolariga bag‘ishlangan. Dasturlash tillarining semiotikasi sifatida tadqiqotining dolzarbligini aniqlaydigan faktlarni keltiramiz.

1. O‘qitishni fundamentallashtirish zarurati bo‘lajak informatika o‘qituvchilari tomonidan semiotika elementlarini o‘rganish zarurligini taqozo etadi, chunki algoritmlarni yozish uchun rasmiy tillar ishora tizimlari bo‘lib, nazariy informatika asosining bir qismini tashkil qiladi.

2. Ma‘lumki:

a) falsafiy va matematik mantiq paradigmatlari;

b) algoritmlar nazariyasida “algoritm” tushunchasini tavsiflash uchun paradigmatlari;

c) dasturlash paradigmatlari;

d) algoritmlarning ham, dasturlash tillarining ham semantik modellari (yoki “paradigmatlari”ning ko‘pligi. Shu sababli, ushbu paradigmatlarni qaysi birini tanlash yoki boshqacha qilib aytganda, bunday ko‘p paradigmatlik sharoitida qaysi biri eng kerakligi haqidagi savolga javob topish dolzarbdir.

O‘quv jarayoniga kiritilgan semiotika g‘oyalari, bizning fikrimizcha, interparadigmatik aloqalarni o‘rnatishga imkon beradi I.A. Kolesnikovaning fikriga ko‘ra, paradigmatik aks ettirishni o‘rnatish, bu bizga fanlararo va fanlararo bilan solishtirganda bilim integratsiyasining yuqori darajasiga erishishga imkon beradi [2].

3. Informatika fanini o‘qitish metodikasining muhim masalalari talabalarning formal lingvistik kompetensiyani egallash zaruriyati bilan bog‘liq masalalardir. Y.N.Karaulovga fikriga ko‘ra rasmiy lingvistik kompetensiya orqali biz shaxsning rasmiy tillarda ilgari unga noma‘lum bo‘lgan, u tomonidan ishlab chiqilmagan va u eshitmagan matnlarni yaratish va tushunish qobiliyatini tushunamiz.

4. Dasturlash fanini o‘qitishda talabalar odatda fan dasturidagi tanlagan dasturlash tilining sintaksisi va substantiv operativ semantikasini o‘rganadilar. Dasturlash tillarining pragmatik jihatini o‘rgatish bo‘lajak informatika o‘qituvchilariga ma‘lum sohalaridagi muammolarni hal qilish asosida talabalarning kasbiy yo‘nalishiga yo‘naltirilgan kompetensiyalarini shakllanishiga olib keladi.

5. Dasturlash tillarining semiotikasini o‘rgatish talabalarga matematika, matematik mantiq va informatika kurslarida o‘rganiladigan ko‘plab tushunchalar o‘rtasida fanlararo aloqalarni o‘rnatish imkonini beradi, ularni tushunish informatika o‘qituvchisi uchun ham, matematika o‘qituvchisi uchun ham muhimdir. Semiotika g‘oyalaridan foydalanib, quyidagi

fanlar o'rtasida aloqa o'rnatish mumkin: "Diskret matematika asoslari", "Matematik mantiq", "Algoritmlar nazariyasi", "Dasturlash tillari va tarjimonlar nazariyasi", "Dasturlash". Semiotika elementlarini bilish dasturlash matematikadan kelib chiqqanligini va uning sohasi ekanligini ko'rsatish uchun zarur, ayniqsa dasturlashning asosi algoritmlar nazariyasi bo'lganligi sababli. Bo'lajak informatika o'qituvchilariga dasturlash tillarining semiotikasini o'rgatish ularning dunyoqarashini, xususan, dasturlashni matematik fan sifatida, dasturchini esa matematik sifatidagi qarashlarini shakllantirishga hissa qo'shishi bilan muhimdir. Bundan tashqari, maktab dasturlari va informatika bo'yicha darsliklarning tahlili shuni ko'rsatdiki, maktabning "Informatika" kursi u yoki bu darajada dasturlash tillarining semiotikasi (asosiy operatorlar va o'rganilayotgan dasturlash tilida asosiy konstruksiyalarni yozib olish) masalalarini o'zida aks ettirgan bo'lib, ularning mazmunli operativ semantikasi, sintaktik va semantik xatolar, dasturning to'g'riligi, dasturning to'g'riligini isbotlash uchun olingan natijalardan foydalanish, dasturlarni tuzatish tamoyillari va usullari, eng ko'p qo'llaniladigan dasturlash tillarini qo'llash sohalari kabilarni o'z ichiga oladi [6].

Shunday qilib, bo'lajak informatika o'qituvchilarini fundamental tayyorlashning metodik tizimini muvaffaqiyatli amalga oshirish uchun ularni dasturlash tillarining semiotikasi sohasida o'qitish zarur.

Yuqoridagilar tadqiqotning dolzarbligini belgilaydi va tadqiqot muammosini shakllantirishga imkon beradi: bo'lajak informatika o'qituvchilariga dasturlash tillarining semiotikasini o'rgatish metodikasini qurish, bir tomondan, zamonaviy rivojlanish darajasiga mos keladi. Informatika fani esa yangi davlat ta'lim paradigmasiga, shuningdek uni ta'lim predmeti shaklida amalga oshirishga xizmat qiladi.

**Natijalar.** Dasturlash tillarining semiotikasini o'qitish metodikasi doirasida tuzilgan metodika asosida tashkil etilgan ma'ruza hamda amaliy mashg'ulotlarda talabalarga dasturlash tillarining falsafiy, semiotik va matematik asoslari haqidagi bilimlarni hamda dasturlash tillarining sintaktik, semantik va pragmatik jihatlari haqidagi bilimlarni shakllantirish imkonini beradi. Hamda ularga kelajakdagi o'qituvchilik faoliyatida maktab o'quvchilarining ta'limini informatika fanini o'qitishga istiqbolli semiotik yondashuvdan boshlab qurish imkonini beradi [5].

Yuqoridagi muammoni hal qilish va tadqiqot natijalarining gipotezasining ishonchligini tekshirish uchun oldimizga quyidagi vazifalar qo'ydik.

Birinchi guruh (nazariy xarakterdagi vazifalar) — bo'lajak informatika o'qituvchilariga dasturlash tillarining semiotikasini o'qitish mazmunini tanlashni asoslash:

a) dasturlash tillarining semiotikasini o'qitish metodikasi sohasida tadqiqot metodologiyasini tanlash;

b) ilmiy-metodik adabiyotlar tahlili asosida dasturlash tillari semiotikasini o'qitish metodik tizimining mazmunini tanlash uchun asos bo'ladigan "dasturlash tili" tushunchasiga semiotik yondashuv nuqtai nazaridan aniqlik kiritish;

v) ta'lim mazmunini tanlashning umumiy didaktik tamoyillari bilan bir qatorda, metodik tizim elementi sifatida bo'lajak informatika o'qituvchilariga dasturlash tillarining semiotikasini o'qitish mazmunini tanlash tamoyillarini shakllantirish. Ushbu asosiy vazifa asosda yangi ta'lim paradigmasini fundamentallashtirilgan holda bo'lajak informatika o'qituvchilariga dasturlash tillarining semiotikasini o'qitish mazmunining nazariy modelini qurish va uni tanlash texnologiyasini shakllantirish.

Ikkinchi guruh (texnologik xarakterdagi vazifalar) — bo'lajak informatika o'qituvchilariga dasturlash tillarining semiotikasini o'rgatish uslubiy tizim elementlarining mazmunini tanlashni amalga oshirish:

a) tuzilgan nazariyaga muvofiq. mazmun modeli, ma'lum bir fanning bo'limlaridan (yoki mavzularidan) biri misolida bo'lajak informatika o'qituvchilariga dasturlash tillarining semiotikasini o'qitishda mos ta'lim texnologiyasini tanlash;

b) dasturlash tillari semiotikasini o'qitishning tegishli usullari, shakllari va vositalarini tanlash;

c) maktab informatika kursi mazmunida ko'rib chiqiladigan dasturlash tillari semiotikasi masalalari doirasini aniqlash.

Uchinchi guruh (eksperimental xarakterdagi vazifalar):

a) dasturlash tillari semiotikasi kursini qurish uchun tushunchalarni shakllantirish;

b) dasturlash tillarining semiotikasini o'qitish bo'yicha tuzilgan metodikasini tajriba-sinovdan o'ziga xos tarzda o'tkazish.

Tadqiqot doirasida ishlab chiqilgan metodika asosida quyidagi natijalar olindi:

1) dasturlash tillarining semiotikasini o'qitishning modeli sifatida tadqiqoti metodologiyasining asosi metodologik nazariyani ishlab chiqildi;

2) ta'limning tuzilishi va mazmunini o'rganish ta'limni fundamentallashtirish konsepsiyasiga, ta'limga semiotik va paradigmalararo yondashuvlarga, ya'ni madaniyat, ta'lim, dasturlash tillari va boshqa o'rganish obyektlariga belgi sifatida qarashga asoslandi. tizimlar va ushbu obyektlarni uch jihat — sintaktik, semantik va pragmatik munosabatlar nuqtai nazaridan ko'rib chiqildi;

3) dasturlash tillarining semiotikasini o'qitishdagi muvaffaqiyat o'qitish usullari, vositalari va shakllarini tanlashga, dasturlash tillari sintaksisining mazmuni va rasmiy jihatlarini va turli xil semantikalarini o'rganish ketma-ketligiga bog'liq o'qitish usullari, vositalari va shakllarini tanlash o'qitish mazmunida belgilangan dasturlash tillarining sintaksisi va semantikasi modellari asosida amalga oshirildi.

Dasturlash tillarini semiotik yondashuv asosida o'qitish metodikasi ishlab chiqildi. Ushbu ishlab chiqilgan metodikani samaradorlik darajasini aniqlash maqsadida tajriba-sinov ishlari olib borildi.

Tajriba-sinov ishlari Buxoro davlat universitetining 106 nafar talabasi va 20 nafar professor-o'qituvchisi, Navoiy davlat universitetining 120 nafar talabasi va 30 nafar professor-o'qituvchisi, Samarqand davlat universitetining 103 nafar talabasi va 25 nafar professor-o'qituvchisi jalb etildi. Tajriba-sinov ishlarini o'tkazish uchun yuqorida keltirilgan oliy ta'lim muassasalari talabalari tajriba va nazorat guruhlariga ajratildi. Talabalarning tajriba va nazorat guruhiga ajratishda, ularning bilimlari og'zaki, yozma va test shaklda baholandi. Ushbu tajriba-sinov ishlariga jalb etilgan talabalarning natijalari (xi-kvadrat) kriteriyasi asosida matematik-statistik tahlil qilindi. Mazkur kriteriyadan foydalanishda tanlanmalar uchun mos o'rta

qiymatlar  $\bar{X} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^4 n_i X_i$ ,  $\bar{Y} = \frac{1}{m} \sum_{j=1}^4 m_j X_j$ , tarqoqlik koeffitsiyentlarini  $D_n = \sum_{i=1}^4 \frac{n_i (x_i - \bar{X})^2}{n-1}$ ,

$D_m = \sum_{j=1}^4 \frac{m_j (y_j - \bar{Y})^2}{m-1}$ , o'zlashtirish ko'rsatkichlarini aniqlashda esa  $A\% = \frac{\bar{X}}{4} \cdot 100\% - \frac{\bar{Y}}{4} \cdot 100\%$

formulalardan foydalanildi. Hisoblash natijasiga ko'ra, tajriba guruhining o'rtacha o'zlashtirish ko'rsatkichi nazorat guruhiga nisbatan yuqori ekanligi, ya'ni 11 % ga oshganligi ma'lum bo'ldi.

**Xulosa.** Ushbu tadqiqot ishida universitetlarda dasturlash tillarni o'qitish va dasturlash usullari mazmuniga dasturlash tillari semiotikasiga bag'ishlangan savollar blokini kiritish ularning fundamental tizimini muvaffaqiyatli amalga oshirishga yordam beradi. Ishlab chiqilgan o'qitish tizimi talabalarga dasturlash tillari semiotikasi bo'yicha bilim va ko'nikmalarni egallashga yordam beradi.

#### **Adabiyotlar/Литература/References:**

1. Андерсон Р. Доказательство правильности программ. М.: Мир, 1982. - 287 с.
2. Колесникова И.А. Основы технологической культуры педагога. — СПб.: Дрофа, 2003. 285 с.
3. Пирс Ч.С. Избранные философские произведения. М.: Логос, 2000. - 411 с.
4. Веряев А. А. Семиотический подход к образованию в информационном обществе: Автореф. . д. п.н. Барнаул, 2000. - 39 с.
5. Лавров С. С. Лекции по теории программирования. СПб.: НЕСТОР, 1999. - 108 с.
6. Математическая логика в программировании; Сб.ст. М.: Мир, 1991. - 408 с.
7. Кузнецова В. А. Теория и практика многоуровневого университетского педагогического образования.- Ярославль: ЯГУ,1995. 268 с.

**Received:** 20 December 2024

**Accepted:** 5 January 2025

**Published:** 15 January 2025

*Article / Original Paper*

## **THEORETICAL AND PRACTICAL FOUNDATIONS OF THE CULTIVATION OF A COLLOQUIAL CULTURE**

**Umirova Mamlakat Imomovna**

Lecturer of "International school of finance technology and science" institute

**Abstract.** This article reflects on the development of oral and written speech of students in native language lessons. Tasks have been developed aimed at the formation of the skill of using language capabilities in speech communication. Information is given about the explanation of words and ways of reflecting their spiritual groups in linguistic consciousness.

**Keywords:** colloquial communication, colloquial competence, linguistic competence, embarrassing words, colloquial culture, lexical meaning, linguistic consciousness, active words.

## **NUTQIY MADANIYATNI O'STIRISHNING NAZARIY VA AMALIY ASOSLARI**

**Umirova Mamlakat Imomovna,**

"International school of finance technology and science" instituti o'qituvchisi

E-mail: [umirovamamlakat4@gmail.com](mailto:umirovamamlakat4@gmail.com)

**Annotatsiya.** Mazkur maqolada ona tili darslarida o'quvchilarning og'zaki va yozma nutqini rivojlantirish haqida fikr yuritilgan. Til imkoniyatlaridan nutqiy muloqotda foydalanish ko'nikmasini shakllantirishga qaratilgan topshiriqlar ishlab chiqilgan. So'zlarning izohi va ularning ma'naviy guruhlarini lingvistik ongda aks ettirish usullari haqida ma'lumot berilgan.

**Kalit so'zlar:** nutqiy muloqot, nutqiy kompetensiya, lingvistik kompetensiya, uyadosh so'zlar, nutqiy madaniyat, lug'aviy ma'no, lingvistik ong, faol so'zlar.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V5I1Y2025N60>

Umumiy o'rta ta'lim bosqichida o'quvchilarning og'zaki va yozma nutqini o'stirish, ijodiy fikrlash hamda til imkoniyatlaridan nutqiy muloqotda samarali foydalanish ko'nikmalarini kengaytirish muhim ahamiyat kasb etadi. Ushbu jarayon samaradorligini o'stirish uchun zamonaviy lingvodidaktik yondashuvlar asosida ishlab chiqilgan metodlar tatbiq etiladi. O'quvchilarning og'zaki va yozma nutqini o'stirish ularga aniq ko'nikmalarni singdirish demakdir.

O'quvchilarning nutqiy muloqot qobiliyatlarini shakllantirish, tilimizning boy imkoniyatlaridan to'g'ri va samarali foydalana olish ko'nikmalarini rivojlantirishda ona tili ta'limining ahamiyati katta. Kommunikativ savodxonlikni ta'minlash murakkab ta'limiy faoliyat sanaladi. Ona tili darslarida nutqiy-uslubiy ko'nikmalar zanjirini hosil qilish uchun darsda va darsdan tashqari turli lingvo-psixologik hamda aqliy topshiriqlarni bajartirish mumkin. Ushbu topshiriqlarni to'g'ri va maqsadli tashkil qilish asosida dinamik rivojlanish, egallangan grammatik bilimlarning, ko'nikma va malakalarning zamon hamda makon doirasida yaxlit holda nutqiy kommunikativ imkoniyatlarni rivojlantirishga xizmat qilishiga erishish mumkin.

Tilning leksik imkoniyatlaridan foydalanish haqida soʻz yuritar ekanmiz, pedagogik mahorat haqida ham qisqacha toʻxtalib oʻtamiz. Oʻqituvchi darsda oʻquvchini taʼlim jarayonining obyekti emas, balki subyektiga aylantira olishi lozim.

Oʻquvchi subyekt sifatida ishtirok etadigan dars jarayoni “ ... kuzatish, taqqoslash, guruhlash, umumlashtirish kabi aqliy faoliyat usullaridan unumli foydalana olishni talab etadi. Oʻquvchi taʼlim jarayonining faol ishtirokchisiga aylansagina, u til hodisalarini kuzatib, taqqoslab, ular oʻrtasidagi oʻxshash va farqli tomonlarni aniqlaydi, muayyan belgilariga qarab guruhlarga ajratadi, har bir guruhni qanday qilib mustaqil davom ettirish mumkinligini anglab yetadi, shaxsiy kuzatishlarga asoslanib, hukm va xulosalar chiqara oladi”.[1] Bu jarayonda oʻquvchi subyekt sifatida, oʻqituvchi esa nazoratchi, tashkilotchi va boshqaruvchi sifatida ishtirok etadi. Ona tili taʼlimi jarayonida yuqorida sanab oʻtilgan 4 bosqich chambarchas bogʻliq ravishda olib borilishi kerak. Zero, shu usuldan foydalanilsa, oʻquvchilarga tilning lugʻat tizimini oʻrgatish va uni faol soʻzlar lugʻatida aks ettirish, nutqiy kommunikatsiyani rivojlantirish vazifalari mustahkamroq bajariladi.

Yozma va ogʻzaki nutqni hosil qilish, uni rivojlantirish doimiy davom etadigan jarayon hisoblanadi. Bolalarda nutqiy koʻnikma yillar davomida shakllantirib boriladi. Bu jarayonda ona tili oʻqituvchilarining masʼuliyati katta. Oʻquvchilar soʻz boyligini oshirishda lugʻat daftarini yuritish ham yuqori darajada samara beradi. Lugʻat daftarini yuritishni boshlangʻich sinfdan boshlash maqsadga muvofiq boʻladi. Oʻquvchilar kundalik hayotida oʻzi duch kelgan notanish soʻzlarning izohini oʻrganadilar va ularni lugʻat daftariga qayd qilib boradilar. Lugʻat daftarda qayd qilingan soʻzlar maʼnolari yuzasidan topshiriqlarni ham berish mumkin.

Tasavvur qiling: agar bir oʻquvchi kun davomida kamida 5 ta soʻzni oʻrganib, uni lugʻat daftariga yozib, topshiriqlarni bajarib borsa, bir oy davomida 150 ta, bir yilda esa oʻrtacha 1 800 ta soʻz bilan tanishadi. Agar oʻquvchini qiziqтира olsangiz va oʻquvchilarning bu vazifani qunt bilan bajarishiga erisha olsangiz, bu koʻrsatgich yanada yuqori boʻlishi mumkin.

Oʻquvchilarda ogʻzaki va yozma nutq koʻnikmasini rivojlantirish ustida ish olib borish borasida “MYBT — 4” ( matn yaratishning bosqichli tizimi)dan foydalanish yuqori samaraga olib keladi.

“MYBT — 4” moduli — matn yaratishning bosqichli tizimi. Ushbu modul 4 bosqichda amalga oshiriladi: 1) soʻz tanlash; 2) soʻz birikmalari hosil qilish; 3) gap tuzish; 4) matn yaratish. Bu usulda soddadan murakkabga qarab boriladi.

Masalan:

1. Soʻz: atirgul.

2. Soʻz birikmasi: rang-barang atirgul.

3. Gap: Men bugun rang-barang atirgullarni uzdim.

4. Matn: Mening bobom bogʻbon. Bobomning gulzori boʻlib, bobom u yerda turli xildagi gullarni yetishtiradilar. Biz yakshanba kunlari bobomga yordam bergani kelamiz. Men bugun rang-barang atirgullarni uzib bobomga yordamlashdim. [2]

“MYBT — 4” moduli oʻquvchilarning til birliklari yuzasidan hosil qilgan lingvistik kompetensiyalari asosida ularning nutqiy kompetensiyalarini rivojlantirish imkonini beradi.

Maʼlumki, lugʻaviy zaxiralar hosil qilishda uyadosh til birliklarining ahamiyati katta. Nutqda uyadosh soʻzlardan qanchalik koʻp foydalanilsa, fikrni toʻgʻri, ravon, izchil, qiziqarli, shu bilan bir qatorda, batafsilroq ifodalash yoʻllari shuncha kengayadi, oʻquvchida milliy til imkoniyatlaridan xususiy nutqda foydalanish imkoniyatlari shakllanadi va mustahkamlanadi.



Uyadosh soʻzlar oʻquvchilarni oʻzbek tilining lugʻat tizimini umumiy va xususiy maʼno asosida qiyosan oʻrganishga undaydi.

Uyadosh soʻzlar yuzasidan quyidagi usullarda topshiriqlar bajartirish mumkin:

- 1) berilgan soʻzning uyadoshlarini topish;
- 2) berilgan soʻzning antonimlari uyadoshlarini topish;
- 3) uyadosh soʻzlarning xususiy maʼnolarini umumiy maʼnoga birlashtirish;
- 4) matnda ajratib koʻrsatilgan soʻzlarni uyadoshlari bilan almashtirish;
- 5) rasm asosida yozma yoki ogʻzaki tasviriy matn yaratish va hokazo.

Quyida uyadosh soʻzlar yuzasidan tuzilgan aqliy topshiriq haqida fikr yuritamiz.

Yuqorida taʼkidlab oʻtilganidek, uyadosh soʻzlar yuzasidan kuzatish, taqqoslash, guruhlash, umumlashtirish kabi toʻrt bosqichli aqliy faoliyat mashqini oʻtkazish oʻquvchilarning nutqiy taraqqiyotida muhim ahamiyat kasb etadi, uyadosh soʻzlardan nutq jarayonida foydalanish malakalarini yanada kengaytiradi.

1-bosqichda oʻquvchilarga quyida berilgan soʻzlar havola etiladi: *kashtan, rovoch, kosa, arpabodiyon, qoshiq, tut, noʻxat, loviya, dalachoy, olabuta, pomidor, sabzi, qirgʻich, qovun, tol, olma, xurmo, majnuntol*. [3]

Oʻquvchilar yuqoridagi soʻzlar bilan tanishadilar, ularni rasm asosida yoki xayolan kuzatadilar.

2-bosqichda esa oʻquvchilarning aqliy faoliyati yanada faollashtiriladi. Ular soʻzlarni bir-biriga taqqoslaydilar, ularning bir-biridan farqli va oʻxshash jihatlarini topadilar.

3-bosqich hal qiluvchi sanaladi. Bu bosqichda oʻquvchilarning mustaqil fikr yurita olish qobiliyatlarini yanada mustahkamlashga erishish mumkin. Kuzatganlari asosida mustaqil ravishda uyadosh soʻzlar lugʻatini tuzadilar va soʻzlarni oʻxshash va farqli jihatlariga koʻra turlarga ajratadilar. Uyadosh soʻzlarning xususiy maʼnolarini umumiy maʼnoga birlashtiradilar:

- 1) dorivor oʻsimliklar: rovoch, arpabodiyon, dalachoy, olabuta;
- 2) oshxona buyumlari: qoshiq, kosa, qirgʻich;
- 3) manzarali daraxtlar: kashtan, tol, majnuntol;
- 4) mevali daraxtlar: tut, olma, xurmo;
- 5) dukkakli oʻsimliklar: noʻxat, loviya.

4-bosqichda esa oʻquvchilarga oʻz fikrini himoya qilish imkoniyati beriladi, yaʼni ular yuqoridagi 3 bosqichda olib borgan aqliy faoliyatiga yakuniy xulosa yasab fikrlarini umumlashtiradilar va himoyalaydilar.

Oʻquvchilarga uyadosh soʻzlar yuzasidan 4 bosqichli aqliy topshiriqni bajartirish jarayonida soʻzlarni xotirada oʻxshash belgilariga koʻra saqlash hamda faol soʻzlar lugʻatini boyitish bilan bir qatorda, oʻz fikrlarini erkin ifoda eta olish va nutqiy kommunikativ koʻnikmalar rivojlantiriladi.

Bunday aqliy topshiriqlar yordamida tilning lugʻat boyligi bosqichma-bosqich oʻzlashtirilib, faol soʻzlar lugʻati boyitib boriladi.

“Maʼlumki, soʻz va tasavvurlar asosida mantiqiy fikrlash qobiliyati bolalarning 11-12, 15-16 yoshlarida koʻproq rivojlanadi. Bu davr V-IX sinflarga toʻgʻri keladi. Oʻquv material va topshiriqlarning berilishida bosqichli ketma-ketlik hamda har bir mavzuni oʻrganish jarayonida oʻquvchining koʻp turdagi aqliy faoliyatini rivojlantirish, amaliyotning mavzudan mavzuga, sinfdan sinfga murakkablasha borish yoʻllari ham, oʻrganish jarayonining faol

kuzatishdan boshlanib, amaliy qo'llash bilan yakunlanishi ham ongli verbal – kognitiv – psixodidaktik asoslarga to'la mosdir"[4].

Xulosa o'rnida shuni ayta olamizki, ona tili darslarida o'quvchilarning tilning leksik imkoniyatlari va grammatik xususiyatlari mohiyatini anglab yetishlariga erishish lozim bo'ladi. O'quvchida nutqiy muloqot jarayonida o'z fikrini suhbatdoshi yoki tinglovchisi ruhiy olamiga mos ravishda yetkaza olishi yoki nutqiy muloqotdan kelib chiqib so'zlovchining maqsadini his eta olish ko'nikmasini shakllantirish lozim.

#### **Adabiyotlar/Литература/References:**

1. Ona tili o'qitish metodikasi A. G'ulomov, M. Qodirov va boshqalar. "Fan va texnologiya" nashriyoti.
2. Ziyodova T. Matn yaratish texnologiyasi. – T.: 2013. "Fan" nashriyoti.
3. O'zbek tilining izohli lug'ati (6 jildli). Toshkent-2022 G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa uyi.
4. O'zbek tili o'qitish metodikasi. B. To'xliyev, M. Shamsiyeva, T. Ziyodova. Toshkent – 2006. O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti.

**Received:** 20 December 2024

**Accepted:** 5 January 2025

**Published:** 15 January 2025

*Article / Original Paper*

## **TEACHING HISTORY AS AN OBJECT OF PEDAGOGICAL RESEARCH**

**Nafasov Arslon Komilovich**

ChDPU "Interfaculty social sciences" departmen  
senior teacher

**Abstract.** This article analyzes the teaching of history, research conducted in this area, and perceptions of history in Uzbekistan, other independent states and countries of the world. Methodology of studying history, methods used to transmit knowledge about events, cultures and civilizations of the past, as well as modern approaches.

**Keywords:** history, teaching methodology, pedagogical research, traditional education, innovative approach, competencies.

---

## **TARIX FANINI O'QITISH PEDAGOGIK TADQIQOTLAR OBYEKTI SIFATIDA**

**Nafasov Arslon Komilovich,**

ChDPU "Fakultetlararo ijtimoiy fanlar" kafedrası  
katta o'qituvchi

E-mail: [nafasovarslon707@gmail.com](mailto:nafasovarslon707@gmail.com)

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada tarix fanini o'qitish, mazkur yo'nalishda olib borilgan tadqiqotlar, O'zbekiston, MDH davlatlari hamda xorijiy davlatlarda tarix fanlariga munosabat, tarixni o'qitishdagi metodlar, o'quvchi-talabalarga o'tmishdagi voqealar, madaniyatlar va sivilizatsiyalar haqidagi bilimlarni berish uchun foydalaniladigan metodologiyalar, bugungi zamonaviy yondashuvlar haqida so'z yuritilgan.

**Kalit so'zlar:** tarix, o'qitish metodlari, pedagogik tadqiqotlar, an'anaviy ta'lim, innovatsion yondashuv, kompetensiyalar.

---

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V5I1Y2025N61>

**Kirish.** Tarixni o'qitish ta'lim o'quv dasturida muhim o'rin tutadi, u nafaqat insoniyat tajribasining ombori, balki bilimli va faol fuqarolarni shakllantirishning muhim vositasi sifatida ham xizmat qiladi. Tarix ta'limining ahamiyati o'tmishdagi voqealarni shunchaki eslab qolishdan tashqarida bo'lgan holda u tanqidiy fikrlashni, murakkab ijtimoiy dinamikani tushunishni, o'ziga xoslik va davomiylik hissini tarbiyalashni o'z ichiga oladi. Shuningdek, tarixni o'qitish bir qancha konseptual muammolarga to'la bo'lib, o'qituvchilar samarali va mazmunli ta'lim berish uchun muntazam harakat qilishlari lozim.

